

«ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ» МУЗЕЙИ

**МАҲМУДХУҶА
БЕҲБУДИЙ**

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

*I
жилд*

Тошкент
«Akademnashr»
2018

УЎК: 821.512.133
КБК: 84(5Ў)1
Б65

Б65 Беҳбудий, Маҳмудхўжа
Танланган асарлар. Ж.1. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – 512 б.

ISBN 978-9943-4299-5-6

УЎК: 821.512.133
КБК: 84(5Ў)1

XX асрдаги миллий уйғониш даври адабиётининг буюк намояндаси, миллат ходими Маҳмудхўжа Беҳбудий «Танланган асарлар»нинг ушбу биринчи жилдига адиб бадиий ижоди намуналари, 1903 – 1918 йилларда эълон қилинган ижтимоий-сиёсий мақолалари, нутқлари киритилди.

Адиб таклиф этган сиёсий лойиҳалар, унинг маҳаллий ва «Ул-фат», «Таржимон», «Шўро» каби хорижий нашрларда босилган мақола-лари, айрим архив материаллари илк бор эълон қилинмоқда.

Ушбу тўплам XX аср ижтимоий-сиёсий ва адабий тафаккурининг шаклланиши, миллий уйғониш даври билан қизиқувчи мутахассис ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Сўзбоши муаллифи, тўплаб, изоҳлар ва луғат билан нашрга тайёрловчи:
Сирожиддин АҲМАД, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, санъатшунослик фанлари номзоди

Таҳрир ҳайъати: Наим КАРИМОВ, Санжар НАЗАРОВ,
Сирожиддин АҲМАД, Баҳодир КАРИМОВ,
Зайнобидин АБДИРАШИДОВ

Масъул муҳаррир: Баҳодир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

НАШРГА ТАЙЁРЛОВЧИДАН

Ўзбек халқининг ХХ асрдаги буюк мутафаккири, адиб, публицист, жамоат ҳамда дин арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 140 йиллигига туҳфа сифатида тайёрланган ушбу «Танланган асарлар» аввалги нашрларга нисбатан тўлароқ экани билан фарқланади.

Китобни тўплаш ва нашрга тайёрлаш жараёнида қатнашган олимларимиз филология фанлари докторлари Баҳодир Каримов, Зайнобидин Абдурашидов, филология фанлари номзоди Зухриддин Исомиддиновга, мураккаб арабча сўзлар таржимаси, матнларни тушунишда ёрдам бергани учун филология фанлари доктори, атоқли олим Саидбек Ҳасановга, ёш олим Мурод Зикриллаевга самимий миннатдорлик билдирамыз. Мазкур нашрни тайёрлашда олимларимиздан Д.Рашидова, К.Турсунбоев, Ҳ.Саййид, Н.Очилов, З.Аҳророва, Н.Авазов эълон қилган материаллардан фойдаланилди. Ўзбекистон Миллий кутубхонасидан топилмаган материаллар шу кишилар эълон қилган мақолалар асосида тўлдирилди. Хориждаги ватанпарвар қардошимиз Темур Хўжа ўғлининг «Туркистонда янгилик ҳаракатлари ва ихтилоллар: 1900 – 1924» (Харлаам, 2001) китобида келтирилган Маҳмудхўжа Беҳбудий қаламига мансуб лойиҳа ҳам тикланди. Бунинг учун Темур Хўжа ўғли, Хисао Коматсу, Таҳсин Умар жанобларига ва шоир Тоҳир Қаҳҳорга самимий ташаккур айтамыз.

Адибнинг «Туркистон вилоятининг газети», «Тужжор» ва хорижий «Улфат», «Таржимон» газеталари ҳамда «Шўро» журналида босилган асарлари илк бор эълон қилинмоқда.

«Бир вафолик заифа ҳусусида ҳикоя» баёний таржимасининг тўла нусхаси топилмагани учун уни, чала бўлса-да, эълон қилиш лозим кўрилди.

Ҳурматли китобхонларга тақдим этилаётган ушбу Беҳбудий фаолиятини тўлароқ инкишоф этиш учун бир уриниш бўлгани сабабли тўпламда айрим камчиликлар бўлиши табиий. Бу камчиликлар кейинги нашрларда тўлдирилади.

ТУРКИСТОН ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОНИ

*Матлабим – арзи ҳунар ва изҳори
фаъл эмас, аҳли Ватанга қўлумдан
келгунча бир хизматдур.*

Маҳмудхўжа Беҳбудий

*Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг
кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша
вақтдаги жадидларидан унга тенг
келадигани йўқ деб ўйлайман.*

Файзулла Хўжаев

БЕҲБУДИЙНИ ТАНИШ

Туркистон халқининг миллий қаҳрамони, жамоат, маданият ва маориф арбоби, биринчи ўзбек драматурги, миллий театр муассиси, улуғ матбуотчи, адиб, таржимон Маҳмудхўжа Беҳбудий номи фақатгина Туркистон зиёлиларига эмас, балки мамлакат сарҳадларидан ошиб Осиё ва Европанинг кўпгина мамлакатларида ҳам маълум ва машҳур. Шу боис унинг ҳаёти ва фаолияти деярли бир асрдан буён тарихчи, адабиётшунос, ҳуқуқшунос, санъатшунос олимлар, қолаверса, кенг жамоатчилик назар-эътиборида. Унинг ижтимоий-иждоий фаолияти турли соҳа мутахассислари томонидан тадқиқ қилинмоқда, адабий мероси чоп этилмоқда.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва фаолиятига дастлаб эътибор қаратган шахслардан бири Г.Андреев бўлди. «Самарқандский журнал «Ойна» и его редактор-издатель Махмуд Ходжи Бегбудди» («Туркестанские ведомости». 1915 г. 17 сент.) мақоласидан кейин А.Самойловичнинг «Драматическая литература сартов» («Вестник Императорского общества востоковедов». Петроград, 1917. №5), Сиддиқий-Ажзийнинг «Самарқандда мусулмон комиссари» («Хуррият». 1917 й. №23) мақолаларини эълон қилди. Кейинчалик Беҳбудий ҳақида Садриддин Айний ёзди. Адиб

ҳақида энг кўп мақола ёзган киши, бу – машҳур драматург ва журналист Ҳожи Муъин ибн Шукрулло. Беҳбудий вафоти муносабати билан «Известия ТуркЦИК» (№70. 1922 г. 31.3) газетаси, М.Ф. имзоли шахс («Наука и просвещение». 1922 г. №1), рус хитойшунос олими Б.Пестовский («Инқилоб». 1922), А.Азимий, А.Азамат («Зарафшон». 1923), Л.Азиззода («Маориф ва ўқитғучи». 1927) мақолалари, Фитрат, Чўлпон, С.Айний, В.Маҳмуд, Ф.Рожий шеърлари чоп этилди, Заки Валидий Тўғоннинг «Бугунги турк эли, Туркистон ва унинг яқин тарихи», «Воспоминание» (Анқара, 1981; Москва, 1992 г.), А.А.Пясковский «Революция 1905 – 1907 годов в Туркестане» (Москва, 1958 г.), Файзулла Хўжаев («Туркистонда жадидчилик тарихи». Тошкент, 1926) китобларида Беҳбудий ҳаёти ва фаолиятига оид эътиборга молик маълумотлар берилди. Романовлар сулоласи миллий сиёсатининг шаклан янги, мазмунан эскидан ёмонроқ давомчиси бўлган совет тузуми, хоссатан, Ленин ва Сталиннинг оммавий жазолаш сиёсати даврида халқда ифтихор туйғусини уйғотувчи миллий қаҳрамонлар, адиблар, олимлар, хусусан, Беҳбудийнинг номи мажбурий унуттирилди. Умуман, миллат қалбида фахр ва ҳавас уйғотувчи, эл юрагида дов ва журъатни қарорлаштириб, қаҳрамонликка ундовчи ҳар бир тарихий шахс, фольклор қаҳрамони эл-юрт кўзига қоп-қора кўрсатилди.

Орадан салкам элик йил ўтгач «Ўзбек совет энциклопедияси» нашр этилиши муносабати билан Беҳбудий ҳақида мақола бериш масаласи кўтарилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Фанлар академиясида, хусусан, қомус таҳририятида Беҳбудийнинг ҳаёти, фаолияти, илмий-адабий меросини ўрганиш ва тиклаш масалаларида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Энциклопедия учун С.Қосимов, Ҳ.Воҳидов, А.Валиев ва бошқалар томонидан мақолалар тайёрланди. Лекин атоқли олим С.Қосимов томонидан ёзилган кўламдор «Маҳмудхўжа Беҳбудий» мақоласи, унинг ўз ибораси билан айтганда, «Афандининг қушига айлантирилиб», юлинган ҳолда эълон қилинди¹ (Бу воқеани С.Қосимов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида борича ёритди. Муҳокама-

¹ Бу ҳақда қаранг // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990 йил 19 – 26 январь.

ларда фалсафа, тарих, адабиётшунослик соҳасидаги 14 нафар олимнинг фикри бир жойдан чиқмади...)

90-йиллар бошида Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих, Фалсафа, Адабиёт институтлари ходимлари томонидан миллий маданиятга янгича қараш масаласи кун тартибига қўйилди. Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ташаббуси билан озарбайжон, тожик, татар, ўзбек олимларининг жадидчилик масаласига бағишланган анжумани ҳам кутилган натижани бермагани, институтнинг «XX аср ўзбек адабиёти тарихи»ни яратиш, унда Фитрат, Чўлпон ва бошқаларнинг ижодини ёритиш масаласи Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети томонидан кескин танқидга учрагани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон мустақиллиги арафасида XX асрнинг биринчи ярмида ижод қилган ва собиқ Иттифоқ ҳукумати томонидан ноҳақ жазоланган маданият, маориф, илм аҳлининг оқланиши муносабати билан 1989 йилдан эътиборан Беҳбудий ҳаёти ва ижодига янгича ёндашув пайдо бўлди.

Гарчи Солиҳ Қосимов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган мақоласида бор гапни очиқ-ойдин ёзган бўлса-да, шуни қўшимча қилиш керакки, ўша даврда, яъни собиқ Иттифоқнинг рамақижон ҳолатда эканлиги жаҳон афкор оmmasига яққол кўриниб турган бир паллада ҳам КПССнинг Ўзбекистондаги тарғиботчилари ҳали ўз маслакларидан воз кечмаган ва миллий маданий меросга янгича ёндашувдан жуда қўрқар эдилар. Шу боис ушбу масалада академияда бошланган хайрли ҳаракат охирига етмай қолди.

Мустақиллик шарофати билан матбуотда олимлар, тадқиқотчилар ва газета-журналлар ходимлари жонкуярлиги билан Беҳбудийнинг илмий-бадий асарлари сурункасига босилди. Солиҳ Қосимов, Аҳмад Алиев, Бегали Қосимов, Шерали Турдиев, Н.Норқулов, Наим Каримов, Дилором Алимова, Дилбар Рашидова, Сирожиддин Аҳмад, Ҳалим Саййид, Бойбўта Дўстқораев, Шуҳрат Очилов, Нилуфар Намозова, Зебунисо Аҳророва ва бошқалар имконият даражасида ўз илмий тадқиқотларини, фикр-мулоҳазаларини эълон қилдилар. Ажойиб олим, филология фанлари доктори Бегали Қосимов томонидан тайёрланган Маҳмудхўжа Беҳбудий «Танланган асарлар»и (ҳозиргача уч

бор нашр этилди), Н.Норқулов ва К.Раббимов «Ойна»да босилган айрим мақолаларни тўплаб нашр этишлари натижасида унинг илмий-адабий, сиёсий сиймоси жамоатчилик кўз олдида яққол гавдаланди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг пок номи, миллий маданиятда тутган ўрни ва мавқеи тикланиши Мунаввар қори Абдурашидхонов, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Тавалло, Васлий, Ажзий, Ҳожи Муъин каби маданият ва маориф намояндаларининг ижодларини кенг миқёсда ўрганиш ҳамда чоп этиш учун йўл очди. Бинобарин, миллатимиз тарихининг янгидан ёзилишига, алалоқибат тарихий адолатнинг тикланишига тоза тупроқ солди. Буларнинг барчаси Маҳмудхўжа Беҳбудий Солиҳхўжа ўғлининг басирати кучли, илмий-адабий мероси бой, маданиятимиз тарихида катта ўринга эга донишманд арбоб эканлигидан далолатдир.

ТАВАЛЛУД ВА ИНТИБОҲ

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳоли шу кунгача топилгани йўқ. Аммо тадқиқотчилар Ҳожи Муъин, Садриддин Айний ва бошқаларнинг «Меҳнаткашлар товуши», «Зарафшон», «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Известия ТуркЦИК», «Бухоро ахбори» газеталарида, «Инқилоб», «Учқун», «Маориф ва ўқитғувчи», «Наука и просвещение» журналларидаги ва мақолалари заминида унинг таржимаи ҳолини тиклаб эълон қилдилар. Сўнгги йилларда эълон қилинган архив материаллари, С.Қосимов ва З.Аҳророва уюштирган суҳбат ва материаллар, Беҳбудийнинг ўз мақолалари унинг таржимаи ҳолини тўлароқ ёритишга бирмунча имкон яратди.

Ҳожи Муъин Беҳбудийнинг тоғаси Мулла Одил сўзига асосланиб ёзишча, Беҳбудий Султон ул-орифийн ҳазрат Хўжа Аҳмад Яссавий зурриёди Қори Ниёзхўжа Урганжий авлодидир. У Амир Шоҳмурод даврида Бухорога таклиф қилинган бўлиб, ўша-ўша Самарқандда яшаб қолади ва ўз авлодини давом эттиради.

Ниёзхўжанинг Солиҳхўжа исмли ўғли бўлиб, ундан Султонхўжа ҳамда Ҳуринисо, Нажиманисо исмли бир ўғил ва икки

қиз қолган. Солиххўжа қизларини махсус ўқитиб хат-саводини чиқартирган. Қизи Ҳуринисо Қуръони Карим хатмини охирига етказгани учун «Қориябегим» деб улуғланган. Султонхўжа қориликни Ҳуринисо қориябегимдан ўрганган. Вояга етгач маҳалла масжидида имом-хатиб бўлиб ишлаш билан кифояланмай, ислом қонуншунослиги – илми фикҳ ва тўнфурушлик билан шуғуланган ва ўзига «Беҳбудхўжа» деб тахаллус олган. Бора-бора Султонхўжа исми унутилиб, барча Беҳбудий деб атаган, Маҳмудхўжа шу кишининг фарзанди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий, қизи Парвина (Сурайё)нинг берган маълумоти, Туркистон телеграф агентлигининг «Известия» газетасида эълон қилган хабари, «М.Ф.» имзоли муаллифнинг «Наука и просвещение» журналида босилган мақоласида айтилишича, 1873 йили туғилган. Садриддин Айний «Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг қисқача таржимаи ҳоли» мақоласида: «Беҳбудий афанди 1291 ҳижрий зулҳижжа ойининг ўнинда, оқшом (1873 милодий ҳамал ойига мутлақ) Самарқандда Беҳбудхўжа хатиб талабиндан дунёга келиб», – деб ёзади.² Ҳожи Муъин «Инқилоб» журналида босилган мақоласида таваллуд санасини 1873 деса, Бухорода нашр қилинган «Учқун» (№1, 1923) журнали ва «Зарафшон» (1923 йил 25 март) газетасидаги мақолаларида санани 1291 йил 10 зилҳижжа (1874 йил март) деб кўрсатади. Беҳбудий «Танланган асарлар»ида арабшунос Баранов тузган жадвалга асосланиб 1875 йил дейилади. Бироқ Баранов қўллаган формула бўйича иш тутилса, бир йилга фарқ пайдо бўлади ва бу жадвал илмий жиҳатдан тўлиқ асосланмаган.

Адибнинг 1906 йили босилган «Государственной Дума вакиллари хусусинда» мақоласида «хануз ёшим ўттиз бешга етгони йўқ» жумласига асослансак, Беҳбудийнинг таваллуди милодий 1874 йилга тўғри келади. Сабаби, ёши 35 га тўлиши учун Беҳбудий 1871 йили туғилган бўлиши керак.

Энди Туркистонда яшовчи ҳар бир зиёли ва савдогар ордидан доимо кузатиш олиб борган Туркистон туман сақлов бўлими (махфий хизмат – ТРОО) ҳужжатига эътибор берайлик. Самарқанд полицмейстри подполковник Шведов губернатор ва

² «Меҳнатгашлар товуши». 1920 йил 8 апрель; «Инқилоб». 1922. №1.

ТРОО кўрсатмасига мувофиқ олиб борган махфий суриштирувдан сўнг 1913 йил 9 ноябрда ёзган махфий рапортида қуйидаги маълумотни беради:

«Г.НАЧАЛЬНИКУ ТУРКЕСТАНСКОГО ОХРАННОГО ОТДЕЛЕНИЯ

9 ноября 1913 г.
На №7876

Секретно

Уведомляю, что редактор-издатель мусульманской газеты «Самарканд» (с 17 сентября не издается) Махмут Ходжа Бекбуди, 41 года, араб, местный уроженец кв. Фани, туземной части г. Самарканда, проживает в русской части, женат на туземке Шарафат – 35 лет, имеет детей, сыновья Масьуд 12 лет, Максуд (6), Матлуб (4), Сурая (8)...имеет безсрочную паспортную книжку...»³

Подполковник Шведов Беҳбудийнинг ёшиси 41 деб кўрсатмоқда. Бу рақам осмондан олинган эмас, балки адибга рус ҳукумати томонидан хорижга чиқиш учун берилган муддатсиз паспортга асосланган ҳолда келтирилмоқда. Ана шу рақам ва йилларга эътибор берсак, Парвина бегимнинг сўзи тўғрига ўхшайди, яъни Маҳмудхўжа Беҳбудий 1873 йил март ойининг охирида дунёга келгани маълум бўлади. Парвина-Сурайёбегим акаси Масьудхоннинг таваллуд йилини 1897 деб кўрсатади. Шу рақамни инобатга оладиган бўлсак ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг таваллуд санаси 1873 йилга яқин келади. Бироқ ойма-ой солиштирадиган бўлсак, зулҳижжа ойи март-апрелга тўғри келмайди. Бу ҳолда адиб 1290 ҳижрий зулҳижжа ойининг дастлабки ҳафтасида туғилган бўлиши керак, ўшанда ҳам ҳамал – март ойига эмас, балки январь ойининг бошига тўғри келади. Шарқ календарлари бўйича мутахассис олим В.В.Цибульскийнинг «Современные календари стран Ближнего и Среднего Востока» (Москва, 1964) китобидаги григориан ва ҳижрий-қамарий календари (6-10-жадваллар) қиёсий жадвалига қараганда, ҳижрий 1291 йил 1 зул-

³ ЎЗРМДА, 460-фонд, 1-рўйхат, 1312-йиғмажилд. – Б.665.

ҳижжа⁴ 1874 йил 20 январь сешанбага тўғри келади, 1291 йил 10 зулҳижжа эса милодий 1874 йил 30 январь пайшанба куни бўлади. Демак, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг таваллуд кунини милодий 1874 йил 30 январь деб белгилаш мумкин. Ҳожи Муъин милодий ойни аниқлашда қийналгани учун тахминан «1874 йил март» деб кўрсатган. Туғилган жойини Сиёб (Сиёҳи об волости) Бахшитера қишлоғи деб атайди, Парвинабегим эса Самарқанд шаҳар Ёмини маҳалласида туғилгани ва Жомбойда муфти бўлиб ишлаганини айтадики⁵, бу ҳақиқатга яқинроқдир. Чунки Садриддин Айний ва Ҳожи Муъин Беҳбудийнинг таваллудини бир хилда: ҳижрий 1291 йил 10 зулҳижжа деб кўрсатадилар.

Садриддин Айний Беҳбудийнинг ўғли Масъудхўжа берган манбага асосланганини ёзади. Шу боис биз, бошқа манба бўлмагани учун, ушбу далилларга суянишга мажбурмиз. Фикри-мизча, Масъудхўжа Айнийга бу санани Беҳбудийнинг амма ва тоғаларидан суриштириб айтган кўринади. Ҳар икки ҳолда ҳам адибнинг туғилган санаси 1874 йил январининг 30-кунига тўғри келади. Шу боис Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг таваллуд санасини 1873 йил ёки 1875 йил эмас, балки 1874 йил 30 январь деб белгилаш илмий жиҳатдан тўғридир. Демак, Маҳмудхўжа Беҳбудий 1874 йил 30 январь пайшанба куни Самарқанд шаҳрининг Ёмини маҳалласида таваллуд топди дейилса ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдур.

Маҳмудхўжа Беҳбудий балоғатга етгач (1311 йилда) уйланган, тўрт ўғил ва бир қиз кўрган. Кобут волостида 10 десятина ери бўлган.⁶

Ҳожи Муъиннинг маълумот беришича, Маҳмудхўжа Беҳбудий 6-7 ёшларида тоғаси Муҳаммад Сиддиқ ҳузурида ўқиб хатсавод чиқаради, отаси Султонхўжа унга оз-оздан Қуръонни ёд олдириб боради ва 3-4 йил ичида хатм қилади. 15 ёшга кирганда тоғаси Мулла Одил ҳузурида таҳсилни давом эттириб, араб тили сарф, наҳвдан «Кофия», «Шарҳи Мулло», мантиқдан

⁴ Умуман олганда, «зилҳижжа» ойи Беҳбудий оиласида бошқачароқ ўринга эга, онаси ҳам, отаси ҳам шу ойда вафот этишган.

⁵ Қаранг: Саййид Ҳ. Маърифат либосидаги озодлик. – Тошкент, 2000. – Б.148.

⁶ ЎзРМДА. 461-фонд, 1-рўйхат, 1312-йиғмажилд. – Б.665.

«Шамсия»ни, фикрдан «Мухтасар ул-виқоя»нинг биринчи дафтари ва «Ҳошия»ни ўрганади.

1310 йил 5 зулҳижжада онаси оламдан ўтади, отаси Султонхўжа Беҳбудхўжа ўгли Маҳмудхўжани уйлантириб, орадан кўп вақт ўтмай 54 ёшида, 1311 йил зулҳижжа ойининг 19-куни олами боқийга кўчади. Ана шундай шароитда Беҳбудий тамом тоғалари ва аммалари соясида яшай бошлайди. «Наука и просвещение» журналидаги М.Ф.⁷ имзоли муаллифнинг «мадрасада таҳсил олган» жумласига эътибор берсак, Маҳмудхўжа Беҳбудий тоғаси Мулло Одил мударрис мадрасада билим олгани англаш-лади. Шунингдек, хорижда нашр этилган «Миллий Туркистон» тўпламида чоп қилинган Эртулкнинг «Маҳмудхўжа Беҳбудий» мақоласида унинг Бухорода мадрасада таҳсил олгани ва у ерда-ги қадимчи муллалар билан келиша олмагани боис Самарқандга қайтиб келгани қайд этилади. Бу факт ҳақиқатга яқин, сабаби, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўзи «Туркестанские ведомости» газетасининг махсус мухбири Г.Андреев билан суҳбатда Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олганини сўзлайди, муллалар, қозилар, имомларнинг жоҳиллигидан шикоят қилади.

Бўлажак адиб меҳнат фаолиятини Чашмаоб (Чашмаи об) волостида қозилик қилаётган тоғаси Муҳаммад Сиддиқ қўл остида бошлайди. У мирзалик билан шуғулланиб, шариат аҳкомлари билан танишади ва фикр – ҳуқуқшунослик соҳасидаги илми ва малакасини ошириб боради. Сабаби, одамлар қозихонага ҳаётнинг деярли барча масалалари хусусидаги саволлар билан мурожаат этишган. Тоғаси ҳузурида икки йиллик меҳнат, тоғаси қозилиқдан бўшагандан кейин Кобуд волости қозиси Мулла Зубайр Яхшибой ўгли қабулида мирзалик ишини давом эттириши унинг дунёқарашида ўзгариш ясайди. У фикр соҳасида жиддий илмий-амалий фаолият олиб бориши туфайли «муфти», яъни фатво берувчи (адвокат) ун-вонини олишга сазовор бўлади. 1916 йилгача фатво ишлари билан шуғулланади. Бу орада қисқа вақт қози вазифасини ҳам бажарган, аммо маърифатга берилиш, хоссатан, газета ва журнал нашр этиш учун маблағ зарурлиги уни қозилиқдан воз кечиб, муфтилик ва дон савдоси билан шуғулланишга мажбур қилган.

⁷ М.Ф. – бу муаллифнинг шахсини аниқлаб бўлмади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1893 йилдан Русия ва хорижий мамлакатларда нашр этилувчи туркий ва форсий газета-журналлар, китоблар мутолаасига қаттиқ киришади. Замона воқеалари билан танишиб, сиёсат ва маърифат соҳасида рўй бераётган янгиликларни синчковлик билан кузатади. Халқнинг маърифатсизлигини, зиёлиларнинг авомлашганини кўриб эл-юрт, аввало, оиласида маърифатни кучайтиришга ҳаракат қилади: фарзандларига таълим-тарбиясига жиддий эътибор берган. Уларнинг хат-саводли, замон талабидаги мутахассис бўлиб етишувига шароит яратган. Шу сабабли у болаларига хусусий ўқитувчилар ёллаб рус, француз ва бошқа хорижий тилларни ўргатишга интилган. Ўзи муҳаррирлик қилган нашрлар ва асарлари ёрдамида халқнинг ижтимоий, сиёсий онгини оширишга, жаҳон маданияти, мутараққий мамлакатлар афкор оммаси эришган ютуқларга эътибор қаратишга бор куч-ғайрат ва маблағини, ҳатто жонини тиккан.

Вилоят ижтимоий-сиёсий воқеаларига фаол аралашган. «Самарқанд» ва «Ойина» газета-журналларининг нашри тўхтагач, турли жамиятлардаги фаолиятини кучайтирган. 1917 йили сафдошлари: Ажзий, Фитрат, Айний, А.Шомансур, Муҳаммадқули Ўринбоев ва бошқалар билан «Хуррият» газетасини, «Зарафшон» ширкатини, «Нашри маориф»ни ташкил қилди. 1918 – 1919 йилларда Самарқанд шаҳар маориф комиссари вазифасини ва бошқа ишларни бажарди. Халқни политизация, реквизиция, очлик балосидан сақлаш учун астойдил ишлади. Бу масалаларга давлат эътиборини қаратишга ҳаракат қилди.

1919 йил февраль ойида Тошкентга маориф масаласида келади, ана шу пайтда Мунаввар қори Абдурашидхонов билан учрашади. Ушбу учрашув ҳамон махфийлигича қолмоқда. Аммо совет тарихчилари ва мустақилликдан сўнг эълон қилинган материаллар унинг хорижга кетиш сабабларига биров аниқлик киритади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий Тошкентга сўнгги бор келиб-кетгач барча ишлардан четлашади, ҳатто Садриддин Айний билан ваъдалашган учрашувга ҳам бормайди. 1919 йил 25 мартда қайтиб келмас сафарга йўл олади...

Орадан тўрт йил ўтгач унинг оиласига маънавий ва моддий ёрдам бериш масаласи кўтарилади – васий тайинланади. Бу ишга давлат эмас, балки маҳаллий маориф парварлар бош қўшадилар.

«Зарафшон» газетаси бу ҳақда қуйидаги хабарни беради: «Марҳум Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг даладаги ерлариға қарашмоқ ва унинг оиласини тарбия ва машаат жиҳатдан тайин этиш учун маорифпарварлар томонидан Қози Ҳайдарбек, Ақобир ва Абдулвоҳид афандилар васийликка белгиланган.

Булар ўзларининг васийликларини тегишли ўрунлардан тасдиқлаттириб олгондан сўнг расмий суратда вазифаларини ифотсалар керак».⁸

РЕЖАЛАШТИРИЛГАН СИЁСИЙ ҚОТИЛЛИК

Маҳмудхўжа Беҳбудий, унинг сафдошлари Муҳаммадқули Ўринбоев, Мардонқул Шомухамедов ҳалокати сабаблари ҳақида шўро ҳукумати манбаларида аниқ факт йўқ. Ҳақиқатни биладиганлар XX аср 20-йиллари бошларида турли баҳоналар билан ўлдириб юборилган. Ҳожи Муъин эълон қилган «Васиятнома» ҳам палапартиш ёзилган бўлиб, мазмун ва моҳиятида узвийлик сезилмайди. Гўё зудлик билан буюртма асосида ёзилгандек таассурот қолдиради. Бунга Беҳбудийнинг ёш жиҳатдан деярли ўзи билан тенг бўлган Абдулқодир Шакурийни ўғлим деб тилга олиши мисол бўла олади. Бундан ташқари, Беҳбудийга ҳамроҳ бўлган турк юзбошиси Наим афанди қаерга кетди? Яна бир ҳамроҳ номаълум бўлиб қоляпти. Шу боис биз аввалги мақолаларимизда бу масалага ортиқча тўхталмаган эдик. Бинобарин, Наим Каримов, Бегали Қосимов ва Ҳалим Саййиднинг шубҳа-гумонлари ўринли ва асосли деб биламиз. Шунга қарамай, адибнинг ҳалокати ҳақида баҳслар ҳали ҳам тутагани йўқ (тарихчи П.Равшанов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ўзбекистон матбуоти» нашрларида эълон қилган мақоласида келтирилган фактлар Беҳбудий вафотидан деярли 7 йил кейин ёзилган маълумотлар бўлиб, у рус журналистикасида «утка» деб аталади. Бундан муаллиф беҳабарга ўхшайди).

⁸ Зарафшон. 1923 йил 1 май. №42.

Ўтган асрнинг 20-йилларида Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва фаолияти ҳақида кўп ва салмоқдор мақола ёзган киши Ҳожи Муъиндир. Кўпчилик унинг ёзганларига суянади. Айримлар хорижий муҳожирот матбуоти, жумладан, «Миллий Туркистон» журналинда Беҳбудий ҳақида босилган Эртурк-Боймирза Ҳайит мақоласига таянадилар. Шу боис Беҳбудийни Бухоро амири ўлдирганми ёки совет ҳукумати ижрочими деган ҳақли саволлар ҳам майдонга чиқади. Масалани шу жойда тўхтатиб, айрим саволларни ойдинлаштириб олайлик.

XX аср бошларида ўзига хос сиёсий куч сифатида бўй кўрсатган «Ёш бухоролилар» жамиятининг намояндалари Фитрат, Ф.Хўжаев, М.Мансуров, М.Бурҳонов, А.Мунзим, П.Усмонхўжаев, М.Саиджонов, Садриддин Айний ва бошқалар, гарчи рус совет маъмурияти назарида унчалик уюшмаган, сиёсий ва амалий ҳаракат жиҳатидан заиф, аммо истиқболли жамоа ҳисобланса-да, бироқ улар Чор махфий хизмати, бухоролик қози ва мударрислар орқали амирликнинг ашаддий сиёсий душманига айланиб улгурган эди. Сабаби, тадқиқотчи Е.Федоровни ҳайратга солган бухоролик қадимчилар ҳукумат арбоблари орасида «бугун усули жадидага йўл берилса, эртага улар амирни тахтдан йиқитадилар» деган фикрни тарқатиб «Ёш бухоролилар»ни аморатда яшовчи халқ ва амалдорларга қарши қилиб қўйган эдилар. Бухоро инқилобидан сўнг совет тадқиқотчиси бу сўзларни эслаб «ҳайрон қоладиган башорат», деб ҳайратланганди.

Ана шу ҳайратлантирувчи куч 1917 – 1920 йилларда уч аланга: чор ва совет сиёсий агентлиги, Амир Олимхон ҳукумати ҳамда тор фикрли қадимчилар қамалида қолди.

Маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиққан сиёсий арбоблар ҳар икки томон (совет ва амирлик) ижтимоий-сиёсий тузумини қабул қила олмас, ўринсиз қон тўкилишини ҳам истамас эдилар. Амир эса сиёсий таранг вазиятни юмшатиш учун айрим кишиларнинг таъсири остида Бухоронинг Русия тобелигидан қутулиши ва мустақил давлат бўлишини истаб 1918 йилда «Версал конференцияси»га Бухорони мустақил давлат сифатида тан олинишини сўраб мактуб йўллайди.⁹

⁹ ЎзРМДА.126-фонд, 1-рўйхат, 1447-ийгмажилд, 5-варақ.

Аmmo амир аъёнлари Бухородаги Чор ҳукуматидан қолган ва унинг сиёсатини давом эттираётган сиёсий агентлик вакиллари Миллер, Введенский, большевик Аксельродсиз бирон мустақил иш қила олмайдилар. Амирнинг ўзи тан олишича, аъёнларининг фикридан чиқмаган.

Амир гўё ўзича бир тадбир қўллагандек бўлиб Ленин ва Троцкий ҳузурига «генерал Маҳдихон, Ҳожи Жўрабек тўқсоба, Ғайбулло Хўжа, Ҳожи Мирзо, Мирзо Наврўзбей, яна бир нафар бошқа киши»дан иборат ҳайъатни юборади.¹⁰ Лекин жўнатган элчилар манзилга ета олмай ортга қайтадилар.

Амир сиёсатсиз киши бўлгани учун гоҳ сиёсий агентлар, гоҳ қушбеги ва қозилар қўлида ўйинчоқ эди. Шу боис Бухоронинг ўзида вояга етган сиёсий кучларнинг кўлам ва истиқболи, совет ҳукуматининг сиёсий қорачайқовчилик тафаккури фаҳмига етмасди. Ортиқча такаббурлик ва манманлик туфайли ислоҳот фойдасини ҳам, мамлакатнинг мустақиллигига тажовуз тайёрланаётганини кўриб турса-да, яна ўзига хиёнат қилган афғон ҳукуматига ишонди, тарихий-сиёсий бурилиш, мамлакат ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётган даврда ўзини ўта лоқайд ҳолда ушлаб турар, амирликнинг барча кулфатида ёшларни айбдор ҳисоблар эди. Чор мустамлакасидан қолган ва совет ҳукуматига беминнат хизмат қилаётган мусулмон муллалари қиёфасидаги ТРОО махфий ходимлари, айниқса, сиёсий агентларнинг фикрлари ўйлаб ўтирмай инobatга олинар, соф тиллодек қабул қилинар эди. Беҳбудий бу ҳақда: «Чунончи, Бухоройи муътабар мударрисларидан бир зот биза инондурдики Бухорода усули савтия муқобили баъзи татарлар боргоҳга бориб аълам жаноблариға шу йўлда баён этмишлар: «Тақсир, усули жадида мактаби кўб динға зарарли ва ўзи уч қисмдур: биринчиси ибтидоийки, анда ўқуганлар кароматға, иккинчиси эъдодийдурки, анда ўқуганлар нубувватға, учинчи олий қисмидурки, машҳурлари – улуҳиятға мункир бўлур, наҳор ёптурингиз», – деб ёлвормишлар ва Аълам ҳазратларида мазкур нўғай-

¹⁰ Амир Саид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. 1911 – 1920. – Тошкент, 1991. – Б.3.

ларнинг рапортларини бир қоғазга ёзиб, мавиз очилгонда ҳар кимга кўрсатурмишлар», – деб ёзади.

Аморатнинг сиёсий, ижтимоий-маданий таназзул ҳолатидаги бошқарув тизимидан аъёнлар, қозию қуззотлар, қадимчилар ўз шахсий бойликларини кўпайтириш учун фойдаланаётганлари туфайли ёшларга қарши эдилар. Шу боис ёшлар билан амир ўртасидаги рахнани иложи борича кенгайтириш ва чуқурлаштиришга интилиб ислоҳотларга тўсқинлик қилишар эди.

Бу вазиятни собиқ Чор ҳукуматининг сиёсий агентлари Миллер ва Введенский янада чуқурлаштириш пайида бўлдилар. Улар ўзларини икки томон манфаатини баробар яхшилашга ҳаракат қилаётгандек кўрсатишади, аслида, қилаётган ишлари икки томонни гижгижлашдан ўзга нарса эмас эди. Беҳбудийнинг сўзича, амир томонидан эълон қилинган манифест матнини ҳам Миллер ёзган экан.

Бухоро ҳукумати арбоблари ҳам, шахсан амирнинг ўзи ҳам собиқ империядаги ҳукумат тўнтариши оқибатини мулоҳаза қилиб кўрмаган, ёшлар вакиллари билан юзма-юз ўтириб мамлакат истиқболи нуқтаи назаридан опшора фикр алмашиш давр талаби эканлигини сиёсий ва юридик жиҳатдан таҳлил этмаган. Шу боис ёшларнинг ислоҳот тўғрисидаги талабларини писанд қилмаган ва бир баҳона билан уларнинг попугини пасайтириб қўйишни Миллер ёрдамида режалаштирган. Беҳбудийнинг сўзига қараганда, амирнинг ислоҳот ҳақидаги манифести ҳам ўша режанинг узвий қисми бўлган. Сиёсий кураш тажрибасига эга бўлмаган ёшлар талабни қаттиқроқ қўйишган. Бундан хабар топган Туркистон генерал-губернатори Куропаткин Самарқанд вилоят бошлиқларига махфий хат жўнатиб Бухоро аҳволи ҳақида махфий мажлис ўтказган, Самарқанд ҳукумат ва жамоатчилик вакиллари С.Герцфельд, Исохоро, М.Беҳбудий ва Қ.Ҳ.Абусаидовни Бухорога юборган. Ҳолбуки, бундай ишни амалга ошириш учун амирликдан бирон таклиф бўлгани маълум эмас.

Жамоатчиликни тинчителиш, ўз кўнглидаги хавфни йўқотиш учун Миллер воситасида Амир Олимхон билан учрашувга розилик олинади. 1917 йил 7 апрелда Бухородаги «Раҳимхоний» меҳмонхонасида Бухоро ёшларининг вакиллари билан учрашув ўтади. Амир учрашувга келгач Миллер билан кўришган ҳолда

Самарқанд шаҳри фуқаролари ва Бухоро ёшлари вакили сифатида иштирок этаётган Қози Ҳайдар ва Маҳмудхўжа Беҳбудий билан кўришмай чиқиб кетади.¹¹ Беҳбудий амир билан учрашмоқчи бўлганда Миллер тўсқинлик қилади. Бу ҳам етмагандай, Миллер ўзи ёзган «манифест»да Беҳбудий билдирган фикрларни инобатга олмайди ҳамда Беҳбудийни ёшларни намойишга ундашда айблайди ва бу жирканч айбловни амирга етказганига шубҳа йўқ.

Ҳақиқатда эса воқеа Миллер фикрининг бутунлай акси эди. Беҳбудий ва Қози Ҳайдарбек ёшларни ниҳоятда қийинчилик билан кескин ҳаракатлардан аранг тўхтатган эдилар¹². Ана шу тубан сиёсий жараёнда Миллер Бухоронинг сиёсий тараққиётига қарши ҳаракатларни зимдан амалга оширди ва «Ёш бухороликлар» ҳамда Маҳмудхўжа Беҳбудийни амирга тўла-тўқис қарши қилиб қўйди.

Бундай қабих сиёсий ўйиннинг фаҳмига етмаган амир ёшларга, хусусан, уларнинг раҳнамоси Беҳбудийга нисбатан душманлик аломатини намойиш этади. Ушбу ҳолат, бир томондан, амир ва сафдошлари «Давлат бизнинг қўлимиздами – биз ҳақмиз» деган ибтидоий, асоссиз ақида эгаси эканига далил бўлса, иккинчи томондан, Чор ҳукумати фақатгина Самарқандда эмас, балки бутун Марказий Осиё ва Ички Русия ҳамда Кавказ, Афғонистон, Миср, Туркия, қолаверса, Шарқий Туркистон мусулмонлари орасида кундан-кун сиёсий нуфузи ошиб, худди Абдурашид қози Иброҳимов, Исмоил Гаспринский, Алимардон Тўпчибошев, Садри Мақсудий, Ризоиддин бин Фахриддин каби йўлбошчилар даражасига кўтарилаётганидан хавфда эканлигининг ва бу хавфни амир қўли билан йўқотишнинг истиқболли режасидан ўзга нарса эмас.

Афсуски, «Раҳимхоний» меҳмонхонасидаги учрашувда амир ва унинг ҳукумати масалани осон жисмоний ва сиёсий қўпол босим ўтказиш билан ҳал қилишни ўйлаб ҳақиқий душман кимлигини фарқлай олмади. Оқибатда аморат ёшларни барча ғавғо-

¹¹ Бу ҳақда Беҳбудийнинг ўзи «Хуррият» газетасида, С.Айний «Бухоро жаллодлари» асарида ёзади. Амир Беҳбудийнинг фаолиятидан Миллер орқали хабардор бўлган.

¹² Қаралсин: Беҳбудий. «Бухоро воқеалари ва дафъи тухмат».

ларнинг айбдори деб топди. Ёшларнинг намоёнишидан сўнг жадидлардан бир неча минг кишининг жазоланишига ҳам сабаб шу эди.

Бухоро давлатини, халқини, ҳатто аҳли руҳониясини икки қутбга бўлиб ташлаган Русия ўзининг тажовузкор сиёсатини совет ҳукумати тимсолида пардаламай давом эттирди. Туркистон большевик ҳукумати Бухоро ишлари бўйича коллегия аъзоси М.А.Преобреженский «маслаҳати» туфайли ёшлар воситасида Бухорони Колесовнинг тажовузи сирасида бир ҳамлада забт этмоқчи бўлди. Беҳбудий ва унинг тарафдорлари бу муаммони тинчлик йўли билан бартараф этишга ҳаракат қилдилар. Садриддин Айнийнинг сўзига қараганда, Муҳаммадқули Ўринбоевнинг икки ўртадаги уринишлари зое кетди. Ҳар икки томоннинг сиёсий такаббурлиги қон тўкилишига сабаб бўлди. Аммо большевиклар енгилгач, алами ичида қолди. Бироқ ёшлар ва уларнинг намоёндаларига нисбатан амир ва аъёнларининг қаҳр-ғазабини кучайтиришга эришди. Бу Русия ваколатли вакилларининг биринчи иши эмас. Татар муллаларидан Мулла Қамар фитнаси, 1917 йил 14 апрелда Миллер раҳнамолигида 12 нафар ёшларни «Раҳимхоний» меҳмонхонасида секингина йўқ қилишга уриниш фитнасини эслаш кифоя.

Хўш, энди амир Беҳбудийга қарши экан, шўро нега айбдор бўлсин деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, шўролар ҳукумати қанча сиёсий-ҳарбий ишларни олиб бормасин, унинг оқибатлари Туркистон халқининг елкасига оғир юк бўлиб тушар эди. Шу боис миллий зиёлиларнинг ташкилотлари жим тура олмасди...

Энди яна Колесов воқеасига қайтайлик. Туркистон ХКС райси Ф.Колесов (собиқ темир йўл кондуктори) амирлик билан сулҳ тузиш, амир аскарларини қуролизлантириш учун рус, татар ва бошқалардан иборат 21 нафар қуроолланган кишиларни шаҳарга юборади. Буларнинг аксарияти амир одамлари томонидан ўлдирилади. Фақат бир-икки киши қутулади. Садриддин Айнийнинг хотирлашича: «Бир киши қочиб келиб Колесовга бўлган воқеани маълум қилади».¹³ Хўш, бу қочиб қутулган кимса ким?! Фай-

¹³ Айний С. Асарлар. – Тошкент, 1963. Т.1. – Б.94.

зулла Хўжаевнинг маълумотига қараганда, «ҳайъатнинг раиси Уткин эди».¹⁴ Уткин эса Когон ревкомининг бошлиғи бўлганини унутмаслик лозим. Бу воқеани эслашимиздан мақсад шуки, но-зиктабъ олим Н.Каримов Эртуркнинг мақоласига суяниб Беҳбудий ва шерикларини Уткин тутиб берганини айтиб ўтади. Лекин гап Уткинда эмас (чунки ўша даврда «Язувчи», «Лай», «Шаев», «Сомнительный» каби лақабли ўндан ортиқ хуфия самарқандлик зиёлилар ортидан қўйилган эди). У бўлмаса, бошқаси бўлиши табиий. Муҳими шундаки, ҳокимият ва сиёсат маҳаллий халқни руслаштириш ақидасида бўлган янги либосдаги эски мустамлакачилар: Колесов, Тоболин, Казаков, Миллер ва Аксельрод қўлида эди. Улар Туркистон ҳукумати раҳбари сифатида маҳаллий аҳоли юридик ҳақ-ҳуқуқи, талаб-эҳтиёжи билан умуман ҳисоблашмас, ТРООнинг янги қиёфаи тажассуми ВЧК салоҳидан унумли фойдаланар, миллий мустақиллик йўлида ишлайдиганлар бир ёқда турсин, ҳатто бу нарсани орзу қилган кишиларни дарҳол йўқотиш пайида эдилар. Шу боис Беҳбудийни маҳв этиш масаласига Миллер 1917 йили тайёрлаган кенг миқёсдаги сиёсий фитнанинг совет ҳукумати 1919 йили пиширган ҳосили деб қараш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Янги Туркистон хўжайинлари ёнларида фирқа гувоҳномаси бўлса-да, баъзан Москва кўрсатмаси билан, баъзан унга ҳам бўй бермай (РСФСР ташқи ишлар комиссари Чичериннинг Турккомиссия раҳбари Шалва Элиавага Туркистон мустамлака эканини, хорижий мамлакатлар билан алоқа қилишга ҳуқуқи йўқ эканини уқтириб ёзган мактубини ва, ниҳоят, Туркистон ташқи ишлар комиссарлигининг бекор қилинишини, Туркистон Федератив республикаси тугатилиб¹⁵, Туркистон Совет Автоном Республикаси барпо этилишини, унинг сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан Москвага тўла бўйсундирилганини эслаш кифоя) иш олиб бориши оқибатида Қўқон шаҳрида Марказий Осиё мусулмонларининг Туркистон Мухторияти эълон қилинди. Маҳмудхўжа Беҳбудий бу жараёнга фаол аралашди, ҳукумат президиумига

¹⁴ Хўжаев Ф. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Тошкент, 1997. – Б.130.

¹⁵ 1918 йил 12 майда Туркистон Туркистон Федератив Республикаси деб эълон қилинган // Наша газета. 15.5.1918.

сайланди. Охир-оқибат Беҳбудийнинг фикрига қарши ўлароқ «Мухторият» оёққа турмасданоқ гўдаклик даврида қонга бо-тирилди. Адиб ва арбобнинг ҳафсаласи пир бўлди. Бу мудҳиш воқеанинг гувоҳи бўлган шоир Чўлпоннинг:

*«Қип-қизил қон бўлиб кунлар ботадур,
Ёмон ҳидга тўлиб тонглар отадур», –*

байти билан бошланувчи шеъри эл оғзида Мухториятга марсия-дек янтраган эди ўша кезларда. Мухториятни вайрон қилган, халқни қириб қон қақшатган поручик Перфильев эса қилган жинояти учун одил суд олдида жавоб бериш ўрнига Туркистон совет ҳукумати қарори билан жазоланмасдан ўз ватанига қай-тариб юборилди. Қўқон шаҳри ва атроф халқини қирган, та-лаган¹⁶ Э.Кужелло раҳбарлигидаги австриялик, венгриялик ва германиялик собиқ асирлардан тузилган байналмилал аскар-лар оҳиста юртларига қайтариб юборилди. Қўқон, Бозорқўрғон, Марғилон ва бошқа жойларда энг даҳшатли, энг ғайриинсоний қирғинлар қилган арман дашноқлари «фаолияти» сиёсий ва юридик баҳосини олмади, жиноятчилар жазоланмади. Бу воқеа Туркистон матбуотида таажжуб ва афсус билан қайд этилди, барча зиёлиларда сиёсий норозилик, эътироз уйғотди. Беҳбу-дийнинг қон тўкмаслик ҳақидаги умидлари пучга чиқди...

Маҳмудхўжа Беҳбудий нафақат Русия чор ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатидан, балки Русиядаги етакчи партиялар, хусусан, кадетлар ва социал-демократ – большевиклар парти-яси дастури ва уставидан ҳам тўла хабардор эди. Шу сабабли буларнинг фаолиятига ҳали улар давлатни босиб олмасдан ил-гарийёқ истиқболсиз ва жамият учун зарарли фирқа сифатида қараган. Тоболин билан учрашуви, большевикларнинг мажлис ва съездларида иштирок этиб нутқ сўзлаши ва ўз лойиҳаларини таклиф этиши жараёнида уларнинг чин қиёфасини қайта кашф қилиб бўлган эди. Шу боис чор ҳукумати давридаёқ вужудга кел-ган махфий ташкилотнинг аъзоси эди. Бу фикрни ўша даврда

¹⁶ Халқаро қизил хоч вакили капитан А.Брун хотираларига қаралсин. ЎЗР МДА. 2786-фонд, 1-рўйхат, 14-йиғмажилд, 116-в.

Беҳбудий атрофида гирдикапалак бўлиб юрган ва 1918 йили Самарқанд маориф касаба союзини бошқарган қаламкаш Жавдат Раҳмон 1970 йил 14 октябрда адабиётшунос Солиҳ Қосимов билан суҳбатда айтади: «Беҳбудий тараққийпарвар жамоат арбоби сифатида халқ орасида обрў қозонди. Февралдан сўнг ташкил топган «Иттифоқ»қа қўшилди, «иттифоқ»чилар сафида октябргача келди. Аммо, кейин билдикки, Самарқанд жамоат арбоблари орасида бошқа гуруҳ вакиллари ҳам бор экан.

Қачон билинди?

Инқилобдан сўнг аниқроқ кўринди. Балки, илгари ҳам бўлгандир. Биз билмагандирмиз. Ёш эдик. Аммо инқилобдан кейингисини аниқ биламан (таъкид бизники – С.А.). Ақобир¹⁷ билан Мардонқули солишгани-солишган эди. Аммо Беҳбудий уларни келиштиришга тиришар эди». ¹⁸ Жавдат Раҳмон ленинча-сталинча қирғин даҳшатларини ўз кўзи билан кўргани, умрининг бир қисмини қувғин ва даҳшатда ўтказгани учун давр зулмидан қўрққани боис ташкилот ҳақида очиқ гапирмасдан, моҳиятни четлаб ўтмоқда, гарчи суҳбат 1970 йилнинг октябрь ойида ўтказилаётган бўлса-да.

Бу пардаланган ташкилотнинг номи «Иттиҳоди ислом» бўлиб, 1912 йили ташкил топган. Унинг низом ва маромномаси ҳам бўлган. Кейинчалик бу ташкилот аъзолари ташкилотни «Нашри маориф» деб атадилар. Қўқон Мухторияти қонга ботирилгач, махфий ташкилот «Миллий иттиҳод» номини олди. Маҳмудхўжа Беҳбудий ташкилотнинг Самарқанд бўлими ва марказий кенгаш раҳбарларидан бири эди (Беҳбудий ҳалокатидан сўнг ташкилотни аввал Ақобир Шомансур, у қатл этилгач, Қози Ҳайдарбек Абусаидов бошқарган. Буни А.Шомансурнинг укаси Афзал Шомансуров 1937 йил сўроқларида айтиб ўтади).

Маҳмудхўжа Беҳбудий «Миллий иттиҳод» ташкилотининг раҳбарларидан бири сифатида Туркистон Мухтор Республикасининг барпо этилишида фаол иштирок этди. Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саййидносир Камолхонтўраев, Садриддинхон

¹⁷ Ақобир Шомансур ўғли – «Хуррият» газетасининг биринчи муҳаррири ва муассиси. 1923 йили З.Зокирий томонидан отиб ўлдирилган.

¹⁸ Ҳалим Саййид. Маърифат либосидаги озодлик. – Тошкент, 2000. – Б.141.

Шарифхўжаев ва бошқалар билан биргаликда Мухториятнинг ижтимоий дастури бўлган «Турк адам марказият» фирқаси низомини ишлаб чиқди. Мухторият Президиуми аъзоси сифатида қизгин иш олиб борди, сиёсий ва қонли воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлди. Ленинчиларнинг «ҳарбий коммунизм» сиёсати суврат ва сийратини тўла кўрди, большевизм ҳақидаги тасаввур ва фикрлари, ҳулосалари нечоғлик тўғри эканлигини англаб етди. Маҳаллий халқнинг ҳақ-ҳуқуқи қоғозда бор-у, амалда йўқ эканлигини давлат раҳбар ташкилотларига маҳаллий кишиларни яқинлаштирмаслик, муҳожирот (Русиядан кўчиб келиш)га кенг йўл бериш, Осипов дасисаси очиқ кўрсатиб қўйди.

Беҳбудий бу воқеалардан кейин ичига чироқ ёқса ёришмас даражада жуда ғамгин бўлиб қолди. «Миллий иттиҳод»нинг йўли тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилди. Садриддин Айний: «Осипов воқеасидан сўнгра Самарқандга кўп талон-торожлар бошланди, ноҳақ ҳибслар кўпайди, катта тазминотларга халқ тахайюл қила олмасдан ер ва юрглари ташлаб қочдилар. Маориф иши тазйиқга тушди. Халқнинг ҳиссиёти динияси таҳқир қилинди. «Бу ишларга бирон чора топюрманми», деб Маҳмудхўжа 1919 йил февраль ойинда Тошкандга борди. Лекин бу сафариндан ҳеч бир натижа қўлга киргиза олмади»¹⁹, – дейди. Садриддин Айний яна фикрини давом эттириб: «1919 йил февраль ойида Тошкандга бориб қайтди. Мактаб программа ва Тошканддаги илмий ҳоллар билан Самарқанд муаллимларини таништирмоқ учун муаллимлар мажлисини чақиришга буюрди. Лекин ўз ҳолатининг хилофинча ушбу мажлисга келмади. Шундан кейин кўчада кўрушуб мазкур мажлисга нима сабабдан келмаганини, иккинчи мажлис учун қайси кун тайинланса, кела олишини сўрадим. «Ҳозир бироз хастаман, кайфим ва фурсатим бўлса, хабар бераман», – деди. Мана бу охириги кўришимиз бўлди»²⁰, – деб ёзади.

Айний: «Шундан сўнгра ҳеч бир кишига онглатмасдан, маслакдош, фикрдошлари Мулла Мардонқули Шоҳмуҳаммад ўғли, Муҳаммадқули Ўринбой ўғли билан

¹⁹ Меҳнаткашлар товуши. 1920 йил 8 апрель.

²⁰ Зарафшон. 1923 йил 25 март.

25 март ойинда 1919 йил асрорангиз бир суратда Самарқанддин ғойиб бўлди», – дейди (таъкид бизники – С.А.).

Туркистон ҳукуматининг 1919 йил февраль – март ойларига оид қайд ҳужжатларида Беҳбудий номини учрата олмадик (балки, махсус рўйхатларда бордир). Аммо 1919 йил февраль ойида Тошкентда «Миллий иттиҳод» ташкилотининг йиғилиши бўлиб ўтади. Бу йиғилишда «Уламо» жамияти ва иттиҳодчилар номидан Туркияга ёрдам сўраб борган Нуриддинбек Худоёрхонов, Ғози Олим Юнусов, Садриддин Шарифхўжаев бирон-бир масалани ҳал қила олмай ватанларига қуруқ қайтдилар. Сабаби, Туркиянинг ўзида ҳокимият алмашинуви ҳали тугалланмаган, «Иттиҳоди тараққий» фирқаси ўзининг сиёсий мавқеини тамом йўқотган эди. Шундан кейин Туркияга вакил юбориш масаласи қайта кўрилади. Мунаввар қори Абдурашидхонов 1929 йил 24 декабрь хотираларида: «Садрхонлар Истанбулдан ҳеч нарса ишлай олмасдан қуруқ қўл билан қайтқонлариндан сўнгра Зиёбек Туркияга аввалги вазифалар ила кучлироқ бир ҳайъат юбориш масаласини кўзғотди. Бу ҳайъатга Топканддан Убайдулла Хўжа, Саид Носир, Самарқанддан Беҳбудий, Мардонқул ва яна бир киши кирғон эди. Сўнғисининг исми хотирамда йўқ. Булардан самарқандлик уч киши Бухоро амири номидан ўлдирилди»²¹, – дейди (таъкид бизники – С.А.).

Беҳбудий сирли равишда ғойиб бўлгандан сўнг Ҳожи Муъин «Меҳнаткашлар товуши» (1919 йил 23 апрель) газетасида босилган «Қадрношунослик» мақоласида «Самарқанд ёшлари ўз миллатина 25 йил хизмат этган муҳтарам Маҳмудхўжа ила онинг рафиқларини золим Бухоро ҳукуматининг қўлидан қутқариб олмоқ ёки аларнинг бор-йўқларидан хабардор бўлмоқ учун ҳаракат этмадилар ва этмайлар», – деб афсус чекади. Ёшларни Беҳбудийни қутқаришга чорлайди.

Маҳаллий зиёлилар ва кенг жамоатчилик хатти-ҳаракатидан сўнг, «биронинг ишига қўли саратонда совқотибди» деганларидай, Русия ва Туркистон шўро ҳукуматининг Янги Бухородаги ваколатли вакили З.Печников қушбеги Усмонбекбий девонбеги номига (бевосита амир номига эмас) 1919 йил 10 июль №25665;

²¹ Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Тошкент, 2003. – Б.204.

1919 йил 4 август №2754; 1919 йил 14 август №3004 рақамли хатлар²² билан Беҳбудий ва шериклари тўғрисида маълумот бериш ҳақида мурожаат қилади:

«РСФСР

*Полномочный представитель Российской и Туркестанской
Республик в Бухаре 14 августа 1919 г. №3004
г. Новая Бухара*

*Достопочтеннейший Кушбеги Османбекбию Диванбеги
По дружбе прошу Вас достопочтенный Кушбеги сделать
распоряжение о скорейшем доставлении мне сведений о причи-
нах ареста Бехбудий о чем я просил Вас 4 сего августа за №2754.
Желаю Вам здоровья и милостей Его Величество Эмира.*

*Полномочный представитель в Бухарском ханстве
За управляющего канцелярией».*²³

Усмонбекбий девонбеги Русия ва Туркистон Республикаси-нинг Когондаги ваколатли вакилига 1337 ҳижрий 21 зулқайда (1919 йил 17 август) №775 рақамли хатида «Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мулло Муҳаммадқули Ўринбоев ва Мардонқули Шоҳмуҳаммадов – Самарқанд вилояти фуқароларини Қарши вилояти ҳокими уларни гуноҳкор қилиб ҳибс этибдур, шулар ҳақида маълумот бериш сўралибдур. Ушбу уч киши Самарқанд чегарасидан ўтгандан кейин қоровуллар ушлаб олиб келганлар ва мақсадлари суриштирилганда улар ҳаж зиёрати учун кетаётганларини айтишган. Буларнинг тўғрисида жаноби олийга хабар қилинганда у зоти олий марҳамат қилиб сафарни давом эттиришга ижозат бердилар. Улар ҳибсдан озод қилинганлар. Ҳоким уларни дахл ва ҳибс этмаганини маълум қилди», – деган мазмунда жавоб қайтаради²⁴.

²² ЎзРМДА. 126-фонд, 1-рўйхат, 2004-йилгамажид, 3 – 5-в.

²³ Ўша жойда.

²⁴ Кўрсатилган ҳужжат. 24-в.

Бундан ташқари, ваколатли вакил қушбегига 1919 йил 12 ва 26 апрелда (1358- ва 1807- рақамли хатлар) сиёсий муҳожирларни айирбошлаш ҳақида ҳам мактуб йўллаган.²⁵

Девонбеги ваколатли вакилнинг талабига талаб билан жавоб қайтаради. Гап шундаки, Колесов воқеаси туфайли Янги Бухоро (Когон) аҳолиси ҳам кўп жабр чекади, ҳатто Бухоро ёшлари намояндаларидан бўлган Иноятилло Бахшиллахоновнинг акаси ҳам шубҳа билан ўлдирилади. И.Бахшиллахонов Туркистон ҳукумати ёрдамида акаси ҳақ-ҳуқуқини қимоя қилиб, унинг мулки қайтарилишини амирликдан талаб қилади. Туркистон ҳукумати жабр чеккан руслар учун товон тўланишини лозим топади.

Товон тўлашдан қутулиш учун амирлик Колесов воқеасига сабабчи бўлган «Ёш бухороилар»ни тутиб беришни шарт қилиб қўяди. Усмонбекбий қушбеги 584-рақамли нотасида (1919 йил 4 август) Бухорои шарифдаги аҳолининг қони тўкилишига сабабчи бўлган жадид жамоаси Бухородан хорижда – Туркистоннинг Самарқанд ва Тошкент шаҳарларидаги аскарлар орасида паноҳ топганларини, уларни, яъни Муҳиддин Мансуров ва фарзандлари, Файзуллаҳўжа Убайдуллаҳўжа, Мирзо Абдулвоҳид Мунзим, Муҳаммаджон маҳдум, Абдурауф Фитрат, Муҳсин махзум, Исоқ Оқдорев, Иноятилло Бахшиллахонов, Муъин махзум Муҳаммад Амин, Шерали, Муҳаммад Ҳасан, Жобир Файзуллаев ва бошқаларнинг (жами юз киши) Туркистонда япаши байналмилал қонунларга ҳам, шариатга ҳам тўғри келмаслиги, улар тезда топширилишини талаб қилади.²⁶

Аниқки, Русия ва Туркистон ҳукумати бу талабни бажармайди ва ҳибсдаги уч нафар ўз фуқаросини озод қилиш учун чора-гадбир изламайди. Тақдир чангалига ташлаб қўяди. Оқибатда шўро ҳукумати ва Миллернинг дасисасига илинган амир ҳамда унинг ҳукумати Беҳбудий ва шерикларини гуноҳсиз қатл этади. Бинобарин, жаноб Миллер томонидан тузилган сиёсий фитна-режа совет ҳукумати томонидан бекаму кўст амалга оширилади.

Қаранг, 25 мартда сирли ғойиб бўлиб, Қарши ҳудудида ҳибс қилинган уч зиёли, номдор киши ҳақидаги маълумотлар 1919

²⁵ Ўша жойда.

²⁶ Ўзб.Р.МДА.126-фонд, 1-рўйхат, 1146-ийғмажилд, 1 – 2-в.

йил 23 апрелда ошкор бўлиб, қарийб орадан беш ойча вақт ўтгандан сўнг – 1919 йил 17 августда тафтиш қилиняпти ва авваллари сиёсий агентликнинг соясидан қўрқадиган, ўз ҳудудида эркин тафтиш ўтказишга лом-мим демай рухсат берадиган амирлик узоқ муддатдан кейин жавоб беришни лозим топган. Яна 1919 йил 4 майда амирлик сиёсий маҳбусларни айирбошлаш, яъни Беҳбудий ва шерикларини «Ёш бухоролилар» фирқаси аъзоларига алмаштириш ҳақида девонбеги Туркистон ҳукумати вакилига дадил мактуб²⁷ йўллади. Бу гайритабиий ҳолат эмасми, шубҳали эмасми? Бутун Туркистонни бошига кўтарган Аксельрод нима учун маҳбусларни қутқариш учун ҳаракат қилмади, Введенский қаёққа йўқолди? Миллер-чи?

Орадан уч йилча вақт ўтгандан кейин «Туркистон Телеграф Агентлиги» ундан «Известия ТуркЦИК» (1922 йил 31 март) газетаси Беҳбудий уч нафар шериги билан Бокуга кетаётгани, Шаҳрисабзда қўлга олингани, Қаршида Тоғайбек томонидан гайриинсоний қийноқларга солинганини ёзиши ҳам ҳайрон қоладиган шубҳали факт эмасми? Ахир Усмонбекбийнинг хатида Шаҳрисабз ҳақида ҳеч гап йўқ-ку. ТТА ва «Известия» газеталари, «Наука и просвещение» журналидаги мақола муаллифи М.Ф. Боку ва Шаҳрисабз ҳақидаги гапларни қаердан олди экан?

Энди Беҳбудий ва шерикларининг тақдирига тўхталсак: Ҳожи Муъин Беҳбудий ва шериклари Нуриддин Оғалиқнинг уйида тўхташган дейди. М.Ф. имзоли шахс улар Шаҳрисабзда қўлга олинганини айтар экан, Беҳбудий шериклари билан Бокуга кетаётганини тилга олади. Қарши чегарасида қўлга олинган Беҳбудий ва шериклари ҳақидаги маълумот Тоғайбек томонидан амирга етказилади. Амир шариат фатвосига топширади. Бу ҳақда амир мулозимларидан бири бўлган Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Сайид Балжувоний «Тарихи нофеий» асарида шундай ёзади: «Тараққийпарварлар ишларини кўриб чиқиш учун Бухоро олимлари Домулло Холмурод судур, Мулло Қутбиддин судур Бухорий, Домла Шавкатуллоҳ Ўроқ, Мулло Муҳаммадшоҳ судур Бадахшийларни вакил қилдилар. Булар Бухоронинг улуғ муфтийларидан эдилар. Улар инқилобчиларнинг ишларини

²⁷ Ўша жойда.

куну тун текшириб фатво чиқардилар. Масалан, Қаршида самарқандлик хатиб Маҳмудхўжа Беҳбудий номи билан машҳур одам қатл этилди. Унинг ўртоқлари ҳалок бўлдилар. Тўрахўжа нақиб Жўйборий шу вакилларнинг раиси этиб тайинланди».²⁸ Шариат ҳукми ким томонидан чиқарилишидан қатъи назар, амир хоҳиш-иродаси ва рухсати лозим. Бу оддий воқеа эмас. Гап номи ислом оламига, қолаверса, жаҳонга танилган инсон ҳақида боряпти. Ҳақиқатни эса оддий кўчакчи эмас, самарқандлик бир зиёли ҳам эмас, балки амирнинг тўқсобаси ёзмоқда.²⁹ Демак, бу – кони ҳақиқат!

1920 йил 27 сентябрда Самарқанд маориф ва маданият ташкилотли, хусусан, Ақобир Шоҳмансур ўғлининг ташаббуси билан фавқулодда йиғилиш чақирилиб, беш кишидан иборат тергов комиссияси тайинланади. Комиссиянинг бир аъзоси А.Ширинов ЧК аъзоси эди. Хотира комиссияси билан тергов комиссиясининг аъзолари ўртасида тафовут катта бўлган. Аммо ҳар икки комиссиянинг иши самара бермайди.

Беҳбудийнинг васияти «Инқилоб»да (1922. №1) эълон қилингандан сўнг Ҳожи Муъин ибн Шукруллонинг «Меҳнаткашлар товуши», «Зарафшон» газеталарида босилган мақолаларига нисбатан анча тўлароқ мақоласининг бир қисми «Учқун» (1923. №1) журналида чоп этилади.

Васиятга келайлик. «Васият»ни ким ёзган?! Беҳбудий айтиб туриб ёздирганми ё Ҳожи Муъиннинг ўзи бевосита ёзганми? Бу саволга жавоб беришдан аввал воқеалар ривожига эътибор қаратайлик. «Васият»ни қизил аскар Ҳожимурод Худойберди ўғли 1921 йили келтирган! Унга васиятни Аҳмад исмли киши, унга эса Қарши бегининг маҳрами Содиқжон исмли йигит берган! Юқорида номи тилга олинган М.Ф. эса Аҳмадни Тоғайбек аъёнларидан бири деб айтади ва у Беҳбудийни афв этишни сўрагани учун зиндонга солингани, сўнг ўлимга ҳукм этилганини ёзади.

²⁸ Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Саййид Балжувоний. Тарихи нофеъий. – Тошкент, 2001. – Б.57.

²⁹ Илова: самарқандлик совет раҳбарларидан Т.Раҳмонбердиев терговчининг 1937 йил 10 октябрь сўроғида: «Сизни «Миллий иттиҳод»га қабул қилган Беҳбудий ҳозир қаерда?» – деган саволига «Маҳмудхўжа Беҳбудий 1920 йилда Қарши шаҳрида отилган», – деб жавоб берган.

Содиқжон деган кимса ҳақида лом-мим демайди. М.Ф. мақоласида келтирилган фактлар билан Ҳожи Муъин эълон қилган васият асос замини битта бўлса-да, бироқ ҳақиқий васият эмаслиги, буюртма асосида ёзилганлиги яққол сезилади.

Ҳамза Ҳақимзода ва Ҳожи Муъин маълумотига қараганда, қизил аскар Ҳожимурод Худойберди ўғли Қарши шаҳрида 6 – 7 ой хизмат қилган. Ўз-ўзидан, наҳотки, шунча ой мобайнида бундан аниқроқ маълумот тўшлаб бўлмаса деган савол туғилади. Васиятни Содиқжон Бойаҳмад ёки Аҳмад деган кимсадан олиб дафтарига ёзиб қўйган эмиш. Худойберди ўғли унинг дафтаридан кўчириб олган эмиш, Содиқжон деган йигитнинг ўзи ғалати шароитда, Ҳамзанинг ёзишича, 1920 йил 31 декабрь, Ҳожи Муъинда 1920 йил 21 декабрда аксилҳаракатчилар билан урушда ҳалок бўлган. Қай бири тўғри? Умуман, Содиқжон деган маҳрамнинг ўзи бўлганми?! Содиқжон Бойаҳмад мавжудлигига ким кафолат беради? «Васиятнома» ниҳоятда палапартиш, тез фурсатда ёзилгани матн мазмунидан сезилади. Негадир васиятда Ҳожи Муъин ва Саид Ризо Ализоданинг номлари йўқ. Ахир улар Беҳбудийнинг яқин шогирд ва сафдошлари-ку! Ёши Беҳбудий билан деярли тенг бўлган Абдулқодир Шакурийни ўғлим деб, Сиддиқий, Айний, Фитрат, Қурбий ва Ақобир маҳдумни ўртоқларим деб тилга олади. Агар Абдуқаюм Қурбий Беҳбудийнинг ўртоғи бўлганда, у ҳақда албатта бирон нарса ёзган, жилла қурса, 1937 йилдаги сўроқларда бирон баҳона билан тилга олган бўлур эди. Иккинчи томондан, Қурбийнинг адиб билан бирон-бир жиҳатдан яқинлигини акс эттирувчи далилнинг ўзи йўқ, ҳатто «Ойна», «Самарқанд» ёки ўша давр нашрларида фоллиги сезилмайди. У 20-йиллардагина фирқа ходими сифатида назарга тушган. Васиятда келтирилган ҳолатлар ўта мантиқсиз. Адабиётшунос олим Солиҳ Қосимов 70-йилларда Ҳожимурод Худойберди ўғли билан учрашиб, суҳбатлашганда васият ҳақида ҳеч бир янгилик айтмаганини сўзлаган эдилар учрашувларимиздан бирида. 20-йиллар матбуотида ҳам бу киши «Маърифат қурбонлари» деган пьесада бошқа нарса ёзмаган (бу пьеса ҳам Ақобир Шомансур ўғлининг илтимоси билан Ҳожи Муъин томонидан аввалига уч, кейин беш, сўнг олти пардалик пьесага айлантирилган ва Ҳожи Муъин ўзини асарга ҳаммуаллиф деб

эълон қилган). Бинобарин, «Васиятнома» давлат ташкилотлари томонидан «чангбосди» тарзида махсус ёздирилган ва Ҳожи Муъин номидан эълон қилинган бадий тўқимадан ўзга нарса эмас. Услуб ҳам Ҳожи Муъинники эмас. Акс ҳолда васиятда Ҳожи Муъин, Саид Ризо Ализода, Фахриддин Рожий каби «Ойна»чиларнинг номлари албатта тилган олинган бўлур эди.

Яна сафар воқеасига қайтсак: Ҳожи Муъиннинг ёзган мақолаларида биров ғалатлик бор. Масалан, «Инқилоб»да босилган мақоласида: «Беҳбудий афанди 1919 йил 25 мартда йўлдошлари Мардонқули Шоҳмуҳаммад ўғли ва Муҳаммадқули Ўринбой ўғиллари билан Самарқанддан Бухоро тупроғига ўткан», – деса, «Зарафшон»да (1923 йил 25 март) босилган мақоласида: «Беҳбудий афанди 1919 йил 25 мартда шаҳид қилинди», – деб ёзади. Қай бири тўғри?!

Энди «Васиятнома»га эътибор берайлик. Унда Беҳбудий: «Биз икки ойдан бери Бухоро шаҳарларида банди бўлиб юриб, охир ўн кундан бери бир ерда (Қарши шаҳрида) бу золимларнинг қўлига тушиб банди бўлдик», – дейди (васиятдаги бирдан-бир тўғри сўз шу бўлса керак). Демак, Беҳбудий ва шериклари 25 мартда ўлдирилган эмас, балки қўлга тушган ва икки ой Қаршида сақланган. Яна Садриддин Айнийнинг юқорида эсланган мақоласига қайтайлик-да, унинг бир жумласига зеҳн солайлик: «Ҳозир биров хастаман, кайфим ва фурсатим бўлса, хабар берарман», – деди. Мана бу охирги кўришишимиз бўлди. Орадан бир неча кун ўтар-ўтмас сафарга чиқиб кетганлигини ҳам, шул сафарда Қарши шаҳрида шаҳид бўлганини эшитиб ҳайрат ва ҳасратда қолдим». Айнийнинг бу сўзлари тахминан 15 – 20 мартларга тўғри келади. Чунки у бўлган воқеани «орадан бир неча кун ўтар-ўтмас» эшитган. Бинобарин, Русия ва Туркистон ваколатли вакили З.Печников Усмонбекбий девонбегига дастлаб мурожаат қилганда Беҳбудий ҳали тирик бўлган. Солиҳ Қосимов таъкидлаганидек, маҳбуслар 1919 йил июль ойигача тирик бўлишган (Ҳамзанинг сўзлари ҳам шу тахминни тасдиқлайди). Туркистон ҳукумати воқеага лоқайд муносабатда бўлиб, талабни кеч қилгани сабабли Беҳбудий ва сафдошлари бу олам билан видолашган эди. Бу З.Печниковга, Тошкент ва Масковда ўтирган ВЧК раҳбарларига маълум бўлган.

Энди «Осведом», яъни чақимчининг 1924 йил 28 мартда берган махфий рапортига эътибор берайлик. Чақимчи 1924 йил 26 – 27 март кунлари Беҳбудийга бағишланган «Маърифат қурбонлари» спектакли ҳақида гап юритар экан, қуйидаги сўзларни қистириб ўтади: «Асарда машҳур Туркистон новатори **М.Беҳбудий ва унинг сафдошлари – Мардонқул ва Муҳаммадқулнинг 1919 йил март ойида Европага саёҳатга кетаётганларида Шаҳрисабзда қўлга олиниб, амининг буйруғига мувофиқ** (таъкидлар бизники – С.А.) бек томонидан ғайриинсоний қийноқлар остида ўлдирилиши тасвирланади» (Беҳбудийни яхши билган, «Ойна»нинг фаол мухбирларидан бўлган Ниёзий Ражабзода 1937 йил кўрсатмаларида «Беҳбудий отилган» жумласини ишлатади). Масаланинг ғайритабиий томони шундаки, «Нашри маориф» томонидан уюштирилган бу кечага коммунист Абдумажид Зокирий раҳбарлик қилган. «Осведом»нинг сўзича, «Абдуқодир Шакурийнинг илк шогирдларидан бўлмиш Абдужаббор Нарзиқулов Беҳбудий ва сафдошлари ҳақида гапираётганда Абдумажит Зокирий³⁰ улар ҳақида гапиришни ман этган». Демак, Беҳбудийнинг сўнгги сафари ва ҳалокатини оммага ошкор қилмаслик ҳақида ҳукумат, фирқа ва ГПУ ташкилотларининг директив кўрсатмаси бўлган. Бинобарин, ҳақиқатни ошкор этмаслик шўро ҳукуматининг манфаатига хизмат қилган.

Спектаклнинг 1925 йил 3 май намойиши ҳақида «Сомнительный» лақабли чақимчи шундай хабар беради: «Ушбу пьеса Ҳожи Муъин Шукруллаев томонидан тайёрланган. Сюжети Ҳожимурот Худойбердиевга тегишли, у Бухоро ҳудудида бўлган пайтда Маҳмудхўжа Беҳбудий ва сафдошларининг фожиона ўлимини эшитиб ушбу пьесани тайёрлаган». Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчи жиҳати шундаки: «Самарқандлик машҳур маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий, унинг сафдошлари Мардонқули Шомухамедов, Муҳаммадқули Ўринбоев бошқа мамлакатларга саёҳат қилиш мақсадида Бухоро ҳудудидан ўтишар экан, Қарши шаҳрида бўлиб, Оғалиқнинг (Нуриддин Оғалиқ – С.А.) уйида

³⁰ *Абдумажид Зокирий* – Самарқанд фирқа қўмитаси аъзоси, 1937 йили қатагонга учраган.

дам олиш учун тўхтайдилар. Бу хабар Қарши бегининг қулоғига бориб етгач, жадид сифатида уларни зиндонга ташлайди, кейин амирнинг буйруғига мувофиқ қатл этадилар». Демак, Беҳбудий ва сафдошларининг Шаҳрисабзда қўлга олингани ҳам, Худойбердиевнинг «Васиятнома»ни Қарши беги мирзосидан олгани ҳам ёлгон, тўқима гап эканлиги маълум бўлмоқда. Зеро, М.Ф.нинг «Маҳмудхўжа Беҳбудий таржимаи ҳолига материаллар»ида келтирилган васият парчаси билан Ҳожи Муъин «Инқилоб»да эълон қилган васиятнома бир-биридан кескин фарқ қилмайди. Балки иккиси бир кишининг, бир идоранинг қўлидан чиққани, кейин ўзбекчага таржима қилинганини англатади, холос. Шу боис бўлса керак, Ҳожи Муъин асл воқеани мақола тарзида очиқ ёза олмагани учун Ҳ.Худойбердиев ва бошқалар, яъни Қарши шаҳрига тафтишга бориб келган комиссия аъзолари билан суҳбатлашиб асл воқеани пьеса тарзида маълум қилишга интиланган. Чунки Беҳбудийнинг Европага сафарга чиқмоқчи экани, Нуриддин Оғалиқнинг уйда тўхташи ҳақидаги маълумотлар бошқа бирон жойда учрамайди. Чақимчи «Сомнительный» сиёсий идора олдида ўзини топшириқни тўғри бажарган киши сифатида кўрсатиш учун пьесадаги бошқа воқеаларни эмас, айнан Беҳбудий таржимаи ҳолига оид зарур ва муҳим фактларни қайд этган.

Биз Ҳожи Муъин келтирган фактлар ва унинг шахсига шубҳа билан қарашга ҳақлимизми? Йўқ. Чунки Ҳожи Муъин ибн Шукрулло 1937 йили қамоққа олинганда «Ёзувчи» номи билан ўз устига мажбурий юклатилган жосусликни бажаришдан воз кечганини НКВД ходимларига дангал, мардонавор эълон қилган. Негаки Ҳожи Муъиннинг ўзи 1917 – 1919 йилларда (бу фикрни тасдиқловчи фото ҳам мавжуд) миллий гуруҳнинг аъзосига айланган. Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг 1925 йил март ойида Самарқандда бўлишига оид хабарни чақимчининг 1925 йил 25 мартда ГПУга топширган «меморандум»ида ўқиймиз: «Хусайнов³¹ Тошкент, Фарғона, Бухоро, Шарқий Бухоро, Қозон, Уфа, Москва, Оренбург, Афғонистон ва бошқа жойлар билан алоқага эга, барча ёзув-чизувлар фақатгина унинг қўлидан ўтади. Ҳали

³¹ Камолитдин Хусайнов (1875 – 1937) – самарқандлик жамоат ходимларидан бири.

чор ҳукумати давридаёқ Хусаинов миллий гуруҳ тузишни мақсад қилган ва унга Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мардонқули, Мулла Жумақул Ўринбоев³², Саййид Аҳмад Сиддиқий, Ҳожи Муъин Шукруллаев, Абдулқодир Шакурий қўшилишган, шу мақсадда Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркияга, Стамбулга группа учун устав ва программа олиб келиш учун юборилган» (Боку миллий ташкилоти билан Ҳожи Муъин орқали алоқа боғланган. Чақимчи «маблағ олиш учун келган боқулик Ҳожи Асат Алиев Ҳожи Муъин Шукруллаев дўкониди тўхтаб ўтди», – деб ёзади – С.А.).

Демак, Маҳмудхўжа Беҳбудий қадрдонлари – Мардонқули Шомуҳаммад ўғли, Муҳаммадқули Ўринбой ўғли билан Туркияга ташкилот топшириғига кўра ҳамшаҳарларига сездирмайгина йўлга тушган эди. Лекин унинг йўли инқилоб бўлиб ётган Туркияга эдимиз? Йўқ! Бу масалага юқоридаги ҳужжатда «Европага саёҳатга чиққан» сўзига Аҳмад Заки Валидий Тўғон қуйидагича ойдинлик киритади: «Туркистон «Муассислар мажлиси» қўмитаси номида бир ташкилот таъсис қилиниб, 1919 йил февралда Парижда бўлиб ўтадиган «Версаль сулҳ конгресси»да Туркистоннинг Русия умуммамлакат миқёсида тан олинган ҳукумати йўқлиги сабабидан маҳаллий ҳолиларни ўз истакларини Русия Демократик Федератив Республикаси доирасида ҳур ўлароқ изҳор эта билишлари юқоридаги ташкилот номидан таъминлансин», – деган мазмунда телеграмма юборадилар. «Версаль сулҳ конгресси»га учрашиб миллат ва мамлакат масаласини ҳал қилиш, имконият туғилса, инглизлар билан мулоқотга киришиш, ҳатто, айрим манбаларга кўра, Швейцарияда ўтадиган мусулмон халқлари анжуманида иштирок этиш ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудий ва сафдошлари зиммасида эди. Валидий яна ёзади: «Номи тилга олинган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Козимбейнинг»³³

³² Кўпгина манбаларда Муҳаммадқулнинг исми Жумақул тарзида тилга олинган.

³³ *М.Козимбей* – турк субайи (яъни капитани), 1919 йилда М.Баракатуллоҳ билан Тошкентга келган, сўнг Хоразмда бўлиб шўролар сиёсатига қарши ташвиқот олиб боргани учун шўро ҳукумати томонидан мамлакатдан чиқариб юборилган. «Миллий Туркистон» журналида Беҳбудий ҳақида ёзган Эртурк ҳам шу фикрни билдирган. Демак, у ҳам Козимбей билан учрашган ёхуд унинг сўзларидан хабар топган кўринади.

сўзига қараганда, тўғридан-тўғри ингилизлар билан музокара олиб бориш ниятида эди. Биз-да у вақт «Русия муассисон мажлиси» аъзолари тарафидан Европага юборилган ҳайъат таркибида Туркистон, Қозоғистон ва Бошқирдистон томонидан Боку йўли йўли орқали Мустафо Чўқай ўғлини юбордик».³⁴

Ушбу далиллардан кўриниб турибдики, Беҳбудий ўз шериклари: Мардонқули Шомуҳамедов, Муҳаммадқули Ўринбой ўғли билан бирга Бокуда Мустафо Чўқай, Убайдулла Хўжаев, Саид Носир Миржалилов билан учрашиб Туркияга, ундан Парижга ва охир-оқибат Бернга боришлари керак эди. Бу сафар мақсади шўро ҳукумати манфаатига зид ва уларнинг халқаро обрўсига путур етказар эди. Шу боис «Миллий иттиҳод» ҳамда Туркистон муассислар мажлиси «ташкилий қўмитаси»нинг барча ишларидан хабардор бўлишни истаган Сиёсий бошқарма (ГПИУ) ўз одамларини ҳар бир миллий зиёли орқасидан қўйиб маълумот тўплаш, зарур бўлса, йўқ қилишни топширгани изоҳга муҳтож эмас. Сиёсатда ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди. Аммо Беҳбудийнинг шериклари орасида юзбоши Найм афанди деган шахс тилга олиниб, кейин мутлақо эсланмайди. Хўш, бу афанди қаерга ғойиб бўлди?

Агар биз Беҳбудий ва Саид Носир Миржалиловнинг ташкилот топшириғига мувофиқ Бокуда учрашмоғи кераклигини эътиборда тутсак, у ҳолда шерикларининг вақтида етиб келмаганидан хавотирга тушган С.Миржалилов Беҳбудийни суриштиришга киришган. Боку – Тошкент – Самарқанд ўзаро алоқа боғлагандан кейингина Беҳбудий ва шерикларини қидиришга ҳаракат бошланган. Бизнинг назаримизда, Беҳбудийнинг Боку педагогика билим юртида ўқиётган ўғли Масъудхўжа ҳам хабар топиб зудлик билан Самарқандга қайтиб, отасини топиб бериш ҳақида Туркистон ҳукуматига тожик тилида ариза берган (юқоридаги ҳужжат). Чамаси, Ҳожи Муъин, С.Айний ва бошқалар Беҳбудий ва шериклари сирли йўқолганини Масъудхўжадан эшитишган. Унгача «Иштирокиюн» газетасида И.М. имзоси билан босилган «Беҳбудий афанди Қофқозда экан» деган сохта хабарга ишониб юришган кўринади.

³⁴ Валидий З. Бугунги турк эли. Туркистон ва унинг яқин тарихи. – Истанбул, 1981. – Б.376, 481.

Бокуда С.Миржалилов билан кўришган Темирхон ким?³⁵ У С.Миржалиловни қаердан танийди? Учрашув қандай тарзда ўтган? У қандай қилиб воқеадан хабар топди?..

Беҳбудийнинг фожиали ўлиmidан уч йил ўтса-да, жамоатчилик фикри тинмаган, ташкилотлар ва шахслар томонидан тафтишлар давом эттирилган. Ҳатто «Бухоро ахбори»да «Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ва рафиқларининг олинди ўчлари» сарлавҳали фикрада Беҳбудий қотилларидан бири Нуриддин Оғалиқнинг ҳибсга олингани маълум қилиниши ҳам жамоатчиликни тинчитмаган. Ана шу ҳолатда кимларгадир «Васиятнома» ёздириш ва уни жамоатчилик эътиборига тақдим этиб сиёсий оқимни бошқа йўлга солиш керак бўлиб қолган. Ўртага Ҳожимурод Худойберди ўғли номидан янги афсона матбуотга қалқиб чиқади. Буни ҳеч кимда шубҳа уйғотмайдиган, Самарқанд шаҳрида маърифатпарварлиги ва қалами билан танилган Ҳожимуъин эшлайди...

Шўро ҳукуматининг дасисасини яна бир факт тасдиқлайди. 1920 йил 27 сентябрда Самарқанд Эски шаҳар маданият ва маориф ташкилоти ташаббуси билан «фавқулодда йиғилиш» чақирилади. Йиғилиш қарорига кўра 5 кишидан иборат махсус комиссия тузилади. Комиссияда Абдуқаюм Ширинбоев, Абдухолиқ Қўқонбоев, Эргаш Орифбоев, Рабимқул Солиқов ва Абдумажид Зокирий (А.Шомансур қотили З.Зокирийнинг акаси – С.А.) бор эди. Бундан ташқари, Ақобир Шомансуров, Қози Ҳайдарбек Абдусаидбеков, Мирзооллоқули Абдуллаев, Абдурахмон Фозилжонов, Муллаҳамро Йўлдошев ва Исматулло Раҳматуллаевдан иборат хотира комиссияси ҳам тузилади. Садриддин Айний «Мусофир» имзоси билан «Бухоро ахбори»³⁶ газетасида «Муф-

³⁵ Темирхон – Темирхон Улуғжонов, асли самарқандлик зиёлилардан. Истанбулда ўқиган, 1919 йили Истанбулдан қайтиб келган. Туркистон маориф комиссари М.Афандизода берган мандат билан Туркистон ҳудудида эркин юриш имкониятига эга бўлган. БХРда маориф соҳасида ишлаган. 1921 йили И.Садрий билан Фитрат тошшириқларини бажарган, 1920 – 1924 йилларда Мирзо Улуғбек мадрасасида география, тарих фанидан дарс берган, тақдирно номаълум. 1919 – 1920 йилларда Афғонистоннинг Тошкентдаги ваколатхонасида таржимон бўлиб ишлаган.

³⁶ Бухоро ахбори. 1923 йил 3 октябрь.

ти Маҳмудхўжа Беҳбудий ва рафиқларининг олинди – ўчлари» фикрасида 1920 йил ноябрь ойида комиссия аъзолари Қаршига бориб қуруқ қайтиб келганларини ёзади. Чамаси, комиссия аъзолари қуруқ қайтиб келишмаган.

«Миллий иттиҳод»нинг Самарқанд бўлими бошлиғи, Беҳбудий ҳалокатини текшириш комиссияси аъзоси Ақобир Шомансур ўғли Беҳбудий ўлими сабабларини ўрганиш билан жиддий шуғулланган, 1920 йили Беҳбудий ва шериклари шаҳодатининг йиллигига атаб ўтказилган оммавий митингда Беҳбудийнинг ўлими ҳақида гапирётганда мажбуран тўхтатиб қўйилади, ҳукумат уни қўрқитиб қўйиш учун 1921 йили қамоққа олади, иши судга ва ҳарбий трибуналга топширилади. Аммо халқнинг кескин норозилиги туфайли озод қилинади. Трибунал уни оқлайди.

Ақобир Шомансур ўғли 1924 йили Беҳбудий вафотига беш йил тўлишини нишонлаш ҳақида жон куйдириб юрган бир пайтда Зайниддин Зокирий томонидан отиб ўлдирилади. Ана шу усул билан Беҳбудий ва сафдошлари тақдири ҳақидаги бор гаплар бости-бости қилинади. Келажак авлод ҳақиқий қотилларни билмасликлари учун А.Шомансур қатлини Қози Ҳайдарбекка тўнкаб қўя қоладилар. Ҳатто амирлик ағдарилгач, давлат тепасига келган Файзулла Хўжаев раҳбар ҳукумат ҳам кўзга кўринарли бир иш қилолмайди, фақат Нуриддин Оғалиқни жазолаш билан кифояланади, холос.

РСФСР ва Туркистон рус большевик ҳукумати шундай йўл билан Ғарб ҳамда ислом давлатлари олдига Туркистон ва Бухоро халқларининг ижтимоий-сиёсий ҳақ-ҳуқуқлари топталаётгани, улар озодлиги масаласини қўймоқ учун йўлга тушган ватанпарвар, обрўли кишиларни тўғридан-тўғри йўқотишдан қутулади. Бинобарин, мустабид ҳукумат чўғни Бухоро ҳукумати қўли билан ушлаб бутун айбни амир бўйнига илиб қўяди, холос. Амир ва амирлик жиноятнинг ижрочисига айланади, оғир жиноятни амалга оширишни ният қилган, халқро миқёсдаги сиёсий фитнани режалаштирган чор ҳукумати ва қотилликни режалаштирган шўро ҳукумати оппоқ бўлиб қолаверади.

Жиноят-процессуал кодексида ижрочига нисбатан ёвуз ишни, тажовузни амалга оширишни ният қилган, уюштирган, ташкиллаштирган асосий жиноятчи ҳисобланади. Демак, чор ва

шўро ҳукумати тимсолидаги рус мустамлакачилари Беҳбудий ва сафдошларининг қотили десак муболаға бўлмайди. Тарих – ҳамма нарсани ўз ўрнига қўювчи олий ҳакам.

Беҳбудий ҳалокатидан сўнг ҳар бир ютуқ у ёқда турсин, ҳатто фожиадан манфаат қидирувчи шўро ҳукумати Қарши шаҳрини Беҳбудий номи билан атади, Тошкентдаги Себзор даҳасининг Тахтапул маҳалласи Беҳбудий номини олди, «Раҳимия» қизлар мактаби «Беҳбудий» деб ўзгартирилди, Беҳбудий номида клуб очилди. Бироқ 1929 йилдан бошланган қатагон сиёсати туфайли 1934 йили барча жойлардан Беҳбудий номи олиб ташланди, унинг номига лой чаплаб, миллатнинг катта адабиёти ва тарихи саҳифасидан ўрин берилмади, барча кутубхоналардан асарлари йиғиштириб олинди, ўқиш-ўрганиш ман этилди, махсус бўлимларга топширилди ва унутилишга маҳкум қилинди. Ўтган аср 80-йилларининг охиридагина унинг пок номи тикланди, асарлари чоп этилиб миллат мулкига айлантирилди.

ХОДИМУЛ МИЛЛАТ

Гарчи халқимизнинг маънавий ҳаётида «ходимул миллат» ўз юридик ўрнига эга бўлса-да, кўпчилик тарихчилар, адабиётшунослар, сиёсатшунослар учун шу кунгача номаълум атамадир. Ўзини ҳақиқий эътиқодли ва халқ эътиборидаги, халқ учун ишловчи киши деб билган зиёлилар қадимдан «ходимул миллат» деб аталган. Бундай масъулиятни юракдан ҳис қилган кишилар амирлар, хонлар, ҳокими мутлақларнинг ноҳўя сиёсатига бўй бермай, ҳақиқат ва адолат йўлида кўпинча шаҳид кетишган. Тошкент шаҳрида юксак мартабали амалдорларнинг айтгани миллат ва шариат талабига тўғри келмаслигини ҳаққоний сўзлагани учун шаҳид кетган аъламлар кўп. «Шаҳид аълам» деб аталувчи жой номлари шаҳар топонимикасида ҳозиргача сақлангани фикримизнинг далилидир. Худди шу йўналишда, яъни миллат ходими бўлган шахслардан яна бири – Кўкалдош ва Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор мадрасаларининг бош мударриси, қасиданавис шоир, ҳаким, икки хон давлат маслаҳатчиси Мулла

Солиҳбек Туёқбой ўгли бўлиб, рус босқинчи генерали М.Черняевнинг Тошкентни забт этиш билан боғлиқ сохта шартномага имзо чекмагани ва савдогар Саидазимбой Муҳаммадбоев дасисаси боис Томскка сургун қилингани, у ерда заҳарлаб ўлдирилгани маълум факт.

Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасидаги Абулқосимхон мадрасаси муассиси ва ҳомийси, эгаси, мударриси Абулқосимхон эшон Хонтўраҳон эшон жаноблари ҳам муҳрларига эшон, мударрис ёки ҳомий каби сўзлар ўрнига «ходимул миллат» сўзини ўйдирган. Буни миссионер Н.Остроумов ҳам «Сарты» асарида таъкидлаб ўтади. Бинобарин, ҳақиқий зиёлилар ҳар даврда ўзларининг миллат ходими эканликларини ҳис этишган. Аммо мустамлакачилик даври Туркистоннинг кўпгина зиёлилари хотирасидан бу масъулиятни кўтарган эди. Сабаби, Н.П.Остроумовнинг хотирлашича, шаръий ахлоқ, адаб, маънавият масалаларига қаровчи «қозираис» (цензорь нравов) мансаби рус ҳукумати томонидан бекор қилинган. Шу боис маънавият масалаларига, шариатнинг бузилиш ҳолларига ҳеч ким эътибор бермай қўйган.³⁷ Аммо XX аср бошида Ички Русияда яшовчи туркий халқларнинг миллий уйғониш шабадаси Туркистон ва у орқали Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлигига ҳам кириб келди. Бу жараённинг бошида турган ходимул миллатлар Мунаввар қори Абдурашидхон ўгли, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ашурали Зоҳирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Исломухўжа, Полвонниёз Юсупов, Бобоохун Салимов, Бектош Раҳмон ва бошқалар эди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам бир мақоласида ўзининг ходимул миллат эканига урғу беради.³⁸ Хўш, у бу фикрга қандай келди? Зеро, бу ниҳоятда оғир ва машаққатли хизмат – хизмат бўлганда ҳам миннатсиз ва эвазига кўпинча сўкиш эшитиладиган, таҳқир олинадиган, ҳатто баъзи ҳолларда жоҳил ва мутаассиб яккаҳокимларнинг қилич ва тўппончасидан маҳв этиладиган хили. Бундай вазифани бажариш учун асаблар бақувват, моддий таъминоти етарли, ўта сабрли бўлиш, катта маърифат ва маориф,

³⁷ ЎЗРМДА. 1009-фонд, 1-рўйхат, 104-йиғмажилд, 17-в.

³⁸ Қаранг: Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий. – Самарқанд, 1906. – Б.2; «Ойина». 1914. №5.

миллат равнақи учун жаҳолат, миллий маданият, қадриятларга маҳдудлик (нигилизм), мунофиқлик билан қаровчиларга, динни ниқоб қилган жоҳилларга ва сиёсий босимларга қарши курашмоқ лозим. Истеъмолчилар ибораси билан айтганда, ўта тузкўр меҳнат. Беҳбудий ана шу оғир меҳнатни онгли равишда қўрқмасдан ўз зиммасига олди.

Миллат ва Ватан тараққиёти, равнақи учун яшаш, бу йўлда учрайдиган ижтимоий, сиёсий, маънавий, диний, маъмурий таъқиб-таъйиққа чидаш барчанинг қўлидан келавермайди. Беҳбудий ҳам орқаворатдан ҳақорат ва таҳқир сўзларни эшитгани, дилни хира қилгувчи жоҳилона имзосиз ёзилган юмалоқ хатларни кўп олганини, айрим пайтлар ошқора матбуот ва масжидларда таҳқирланганини ёзади. Буни А.Азамат ҳам тасдиқлайди. Аммо бундай муносабат буюк адибни асосий мақсади – «миллат ва давлатга умумий манфаат ишлардан ва натоижи хайриядан баён қилиб, аҳолининг фикр ва ботинига ишламоқ ва кўнгуллари равшан қилмоқ»дан³⁹ бездирмади, ўз халқини маърифат билан қуроллантириб, Ватан тараққиёти ва равнақини кўришдан қайтара олмади. Сабаби, у халқни тушиб қолган миллий таназзулни юракдан ҳис қилар ва гарчи номига бўлса-да давлатчилик мақомини ушлаб турган Бухоро амирлиги, Хива хонлигининг тамоман йўқолиб, Русия давлати таркибига сингиб кетишидан хавфсирар эди. Негаки Русия божхона хизмати бўйича Хоразм ва Бухоро амирлиги ҳуқуқини 1888 йили ўз ихтиёрига олган эди. Бунинг устига, азим дарахтларни кемирувчи яшил зулук – чирмовиқлардай кемирувчи бўлган зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик ва савдо алоқалари орқали кириб келган, халқни иқтисодий инқирозга тушириб, фикрий-маънавий қашшоқланишига кенг йўл очувчи иллат эски ва янги урфлар⁴⁰ Туркистон миллатининг қадимий давлатчилигидан айрилиб қолишига за-

³⁹ ТВГ. 1904 йил 16 апрель.

⁴⁰ Катта ва бир неча кунлик тўй қилиш, маърака, улоқ-қўпқари уюштириш, маъюсларнинг иқтисодий аҳволига қарамай пайшанбалик, якшанбалик хадимлар ўтказиш, йиртиш бериш, аҳли руҳонияга тўн кийгазиш, кўк тарқатиш ва кийиш, 20, 40, «йил оши» каби эҳсонлар, мотам куни йиғичи (марсиячи) таклиф этиш, тўйларга гала-гала ҳофиз ва бачча-ўйинчиларни таклиф қилиш, пивохоналар, маржаларга боғланиш ва бошқалар.

мин яратаётганини юракдан ҳис этар, ақлан фаҳмлар ва унга қарши курашмоқ истар эди. Шу боис диннинг сиртқи авом назарига тез тушадиган томонларини байроқ қилиб олган айрим кишиларга, хоссатан, илм-маърифатсиз эшонлар, дунёқараши ва билими чекланган мударрислар, қозиларга қарши борди. Уларни миллат вазифасига лоқайдлиги учун танқид қилди. Миллатни эзгу йўлларга бошлаш, миллий давлатчиликни тиклаш учун улар масъул эканликларини эслатиб қўйди.

Сабаби, Абдуллахон давридан то Амир Олимхон давригача Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида Қуръон, ҳадис ва суннатнинг илмий, ҳуқуқий-қонуний томонлари таҳсили сусайди, ҳошияпарастлик, яъни тайёр асарларга шарҳ ёзиш масаласи, схоластик таълим устуворлик қилди. Давр, аморат, қолаверса, халқнинг талаб ва эҳтиёжига мардонавор жавоб бера оладиган, долзарб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, шаръий ва солиққа оид масалаларни ҳал қилишда кучли илми, эътиқоди туфайли мунофиқлик қилмайдиган мутахассисларга талаб кучайган бўлса-да, яккаҳоқимлик, мустабидлик, фикрни сунистеъмол қилиш, адабнинг сўзича, чор мустамлакаси даврида тажрибали ва илмли мутахассислар ўрнини чаласавод, ёш, тажрибасиз кишиларга бўшатиб бериш чора-тадбири қўлланди. Бу ҳақда у шундай ёзади: «Миссионерлар тарафиндан янги, бизни йўқ ва нобуд бўлишимизни ва шариати муқаддасамизни ҳукумдан қолишини хоҳлайдургон эски ва мустабид ҳукумат тарафидан шундай закўнлар чиқордики, масалан: «Ҳар бир 25 яшар туркистонликнинг қози ва волостной бўлиши мумкиндир», деб закўн қўйилди. Қози ила волостной управителликка ҳеч бир илм-истеъдод шарт қилинмади. Мустабид ва зolim ҳукуматнинг мақсади, ҳукмронларнинг бу қилган жабрлари ўзлари учун энг яхши, биз, мусулмонлар, учун энг жонсиз ва хароблиги (юз) берди. Бу закўн бизга саводсиз қозиларни ақча ва ришва ила сайланмоғига ёрдам этди.

Эски зolim ҳукуматнинг иши ва дин бузғувчи одамлари ва миссионерлари мадрасаларимизни ва мактабларимизни тўғрисида ҳам бизни ҳайвониятга ва жаҳолат майдонига ҳам йўқ ва маъв бўлмиш чуқурига судрайдургон закўнлар вазих этдилар. Мадрасани ҳеч нима билмайдургон ёш талабаларни мударрисга

сайлаб қўйиш тадбирини зақўн қилиб чиқордилар». ⁴¹ Уч мударрис ўрнига бир мударрис ишлатилди. Бундай ишларнинг амалга оширилиши туфайли комил кишилар оч ва қашшоқ яшашга мажбур қилинишдан ташқари ҳалол, соҳасини яхши биладиган мутахассисларни ўз даврининг «нодир»ига айлантириб, катта бир миллий соҳани сунъий равишда инқироз ботқоғига ташлади. Устоз-шоғирд йўли билан амалга ошириладиган илмий тараққиётга устозларни мадрасадан ҳайдаш йўли билан сунъий тўсиқ қўйилди. Миллий, ижтимоий-сиёсий, диний тафаккур фалаж қилинди. Порахўрлик авж олди, ҳукумат томонидан олиб борилаётган ноқонуний ишларга панжа ортидан қараш, ўзини билиб-билмаганга олиш кучайди, мустамлака ҳоқимияти ва раҳбарлари олдида ўз хатоси, жинояти учун доимо юзи шувут ва ўзини тобе тутувчилар сафи ўсиб борди. Зироатга ёпирилган чигирткадек ижтимоий ҳаётда, зиёлилар орасида тили қисиклар кўпайгандан-кўпайди.

Беҳбудий ана шу жараёнда, яъни қозихоналарда мирза, муфти, қози бўлиб ишлаш давомида юридик масалалар: маиший, жиной-маъмурий ва ижтимоий-сиёсий муаммоларга тўқнаш келди. Эътиқодли инсон ва мутахассис сифатида зиммасига тушган масалаларнинг адолатли ечимини топиш учун шаръий-фиқҳ, яъни ҳуқуқшунослик масалалари ечими нуқтаи назардан илмий-амалий жавоб топиш, масаланинг очилмаган қирраларини илмий ўрганиш, қонуний ечимини топишга интилди (чор ҳукуматининг ғойибона ҳукм қилиш ҳақидаги кўрсатмасига ислом фиқҳшунослиги манбаларидан жавоб топганини эсланг), мустамлака маъмурияти Туркистон ўлкаси сиёсий-маъмурий бошқаруви учун чиқариб қўйган «Положение»ларга мурожаат қилишдан ташқари маҳаллий катта ва кичик чор мансабдорлари билан даҳанаки тўқнашувига тўғри келди. Бундай тўқнашувлар, турли мансабдорлар билан халқ ўртасида кечаётган тенгсиз муносабатлар, авом халқнинг ачинарли ҳоли, зиёлиларнинг иқтисодий-сиёсий ва маъмурий жиҳатдан тушиб қолган авомникидан бадтар танг аҳволи унинг эътиборини дохийий идора масалалари ва омма маорифига қаратишга мажбур этди. Яъни

⁴¹ Нажот. 1917 йил 7 ноябрь. №18.

чор ҳукумати томонидан умумтаълимдан тор доирадаги диний (конфессионал) мактабга айлантирилган ўқув даргоҳларини ислоҳ қилиш, уларни умумтаълим-тарбия мактабига қайтариш масаласига эътибор қаратди.

Туркий халқларнинг XX аср бошидаги маънавий отаси Исмоилбек Гаспринский 1893 йили Тошкент, Самарқанд ва Бухоро сафари чоғида татар савдогари Абдуганибой Ҳусайнов билан учрашади. Исмоилбекнинг шаҳарнинг таниқли зиёлилари билан учрашув чоғида замон, маърифат, мактаб ҳақидаги гап-сўзлари Беҳбудий назаридан четда қолмаган кўринади. Тахминимизга кўра, ўша даврда матбуот, айниқса, хорижий матбуот ўқийдиган кишилар Самарқандда кўп бўлмаган. Ҳожи Муъин фақат Абулқодир Меъмор, Қўқонбой Абдухолиқ ўғли билан драматург Абдулла Бадрийнинг отаси Бадриддин соатсознинг номи «Таржумон» ўқувчиси деб айтади (Қўқонбой Абдухолиқ ўғли кейинчалик Беҳбудийнинг қадрдонига айланган). Бинобарин, чор ҳукумати маъмурлари, айниқса, махфий хизмати ҳукумат идораларидаги таржимонларга махфий тошпириқ бергани маълум, хоссатан, Исмоилбек фаолиятини кузатиш ҳам юкланган, шу сабабли воқеадан яхши хабардор бўлган Қўқонбой ўғли, табиийки, ошноси Маҳмудхўжани ҳам суҳбат мавзу ва мазмунидан огоҳ қилган бўлиши мумкин.

Беҳбудий 1898 – 1899 йиллари тўнғич фарзандининг вафоти аламини унутиш учун, Парвинабегим сўзига кўра, бухоролик билимдон дўсти Хўжа Бақо билан Истанбул, Миср, Ҳижозга сафар қилиб ҳаж амалини бажаради. Ҳаж адиб кўзда тутган эътиқодий масала, холос, аммо шу баҳона хориж мусулмон ўлкаларининг маориф тизимини ҳам ўрганмоқчи бўлган. Мисрнинг ислом оламига донғи кетган «Ал-Азҳар» мадрасаси, Истанбул мактаблари таълим-тарбия усули ва турк матбуоти билан танишади. Ҳатто насороларнинг мактаб ва тарбия усулига ҳам аҳамият беради. У 1912 – 1914 йиллардаги ҳаж сафари пайтида бу масалани жиддийроқ ўрганади. Фикри ожизимизча, Беҳбудий биринчи саёҳати давомида ҳажга бориш ва қайтиш чоғида Истанбулда тўхтаб, маҳаллий матбуот вакиллари билан суҳбатда бўлиб дўстлашган. Ана шу пайтда янги орттирган дўстлари орқали жаҳонда содир бўлаётган улкан сиёсий воқеалар, «Таржумон» ва унинг муҳар-

рири амалга оширмоқчи бўлган оламшумул ишлар ҳақида маълумотга эга бўлган (1912 йилги сафар чоғида Гулхона паркида И.Гаспринский билан суҳбатлашиб кетаётган турк журналисти Ҳамдуллоҳ Субҳибекни таниб саломлашувига эътибор беринг).

Адиб сафардан қайтгач мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-маърифий ишларга жиддий эътибор қаратади. Ҳазрати Баҳоуддин Балогардоннинг «Сафар дар ватан» ҳикматининг фалсафий, ижтимоий, ҳатто сиёсий маъносини англаб етади. Европа билан қолоқ Россия Туркистони, амирлик ва Хивадаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маърифий, техникавий узлатни солиштиради. Шу боис ҳаждан дунёқараши кескин ўзгарган ҳолда қайтган. У дўстлари даврасида, ҳатто матбуотда ҳам ҳазрат Баҳоуддин ҳикматларининг сиёсий томонини тушунтириб ўтади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1906 йили Зокиржон Алихонов⁴² деган бир татар муаллими билан танишади ва унга уйидан жой беради. Ҳожи Муъин: «Бу зот билан Беҳбудий афанди хийла вақт мусоҳиб бўлуб, диний, ижтимоий ва фалсафий кўб масалалар хусусида мубоҳаса ва мунозара этишди. Бу мусоҳабалар натижа-сида Беҳбудий гоҳ ғолиб келиб, гоҳ мағлуб бўлар эди», – дейди ва адибнинг Ички Русияга саёҳатини шу суҳбат билан боғлайди. Чамаси, бу фикр унчалик тўғрига ўхшамайди. Сабаби, Беҳбудий 1903 – 1904 йиллардан Туркистон ва Русиядаги туркий тилдаги матбуотда фаол қатнаша бошлаган. Фикрий алоқалар жисмоний учрашувларга замин ҳозирлаган. Жумладан, Ички Русия мусулмон зиёлилари, хоссатан, Давлат Думаси мусулмон фракцияси аъзолари, қолаверса, «Иттифоқи муслимин» муассислари билан алоқа ўрнатишига сабабдир. Нижнийга ҳам шу масалада борган. Аммо иккинчи съездда иштирок этолмаган. Унинг Петербургда бўладиган иккинчи ййғилишига таклиф этилиши саёҳатга ундаган. Хуллас, 1907 йили Москва, Петербург, Қозон, Уфа ва Нижний Новгород шаҳарларига саёҳат қилди. Чамаси, «Таржумон» ва «Улфат» да мақола эълон қилишдан аввал Исмоилбек ва Абдурашидбек қозилар билан мактуб орқали танишган. Нижнийда

⁴² Алихонов Зокиржон – «Вақт» ва ТВГ каби нашрларда «Мақтаб дўсти» имзоси билан иштирок этган татар муаллими.

ўтган мусулмонлар қурултои чоғида Исмоилбек Гаспринский ва Абдурашид қози Иброҳимов билан юз кўришиб, дўстона муносабатни мустаҳкамлаган. Номлари зикр этилган сиймолар, ҳаж сафари адибнинг маънавий ҳаётида кескин бурилиш ясади. У 1906 йили шундай ёзади: «Камина роқим ўн уч йилдурки баъзи авроқ ва кутуби замония ва фанния истеъмол қилурмиз».⁴³ Демак, Беҳбудий дунёқарашидаги ўзгаришлар, яъни фикрий инқилоб, Ҳожи Муъин айтганидай, 1906 йилдан эмас, балки 1893 йилдан, яъни биринчи ҳаж сафаридан олти йил олдин бошланган. Бунинг сабабини Исмоилбекнинг Бухоро – Самарқанд – Тошкент сафари таъсири ва Самарқандга махфий келтирила-диган турк, эрон, ҳинд, араб нашрлари билан боғлаш, ҳуқуқшу-нослик ва қозихонадаги муфтийлик фаолиятдан ахтариш мақ-садга мувофиқроқ бўлса керак. Чунки унинг талайгина мақола-ларида Қуръон ва ҳадисдан асосли мисоллар келтирилади.

Ҳаж сафари эса унинг тафаккуридаги ўзгаришларни мус-таҳкамлаш билан бирга янги ўй, янги маълумотлар билан бойит-ган, янги тафаккурдаги шахслар ила танишиш орқали дунёқа-рашини янада кенгайтирган, эътиқодини кучайтирган, сиёсат-шуносликдан баҳраманд этган. Европаликлар илмий техника ва саноатда эришган ютуқлар уни чуқур ўйга толдирган. Икки қитъа ҳаётини сиёсий ва ижтимоий ҳамда маданий жиҳатдан солиштиришга мажбур этган. Туркистон халқининг умумжаҳон тараққиётдан қанчалик орқада қолиб кетганини кўрсатган. Бундай таъсирлар, учрашувлар, мажлислар унинг сиёсий жиҳат-дан етилишига олиб келган.

Русия империясининг рус-япон урушидаги мағлубияти унинг енгилмас деган шуҳратини синдирди, давлатнинг ичида мавжуд ҳокимият ва унинг сиёсатига қарши турли партияларнинг но-розиликлари кучайиб кетди, ниҳоят, 1905 йил январнинг қонли воқеалари император ва унинг ҳукуматини ён беришга мажбур қилди. Шу воқеа сабабли 1906 йил 17 октябрь манифести эълон қилинди. Ана шу манифест фақатгина рус фирқалари, публи-цистларигина эмас, балки туркистонлик ватанпарвар ва аҳли қаламнинг онгидан «Русия енгилмас» деган ваҳимани қўпориб

⁴³ ТВГ. 1906 йил 20 май. №19.

ташлади, сиёсий хоб-ғафлатдан уйғотди, ижтимоий қарашларини тамоман янгилади, фикрий инқилобга олиб келди, қўл ва қаламларини кўз илғамас империя даҳшатини англатувчи асорат кишанларидан фориг этди. Бинобарин, 1903 – 1904 йилларда ўз қарашларини бироз қимтиниб ёзган бўлса, манифестдан кейин кўнглидаги гапларни, аниқроғи, маърифатпарварлик, тараққийпарварлик, ислоҳот ҳақидаги фикрларини баралла ёза бошлади.

1906 – 1907 йилларда Тошкентда «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Осиё», «Тужжор» газеталарининг бирин-кетин ташкил топиши Маҳмудхўжа Беҳбудий кўнглидаги бор гапларни тўқиб соладиган майдонни юзага келтирди. «Хайрул умури авсатуҳа», «Ислоҳи таҳсил», «Дума ва Туркистон» ҳамда «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилган «Хуррият-Озодий-Свобода-Эркинлик» каби мақолаларни, довжурлик билан эълон қила бошлади.

Беҳбудий Туркистон зиёлилари орасида биринчи бўлиб Туркистон учун мухторият берилишини дадил кўтариб чиқди. У 1907 йил 24 апрелда Русия Давлат Думаси Мусулмон фракциясига юборган «Лойиҳа»сида бу масала ҳақида махсус тўхталди: «Миллатимизни истеъдодсиз ва идораи дохилия ва афтономияни ижро ва ҳифзига қодир эмас зан этувчилар, албатта, хато этарлар. Оврупойи Русий мусулмонларидан зиёдароқ афтономияни Туркистонга берилмоғи лозимдир. Азбаски, туркистонликлар ҳануз дохилан ўзини ўзи идора этар ва Оврупойи Русийдаги қардошларимиздан ихтиёрлидурлар».⁴⁴ Бундай талабни қўйиш учун инсон, аввало, фуқаролик жасоратига эга бўлиши ва миллат вазифасини ҳам ақлан, ҳам қалбан тушуниб етиши, ўта довжурак бўлиши лозим.

Туркистон халқининг тортиб олинган ҳуқуқларидан бири диний ва мулкый идора эди. Гарчи фуқаролик ишлари: никоҳ, талоқ, мерос масалалари маҳаллий қозилар ихтиёрида бўлса-да, бироқ уларнинг фаолияти чор маъмурияти томонидан назорат қилинган ва чекланганди. Шу боис Беҳбудий маҳаллий халқ та-

⁴⁴ Маҳмудхўжа Беҳбудий: «III Думанинг аладдуои эҳтиром мусулмон фракцияси рижоли мужоҳидлари мажлисларина» лойиҳасига қаралсин.

лабидан келиб чиққан ҳолда Туркистоннинг бошқарув тизимида ислоҳот лозимлигини биринчи бўлиб юқорида айтилган «Мусулмон фракцияси»га юборган лойиҳаси ва «Ойна» журналида босилган лойиҳаларида Туркистон маркази – Тошкент шаҳрида, Сирдарё, Фарғона, Еттисув, Мовароуннаҳр, Хазар (Закаспий), Самарқанд учун «Идораи руҳония ва мулкия» ташкил этиш масаласини майдонга қўйди. Чунки халқ ўзининг диний ва мулкий масалаларини мустамлака жорий «Положения»лари моддалари асосида тўлиқ ҳал қила олмас эди. Катта маърифий-диний ислоҳотларни ўтказиш учун кучли мутахассислардан иборат бир идора зарурати узоқ йиллардан буён сезилган эди. Қолаверса, бу идоранинг ташкил қилиниши, Беҳбудийнинг фикрича, аста-секин мажбурий унутилишга юз туттирилган динни, миллий қадриятларни сақлаб қолиш, мактаб-мадраса тизимини янгилаш учун зарур эди. Бу идора миллий мустақилликни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ўчоғи вазифасини бажариши лозим эди. Шу боис бу идоранинг тузилиши ва мусулмонлардан аскарликка олиш масаласини мутафаккир кўп бор кўтариб чиқди.

1907 – 1908 йилларда Исмоилбек Гаспринский ва Абдурашид қози Иброҳимовнинг Туркистон ҳамда Бухорога келиши чоғида икки ўртадаги қадршуносликдан ташқари ислоҳотчилик, бидъатга қарши кураш Беҳбудийнинг кундалик ҳаётидан қатъий ўрин олди ва янада кучайди. Беҳбудийнинг Исмоил Гаспринский билан 1908 йилдаги учрашувини Ҳожи Муъин қуйидагича таърифлайди: «Бир вақт (1908 йилда) «Таржумон» газетасининг муҳаррири Исмоилбек афанди Гаспринский (25 йиллик юбилейсидан сўнг) Самарқандга келганида Беҳбудий афанди йиғлағон ҳолда ул зот ила қучоқлашиб кўрушуб: «Бу кун сизнинг ҳузурингизга келиб суҳбатингиздан истифода қилатурғон зиёлиларимиз йўқ», – деди. Исмоилбек афанди анга жавобан: «Беҳбудий афанди! Йиғламанг! (Мажлисдаги кишиларга ишора қилиб) Мана булар озми? Яна сизлар тиришсангиз, оз фурсатда миллатга кераклик кўб одамлар етиштира олурсиз»⁴⁵, – деди.

Беҳбудийнинг «Иттифоқи мусулмин» қурултойида иштирок этиши, фирқа низом ва маромномаси билан жиддий танишуви,

⁴⁵ Меҳнаткашлар товуши. 1920 йил 8 апрель.

Петербургда Давлат Думаси мусулмон фракцияси аъзолари билан учрашув унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини авж олдирди десак муболаға бўлмайди. Зеро, «Иттифоқи муслимин» низом ва маромномасида империя ҳудудида истиқомат қилаётган ва империяга мажбурий бўйсундирилган мусулмон халқларнинг истиқболи учун талайгина янгиликларни амалга ошириш белгиланганди. Ана шулардан бири замона зайли билан тор диний таълим мактабига айланиб қолган бошланғич ўқув юртларини умумтаълим мактабига айлантириш масаласи эди. Русия Ички ишлар министрлиги бу масалага жиддий эътибор қаратди ва жойлардаги ўлка губернаторлари, ҳарбий губернаторларга махсус хат юборди. Министрнинг Туркистон бошлиқлари номига юборган хатида шундай дейилади: «1906 йилда Нижний Новгородда бўлиб ўтган мусулмонлар съезди Русия мусулмонларининг тараққийпарвар унсурлари ўзларининг мактаб ишларига катта эътибор бераётганликларини етарли даражада аниқ ва равшан кўрсатди. Айтилган съезд ўзида озодлик ҳаракати даври деб аталувчи паллани акс эттириб, **табиийки, мусулмонларнинг ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш ва ажралиб чиқишга интилиши бегона эмаслигини ва мактаб иши миқёсида барча ўй-фикрлар шунга қаратилганини кўрсатди** (таъкид бизники – С.А.). Мусулмон вақтли матбуотининг мактаб масаласи муҳокамаси ва уни кенг ёритишга катта ўрин бераётгани бунинг яққол мисолидир».⁴⁶

Исмоилбек Самарқандга иккинчи бор келганда Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳамроҳлигида Абдулқодир Шакурин мактабида бўлади. Улуғ ислоҳотчи ўқувчилар билан мулоқотда бўлиб, савол-жавоб ўтказди. Ёш болаларнинг қисқа муддатда олган билимларидан қониқиш ҳосил қилиб, қримлик болалар бунчалик кўникмага эга эмасликларини ҳайрат билан таъкидлайди. Юқорида айтганимиздек, 1914 йили Истанбулдаги Гулхона паркидаги учрашув, «Шоҳинпошо ўтели» меҳмонхонасида туркистонлик ва бухоролик талабалар иштирокида давлат бошқарув тизимлари ҳақида ва бошқа масалалар ҳақида етти соат давом этган суҳбат адибнинг қатъиятини оширишдан ташқари халқнинг кор-ҳолига

⁴⁶ ЎЗРМДА. 18-фонд, 1-рўйхат, 8747-ийғмажилд, 2-в. орқаси.

яраш, мустамлакачиликдан қутулишнинг пойдеворини яратиш хусусидаги ўйларнинг амалиётга кўчишига сабаб бўлди. Бир сўз билан айтганда, Исмоил Гаспринский, Абдурашид қози Иброҳимов, Мусо Жоруллоҳ Бегиев, Ризоиддин бин Фахриддин, Садри Мақсудий, Алимардонбек Тўпчибошев, Юсуф Оқчўра каби атоқли шахсларнинг «халққа бурилиш» – «Ватан истиқлолига замин яратиш» сиёсати Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Обиджон Маҳмуд каби туркистонлик зиёлиларни, хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудийни эл-юрт, буюк Ватан манфаати учун хизмат қилиш – порахўр қози, алифни калтакка алмашган домлалар, тор фикрли яккаҳокимлар қуроли бўлиб қолган қози, аълам ва мударрислар лоқайдлиги, зулм остида ўзлигини, ўзининг миллий ва диний вазифасини унутгани, аҳли донишнинг чор ҳукумати томонидан мадрасаларни ёшартиш баҳонасида қувринга солиниши – авом халқни узоқ асрлик уйқудан уйғотиш – интибоҳ – халққа бурилиш ҳаракатининг намоён-дасига, ўз сўзи билан айтсак, «ходимул миллат»га айлангирди.

Мутафаккир адиб: «Русия милтиқларини учиға қўнуб янги фикр ва илмлар ва маданияти ғарб бизим Осиёи вустоға юз қўйди ва бизни туртуб уйқудин уйғотаётибдур»⁴⁷, – дейди. Фарғона водийси шаҳарларига саёҳат қилиб янги усулдаги мактаблар фаолияти билан танишгач «Ҳоллар кундан-кунға илми танааззулиға, миллатни наҳаттотиға сабаб бўладур. Уламо ва талаба орасиға бу сўзларни ёпмоқ керак»⁴⁸ деган фикрга келади. Шу боис миллатни миллат сифатида туташдан, жамиятни нақд фалокатдан фақатгина мактаб-мадраса ислоҳотигина асраб қолиши мумкинлигини кенг зиёлилар оммасига англатишга интилди, бу йўлда тинмай кураш олиб борди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий маориф тизимининг ислоҳотини умуммамлакат, умуммиллат муаммоси деб билди ва бу масалада Исмоил Гаспринскийнинг Туркистондаги ҳаммаслагига айланди. Айнан шу нуқтаи назардан дўсти Абдулқодир Шакурийнинг янги усулдаги мактаб очиш хатти-ҳаракатини қўллаб-қувватлади. Чунки Шакурийнинг янги мактабни ташкил этиш масаласида Тошкент, Оренбург, Қўқон, ҳатто Туркияга бориб, маҳаллий

⁴⁷ ТВГ. 1907 йил 2 ноябрь. №82.

⁴⁸ ТВГ. 1907 йил 30 декабрь. №97.

педагогларнинг ишлари билан танишиб тажриба орттирганидан хабардор эди. Мактаб болалари шаҳардан ташқарига қатнаб қийналишганини сезган Беҳбудий Самарқанд ҳарбий волийсидан махсус рухсатнома олиб Шакурий мактабини Хоний халфа Лаълбек маҳалласидаги ўз ҳовлисига кўчиради. Ҳукумат рухсати билан Самарқанд шаҳар мажлиси Шакурий мактабининг янги биносини қуриш учун Ниҳол бозори яқинида 250 кв. саржин ер ажратади. 1906 – 1907 йиллар мобайнида мактаб анча жонланади. Беҳбудий мактаб учун дарсликлар ёзиб беради, чет элдан олиб келган адабиётлар ва хариталар билан таъминлайди. 1908 – 1909 йилларда Шакурий бир турк муаллимини мактабига таклиф этади. Бу муаллим Беҳбудийнинг фарзандига таълим берган. Орада бу муаллимга қаршилик кўрсатиш баҳонасида Беҳбудий ва Шакурийга қарши ҳужум уюштирилади.

Чор ҳукумати ва унинг Туркистондаги маъмурлари турк фуқароларининг Туркистонга келишига тип-тирноғи билан қарши эди. Юмалоқ хат орқали фитна уюштирувчилар бунга яхши билишган ва ўз мақсадларини амалга ошириш учун мазкур ҳолатдан унумли фойдаланишган. Бироқ муаммонинг алағга олишини хоҳламаган Маҳмудхўжа Беҳбудий Самарқанд ҳарбий губернатори билан учрашиб вазиятни юмшатишга эришган. Аммо ҳар бир маърифатпарвар ва янги усулдаги мактабларни қонунсиз назорат қилувчи Н.П.Остроумов масалани чигаллаштиришга интилган. Ушбу масалага Ҳожи Муъин ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Ўрни келганда Ҳожи Муъин ва Беҳбудий муносабатларига қисқа тўхталиш жоиздир.

Ҳожи Муъин ибн Шукрулло XX аср адабиёти, санъати ва матбуотига катта ҳисса қўшган жасур қаламкашлардан биридир. У илк бор Беҳбудий билан шоир Саййид Аҳмад Васлий ҳужрасида 1321 ҳижрий / 1903 милодийда танишади. Ёзувчи: «1324 ҳижрийда «Мухтасар жуғрофияи умумий» исмли асарини бостируб чиқарди ва шунинг ила баробар Самарқандда мутаассиб уламо ва талабалар оғзиндан Беҳбудий ҳақинда такфир ва таҳқир сўзлари эшитила бошлаб, бу сўзлар бутун халқ орасинда тарқалди», – дейди. Ана шундан кейин у ўз устозига бориб масалага ойдинлик киритишни сўрайди. Устозидан салбий, мутаассибона сўз эшитгач китобни сотиб олиб, мутолаа қилади ва барча шовшув бўлаётган фикрлар нотўғри эканлигини, «такфир» сўзлар

йўқлигини англайди. «Ўшал кундан эътиборан, – деб ёзади Ҳожи Муъин «Буюк устозимиз Беҳбудий афанди» мақоласида, – Беҳбудий ҳазратларига чин кўнглимдан мухлис бўлдим ва анинг ким эканлигини том маъноси-ла билиб олдим. Шуни ҳам ёзмасдан ўтолмайманки, мазкур тарихдан эътиборан ўзимнинг аввалги «биринчи фозил» деб билган устозимдан бутун ихлосим қайтди. Анинг қошига бундан сўнг бормайтургон бўлдим. Бошқа эски устозларимдан ҳам юз ўтирдим. Шуни ҳам унутмайманким, мазкур жуғрофия китобининг «Татбиқоти диния» фаслинда «Баъзи эски хурофот ва исроилиёт сўзлари бизнинг тафсир китобларимизгача кириб кетган» мазмунидаги жумлалар ўшал вақтда маним фикримда зўр ўзгаришлар ясади. Яъни ўшал жумла мени биринчи дафъа фикрий инқилобга учратди. Мен ўшал кундан эътиборан ҳар бир эски ва янги китобларни диққат билан, муҳокама илан ўқийтургон бўлдим... Мазкур тарихдан эътиборан Беҳбудий афандига чин кўнгил ила мухлис бўлдиғимдек, ўша вақтдан бошлаб мавқеи келганда ҳар ерда ани мудофаа этатургон бўлдим».⁴⁹

Ҳожи Муъин кейинчалик «Самарқанд», «Ойина», «Хуррият» нашрларида Беҳбудий билан ҳамкорлик қилиш чоғида унинг ижтимоий-сиёсий, илмий савияси, бадий қуввати ва дунёқарашининг кенглигига қойил қолади, ундан кўп нарса ўргангани ва тарбиясида моҳир қаламкаш бўлиб етишади, айниқса, драматург бўлиб камол топишида устозининг ҳиссаси каттадир. Буни адабиётшунос Абдурахмон Саъдий ҳам таъкидлаб ўтган. Аммо масаланинг чигал томони шундаки, шундай фикрга эга бўлган киши билиб-билмасданми ёки Бақоҳўжа Ҳодихўжа ўғлининг таъсиридами, бошқаларнинг ундови биланми, Остроумовнинг зуғумиданми, шахсий адоватданми, Беҳбудийнинг Шакурий билан мактаб масаласидаги ҳамкорлигига монелик қилади. Шундай муносабатлар «ёрдамида» Шакурий ва мактабини тазйиқ остига олиш давом этади⁵⁰ ва бошқа жойга кўчади. Халқ «ўнта хап-хапдан битта чап-чап яхши» дейди, фикримиз қуруқ туҳмат ва гумон бўлмаслиги учун эътиборингизни қуйидаги «махфий» хатга қаратамиз:

⁴⁹ Меҳнаткашлар товуши. 1920 йил 8 апрель.

⁵⁰ ТВГ. 1900 йил 18 декабрь. №94.

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИ БОШ НАЗОРАТЧИСИ
ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ НИКОЛАЙ ПЕТРОВИЧ
ОСТРОУМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

«Махфий»

Кеча ёзиб юборилган хатимизга илова қилиб, яъни қўшуб шуни-да ёзамизки, Сизга аниқ ва равшан маълум бўлсинки, турк муаллими бу йил йўқдур. Балки ўтган йил бор эди. Яъни ўшал Маҳмудхўжа муфти Беҳбудхўжа ўғли Самарқанд губернаторига ариза бергон вақтида бор эди. Ўшал вақтлар бир ой ё ярим ой туруб, сўнгра Маҳмудхўжани аризасини шов-шови чиққанда Абдулқодир⁵¹ мазкур туркни қўрқусидан чиқориб юбориб эди. Яъни бизлар ҳам Маҳмудхўжани қаторида мазкур туркни ўшал вақтлар бир кўргон эдук. Хулоса: Маҳмудхўжани турк муаллими бор деб берган аризаси рост эди. Аммо Маҳмудхўжани Абдулқодир тарафдорлари ўртага олиб кўп қўрқутуб эдилар. Шул сабабдин бечора Маҳмудхўжа мункир бўлиб эди. Бул икки адад Сизга ёзгон хатимиз арза суратинда эмас, балки шундоқ содда ва тўғри хат ва мактуб шаклиндадур. Фақат Сизга бир маълум бўлуб қолсун деб ёздук. Шул важҳдан Сиздан илтимос қиламизки, бу тўғридан таҳқиқ қилинг деб. Самарқанд инспектўрига ё бошқа маъмурга хат ёзмасалар деб. Агар закўн бўйинча мумкин бўлса, ўшал ердан туруб, ўзингиз ҳеч кимга маълум қилмасдан буйруқ қилиб мактабини ёпдурсангиз деб илтимос қиламиз. Ва илло, бу иш ўзи тамом бўлуб, ўтуб кетгандур.

Шунчаки Абдулқодир муаллимни ўзи кўб ёмон, муфсид ва муфаттин ва зугургар одамдур ва ҳам ўзи илмсиздур. Такрор Сиздан Худо ва ҳазрат Исо алайҳиссаломни восита қилуб илтимос қиламизки, бу қилгон хатимизни фақат бизлар иккимиз билайлук ва сиз билинг ва Худо, бошқа ҳеч ким, на руслардан ва на мусулмонлардан билмасунлар ва хатни ўқуб англагонингиздан сўнгра йиртиб ташланг. Ва илло, маълум

⁵¹ Абдулқодир Шакурый (1875 – 1937) – Самарқандда илк бор усули савтия мактабини очган машҳур ўқитувчи. Турк муаллими Беҳбудийнинг фарзандига дарс берган. Бундан Ҳожи Муъин беҳабарга ўхшайди. Қолаверса, бу ҳодисада сиёсий жиноят элементи йўқ.

бўлса, муаллим Абдулқодир ва они дўстлари фавран нўгай ва Кавказ газетларига ҳам бизни ва сизни ёзодурларки, фалон, фалонлар Абдулқодир мактабини хусусида донос қилибдурлар. Ва фалон тўра главний инспектёр бўлди. Даррав фалон мактабни ёптурди деб хафа қилодурлар.

Сиз жанобни мудаббир ва олим зот деб, Сизга кўнглимиз тўлгонидан эътимод қилуб бул сўзларни ёздук. Ва илло, бошқа кишига ёзмас эдук ва айтмас эдук. Масалан, Горячкин⁵² тўра сўрагонларида айтмаб, сўйламаб эдук. Чунки ул жанобга эътимод қилиб бўлмас эди. Бир навъи қилингики, ҳеч бизлардан бадгумон бўлмасун. Кеча ёзиб юборган хатимизга баъзи ноқислик ва нотўғри сўзлар бор эди. Шул сабабдан гўё у хатни ёзгучи:

Ҳожи Муъин бин Шукрулло ва Бақоҳўжа бин Ходихўжа.
28.6.09.»

*Пўчта муҳрида сана 28.6.09. г. Самарқанд.*⁵³

Ҳазрат Исо алайҳиссалом номи билан қилинган илтимос махфий қолмаганга ўхшайди (хат мазмунига қараганда, Ҳожи Муъин авваллар ҳам Остроумовга хабар ёзиб турган кўринади). Маҳмудхўжа Беҳбудий ижозати ва ёрдами билан ҳарбий волий ёрдамида Шакурый мактаби учун янги жой ажратилади ва шу ерда ўз фаолиятини давом эттиради. Аммо Беҳбудий ва Ҳожи Муъин ораларида совуқчилик пайдо бўлади. Совуқ гапнинг тарқалиши осон дейди халқ. Бу совуқчилик ҳар икки сиймонинг «Ойина»даги фаолиятида ҳам сезилади. Олмон олимаси Ингеборг Балдауф⁵⁴ хоним мактубдан беҳабар бўлса-да, аммо орадаги муносабатни тўғри илғаган ва бу совуқчиликнинг тушмоғига мажаллада турк тилидаги материалларнинг кўпайиб кетиши бўлса керак деб тахмин қилади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий кечиримли киши бўлган. Буни Ҳожи Муъиннинг ўзи ҳам тан олади. Аммо Ҳожи Муъин ва Бақоҳўжа Ходихўжанинг Шакурыйга, қолаверса, янги усулга қаршилиқ кўрсатиши – тушуниб бўлмайдиган ҳодиса. Чунки ана шу мактубдан

⁵² А.Ф.Горячкин – Уфа уезд маориф инспектори. 1909 йили Фарғона ва Самарқанд вилояти маҳаллий мактабларини тафтиш қилган шахс.

⁵³ ЎзР МДА. 1009-фонд, 1-рўйхат, 169-ийғмажилд, 95 – 97-в.

⁵⁴ Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент, 2001. – Б.44.

кейин Шакурий мактаби ёпилгани маълум. Аммо орадан кўп вақт ўтмай Ҳожи Муъин ва Абдуқодир Шакурий дўстлашиб кетишган ва бирга мактаб очиб, бирга муаллимлик қилганлари барчага аён.

Шакурий мактаби туфайли Беҳбудий жабр чекканини Самарқанд зиёлиларидан Абдулҳамид Азамат «Беҳбудий ҳақида хотираларим» мақоласида шундай ёзади: «Мустабид ҳукуматнинг қаттиғ назорати, марҳаматсиз тафтишлари ҳукм сурган бир вақтда ул Эски шаҳардаги ўз ҳовлисини муаллим Абдулқодир афанди Шакурийнинг усули жадида мактабига бериб, ўз ҳимояти остида уни бир неча йил ёшатди... Қора идоранинг 1906 йилги зулми замонида мактабга ўрус муфаттишлар келиб кирган чоғда жуғрофия, тарих ва ҳисоб-китобларини отхоналарнинг охури тагида ёшуруб юрган вақтлардаги азоб ва масъулиятлар Абдулқодир афанди билан баробар, албатта, Беҳбудий устига ҳам тушгандур.

Мустамлакачилик даврида Туркистоннинг истиқболи учун бирдан-бир умидлик билим ўчоғини ўз ҳовлисида тутқани сабабли Беҳбудийга кўпрак қийноқлар кўришга тўғри келгандир».⁵⁵

Ҳожи Муъин ўз хатосини кеч бўлса-да англаб етган. Шу боис Беҳбудий ҳақида кўрган-билганларини, эшитганларини имкон даражасида адиб фожиасига қайғурган ҳолда келажак авлодга етказиш учун тинимсиз ёзган. Шунга қарамай, ичидаги бор гапни тўлиқ айта олмаган, жумладан, «Учқун» журналидаги мақоласи тугалланмай қолган. Бошқа нашрларда босилган мақолалари ҳам яхлит эмас.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг янги мактаб учун, янги ижтимоий тафаккурдаги авлодни шакллантириш учун кураши бир зум бўлсин тўхтамаган. У мактаб маромномаларида дунёвий фанларни жорий этиш учун қаттиқ кураш олиб борди. Шу сабабли Тошкент ва Фарғона водийси мактабларининг иш тажрибасини атайлаб ўрганди. «Фарғонага саёҳат» мақоласида ёзишича, у Андижон, Қўқон мактабларини кўриб уларда ўрганишга лойиқ тажриба йўқлигини айтиб ўтади. У самарқандликларга фарзандларини ўқитиш учун ўша шароитда фақат Тошкентдаги Мунаввар қори мактаби талабга жавоб беришини уқтириб тавсия этади. Ўзи эса мактаб учун программа ва дарсликлар тайёрлайди. Миср

⁵⁵ Зарафшон. 1923 йил 25 март. №32.

ва Истанбулдан олиб келган лойиҳаларни, китоб ва хариталар билан бирга сиёсий фирқалар низомларини тарқатади. Мактаб дарсликлари билан кифояланмай, турли сиёсий адабиётлар билан яқин кишиларини таништиради.

Беҳбудий олиб борган ижтимоий-маърифий ҳаракат натижаси ўлароқ янги усулдаги мактаб тизими Самарқандда ўса борди, ҳатто Бухородан айрим муаллимлар келиб тажриба ўрганиб, малака оширадilar. Адиб қаламига мансуб «Тарбияи атфол», тарих ва география, ҳисобга оид дарсликлар вужудга келди ва нашр этилди. Беҳбудий қаламидан чиққан ҳар бир дарслик Туркистоннинг ноқонуний волийси миссионер Н.Остроумов назаридан ўтар эди. Остроумов ва Беҳбудий муносабатини кейинроққа ташлаб, яна мактаб ҳақида тўхталадиган бўлсак, шуни очиқ айтиш керакки, адиб мактабларда дунёвий фанларни ўқитиш учун фақат чор маъмурияти, мустахлакчи сиёсатчилар, миссионерлар эмас, балки маҳаллий мутаассиб кишиларнинг ҳужумига қаттиқ турмоғига, маънавий-руҳий азобларга чидашига ва уларга қарши курашмоғига тўғри келди. Ана шундай азобли воқеалардан бири Самарқанддаги «Мирзо Улуғбек» масжид-мадрасасида 1914 йил 3 январда содир бўлади.

Жомеъ муаззини кўп минг кишилик намозхонлар олдида асоссиз равишда «усули жадидчиларнинг ва русча ўқутмоқга ташвиқ қилатурганларни кофирлиги ва ҳар ким боласини усули жадида мактабига берса – ўзи кофир, хотини талоқ бўлишини форсий тил била узун ва ҳаяжонлик бир нутқ ила халойиқга билдуруб ҳамда ва аларни кофир ва ўрус ҳамда кофир ва ўрус қилгувчи деб эълон қилинди».⁵⁶ Бу масала юзасидан қозилар, аъламлар йиғилиш ўтказиб муҳокама қиладилар. Муаззин: «Бу сўзларни ўзумдан айтмаймен, уламо қавли ва буйруғи ила дерман»⁵⁷, – деб ўзини оқлайди. Беҳбудий бу ҳолатни: «Мақзуф ва мақдўҳлар ушбу тўғридин шарият ва қонун мақамалариға ер юзиндаги мусулмонларни виждониға ружуъ этарлар»⁵⁸, – дей-

⁵⁶ Ойина. 1914 йил 11 январь. №12. – Б.295. Матнда кўрсатилган шахсларнинг исми цензура томонидан олиб ташланганга ўхшайди. Кейинги мақолада шунга ишора бор.

⁵⁷ Ўша жойда.

⁵⁸ Ўша жойда.

ди. Янги усулдаги мактаб, рус тилини ўрганиш, миллатни янги ижтимоий-сиёсий тизимга солиб, тараққиётига тажовуз бўлган бу чиқиш Беҳбудийни ларзага келтиради. Ҳатто Самарқанд вилоят маъмурияти ва жаноб Остроумов ҳам бу масалага аралашади. Қозилар ва муаззин чор маъмурияти маҳкамасига чақирилиб иш тафтиш қилинган, муаззин ўзининг сўзидан тониб, мунофиқлик йўлига ўтиб олади. Ҳар бир нарсани сабр-матонат билан ҳал этгувчи адиб журналнинг кейинги сониди «Бизни ҳоллар ва ишлар» мақоласини эълон қилади. Мақолада муаззин нутқи билан боғлиқ манзарани рўйрост кўрсатади: «Ушбу нутқ ҳукуматга маълум бўлуб, ҳукумат тарафидан мадрасаи «Тиллакори» ва мадрасаи «Мирзо Улуғбек» мударрислари жаноб Мулла Имомназар ва жаноб Мулла Салим ва ҳам нутқ қилган муаззиндан сўралубдур. Жаноб мударрислар: «Ушбу нутқдин хабаримиз йўқ», – дебдурлар. Муаззин айтубдурки: «Ман усули жадида ва ё русча ўқумоқ ва ё усули жадидчилар ҳақинда ҳеч бир нимарса айтганим йўқ. Фақат «Анжумани арвоҳ» исминдаги янги чиққан рисолага эътиқод қилманглар дедим», – деб бошқа айтганларига мункир бўлубдур... Бир неча минг киши ҳузурида айтган сўзиға мункир бўлгани ани қайси даражадаги одамлигини кўрсатур».⁵⁹

Мусулмончилик нуқтаи назаридан одамларни, муаллимларни гуноҳсиз «такфир-кофир»ликда айблаш – ниҳоятда катта айблов. Шу сабабли «такфир» масаласи адибни ниҳоятда ташвишга солди. Сабаби, 1906 йили жуғрофия ҳақидаги асари босилган, Ҳожи Муъин юқорида айтганидек, «такфир»ликда оғзаки айланган бўлса-да, таъсири Мирзо Улуғбек жомесида сўзланган нутқ даражасида бўлмаган. Муаззин нутқида Беҳбудийга тил теккизган кўринади. У: «Ойна» муҳаррирининг иймониға ҳам ўшал муаззин чанг солибдур деган сўзлар ҳам эшитиладур. Бул сўз собит бўлгонда «Ойна» муҳаррири, албатта, анга даъво (қазаф) қилур. Ал-он муаззин сўзиға умумий тарафдан қараб бироз муҳокама қилурмиз», – дейди. Муаззиннинг сўзини таҳлил қилар экан, унинг устози Мулла Тўрахўжа эшон усули жадиднинг бонийси, яъни тарафдори эканлигини таъкидлаб: «На усули жадида мактабиға ўқутган сабабли ва на русча ўқутган важҳдан

⁵⁹ Ойна. 1914 йил 10 январь. №13. – Б.200 – 203.

киши кофир бўлмайду. Муаззин мунга ҳеч далили шаръий ва ақлий кўрсатолмайду», – дейди.

Такфир масаласи мусулмоннинг виждонига тажовузлигидан ташқари энди маърифий жиҳатдан оёққа туришга интилаётган миллатнинг эркига, катта маърифат (сиёсий маърифат) хатти-ҳаракатига қарши турувчилар, миллатни ғафлатда ушлашни мақсад қилганларга қарши ўлароқ уларнинг исмини айтмай, «ақлига ишорат, нодонга калтак» қабилида адиб ёзади: «Мулла Аҳмад афанди айтиб эдиларки, «Истанбул шайхулисломини устодим Эпонтўра илан зиёрат қилдим. Шайхулислом жаноблари дедиларки, биз эшитармизки, Бухоро ва Туркистон уламози усули жадидни ёмон дер эмишлар, ажабо! Далиллари надур?» деб мулоҳаза қилмоқчи бўлганда ман (Мулло Ҳожи Аҳмад) делдимки: «Афандим, бизни шайхимиз (Эпонтўраҳўжа домлани мурод этар) усули жадидани мудофеъи ва ҳомийсидурлар» деб қутулдук». ⁶⁰

Ушбу сўзларни келтирар экан, қозиларнинг иймони заиф эканлигини таъкидлайди. Муаззин ҳукумат олдида ҳам, устози олдида ҳам ўз сўзига мункир бўлганини қўшимча қилади, бундай кишилар сўзининг «бир пуллик эътибори йўқ»лигини айтади ҳамда «шунидан фавран ёзайинки, кофир деган одамлари азалий ва абадий мусулмондур. Унлар куфрни абадан қабул этмайдулар» ⁶¹ деб болаларини янги усулдаги мактабга берган юз минглаб кишиларнинг кўнглини хотиржам қилади. Адиб «Идорадан жавоб»ида ёзади: «Алҳамдулиллаҳ, халқимиз куфр ила исломни, тараққий ила таданнийни, рост ила ёлғонни тамиз этадулар. Қимматлик матбуот саҳифаларини шундай ўз сўзига эътибор қилмайдурганлар ила бенаф ёзишмоқни нафисиз гумон қилинур. Ушбу бобда мақола ёзганлардан афв тилармиз». ⁶²

Гарчи Беҳбудий жавобни «дафъи иштибоҳ» учун ёзган бўлса-да, аммо бу фақат тор фикрли мутаассиб руҳонийларга жавоб эмас, янги ва эски усул ўқитиш тизими орасидаги кураш ҳам эмас, балки ўзининг қадим маданияти, давлатчилигига эга бўлган халқ эканлигини янги мактаб ёрдамида англаб, сиёсий онги уйғонаёт-

⁶⁰ Ўша жойда.

⁶¹ Ойна. 1914 йил 11 январь. №12. – Б.295.

⁶² Ойна. 1914 йил 8 март. №20. – Б.377.

ган халққа қарши мустамлакачи, насроний мутаассиб миссионерлар ёқаётган оловни ўчириш, тўкилиши мумкин бўлган қардошлик қонини тўкмаслик тадоригини кўриш, миссионерларнинг қизигини пасайтириб қўйиш эди (сабаби, «Ойна» журналига Туркистоннинг турли минтақаларидан такфирга қарши холисона ёзилган мактублар оқиб кела бошлаган эди). Маҳмудхўжа Беҳбудий ва сафдошлари бунинг тўла уддасидан чиқдилар.

XX аср, хоссатан, Оврупо мамлакатлари тараққиёти, янги халқаро ижтимоий-савдо муносабатлари туфайли майдонга чиққан маданий-ахлоқий муаммолар, сиёсий, маърифий, иқтисодий, миллий алоқалар жиҳатидан узлатда кун кечираётган Туркистон халқлари ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлаган эди. Шу сабабли бўйра ҳаётига одатланган халқ зикр қилинган янгиликлардан узоқ бўлгани учун чет эл сафари билан боғлиқ муаммолар, маиший-иқтисодий, халқаро талаблар, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби кишилар илгари сураётган фикр ва мулоҳазалар мутаассиб кишилар тасаввур ва тафаккур доирасига сикмас эди. Бу муаммоларни, халқнинг рутубатли аҳволини ўзига кўзгудек кўрсатиш лозим эди. Беҳбудий узоқ ҳаж сафарига отланган кишилар аҳволи мисолида бу муаммонинг кичик бир қисмини кўзгудек акс эттиради: «Авом ҳажжожимиз бир неча жоҳил ҳожи ва бадавийларни ҳаракотларини ва маълумотларини кўруб, заҳматини чекиб, эътиқоди қалбиялари сушт бўлиб, борганларидин надомат қиладурлар. Чунки бечоралар ҳажжи инсоният на эканлигини билмайдурлар. Биза қолса, ҳаж борувчиларимиз адони маротиб бир ой ҳар кун олим суҳбатига истимоъ, дарси масоил ҳаж этиб, баъдинда кетсун», яъни ҳажга бориш учун ҳаж талабларини билсин дейди. Сафар сарф-харажати, янги маданий алоқалар туғдирган қулай (сафар чоғида катта пул кўтариб юриш қийинчилиги, ўғирликлардан қутулиш учун осон бўлган бир мамлакат банкидан иккинчи мамлакат банкига пул ўтказиш йўли билан борган жойида ўзи учун кераклик маблағни олиш ва ҳоказо) хизматлар, таом ва либос каби масалаларнинг кофир ва мусулмонликка унчалик дахли йўқлигини бир неча мақолаларида таҳлил қилган. Бу эса маблағ ва вақтини тежаб, эҳтиёт қилувчи саводли кишилар учун катта қулайлик туғдирган. Умуман олганда, овруполиклар

учун оддий ҳолга айланган ҳолат. Аммо Туркистон, Бухоро, Хоразмдан сафарга чиққан кишилар, замон талаб ва янгиликларидан, сайёҳлик хизмати имтиёзларидан хабарсиз кишилар ҳажга бориш-келишда кемалардаги энг арзон жойлардан ўрин олиб, ўзга халқлар олдида ўзларининг ғариб ҳолларини кўрсатиб, турли касалликларга йўлиқишларини, ҳатто айрим ҳолларда ўлиб қолишларини очиқ ёзади.

Қуръон, ҳадис ва суннатга илмий асосланган ҳолда либос, таом масалаларини таҳлил қилиб, маҳаллий кишиларнинг борадиган манзилларига соғ-саломат бориб, ҳам эътиқод, ҳам маънавий ва иқтисодий жиҳатдан бойиб келиш йўллари тарғиб-ташвиқ этади.

Ҳаж ва таом масаласи, захиҳ (ҳайвон сўйиш) масаласининг «такфир»га алоқаси йўқлигини, китобий ва китобсиз халқларнинг эътиқод масалаларини кенг ва кўламли ёритади. Бироқ «эл оғзига элак тутиб бўлмади»: чаласавод, гумроҳ, мутаассиб кишиларнинг тузкўр ҳужумларидан ҳар вақт ҳам ўзини асрай олмайди. Мунофиқ кишилар ёзган «юмалоқ хат»лар, турли гийбат ва мишмишлар, фиқҳ-фасодлар унинг атрофида гармселдек ёғилиб турди. Адибнинг ўзи «Фазлуллоҳ афандига жавоб» мақоласида шундай ёзади: «Маълумингиз ўлмоқ узра бизни ҳадаф таҳриримиз аввалул эҳтиром қози, муфти ва мударрис ва шаҳримиз ақобири эрди, ҳар жиҳатдан қаламимиз, сўзимиз аларни маслак ва иззатларига тўқинди, лекин у кофир, у... фалон демоқдин ўзга бир шай этмадилар, ёлғуз нафрат замон келдуки, сўзимиз ва ё калимамиз нав ба рўзлар тамос этди, табиий, бунлар янги ҳароратли эмасму, отилмамиш тош ва ҳақимиза этилмамиш сўзлар қолмади. Ҳукумат жариди ва журнал идораларина алайҳимизда ёзилган донос ва ҳажвиялар, шеърлар ёғдурилдики, истасангиз, у шеър ва ҳажвиялардан бирини сиза юборайин, кўрарсизки, шайтонга бу қадар авсофи замима йўқдур».⁶³

Адиб феълининг кенглиги, маърифатининг бойлиги, мушоҳадасининг ўткирлиги туфайли барча маънавий тажовузларга сабр-қаноат қилди. Аммо маънавий кўрлик, маърифий қашшоқлик, диний бидъатчилик, эътиқодсизликка қарши курашини

⁶³ ТВГ. 1909 йил 17 сентябрь. №71.

бир он бўлсин сусайтирмади. Авом ва мутаассиб кишиларнинг ҳужумларини илмсизликдан, иймоннинг сустлигидан деб билди. Зеро, илмсиз кишининг диний эътиқоди заиф бўлади, мутаассиблик ҳам илмсизликдан бошланади, шу боис адиб «Диннинг қадри илмда, илмнинг қадри келтирадиган фойдасида» деган ҳадисни келтириб ўтади. Бундай ҳолатнинг замини чор ҳукуматининг сиёсатида эканлигини юмшоққина ёзаркан, халқнинг қандай аҳволга тушиб қолганини, Самарқандда бир жаноза олдида бораётган уч-тўрт қарияни ҳисобга олмаганда, қолган кишилар бир-бири билан чақчақлашиб, кулгу билан тобут кўтариб кетаётганларини афсус ва надомат билан эслайди.

Маърифат ва маориф, дин ҳар қандай кишини, аввало, мустабидлар олдидаги сунъий қўрқув, хурофот, бидъат, бўҳтонлардан, мустамлакачи давлат қонунлари чекловидан, маъмурларнинг ноўрин талабидан иҳота қилади. Мутаассиб кишилар эса, кўпинча, ўз жаҳолатларидан ташқари маърифатсизлик, соддароқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, ўзи яшаб турган давлат ва ўзга давлатларнинг қонуний талабларини яхши идрок этмайди, жаҳолатга берилиш орқали кутилмаган, қонунга зид ва ноқулай вазиятларни вужудга келтиради ҳамда биринчи бўлиб ўзи илинади. Ўзининг нафсига сотилиб, ўзгалар эрки, ҳурлиги учун қўйилган сунъий тўсиқларни англаб етмайди. Бундан эса мустамлакачи ҳукумат том маънода умидвор. Жаҳолат учун жазоланиш инсоннинг сиёсий ҳурлигини абадий бўғиш учун энг қулай воситадир.

Беҳбудий худди Исмоилбек Гаспринский, Абдурашид қози Иброҳимов, Ризо қози ибн Фахриддин каби Жамолиддин Афғоний ва Муҳаммад Абдуҳ изидан борди. Мактаб-мадраса ислоҳоти, бидъат ва хурофотга қарши кураш зайлида халқни ғафлатдан интибоҳга, қоқоқликдан тараққиётга, тараққиётдан сиёсий ҳурликка етаклашни мақсад қилди. Шу боис мактабларда тарих ва жуғрофия каби фанларни ўқитиш учун курашдан толмади.

Халқни келажак, ўз истиқболини ёрқин қилиш учун тарбиялаш уламо, яъни олимларнинг миллий вазифаси эканлигини эълон қилар экан, мактабдорлар, мударрислар, муллаларни фаолликка ундаш билан қониқмай, авом халқни ҳам фаолликка чақирди. Жумладан, «ҳаж» фарз амаллардан бири бўлгани учун кўп муслмонлар умрбод орзу қиладиган амалдир. Шу боис адиб ҳажга

оиласи олдидаги мажбуриятларни бажарган, сафар учун саломатлигидан ташқари иқтисодий қуввати ва билими етарли бўлиши лозимлигини уқтиради: «Хуррият, яъни бировнинг марқуқ қули ҳам сағир ва мажнун эмаслик ва аёллар ҳам бу авсофга бўлмасликлари замига яна маҳрам ё эрлари ила бормоқлик амни тариқ, яъни одатан бориб келмоқиға йўлни саломатлигини ҳам яна аҳли ва аёлиға авдатиғича нафақаи лобудийя қолдируб ва ўзининг бориб келғонича атъима ва албиса ва кираларига кифоя қилатургон моли бўлса, яъни масканидин ва ҳожати аслиясидин ва маконидаги кераклик асбоблардин бошқа мол ё нақдинаси бўлса, ўшал одам тавоф ва сафари ҳажи шариф шаръан фарз бўлур. Бу шароит мавжуд йўқ ҳолда сафари ҳаж фарз бўлмайду». ⁶⁴ «Ожизона арз қилурманки, бандани муродим ҳожиларимизни сафар ва ибодат ҳам зиёрат ва эътиқодлари бадаражаи камол бенуқсон бўлсун». Сабаби, «авом ҳожиларимизни феъл ва қавли ноанжомлари ва аҳвол танг ва фақирлардин ноши ва жаҳллардан пайдо бўлгон ишларни кўп маротаба ўз сафарим ва ватанимга кўруб ғам ва надовад қолганман». ⁶⁵ «3-синфдагининг аксари мусулмон бўлуб, фақру заруратдан оёқ остида ва ҳожатхоналар ҳамсоғлигида ўлтуруб ва оқшом анда ётарлар». ⁶⁶

Келтирилган мисоллардан кўришиб турибдики, адиб ҳажга вазифани адо этиш илмидан хабардор, оиласини иқтисодий таъминлаган, соғлом, бировга қарам ва марқуқ бўлмаган кишилар бориши мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидламоқда. Остроумов эса масалани илғамаган ҳолда Беҳбудийдан масалани янада чуқурроқ очишни талаб қилади. Жаннат билан дўзахнинг макони номаълум эканини уқтиради (1904 йил 7 январь). Беҳбудий газет муаллифининг фитнасини тушунгани боис масалани чувалапштирмаслик учун (1904 йил 15 январь) янада лўндароқ жавоб билан қутулади.

Мутафаккирнинг эл ғами билан яшаши остида келажакда Туркистоннинг ҳурриятини тусмол қилган миссионерлар, жумладан, ТВГ муҳаррири бу масалага ўз ёндашувини имзосиз баён қилади. Беҳбудийнинг чиқишларида фосидлик бор деб фитна қўзғайди.

⁶⁴ ТВГ. 1903 йил 6 ноябрь. №43.

⁶⁵ ТВГ. 1904 йил 3 февраль. №5.

⁶⁶ Ойина. 1914 йил 19 июль. №39.

Буни иллаган адиб мазкур сўзга шарҳ беришни газетадан талаб қилади. Газета тилёғламалик билан масалани ёпади. Бироқ адибнинг ўз ватандошларига «миллат ва давлатга умумий манфаат ишлардин ва натоижи хайриядин баён қилиб, аҳолини(нг) фикр ва ботинига ишламоқ ва кўнгулларини равшан қилмоқ»⁶⁷ фикри идораи мустақбала тузуми манқуртларини қўрқувга солган.

Адибнинг қадим мусулмон маданияти, миллий маданият тарихини ёритиши, юртимизда яшаб ўтган фан, маданият, дин намояндалари ҳақидаги мақолалари орқали халқнинг ижтимоий уйғониши ҳам миссионер ва мустамлакачиларни даҳшатга туширган.

Гап «Туркистон вилоятининг газети» ва унинг муҳаррири Н.П.Остроумов ҳақида бошланган экан, икки орадаги муносабатга бироз тўхтаб ўтиш жоиз. Зеро, Туркистондан хорижда нашр этилувчи газеталар адибни фақат миссионер нашрига боғлаиб қолганини писанда қилиб шубҳаланишган. Адиб бунга жавобан ёзади: «Туркистон» жаридасина сиёсий ва ижтимоий мақолалар ёзар эдук ва ҳануз ёзмоқга роғиб ва толиб, балки ошиқам. Лекин, чи чора! Кечанларга «Туркистон» жаридасина ёзилмиш бир илмий мақолам илмлиқдин зиёда сиёсий ҳамда, рақибларим ойтуши бўйинча, онинг зиёда ифрот даража сиёсий эмишки, бу бир, дигари бизим Самарқанд, сиза Туркистоннинг бошқа нуқталарига нисбатан Кофказга яқиндурки, кофказли қариндошларимиздан Туркистонга келгонлари Самарқандимизни ташриф этарлар, мутааддид Кофказ муҳаррирлари ва кофказийлар бандага дедиларки, «Кофказ муҳаррирлари сизни таҳрир эттигингизни миссионер тахт идорасинда чиқатургон «Туркистон» жаридасига кўруб сиздан иштибоҳ ва баъзан нафрат этарларки, Маҳмудхўжа шўйла газетага доимо мақола ёзар, албаттаки, мунда шай вор», деюрлар. Ман эса ёзган мақолаларимдан баъзисини кўрсатмоқ-ла ва ё лозим далиллар этмоқ-ла баъзан дафъи иштибоҳ эта билдим ва баъзан билмадим».

Маҳмудхўжа Беҳбудий «Туркистон вилоятининг газети» масъул муҳаррири, Тошкент ўқитувчилар семинарияси мудирини, Туркистон ўлка муваққат маориф нозири, Сирдарё вилоят статистика қўмитаси аъзоси, ҳақиқий статс маслаҳатчи, мустамлакачи

⁶⁷ ТВГ. 1904 йил 16 апрель. №15.

чор ҳукуматининг Туркистондаги норасмий цензори, миссионер Н.П.Остроумов (1846 – 1930) билан қандай йўсинда, қачон ва қаерда танишганлиги биз учун қоронғу. Бу тўғрида Остроумовнинг шахсий фондида сақланаётган «Кундаликлар»ида ҳам аниқ бир гап топа олмадик. Тахминимизча, Исмоил Гаспринскийнинг 1893 йили Бухоро, Самарқанд ва Тошкентга илк бор келиши, маҳаллий зиёлилар билан учрашуви, унинг Туркистон генерал-губернатори Розенбахга Туркистонда маориф соҳасида ислоҳот ўтказиш ҳақида ёзган таклиф-мактубидан сўнг унинг мухлис ва мусоҳиблари, хусусан, «Таржумон» газетасининг Туркистондаги тарқатувчилари ва ўқувчилари генерал Жўрабек Қаландаров, Муҳиддинхўжа эшон, кейинчалик, «Таржумон» обуначиси, мухбири сифатида Маҳмудхўжа Беҳбудий ва бошқа маҳаллий зиёлиларга нисбатан сиёсий ишончсизлик пайдо бўлиб, уларни «овлаш» сирасида самарқандлик зиёлилар, хоссатан, Беҳбудийни ва атрофини ўрганиш масаласи майдонга келган.

Ана шу жараёнда Беҳбудий ҳақида материаллар тўпланади, жумладан, адибнинг Туркистон матбуоти ҳамда Татаристон нашрларида босилган асарларини кўздан кечиргач, муҳаррир жанобларида адиб билан танишиш иштиёқи туғилган кўринадди. Ҳар ҳолда, Остроумов Беҳбудий билан дастлаб агентура хабарлари орқали алоқа боғлаганга ўхшайди. Шунингдек, айрим самарқандлик кишилардан керакли маълумотларни олган. Газетанинг 1903 йил 3 – 15 апрель сонларида босилган «Самарқанддан келган мактуб» («Ал-ийзоҳ фий мутобақатин-низом ва амрил-волийит-Туркистон биш шаръ» – «Низом мувофиқлиги ва Туркистон волийсининг шаръий ҳукмига изох») сарлавҳаси остида босилган илк мақоласи ва унда битилган сўзлар шундай демоққа изн беради (Айрим манбаларда бу сана 1901 йил деб кўрсатилади. Аммо биз газетанинг 1901 – 1902 йилги тахлами норасо бўлгани боис унинг мақоласига дуч келмадик. Газетанинг Р.Файзуллаев томонидан тузилган «Кўрсаткич»ида Беҳбудийнинг илк мақоласи қачон босилгани ҳақида маълумот йўқ. Адибнинг ўз сўзига кўра, матбуотда ўн йилдан ортиқроқ вақтдан буён қатнашиб келган ва мақолаларига очиқ имзо қўйган). Беҳбудий мақоласи босилгач, орадан деярли тўрт ярим ойдан кейин Остроумовга қуйидаги мактубни йўллаган:

Дилам иззаҳу

Шукри таборак ва таъоло боргоҳидан сиз олими бетаассуб зоти олиймиқдорни кўп йиллар сарири мансаби муфаввазангизга маъаавлод ва иттибоингиз саломатлик ва офиятмандликда биз аҳли Туркистоннинг тартиби илмиясига барқарор бўлуб, ҳамиша императури аъзам ҳазратларининг илтифотларина ноил бўлмоқларингизни тилаб, дасти дуо қилиб, жаридангизга ишорат этулгон оризадан жисми латифингиз шифоёб бўлган, хабари истимоъила масрур бўлмишини хоҳлаб мазиди умр ва иқболингизга мустадъилик жодасига сиз жаноби азирул-вужудга салом этарман.

Доимо жанобларини тасарруф ва назоратлари доирасига таҳрир маводди хайрияга машғулотимни истарман деб маълумингиз фақир ал-ҳож муфти Маҳмудхўжа валади Бехбудхўжа.

*1903 ланчи йил 2 ланчи август, Самарқанд шахридин, муҳр».*⁶⁸

Ушбу мактубдан кейин «хайрия машғулоти», яъни мақолалар юборишни бошлаган. Бинобарин, у 1903 йилдан эътиборан матбуотда қатнашган. Илк мақоладан сўнг Бехбудий «Илмнинг фойдаси ҳақинда» («Письмо из Самарканда о пользе науки») мақоласида муддаога ўтишдан аввал муҳаррирнинг маориф соҳасида олиб бораётган ишларини қўллаб-қувватлаш билан бирга нашр этиладиган нарсалар унинг назар-эътиборидан ўтишини таъкидлаган: «Тараққийи улуми миллатга Русия давлат муаззама ва муқтадорасининг бетаассубона назорат ва тарбияти доирасинга базл ва эҳсон ва хоҳиш хайрияларини камоли шавқ ила хатобий ва интишорингиз вилоятимизнинг барча тамаддун дўстларини масрур ва хурсанд этмоқдадур». 1903 йил 21 июлда босилган ушбу мақоладан сўнг 1904 йил охиригача Остроумовнинг газетасида Бехбудийнинг 21 асл ва таржима асарлари чоп этилди. Икки ўртада самимий алоқа ўрнатилган кўринса-да, аммо ўрта оқим бошқача эди... Бехбудий Остроумов газетасида ҳаж, мактаб, тарих ва география ўқитиш масаласида мақолалар эълон қилади.

⁶⁸ ЎЗРМДА. 1-фонд, 31-рўйхат, 169-йиғмажилд, 169-, 91-в.

Беҳбудийнинг ўрта мактабларда тарих ва география ўқитиш масаласи Остроумовни талвасага солган. Шу боис у Туркистон генерал-губернатори канцеляриясининг бошлиғи В.А.Мустафинга маҳаллий мактабларда содир бўлаётган ҳар бир янгилик ва ўзгаришлар ҳақида ахборот бериб турган. Масалан, «Редактор Туркестанской туземной газеты» бланкасида 1908 йил 7 декабрда ёзиб В.Мустафинга жўнатган хатига назар ташлайлик. Унда Тошкентдаги мусулмон мактаблари ҳақида хабар бериш билан бирга «№90 рақамлик вилоятда⁶⁹ босилган фельетонда самарқандлик муфти Маҳмудхўжа Беҳбудхўжаев янги мусулмон мактабларида тарих ва география ўқитиш масаласи ҳақида ўз фикрини билдирган»⁷⁰, – деб (бу ҳақда қуйироқда яна тўхталамиз – С.А.) Мустафин ва у орқали губернаторнинг эътиборини мусулмон мактабларидаги янгиликка жалб этиб, бу адабларни ўқитишни тўхтатишга ишора қилади.

Лекин Беҳбудий ўз шахсига нисбатан муҳаррирнинг қарашларидаги шубҳа-гумонларни илгарироқ сезгани боис уларни ювиб ташлаш мақсадида 1904 йилиёқ газета муаллифини насронийларнинг диний байрами билан табриклар мактуб йўллаган:

«УЛУЛ-ЭҲТИРОМ ЖАНОБ МУАЛЛИФ ТЎРАҒА

Ҳазрати Исо Рухуллоҳ салавотуллоҳ ва саламуҳу алайҳи ва арваҳуна фадалаҳу ями махсус шарафи маънуслари ва кофои олами насроният ва муқарруни нубувват ҳазрати Масиҳнинг муқаддас ад этгувчи ийди баъид шарафи мазиднинг хулули-ла маъруз илайҳи Сизни ва табаъаларин табрик этиб, амсоли касираи далила мушарраф этмоқин жаноби Ҳақдан назри ниёз этдим.

Муборақ байрам кунларин ҳузури қалб ва сафои хотир ила кечируб, мундин сўнгра яна давоми умр ва офиятингиз ила бахту саодатингиз учун дуо ва арзи хулусимни оғизона айтдим. Вас-салом вал-икром.

Маълумлари Маҳмудхўжа валади Беҳбудхўжа.

*1904 йил март, муҳр».*⁷¹

⁶⁹ Яъни «Туркистон вилоятининг газети»да.

⁷⁰ ЎзРМДА. 1-фонд, 31-рўйхат, 540-йиғмажилд, 92-в.

⁷¹ ЎзРМДА. 1009-фонд, 1-рўйхат, 169-йиғмажилд, 71-в.

Ушбу мактуб Беҳбудий томонидан амалга оширилган ниҳоятда кучли юриш эди. Шуни очиқ айтишимиз керакки, бу юриш Ўрта Осиёга, адиб иборасича, «Русия милтиқларининг учидикириб келган Фарб маданияти»дан ўз халқини баҳраманд этишдан ташқари келажакдан умид қилинган эзгу ҳурриятни зимдан тайёрлаш учун эл-юрт онгида маърифий инқилоб ясаш, уламо ва зиёли қатламига «миллат вазифаси»ни, «дин иши»ни (Беҳбудийнинг ўз ибораси) эслатиб қўйиш, аввало, уларни гафлатдан фориғ этиш эди. Зеро, Туркистон, Бухоро халқи маърифий гафлатда яшаётгани Жалил Маматқулизоданинг «Мулла Насриддин» журналида ҳам 1906 – 1907 йилларда танқид этилган эди. Шу боис Беҳбудий Туркистон ва Бухоронинг зиёли, уламоларини гафлатда қолганликлари учун танқид қилди, улар халқни хоб-гафлатдан уйғота олишлари тўғрисида бонг урди. Бу эса жаноб Остроумовга ёқмас эди. Беҳбудийнинг ўзи тан олишича, бир-икки мақолалари газетада босилмай қолиб кетган. Унинг «Тарих ва жуғрофия» сарлавҳали қатор мақолалари, айниқса, миллатнинг обрўсини тиклаш учун қилган саъйлари, жумладан, «сарт» сўзи атрофидаги баҳслари норасмий ўлка нозирага ёқмас эди. Шу сабабли қисувларни бошлаб юборган.

1917 йил февраль инқилобигача барча подшопараст ва насронийпараст зиёлилар каби Остроумов ҳам ўз эътиқодига содиқ яшади. Г.Вамбери, В.Бартольд, Н.Катанов, Н.Веселовский, А.Самойлович, Н.Петровский, Абулқосимхон эшон, Ҳакимхўжа қози, Муҳиддинхўжа эшон, Эшонхўжа эшон, Қози Муҳаммад, Отабек Убайдуллабек, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Қози Исҳоқхон Ибрат ва бошқа қатор арбоблар, олимлар, маориф намояндалари билан ёзма ва юзма-юз мулоқотлар «сартларнинг ҳаётига самиймона таъсир ўтказиш учун уларнинг заковат қатламини, эътиқоди ва турмушини ўрганиш зарур» деган фикрни мақсад қилган Остроумовнинг сиёсий ва диний дунёқарашига кескин таъсир этмаган бўлса-да, аммо табиатидаги мутаассибликни, миссионерликни яхшигина сусайтирган, жаҳолатни сиқиб чиқарган.⁷²

⁷² 1917 – 1922 йилларда она шаҳри Тамбовда бўлиб большевиклар инқилобининг бутун даҳшатини кўриши унинг эътиқодини саробга айлантирди. Н.Остроумов «Кундалик»ларига қаралсин.

Остроумов «Исломшунослик» (1911 – 1914), «Сартлар», «Туркистон вилоятининг қурувчиси» (К. фон Кауфман ҳақида), «Генерал М.Г.Черняев», «Қуръон ва тараққиёт» каби талайгина асл ва таржима асарларнинг муаллифи бўлса-да, А.Вамбери ва В.Бартольд, Н.Катанов даражасидаги олим бўлишни истамади. Гарчи ўзига хос шарқшунос сифатида эътиборга лойиқ топилиб, кўпгина олимлар билан турли илмий масалаларда тинмай ёзишиб турса-да, илмий маслаҳатлар берса-да, отаси иерархий П.Остроумов, устози Н.Ильминский қулоғига қўйган миссионерликдан, Н.Победоносцевнинг мустамлакачилик, ғайримуслим ақидасидан воз кеча олмади. Ўз олдига қўйган катта миссионерлик мақсади – «Улар (яъни, туркистонликлар – С.А.)нинг ўзлари рус бўлмоғи, ўзларини рус ҳис қилмоғи лозим»лиги⁷³ даражасидаги русликка муҳаббат ва ўзлигидан воз кечтириш вазифасини бажара олмади. Бироқ, Туркистон маориф тизимини алғовдалғов қилган уфалик сафдоши А.Горячкин каби мутаассиб ва жоҳил эмас, балки зиёли эди. Ана шу фазилат унинг маҳаллий зиёлilar билан алоқа боғлашидаги устун томонидир. Шу боис унда миссионерликка нисбатан зиёлилик фазилати голиб келган десак муболаға бўлмайди. Бироқ оққуш билан калхатнинг табиатида катта фарқ бор. Калхат тажовузкорлиги сусайгани билан, асл феълини маълум миқдорда ўзгартирмайди. Хоссатан, айтиш лозимки, Остроумов табиатида ҳам миллий зиёлilar билан яқинлашиш, дўстлашиш билан бир қаторда уларни пинҳона кузатиш, ҳатто қулоқ осмаганларни жазолаш хусусияти ҳам сақланган. Шу боис айрим ўзбек зиёлilar унга «генерал Остроумов» деб мурожаат қилишган (Остроумов ва Уста Усмонбек ёзишмаларига қаралсин – С.А.).

Маҳмудхўжа Беҳбудий эса миллати ва динидан қатъи назар барча билан, хоссатан, аҳли илм ва ҳунар, ҳуқуқчи ҳамда сиёсатчилар билан дўст тутинади. Табиатидаги айрим қирралар билан Маҳатма Гандига ўхшаб кетади. Шу боис собиқ Самарқанд генерал-губернатори Д.А.Гескет вафотига бағишланган таъзияномада чор амалдорининг фаолиятини ижобий баҳолайди; Остроумовнинг диний ва сиёсий қарашларини ҳурмат қилади.

⁷³ Гулистон. 1995. №1. – Б.43.

Остроумов ўзида мансаб ва эътиқоди туфайли «калондимоголик» ҳис қилгани боис адибнинг зариф ва закий муомала маданияти олдида ожиз қолади (лекин адибнинг миллий турмуш тарзига оид чиқишларидан ўз мақсадига кўпроқ жавоб берадиган ибораларни қўллашни талаб қилган, шу боис Беҳбудий мақолаларида бошқа қаламкашларда учрамайдиган иборалар, сифатлаш кўпроқ). Беҳбудийнинг яқин атрофидан унинг фаолиятини зимдан кузатиш учун қоровул қўяди, ҳатто фитнага замин яратади. «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси, унинг саҳналаштирилиши муносабати билан босилган мақолалар Беҳбудий ва тарафдорлари, хусусан, Туркистон тараққийпарварлари назарида ҳурмат қозонмаса-да, маданий ҳаракатни тўхтата олмаса-да, эл орасида ноўрин фикр-мулоҳазалар тарқалишига сабаб бўлади.

Беҳбудийнинг «Ойна» журналида эълон қилган «*Сарт сўзи мажҳулдур*» туркум илмий мақоласи жаноб Остроумовнинг кайфиятини бузади. Шу боис «Туркистон» газетасида имзосиз босилган «По поводу слово «сарт» мақоласида Беҳбудий фаолиятига салбий баҳо беради: «Ойна» журнали «сарт» лафзи хусусида беҳуда, ғалат ёзиб, бу сарт сўзи ила бир-икки ёзуб тўхтамасдин, ҳамон ёзмоқни ўзига маслак қилиб олғониға биз таажжуб қиламиз... Бизларға ўзбек, сорт, тожик, қорақалпоқ ғайрлар ҳам бирдек мусулмон, ҳеч тафовут, оғир-енгиллиги йўқдур. «Ойна» иттифоқ ҳар нумерида фитна қўзғотиб туродур, бул дуруст эмас». ⁷⁴ Беҳбудий газета ва муҳаррирнинг бу ҳамласига ҳамла билан жавоб беради: «Биз камол эҳтиром билан баён қилурмизки, мазкур мақолаларнинг боис фитна ва ё сиёсийликға ақлимиз етмайдур. Бизча, мақолалар тарихий, воқеий ва илмий бўлуб, они биз ижод қилмай, балки бизни ёзганларимиз муаллим Остроумов ва жаноб Шерали Лапин ва бошқа насоро ва мусулмон муҳаррир ва олимларини бир неча сана муқаддам қилган баёнларини ёзмоқ ва ўз мушоҳадат ва фикримизни арз қилмоқдан иборат эди... «Сарт сўзи мажҳулдур» мақолалариға, балки хато бордур, локин «боис фитна ва сиёсий» дейилганиға, тўғриси, ажабға қолурмиз, дигар тарафдан, муҳтарам ҳамдинларимиздан баъзилари

⁷⁴ ТВГ. 1914 йил 24 апрель. №32.

бизни Русия миссионерига тобе бўлган халқни рус қилдиргувчи деб билмасдан ифтиро қиладурлар»⁷⁵, – деб дадил жавоб беради ва икки ўртадаги маънавий-сиёсий келишмовчиликка қарамай, Беҳбудий Остроумовга нисбатан муносабатини ўзгартирмади, гарчи мақолалар юборишни камайтирган бўлса-да. Бу умумжаҳон миқёсидаги адибга хос инсоний бағрикенглик, инсонни инсонча тушуниш десак сира муболаға бўлмайди.

Масаланинг киши кўнглини бузадиган томони шундаки, Беҳбудий ҳақида совуқ хабарларни етказувчилар унинг «уйида ошани, кўчада бошини емоққа ҳозир» кишилар эди...

Туркистон туман сақлов бўлими (ТРОО) ҳужжатлари орасида Беҳбудий шахсига оид чақув маълумотлари бор. «Шаев», «Шахриязбский», «Муҳаррир» тахаллусли воқеанавислар бўлимга маълумот етказиб туришган. Масалан, Шаев «Русия ҳукумати тарафдори» деб маълумот берса, Шахриязбский (асл фамилияси Маминов бўлиб, Тошкентдаги Шахриязбский кўчасида истиқомат қилгани учун ТРОО томонидан кўча номидаги «с» ҳарфи «з»га айлантирилиб унга шу лақаб ясалган. Бу шахс кейинчалик шўро махфий идорасида ҳам хизмат қилгани, А.Авлоний Афғонистонга борганида унга ҳамроҳ бўлгани маълум – С.А.). «Беҳбудий, йўналишига кўра, тараққийпарвар миллатчи, назаримда, Туркияда маълумот олган» деган ёлгон хабар берган. «Муҳаррир» эса адиб оила аъзолари ҳақида маълумот етказган.⁷⁶ Сақлов воқеанавислари орасида «Муҳаррир» тахаллуси билан икки киши ишлаган. Биринчи «Муҳаррир» Беҳбудийнинг 1909 – 1917 йиллар фаолияти даврида Самарқандда бўлмаган ва адиб билан учрашмаган. 1918 йили ҳақиқий номи матбуотда эълон қилингач, «Муҳаррир», яъни Шокир Мухторий матбуот орқали расмий кечирим сўраб, бор ҳақиқатни маълум қилган ва шу йили Самарқандга келиб, маҳаллий нашрларида мақолалар ёзиб, Туркистон халқи манфаатига хизмат қилган. Хўш, унда Беҳбудийнинг Исмоил Гаспринский билан Самарқанд ва Истанбулдаги учрашувларидаги махфий суҳбатлар мазмунини Туркистон туман сақлов бўлимига ким ёки қайси «Муҳаррир» етказди экан?! Бу ҳақда кейинроқ ёзармиз.

⁷⁵ ТВГ. 1914 йил 4 май. №35.

⁷⁶ ЎзРМДА. 461-фонд, 1-рўйхат, 1919-йилгажид, 61-, 69-в.

Остроумов бошқарган газетанинг тилини кузатган киши бу жабобнинг тил масаласидаги ўйинларига ҳам гувоҳ бўлади. Муҳаррир маҳаллий газет ўқувчиларига русча сўзларни сингдириш учун ўзбек имлосида айнан талаффузга яқинлаштириб кирита борган (масалан, *Россия, уезд, волость, Джаркурган* ва ҳоказо. Маҳаллий аҳоли Россияни аввал «*Расей*», русларни «*ўрус*» деб атаган. Кейинчалик «*Русия*» дейдиган бўлган). Русияни – мустамлакачи давлатни Туркистон халқига «умумий ватан» тушунчасида киритишни лозим тошган ва кўпгина мақолаларда бу тушунча ишлатилган. Беҳбудий басирати ўткир шахс сифатида бу тушунчалардан ўз мақсадида фойдаланган. Масалан, Русияни «ватан», рус, армани, яҳудийларни «хамватан» сифатида тилга олар экан, гўё уларни маҳаллий халққа ибратдек кўрсата туриб, бу миллатлар ўз болаларини Туркистон маблағи ҳисобига саводлик мутахассис қилаётганларини, маҳаллий аҳоли болалари эса ҳаммол бўлиб қолаётганликларини куюниб ёзади «... яҳудий, армани ва бошқалар бизни Туркистонни(нг) ақчаси билан очилган гимназия, тижорат, саноат мактабларинда болаларини ўқутуб, ҳам тижорат, ҳам ҳукмронлигини қўлга киргазуб, бизларга ўн йилдан сўнг моддатан ва маънан ғалаба қиладурлар ва бизларга замона илмидан ошно кишилар топилмаган учун ҳукумат ҳам аларга ён берадур, ароға зарари диний ва дунёвийни бизлар кўрамиз»⁷⁷ (таъкид бизники – С.А.). Жабоб Остроумов ва цензорлар адиб услубини англамайдилар.

Остроумов мусулмон мактабларида тарих ва география ўқитилишига қарши эканлигини яширмайди. У Беҳбудийнинг «Тарих ва жуғрофия» сарлавҳалик мақоласи ҳақида фикр юритиб, жамики олий мактабларда, университетларда ҳар бир мамлакатнинг тарих ва географияси ўқитилаётгани, кейин ҳам ўқитилишини таъкидлар экан, нима учундир бу фанлар Туркистон халқига ўқитилиши манфаатсиз эканлигини пардаламай айтади. У шундай ёзади: «...Оврупо ва Русия мадрасаларида доимий мазкур илмлар ўқутулса керак, яъни биргина тоифага тааллуқ тарих ва жуғрофия ўқумоқ дуруст эмас ва ул илм фойда бермас ва балки ул тоифага такаббурлик кўпайиб ва бўлак тоифаларни

⁷⁷ ТВГ. 1908 йил 20 июль. №56.

аҳволотини нодуруст кўрсатиб, бул хусусда шогирдларга манфаат бўлмаса керак».⁷⁸ Демак, миллат тарихи ва географияси манфаатли эмас, аммо... «Ва яна бир фикримиз шулдурким, ҳар қаю мамлакатга тобеъ бўлган халқни болалари ул мамлакатнинг тарихи ва жуғрофиясини кўброқ ва равшанроқ билсалар керак»⁷⁹, – дейди (собиқ Иттифоқ тарихи ва географияси мактаб дарсликлари шу тавсия асосида ёзилганини эсланг). Бу миссионерлик эмас, ашаддий қутурган мустамлакачиликдир. Қутуришнинг сабаби эса мактабларда махфий нарсалар содир бўлиб, мамлакат ҳуррият топиб, мустамлакачилар ва миссионерлар дарҳол қувғин қилиниш ва «Русия императори тожидаги гавҳар»дан⁸⁰ тез ажраб қолиш хавфидир. Шу боис Н.Остроумов: «...кейинги йилларда очила бошлагон усули жадида тартибига мувофиқ мусулмон мамлакатининг тарих ва жуғрофиясини ўқутуладур, албатта, бул тариқа тартиб асло нодуруст ва ҳукуматдорлар ул тартибни жорий қилмоқга рухсат бермасалар керак ва яна ҳар қаюлар билсалар керакким, мамлакат ичида ҳеч бир махфий ишлар бўлмаса керак ва агар бўлгундек бўлса, ул махфий ишларга ҳукуматдорлар рози бўлмайду»⁸¹, – деб қўрқоқ олдин мушт кўтарар тарзида пўписа ҳам қилиб қўяди. «Мамлакат ичида... махфий иш бўлиши», яъни миллий озодлик ҳаракати вужудга келишидан ўлгудек қўрқади ва ҳадиксирайди.

Беҳбудий ва Остроумовнинг ўзаро муносабатлари ҳақида фикр юритилар экан, шунини очиқ айтиш керакки, адибнинг ижтимоий-сиёсий ўткир мақолалари «ТВГ»да 1912 йилгача тез-тез босилиб турди, 1913 йилдан камайди. Бунга асосий сабаб адибнинг «Тарих ва жуғрофия» мақоласи. Чунки айнан ушбу мақолада адиб узоқ муддатдан буён пардалаб келган мақсад ва гоя лавадек отилиб чиқди. Адиб сўнгги уч аср мобайнида мусулмонлар бой берган ерлар, тушган аҳвол ҳақида очиқ ёзди, сиёсий ва иқтисодий қарамликдан қутулиш ҳақида фикр юритди. Ишора билан бўлса-да, қандай Ватандан айрилиб қолинганини, уни

⁷⁸ ТВГ. 1908 йил 1 декабрь. №90.

⁷⁹ Ўша жойда.

⁸⁰ Русия қишлоқ хўжалик министри Васильев Туркистонни шу ибора билан атаган.

⁸¹ Ўша жойда.

куч тўплаб қайтариш кераклигини баён этди: «Оҳ мунда қалам титраюр, қалб йиғлаюр, бир бағри ёниқ дерди:

*Оҳ, нодон маврий шуд,
Оҳ, нодонга ўлат келсун».*⁸²

Мақтубларга қайтсак: Беҳбудий тап тортмай Остроумовни насронийлар байрами билан табриклайди ва «Туркистоннинг тартиби илмиясига барқарор бўлуб, ҳамиша императури аъзам ҳазратларининг илтифотларина ноил бўлмоқларингизни тилаб дасти дуо қилиб» юришини маълум қилади. Жумлага эътибор берилса, адиб муҳаррирнинг фаолиятини юмшоқроққина кесатиб, ошкор қилиб қўймоқда, яъни Остроумов маълум миқдорда Туркистон ҳукуматининг миллат маданият ва маорифини катта тараққиётдан узлатда ушлаб туриш – уйназарбанди қилиш вазифасини ўз зиммасига олган, унинг бутун фаолияти маҳаллий илмий-ижтимоий, қолаверса, сиёсий ҳаёт тизгинини барқарор ушлаб, императорнинг назарига тушиш – илтифотга сазовор бўлишдан иборат. Бошқа нарса эмас. Унинг олдида катта илмий мақсад йўқ.

Маҳаллий зиёлилар ҳам Остроумовнинг нияти ноҳолислигидан хабардор бўлишса-да, ҳар ҳолда, самимий муносабатда бўлишган ва бир-бирларини огоҳлантиришган (тошкентлик зиёлиларнинг Фурқатни Остроумовнинг феъл-атворидаги ноҳолисликдан огоҳлантиришганини эслаш ўринли). Аммо қўндоқда теккан касалликдан қутулиш қийин. Кўпгина ҳолларда бу нарса унга халақит ҳам берган. Шу боис у билан бирга ишлаган Мирмуҳсин Шермуҳаммад ҳам унинг феълидан қониқиш ҳосил қилмаган. Ҳатто у ҳақда «Шўро» журналида «Йигирманчи аср Туркистон бобойи» асарини эълон қилгани маълум.

Шуни очиқ айтиш керакки, Беҳбудий Остроумовнинг феъл-ни яхши билгани учун газета билан алоқасини узмаган, ўзи лозим топган мавзуларнигина ёзиб, эълон қила борган.

Афсуски, биз Беҳбудийнинг архивини кўриш имкониятига эга эмасмиз, балки, Остроумов адибга жавоб мақтублар ёзгандир. Муҳаррир ҳужжатлари орасида бунга ишора йўқ. Лекин

⁸² Ўша жойда.

умид бор. Хуллас, қўп нарса келажакка боғлиқ. Юқорида эълон қилинган хатларни ўқиган кишилар фикримизни қувватлашар деган умиддамиз.

Улуғ адиб Беҳбудий игво ва қўрқитишлардан, кузатишлардан сира чўчимоди. Чунки чор жосуслари, пристав ва полицмейстерларининг иқтисод, зироат, саноат, матбуот, ижтимоиёт соҳаларида ишловчи маҳаллий кишиларнинг «сиёсий кайфияти»ни кузатуви уларнинг ҳаётида оддий кундалик воқеа эди. Шу боис «муҳаррир»ларнинг доноси – хуфяномаси буюк адиб фаолиятига раҳна сола олмади. Ҳатто ҳар икки инсон орасидаги инсоний муносабатларни бузишга ожизлик қилди. Гап ҳар икки шахс ҳақида борар экан, улар ўртасидаги инсоний ва сиёсий муносабатларни янги-янги архив ҳужжатларини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш янада равшанлаштиради ва кўпгина тарихий жумбоқларга ечим топиб беради деб ўйлаймиз.

1903 – 1912 йилларда «Туркистон»да босилган ўткир публицистик мақолалари Беҳбудийга миллат ходими, халқ келажак учун қайғурувчи ватанпарвар инсон шуҳратини келтирди. Туркий халқларнинг йўлбошчилари сафидан ўзининг муносиб ўрнини олишига сабаб бўлди. Шу боис «Иттифоқи муслимин» ишларига жалб этилди. Сабаби...

Уламо, адиб, таржимон, ношир Беҳбудий муфтий ва қози бўлганини унутмаслик лозим. Ҳар иккиси ҳам ҳуқуқшуносликдир. Бу вазифаларни бажарувчи киши шахс ва жамият, шахс ва қонун-давлат-ижро, давлат ва фуқаро, давлат бошқаруви ва ҳуқуқшунослик муаммолари, мустамлака ва мустамлакачи ҳуқуқлари, маъмурий, жиноий жазо хиллари ва муддатларини ниҳоятда яхши билувчи кишилардир. Бироқ Беҳбудий яшаган шароитда баъзи муаммолар Қуръон, ҳадис, фикҳ, яъни ислом ҳуқуқшунослиги нуқтаи назаридан ҳал қилинган. Аммо кўпинча бу масалаларнинг ечимида чор ҳукуматининг «Туркестанское положение», яъни Туркистон учун махсус чиқарилган ва мустамлака давлати талаби изғори бўлган қонунларга мурожаат этилганини назардан соқит қилмаслик лозим.

Беҳбудий муфти ва қози бўлиб ишлаш жараёнида ҳуқуқий, мулкий, иқтисодий, маъмурий, фуқаролик, оила-никоҳ, савдо-сотиқ, жиноий ишларни кўрган, кузатган, фатво берган, ҳукм

чиқарган. Бинобарин, «Давлат ва бошқарув» муаммосининг ҳуқуқий-юридик томонларидан ташқари масаланинг сиёсий қирраларини, маънавий оғир томонларини ҳам кўрган, кузатган, шарият аҳкомларидаги нотекисликларни сезган ва ўрганган (бу ҳолатни тушуниш учун чор маъмурлари томонидан Тошкент, Самарқанд, Андижон, Хўқанд уламолари, муфти, қозилари иштирокида шарият аҳкомлари қонун ва моддалар, бандлар, мундарижа шаклида ишлаб чиқилиб, «Оила ва мерос ҳуқуқлари бўйича ҳукмлар тўплами» («Сборник постановлений по семейному и наследственному праву»)ни 1912 йили нашр этганларини эслаш kifоя). Аммо кузатилган, аччиқ ҳаёт тажрибасидан ўтган, давр олдида кўндаланг вазифа бўлиб турган ҳуқуқий муаммоларни мустамлака маъмурияти ва ҳуқуқшуносларнинг авомлашган, тамагирлашган, авом ва акобир ҳаётининг асосий талабларидан четлашиб, лаззатпарастлик, завқпарастлик, ичкарибандлик, «ҳожатбарорлик» касалига мубтало бўлган бир даврда ҳал қилиш мумкинмиди?! Йўқ, албатта. Бунинг учун икки томонни мурсада ушлайдиган қонунларни ишлаб чиқиш давр талаби эди.

Туркистон халқи икки ўт орасида қолган бир даврда тор манфаатларни, қадимдан халқ бошига бало бўлган бидъатларни бир чеккага суриб, замон ва истиқбол режаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилиш лозим эди. Беҳбудий ана шу масалалар хусусида доимо ўйларди. Адибнинг бу ўйларига «Вақт» газетасининг граф К.Пален Туркистонни тафтиш қилгани келиши муносабати билан Туркистон зиёлиларига мурожаати ҳам туртки берди. Шу боис адиб ва маърифатпарвар маориф, ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги ўз лойиҳаларини ишлаб чиқиб, давлат ва жамият муҳокамасига ҳавола қилди.⁸³ Аммо бу лойиҳалар ҳамма вақт ҳам матбуотда босилавермади, давлат идораларида муҳокама қилинмади. Бунинг асл сабаби, бир томондан, давлат матбуоти ўзининг сиёсий мақсадларига хизмат қилмайдиган, сиёсий-иқтисодий қарам ва таланаётган халқнинг талаб ва эҳтиёжларини писанд қилмаслигида бўлса, иккинчи томондан, дав-

⁸³ Тўпламда эълон қилинаётган ушбу лойиҳани надворний советник Т.Киясбеков рус тилига таржима қилиб, Н.Остроумовга топширган. Лойиҳанинг терилган мусаввадаси ва таржима унинг фондида сақланмоқда. Қаранг: ЎзРМДА 1009-фонд, 1-рўйхат, 175-йиғмажилд, 102 – 105-в.

латнинг қуйи ва юқори муассасаларида эл манфаатини давлат тилида эмин-эркин тушунтира оладиган маҳаллий ҳуқуқшунос – мутахассис вакил (депутат)ларнинг, кадрларнинг йўқлиги, чор ҳукумати маҳаллий волиларининг мустабидлиги, чекловлари, маҳаллий дума аъзоси бўлган (гласний) бойларнинг ўз тор манфаатидан бошқасини кўра олмаслигида эди. Шу боис адиб Ҳинд, Чин, Эронга қиёсан Туркистон халқи бироз эркинроқ эканлигини айтар экан, «Аmmo алардан кўра бизлар кўп мартаба камилмиз», – дейди ҳамда «Тараққий» ва «Туркистон» газеталарини миллат мажлисига тааллуқ сўзлари ёзилган номерларини қайтадан ўқуб, муколама ва мубоҳаса» қилмоқни маслаҳат беради.⁸⁴ Давр талаб этган таълим-тарбияга эътибор қаратиш кераклигини сўзлайди: «Русский-туземный мактабларга ўқуганлар зиёли тугул, хаёлий ҳам ҳисобланмайдилар. Алар фақат чаласавод кишилардур. Зиёли қаторига кирмоқ учун бошқа алоҳида таҳсил лозимдур. Русча таҳсил қилган илм-фанни ва ватанни ва ҳам динлариға айтиб бермоқға кифоя қиладургон миллий тил ва қалам соҳиби бўлмоқ керакдур, воло маданиятни мусавийлар эса илмни ноўқ – миллатни нотасинасидин бошқасини билмайдургон усул ва фуруъдан ва лаффи ал-жумла бўлсун беҳабар зиёлилардан бизға у кўзланган манфаат асло такмилдур».⁸⁵

Беҳбудийнинг бундай фикрга келишига сабаб шуки, 1906 – 1907 йилларга келиб Русияда сиёсий партиялар кўпайиб кетган бўлиб, 1905 йил январь воқеалари, рус-япон урушидаги мағлубият, 1906 йил 17 октябрь манифести туфайли насроний динига мансуб миллатлар анча эркинлик олган эдилар. Сиёсий партиялар ҳам ўз маслак-мақсадларини ошкора баён қилишга ўтдилар. Сиёсий тарғиб бу иқлимда сиёсий кураш тажрибасига эга бўлмаган, ҳуқуқшуносликдан, айниқса, халқаро сиёсий воқеалар ва халқаро ҳуқуқ мезонларидан хабарсиз киши рус партиялари оёғи остида янчилиб кетиши ва миллат манфаати учун сариқ чақалик иш қилмаслиги аниқ эди. Буни сезган адиб ва муфтий: **«Ушбу миллат мажлисиға шундай вакиллар борки, бутун Таврот, Инжил, Фурқон шаръини бузуб, ўз программаға**

⁸⁴ ТВГ. 1906 йил 2 май. №18.

⁸⁵ ТВГ. 1909 йил 2 октябрь. №75.

мувофиқ оламдаги инсонларни маишатига асос қўймоқчи бўладур, «хуррият» ва «озодий» деб дин ва давлатни барбод этадур. Шундай вакиллар бўладурки, дунёдаги барча халқни муслиму насоро ва ё яҳудий этмоқчи бўладур ва ушбуға мувофиқ закўн ва қоида чиқармоқчи бўладур, йўл соладур, шундай вакиллар борки, дин ва мазҳаб қайси ҳолға бўлса-бўлсун, не тариқа поймол ва эътиборсиз бўлса, фақат савдо ва тижорат ё ҳукмронлик иши ривож топиб, ёинки молий ва мулкый ишларға аҳамият беруб, закўн чиқармоқчи бўладур... Шундай вакиллар борки, никоҳ, талоқ, мерос, ҳалол, ҳаром, мулкият, хулоса: маишати ҳолияни билкулли барҳам бериб, дунёдаги ҳамма мол-мулк, ҳатто эр-хотун ва болалик қоидаларини бузуб муштарак бир маишат чиқармоқчи ва анга мувофиқ асос ва ҳудуд қўймоқчи бўладур... Шундай вакиллар борки, фақат ўзидин ва миллатига барча Русиядаги ҳар хил халқни қурбон қилмоқчи бўладур... ...хуррият деб ҳайвониятға таназул қилатургон инсонлар ниҳоят кўпдур»⁸⁶ (таъкид бизники – С.А.). Бинобарин, шахсий, миллий ва фирқа манфаатлари ҳамда ҳокимият учун кураш майдони бўлган Миллат Мажлисида қатнашувчи Туркистон вакили сиёсий ўйинлар, тузоқлар қурбонига айланмаслиги учун кучли замонавий ҳуқуқий ва диний билимға эга бўлиш кераклиги ғоясини илгари сурди. Думага сайланган вакил: «Туркистон положениеси ва шариат китобларини мулоҳаза айлаб, фикр қилсун... Муслим, яҳудий, арман, рус шаҳар ва саҳро халқлари муддаоси надур билсун, айтсун, қилсун, токи муҳокамаи инсоф ва мажлиси миллатға ўз диёр муваккилларини аҳволи зарурат ва ҳавожи ва талабини баён этмакиға қодир бўлсун».⁸⁷ Бу ғояи амал Туркистон шароити учун энг тўғри ва истиқболли эди. Шундай фавқулудда истеъдодға эга бўлган кишигина миллат ва Ватан манфаатини ҳимоя қилиши, ҳукумат олдига сиёсий-иқтисодий ва фуқаролик талабларини қўйиши мумкин эди. Чунки Садри Мақсудий, Юсуф Оқчўра, Алимардон Тўпчибошев, Абдурашид

⁸⁶ ТВГ. 1906 йил 20 май. №20.

⁸⁷ ТВГ. 1906 йил 30 май. №21.

қози Иброҳим, Исмоил Гаспринский, Шахтаҳтинский ва бошқа мусулмон фракцияси депутатлари ўзга депутатлар билан тенг саналсалар-да, ҳар доим ҳам мақсадлари ҳосил бўлавермаган. Буни Маҳмудхўжа Беҳбудий донишманд инсон ва ҳуқуқшунос сифатида жуда яхши билган.

Шу боис Россия Давлат Думасида Туркистондан вакилни кўпайтириш масаласини сиёсат майдонига олиб чиқди. Айрим рус савдогар ва бойлари ўз манфаатларини кўзлаб туркистонликларни, хоссатан, самарқандликларни савдо-саноат фирқасига овоз беришга ундайдилар. Аммо самарқандликлар, хусусан, Беҳбудий кадет партиясини қувватлайди. У шундай ёзади: «Русия ҳамшаҳарлари бир неча мартаба муддаоларига таклиф ва асрор этдилар, аммо аларни таклифи қавоиди вожиби замони ҳолиядан хорижлиги учун қабул қилолмадук... Аммо каминани қисқагина жавобим, ул жанобга берган жавобим, албатта, рус ҳамшаҳарларим ва жаноб оқсоқолга ёмон кўрундим, аммо **бу миллат ишидур**»⁸⁸ (таъкид бизники. Беҳбудий кейинчалик бу партия программасини ҳам нолойиқ кўрган – С.А.).

Миллат иши фақат Маҳмудхўжа Беҳбудий ва сафдошлари ҳамда фаол замондошлари томонидан қўллаб-қувватланди. Янги ғояларнинг умрбоқийлиги, халоскорлиги, истиқбол ваъдаси уларнинг сафи кенгайишига олиб келиш билан бирга тенгдош ва замондошларга, ёшларга мавжуд сиёсий ҳокимият тизимида қандай ислоҳотлар ва талабларни қонуний йўл – Русия Давлат Думаси мажлисларида ваколатли вакиллар муҳокамасидан ўтказиб, қонун шаклида шакллантириб олгандан кейин амалиётга татбиқ этиш мумкинлигини маълум қилди. Шу боис мактаб-маориф тизими, давлат бошқарув тизими ҳақидаги қатор лойиҳаларни таклиф этди.

Мутахассис ва ўқувчиларга маълумки, чор ҳукумати ва унинг маъмурияти ерли халқларни биргина «мусулмон» сўзи билан атаган. Беҳбудий бу атама остидаги ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, тожик, уйғур ва бошқа туб халқлар манфаатини ҳимоя қилган, улар истиқболи учун қайғурган. Шу билан бирга, Туркистонни ўзига ватан деб билган рус, армени, яҳудий ва бошқалар манфаатини

⁸⁸ ТВГ. 1906 йил 11 май. №19.

ҳам ҳимоя қилди. Туркистон генерал-губернаторлиги ва марказий ҳокимият вакиллари каби миллий маҳдудлик кўрсатмади.

Хўш, Беҳбудий бу фикрга дабдурустдан келдими? Йўқ, албатта. 1904 – 1905 йилги рус-япон урушида рус аскарлар билан бир қаторда Кавказ, Қрим, Шимолий Кавказ, татар-бошқирд, ҳатто ихтиёрий иштирок этган туркистонликларнинг фойдасини эътиборда тутиб, Русия манфаатини ҳимоя қилди. Чунки маҳаллий маъмурлар билан ўтказган мулоқотлари, мамлакат ичкарасига қилган саёҳати, агрофидаги ўзига устоз даражасидаги шаҳар мўътабаронларининг фикри соясида империя, марказий ҳукуматга ўзгача бир тасаввур ва ёндашувни шакллантирди. Токи туркистонликлар замонавий ҳарб илмию санъатини эгалламас экан, эзгу муддаосига эриша олмаслигини тушунди. Бунга Русия ва Япония ўртасидаги уруш ва мағлубият, 1906 йил 17 октябрь манифести Маҳмудхўжа Беҳбудийга сиёсий тафаккур ҳурриятини инъом этгани сабабдур. Ана шу инъом туфайли Исмоилбек Гаспринский архивида сақланиб қолган улкан сиёсий лойиҳани яратиш имкони туғилди.

Граф К.К.Паленнинг тафтиши, шариат аҳкомларини европалик ўқувчи талабига мос шаклга келтириш масаласидаги хатти-ҳаракатлар адибга Туркистонни идора қилиш масаласида дилида йиғилиб қолган ва маслакдошлари қўллаб-қувватлаган фикрларни ёзма «Лойиҳа» тарзида Русия Давлат Думасининг мусулмон фракциясига топширишга журъат берди.

Беҳбудий ўзи учун миллат ишларидан бири ҳисоблаган «Лойиҳа»да «Дума хусусинда», «Русия мусулмонлари раиси», «Туркистон идораи руҳония ва дохилия асосини мусаввадаси», «Идораи руҳония ва дохилия аъзоларининг хатти-ҳаракати», «Идораи руҳония ва дохилия тасарруфидаги ишлар», «Жони ва бадкорлар», «Туркистон яҳудийлари ва ажнабийлар», «Мулк маҳкамалари хусусида», «Вақфлар хусусинда», «Умуммақтаблар», «Сув ва ерлар хусусинда» каби асосий масалаларни қамраган 74 модда ва изоҳларда тақдим этди. Аммо бу лойиҳа Думада кўрилмай қолиб кетган. Ҳолбуки, «Идораи руҳония ва дохилия» Туркистон халқи учун сув ва ҳаводек зарур муассаса эди. Ана шундай муассаса ва унинг маҳаллалардаги идоралари ташкил этилган чоқдагина Туркистон халқи ўзининг диний, ер-сув, мулк, таълим-тарбия, олий ва ўрта мактаб, хорижий таълим масканлари билан илмий-услубий

алоқалар, матбуот, нашри маориф ва бошқа талайгина ижтимоий, маъмурий, маориф, ҳатто сиёсий талабларини жойнинг ўзида атрофлича ўрганиб, пишитиб, марказий ҳукумат олдиға қўйиши мумкин эди. Содироти муҳаррар инқирозлар, тасодифий тўполонларнинг олдини олишға замин яратилган бўлур эди.

Беҳбудий лойиҳадаги таклифларини юздан ортиқ моддадан иборат эди дейди ва лойиҳа нусхасини йўқотиб қўйганини айтиб ўтади. Бироқ бу билан чекланиб қолмай, граф Пален билан учрашиб суҳбатлашади. Суҳбат ҳосиласи ўлароқ янги, бироз ихчамроқ лойиҳасини Туркистон мустахлама маъмуриятиға, хосатан, чоп этиш учун Остроумов газетиға мақола билан бирға юборади. Аммо лойиҳа босилмай жаноб муҳаррирнинг бисотида қолиб кетади.⁸⁹ Лойиҳада кўзда тутилган ва тафтишчи жанобларига тақдим этилган таклифлар қуйидагилардан иборат:

«1) Государский думаға (государственная дума – С.А.) Туркистондан вакил олмоқ;

2) Туркистон халқи ҳар ҳуқуқда русиялар ила баробар бўлмоқ;

3) Русияға жорий бўлатурган барча ислоҳотни Туркистонға шумули;

4) Туркистон мактаб, мадраса ва авқофларини назорат ва ислоҳи учун умумтуркистонға бир «Идораи руҳония ва молия» очилуб, аъзоларни(нг) ярми уламои диний ва ярми образований мусулмондан сайлов ила тайин қилмоқ;

5) Русия ўрта ва олий мактабларига Туркистон мусулмонларидан кирмоқ учун тадбир жорий қилмоқ ва анда дини ислом ва адабиёти маҳаллия муаллимлари таъин қилмоқ;

6) Туркистон шаҳарларига дума ва ислоҳоти мадания барпо қилмоқ;

7) забти бўлган авқофларни қайтармоқ;

8) дорулқазолар тўғрисидаги маълум ҳудуд қисқинчилик қонуларни тавсия;

9) аҳолини шаръий ва закўний ҳуқуқларига қўйилган ҳудудларни рафъи;

10) улум ва қонуни жадидани мактаблар воситаси-ла Туркистон тилиға, Туркистонға интишори;

⁸⁹ ЎЗРМДА. 1009-фонд, 1-рўйхат, 175-йиғмажилд, 102 – 105-в.

11) Русия мусулмония мактабларини жабрий суратда шаҳар ва қаряларға таксири;

12) зироат, саноат ва тижорат мактаблари очилиб, мусулмонларға қулай тариқинда вазъи програми ва ўзга шунга ўхшаш диний ва замоний ва мулкый эҳтиёжлар, лекин бу этилмиш талаб ва нимарсаларни ҳуқуқ ва муқобалаи билмисл ва қавоиди иқтисод ва қонуни давлатиқтизоъ шариатға татбиқ этиб фалсафаси ила ёзмоқ керак, яъни умур ва қавонин давлат ва рафтори маданиятдан хабардор ҳуқуқшунос ва замония ошно кишилар машварати ила ёзиб, қўллар қўйдируб, муфаттиш жанобларига бермоқ керак ҳамда барча Туркистон вилоятларида бу фўрма ва бир мафодға талабнома бериб кулли ва бир ислоҳот бермоқ керак».⁹⁰

Беҳбудий томонидан илгари сурилган бу талаблар Абдувоҳид қори Абдурауф қори ўғли томонидан Иккинчи Давлат Думаси мусулмон фракциясига топширилган лойиҳа, Мунаввар қори Абдурашидхонов томонидан граф Паленга топширилган ва кейинчалик Е.Федоров томонидан эълон қилинган лойиҳа каби умуммиллат манфаатини акс эттирган. Лойиҳаларнинг афзаллиги уларнинг жорий қонунлар ва ислом фикҳшунослиги талабидан келиб чиққан ҳолдаги Туркистон халқи фойдаси учун ишлайдиган моддалардан иборатлигидадир.

Беҳбудий «Ойна» журналида эълон қилган лойиҳалар ҳуқуқшунослик, миллий манфаат, мустамлакачи ва мустамлаканинг ўзаро ҳуқуқий алоқалари нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Шу боис адиб бу масалага ўзи бошқараётган журналда 1913 йили яна бир карра қайтишни лозим топади. Чунки рус-япон урушидан кейин пайдо бўлган сиёсий вазиятга ўхшаш ҳолат Биринчи жаҳон уруши арафасида ҳам юзага келганди. Русия ўзининг кўпсонли қўшинини бошқаришга иқтисодий қодир эмасди. Шу сабабли бир неча йиллардан буён мунтазам ва захира аскарларнинг сонини қисқартириш масаласини халқаро сиёсат майдонига қўйиб келмоқда эди. Халқаро миқёсдаги замона сиёсий бўҳронини яхши тушунган Беҳбудий Туркистон «Идораи руҳония ва мулкия»си «сув ва нон каби лозимлиги»ни маълум қилади: «Ал-он бизни илмий ва руҳоний ва маиший ишларимиз

⁹⁰ Ўша жойда.

ҳеч бир марказга банд эмас ва ҳар ким ўз бошигадур. Бу кетиш ила бузулмоқ ва забун бўлмоқдан бошқа чора йўқдур...», «мунсиз маҳв ва барбод бўлурмиз».⁹¹

Масаланинг илдизига қаралса, Туркистон халқининг сиёсий, мулкӣ ва диний ҳуқуқлари умуман йўқолиш арафасида эканига гувоҳ бўлинади. Шу боис адиб ўлка ва халқини, унинг моддий ва маънавий маданиятини сақлаб қолиш учун қайта-қайта «Идораи мулкӣ ва руҳония»дек бир муассаса зарурлиги масаласини империя сиёсати кун тартибига киритишга интилди, империя ҳукумати диққатини жалб этишга, маҳаллий зиёли ва катта бойларнинг эътиборини тортишга уринди.

Буюк адиб миллат сифатида ер юзидан йўқолиб, ўзга миллат вужудига сингиб кетмаслик учун 1906 йили яна бир карра «миллат вазифаси»га мурожаат этган. Чунки «масжидларда панд ва насихат йўқ ва ихтилоф кундан-кун авом ва нодон ва дин ила дунёдан беҳабар бўлиб ҳайвонлашмоқда»⁹² бўлган бир пайтда «ҳар кишининг миллат учун ва миллат бўлмоқичинидан бир вазифаси борки, асло ҳақиқий вазифада касаллик ва ё аҳмоли вараса, оқибат амр ҳамма миллатга зиён ўлуб, бошқа миллатлар орасига яшамоқ, умргузорлик қилмоқда кўп мушкулликларга дучор бўлса керак» деган фикрни миллат тафаккур майдонига ташлади.

Адиб 1899, 1912, 1914 йиллардаги ҳаж сафари мобайнида божхона хизмати талаблари билан яхши танишган. Шу билан бирга, 1888 йилиёқ Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Русия божхона хизмати тасарруфига ўтганидан хабардор эди. Бу икки ярим мустақил давлатнинг қолган мустақиллигини ҳам йўқотди деган сўздир.

Бундай мушкул аҳволдан қутулиш учун нима қилмоқ керак? Европа, хоссатан, Русия тарафдорлари «муслмонлар карвони ортда қолди» деган фикрни дунёга ёйишган. Европа давлатлари ҳам Марказий Осиёга ёрдам бермасликлари кундек равшан эди. Адиб буни яхши биларди. Бироқ у бундан сира қўрқмайди. Шу боис «Ман ўзим бу тўғрига кўп мулоҳаза қилдим, ҳар ким муслмонлар ҳақинда қандай сўз деса, ёлгон эмас, рост сўздур. Фақат ман дерам:

⁹¹ Ойина. 1914 йил 4 январь. №11.

⁹² ТВГ. 1909 йил 2 октябрь. №75.

бизнинг қўлимиздаги бу шариятдур, бизнинг динимиз асоси, бу – Қуръондур. Бас, бизнинг ҳолимизни ислоҳ этмак осондур...

Энди бу замонда бизларга оз бир нима камлик бўлбдур. Иншооллоҳ, бу вақтча бир зиллат қадамдир».⁹³

Масаланинг энг муҳим томони, адибнинг фикрича, миллат ўзининг ижтимоий-сиёсий, маърифий даражасини билди, нуқсонларини эътироф қилди ва унга қарши, гарчи заиф бўлса-да, кураш бошлади. Миллатнинг тикланиши учун залворли қадам ташланди. Навбатда барча мусулмонлар бир-бирининг бошига кулфат тушганда томошабин бўлиб турмай, бир-бирига ёрдам қўлини чўзиш, ғамхўрлик қилиш ва бу ишда собитлик кўрсатишдир. Зеро, ҳоким миллат бўлмаса-да, аммо ўз эҳтиёжини билиш оз бўлса ҳам бир амалдир.

Улуғ мутафаккир Маҳмудхўжа Бехбудий миллий матбуот масаласига ҳам миллат вазифаси деб қаради. Шу боис 1903 йилдан турли матбуот нашрларида иштирок эта бошлайди. Жумладан, «Туркистон вилоятининг газети»да «Самарқанддан мактуб» («Письмо из Самарканда») унвонида унинг илк мақоласи эълон қилинади. Кейинчалик «Улфат», «Вақт», «Шўро», «Иршод», «Тоза ҳаёт» нашрларида мақолалари билан иштирок этади. 1904 йилдан бошлаб «Таржумон» газетасида «Ваҳдати лисон – дил бирлиги» каби бир нечта жиддий мақолалари босилади⁹⁴ (Ҳожи Муъиннинг айтишича, вақтли матбуотда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 18 нашрда 200 га яқин мақоласи босилган).⁹⁵ Кези келганда Бехбудийнинг «**Воқеъул арз шулки, маним одатим ёзгон мақолаларимни охирига имзони билдируб ёзарман** (таъкид бизники – С. А.), мусулмони жаридаларга Самарқанддин ёзилган ҳар навъ мақолани, модомики, остига маним имзом йўқдур, мандин билмасунлар» деган сўзига амал қилган ҳолда унинг асарларини танлаб ёндашганимизни эслатишга бурчлимиз). Бу билан қаноатланмай мажбурий тарзда йўқотилган миллий матбуотни тиклашга бел боғлайди. «Самарқанд», «Ойина», «Хуррият» нашрларини майдонга келтиради.

⁹³ Улфат. 1906 йил 6 апрель. №18.

⁹⁴ Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи – отношения – влияние. – Ташкент, 2011.

⁹⁵ Зарафшон. 1923 йил 25 март. №32.

Беҳбудий Туркистон ва жаҳон матбуоти тимсолида матбуотнинг жамият ҳаётида тутган тарихий ролини яхши тушунгани, маҳаллий ватанпарвар муаллифлар учун эркин нашр майдони яратмоқ учун ўзи газета ва журнал ташкил этди. 1913 йил 14 февралда Самарқанд вилоят ҳарбий губернаторига ўзбек ва тожик тилида «Самарқанд» газетасини нашр этиш учун рухсат этилиши тўғрисида «Илтимоснома» беради ва газетанинг йўналишини кўрсатувчи мундарижасини тақдим этади:

- «1) Ҳукумат фармойишлари;
- 2) Бош мақола;
- 3) Хориж хабарлари;
- 4) Дохийий хабарлар;
- 5) Ахборотлар;
- 6) Ўлка бўйлаб маҳаллий ва савдо хроникаси;
- 7) Рус ва хорижий матбуот янгиликлари;
- 8) Зироат;
- 9) Фельетон, адабий ва илмий бўлим;
- 10) Мухбирлар ва хусусий телеграммалар;
- 11) Умумимперия халқ судьялари ва, хусусан, қозиларнинг суд ҳисоботлари;
- 12) Театр;
- 13) Эълонлар;
- 14) Идорадан жавоблар;
- 15) Безак ва расмлар;
- 16) Аралаш».⁹⁶

Мундарижанинг давомида газетани нашр этишдан мақсадини қуйидагича изоҳлайди: «Баён қилинганларга шуни қўшимча қилиш шарафига муяссардурманки, нашрдан мақсад рус маданиятини ва Оврупо билимини маҳаллий аҳоли ўртасида тарқатмоқ ва мусулмонларни руслар билан яқинлашмоғига саъй кўрсатмоқдир. Қисман ушбу мақсад меним томонимдан Самарқанд шаҳрида ташкил этилган усули жаҳид мактабларига дарсликлар нашр этиш орқали амалга оширилади».⁹⁷

⁹⁶ ЎзРМДА. 18-фонд, 1-рўйхат, 8752-йиғмажидд, 12-в.

⁹⁷ Ўша жойда.

Босма ҳарфда ёзилган ушбу матн остида Беҳбудий рус тилида: «Бундан ташқари, 6-, 10- ва 13-бўлимларни газетада рус тилида чоп этишга рухсат беришингизни сўрайман», – деб имзо чеккан. Шунингдек, таржимон Ҳусайнов томонидан таржима қилинган «Мен муҳаррир сифатида нашрнинг босилиши хусусида бутун масъулиятни ўз зиммамга оламан, буни ўз имзоим билан тасдиқлайман. 1913 йил апрелнинг 2-куни. Маҳмудхўжа Беҳбудий»⁹⁸ сўзи ёзилиб, ўзбек алифбосида имзо қўйилган.

Самарқанд шаҳар полицмейстери подполковник Шведов Беҳбудийнинг номаи аъмолини обдан ўрганиб, 1913 йил 8 апрелда 5190-рақамлик ёзишмада ТРОО ва ҳарбий губернаторга: «Илтимосчи Беҳбудий, Самарқанд аҳолисидан... 1907 йилда Давлат Думасига сайланиш тўғрисидаги низомнинг 10-моддаси 1 – 4-, 6 – 8-бандида кўрсатилган жиноятларда айбланган эмас»⁹⁹ деган хулосани топширади. Ушбу хулоса натижаси ўлароқ 1913 йил 10 апрелда ўзбек ва форс тилида, Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, «хейли халқнинг кўзини очишга боис бўлган»¹⁰⁰ «Самарқанд» газетасини нашр этишга «Гувоҳнома» олади. Шу йил 24 апрелда Самарқанд вилоят бошқармасига «Самарқанд» газетасида рус тилида материаллар чоп этиш учун рухсат берилди.¹⁰¹ Газетани нашр этиш учун берилган «Гувоҳнома»да газета Русиянинг барча шаҳарларида тарқалиши таъкидланади.¹⁰² Аммо иқтисодий қийинчилик сабабли, Мирзоҳид Мироқилий, Ақобир Шомансур ўғли, Убайдулла Хўжаев, Мунаввар қори Абдурашидхонов ва бошқалар қўллаб-қувватлашига қарамай, газета бир йил умр кўрмай 1913 йил 17 сентябрда фаолиятини тўхтатди. Бироқ Беҳбудий Самарқанд ҳарбий губернаторига 1913 йил 23 майда «Янги Самарқанд» ва «Самарқанди нав» газетасини ўзбек, тожик ва рус тилларида нашр этиш учун рухсат сўрайди.¹⁰³ Бироқ бу газетанинг атиги битта сони чиққан, холос. Шу йил 1 майда Беҳбудий Самарқанд

⁹⁸ Ўша жойда.

⁹⁹ ЎзРМДА. 18-фонд, 1-рўйхат, 8752-йиғмажилд, 13-в.

¹⁰⁰ Туркистон. 1924 йил 24 июнь. №295.

¹⁰¹ Ўша ҳужжат. 17-в.

¹⁰² Ўша ҳужжат. 14-в.

¹⁰³ Ўша ҳужжат. 38-в.

ҳарбий губернаторига рус, ўзбек ва тожик тилида «Ойна» журналини нашр этиш учун рухсат сўраб «Илтимоснома» беради. «Илтимоснома» да журнал мундарижасини қуйидагича белгилайди:

- «1) Ҳукумат фармойишлари;
- 2) Бош мақола;
- 3) Хорижий воқеалар шарҳи;
- 4) Дохийий воқеалар шарҳи;
- 5) Хабарлар;
- 6) Ўлка бўйича маҳаллий ва савдо ҳақида умумий хабарлар;
- 7) Рус ва хорижий матбуот шарҳи;
- 8) Зироат;
- 9) Фельетон, адабий ва илмий бўлим;
- 10) Агентлар ва хусусий телеграммалар;
- 11) Умумимперия халқ судьялари ва, хусусан, қозиларнинг суд ҳисоботлари;
- 12) Театр;
- 13) Эълонлар;
- 14) Идорадан жавоблар;
- 15) Безак ва расмлар;
- 16) Сатира ва аралаш».¹⁰⁴

Матбуот ишлари бўйича бош бошқарма «Ойна» журналини нашр этиш учун 1913 йил 11 майда 9474-рақамли гувоҳнома беради.

1913 йил 13 ноябрдан уч тилда¹⁰⁵ нашр этилувчи «Ойна» – «Кўзгу» – «Миръот» – «Зеркало» журналини обуначи ва матбуот мухлисларига тақдим этади. Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий цензура комиссияси бўлими штаб бошлиғи 1914 йил 19 августда журнални тафтиш қилиб боришни штаб-капитан Атаевга¹⁰⁶ топшириш ҳақида махфий топшириқ беради.¹⁰⁷ Журнал икки йилга яқин муддат фаолият кўрсатиб иқтисодий танглик туфайли тўхтади.

¹⁰⁴ Ўша ҳужжат. 28-в.

¹⁰⁵ Материаллар асосан ўзбек ва тожик тилида бўлиб, айрим эълонлар рус тилида чоп этилган.

¹⁰⁶ Капитан Атаев – асли туркман. Н.Остроумовнинг шогирди. 1009-фондда унинг устозига ёзган хатлари бор.

¹⁰⁷ ЎЗРМДА.18-фонд, 1-рўйхат, 8752-йиғмажилд, 51-в.

«Самарқанд» газетаси ва «Ойна» журналини ташкил қилишдан асосий мақсад халқни маърифий оқартув бўлса-да, иккинчи томондан, Остроумов назоратидан халос бўлиб, ўзи ва сафдошларининг, қолаверса, бутун туркистонлик зиёлиларнинг ўз фикрини эркин эълон қила оладиган нашрга эга бўлиш эди. Остроумов Туркистон матбуотига махсус қўйилган цензорлардан ҳам устунроқ назоратчи эди. Шу боис биз адиб нашрларига эътибор билан қарасак, халқимиз учун фойдали бўлган илмий-фанний янгиликлар, ихтиролардан ташқари миллат эътиборини халқаро майдонларда содир бўлаётган қонли урушлар, сиёсий жангларга, ўзининг миллий давлатчилигини тиклаш ва қудратини ошириш учун ҳаёт-мамот жангини турли жабҳаларда олиб бораётган каттаю кичик мамлакатларнинг аҳволига эътибор тортилганининг, миллий маданиятнинг устун томонларига, маҳаллий фан, адабиёт ва дин арбоблари фаолиятига эътибор қаратилганининг гувоҳи бўламиз.

Журналда Русия ва Туркия ҳарбий муносабатлари ҳақидаги хабарлар, мақолалар, таҳлилий шарҳларга кўзимиз тушади. Болқон уруши салбий оқибатлари, ислом давлатларининг ҳарбий, сиёсий жиҳатдан бой беришлари ва унинг оқибатлари кенг ёритилган. Муаллиф турли газеталардан, хусусан, «Таржумон» газетасидан Болқон уруши ҳақидаги материалларни кўчириб босар экан, ўзининг диний ва қон-қардошлик туйғуларини яширмайди. Масалан, «Эдирна» мақоласида ушбу шаҳарнинг иттифоқчилар қўлига ўтиши ва қайтариб олиниши ҳақидаги мақола-ни айтиб ўтиш мумкин.

Ҳар бир халқ ўз миллий эҳтиёжи, сиёсий тикланиши учун халқнинг оёқ-қўлини узоқ йиллар мобайнида ипсиз чамбарчас боғлаган бидъатлардан халос бўлиши лозим. Бу миллатнинг ўз эрки учун сиёсий урушдек бир гап. Чунки кераксиз бидъат (мода, расм-русум) миллатнинг миллатлигини унуттирган, иқтисодий-маънавий тиз чўктирган, сиёсий мустақиллигини ўғирлаттирган асосий унсурлардан биридир. Шу боис катта маърифат, мактаб-мадраса ислоҳи учун кураш, умумтаълим мактабларини ташкил этиш, жаҳон андозасидаги олий дорулфунунларни барпо қилиш, илм-фанга кенг йўл беришгина кўламдор сиёсий мақсадни амалга ошириш учун ҳаётбахш тупроқ бўлиши мумкин

эди. Шу боис бухоролик шоир ва журналист Ниёзий Ражабзода «Шодлиқ» шеърида халқни фаол ишлашга, Ватан манфаати учун хизмат камарини қаттиқ боғлашга чақирди:

*Кўлимиздан кишан, занжир олинганда
Кўзголайлук, афандилар, бизлар тезрак.*¹⁰⁸

1917 йил февраль, октябрь воқеалари арафасида адиб ва сафдошлари томонидан амалга оширилган ишлар, сиёсий лойиҳалар, маърифий босма ва оғзаки чиқишлар ўша тоза, ҳаётбахш, унумдор тупроққа айланиб улгурган эди. Шу боис зикр этилган тарихий паллада Туркистон халқи ҳарбий-сиёсий жиҳатдан кучсиз бўлса-да, аммо ўз эрки учун сиёсий бирлашмоққа ва курашмоққа куч топа олди.

Февраль воқеасидан кейин Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишлар, мажлисларда Муваққат ҳукумат вакиллари Туркистон учун мухторият бериш масаласи тўғрисида ҳам ўз фикрларини баён этган эдилар. Маҳаллий халққа мухторият олиши учун рухсат ҳам берилган. Умуман, Туркистонга мухторият берилиши мавзуси Маҳмудхўжа Беҳбудийга янгилик эмас эди.

Биз юқорида Исмоилбек ва адибнинг Истанбулдаги меҳмонхонада етти соат мобайнида суҳбатлашганини айтиб ўтган эдик. «Ойина»да босилган «Исмоилбек билан суҳбат» мақоласи суҳбат гўё икки киши – Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Исмоил Гаспринский ўртасида ўтгандек таассурот қолдиради, аммо агентура маълумотларига қараганда, суҳбатда кўпчилик қатнашган ва шу масала кўтарилган. Бу тўғрида «Муҳаррир» лақаблик жосус қуйидагича хабар беради: «1912 йилда Константинополга Гаспринский ва самарқандлик Маҳмудхўжа Беҳбудий келди. Русиядан бу таниқли кишиларнинг келишлари билан номлари юқорида тилга олинган уч нафар республикачилар уларга мурожаат қилиб, ўз фикрларини баён қилишди. Гаспринский уларнинг фикрига жавоб бериб, «яқин йилларда панисломизм ва пантуркизм ғояларини амалга ошириш қуруқ хаёлдан иборат, агар Русия туркий халқлари мустақиллик учун бироз чиқиш қилсалар-да, бу Евро-

¹⁰⁸ Ойина. 1914. №38.

па давлатлари олдида оддий намоён тарзида кўзга ташланади, шу боис бир арзигулик натижани кўзда тутиб бўлмайдилар ва бундан барча туркий халқлар учун умуман ҳеч қандай фойда йўқдир. Ҳаммалари Европа томонга ўтишади. Туркистонда республика қуриш учун Туркиядан ёрдам кутиш ҳам фантазиядан ўзга нарса эмас. Туркия бу масалада ёрдам бера олмайди. Агар орзу қилган ғояларингизни амалга оширишни ўзингиз учун муқаддас иш деб билсангиз, сизларга Туркиядан ҳеч қандай иш қолмайди. Ўзингиз учун фойдали замин топа олмайсиз. Ватанингизга қайтиб фикрларингиз қанчалик тўғри эканлигини текшириб олинг. Агар Туркистонда ўзингиз учун зарур таянч топа олмасангиз, Русия марказига бориб ўқишга кириш, яъни яхши маълумот олинг... Умуман, туркий халқларнинг мустақиллик олишларининг истиқболи бор...» Туркистонлик уч республикачи Туркия ҳудудини абадий тарқ этишга келишдилар ва ватанларига қайтдилар. Булар: марғилонлик Муҳаммад Ризо, қўқонлик Абдураҳмон Исмоилзода ва хўжандлик Муҳаммад Саидхўжа (Саид Аҳрорий)». ¹⁰⁹ Ана шу мажлисда хонлик, республикачилик, автономия масалалари ҳам кўтарилгани агентура маълумотидан сезилади. Бинобарин, Беҳбудий ўша даврда бу масаланинг истиқболсиз эканини тушуниб етган бўлса-да, аммо умид қилган эди. Муваққат ҳукуматнинг раҳбари А.Ф.Керенский, унинг Туркистондаги вакиллари бу умидни амалга ошириш учун рухсат бериб, адибнинг ишончини мустаҳкамлаган эдилар.

Беҳбудий 1917 йил 25 – 29 ноябрда Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган 4-умуммуслмон съездида қатнашди. Ана шу съездда Туркистон Мухторияти эълон қилинди. Ҳукумат йиғилишида Беҳбудий президиум аъзоси этиб сайланади. Мухториятнинг асосий мафкураси «Турк адам марказият (федералистлар)» партияси низом ва маромномасини Мунаввар қори Абдурашидхонов, Камолхон домла Раҳмонбердиев ва бошқалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқди. Дастурни ишлашда қатнашган айрим қозиларга нисба-

¹⁰⁹ Манба эълон қилинмайди. Муҳаммад Ризо (1878 – 1936), Абдураҳмон Исмоилзода (1897 – 1923) драматург, педагог ва рассом, Саид Аҳрорий (1895 – 1931) педагог, драматург, актёр ва жамоат арбоби, солиқ талабалар, 1911 йили Туркиядан талабалар ўртасида ташкил этилган «Турон напри маориф» жамияти аъзолари.

тан унинг билим ва басирати кенгроқ бўлгани учун болшевиклар дастурига нисбатан инсонийроқ маромнома ишлаб чиқилдики, бу тарихий ҳужжатда яққол сезилади.

Беҳбудий бировларнинг турткисисиз зиммасидаги вазифани юракдан ҳис этгани боис Қўқондан Самарқандга қайтиб келгач, «Хуррият» газетасида мухториятга бағишланган бир неча мақолалар эълон қилди. Мухториятга маҳаллий зиёлилар ёндашувини очиқ ёзди. 1917 йил 19 – 22 декабрда ёзган «Туркистон Мухторияти» мақоласида мухториятнинг барпо этилиш жараёни, миллий, фирқавий таркиби, сиёсий йўли, болшевиклар йўлидан фарқи, уламоларнинг муносабатини очиқ баён этди. Мухторият сабабли қон тўкилмаслиги, барча муаммолар сулҳ йўли билан ҳал этилишини маълум қилди. Аммо бу ҳолат миллат бирлашган тақдирда, ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман бирлашган, ҳамжиҳатликда иш олиб борган тақдирдагина амалга ошиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди («Қозоқ қариндошларга очиқ хат», «Ҳақ олинур, берилмас»): «Бутун Туркистон халқи иттифоқ этса, қон тўкилмас». Шу билан бирга, «ер ва амлокнинг тақсими устида, албатта, узук қон тўкурсан» деб огоҳлантирди.¹¹⁰ Туркистон Мухториятининг фаол ишлашини ташкил этиш масаласи тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини кейинроқ маълум қилишини айтиб ўтади.

Афсуски, мухторият қонга ботирилиб, тутатилди. Бу ҳолат Беҳбудий ва маслакдошларинигина эмас, балки барча Туркистон халқини чуқур қайғуга солди. Лекин маънан ва жисмонан синдира олмади. Миллий-сиёсий қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати бошланиб кетди. Шу билан бирга, махфий ҳаракат ҳам жунбиш олди...

Буюк мутафаккир замон ва унинг талабига тик қарай олди. Шу боис янги шароитда, янги мақсадларни амалга ошириш учун 1917 йили дўстлари Муҳаммадқули Ўринбоев, Мардонқул Шоҳмуҳамедов (М.Расулий М.Шокарвонов деб атайди), Ақобир Шомансуров билан ҳамкорликда «Зарафшон» ширкатини таъсис этади. Шу йили номлари саналган шахслар ва Сиддиқий-Ажзий ҳамда Абдурауф Фитрат билан бирга Самарқандда нашр этилган «Хуррият» газетасининг муассиси бўлди. Газета 1918 йил июнь ойигача нашр этилиб, совет ҳукуматининг сиёсати билан

¹¹⁰ Хуррият. 1917 йил 22 декабрь.

чиқиша олмай фаолиятини тутатгунга қадар миллий манфаат учун баъзан очиқ, баъзан махфий кураш олиб борди.

1918 йили Самарқанд шаҳар мусулмон ижроия қўмитасининг иккинчи раиси, мусулмонлар съездини ўтказиш қўмитаси маъмури, Самарқанд маориф комиссари вазифаларида ишлайди.

1918 йил 16 июлда Тошкентга келиб Туркистон ФР ҳукумати бошлиғи Тоболин билан учрашади, Миллий ишлар комиссарлигида бир неча ҳафта фаолият олиб боради. Совет ҳукумати билан тил топишиб ишлаш мумкинлигига ишонади ва очлик балоси галаён кўтарган бир даврда аҳолини галла билан таъминлаш, аскар олиш, солиқ, миллий комиссариатлар, давлат тили масалаларига фаол аралашади, ўз таклиф-лоийҳаларини киритади ва ҳукумат томонидан қабул қилинишига эришади...

1918 йил 22 июлда Туркистон Автоном Республикаси Миллий ишлар комиссарлигида Т.Ашурхўжаев, Н.С.Ликошин, В.Н.Кучербаев, М.Беҳбудий, Кабир Бакир иштирокида давлат тили масаласи кўриб чиқилади. «Улуғ Туркистон» газетаси хабарига қараганда, «Туркистон мусулмонлари учун қаю тил давлат лисони саналурга тейиш?» масаласи музокарага қўйилди. Бу саволга қарши Н.С.Ликошин Туркистон мусулмонлари орасинда бунга қадар энг маъруф бўлиб келган бир лисон Тошкентда сўйлашиладигон ўзбек тили бўлгонлигини сўйлади: «Бунга қадар расмий қоғозлар кўбрак ўзбек тилинда ёзилиб келдилар. Бу тилни қозоқлар-да, туркманлар-да англаб келдилар. Биноан алайҳ, агар бу лисон давлат лисони эълон этилса, ҳар ким буни англаяжак», – деди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий: «Туркистон ўлкасиндаги халқнинг кўбраги ўзбек, қирғиз-қозоқ ҳам туркман халқлариндан иборат. Бошқалар бўлса-да, оз, биноан алайҳ, ўзбек (сартия) учун ўзбек тили (баъзи шевалари) расмий тил саналурга тейиш», – деди.¹¹¹

Кабир Бакир: «Бир Туркистондагина тугул, бутун Русияда бўлгон мусулмонлар ўзларининг тилларини «туркий тил» деб биладилар... Шунлиқдан Туркистон мусулмонлари учун давлат лисони бўлгон тил «туркий тили» деб эълон этилурга тейиш», – деди. Шу мажлис ҳосиласи ўлароқ Туркистонда рус тили билан баробар турк-ўзбек тилига давлат мақоми берилди.

¹¹¹ Улуғ Туркистон. 1918 йил 27 июль.

Беҳбудийнинг бу сафари ҳам изсиз кетмади. Мухторият қонга ботирилгандан кейинги ҳукумат ва пойтахт кайфияти, ташкилотнинг режалари билан танишди. Автоном республиканинг ҳақиқий хўжайинлари билан турли масалаларда тўқнашди. Баъзан сўзи ўтди, баъзан ўтмади.

Большевиклар ҳукумати маҳаллий аҳоли мутлақо билмаган ва эшитмаган сиёсий атамалар – «ҳарбий коммунизм», «экспроприация», «реквизиция», «политизация», «реализация» ниқоби остида олиб бораётган талон-торож ва аҳолини талашнинг олдини олишга эришади, бунинг учун Тоболин билан икки марта бир соатдан ортиқ музокара ўтказишга мажбур бўлади ва, охир-оқибат, ғалаба қилади. Аммо совет ҳукуматининг маҳаллий аҳолига қарши олиб бораётган сиёсати, айниқса, советларнинг учинчи қурултойидаги машмашалари, Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг ҳаққоний сўзларига қарши ҳужумлар шундоққина унинг кўз олдида содир бўлгани боис, янги ҳукумат ва унинг намояндалари сиёсати моҳиятини тез илғаб олади. Туркистонга ким асл хўжайин эканлигини фаҳмлайди.

Ўша даврда Самарқандда, Тошкентда, Фарғонада ҳам хориж матбуотини ўқийдиганлар, ҳатто Абдурашид қози Иброҳимовнинг айтишича, маҳаллий кишилар орасида немис тилида сўзлашадиганлар бўлган, аммо ҳамма ҳам элга бурилиш вақти келганини, ўзида «ходимул миллат» деган масъулиятни ҳис этишидадир. Афсуски, ҳамма ҳам «миллат вазифаси»ни бажариш ҳар бир миллат раияси ва зиёлисининг бурчи эканлигини юракдан ҳис қилавермаган. Бир зиёли сифатида ўзининг жамиятдаги тарихий ўрни ва вазифасини фаҳмлайвермаган. Беҳбудий эса ўзининг ҳаётдаги тарихий вазифасини юракдан ва ақдан ҳис қилгани учун икки жабҳада кураш олиб боришга мажбур бўлди. Аввало, Самарқанд ижроқўмининг иккинчи раиси, маориф комиссари, фақатгина шаҳарнинг эмас, ўлканинг энг нуфузли ва донишманд одами сифатида Туркистон большевик ҳукуматининг тадбирларига фаол аралашди. Аскар олиш масаласи бўладими, очлик балосига қарши кураш, нон савдо-сотиги, аҳолидан дон-дун йиғиш бўладими, барча ижтимоий-сиёсий масалаларда қизғин фаолият олиб борди. Аммо большевиклар ҳукуматининг Туркистон миқёсида олиб бораётган миллий камситиш сиёсати,

шиорлар, минбарлар, матбуот орқали берилган ваъдалар пуч ва ёлгон эканлигига иқрор бўлди.

1908 – 1909 йилларда сиёсий партиялар ҳақида ёзган мақолаларида «иштирокиюн» (социалист) фирқасини моддийончилар деб атади ва улар илгари сурган ғояни хаёлий деди. Ўша фикрларининг амалиёти ва исботини кундалик ҳаётида кўриб, тўқнаш келди. Шу боис уларнинг Афғонистонга вакил қилиб жўнатиш таклифларини рад этди: «Ҳозирги ҳукуматга одам керакдурки, муни иш устиндагилар ҳам сезибдурлар. Чунончи, ҳукумат аъзоларининг бир мажлисинда Эрон ва Афғонистон давлатларига кўнсул юбормак масаласи қўзғолуб, баъзи рус ва мусулмонлар бу хизмат учун мани муносиб кўруб юбармакчи бўлгонлар эканки, ман буни эшитиб нохушлигим учун сафар машаққатини кўтара олмаслигимнибаёнэтдим».¹¹²

Миллат қаҳрамони Маҳмудхўжа Беҳбудий «ихтиёрий сургун»ни (Мунавварқори ибораси) хоҳламади. Аммо курашдан ҳам тўхтамади...

Халқ ва Ватаннинг нажот йўли – илм ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш. Илм барча хоссалари билан эл турмуш тарзига айлансагина, элнинг кўзи тўқ бўлади, негаки у илм ёрдамида ҳаётда тўғри йўлни топиб олган ҳисобланади. Ана шу мақсадда самарқандлик ёшлардан Абдусалом Азимийни пул ва кийим билан таъминлаб аввал Истанбулга, сўнг Қоҳирадаги Ал-Азҳар мадрасасида ўқиш учун юборади ва вақти-вақти билан пул жўнатиб туради. Ҳатто 1914 йили ҳажга борган пайтда Қоҳирада бир муддат тўхтаб, ватандоши билан учрашиб, унга ёрдам ҳам кўрсатади.

Адиб илм ва матбуотнинг, жаҳон савдо-саноат, фан тараққиётини Ватан ва халқ ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрнини таҳқиқ қилиш билан кифояланмади. Адабиёт ва санъатга катта эътибор қаратди. У турк тилига таржима қилинаётган ва қилинган Оврупо, хусусан, француз адабиёти намуналари билан танишади. Бу адабиётда XIX аср охири – XX аср бошларига хос бўлган танқидий реализм асарлари, романтик асарлар – юксак маънавиятли, виждони пок, инсоний номусини, қадр-қийматини ҳар нарсадан юксак қўйган қаҳрамонлар ҳаёти тўғрисида ҳикоя

¹¹² Меҳнаткашлар товуши. 1918 йил 22 август.

қилувчи бадий асарлар эътиборини жалб этади. Шу боис «Оқ елпиғичли хоним» ва «Бир вафодорлик заифа хусусида ҳикоя»-ларини туркистонлик ватандошлари эътиборига ҳавола қилади. Чунки мустамлака маъмурияти, унинг халқи, аскарлари, найзали милтиғию тўп-тўпхонаси билан бирга пивохоналар, фоҳишахоналар, ресторанлар ҳам ўлкага кириб келди. Чор ҳукумати бу нарсаларга расмий рухсат бериб қўйган эди.

Туркистон шаҳарларининг насронийлар яшайдиган қисми – «Янги шаҳар»да бундай нажасхоналар бисёр эди. Ҳатто шаҳарнинг мусулмон аҳолиси яшайдиган қисмига ҳам улар аста бостириб кирди. «Бир вафодор заифа хусусида ҳикоя»даги пулдорлар кўнгили ёзадиган масканларни мусулмон бойваччаларию бўз болалар ҳам эгалламоқда эдилар. Бунга «Падаркуш»да Тоштемир ва унинг шериклари кайф-сафо сурган Артун армани пивохонаси яққол мисолдир. Бинобарин, бундай чиркин, сафил, қабоҳат уяларида ҳар қандай разил воқеанинг бўлиши табиий ҳол эди. Ана шундай шароитда мажбуран оила боқиб, ўз инсоний ор-номусини, эътиқодини сақлаб қолиш фақатгина Оврупо халқлари олдида турган муаммо эмас, балки милтиқлар учи ва қўндоғи зарби билан кириб келган «маданият»дан ўзини ихота қилиш тарихий зарурат эди. Зеро, француз адабиётида Оноре де Балзак, Виктор Гюго, Жорж Санд¹¹³ илгари сурган умуминсоний қадр-қиммат, ўзини разолат ботқоғига отмай, инсоний қиёфасини йўқотмай ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал қилишга интилиш адиб учун бегона эмас эди. Шу боис Маҳмудхўжа Беҳбудий француз адабиётига хос муаммоларга ўзбек зиёлиларининг эътиборини жалб этди. Бинобарин, оила, никоҳ, иймон-эътиқод хусусидаги И.Бўронов саволига жавоб берар экан, иймон-эътиқодни сақлаш асосий масала эканлигини қисқа ва лўнда тарзда баён этади: «Хулоса – иймон ва исломдин мубин ислом таълимоти ва қавоидларини ҳақ билиб анга бовар ва инқиёд қилмоқдур».¹¹⁴

Иймон-эътиқоди бут одамгина ўзини лаззатпарастлик ва завқпарастлик тажовузидан, ўзгалар мол-мулкига кўз олайтиришдек жиноятдан сақлай олади. Бинобарин, ҳам жисмоний, ҳам маъна-

¹¹³ Жорж Санднинг «Валентин» романини эсланг.

¹¹⁴ ТВГ. 1908 йил 19 октябрь. №79.

вий пок, иймони бутун жамият турли бало-офатлардан ўзини иҳота қилади, бунинг учун собиқ кемачи савдогар бойнинг заифасидек ор-номусли ва иймон-эътиқоди қаттиқ бўлиши керак. Бунинг учун узлуксиз илмий-эътиқодий тарбия керак. Адиб театрни ана шундай тарбия берадиган масканлардан бири деб билган.

Беҳбудийнинг мустаҳкам диний эътиқодга эга эканлиги унинг дунёвий-фанний ишларга аралашувига заррача халақит бермаган. Айрим кўзи тор диндорларга нисбатан у адабиёт ва санъатга меҳр билан, ижтимоий ҳаётга очиқ кўз билан қараган. Ҳар икки соҳанинг миллат ҳаётида муҳим ўрин тутишини теран англаб етган. Шу боис Туркистон халқлари маънавий ҳаёти ва турмуш тарзи учун мутлақо янги бўлган Оврупо ҳикоянавислиги намуналарини миллий адабиётга олиб кириш билан чекланмай, Оврупо нухасидаги миллий театرنинг тамал тошини қўйди. Унинг ижтимоий-сиёсий, маърифий-тарбиявий ўрни ва ролини теран англади ҳамда замондошларига англапти. Театр санъати-га фақат тарбияхона деб эмас, балки жамият ҳаёти ҳақида зарур бўлганда бонг уриладиган маскан, катта минбар ва халқни гафлатдан уйғотишга чақирувчи баланд мезана деб қаради. Шу боис биринчи бўлиб миллий ёзма драматургияга асос солиб, 1911 йили «Падаркуш ёхуд Ўқимаган боланинг ҳоли» фожиасини ёзди. Асарни бостиришга рухсат берилмагач, Бородино жанги 100 йиллик санасига бағишлаш баҳонасида Тифлис цензурасидан рухсат олиб, 1913 йили Самарқандда нашр эттирди, 1914 йил январь ойида татар ва ўзбек ҳаваскорлари иштирокида илк бор саҳналаштиришга эришди. Жаҳон театр тараққиётига назар ташланса, асосан бу ишни дин арбоблари бошлаб беришгани кўзга ташланади. Бинобарин, Беҳбудийнинг пьеса ёзиши, мақолалар эълон қилишига тасодифий ҳол деб қарамаслик лозим.

Адиб театр соҳасига жиддий аҳамият бергани учун соҳанинг жаҳон миқёсидаги ўрни, статистикаси, драматургиянинг назарий ва амалий муаммолари, театр танқидчилиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини кенг ўқувчилар оммаси эътиборига тақдим этди. Бу билан кифояланмай, ёш ҳаваскорларнинг бошини қовуштириб, спектакль кўрсатиш учун расмий ҳукумат розилигини олиш учун шахсан ўзи ариза билан вилоят ҳарбий губер-

наторига мурожаат этди¹¹⁵ ва рухсат олди. Хуллас, «Падаркуш» драмасининг пайдо бўлиши тасодифий ҳол эмас. «Махмуд Ходжа Бегбудий» мақоласи муаллифи М.Ф. хабарига қараганда, Бегбудий яна бир пьеса ёзган, аммо эълон қилмаган.¹¹⁶

Самарқандда театр ишларини юритиш учун бевосита Махмудхўжа Бегбудийнинг ўзи ҳаракат қилган. У 1913 ва 1914 йилларда асарни саҳналаштириш учун вилоят ҳарбий губернаторидан рухсат олган. Масалан, 1914 йил 2 январда Самарқандда очилган қиротхона ва кутубхонани моддий қувватлаш учун 1914 йил 16 январь куни шаҳар театри биносида «Падаркуш» драмасини ва татарчадан таржима қилинган бир пардалик «Алдадук ва алдандук» асарларини саҳналаштириш учун рухсат сўраб вилоят ҳарбий губернаторига мурожаат қилади ҳамда рухсатнома олишга муваффақ бўлади. Пьесаларни саҳналаштиришни Қори Муҳаммад – Раҳим Тождинов, маъмурликни Махмудхўжа Бегбудий ўз зиммасига олади.¹¹⁷ «Падаркуш» драмасида оддий, ўқимаган бола ва пулдан ўзга нарсани билмайдиган ота ҳақидаги воқеий фожиа сирасида маърифат ва маърифатсизлик, иймоннинг сустлашиб кетиши, лоқайдлик балоси, мустамлакачилик келтирган офат жамиятни қандай сафил аҳволга солиб қўйишини маълум қилди. Жамиятни фақатгина издиҳомларда ўтказиладиган амри маъруф, наҳйи мункар эмас, балки катта минбарлар, жумладан, театр саҳнаси орқали кўрсатиладиган танқид ва тарғибот, чин миллий маданият учун курашгина фалокатдан қутқаришини самимий суратда кўрсата олди. Шу боис асарни замонавий зиёлининг: «Бизларни хонавайрон, бачагирён ва беватан ва банди қилган тарбиясизлик ва жаҳолатдур: беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақру залолат ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликнинг меваси натижасидур», – деган нутқ билан тугатади. Бинобарин, миллатни икки елкасидан босиб тиз чўктириб турган ва абадий асоратга юз туттирмоқчи бўлган икки бало – миллий жаҳолат ва мустамлакачилик ва у билан кириб келган бидъат, лаззатпарастликни йўқотишга эл-юрт эътиборини жалб этади.

¹¹⁵ ЎзРМДА. 1009-фонд, 1-рўйхат, 8890-йиғмажилд, 1-в.

¹¹⁶ Наука и просвещение. 1922. №1.

¹¹⁷ ЎзРМДА. 18-фонд, 1-рўйхат, 8890-йиғмажилд, 1-в.

Адибнинг миллий театрни ривожлантириш йўлидаги ҳаракатлари янги асарлар ёзилишига, янги драматургларнинг бўй кўрсатишига замин ҳозирлади. Нусратулло Қудратулло, Абдулла Бадрий, Ҳожи Муъин, Абдулла Қодирий, Фитрат, Ҳамза, Чўлпон, Фулом Зафарий ва бошқалар Маҳмудхўжа Беҳбудий – ходимул миллат эккан дарахтнинг гўзал меваларидир.

Биз юқоридаги муаммоларга Беҳбудийнинг муносабатини имконият даражасида ёритар эканмиз, шуни қўшимча қилмоқчимизки, Беҳбудий ҳақиқат ахтармади, одамларни мавҳум ҳақиқатни топиш учун ундамади. У бор ҳақиқатни халққа матбуот, адабиёт ва санъат орқали кўрсатди, миллат, аввало, ўз жаҳолатини енгиши, сўнг ҳақиқатни тиклашга, мустамлакачилар сиртмоғидан катта маърифат қуроли билан тортиб олишини уқтирди: «Ҳақ берилмас, олинур».

Мутафаккир Маҳмудхўжа Беҳбудий Ҳазрати Умар (р.а.) айтганларига амал қилиб, яъни фикрдан сўнг қалбини ҳикматга тўлдириб Оллоҳга яқин бўлиб яшади, шу сабабли қайси соҳада фаолият олиб бормасин, доимо Ватан, миллат ва дин учун самимий ишлади. Бу машаққатли меҳнати вақти келиб авлодлар томонидан юксак баҳоланишига астойдил ишонди: «Ўзимиз ўтган сўнг, албатта, мадҳ этиб, раҳматлар ўқурлар ва ҳозирги кишилар ҳам нияти хайриямизни билганда, албатта, хурсанд бўладурлар».

Жамиятни фақат илмий тараққиёт, иқтисодий юксалиш эмас, балки анашутараққиёт ва юксалишни амалга оширишдаги маънавий поклик, гўзал ахлоқ, яъни комил эътиқод мустамлакачилик сиртмоғидан, фавқулодда фалокатлардан асрайди, таназзулдан қутқаради. Чунки кучли эътиқодгина инсонни миллий ҳурликка ундайди, қонунларга бўйсунуш, амал ва қонунни суистеъмол қилмасликка ундайди. Буюк адиб шу йўлда яшади, фаолият кўрсатди ва азиз умрини фидо қилди, келажак авлодни шу мусаффо иймон-эътиқод тоза тупроғидан унган тараққиёт ҳамда истиқлол йўлини ушлашга даъват этди ва мудом даъват этмоқда. Бинобарин, Маҳмудхўжа Беҳбудийга ўлим йўқ. Чунки у ХОДИМУЛ МИЛЛАТ. Демак, у барҳаёт!

Сирожиддин АҲМАД

БАДИЙ АСАРЛАР

ПАДАРКУШ

ёхуд Ўқимаган боланинг ҳоли

(Туркистон машаитидан олинган ибратнома)

3 парда, 4 манзарали, миллий биринчи фожиа

А ш х о с – к е р а к о д а м л а р :

Бой – 50 яшар.

Тошмурод – бойнинг ўғли, 15 ё 17 яшар.

Домулло – янги фикрлик бир мулло, 30 – 40 яшар.

Зиёли (оврупо либосида) – ўрусча ўқуғон, миллатчи мусулмон.

Хайрулло – бойнинг мирза ва маҳрами, 18 – 20 яшар.

Тангриқул – бойнинг қотили.

Давлат ила Нор (бўз болалар) – киссаларига 4 сўм қадар майда керак.

Лиза – рус хотини.

Артун – арман майхоначи.

Бойвучча – (бойнинг) хотуни, 35 – 40 яшар.

Пристуф, 2 полицейский, 2 қоровул, бойнинг 3 нафар эракак ҳамсоysi.

Керак нимарсалар: бир лаъли, ширавор, нон, дастурхон.

Чойнак, пиёла, чилим.

Майхонага кераклик гилам, кўрпа, ёстуқ.

Бойни(нг) ётоқ асбоби ва кроват.

Бир калтак.

Бир ўн шиша сув ва квас.

Беш-олти стакан.

Бир сандуқ.

Бир ҳамён ичига пулга ўхшаш нимарса.

Бир катта пичоқ.

Бир тўппонча.

Сандиқни очатурган темир асбоб.

Мукаммал пристуф либоси.
2 полицейски мукаммал либоси.
2 қоровул калтаги.
Бир ҳуштак.
Бир каноп.
Бир қўл кишани.

Б и р и н ч и п а р д а

Бой меҳмонхонада ўтирар, Хайрулло ила Домулло кирар:

– Ассалому алайкум.

БОЙ. Ваалайкум ассалом, марҳамат (*Туруб мулоқот қилуб, домуллога жой кўрсатиб ўлтирур*).

ДОМУЛЛО. Бой давлатини Оллоҳи таоло мундин ҳам зиёда қилгай (*фотиҳа қилур*).

БОЙ. Нафас(лар)и муборак, иншооллоҳ, дуолари қабулдир.

ДОМУЛЛО. Балли, жумъа оқшоми дуони қабул вақтидир.

БОЙ. Хуш келдилар, тақсир.

ДОМУЛЛО (*қўлини кўксига қилиб*). Саломат, саломат.

БОЙ. Хайрулло! Чой ва лаъли келтур.

ХАЙРУЛЛО. Хўш! (*Чой ва лаъли келтирар, чой сузар, алар тановул айлар, Тошмурод кирар, саломсиз, беадабона.*)

ТОШМУРОД. Ота, томошаға бораман, пул беринг.

БОЙ. Ўғлим, ким ила борасан?

ТОШМУРОД. Турсун акам ила.

БОЙ (*киссасидан пул бериб*). Албатта, вақтли келинлар ва ёмон ерларга борманлар.

ТОШМУРОД. Хайр, хайр, ҳов кўп гапурасиз-да (*Чиқиб кетар. Домулло бой ва Тошмуродга бадбинона боқиб бошини солар*).

БОЙ. Сўзлашиб ўлтуринг, тақсир.

ДОМУЛЛО. Хўб, хўб, бойвачча катта бўлубдур, Худо умр берсун, усули жадида мактабигами ўқийдур ёинки эски мактабга?

БОЙ. Иккисига ҳам бормайдур.

ДОМУЛЛО. Ўз ҳовлингизда ўқутатурфонсиз?

БОЙ. Йўқ, йўқ. Мен ўғлумни ўқутмоқға ўйлаганим йўқ.

ДОМУЛЛО. Ажойиб, сабаб недурки, ўқутмайсуз? Ваҳоланки, ўқумоқ фарз ва илм сабаби иззати дунё ва шарофати охиратдур.

БОЙ. Мани хаёлимга, дунёнинг сабаби, иззати – бойлик. Охиратга бўлса, Худонинг қилган тақдири бўлур. Чунончи, биз кўрамизки, одамлар бойни муллодан зиёда иззат қиладурлар. Хусусан, мана, банклар кўпайди. Катта бойлар чилен бўлуб, ҳар ким чиленларни иззат қилур, ҳатто иши тушатурғонлар чилен молини қиммат олур, азбаски, чилен илтифотиға олмаган одамларга банклар пул бермайдурки, сўнгра муомаладорлар синиб, майда-майда бўлур, билдингизми?

ДОМУЛЛО. Бу сўзларингиз ҳозирги замонага маъқул, лекин чилен ва бойларни иззатлари вақтинча ва халқни кўзи очилгунчадир. Ҳолбуки, аларни иши тушганлар иззат қилурлар, муллони бўлса барча халқ иззат қилур, яъни муллони илми иззат қилинадур.

БОЙ. Бизни ҳам бойлигимиз иззат қилинадур, ҳатто мусулмонлар нари турсун, ўрус ва арманлар-да иззат қилур.

ДОМУЛЛО. Иззатни нари қўйдук, агарда ўглингни ўқутсангиз, дафтарингни ёзар, намозингни ва мусулмончилигини яхши билур ва ҳам сизга савоб бўлур.

БОЙ. Мирзалик осон, мана, Хайруллога ойинда етти сўм берман, кундузлари мирзалик ва оқшомлари меҳмонхона ишени қилар ва, ҳатто, уйқум келгунча ходими қилар, китоб ҳам ўқуб берар.

ДОМУЛЛО. Шариат илми ва зарурияти диния билмоқ учун бойваччани ўқутмоқ албатта сизга лозимдур.

БОЙ. Шариат илмини ўқитмоқни лозим билмайман, чунки ани муфти ё имом ва муаззин қилмоқчи эмасман, азбаски, давлатим етар.

ДОМУЛЛО. Зарурати динияга не дерсиз?

БОЙ. Ман ўзим беш вақт намозни кераклик дуолари ила билурман. Ўзим ўқитурман.

ДОМУЛЛО. Хат ва саводга не дерсиз? Ҳолбуки, саводи йўқ одам ҳеч нимага ярамайдур.

БОЙ. Бу фикрингиз ғалат, чунки мани саводим йўқ, бовужуд, бу шаҳримизнинг катта бойларидандурман ва ҳар ишни билурман.

ДОМУЛЛО. Сиз илгари замонда бир нав ила бой бўлубсиз, ammo энди бой бўлмоқ нари турсун, фақат рўзғор ўткармоқ учун (ҳам) илм керак. Кўрамизки, йигирма-ўттиз йилдан бери барча савдо ишлари арман, яҳудий ва бошқа ажнабийлар қўлиға ўтди, муни сабаби бизларнинг ўқумағонимиздур. Ўқимаган бойвачча-

ларни кўрамизки, ота молини барбод этар ва охири хор ва зор бўлур, бинобарин, ўғлунгизни ўқутмоқни сизга таклиф қилурман.

БОЙ. Ай, домулло! Сиз манга таҳқиқчими? Ўғул маники, давлат маники, сизга нима? Ўқиганни бири сиз, емоққа нонингиз йўқ, бу ҳолингиз ила манга насиҳат қилурсиз. Хайрулло! Меҳмонхонани қулфла, уйқум келди. *(Хайрулло лаъл ва асбобларни жамлаб, мунтазир турар.)*

ДОМУЛЛО *(одамларга қараб)*. Ўқумоқ ва мулла бўлмоқ учун пул керак, бадавлатларимизни ҳоли бул, бас, бу кетиш ила наузамбиллоҳ, дунё ва охиратга расво бўлурмиз, ўқумоқ барча мусулмонга, эркак ва ё хотун бўлсун, фарз эди. У қайда қолди? Оҳ, вой бизни(нг) ҳолимизга! *(Бойга қараб)* Бой, ман сизга амри маъруф этдим ва манга шарият бўйича лозим бўлган ишни бўй-нумдан соқит қилдим. Иншооллоҳ, мўйлаб чиқариб, алифни таёқ демайтурган ўғлингиз ҳолини кўрармиз ва ўқутмаганингиз учун гуноҳкор бўлурсиз. *(Домулло нос чекар.)*

БОЙ. Ай, домулло! Манга насиҳатчи кераги йўқ, безор қилдингиз, *(одамларга қараб)* ишимдан, уйқумдан бу одам мани қолдирди. Хайрулло, меҳмонхонани қулфла. *(Домулло аразлаб чиқиб кетар, бойни димоги куйиб ўлтурар. Зиёли мусулмон кирар, пальто ва асосини миҳга қўяр, бой ола-ола қарар, хушламас.)*

ЗИЁЛИ. Ассалому алайкум.

БОЙ *(кароҳат ила)*. Ваалайкум ассалом, Хайрулло, курси келтур. Бу киши ерга ўлтуролмайдур. *(Келтурар, зиёли ўлтуруб, папирус чекар.)*

ЗИЁЛИ. Жаноб бой, сизни кайфсиз кўраман, мумкинми сабабини билсам?

БОЙ. Бир мулло келиб эди, ўғлингизни ўқутмайсан деб жуда жонимни олди, қувлагандек қилиб зўрға қутулдим, фақат муштлашмадуг.

ЗИЁЛИ. Аҳ-ҳа, қизиқ ва интересний ҳодиса эмиш *(одамларга қараб)*, бу шаҳарда бойларга амри маъруф қилатургон мулла бор экан, Худога шукр. Ул жаноби ҳаққоний домуллони топиб зиёрат қилмоқ керак. Бой афанди, сизга малол келмасун, ушбу тўғридин мен ҳам сизга қачонлардур бир неча сўз айтмоқчи эдим. Ва аммо соати ушбу дақиқага мавқуф экан, энди сиздан илтимос қиламанки, бир неча дақиқа менга қулоқ берсангизки, илм нафи тўғрисида сўзлайин.

БОЙ (*ола-ола қараб*). Энди билдим, сиз ҳам ўғлуниги ўқут деб мани қисар экансиз, (*одамларга қараб*) бугун чап ёним ила турганман, ўйламагон ишлар олдимдан чиқар, мазмуни – қордан қутулиб, ёғмурга учраймиз. Хайрулло! Чилим келтур! (*Тарафайн сукут, чилим келар. Бой чекар, йўталар.*)

БОЙ. Хайрулло!

ХАЙРУЛЛО. Лаббай, тақсир!

БОЙ. Жойимни ташла, уйқум келди (*ҳамяза тортар*), эртага иш кўп, вақтлик ётмоқ керак. (*Яна ҳамяза.*)

ЗИЁЛИ (*жиддият ила*). Бой афанди! Мен сизга дедимки, миллатга кераклик илмлар тўғрисида сўзламоқчиман, аммо сиз мени(нг) сўзимни эшитмоқга хоҳламайтургонга ўхшайсиз. Иккинчи дафъа айтаманки, қулоқ беринг ва бу сўзлар сизни(нг) ва миллатни(нг) нафидур.

БОЙ. Сўзингизни жабр ва зўр ила эшиттирасизми? Ва ё мани азоб бермакками келдингиз?

ЗИЁЛИ. Йўқ, мен асли бошқа иш учун келиб эдим ва лекин илм баҳсининг устидан чиқиб қолдим. Ушбу сабабли муддаони табдил қилиб, илм тўғрисида сизга баён қилмоқни қасд этдим. Шоядки, жанобингиздек бойлар миллат болаларини ўқутмоқга саъй қилсалар.

БОЙ (*халққа қараб*). Кошки, домулло ҳикоятини айтмаса эдим. Хўб, модомики, қўймайсиз, эртароқ сўйлаб тамом қилинг, уйқум келган (*ҳомуза тортади*), одамлар боласини ўқут дейдур-а.

ЗИЁЛИ. Ҳозир янги ва бошқа бир замондир. Бу замонга илм ва ҳунарсиз халқнинг бойлиги, ери ва асбоби кундан-кун қўлдан кетгандек, ахлоқ ва обрўйи ҳам қўлдан чиқар, ҳатто дини ҳам заиф бўлур. Бунинг учун биз – мусулмонларни ўқутмоқга саъй қилмоғимиз лозимдур, ваҳоланки, дини шарифимиз ҳар нав нафлик илм ўқумоқни бешиқдан мазоргача бизларга фарз қилгандир. Бу ҳукм – ҳукми шариятдир. Биз – мусулмонларга алалхусус. Бу замонда икки синф уламо керакдур: бири олими диний, дигари олими замоний. Олими диний: имом, хатиб, мударрис, муаллим, қози, муфти бўлуб, халойиқни диний ва ахлоқий ва руҳоний ишларини бошқарар, бу синфга киратургон талабалар, аввало, Туркистонда ва Бухорода илмий, диний ва бироз русча ўқуб, сўнгра Макка, Мадина, Миср ва Истанбулга бориб, улуми динияни хатм қилсалар керак ёки комил мулло бўлсунлар, (*бой мудрайдур*) англадингизми, бой?

БОЙ (*бошини кўтариб*). Ҳа, ҳа, айта беринг, қулоғим сизга.

ЗИЁЛИ. Олими замоний бўлмоқ учун болаларни, аввало, мусулмоний хат ва саводини чиқаруб, зарурияти диния ва ўз миллатимиз тилини билатургондан сўнгра ҳукуматимизни(нг) низоми мактабларига бермоқ керакдур, яъни гимназия ва шаҳар мактабларини ўқуб тамом қилгонларидан сўнг Петербург, Масков дорулфунунларига юбориб, докторлик, зақўнчилик, инженерлик, судьялик, илми санъат, илми иқтисод, илми ҳикмат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқутмоқ лозимдир. Русия ватанина ва давлатина билфеъл шерик бўлмоқ керакдир ва давлат мансабларига кирмоқ лозим, токи маишати эҳтиёжи замонамиз тўғрисида ватан ва миллати исломга хизмат қилинса ва ҳам давлати Русия подшоҳлик мансабларига кириб, мусулмонларга наф еткурулса ва ҳам давлати Русияга шерик бўлунса, ҳаттоки шул тариқа ўқутон мусулмон болаларини Фарангистон, Америка ва Истанбул дорулфунунларига тарбия учун юбормоқ керакдур. Ҳазрат пайғамбаримиз: «Илм Чинда ҳам бўлса, талаб қилингиз», – демадиларми? (*Бой уйқуда*) Бул ишлар бўлмас, магар пул ила, сиздек катта бойларни ҳиммати ила, чунончи, Кафказ, Оренбург ва Қозон мусулмонларини бой ва аҳли ғайрати илм йўлига кўп пуллар сарф этарлар ва камбағал болаларини ўқутдирарлар, (*бойга қараб*) албатта сўзларимга тушунгансиз, жаноби бой. Бой бова, ҳой!

БОЙ (*мудрайди, бош кўтариб эснаб*). Ҳа, ҳа...

ЗИЁЛИ. Ал-он биз – Туркистон халқига бир ёмон одат борки, бир киши русча ўқуб, подшоҳлик ишига кириб, расмий формасида юрса, масхара қиладурлар, агар извошчиклик ва ё қора меҳнаткаш бўлуб, овруполиларнинг эски либосини кийса ва ўйинчиларнинг либосини кийса, ҳеч ким бир нима демайдурки, бу камоли нодонлик ва дунёдан хабарсизликдир. Шундай эмасми, бой амаки?

БОЙ (*ўлтуриш еридан бир тарафга оғиб ётиб*). Хур, хур, хурра, хурра, хурра...

ЗИЁЛИ. Илоҳи, Худоё! Уммати исломияга, хусусан, биз – туркистонлиларга раҳминг келсун!.. (*Рўмоли ила кўз ёшини артиб чиқиб кетар.*)

Парда инар.

Иккинчи парда

Пивахона манзараси: бойвачча ила уч нафар ўлтурарлар.

ТАНГРИҚУЛ. Бу оқшом билмайман, нима учун ичкилик мени тишламайду. Намози дигардан бери бир дюжина шишани бўшатдим. Даюсни пивоси қулогимни қизитмади. Тўлдир, ичайлик. *(Нор қадаҳларни тўлдирар.)*

ҲАММАСИ. Тошмурод бойваччани саломатлигига, ура! Ура. *(Ичарлар.)*

ДАВЛАТ. Жўралар. Майни ичдим, энди ёдимга Лизажон тушди. О, Лизажон!

ҲАММАСИ. Оҳ, Лизажон, вой, Лизажон, қайдасан?

НОР. Золим фалак фироқиға куйдирди мани; биллоҳки, кел-маса, бўлмайди.

ДАВЛАТ. Бу доду бедод ила ҳеч нима бўлмас. Хўжайинни қақирамиз, «отам ўлди» базми қилармиз.

НОР. Қўлингни бер, эй номард, топдинг. *(Қўлини сиқар.)* Бўлди.

ДАВЛАТ. Эй гўтабурут Тангриқул. Даминг чиқмайду. Шунча одам сўзини ўғирлаб ўлтурасан. Эрга навбат, шерга навбат. Гап бериб ўлтур. Ё бу одамларни писанд қилмайсанми? Бизларни ҳам ёнимизда беш тангалик ақчамиз бор. Жўра! Бу мастлик ростликдир. Қовоғингни очиб ўлтур.

ТАНГРИҚУЛ. Жўралар. Сизлардан яширатурғон сўзимиз йўқ. Тўғрисини десам, майни ичдим, қулогим қизиган, сен Лиза дединг, энди ўзим шунда бўлсам-да, ҳушим Лизаға, то Лизани келтурмасанг, мани гапиртуролмайсан. Аммо гап келтурганингга, Давлат зўр!

ДАВЛАТ. Ғам ема, муддаонг Лиза бўлса, шул замон ёнингга кўрарсан, келмасами? Бошини оларман.

НОР. Бойвачча! Баришнага тобингиз борми?

ТОШМУРОД. Майли, одам юборинглар, базм қизисун.

ТАНГРИҚУЛ. Гап, гап ила вақтни ўтқарарсизлар, буюратурғон бўлсанглар буюринглар, эртароқ келсун, кайф қилайлук. *(Давлат қўнгироқ чалар, Артун армани майхоначи кирар.)*

АРТУН. Нима дейсан?

ДАВЛАТ. Лизаға бировни юбор, келсун.

АРТУН. Бурда?

ДАВЛАТ. Ҳа, мунда келтурмасдан мазоргами кетурардинг?

АРТУН. Извинит, сурушдим-да.

ДАВЛАТ. Бўл. Бўл. Бировни юбор.

АРТУН. Баҳ, не вор, билурсин, Лиза банга демишки, ўн беш манатсиз банга киши гўндарма. Ҳа, ўн беш манат-да ва файтун пулини-да вер, гейин Николайи гўндирайим. Лиза ўлмаса, бошқасини гетирсин, кайфини чек?

ДАВЛАТ. Аввал келтуруб, сўнгра пулни олсанг бўлмасми?

АРТУН. Давлат зўр! Бан сана демишамки, Лизапрут ақча олмайинча гелмаз, бана не? Сен ўзинг билирсанки, у гавур қизи, баним дегил. *(Мастлар бир-бирларига ҳайрон қарарлар, киссаларига қўл соладирлар.)*

ТАНГРИҚУЛ. Артув, бироз тўхта, пул берамиз.

АРТУН. Бош устина, ҳозирам. *(Чиқар. Жўралари кайфи учуб, сукут этарлар.)*

ДАВЛАТ. Суз, ичайлик. *(Нор сузиб қуяр.)*

ТАНГРИҚУЛ. Пулни пешаки талаб қилгани ишни белини синдурди.

ДАВЛАТ. Иш аксига олса, шундай бўлур. Пулларинг борми? Ҳаммаларинг чиқаринг. *(Ҳаммаси чиқаради, Давлат санар, беш сўмга етмас.)* Бу минан ҳеч нима бўлмас. Бир иложини топмоқ керак.

НОР *(тамасхур ила)*. Эй бойвачча, бизлар-ку камбағал. Сизга нима, киссангиздан пул чиқмайдур. Ана бойваччанинг ҳоли. *(Кўли ила кўрсатур.)*

ДАВЛАТ. Парво қилма, Нор. Мен бир нимарса ўйладим, агар бойвачча кўнса.

ТАНГРИҚУЛ. Нима экан? Нима?

ДАВЛАТ. Тўхта, нима эканлигини биларсан. Аввал бойваччани(нг) саломатлигига ичайлик. *(Тангриқул сузар, ичарлар бойваччанинг саломатлигига.)*

ДАВЛАТ. Бойвачча. Бу кечадек чаҳоршанба сайри ойда-йилда бир бўлур йўқ, бир кеча минг кеча бўлмас, агар қабул қилсангиз, Тангриқулни сизга қўшарман. Бирга бориб отангиз сандуғини кўрсатурсиз. Бошқа ишни Тангриқул бажарадур.

ТОШМУРОД. Тангриқул ака, борасизми?

ТАНГРИҚУЛ. Улфатлар буюрса, у дунёга бораман. У-ку сизнинг ҳовлингиз.

ДАВЛАТ. Сен нима дерсан, Нор?

НОР. Мен ҳам кўпни(нг) бири, бор десанг, борарман.

ДАВЛАТ. Йўқ, икков бас. Кўрганлар бадгумон бўлмасин. Бу-
кунни эртаси бор.

НОР. Бойвачча! Отангиз сандиғини(нг) жойини биласизми?

ТОШМУРОД. Отамнинг ётатурғон уйинда.

ДАВЛАТ. Ётатурғон уйни неча эшиги бор?

ТОШМУРОД. Уч.

ДАВЛАТ. Қайси эшикдан кирарсизлар?

ТОШМУРОД. Эшикнинг бири онамнинг уйиндан очилур, мен
кириб ҳовли тарафидаги эшикни очарман, сўнгра Тангриқул
акам кирар.

ДАВЛАТ. Баракалла! Илгари ҳам ўғирлик қилганга ўхшай-
сиз. Нор! Тўлдур, ичайлик! (*Нор тўлдурар, ичарлар. Тангриқул
ва Тошмуродга қараб*) Энди борадургансизлар.

ТАНГРИҚУЛ. Албатта, бормаи нима бўлубдур. (*Давлат
тўлпончасини бойваччага берар. Нор этик соғидан пичоқни
олиб Тангриқулга берар. Алар эҳтиёт қилиб турарлар.*)

ДАВЛАТ (*иккисига қараб*). Йўл бўлсин, ботирлар!

ТАНГРИҚУЛ. Олгани. (*Давлат Тангриқулни бир четга
олиб ишорат ва хуфия маълумот ва амр берар.*)

НОР. Омин, Оллоҳ... (*Ҳаммаси*) Оллоҳу акбар. (*Давлат фотиҳа
берар. Тангриқул ва Тошмурод чиқар. Давлат ва Нор ичар ва ўқур.*)

Парда инар.

У ч и н ч и п а р д а

Одат бўйича бой ётар, каравот устида уйқуда, уйнинг бир
тарафида сандуқ. Тошмурод бир эшикдан оҳисталик ила ки-
рар, бу тараф-у тарафга қараб, бошқа бир эшикни очар ва бир
четда турар. Тангриқул кирар, қўлида калид ва темир асбоб,
белида пичоқ, сандиқ тарафига бориб калид солар, сандуқ
очилмас. Тошмуродга қарайдур. Ишорат ва маслаҳат сўрай-
дур. Тошмурод сандуқни темир асбоб ила синдирмоқга амр бе-
рар. Тангриқул темир асбоб ила сандуқни синдираар. Сандуқ-
нинг овози ила бой уйғонур. Бой чўчиб турар, калтакни олиб
вой-вой деб Тангриқулга югурар. Тошмурод калтакни келиб
ушлар. Тангриқул пичоқ ила бойни қўлтиғига урар.

БОЙ (*тарақлаб йиқилар.*) Воҳ, жоним. (*Жон узар, тилпирлар, хириллар. Тангриқул сандуқдан танга халтасини кўтарар, пичоқ ва темир асбобни ўзига беркитар, ташқаридан бир неча одам товуши эшитилур.*)

ОДАМЛАР. Нима гап, биров дод деди. (*Бир неча эркак ила бой хотуни кирарлар, Тангриқул ила Тошмуродни кўрарлар.*)

ТАНГРИҚУЛ. Тошмурод, от! (*Тошмурод ҳавога тўппонча отар ва ҳозир кишиларга силоҳ кўрсатиб қочарлар.*)

БОЙВУЧЧА. Вой, зolim дастидан! Бу қандай кун эди, вой дод-эй! (*Чапак чалар, бой устига ўзини ташлар, юз ва сочи-ни юлар.*) Ҳе, жувонмарг Тошмурод! Қон қус! Кошки, чечакда кетсайдинг! Вой, падаркуш! Тошмурод! Вой, дод-эй!

ДОМУЛЛО (*кирар*). Онажон, сизга сабрдан бошқа чора йўқ. Бу бадбахтлик ва мусибатга сабаб жаҳолат ва нодонликдур, бемаънилик ва тарбиясизликдир. Уйингизни нодонлик бузди. Ўғлингизни беилмлик Сибирга юборади. Жонингиздан азиз фарзандингизни тарбиясизлик балоси сиздан умри айритадур. Болангизнинг отаси тарбия этмади, ўқутмади. Охири балога учради, ёмон рафиқлар йўлдан чиқардиларки, қурбони жаҳолат бўлдингиз.

БОЙВУЧЧА (*тўлғониб*). Ой, вой-вой болам! Вой бойим, оҳ, вой у-у-у!

ДОМУЛЛО. Бойингиз-да насиҳатга қулоқ солмади ва охири ушбу ёмон ҳодиса пайдо бўлди. Энди сизга, очиги, сабрдан бошқа илож йўқдир, онажон, Оллоҳ сизга сабр берсун.

БОЙВУЧЧА (*камоли бетоқатлик илан оҳ-вовайло этар*). Дод, вой болам! Вой бойим! Иккисидан ҳам айрилдим, эримни мазорга, боламини Сибирга юборарлар! Вой, вой, вой у-у-у!..

Парда янар.

Т ў р т и н ч и п а р д а

(*Иккинчининг айни, майхона*)

Нор, Давлат ичиб, ашула айтиб ўлтурар. Тангриқул ва Тошмурод писиб бориб кирар, тўппонча ва қонлик пичоқни бир четга яширар, ҳамённи чиқариб стол устига отар, ўлтирарлар.

ТАНГРИҚУЛ. Чилим кетур, эй! (Артун чилим келтурар, чекарлар, Артун кетар. Тангриқул Давлатни бир тарафга олиб хуфия бўлган ишларни сўйлар, ишоратлар қилар. Давлат «бекор-э» деб хуфия сўйлаб, ишорат ила хотиржам қиладур.)

ДАВЛАТ (хамённи очиб кўриб суюнар. Тангриқул ва Тошмуродни елкасига қоқар.) Баракалла, баракалла. (Давлат занг чалар, Артун кирар.)

АРТУН. На буюрарсиз?

ДАВЛАТ. Ма, пулни ол, тезлик илан Лизани келтур!

АРТУН. Бош устига. Ҳозир келур. (Пулни олар, ичарлар, Лиза кирар.)

ЛИЗА. Добрый вечрим! (Ҳаммаси ила кўришар.)

ДАВЛАТ. Исприздим, испасиба, испасиба, приехал...

ЛИЗА. Мерси. (Ўлтурар.)

ДАВЛАТ. Суз Лизанинг саломатлигига.

НОР (сузар, чўқиштириб). Лизанинг саломатлигига, ура, ура. (Ичарлар.)

(Давлат, Нор ашула ўқур, ташқаридан ҳуштак садоси келар, оёқ товушлари эшитилар. Мажлисдагилар саросима, ҳайрон бўлар. Силоҳлик полицейскийлар, пристуф, қоровуллар бостириб кирарлар. Лиза қочар.

Полиция тўрт нафарни ушлар, баъзиси мужримларни ва ҳар тарафни ахтарур, қонлик пичоқ ва тўппончаларни топар. Тўппончани пристуфга топширар. Искаб кўрар, ўқини бўшатар.

Тангриқул ва Тошмурод қочар, қоровуллар ушлар.

Тошмурод хўнгир-хўнгир йиглар, бетоқат бўлур.

Пристуф ишорат қилур. Қўлкишани келтириб Тангриқул ва Тошмуродга урарлар. Бошқа иккисининг қўли боғланур. Пристуф гуноҳкор ва қоровулларни саф қилдиур.)

ЗИЁЛИ (Кирар, гуноҳкорларга қараб афсус қилур. Одамларга қараб). Илм ва тарбиясиз болаларни(нг) оқибати шулдир. Агарда буларни отаси ўқутса эди, бу жиноят ва падаркушлик алардан содир бўлмас ва булар ичкиликни бўйла ичмасдан, хун бегайри ҳаққин қилмас эди. Умри борича Сибир ва бандга ва қиёматга жаҳаннамга қолмас эди. Агарда булар ичкилик ичмаса эди, дунё ва охиратда алалабад азоб ва меҳнатда қолмас эди. Оҳ, ҳақиқатда бойни ўлдирган беилмлиқдур. Бизларни хонавайрон, бачагирён

ва беватан ва банди қилгон тарбиясизлик ва жаҳолатдур: беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақру зарурат ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликнинг меваси натижасидур. Дунёга тараққий қилган халқ илм воситаси ила тараққий қилади. Асир ва забун бўлганлар-да беилмлиқдан. Модомики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўқутмаймиз, бул тариқа ёмон ҳодисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо ҳукмфармо бўлса керак. Бу ишларни йўқ бўлмоғига ўқумоқ ва ўқутмоқдан бошқа илож йўқдур. Оллоҳу таоло бошқаларга ҳамиша ибрат ва сизларга сабр бергай.

ПРИСТУФ (амрона). Ҳайда, турма, марш. (Йўналадур.)

Парда инар.

ОҚ ЕЛПОҒИЧЛИ ЧИНЛИ ХОТУН

Сунғий мамлакати аҳолисидан Чунғичин ном зот бир адиб бор эди. Бу олами фанога инонмас ва ҳар замон андин пиროвоз ва риҳлат этмоққа толиблик қўлидин келмас эди. Они(нг) учун, жонини овунтирмоқ учун хаёлилар фикр ва бефикрға хотур эткувчи ишларға ружуъ этмоқ-ла ўзига тасалли берарди. Вафотидан сўнгра дунёни некбахт ва мақсудларидан ҳисобланади.

Чунғичин Хитой музофотларидан биринда номи Ҳаво тоғининг этакларинда кезар экан, бирдан ўзини бир мозорда кўрди. Оқ, мозористон – минг-минг номунтазам тепачалар садо ва нидодин холи махсус замини маъволар. У тепалар остинда чор ва ночор инсон(лар) ётарлар эди. Уфқи жаҳид сари тамоман муштағил қабрларни кўрар-кўрмаз сайёҳ шу фикрға ботди. Афсус, бутун тириклик ҳаёт йўлини охири келиб етган жойи будур. Бу иқоматта мавт ва манзилга хомушона бир карра кирилдими, яна қайтмоқ йўқ. Боқ, хотиман ҳаёт на ўлди? Чин аҳли фақат бир тириклик билар. У ҳаётки шуълаи шамс ила мунаввар, ҳавои соф ила иҳотадур. Чин файласуфи бу фикрларға сирона қабрға-да юрар экан, либоси мотам киймиш ёш бир хотунға рост келди. Бу хотун янғидан тепаланган бир қабр каворинда ўлтируб қўлинда елпоғичи лукурни елпиюр ва доимий елпиюр.

Бу қадар ажиб бир ҳаракат сабабини англамоқ шавқина тугуб сайёҳ ёш бонуға адаб-ла салом берди.

– Хоним, о, бу мозорға ётган кимдур, на учун шу туфроқни мутасил елпимақ заҳматиға гирифторсиз, сўрамоғим мумкинми?

– Мани файласуфим, ҳар иш сабабини билмоқчи, аммо сизнинг бу амалингиз асло ихота тафаккуримға кирмайдур, – деди. Бечора хотун елпоғични елпимоқда муттасилан қатъи давом этарди. Хотун қизарди, бўзарди, бошини олдингта энгди. Файласуф беҳуда ерға савол такрор айтти. Мотамкаш хотундан жавоб эшитмади ва асло қулоқ бермай, жонининг бор қуввати-ла елпоғични ҳаракатта келтируб турар эди.

Чунғичин у маҳалдин мутаассифона айрилди. Хотуннинг иллат ва сабаб ҳаракатини билмай, орзусидан ҳамда шиддатлик орзусидан ўзини сахлаб билмоқ эди. Шабпарақ қаноти каби мутавалли ҳаракатланиб турмиш елпоғичга ҳар замон энг чуқур ва мутаҳаййирона бир фикр ила боқиб, бечора файласуф асло шай англамакор эди. Аснои таҳайюр муқобилинда бир ожиза чиқиб файласуфни бир қабр канорина имлаб шу сўзларни сўйлади: «Эшитдимки, хонимдин савол сўрдингиз, аммо жавоб ололмадингиз. Ман орзуингизни дафъ этарман. Аммо муқобили умид айларманки, сиз ҳам манга бир неча пул берсангизки, бориб умрумни узун бўлиши учун дуохонлардин бир тумори сеҳрангиз олайин». Чунғичин киссасидин ақча чиқарди ва аъжуза хотун ҳам бу можарони сўйлади:

«Қабр каноринда кўрганингиз шу хотун Лу исмлиқ хонимдур. Узун бир беморликдин ўлмиш Тоъу номинда бир адибни беваси ва у қабр ўлган эрининг қабридур. Эр ва хотун яки дигарини шиддатлик бир ишқ ва муҳаббат ила севарларди. Ҳатто охирги нафасинда Тоъу хотунидан айрилмоқ кулфатидин шикоят этар, гўзал бу хотунини ҳануз баҳор ҳаёт ва ҳуснини ситоратлик замонда ташлаб кетмоқ дарди фикриға сўзан урарди. Лекин, на чора, муқтасеъ қадарга тобе бўлди, бошқа илож йўқ.

Беморлик ҳолида Лу хоним хаста Тоъунинг бошидин ҳеч айрилмас, эридин сўнгра дунёга тирик қолмасликни ва болиқ ҳаётға иштирокидек қарорға, мамотға ҳам шерик бўлушни аҳд ила баён айлади. Лекин Тоъу мунга жавобан: «Зинҳор, хоним, бўйла аҳд ва ямин айтмангиз», – дер эди.

Хотун: «Агарда сиздин сўнгра шериклик балосиға гирифтор бўлуб, кўзларингиз юмулганидан сўнгра шу зиён офтобни кўр-

моқға мажбур бўлсам, яхши билингки, бошқа бировнинг хотини бўлмақға асло рўйи ризо кўрсатмайман», – деб жавобини берди.

Тоъу: «Хоним бону, зинҳор бу фикрдан воз кечинг», – дерди.

Тоъу хоним: «Эй Тоъу, қўйингиз, асрор этмангиз, бори беш санагача уйланмасликға аҳд этайин».

Лекин бу сафар дея Тоъу: «Бону, бундай аҳд этманг, фақат мозорим устидаки туфроқ қуригунга қадар мани унутмасликка аҳд этсангиз кифоя...»

Лу хоним мунн учун маҳкам аҳд этди. Тоъу иккинчи очмаслик кўзин юмди. Бону кадаридин девона каби бўлди. Хумор ва хитойи кўзларидин думуъ (кўз ёшлари) оташин пашқатор жорий, хумои (иситма касаллик) шадид маҳдумлари каби ўзини паш жиҳата этарди, бедард-бедаво.

Дунё одати узра ҳар шай кечар. Бу сели ғумум ва барои ҳужумда кечди-кетди. Оҳ-нолалар кечмас, фақат келмасун – Тоъунинг вафотидин уч кун сўнгра Лу хонимнинг кўзи бир маъқул сифатға кирди. Шўйлаки эрини шогирдларидин бир жувон (ёш йигит) таъзиятга келди. Қадрдон шогирдни оҳ ва оҳ ила қабул этди. Бу жувон ниҳоят музайян бир чеҳра соҳиби эди. Аснои муколамада бироз Тоъудин ва кўброқ бонудин баҳс этди. Беканинг латофати андомидин, гўзаллигидин ва зиёдаси-ла хушлаганидин баён этди. Хоним ҳам андин мамнун ва рози қолди. Жувон шогирд яна келишини ваъда ила видоъ этди.

Содиқ ул-ваъда Лу хоним у ваъдаларға интизоран, кўрганингиз, қабр устига келди. Кунларни елпоғич шамоли-ла эри қабрининг туфроғини қурутуб аҳд этмоқға вақф этар...»—

Кампир ҳикояни битирар-битирмас файласуфангиз шу фикрға ботди. Умр қисқа, ёшлик ширин, ёш хотун ва эрларни завқ ҳаволарға учирар. Ҳар ҳолда, Лу хоним солиҳа бир хотун эмишки, аҳдини поймол этмак истамаз.

Интиҳо

Эй қори, ҳикоянинг ҳосили мундин иборатдур. Адабиёти жадида мустақбала (келажак замон)мизга рақамидин ёдгори хайр илтифотиға етса, Хўжандий шоир муҳтарам Сайрий афандиға бир туҳфадур. Мутолаасиға танзил буюрсалар, шоядки, риштаи наз-

ма чекилса, бизу сиздин бир хотиран мустақбала қолурди. Бу даҳми шеър, билмам, қалбимдан чиқди. Муқаддам шоир эмас эдим:

*Бу олами ҳама ҳайҳот беҳуда,
Нақши зар об паймуда (омонат)...*

**1909 йил, далви девона, Самарқанд,
Маҳмудхўжа ибн Беҳбудхўжа
ТВГ. 1909 йил 5 февраль. №10**

БИР АЪМО БОЛАНИНГ ҲАСРАТИ

Эшитарманки: кун (офтоб) кўп гўзал... Наҳр бўйинда, сувнинг устида, узайиб осилган гулларнинг кўруниши кўп латиф эмиш... Нозик-нозик сайраган қушларнинг... ҳавойи қўш қанотларининг учушинда кўрилатургон нимарсалардан эмиш!.. Эшитарманки: кечалари кўк юзинда ёшурунган ёруқлар кўрунар эмиш... Мавж ва гирдобларидек ҳазин бўлган денгиз ичинда оқ чотирлик кемалар оқуб кетарлар эмиш!.. Эшитарманки: гулларнинг ранглари ислариндан, сулувлиқда яна зиёда эмиш. Даралар... Тоғлар... Майдонлар... Сувлар, бешалар, хусусан, тонг замонлари у қадар латиф... у қадар тотли эмишларки, бу қадар буюклик ва эҳтишомга қарши инсон ҳайратиндан саждага кетармиш. Лекин ман! На ул гулдурани эшитилатурган денгизни... на у ранглик гулларни... на кўк юзини... на кунни... на бешаларни... на у яхши меваларни... на қушларни... на ойдинликни... кўролмаслигимдан таассуф этмайман. Хайр, Оллоҳим! Хайр! Шу фоний оламнинг яхшилигиндан ҳеч бирини орзу этмайман, магар... Ҳайҳот!.. Онажонимни кўрсайдим!

Муҳаррири: француз қизи Соррун.

Мутаржим: Рижоизода марҳум Маҳмуд Акрам.

Усмонличадан табдил этгани: Маҳмудхўжа.

«Ойна». 1914 йил 26 апрель

Ушбу вақтдин 1500 йил муқаддам Шом вилоятида денгиз лабида Искалун ва ёки Жура номлиқ бир катта шаҳар бор экан. Мазкур шаҳарда бир катта савдогар ва анинг хотуни бор экан ва ўшал савдогарнинг ёши 35 ёшда ва хотуни 24 ёшда экан. Мазкур хотунни эри кемага ўлтуруб олис шаҳарларга сайёҳлик ва савдогарлик қилар экан ва ул савдогар ниҳоятда юраклик ва далер экан ва анинг хотуни ниҳоятда чиройлик ва мулойим хулқлик бўлуб, анинг эри бирлан ошно бўлган одамлар ҳеч бир вақт андин ёмон иш кўрмай ва ёмон сўз эшитмабдурлар ва тамоми шаҳар фуқаролари мазкур эр-хотунни дўстлик тутуб, аларни эъзоз қилиб, хусусан, мазкур хотун хусусида айтар эканларким, бул тариқа чиройлик ва мулойим кўнгуллик хотуннинг эри албатта саодатманд ва сарафроз бўлса керак деб. Мазкур хотуннинг отаси уламо бўлуб, ўз қизига ҳар хил илмларни ўргаткон экан ва яна ул хотун уй рўзгорига саранжомлик бўлуб, ўз ишларини қилмоққа яхши саъй ва тараддуд айлар экан ва мундин бошқа ул хотун хушовоз ва фаросатлик бўлуб, бир нағма илан яхши наво қилмоққа ўз таъбидин таъби назм қилубдур. Ҳар ким мазкур савдогарга меҳмон бўлган вақтда анинг хотунининг муомаласини кўруб, таажжубга қолиб, ҳар хил истеҳсонни айтар эдилар.

Ул эр-хотун бир-бирлари бирлан дўстлик ва яхши робитада бўлиб турар экан. Эрининг ота-боболаридин бир катта ҳовли мерос қолиб ва ҳар хил мева ва дарахтлик яхши боғ ҳам бор экан. Ўшал боғни ичидаги дарахтларнинг соясида ишлардин форуғ бўлгандин кейин эр-хотун ўлтуруб истироҳат қилар эдилар ва алардин бир ўғул ва бир қиз фарзанд бўлуб ва алар бирлан эрининг онаси бева хотун ҳам истиқомат айлаб, мазкур икки фарзанди ўйнаган вақтда кампир аларни парвариш қилиб турар экан ва уй ичида ҳар хил қийматбаҳолик ва мунаққашлик асбоблар бўлуб, хусусан, хотуннинг ҳаракати илан тамоми иморат ниҳоятда тоза ва покиза ва чиройлик ҳолда турган экан.

Савдо учун ўшал бойнинг 15 адад катта кемаси бор эди ва мазкур кемалари бирлан ўшал бой сандал ва кофур ва жавзи ҳиндий

¹¹⁸ Усмонли туркчадан баёний таржима.

ва бўлак қимматбаҳо нимарсаларни олиб, ҳар хил катта шаҳарларга бориб сотиб, яхши фойда кўрар экан ва ҳам ўз бойлигини баланд даражага кўтармакка саъй қилар экан ва хотуни бир неча мартаба хафалик илан ўз эрига айтар эканким: «Худога шукр, бизнинг молимиз кўндур, ҳар хил ҳожатга кифоя қиладур ва нима сабабдин ул молни кўпайтирмоқни хоҳлайсан ва қаноат қилмайсан?» – деб. Лекин эри аччиғлаиб жавоб берар эканким: «Ман бўлак бойлардин каттароқ бой бўлуб, ўшал вақтда бечора одамларга хайр ва эҳсон қиламан», – деб. Хотуни ўз кўнглида хафа бўлуб ҳеч нима демабдур ва анинг эри ўтгуз адад кема тайёрлаб ва бўлак савдогарлардин насияга ҳар хил мол ва ажнос олиб денгизга тушуб жўнади, бир кунда денгизда катта шамол ва тўлқун бўлуб, йигирма-ўтгуз кемаси ғарқ бўлди ва қолгон бир кемаси бузулуб қолса ҳам олис жойга бормоққа ярамай қолиб, бул важҳдин мазкур бой ноилож ўз ватанига қайтганда ўшал шаҳарнинг яқинида бир қишлоқда ямон қароқчи одамлар бўлуб, кемаларда юрган одамларга қоронғу вақтда фонусни ёруғи илан катта тош тарафига йўл кўрсатар эди. Ўшал бой ҳам мазкур ёруғлик фонусни кўруб тўғри ул фонусни ёруғи тарафига борганда кемаси тошга урулуб кема ғарқ бўлуб, анинг ичидаги моллар кемадин дарбони устига қолгон вақтда мазкур қишлоқдаги ёмон қароқчилар кичкина қайиқларга ўлтуруб дарёга кетган молларни олиб кетдилар. Мазкур бой ва анинг одамлари сувга ғарқ бўлди. Лекин бой сувга ғарқ бўлса ҳам ўлмай, бир тахтани ушлаб дарёдин халос бўлса ҳам ўлган одамдек бўлуб ўз ҳовлисига хотунининг олдига борубдур.

Мазкур хотун ўз эрини шул тариқа аҳволотда кўруб ниҳоятда хафа бўлуб, ҳеч бир ёмон сўз айтмай, ўз бечора эрига кўнгул бериб, саломат қолмоғига саъй ва тарадуд қилибдур. Ва эри ўз хотунини кўруб йиғлаб хафалик илан айтибдур: «Сан манга дуруст ва рост маслаҳат айтган эдинг ва лекин ман ўшал маслаҳатни қабулга олмай кўб мол тобмоқни хоҳлаб, эмди барча молимдин айрилиб бечора бўлуб қолдим, алҳосил, биз гадоё қолатда қолиб бўлак камбағалларга ёрдам беролмай ва ўзимизга даркорлик авқотни топармизмукин?» – деб.

Ва хотун юмшоқлик илан жавоб берди: «Хафа бўлманг ва йўқолгон молларни ёдга олманг, бизнинг қўл, кўз, оёқ бор ва са-

ломатдур, Худо хоҳласа, ўзимизга ва болаларимизга кераклик авқот ва либосни топармиз. Бизлардин бошқа қанча бўлак камбағал одам бордур», – деб.

Эрининг кўнгли кўтарилиб айттиким: «Сан дуруст айттинг ва лекин денгизга кетгон молларни ичида бўлак бойларнинг моллари кўб эди, ул бойларга анинг пулини қандай қилиб тўлайман, албатта, алар манга пулларини кечмаслар», – деб. Дарҳақиқат, ул бой тамом сиҳат бўлмасдин илгари пулдорлар анга келиб мол ва пулларини талаб қилдилар ва, хусусан, ул бойни ҳақорат қилиб айтибдурларким: «Сан дуруст одам эмассан ва бизларни молларимизни сотиб пулни ёшуруб ва беркитиб бизларга йўқ сўзларни айтасан», – деб ва лекин ўшал бой ҳар қанча ўз тозалигини айтса ҳам, алар қабул қилмай айтибдурлар: «Биз санинг уйингда қолган ҳар хил уй рўзгорингни сотиб олурмиз», – деб ва бечора бой айтти: «Ман сизларнинг ихтиёрингизда, хоҳлаганингизни бажо келтурсангиз, ҳеч нима айтмайман», – деб. Ул вақтда мазкур пулдорлар ўз хизматкор ва қулларини чақириб мазкур бечорани уйдағи рўзгорини бозорга олиб борибдур ва ул бечорани хотун, бола-чақаларини уйдин чиқариб, дарвозага қулф солуб, калидини пул ундурғувчиға берибдурлар.

Ва мазкур пул ундурғувчи ул ҳовлини бир ўйинчиға сотиб пулни пулдорларга тақсим қилиб берибдур ва лекин ўшал ҳовлини пули тамом қарзга етмабдур. Пул важҳидин пул ундурғувчи пулдорларга айтибдур: «Сизлар манга рухсат берсангиз, ман ўшал бойни зиндонга солиб, қийнаб албатта ёшурун пулларини топшураман», – деб, пулдорлар хурсанд бўлуб рухсат бердилар. Ул вақтда пул ундурғувчи ҳоқимга бориб, ижозат олиб, мазкур бечорани зиндонга солди ва мазкур зиндон ичида ҳар хил ёмон ҳашорот кўб эди ва ҳар хил гуноҳкор ва қароқчилар ҳам бор эди. Ўшал зиндонга яқин фурсатда мазкур катта бой тушуб тўшак ўрниға чириган қамишни устида ётган ва анинг хотуни кўб йиғлаб, сабр қилиб, ўз болалариға кетибдур.

Маҳмудхўжа Беҳбудий
ТВГ. 1903 йил 15 октябрь. №40

Ўшал Искалун шаҳридаги зиндон худ шаҳр ўртасида катта бозор ичида ердин ковланган чуқур эди ва анинг уст тарафига тош қўюб ва тошни устига туфроқ солиб ердан андак баландроқ тепадек қилиб беркитган эди ва мазкур зиндонни устида ўшал шаҳардаги фуқаролар ҳар кун бозор қилиб юрар эди. Ва ўшал жойда қарз тўламагон одамларга ҳўкуз терисидин қилингон қайиш илан қийнаб катта жазо берар эдилар. Ва ўшал жойда нон ва сабзи, балиқ ва бўлак майда авқот сотадургон одамлар ҳар куни эшитар эдиларким, фалон-фалон қарздор одамни фалон пулдор одамларга шунча миқдор пул тўлаёлмаган(и) учун маҳбус қилингон деб ва ўшал бечораларнинг аҳволоти хусусида хоҳ дуруст ва хоҳ беҳуда ҳар хил сўзларни сўзлашур эдилар.

Мазкур зиндон ўзи катта бўлса ҳам, ёруғи ниҳоятда кам, зероки, ерни устида икки ададгина кичкина тешук бўлуб, ўшал тешукга темир панжара қилингон эди, бул важҳдан ўшал зиндон ичи ниҳоятда зах ва совуқ ва қоронғу ва ҳам ямон бадбўйлик эди. Нечукким офтоб шуъласи ўшал икки тешук ичиға озроқгина кириб ул бадбўйлигини тозаламас эди. Шундоқ бўлуб ўшал зиндонда ҳар хил одам, чунончи, ўғри ва қароқчи ва одам ўлдурганларни кишан илан банд қилинган эди. Баъзиларининг оёқларига катта кунда солиб ўшал одам ҳеч қимирлаб ҳаракат қилолмай ўлтурар экан ва баъзининг аъзоларига оғир занжир солиб ва ул одам ҳаракат қилгон вақтда бўлак одамнинг кўнглиға хафалик асорати тушар эди ва одам ўлдурган катта гуноҳкорнинг оёғи ва қўл ва бўйниға уч занжир бирлан банд қилиб зиндон ичида алоҳида гордек кавланган жойға солиб ва ҳам устунга боғлаб қўйилгон эди ва ўшал горни ичи қоронғулиқ эди.

Бул тариқа одамлар зиндонда ўлтурган вақтда зиндонда ичибеб ва ҳам қазои ҳожат қилар эдилар ва баъзиларини хотунлари келиб авқот бериб, ўзи эрлари бирлан ётиб, андин ҳома бўлиб ўз вақтида вазъи ҳамл қилар эдилар. Катта гуноҳкорлар бирлан ул зиндонга мазкур бечора қарздорларни ҳам солдилар ва биз баён қиладурган бечора синган бойни мазкур зиндонга солиб, анинг аҳволоти тилга олиб бўлмайдурган қийин бўлди. Нечукким ул ўзи катта бой бўлуб, яхши иморатда ва ҳар хил қимматбаҳо асбобларни илан яхши ва тоза ҳўрак ва пушак қилиб ва яхши одамлар бирлан суҳбатлашуб, эмди катта гуноҳкорлар, ҳаттоки одамни ноҳақ

қатл қилғувчилар бирлан биргалашиб туруб на тўшак ва на асбоб авқот топмай ва яхши суҳбатни ўрнига ҳар хил ранж тортган одамларни овозини ва ёки ёмон ва бадхулқ одамларни оғзидин чиққан ҳақорат сўзларни эшитиб ухламоққа ҳам тоқати бўлмай қолди. Хусусан, ўшал зиндоннинг паст қабатида бир катта қароқчи ва одам ўлдурғувчи одам бор эди. Ул одамдин ҳукуматдорлар ҳам доим қўрқуб ва ҳам қилган эдиларким, анинг шериклари зиндон остидин ковлаб ўз бошлуқларини зиндондин халос қилмаслик учун беш адад занжир илан, яъни икки қўл ва икки оёқ ва бўйнига занжир солиб банд қилгон эдилар ва анинг ёнида яна бир ғорни ичида бир мохов, жинни одамни банд қилиб ва ўшал ғорнинг девориға ҳеч ким қўл еткузмоққа ҳазар қилар эди.

Зиндонда ўлтурган гуноҳкорларга авқот учун баъзи хайрхоҳ одамлар садақа бериб ва агар бирор маҳбуснинг қариндоши бўлса, анга инониб зиндон бошлуғи ўшал бечораларга садақадин ҳам бермас эди.

Ва мунга ўхшаш пул тўламаган қарздорга ҳам ул зиндон бошлуғи авқот бермай айтар эканким: «Сизларни зиндонга солган одамлар авқот берсунлар», – деб ва лекин пулдорнинг вакили билкулли қаттиғкўнгул бўлуб жавоб берардиким: «Ул ёмон одам бўлак бойларни пулини ёшуруб, «ман синган» деб ёлгон айтадур ва яна анинг ёш ва чиройлик хотуни бор, ул хотун ўзи эриға кераклик авқотни топиб берсун», – деб.

Бул тариқа қаттиғ жавобни ул синган бойни бечора хотуни эшитиб, ўз эрини авқоти учун зиндонга кириб, эрини кўруб ва ул бечораға тасалли бермоққа хурсанд бўлса ҳам, худ авқотни қайдин топамиз деб ўйлаб кўб хафа бўлди. Нечукким эридин бошқа икки ёш фарзанди ва камшир қайнонаси бор эди. Шундоқ бўлса ҳам, Худодин умид қилиб сабр қилмоққа жазм қилди. Албатта, ул бечора эри бой вақтида ҳеч бир қийин иш қилмай ва ҳар хил чўри ва хизматкорлари ҳам кераклик ишни қилиб ва балки ул хотун тўшакдин турган вақтда юз ювмоққа сувни ва бошқа ўз азияматларини тайёрлаб бермоққа ҳозир турар эдилар. Ва ухлаган вақтда ўшал чўрилари ҳеч бир қаттиғ овоз қилмай, оҳисталик илан оёғини тобонини силаб уйғотар эди. Эмди онинг аҳволоти ниҳоятти бошқа ва қийинликда бўлди. Нечукким, ул бечора хотун ҳар хил яхши ҳунарни билиб ҳам ул ҳунарни ким учун қиладур.

Зероки, ҳар қаю бўлак бой хотун ул ҳунар учун ўз хизматкорлари бўладур ва лекин қийин иш ишламакка ул бечоранинг қуввати йўқ эди. Бул тариқа фаҳмлаб ва хафа бўлуб ул бечора хотун, аввало, шаҳарни ташқарисиға бориб, анда ҳеч кимга даркор эмас ташланди эски чодирни топиб, кампир бирлан икки болани қўюб, ўзи эриға тааллуқ ҳовлиға бориб кўрдиким, ўшал боғда бир ўюнчи чойхона қилиб, чой ичмоққа келган одамлар, хусусан, кеч вақтда ниҳоятда кўб бўлуб, аларнинг орасида боёнлар ҳам бўлар эдилар. Ул бечора чойхонанинг эгасини кўруб ўз аҳволотини айтган вақтда мазкур ўюнчи насиҳат берди: «Сан ўзинг чиройлик хотунсен ва нағмани яхши биласан ва, агар хоҳласанг, бул жойға кеч бўлганда келиб нағма қилсанг, ман ўзум ва истироҳат оладурган боёнлар ҳам санга инъом беродур, андин сан авқот топасан», – деядур. Бечора хотун аввалғи аҳволотини ёдга олиб фикр айлади: «Ким ўтган вақтда манум хурсандлигим учун нағмагар чўрилар ҳар хил нағма чалар эдилар ва эмди ман бечора номаълум ва бегона чойхонада ўлтурган одамларни хурсанд қилмоқ учун нечук нағма қиламан?» – деб; шундоқ фаҳмлаб ва ҳеч бир бўлак илож топмай ул бечора хотун ўз эриға ва кичик ёш болалариға ва ҳам кампирға тараҳҳум қилиб, ўзини аямай ул чойхона эгасининг маслаҳатини қабул қилди.

Ул маслаҳатни қабул қилиб бечора хотун кечқурун ўз эри бирлан турган ҳовлиға боруб ва анда мевалик ва хушбўй дарахтларнинг соясида ҳар хил бегона одамларни кўруб ва уялиб бир олисроқ жойда ўлтуруб яхши овоз бирлан ва баъзи маънолик абётни ўқуб нағма чалди. Ўшал одамларнинг орасида баъзи яхши ва баъзи ёмон одамлар бор экан ва лекин мазкур бечора хотун нағмасини ва овозини эшитиб ёмон эркаклар ҳам ҳеч бир ёмон ҳаракат қилмабдур ва бечора хотун қилгон хониш учун пул йиғиб, тонг отқунча нағма чалиб, офтоб ёруғи бирлан боғдин чиқиб, бозорга боруб, ўз болалариға ва эриға балиқни сотиб олиб, шўрпани пишируб, аввалан фарзандларини ва кампирни тўйғузиб, андин зиндонға эриға бориб анга таом бериб ва қучоғлашиб тасалли ва кўнгул берибдур. Ўшал авқот нон ва арзон балиқғина бўлса ҳам яхши кўнгул ва иштаҳа бирлан хўрак қилиб мазкур бечорани хурсанд қилубдур.

Бечора хотун ҳар кечаси илгариги ўзини уйиға бориб, андағи базмнинг бир тарафида хафалик илан ўлтуруб ўз кўнглидин чиқарган абётларни хониш қилиб, самтур деган нағма асбобни чалиб, ўшал жойға роҳат учун келган одамлар, хусусан, ғайр вилоятдин кемалар бирлан келган савдогарлар ўлтуруб эшитиб ва хурсанд бўлуб ул бечора хотунга ўз ҳол-қудратинча пул берибдурлар ва мазкура хотун пул олган вақтда ўз кўнглида кўп маломат илан фикр қилардиким: «Ман ўзум тоза ва инсофлик хотун, эмди бекор ва ишсиз ва маст одамлар учун хониш қилман», – деб ва баъзи вақтда ул хотун кўпроқ хафалик фикр айлайдурким: «Маст ва бекор одамлар, албатта, мани ёмон хотун қаторида ҳисоблайдурлар». Ва агар бирор одам анга ёмон ният этса, ул тинчлик ва оҳисталик ила жавоб берубдурким: «Ай хайр-хоҳ одам, ўзум айтадурган абётни ва нағма чолмоқниғина сизга сотаман ва бул икки ишдин бошқа ҳеч бўлак муҳаббатлик ишни қилмасликдин абёт ўқуб нағма чоламан ва манго ўзум, ўзумнинг икки фарзандим ва бечора эримни тўйғузмоқ лозим ва фарздур, сиз ҳам манга раҳм ва шафқат айлаб, манум кўб яхши абётларимни эшитиб, сиҳат ва саломат бўлғайсиз ва Худованди карим сизларни ва сизнинг ўз ватанингиз-ла қолган яқин қариндошларингиздин ҳар хил офат ва балосидин сақласун ва сизнинг завжа ва болаларингизга манга ўхшаш хафалик тушмасун», – деб.

Бул тариқа мулойимлик жавобни эшитиб мазкур ҳар хил одамлар агарчи маст бўлсалар ҳам уялиб, ул бечора хотунга ҳеч бир ёмон ният ва хаёлни этмайдурлар ва лекин мазкур боғдағи ўюнхонанинг эгаси кўб ёмон хулқлик одам бўлуб, мазкур жавобга рози бўлмай айтибдур: «Сан кўб чиройлик хотун бўлсанг ҳам, ақлинг кам, ўз фойдангни билмайсан, чунончи, бул вақтдағи кечалар қаронғу эмасму ва бул катта дарахтлар ҳеч сўзламайдир. Агар бирор эркак чақирса, нима учун анинг бирлан боғдин чиқиб денгиз лабида ирой жойға бормаيسان, ул жойда иковғина суҳбат қилишиб, сан ўз хафалигингдан бўлак хурсандлик ашулани қилмайсан ва андин кейин ул эркак санга майда пул ўрниға албатта тилло берса керак, сан мундай қилмасанг ўзинг пулсиз қоласан ва манга зарар этмайсан». «Начукким ўшал одамлар берган майда пулдин ман розиман ва кўпроқ пул манга даркор эмас. Зероки, манум фарзандим ва эримни авқотиға пуллар ҳам етадур», –

деб тезлик илан ўшал ёмон насиҳатни ўз кўнглидин чиқармоққа саъй қилуб кетти ва лекин ўшал ўюнчи норози бўлуб фикр айлабдурким: «Агар бул беақл хотуннинг ўрнига бўлак хонишлик хотун бўлса, кема бирлан келган ҳар хил бой одамлар кўпроқ эди ва манга кўпроқ фойда бўлар эди», – деб. Ўшал меҳмонларнинг баъзилари ўшал ўюнчига айтар экан: «Бул жойда хониш қиладурган хотун чиройлик бўлса ҳам, ўзи кўб хурсанд эмас ва бўлак денгиз лабидаги шаҳарларда қандай хотунлар бор, ҳеч эркакдин уялмас ва нима хоҳласанг ул хотун тайёрдур», – деб, ўшал ёмон ўюнчи мазкур ёмон сўзни ўшал бечора хотунга айтиб анинг кўнглига кўпроқ ишни солар эди. Шундоқ бўлса (ҳам) бечора хотун Худога таваккал қилиб сабр қилар эди.

Ул бечора хотун ҳар кунда бул тариқа илан ўз вақтини ўтқарибдур, чунончи, боғдин қайтиб бозордин сотиб олган авқотни пишируб болаларини тўйғузуб ва аларнинг либосларини бир йиртиғини тикиб ва тозалаб, ўзи қайнонасига кераклик ёрдамни бериб, қиём вақтида зиндонга бориб таом бериб ва тасалли айтиб кечғача анинг бирлан ўлтурубдур. Кеч вақтда зиндоннинг қаровули зиндон ичиға кириб ва қаттиғ овоз илан тамоми бўш одамларни тошқариға чиқоруб, зиндонда дарахт соясида ўлтуруб, кун чиқғунча хониш қилиб, меҳмонлардин йиғилган майда пулни олиб, ҳамёниға солиб, ул чодирига болаларини олдиға қайтибдур.

ТВГ. 1903 йил 12 ноябрь. №44

Баён бўлгон тариқада туруб бир неча ой мазкур бечора хотуннинг қувватлари кетиб ва анинг юзининг ҳусни сўлиб бошлади. Зероки, анинг хафалиги кўб зиёда бўлуб мазкур боғ ичинда ёриб тамоми кечаларда ҳар хил ақллик ва ақлсиз, инсофлик ва инсофсиз эркакларнинг кўнгилларини олмоқ учун нағма чолса ҳам, ул ишни ўзи хоҳиш илан яхши кўруб қилмайдур ва, билъакс, эркакларнинг талаблари кўпайиб, анинг қабул қилмаганидан аларнинг аччиғи келиб, ул боғнинг эгасига кўпроқ илтимос қилар эканларким: «Бул боғдин ушбу хотунни ҳайдаб юбориб, анинг ўрнига бошқа хотун келтурсангиз экан», – деб.

Ўшал вақтда мазкур зиндонда бир янги таажжуб воқеа бўлб-дур. Чунончи, ул зиндонда ётган катта қароқчи хусусида таҳқиқ ва ҳукм қилмоқ учун Дамашқ шаҳридин бир катта тўра ўшал шаҳарға келди. Мазкур тўраға подшоҳ буйруқ қилибдурким, сиз Исқулон шаҳриға бориб ул қароқчи хусусида таҳқиқ ва ҳукми-на эмас ва балки Исқулон шаҳрини бошлуғуға топшурулган ишларни қандай қарайдурганин кўруб ва фаҳмлаб манга хабар берасиз деб. Бул важҳдин мазкур тўра зиндонга бориб, анда ётган ҳар хил гуноҳкорларни кўруб, зиндон бошлуғи чироғ илан мазкур қароқчи юзини кўрсатган вақтда ул тўра кўп таажжуб қилбдур. Нечукким ул қароқчининг юзи ва кўзи ёввойи даррандага ўхшаш экан ва тўра кўруб беихтиёр баланд овоз билан айтган эканким: «Бул одамни юзини кўрмакка қандай табиат хоҳлайдур?» – деб. «Валлоҳи, ман умид қиламанким, бул тариқа қаттиғкўнгул одамни ман ҳеч кўрганим йўқ, хусусан, анинг кўзи ғилай ва қоши узун ва қабоғи солиғдур. Ман умид қиламанким, бул тариқа қаттиғкўнгул одамни йўқ қилиб ва оёғини ерга бостурмай қолдуруб ва анинг ёмон жасадини ер ютмоққа кутуб ва шошиб турадур ва лекин ман ўзим бул катта ишни тезлик илан жойиға келтурмакка тарадуд қиламан», – дебдур.

Бул сўзни мазкур қароқчи эшитиб кўп аччиғланиб, беш адад занжир илан бойланган жойда сакраб ва ўшал занжирни шилдиратиб баланд овоз илан тўраға қараб айтти: «Сан мани бадбашара деб айтасан ва манум юзимни кўрмоқни хоҳламайсан ва лекин манум гумоним борки, сан мандин ёмон эмасмукин? Сан, эй ёмон одам, манга масхара қилмоқ санинг ишинг эмас, илгарироқ ва бўлак жойда сани кўрмаганимга кўб хафа бўлдим. Зероки, сан ул жойда ўз ихтиёрингда турубсан ва ман беш занжир билан боғлануб туруб, қўл илан ҳаракат қилмоққа қодир эмасман. Мундай бўлганда ман кўрар эдимки, санинг қонинг қизилму ва ёки қонингта либосинг қизил рангроқ бўлур эдимү ва эмди лаънат», – деб қичқируб ўз занжири бирлан деворга шул тариқа урунубдурким, тамоми бўлак гуноҳкорлар кўб қўрқуб, жойларида биқиниб турдилар ва зиндоннинг қоровули мазкур тўранинг йигитлари ўз қўлларида машғала тутуб, тезлик илан ул тўрани атрофида туруб ул қароқчи бадбашарани кўрмасун деб аларни ўртасиға туруб хайл бўлдилар. Ул йигитлар қўрқуб титраганидин қўлидағи машғаланинг

ёруғи юқорида зикр бўлинган синган бойнинг юзига тушти ва, хусусан, бечора хотун ўз эрини қучоғлаб беркитиб турган аҳволни тўра кўруб дафъатан ниҳоят даражада җайрон бўлди. Зероки, ул тўра чиройлик хотунни яхши кўруб ва кўнглида ёмон ниёт қилиб, ўз хизматкориға оҳиста айтти: «Санинг қўлингдаги ҳамённи очиб ул бечора хотунга садақа бергил», – деб. Ул хизматкор ҳамённи очиб тайёр бўлганда тўра мазкур хотунга ружу айлаб, ширин сўз илан оҳиста айтти: «Эй бечора чирогим, манга яқинроқ келиб тезлик илан манга жавоб берасан. Сан нима учун зиндонга тушдинг, манум умидим борким, санда ҳеч бир гуноҳ бўлмаса керак ва санинг бул зиндонга тушурган одам ўзи ҳам бул жойга тушмоққа мустаҳқидур», – деб. Ул бечора хотун айтти: «Эй тақсир, хато ўйлайсиз, манум гуноҳим йўқ, ман ўз бечора эримни кўнглини олмоқ учун мунда келдим», – деди. Ул вақтда тўра айтти: «Шундоқ бўлса ҳам, ман санга садақа бермайман», – деб ва бечора хотун айтти: «Нега садақа бермайсиз ва агар манга бермасангиз, бул манум бечора эримга ва шаҳар атрофидаги чодирда ётган икки оч бола ва оч кампир учун садақа бермайсизму?» – деб. Ул тўра мазкур хотун юзига яна қараб ўз кўнглига тушган таъсирни билиб айтти: «Ўзинг мунда келиб ҳамёндин ўз қўлинг илан ҳар қаю бола ва бошқалари учун йирикроқ пул оласан», – деб ва бечора хотун айтти: «Тақсир, ўз қўлум илан ҳамёндин пул олмоғим ярамайдур ва сиз ўзингиз саховат илан хизматкорингизга буюрасиз», – деб. Ул вақтда тўра ўз хизматкориға буюриб беш адад кумуш ақча олдируб хотунга берди ва яна сўради: «Сан нечук ёмон иш қилдинг?» Ва бечора хотун айтти: «Дуруст айтаман, ҳеч бир законға муҳолиф иш қилмадим». Тўра айтти: «Шундоқ бўлса, нима сабабдин сан беихтиёр бўлуб, бул ёмон ва хавфлик зиндонда турасан?» «Йўқ, тақсир, ман банди эмасман ва ўз ихтиёрим бирлан мунда келиб кетаман ва агар сиз мани зиндон ичида кўрдингиз, сабаб шулки, маним эрим катта бой эди, эмди синди ва қарзларни тўлай олмоққа илож бўлмади ва ман ўз эримни парвариш қилиб, анинг кўнглини кўтармак учун ҳар кун келиб кечағача анинг бирлан зиндонда тураман». Тўра яна сўради: «Қаю вақтда эрингни озод қилмоқни хоҳлайсан?» Бечора хотун айтти: «Ул марғуб аҳволотта маним ҳеч умидим йўқ, зероки, ман анинг авқоти учунгина баъзи ишни қилиб, ҳар куни келиб, Худодин умид тутмоққа ва сабр

қилмоққа сағй қиламан», – деди ва тұра айтти: «Сан ўзинг учун бироз фойдаликроқ ишни қилмоққа қодирсан», – деб. «Эй тақсир, марҳамат қилиб мани эримни озод қилмоқ учун нима иш керак манга, маслаҳат берасиз. Сиз берган маслаҳатни бажо келтурмакка манум хоҳишим ва тоқатим битубдур». Ул тұра айтти: «Сенинг ихтиёрингдадур». Хотун айтти: «Манга азоб бермай тезлик илан айтинг, агар манум эрим ва болаларимни хурсанд қилмоқ учун жонимни бермак керак бўлса, аямайман», – деди. Тўра айтти: «Йўқ, бул эмас». Хотун айтти: «Нима керак, мани азобга қўйманг, дафъатан айтинг». Тўра сўради: «Санинг эрингни қарзлари кўбму?» – деб. Бечора хотунга кўзи бирлан ширин муомала қилди. Хотун айтти: «Манум эримнинг қарзи кўбдур», – деб.

Мазкур тұра зиқна ва хасис экан, бул важдин катта бой бўлса ҳам ул хотунга қараб айтти: «Афсус бўламанким, санинг эрингинг қарзи ниҳоятда кўп экан», – деб. Ул хотундин ажралиб зиндон эшитига борганда бечора хотун аввалғидек хафалик ҳолда қолди.

ТВГ. 1903 йил 18 ноябрь. №45

Ул бечора синган бойнинг пулдорларини вакили ўзи кўб айёр бўлуб, ул бечорадин пул ундурмоқ учун ҳар хил ёмон хаёл ва андишаларни қилар экан. Мазкура хотун зиндонга борганини билиб ул вакил тўғри зиндонга борганда мазкур тұра ул синган бойнинг хотуни илан қилғон муомаласини кўруб, эшитиб, ўз кўнглида хурсанд бўлуб, бир ёмон хаёлни ўйлаб ўшал тұраға яқин келиб ва анинг қулогига оҳиста айтти: «Мазкур чиройлик хотуннинг эри кўб қарздор бўлса ҳам, лекин ул ишга ман вакил бўлуб, фаҳмлайманким, ул қарзнинг нисфини камайтурса бўладур ва ҳам сиз тақсир нима хоҳласангиз ул хоҳишингизга ёрдам бераман», – деб. Ўшал тұранинг юзиға қараб ўз кўзи бирлан бирор ҳийланинг ишоратини қилди. Бул сўзни эшитиб мазкур тұра таажжуб бўлиб, тўхтаб сўради: «Яна нима айтасан?» – деб. «Эй тақсир, ман сизга нима айтсам ҳам, ул сўз дуруст ва рост бўлса керак ва ҳам сизнинг бирлан сўзлашган бечора хотундин бошқа чиройлик ва мулойим хотун йўқдур, албатта, муни кўруб фаҳмлайсиз», – дебдур. Бул сўзни эшитиб, ул тұра баланд мартабалик бўлса ҳам ул сўзга

норози бўлмай ва ўшал вақтда ул хотуннинг чиройликин фаҳмлаб ва ёдиға олиб анинг тарафиға қайтиб қараб турубдур ва ҳийлагар вакил ул ҳолни кўруб, шармсиз бўлуб, янадин оҳисталик илан айттиким: «Сиз, тақсир, ниҳоятда чиройлик ва ошно бирор хотуннинг ёдға олиб қиёс қилиб фаҳмламайсизмиким, бўлак бул тариқада чиройлик хотун йўқдир, сиз яна мулоҳаза солиб кўринг: анинг юзи қандай ва тамом аъзоси қандай ва тишлари ва лаби қандайдур ва лекин ул бечора хафалик аҳволда турадур ва агар ул хафалиқдин халос бўлса ул вақтда бундан ҳам яхшироқ бўлса керак», – деб. Ул вақтда тўра сўради: «Анинг эрининг қарзидан неча ҳиссани кечасан?» – деб. Вакил айтти: «Санинг учун уч ҳиссадин бир ҳиссани кечмоққа аямайман ва агар хоҳласангиз, ман ул бечоранинг пулдорларидин илтимос қиламан, алар сизнинг учун яна бир ҳиссани кечсалар керак. Ўйламанг, вақтни ўткарманг, мани айтган ва ваъдамни бажо келтурмакка амр қилинг. Ўшал бечора хотун ҳам билсунким, анинг эрининг халослиғи ва анинг хурсандлиғи сиз тўрадиндур. Мундоқ фаҳмлаб ул бечора албатта сиздин кўб миннатдор бўлуб, сизни хурсанд қилса керак», – дебдур. Тўра айтти: «Хўш, санинг маслаҳатингни қабулға оламан, зероки, анинг хурсандлиғига ман ҳам хурсанд бўламан ва лекин ҳеч бир зулм ва тааддини хоҳламайман, бул ваҳҳдан сан бир тарафға бориб ул чиройлик хотунни манга чақириб берсанг, ман анинг бирлан бир неча калима сўзлашаман», – дебдур.

Бечора хотун мазкур тўранинг таклифини хизматкордин эшитиб, ўз жойидан туруб, тўрани олдиға бориб турди ва тўра табасум қилиб ва бир тилло бериб айтти: «Сан ниҳояти чиройлик хотун экансан, санинг чиройингни ҳар ким кўруб фаҳмласа керак ва ман сани кўруб кўнглимга кўб таъсир тушди. Агар сан манум хоҳишимни қабул қилсанг, ман кўб катта ионат бермакка қодирман. Бул тариқа бўлуб кўб, кўб илтимосим шулдурким, ушбу кун кечқурун ман ётатурган уйга келиб зртағача маним бирлан ётсанг, қанча пул сўрасанг ул пулни санга бераман», – деди. Бечора хотун бул ёмон сўзни эшитган вақтда уятдин анинг юзи қизариб ва кўб хафа бўлса ҳам ўз аҳволотини фаҳмлаб оҳисталик илан айтти: «Манга ҳеч нима керак эмас», – деб. Тўра ул жавобнинг маъносини фаҳмламай айтти: «Беш юз тилло бераман», – деб. Хотун айтти: «Сан манга тилло ваъда қилсанг ҳам, ул ваъдани қабулға олмайман».

Тўра айтти: «Икки минг тилло бераман», – деб. Хотун айтти: «Барибир ман санинг уйингга бормайман». Тўра анга қизиқиб янадин тезлик илан: «Беш минг тилло бераман», – деди. Хотун айтти: «Ўн минг тилло берсанг ҳам, хоҳламайман». Тўра яна кўпроқ қизиқиб айтти: «Йигирма минг тилло бераман», – деб. Ул вақтда бечора хотун кўзларини тубан қилиб хафалик ила айтти: «Эй тўра, бул тариқа савдо илан сан мани кўб масхара ва беҳуда ранжитасан, манум иззатлик эрим ёмон ҳодисага тушгандин сўнгра бул тариқа сўзни кўб-кўб эшитиб тинч бўлуб тураман, зероки, камбағал бечора одамларни бой ва қутлик одамлар кечурмакка лозимдур, лекин сан бой ва қутлик одам бўлсанг ҳам, ман ишқимни савдо қилмайман, манум ишқим ёлғуз ўз эримга тааллуқлидур ва бўлак ҳар қандай одам бўлсун, ул ишқимни бермайман», – деди. Ва тўра: «Хўш, ўз эрингга ишқингни маҳкам тутасан ва лекин манум кўнглумни қабулга олиб, андин сўнгра каффорат ва қурбонлиқ қилсанг, санга гуноҳ бўлмас, зероки, сан ўз муҳаббатлик эрингни озод қилмоқ учун шул тариқа иш қиласан», – деб. Ва лекин хотун айтти: «Тўра, сан айтган сўзларни маънисини яхши фаҳмлайсанму, йўқму, ман ўз заковатим билан манум эрим зиндонга тушган ваҳждин андин талоқ хат олмоққа қодирман. Агар хоҳласам, ман ани ташлайман ва бўлак эркакка тегмоққа манум ихтиёрим бор бўлса ҳам, ман ўз эримни ташламайман. Зероки, ул эрим бирлан қанча йил яхши аҳволотда туруб, эмди ул бечора синиб, зиндонга тушганда нечук ман ани ташласам ва ман яна қандай бўлак одам анга парвариш қиладур, ул иш яхши эмас ва ман шундоқ қилолмайман, шунинг учун сан манга садақа берган тиллони қайтиб ол, манум бир неча майда пулим бор, анга нон ва балиқни бозордин олиб бирор овқат қилмоқ учун кифоя қиладур», – деди.

ТВГ. 1903 йил 25 ноябрь. №46

Ва мазкур тўра бул тариқа ақллик ва оҳисталик жавобга кўб рози ва таажжуб бўлса ҳам, анинг ёмон нафси голиб бўлуб ва қизиқиб айтти: «Бул тиллони манга қайтариб берма ва бир тилло олиб мандин қарздор бўлдим деб ўйлама ва лекин уйингга бориб, анда ўйлаб ўз аҳволотингни билиб манга келарсан деган

умидим бор, сан маъқул қилсанг, ман тамом пулимни санга бераман ва сан ул пулни олиб эрингни пулдорларига бериб, ани озод қиласан, яна санга маслаҳат бераман, яхши ўйлаб кўруб, андин кейин манга жавоб берасан», – деди.

Бечора хотун айтти: «Сан, тўра, кўп саховатпеша одам экансан, манинг чиройлигимни шул тариқа баланд даражага кўтардингким, маним эримни озод қилмоқ учун ул баҳо дурустдур ва лекин ман санга бир жавоб айтаманким, ман санинг сўзларингни ўз эримга айтаман ва эрим нечук жавоб берса, ман мундоқ қиламан», – деди.

Бул жавобни тўра беақлик жавоб қаторида кўрди ва лекин юқорида зикр бўлгон ҳийлалик ва ёмон хулқлик вакил тўрага айтти: «Майли ва ихтиёри, эркакларнинг ақли бор, албатта, ўз чиройлик хотунига санга марғуб жавобни берса керак ва андин кейин хотун ўз ихтиёри бирлан сенинг уйингга келадур», – деб. Тўра бул сўзни эшитиб хафалик илан зиндондин чиқиб ўз турадурган жойига борди ва мазкур ҳийлалик вакил ул бечора синган ва чилбир ила бойланган одамга оҳисталик илан келуб тўранинг ваъдасини ширин сўз илан баён қилди.

Бечора маъбус синган бой ўз хотунига мазкур тўра айтган сўзларни эшитиб, ҳеч бир жавоб бермай кўб йиғлади ва эртаси хотуни анга келган вақтда қучоқлаб, йиғлаб вафо қилгон учун хотунига кўб миннатдорлик айтти ва хотун сўради: «Мазкур сўз хусусида сан начук ўйлайсан?» – деб. Эри: «Агар манга яна кўб йил бул ёмон зиндондин ортуқ ёмон жойда ўлтурмоққа тақдир бўлса ва агар ўшал жойда умримни охиригача ётиб, ҳеч бир вақт денгизни ва офтобни ва фарзандларимни кўрмасам ҳам, агар сан вафолик бўлуб, ёмон ва уят йўлга юрмасанг, ман тинчликда тураман ва лекин ихтиёр сандадур. Начук хоҳласанг ўзингдадур, аммо ман ўзум бул чуқур зиндонда умр ўтқариб вафот тобсам ҳам, манум озод қилмоқ учун ўз тозалигингни булғотма. Зероки, сани тозалигинг энг катта ҳусн ва латофатингдур ва ман ул тозалигингдин хурсанд бўлуб қувват топаман», – деб айтти. Бул тариқа жавобни эшитиб бечора хотун кўб хурсанд бўлубди. Зероки, хотун ҳам фикр айлаб ва ҳам кўб рози ва миннатдорман деб. Яна айтти: «Манинг сабримни зиёда қилдинг, эмди манум кўнглумдаги махфий хаёлимни санга айтаман. Чунончи, агар сан мазкур тўранинг таклифини қабул қилсанг, бўлак ёмон ниятлик одамлардин кўпроқ сан мани

ранжитиб хафа қилар эдинг ва ман бул уят аҳволотимни кўтармакка қодир эмас эдим». Эри сўради: «Шундоқ бўлса, сан нима иш қилар эдинг?» – деб. Хотун айтти: «Агар сан мани мазкур тўранинг уйига юборғудек бўлсанг, ман бориб, андин кўб пул олиб, санинг қарзларингни тўлаб ва сани халос қилиб, ўзим санинг ёнингга келмай денгизга бориб ўзумни сувга ташлар эдим», – деб. «Албатта, ман ҳам шундоқ ўйладим», – деб эри жавоб айтти ва хотун яна айтти: «Сан манум кўнглум ва жасадимни тоза аҳволда сақлаганинг учун ман кўб миннатдорман ва эмди ўз фарзандларимиз бирлан турмоққа қодирдурман», – деди.

Бул тариқа сўзлашиб ўлтуриб ул бечора эр-хотун ўз афсусликларини фаромуш айлаб, дафъатан янги ва қайта саодатмандлик бўлган одамларга ўхшабдурлар ва аларнинг яқинида юқорида зикр бўлгон катта қароқчи ва бўлак ўғрилар ул бечораларнинг сўзларини эшитиб, баъзилари ўзларининг ёмон хулқиға қарағанда мазкур бечораларни тоза хулқлариға кулуб масхара қилдилар ва лекин катта қароқчи ҳеч сўз айтмай ўз фикрини кўнглида сақлади ва қарз сўрайдурган вакил бул аҳволотни билиб аччиғи келиб, мазкур бечора хотунға ҳар хил зулм ва таадди қила бошлади. Чунончи, ул бечора кечқурун ўюн қиладурган боққа борган вақтда ул вакил хотун олдиға бориб оҳисталик илан айтти: «Эй беақл хотун, нега сан тўранинг таклифиға яхши қарамайсан, зероки, ул тўра кўб бой ва кўб қудратликдур». Ва бечора хотун жавоб бермай боши ишорати илан ман қилди ва вакил уялмай яна айтти: «Сан билмайсанми, ул тўра санинг учунғина бул шаҳарда тўхтаб турадур, санинг бирлан ошно бўлмоққа хоҳламаса, мазкур катта қароқчини иши хусусида тезлик илан ҳукм қилиб ўз шаҳриға қайтар эди. Анинг таклифини яхши фаҳмламоқ керакким, сан анинг бирлан қисқа вақт бир хонада бўлгандин сўнгра ул кетадур ва сан жойингда туриб қолуб, мазкур тўрани ҳеч бир вақт кўролмайсан ва ҳеч ким санинг ул тўра илан қилгон ошнолиғинг хусусида ҳеч сўз айтмассан ҳам ўз эринг бирлан ошиқлик қаторида туруб, ул тўра тўғрисида ҳеч нима айтмайсан ва эринг ҳар кун сани ўз уйида кўруб қучоқлаб кўб хурсанд бўлуб турса керак. Сан манга инонгил, ман бул ишни кўб эҳтиёт илан қиламан. Чунончи, ҳар кеча ман ул тўраға ҳар хил овқат еткураман ва сан маъқул кўрсанг, кечқурун балиқчи либосини кийиб балиқ сотмоқ бўлуб анинг уй-

иға борасан ва андин ўшал либос илан ўз жойингга қайтасан ва ўз чодиринг олдида янадин ўз либосингни кийиб уйингга келасан ва қайнона ва фарзандларинг ул махфий иш хусусида ҳеч бир хаёл қилмас», – деб. Бечора хотун қаттиғ аччиғланиб сўз илан айтти: «Эмди асло манга бу сўзни айтма», – деб ва вакил ҳам аччиғланиб айтти: «Сан маъқул қилмасанг, билгилким, ман санинг фарзандларингни ҳам нобуд қиламан», – деб.

Шундоқ қаттиғ ва хавфлик сўзни эшитиб бечора хотун кўнгли бузулмай сабр қилиб, ўз афсуслик аҳволотиға чидаб, ҳар кеча ўюн боғиға бориб ва пул топиб, бозордин овқат олиб, кундуз куни фарзандлари бирлан ва бечора эри бирлан вақт ўткарибдур ва мазкур ёмон қаттиғкўнгул вакилдин ҳеч қўрқмай хурсандлик илан танбур чалиб, қиладурган ишни қилиб турди ва мазкур ўюн боғнинг эгаси бечора хотунни вафолиғи учун кўб ақллик деб айтмаса ҳам анга раҳм қилар эди ва ул боғда ўлтурган одамларға мазкур хотунга ҳеч ранжиш сўз айтмас, пулни кўпроқ берар эдилар, бул тариқа илан ул бечора хотун кечалари ухламай айри фарзандлари хусусида хаёл қилар эди ва ёмон вакил ҳам кечаси ухламай мазкур бечора хотунга янги зулм ва ёмонлиқ қилмоқни ўйлар эди.

ТВГ. 1903 йил 1 декабрь. №47

Мазкур ёмон кўнгуллик вакилнинг маслаҳатини бечора хотун қабул қилмаган учун кўб қаҳри келиб, шул тариқа ёмон ният қилибдурким, «бир кечаси ул хотунни зўрлиқ илан кема елканига ўраб ўшал тўраға еткураман», – деб ва лекин ул тўра зўрлиқ илан келтургон хотунни хоҳламас экан. Ул вақтда вакил тамоми пулдорларга бориб айтибдурким: «Ул хотунни эрини озод қилмоқ учун тўра тамоми пулни бермоқчи бўлуб эди ва лекин хотун ўшал тўраға бир кеча бормоқ хоҳламади ва сизлар ҳам бул важҳдан пулсиз қоладурган бўлдингиз», – деб. Пулдорлар бул сўзни эшитиб, турмаға бориб, ўшал синган бечора бойға ҳар хил ҳақорат сўзлар айтибдурларким: «Сан ўзинг ва санинг хотунингда ҳеч инсоф йўқдур, зероки, бизнинг молларни нобуд қилиб, ўзинг ҳам мундай ёмон аҳволотга тушдинг, ҳам санинг хотунинг тўраға бормоққа хоҳламади, бизни пулсиз қолдурадурсан, нечук эрдурсанким, ўз

хотунингга яхши маслаҳат бермайсан ва сан Иброҳим ва Исҳоқ пайғамбарлардек эмассан, шунинг учун бир соат муддатда бул зиндоннинг девориға қараб ётсанг, ҳеч бир зарар кўрмайсан ва ўшал вақтда санинг хотунинг тўраға бориб, анинг пулларини олиб, бизни хурсанд қилиб ва ўзинг ҳам бул зиндондан халос бўлиб, ўз уйингга қайтиб фароғатда бўласан. Бул тариқа фаҳмлаб тезлик илан беақл хотунингни мазкур тўраға юборасан», – дедилар.

Бечора: «Йўқ! Бул тариқа ёмон маслаҳатни хотунимга бермайман ва сизларнинг молларингни қасд илан нобуд қилғоним йўқ ва ўзимнинг хотунимни зино ишқа саъй қилмайин, зероки, мундай ёмон иш бирлан ман ўзум хурсанд бўлолмайман ва тоза хотунимни нажасга булғамайман. Агар хоҳласангиз, умрим борича зиндонда туруб вафот қилсам ҳам, манум кўнглум тозалик илан кетадир».

Ул вақтда савдогарлар аччиғланиб баланд овоз бирлан айттилар: «Сан ноинсоф ва ёмон одам эканлигингни эмди равшан фаҳмладук. Зероки, сан ўзингни ва хотунингни биласан ва бизларга ҳеч бир раҳм-шафқат қилмайсан ва бул важҳдан ўшал вакил санга қаттиғроқ жазо берадур», – деб. Бечора айтти: «Сизларнинг хоҳишингизча бўлсун ва лекин манга хотунумнинг тозалигидин ҳеч бир бўлак қийматбаҳо нарса йўқдур», – деб.

Андин сўнгра ёмон вакил зиндоннинг қоровулиға буйруғ берди: «Сан бул хотунни эриға юбормагил», – деб. Ва мазкур ўюнобғнинг эгасиға бориб айтти: «Сан тезлик илан Мисрдан бир неча чиройлик фоҳишаларни ёллаб бул боққа келтуриб, ўшал синган бойнинг хотунини ҳайдаб юборасан», – деб. Бул тариқа бўлиб, бечора хотун зиндонга борган вақтда зиндонни қоровули ани эриға юбормай, ҳар хил ҳақорат сўзлар илан айтибдур: «Санинг афсуслик ишларинг ўз феълингдиндур, нима учун сан ўз тозалигингни маҳкам тутасан ва сан ўзинг хусусингдагина фикр қиласан ва эрингни ҳеч аямайсан», – деди. Хотун айтти: «Сан нодуруст айтасан, ман гуноҳ илан эримни хурсанд қилмайман ва умримни охириға ва ўзумни бетинч ва хафа қилиб ўз болаларимни ҳам уятқа қолдурмайман», – деди.

Мундан сўнгра ул бечора хотуннинг аҳволоти ёмонроқ бўлди. Зероки, зиндон қоровули анинг эриға икки қабат занжир боғлаб ва ҳар куни эрта-кеч вақтларда дарраға ўхшаш қуруқ қайиш илан уруб жазо берадур эди. Анинг бечора хотуни бул аҳволотни

фаҳмлаб кўп афсус бўлди ва мазкур ўйинбоғнинг эгаси ўтгуз адад чиройлик фоҳиша ёллаб, еткуруб, мазкур хотунни боғдин чиқарубдур. Ул вақтда вакил зиндон қоровулига айтибдур: «Сан бул кунда ул хотунни эрига кирмакка рухсат бериб ва хотун зиндонга кирган вақтда қаю бандда ётган бандиларга яхшилаб нон бериб айтасан, бул садақани бизларга Дамашқдин келган тўра берди, ул тўра ўзи бир ҳодисадин бетоброқ бўлиб хафалик илан ўз уйида ётадур», – деб. Бандилар ул нонни олиб тўранинг ҳаққиға дуо қилиб сўрадилар: «Нима ҳодисадин бетоброқ бўлди?» – деб, вакил айтти: «Ул шафқатлик тўранинг бетоблиғи бул хотундиндур. Зероки, бул ўз эрининг аҳволиға қарамай, ўзи хусусидағина ўйлаб, ул катта тўрани хурсанд қилмоққа хоҳламабдур», – деб. Бул сўзни эшитиб тамоми бандиларга овоз бирлан қичқиришубдурким: «Шафқатлик тўра саломат бўлсун ва бул беақл хотун ҳар хил балоға дучор бўлсун», – дедилар. Мундин сўнгра зиндонда ётган тамоми бандилар ул бечора хотунни кўб ёмон кўрубдурлар ва шаҳар ичидағи фуқаролар, хусусан, мол йўқотган одамлар зиндонга келиб синган бойни кўруб бир овоздек анга айтдилар: «Эй синган бой, беақл бўлма, бетоброқ бўлган катта тўраға ўз хотунингни юбориб, ўзингни халос қилиб, бизларни ҳам хурсанд қиласан», – дедилар ва лекин ул бечора хотунни эри бул тариқа сўзлардин кўпроқ афсуслик бўлди, чунки анга хотуни келган вақтда тамоми бандилар аларға қараб ҳар хил ҳақорат сўзларни айтар эдилар, ҳаттоки ўшал бечора ўз хотунини зиндонға келмоқдин ман қилди.

Муни билиб ёмон вакил янадин бир ёмонроқ ният қилди, чунончи, ул хотуннинг қайнонаси камширға бориб айтти: «Сан, камшир, кўб ёшга кирдинг, албатта, фаҳмлайсанким, бирор хотун ўз эрини қўюб бўлак бир эрга борса, албатта, ёмон гуноҳ бўладур ва агар ўзи эрининг халослиғи учун санга ва ҳам ёш болаларға овқат топмоқ учун бўлак бегона эркакка бирор мартаба борса, ул вақтда ҳеч бир гуноҳ бўлмаса керак ва бул сўзни яхши фаҳмлағилким, санинг ёлғуз ўғлинг зиндонда ётиб кўб азоб кўрадур ва сан набираларинг бирлан бул тариқа камбағалликда турасан ва лекин санинг келининг Дамашқ шаҳридин келган тўрани бирор хурсанд қилса, ул шафқатлик тўра анга кўб пул бериб, ўғлунгни озод қилиб ва сизларға илгариги ул молларингни қайтариб, сиз-

ларни тамом фароғатда қиладур», – деб. Бул сўзни эшитиб кампир очлиғи ва камақлиғидин сўради: «Дуруст ва рост айтасанму?» – деб анинг кўзидин ёш чиқиб, яна кампир сўради: «Манга батафсил ўшал ишни баён қил ва нима қилмоқ керак, манга тушунтурасан», – деди. Вакил юқорида зикр бўлган ҳикояларни баён қилди ва кампир кўб таажжуб айлаб ва афсусликидин қарсак уруб йиғлаб айтти: «Эй, нечук бечорамиз, агар манум келиним махфийлик илан ул тўраға борган бўлса эди, эмди маним ўғлум ва набираларим ва ҳам ўзум аввалғи уйларимизда тинчлик ва осойишталикда турар эдук», – деб. Ул вақтда ёмон вакил айтти: «Мана ақллик кампирни кўраман, сан умрнинг қадрини биласан ва мунинг учун сандин илтмосим шулким, келинингга яхши маслаҳат берасан. Агар вақт ўтқариб ул тўра Дамашқ шаҳрига қайтиб кетса, ул вақтда сан ва беақл ёш келин афсус ва бефойдалик қоларсиз». Кампир бироз вақт индамай туруб йиғлай бошлади. Ул вақтда вакил анинг кўлини ушлаб айтти: «Сани йиғлағонингни кўрмоқ кўб қийиндур, албатта, сан мазкур ишни маънисини яхши фаҳмлаб кераклик ҳаракатни қиласан», – деб. Кампир «оҳ» деб айтти: «Санинг сўзинг кўб равшандур ва лекин манга маъқул бўлди ва ман ўз келиним бирлан сўзлашаман», – деди. Вакил ҳам хурсанд бўлуб ўйинбоққа қараб жўнади.

ТВГ. 1903 йил 11 декабрь. №48

...Қарзхоҳларнинг вакили ул хотундин ўзиға кераклик жавобни ололмаи, анинг кампир қайнонасиға бориб ул кампирни мазкур ёмон ишға ёрдамчи қилибдур. Ва бечора хотун ўз аҳволотида ва ниятларида мустаҳкам бўлуб, аввалғи кунларидек кечқурун овқат учун кераклик пул топмоққа ўйин боғиға борибдур ва мазкур ёмон вакил ул бечора хотунга янғидин қийинлик аҳволотни қилмоқ учун Миср атрофидин ҳар хил чиройлик ва ёмон хулқлик базм қиладурган хотун-қизларни ёллаб ул боққа келтирубдур ва бул ёмон хулқлик хотунлар ўшал боққа келганини эшитиб Исқолон шаҳридағи бойлар, хусусан, ўрта ва кўброқ ёшга келган одамлар мазкур боққа бориб ўлтуруб, ҳар хил қийматбаҳо ичкуликлар ичиб, ўшал ёмон хотун ва қизларға қараб, алар бирлан ишқибозлик қилишиб

ва сўзлашиб қийматбаҳо ичкулликка қалампирмунчоқ қўшиб, ул ичкуликни ниҳоятда хушбўй қилиб, базми жамшиддек суҳбат қилубдур. Мазкур синган бойнинг бечора хотуни ўшал боғдин кетиб ниҳояти хафа бўлуб ва пулсиз қолиб ўз чодирига қайтибдур. Анинг онаси – кампир ул бечорани хафалиқ аҳволотини кўруб, аҳволотни сўраган вақтда бечора хотун ҳеч сўз айттолмай, кампирнинг тиззасига бошини қўюб йиғлаб, афсуслик ила айтти: «Ўтган кунларда ман ўшал боғда яхши мазмунлик хониш қилиб кераклик овқат учун пул топар эдим ва эмди мазкур боғда ёмон хотун ва қизлар ҳозир бўлубдур. Ман ўзум ҳам анда бориб хониш қилмоқни хоҳламайман ва боғ эгаси ҳам сан эмди керак эмассан деб айтти. Бул аҳволотда нима қиламиз ва нечук овқат топармиз?» – деди. Ул кампир сўзни эшитиб афсуслик билан айтти: «Овқатсиз одамзод туролмайдур ва биз мундай аҳволотта чидолмаймиз, шунинг учун ман сандин айланаман, ўз эрингга ва болаларингга ва ман – кампирга раҳм ва шафқат айлаб нечук бўлса ҳам пул топмоққа саъй ва ҳаракат қиласан», – деди. Бечора хотун хафалик илан сўради: «Эй она, сан мандин нима қилмоққа хоҳлайсан?» – деб. Ва кампир оғзини бечора хотунни қулоғига яқин қилиб оҳисталик илан айтти: «Мазкур кўп пуллик тўраға бор», – деб.

Ўз эрининг онасидин бул тариқа сўзни эшитиб, мазкур бечора хотун дафъатан хавф илан титраб сўради: «Сандек онамдин мундай сўзни эпитаманму, сан манум эримнинг онасисан ва манум вафолиқ ва тозалиғимни маҳкам қилмасдин, бошқа ўзунг манум тоза қўлимга пичоқни бериб ўзумни ўлдуртмоққа хоҳлайсан, албатта, мани мазкур тўраға юбориб тамом уятимни ва вафолиғимни барҳам бериб, йўқ қиласан ва ман бул сўздин кейин санинг бирлан сўзлашмай ва сандин ҳеч бир маслаҳатни олмайман», – деди ва кампир айтти: «Сан айтган сўзлар кўп яхшидур ва лекин бизнинг аҳволотимиз шул даражада эканким, анга чидамоққа илож йўқ. Агар бизнинг аҳволимиз илгаригидек бўлса, ман санга мундай сўз айтмас эдим ва лекин ҳалокат даражасида турамыз ва сан бул ҳалокатдин халос қилмоққа қодирсан», – деб тавозеъ илан сажда қилиб, бечора келинни оёғига оқ сочини ўраб ушлаб йиғлаб: «Эй келин, бизни қаттиғ ҳалокатдин қутқарғил», – деб ялиниб турди. Бечора хотун кўброқ хафа бўлуб айтти: «Сан шундоқ айтасанму ва лекин ман ўз эримни кўб яхши кўраман

ва анго вафолиқ аҳволда турмоқни хоҳлайман ва умид қиламан-ким, ул маним вафолигимни бўлак аҳволотдин баланд даражада фаҳмлаб турадур». Кампир айтти: «Ўз эрингни яхши кўрма деб ман ҳам айтмайман ва лекин ўзингни кичик болаларинг учун санго айттим, зероки, санга тўраға бормоқға қийин эмас ва агар сан шундоқ қилмасанг, бул бечора ва бегуноҳ кичик болаларинг гадоё қаторида туруб бўлак одамлардин доим хорлик кўрадурлар, муни фаҳмлаб ўзинг хафа бўлмайсанму?» – деганда айтти: «Эй онам, ўшал ишни қийин эмас деб манга айтасан. Эй Худо, начук сўзни маним қулоғим эшитадур?» – деди. Кампир айтти: «Эй келин, ман ҳам шунинг учун бул тариқа ишни уят кўруб ва лекин керак бўлғонда ўз уятини қувиб ул ишни қилар эдилар».

ТВГ. 1904 йил 21 январь. №3

Ва яна ул кампир оҳисталик овоз илан: «Ўшал хотунлар хусусида эшитганман, уялмаслик учун бир алайҳида ақлни йўқ қиладургон иччулик ичиб, андин кейин ҳар нима қилган ишларини билмай қолар эди. Ул иччулик бир қўзиқоринга ўхшаш нимарсани сувға солиб ва қайнатиб ани ичган ҳолда кўкнори одамдек хушхаёл бўлуб, хаёл илан ҳар нима қилганни билмай қоладур. Сан ҳам бул тариқа иччулик тайёр қилиб, ичиб, тўраға бориб, анда эртасиғача ётасан ва субҳ вақтида ман ўзум анинг ҳовлисиға борганда санга тўра берган пулни манга берасан ва ман хурсандлик илан турмаҳонаға югуруб бориб, анинг қарзини тўлаб мани ўғлум – санинг эрингни озод қилиб, ўз уйингга биргалашиб олиб қайтаман ва сан ўзунг ўшал вақтда қоронғуда ҳеч бир одам йўқ вақтда денгиз лабиға бориб сувға тушуб гусл қилиб покиза ва озода бўлуб, ўтган кечадаги ишни унутуб, илгариги ҳовлиға қайтиб, анда ўз эрингни ва болаларингни кўруб ниҳояти хурсанд бўлуб ва андин кейин илгариги аҳволдағидек беташвиш умр ўткарасан», – деб. Бечора хотун кўб таажжуб бўлуб, қўрқунч илан айтти: «Нима айтасан ва сан айтганингдек иш бўладурму?» – деди. Кампир боши илан ишорат қилиб: «Албатта бўладур», – деб. «Мазкур иччуликнинг шундай қуввати ва хосияти бордурким, ҳеч вақтда қилғон гуноҳингдин хафа ва пушаймон бўлмайсан

ва ўз эринг илан чин кўнгулдин тоза дўстлик аҳволда турасан, эрингни кўнглида ҳеч шубҳа ва гумон бўлмайду»». Бечора хотун яна айтти: «Оҳ, ман нечук бечораман, ёмон насиҳатлар мани начук аҳволотга соладур, манум ақлим бошимдин кетардек бўлди, ман ҳеч нимани фаҳламайман. Ва лекин уятим кўнглимда бордур ва маним эримга тааллуқ ишқим мани жазб қилиб тортадур». Кампир айтти: «Ўшал ичкуликни ичиб уятни унутасан». Ва бечора хотун титраб айтти: «Сан айтган насиҳатни тезроқ унутмоқ учун билотафтиқ мазкур ичкуликни манга беринг». Кампир айтти: «Агар сан ўзингни яхши кўруб ва эринг ва болаларингни аҳволотини осон қилмоққа хоҳишинг ва ихтиёрингча турғил ва лекин ман санга янадин айтаман, офирлиғингни ташлаб ўшал ичкуликни ичкил», – деди. Хотун айтти: «Ман эримни кўб яхши кўраман ва шунинг учун тоза турмоққа хоҳлайман ва сан, онам, ўз ўғлунгни яхши кўрсанг ҳам манга ёмон насиҳат берасан, ман нима қилай, ман фаҳламоққа ақлим етмайду»». Кампир айтти: «Ҳар қаю одам санга жавоб берадур завжанинг ишқи онанинг ишқидин камроқ бўлса керак деб, мунинг бирлан ман ўз ўғлумни аҳволотини енгилроқ қилмоқ учун санга шундоқ маслаҳат бердим», – деди. Бечора хотун ул «камроқ» деган сўзни эшитиб кўб хафа бўлуб ва баланд овоз илан айтти: «Йўқ-йўқ, дуруст айтмайсан». Хотун ўз эрига ниҳоятда кўб ошиқ бўладур деб ўз сочини бўйнига ўраб, тортиб, ўз жойидин туруб танбурини қўлига олиб овқат қилмоққа кераклик пул топмоқ учун юқорида зикр бўлган боққа борди ва лекин мазкур боғда бечора хотунга янгидин хафалик аҳволот пайдо бўлди.

ТВГ. 1904 йил 21 январь. №3

Бечора ёш хотун ўз чодирининг кетганин сўнгра анинг кампир қайнонасига ўшал синган бойнинг қарзини талаб қиладурган вакил келиб сўради: «Сан келинни мазкур тўрага бормоққа кўндирдингму?» – деб ва мазкур кампир айтти: «Йўқ, маним келиним ҳеч бир вақт бормайман деб жавоб бериб кетти», – деб ва лекин вакил бул хабарни эшитиб хафа бўлмай ва озгина табассум қилиб айтти: «Эй ҳурматлик кампир, сан унуттингму-

ким, ишқға мубтало бўлгон одамлар албатта беақл бўладур ва сан мунга қарама, ўз фикрингни дема, кўнгулда тутуб турғил, албатта санга бир томчи сув ўзи енгил бўлса ҳам доимо тушуб турса тошни тешадур ва қадимги вақтда бир донишманд одам бор экан, бир мартаба ул донишманд бирлан бир нодон мунозара қилиб, кўнглида мулоҳаза қилмай, ҳеч бир вақт деган сўзни айтар экан ва донишманд анга айтти: «Ҳеч бир вақт деган сўз не маъно сўздур ва ман санга маслаҳат берайинким, «ҳеч бир вақт» деган сўзни ҳеч қачон айтма», – дебдур. Ва сан, ҳурматлик кампир, мунга тафаккур айлаб, ўз ниятингни маҳкам ушласанг мақсудингга етарсан», – деди. Кампир айтти: «Манум умидим йўқ, зероки, манум келинимнинг кўнгли тоза ва мусаффордур». Вакил айтти: «Тоза ва мусаффо тош бўлса ва ўшал тошга кўб узоқ вақт оҳисталик илан уруб турса, ул вақтда ўшал тош қаро рангда бўлмасму, кейин сенинг келининг сан айтадурган сўзни ҳам доим эшитиб турадур ва бул яхши далилдур, зероки, ҳар вақт тоза ва мусаффо тош тадбир илан, аввало, озроқ қора ранг бўлуб ва андин кўк ва андин сориг ранг ва охири қора ранг ҳам бўлса керак. Ва сан мазкур донишмандни маслаҳатини унутма, яъни «ҳеч бир вақт» деган сўзни ҳеч қачон айтма ва яна ман санга бир маслаҳат берайин, чунончи, ўшал тўраға кўб вақт кутуб турмоққа тоқати кетгундек бўлмаслик учун тезлик илан ҳаракат қилмоқ керак ва агар ул тўранинг тоқати қолмаса, ул тўра қароқчини устиға ҳукм қилиб Дамашқ шаҳриға қайтиб кетадур», – деб. Кампир ўшал маслаҳатни қабул қилиб айтти: «Хўш, ман ўз ниятимни эътимомиға еткураман, сўзумни дурустлиғи учун ўз умрим ва ўзумни икки набирамни умри бирлан», – деб қасам ичди. Мазкур вакил бул тариқа маҳкам ниятни билиб ва фаҳмлаб хурсанд бўлуб юқорида зикр бўлгон Мисрдан келган фоҳиша хотунларнинг базмини кўрмакка жўнаб кетти ва анинг ҳамёнида тиллолар ва кўнгулни хурсанд қилмоқ учун хушбўй қалампирмунчоқ бор эди.

Ва бечора хотун ҳам юқорида зикр бўлгон қайнонасининг ёмон сўзларидин кўб хафа бўлуб ва ўз кўнглини жароҳат бўлгандек фаҳмлаб, танбурини олиб, ўшал боққа борар эди. Танбур оғирлиқ қилиб ва кўнгли хафалик ва аъзоси беқувватликдин ул бечорани қадди эгилиб, ҳам бўлуб ва оёғи тойилиб ва кўзидин ўт чиқиб, ўз борадурган йўлини кўролмамай хафалик илан фикр ай-

лар эдиким, «Бул тариқа хафа ва беқувват бўлуб қандай хониш қиламан ва манум овозим қандай чиқадур», – деб юрар эди ва лекин мазкур базм боққа кирганда ул бечора тўғри кўрдиким, ўшал боғда ниҳоятда кўб мўйсафид ва ёш йигит ва инобатлик одамлар жам бўлбдур. Аларнинг баъзилари уятсиз базм жойиға яқин туруб ва баъзилари уялиб четта бориб дарахт шохларини аросидин қараб турар экан. Базм жойида бир неча чиройлик хотун ва қиз атрофлаб ўлтурган экан ва аларнинг энг ўртасида бир ниҳоят чиройлик қиз турубдур, ўшал қиз ва хотунларнинг қошлари қайрилган ва кўзлариға сурма қўйуб ва киприкларини ҳам қаро қилган ва кўкраклари очуқ ва бўйнуға таққан маржонлари қимирлаб ва шолдираб турган ва қўлларининг кафи ва оёғ тобониға қизил ранг қилғон ўшал жамиятга қараганда фикр қилинадурким, ўшал қиз ва хотунларнинг атрофларида қараб, кўруб турган одамнинг кўнгуллариға электричество шуъласиға ўхшаш шуъла таъсир қилғон, ўшал қиз ва хотун турган ер ҳам қизиқ ва иссиқ экан... Албатта, бул тариқа ёмон жамиятга ўшал бечора тоза кўнгиллик хотун керак эмас ва анинг инсофлик сўзиға ва хонишиға жой ва ўрун йўқ экан ва анинг танбур овозиға ҳеч ким қулоқ солмаса керак ва мазкур ерға ётган уятсиз қиз ва хотун оҳиства оҳиства овоз илан хониш қилса ҳам маъниси йўқ экан ва лекин аларнинг овози ари овозиға ўхшаш экан ва мазкур базмнинг бошлағувчи рубоб ушлаб оҳиства-оҳиства чалди ва ўртада турган бир чиройлик қиз ҳар тарафга қараб, усул қилиб ари чақмасун деб эҳтиёт қилиб, сесканган одамдек ҳаракат қилур эди. Ўшал тариқа оҳиствалик хониш овозлар даража-бедаража баланд бўлуб ва ўшал қиз бир жойда туриб, қўлини ҳар тарафга айлантируб, рақс уруб ўйнар экан ва кўрган одам хаёл қилар эканким, арилар мазкур қизга яқинроқ келиб баъзи юпқа либосиға ёпишдиму деб ва қиз кўрққандек баландга сакраб, тамом аъзоси илан ҳаракат қилган вақтда ўшал ерда ётган тамоми бўлак хотун ва қизлар ҳам тик туруб, қайроқбозни тошидек қўллариға тош ушлаб, қўлларини қимирлатиб ва тошни ҳам қимирлатар экан. Ўшал қиз-хотунлар ари биридин-бириға учуб ўтиб, бизни чақмасун деган хаёл ва ҳаракат қилғондек ҳаракат илан айланиб, ўз либосларини тезлик илан ташлаб тамомлари яланғоч бўлди ва ўшал вақтда боғда ёқилган фонуслар ҳам ўчурулиб ва боғда жам бўлғон мўйсафид

ва ёш йигитларнинг уятлари кетибдур. Найрангбоз бошлуғи бечора хотунни кўруб қўл илан орқасига уруб ва «кет» деб итариб, анинг танбурини қўлидин олиб ерга уруб синдирди.

ТВГ. 1904 йил 28 январь. №4

Бечора хотунни ўйин боғидин қайдаб чиқаргандин сўнгра ўз эрига ва икки боласига ва қайнонасига кераклик вазифаларини топмоққа илож тобмай, бир кун ўшал бечоралар эртадин то кечгача таом емай оч қолубдурлар ва ул куни ҳам бечора хотун ўз эрига раҳми келиб, қуруқ қўл илан зиндонга бориб эри бирлан кўб хафалиқ аҳволотда ўлтурубдур ва ўшал вақтда зиндонда ётган бандилар мазкур хотунга ҳар хил ҳақорат сўз айтибдур. Анинг эри бул ҳақорат сўзни эшитиб хотунга айтти: «Ман санинг аҳволингни кўб яхши биламан, Худо хоҳласа, ўлмакка етдим, эмди сан ўзингни ихтиёрингда тураман деб ва ман санга бир маслаҳатни айтаман, бизнинг нурчашмларимизни гадойдек қилиб кўчага юборинг, ул бечоралар хайрхоҳ одамлардин садақа сўрасун, албатта, ул икки кичкина ёш болалар манум кампир онам илан пул устида ўлтуруб хайр сўраган вақтда ҳар қаю одамларни кўруб ва аяб аларга хоҳ ғалла ва хоҳ ёмон балиқ берсалар керак», – деб ва хотун айтти: «Йўқ, ман болаларимни кўчага юбориб эдим ва лекин бу кун ҳеч ким ҳеч нима берган йўқ. Зероки, Дамашқдин келган тўрадин қўрқуб манум қизимга масхара қилиб айтубдурлар: «Онанг сизларга раҳм қилмайдур, мунинг учун сизларнинг ва болаларингиз онангизни гарданигадур ва кампир мани қуруқ қайтганимни кўруб манга ҳар хил ҳақорат сўз айтиб, мазкур тўрага нима учун бормайсан деб айтадур», – деди. Ул вақтда бечора синган бой кўб хафалиқдин ўзининг йиртиқ ва ёмон қилинган либосини йиртиб айтти: «Ҳеч бир мунга ўхшаш сўзни эшитмоққа қодир эмасман, нима хоҳласанг ани қил», – деди.

Ўшал вақтда қаровул зиндонни келиб қаради, бечора хотун зиндондин чиқмоғни фаҳмлаб, оёғ узасига туруб дафъатан қўрқуб титради. Зероки, ўшал вақтда юқорида зикр бўлгон катта қароқчи тамоми беш занжир илан титраб, занжирларини шилдиради, бечора хотунни оёғига бир нарсани ташлабдур. Хотун энкайиб

қараса, икки кичкина нонни кўруб кўтариб олиб оқисталиқ овоз илан сўрадиким: «Бул тариқа раҳмлик ишни қилғон одам кимдурсан, албатта, ўзинг кўб бечорасан, икки кун ичида санга берилган нонни ўзинг емай, ман бечора хотунга берасан, сан қайси диндасан, манга жавоб айт, ман санинг Худойингни билиб, санинг хусусингда дуо қилайин», – деди. Ул қароқчи айтти: «Эй хотун, маним исмишни ва маним Худойимни сўрама, сан ўз эринга келиб, бечоралик аҳволотларингни сўзлашган вақтда тамоми сўзларингни эшитиб санга бўлғон катта авболни фаҳмладим ва санинг хафалиқ аҳволинг маним қаттиғ кўнглимга кўб таъсир қилди, эмди бул икки нонни олиб икки кичкина болаларинга бергин, ул бечоралар йиғламасунлар», – деб. Бечора хотун ул нонни олғон вақтда анинг эри очлиқидин бўридек бўлуб тишларини шақирлатиб, ул икки нонни олиб тезлик илан ёввойи ҳайвондек ебдур. Бечора хотун муни кўруб йиғлаб, кўзини қўли илан беркитиб, тезлик илан зиндондин қочиб чиқиб ўйладиким, манум эрим бул тариқа қийин аҳволот илан манга тўрага боринг деб айтмасун деди.

Кечқурун бечора хотун зиндондин чиқиб, зиндон олдида тўхтаб фикр айлади: «Эмди қаю ерға бораман, агар болаларимга борсам, ул болалар маним қуруқ қўл кўруб янадин кўброқ йиғласа керак ва агар кампир қайнонамни кўрсам, ул ҳам кўб ҳақорат сўзларни айтса керак». Бир марта ул кампир ачиғлиғдин ақли кетиб шундоқ деган эди: «Маним илгариги чиройлигим қайда, нима сабабдин манингдек кампирни чиройим йўқ бўлди, агар денгизда турадурган аждарҳо мани ўз тўшокига чақирган бўлса, ўз ўғлимни ва набираларимни очлиқдин халос қилмоқ учун борар эдим ва манум келиним шул тариқа ёмон ва қаттиғкўнгиллиғидин, албатта, лаънатга мустаҳиқдур», – деб. Бул оғир хаёлни ўйлаб бечора хотунни кўнглига гумон тушди. Агар маним кампир қайнонам шундоқ деганда бўлак одамлар манга ишонмайдур, маним тўрага бормоққа хоҳламаслигим дурустму ё нодурустму, эмди маним ёш болаларим яланғоч ва оч ўлтуруб ва кампир ўлукка ўхшаш турадур, алар ётадурган чодирға бормоққа тоқатим йўқ ва кечаси совуқ ва шаҳар ичида бетинчлик, эмди нима қиламан деб ўйлади.

Ва ул бетинчлиқнинг сабаби шул эканким, ўшал қароқчининг шериклари ҳар тарафдин келиб жам бўлуб, мазкур шаҳарнинг баъзи жойларида ўғурлиқ қилиб ва одам ўлдуруб ўз бошлиқи-

ни ажратиб кетмоқ қасдида. Чунончи, ул қароқчилар расмий одамларнинг либосини кийиб, кеч вақтда шаҳар ичиға зиндон эшикни очиб олиб кетмоқчи эди. Ва зиндон қаровули ҳам бул хабарни узун қулоқдан эшитиб қўрқар эканким: «Ўғрилар бул кечаси келмасмукин», – деб. Мазкур тўра кўб узоқ вақт ул бечора хотунга умидвор бўлуб туруб, эмди охири пушаймон бўлиб амр қилди, шаҳар ичида ва зиндон атрофида навбат-банавбат қаровул юриб, ҳар қаю нодуруст ва бекор одамларни ушлаб маҳбус қилсун деб ва бечора хотун бул аҳволотни фаҳмлаб фикр қилди: «Ким манга икки хил ташвиш бўлди, чунончи, шаҳар ичида юрсам, қоровул ушлайдур ва ўз чодиримға бормоққа қодир эмасман», – деб. Ул хотун тезлик илан шаҳар дарвозасидин чиқиб, бир қабристонға бориб, анда очуқ қабрлар ва қалин дарахтлар орасида кечани ўтказмоққа ният қилди ва мазкур қабристонда бир таажжублик қабр бор эдиким, бир дафн бўлинган одамнинг боши қабрнинг ичидин ташқарида қолиб, баъзи одамлар қилғон саволлариға жавоб берар экан ва мазкур хотуннинг кўнглиға бир қиёс тушдиким: «Бир чуқурда йиғилиб турган сув яхшиму ёки чуқурдан ҳар тарафға оқадурган ва ҳар хил одамларға фойда келтурадургон сув яхшиму?» – деб. «Манга шул тариқа хаёлни кўб одам айттилар, ушбуни тезлик илан қабристонға бориб, мазкур таажжублик бошдин савол қилиб, анинг жавобиға мувофиқ иш қиламан», – деб қабристон тарафиға равона бўлди.

ТВГ. 1904 йил 3 февраль. №5

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА МАЪРИФИЙ МАҚОЛАЛАР

III ДУМАНИНГ АЛАДДУЛ ЭҶТИРОМ МУСУЛМОН ФРАКЦИЯСИ РИЖОЛИ МУЖОҶИДЛАРИ МАЖЛИСЛАРИНА¹¹⁹

Туркистон учун фикри ожизонамча ёзилмиш маърузадан бир нечасин II Дума Муслмон фракциясига тақдим этиб эдим. Агарчи олдин шахсий ҳуррият бироз булут остинда ва замонлар ўзгарди. Маа фиҳи боди муроднинг бир замон ҳубуби ила абри касиф парчалари маъдум ва шахсимиз озодини порламоғи умиди қатъийдир. Анинг учун маишати молияи Туркистон ва Туркистоннинг ма биҳил эҳтиёжини баён этгувчи моддалар ила қаралинмиш шу «маъруза» мни миллати исломия ҳомийси ва йигирма миллион муслмонларнинг мужоҳидина – муҳтарам мажлис оммаларига манзур этиб, бир карра фракцияға ўқулуб валав, жузъий бўлсун, бу тараф маишатиға ва кераклик ислоҳотиға бир фикр ҳосил этилмоғи ва Туркистон идораи дохилияи ҳозирасига равшанроқ вуқуф пайдо қилинмоғи мутаманнидир. Бундан муродим фракциянинг донишманд рижолларина иш кўрсатмоқ дагил, балки ожизона баёни маълумот ва ходимона арзи ахборотдур. Афандиларим! Боқий 20 миллион муслмонларни мудофеълари вукалон

¹¹⁹ Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ушбу лойиҳаси Исмоил Гапринский архивида экан. Унинг қизи Шафиқахоним вафотидан сўнг ҳужжатлар доктор Нажиб Хаблемит ўғли қўлига ўтган. Ушбу ҳужжат Темур Хўжа ўғлининг «Туркистонда янгилек ҳаракатлари ва ихтилоллар: 1900 – 1924» (Хаарлам, 2001) асариде илк бор эълон қилинган. Биз шу асарда босилган факсимиледан фойдаландик. Шунингдек, лойиҳа матни проф. Б.Қосимов томонидан эълон қилинган (Жаҳон адабиёти). Лойиҳани нашрга тайёрлаган ва эълон этган олимларға ва китобдан фойдаланиш учун рухсат берган шоир ва олим Тоҳир Қаҳҳорға самимий миннатдорлик билдираман – С.А.

ислом ҳазаротиға арзи эҳтиром этмоқ-ла саодатманд ўлжурам.
Вас-салом вал-икром.

Сана: 1907 йил ноябрь
Самарқанддан, «Иттифоқи муслимин» идораи
Марказияси аъзолариндан муфтии дорулқазо
Самарқандий Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўгли
(муҳр)

ИККИНЧИ ДУМА ФРАКЦИЯИ ИСЛОМИЯНИНГ **ХИЗМАТ ОЛИЙЛАРИНА** **«ИФОДА»**

Ушбу минбаъд ўқулатурган сатрлар – «Русия мусулмонлари иттифоқ программни – Туркистон тўғрисидаги – илова ёинки шарҳи – мақомидаги мусовадаи асосиядур. Ёинки муҳтарам мусулмон фракцияси ва иттифоқиға баним тарафимдан топширилмиш бир «Маъриза»дир. Иттифоқ пружромини тор ёинки восеъ гумон қилганлар-да кўп. Лекин восеъ гумон қилганларни хатолари зоҳирдур.

Миллатимизни истеъдодсиз ва идораи дохилия ва афтономияни ижро ва ҳифзига қодир эмас зан этувчилар, албатта, хато эдарлар.

Оврупойи Русия мусулмонларидан зиёдароқ афтономияни Туркистонға берилмоғи лозимдир. Азбаски, туркистонлилар ҳануз дохилан ўзини ўзи идора эдар ва Оврупойи Русиядаги қардошларимиздан ихтиёрлидурлар.

Туркистонни ягона эҳтиёжи «Идораи руҳония ва дохилия» ташаккули ва анинг аъзоларини басиратли ўлишидур.

Аммо бу идора фақат руҳоний бўлмай, Туркистонни ҳозирги қуззоти тасарруфиндадур. Мулкӣ ва дохилий иш ва ҳукмларни-да муҳтави ўлса керак. Муҳтарам мусулмон фракцияси вукалоси ва «Иттифоқи муслимин» идораи марказия аъзолари хизматларина шу отиядаги моддаларни тақдим этиб, саҳв ва ха-

томни ҳусни ниятимга бағишламоқларини рижо ва муборак элларини ўпарман. Вас-салом вал-икром.

Шаҳри Самарқанд
«Иттифоқи муслимин» аъзолариндан
самарқанди муфтии дорулқазо ал-ҳож
Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа хатиб
Сана: 1907 йил 24 апрель

«F» Дума хусусинда

1. Давлат Думаси учун Туркистонни адади нуфуси исломия-сиға мутаносиб вақил сайлансун.

2. Русияга ва Русия ҳукуматига дин ва дунё тўғрисида бўлатурган мажлисларга адади нуфуса муносиб суратда Туркистон(дан) мунтахаб мабъус жалб қилинсун.

3. Шўройи давлатга Туркистон мусулмонларидан адади нуфуса муносиб мунтахаб аъзо талаб қилинсун (Шўройи давлат мажлиси мансух бўлмаган суратда).

2

Русия мусулмонлари раиси:

4. Умумрусия мусулмонларини диний ва ҳаётий ишларини бошқармоқ ва барча идораи руҳония ва дохилияларини устидан қарамоқ учун Петербурғга бир Маҳкамаи Исломия барпо бўлиб, раиси улуми диния ва замонияга моҳир муслимдан сайлов ила муваққат тайин бўлса керак.

5. Бу маҳкама ва муассасанинг моддий-маънавий ижро ва лавозимоти лойиҳасини Русия мусулмонлари иттифоқи аъзолари ва мусулмон фракцияси рижоли машварат ила тайёр этсалар керак.

Туркистон идораи руҳония ва дохилияси асосининг мусаввадаси:

Туркистон идораи руҳония ва дохилияси хусусинда

6. Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Семиречинский (Етгисув), Закаспий (Моваранбаҳри Хазар) областларидан иборат Туркистон ўлкасиға бир идораи руҳония ва дохилия барпо бўлуб, Туркистонни биринчи даража уламо синфидан шарият ва замондан хабардор киши сайлов ила беш йиллик тайинланиб, «Шайхулислом» аталиб, маҳкамаси Тошканд шаҳринға бунёд бўлса керак.

(Қайд) Бу сифатни хоиз киши Туркистондан топилмаган суратда Русия «Мусулмонлари иттифоқи» мажлисини Оврупойи Русия мусулмонларидан муносиб кишиларни тақдим этар ва алар ичидан сайланур.

7. Туркистон идораи руҳония ва дохилияси таркиб топиладур. Бир раиски – шайхулислом аталадур ва беш диний уламоки – аълам аталадурлар, беш виший ва ё средний образованный мусулмонки – чилон аталадурлар ва лозим қадар мирзо ва саркотиблардан.

8. Аълам ва чилонларнинг адади областлар ила баробар ва ҳар областдан бирор член ва аълам сайланиб, беш йиллик тайинланур.

9. Туркистон идораи руҳония ва дохилиясиға ерли яҳудийлардан сайлов ила бир нафар яҳудий олими иштирок этар.

10. Туркистонни ҳар областига идораи руҳония ва дохилия шубъаси очилиб, бу маҳкамалар областной шаҳарларни мусулмон қитъасиға бино бўлсин.

11. Идораи руҳония ва дохилия шубъаси таркиб топиладир. Бир садрнишинки, охунд аталадур. Ва уч диний уламоки, вилоят аълами аталадур. Ва бир виший образованный мусулмонки – вилоят члени аталадур. Ва лозим қадар мирза ва саркотибдан.

12. Ҳар областта Туркистон идораи руҳония ва дохилия ва шубъалари ва дорулқазо ҳукм ва талабларини ўрниға келтуратурган ижроия маҳкамаси таркиб топилсун.

13. Бу маҳкама раиси образованный мусулмондан бўлуб, аҳоли сайлови ва идораи дохилия истеҳкомии ила мансуб ўлур.

14. Туркистонни ҳозирги мусулмон волостной управителлари истаршина ва истарший оқсоқоллари ижроия маҳкамасининг амр ва талабига тобе ва муте бўлсалар керак.

15. Бу идора ва маҳкамаларни ҳар бири дохилан шуъбаи руҳония ва шуъбаи ҳаётияга мунқасим ўлурлар.

16. Мазкур маҳкама ва идораларни аморат ва сарфиёти аъзо ва ажзоларини маъоши кофий ва вофий даражага ҳазинадан берилсун.

4

Идораи руҳония ва дохилия аъзоларининг хатти-ҳаракати

17. Шайхулислом ва охунд руҳоний ва шаръий ишларга аъламларни, низом ва ижоб замоний ишларга членларни, мухталит ишларга ҳар икки синфни аксар раъйига тобе бўлуб, қарор берадур.

18. Муҳим ишларга вилоят аъламлари ва членларини жамлаб мажлис қиладур. Бу мажлис лозим кўрганда шаръий ва ҳаётий масала ва мавод тўғрисида Русиядаги идораи руҳония ва мухторият доиралари ила машварат этадур, раъйин сўраб хабарлашадур.

19. Туркистон идораи руҳония ва дохилияси ва шуъбалари доим Русия мусулмонлари иттифоқини тақвиясига ходим ўлур. Иттифоқ қарорига риоя эдар.

20. Бу мажлис ва идораларни ҳар бир иши, ҳукм ва қарори шарият қабул қилганда ҳафий вал аънияи аксар раъйи ила бўлуб, асл шариятдан хориж бўлмаса керак...

21. Туркистон идораи руҳония ва дохилияси тасарруфиндаги шиатул мазҳаб мусулмонларни фақат русуми мазҳабиялари тўғрисида оид тейишли фатволарни Закофказ шиа шайхулисломии мажлисиндан сўраб, ул қарорга мувофиқ шиалар ила русуми мазҳабия ҳаққинда муомала эдар. Бошқа важҳга сунний ила шиа орасига фарқ бўлмаса керак.

22. Бу идораларни руҳоний ва ҳаётӣй шуъбалари тўғрисида лойиҳа топишмоқ ва тафтиш этдирмоқ ва ҳисоб сўрамоқға маҳаллий аҳоли жамиятларини мудохала ҳаққи бўладур.

5

Идораи руҳония ва дохилия тасарруфидаги ишлар

23. Зир назоратиндаги идораи руҳония ва дохилия шуъбаларини бошқармоқ ва бир-бирига рабти. Ва маҳаллий барча идораларни танзими.

24. Маҳаллий русий маҳкамаларға саволнома бермоқ ва маъмурлари ҳаракати тўғрисида протест этмоқ ва тейишли халқ ҳуқуқини ҳукумати маҳаллиядан талаб этмоқ ва ҳимоя қилмоқ.

25. Мерос-валодат, усубат-ҳазанот, никоҳ-талоқ, сигор-лақит ва билжумла рўзгор ва оила ишлари ва ҳар нав жами манқул ва ақор моллари ва номус даъволари.

26. Масжид, мадраса, мактаб, вақф ва хайрот, васият ишлари ва буларни мутавалли ва нозирлари ва ҳар нав диний ва дунёвий таҳсил программни ва тартибини вазъи мактаб ва мадрасаларни бунёд этдирмоқ.

27. Туркистон қозиларина шаръий ва урфий ва тижорий ва замоний ишларни сўрамоқлари учун ва жазо учун дастуруламал қонунномалар тасниф этмоқ.

28. Сўфилик ва хонақоҳдорлик, муридгарликларни ҳуррияти виждонга муғойир эмас суратда шариатға татбиқ қилмоғи ва бу йўл илан авомни хурофот ва туроҳат ва зиёи авқотдан ҳифз этмоқ.

29. Урф ва расм номи ила жорий одати қабиҳаларни тадрижий йўқ бўлишиға саъй этмоқ ва тадбир қилмоқ.

30. Зир назоратиндаги маҳаллий идора ва дорулқазолар тасарруфиндаги ишлар ва мактубот, васойиқ ва тазкираларға верги, расмий, муҳр, тамға ёинки «миллий марка» тайин қилмоқ. Қози ва барча руҳоний ва илмий ва миллий ходимларни халқдан ола турган ажрларини тақдир ва тансиқи ва алардан идораи руҳония ва дохилияға олинатурган иродларни қарори.

31. Барча руҳоний ва дохийий мансаб хизматларга киратурганларни имтиҳон этиб даражаи рушд ва истиҳқоқиға мабний шаҳодатнома бермоқ ва аларни сайловиға «ижроия маҳкамалари» во-ситаси-ла назорат этиб, мустаҳкам қилмоқ. Ва аларни тафтиши жиноят ва танбеҳ ва азллари (қайд) шўйлаки, идораи руҳония ва ё шубасидан шаҳодатнома олмаган киши ҳеч бир мансаб ва миллий хизмат сайлови-ла мунтаҳаб бўлунмайдир.

32. Ер-сув масалаларини Туркистонни дохийий маишат ва аҳволи ҳавоия ва жуғрофиясига мувофиқ суратда ҳалли ва бул бобға «вазъи қонун».

33. Туркистонға отиятул вуқуъ – «меҳнаткаш» масаласини зам-она ва макона мувофиқ ҳалли ва қонун вазъи.

34. Государский Думадаги мусулмон фракциясига ўз тасаввур ва фикрини ҳар сана арз этар ва ани саволиға жавоб берар (туркистонилар умуман сиёсат ва иқтисоди замониядан беҳабар ва Туркистон учун юқориға баён бўлмиш модда ва қавонин вазъиға «муваққатан» аҳоли кўзи очилгунча «идораи руҳония ва дохилия» мол ва ҳовий ўлуши нофеъдур).

6

Идораи руҳония ва дохилия масъулияти

35. Идораи руҳония ва дохилия шубаларини ва ижроия маҳкамасини ва дорулқазони аъзо ва раис, член ва аълам ва қозиларни хиёнат ва жиноятлари идораи руҳония ва дохилия маҳкамасига боқилур. Буларни тафтиши аввал маҳкамани биринчи ишидир.

36. Туркистон идораи руҳония ва дохилияси раис, аъзо, член ва аъламларни қабоҳат ва жиноятларига боқмоқ. Ҳайъати тафтишия ва ҳукм тайин этмоқ ва Русияни барча идораи руҳония ва «мухторият»ларини таҳқиқ ва бошқармоқи Умумрусия мусулмонлари раиси маҳкамасини хизмати махсусасидандир (бу Русия мусулмонлари раисини сифати «Русия мусулмонлари Учинчи надвасининг муқаррароти» деган рисолаи 15-саҳифа 11-моддасига ёзилгандир).

Туркистон қозилари хусусида

37. Туркистон қозилари ҳозирги тартиб ила сайланиб, аммо керакки мустаҳиқ ва муносибликларина идораи руҳония ва ё шуъбасидан шаҳодатномалари бўлсун ва буларни истеҳкоми ва азли идораи руҳония ва дохилия ихтиёриндадир.

38. Барча Туркистон музофотига «бий» деган одат ва расм бўйинча иш ва ҳукм қилатурғон мансаблар йўқ бўлиб, алар ўрнига шаръий қозилар мансаби барпо бўлсун.

39. Ҳар бир вилоятга бир дорулқазо ўлур, ҳар дорулқазога бир қози ва бир муовун, ноиб тайинланур. Қайд (тақсим ва тарика ва мундин моадо бир неча ишлар ноиб бўлмаганда аҳолига ниҳоят оғир тушуб муатгал ва мутазаррир ўлурлар) ноиб албатта лозимдир.

40. Қози ва ноиб вазифалари ҳозиргидек халқ тарафидан берилиб, идораи руҳония тақдир этар. Ёинки мақтуъ вазифаи шаҳрия тайин этиб, халқдин олинатурган «расм»лар идора касасинда ҳифз ўлунур.

41. Бир қози ҳукмига норози киши ҳозиргидек 4 қозидан мураккаб сьездга ружуъ этар. Ҳозиргидек чрезвычайний сьездларда таркиб топилур.

42. Сьезд қозиларни ҳукми идораи руҳония ва дохилияғача марфуъ ўлуб имзо ва мустаҳкам ёинки истинофи фасх ва лағв ўлунур.

43. Қазо доираларинда ёзилатурган барча ҳужжат ва ҳукм ва тазкира ва дафтарларни туркийча ёзилуб, даъво ва ҳужжат суммалари номутаноҳи ўлур. Бу мактубларни формаси идораи руҳония ва дохилия тарафидан кўрсатилур.

44. Туркистон қозилари ҳозирги барча сўраб турган ишлари ва минбаъд қатлдан бошқа ва барча даъво ва ҳуқуқ ва идораи руҳония ва дохилияни тоштирадурган ҳар нав ишларни сўрайдур.

45. Туркистон қуззотини ҳузурига тасдиқ этилмиш барча васойиқ ва ҳукмлар ва хутутлар Русия адлия маҳкамаларига қабул қилинса керак.

46. Умум тижоратхоналар ва ажнабий табааси ва ғайридинлар ила бўлатурган иш ва даъволар тўғрисида идораи руҳония ва дохилияни бературган қонуннома ва дастуруламаллариға мувофиқ ҳаракат ва ҳукм қиладурлар Қайд: ҳозирги Туркистон дорулқазолари ҳукм ва файсала, даъвий ва муқоволот муҳаррирлиги ва руҳоний фатволарни ҳовийидурлар.

8

Жоний ва бадкорлар

47. Туркистон халқидан шариат ва ё закон маҳкамаларига 3 мартаба ўғрилиқ ва ё умумға зарар келтиратурган гуноҳлар собит бўлганда жазосини тортгандан сўнг идораи руҳония хоҳлаганда Туркистонни ўзга маҳаллиға муваққатан ёинки муаббад ҳайдалсун.

48. Ғайритуркистонийлардан бўлган гуноҳкорларни биринчи мартабаға табдили макон ва ё ихрожи Туркистон қилмоқға идораи дохилия қодир бўлса керак. Идораи руҳония ва дохилия жазо тўғрисида дорулқазолар учун қонун тузар. Қатл ва ё катта ва даъволарға фавқулодда ҳукмлар тайин эдар.

9

Туркистон яҳудийлари ва ажнабийлари

49. Туркистон яҳудийлари ва мажусий ва православнийдан моадо ажнабий мазҳаб кишиларни ўз орасиндаги даъво ва ишлари ўз расм ва одатларинча ўз катталари ҳузуриға файсала топиб, аммо Туркистон одамлари ила муносабатлик ҳар нав иш ва даъволари идораи руҳония ва дохилия ва Туркистон қуззоти маҳкамалариға сўраладур. Ва мазкур мазҳаб кишиларини одат ва эътиқодоти мазҳабиялариға шариат одоби дохилинда риоя ўлунур. Ва хусусий қонунлар тасниф ўлунур.

50. Хорижия мамлакатларини ва Ичкари Русиядан келатургон мазкур мазҳабларға тобе кишиларни ҳам туркистонлиларға

бор даъво ва ишлари идораи руҳония ва дохилия ва Туркистон қуззоти маҳкамалариға сўралсун.

Изоҳ

Идораи руҳония ва дохилия асоси хусусинда фикри ожизонама келган шайлар юқориға баён бўлмиш моддалардан иборатдур. Шимди ҳукумат идоралари тўғрисида бир қоч талаб ва модда ёзиб, аладдул эҳтиром мусулмон фракциясига тақдим этадурган маъризамни итимоом эдарам.

Мулкий маҳкамалар хусусинда

1. Туркистон крайи бош маҳкамасидаги мулкий ва молий ва илмий шуба ва мажлисларина мусулмонлардан муваззаф член ва мушовирлар тайинлансин.

2. Барча вилоят маҳкамаларин шул тўғридаги мажлис ва шубалариға мусулмондан лозим қадар член ва мушовир тайинлансун.

3. Ҳар бир шаҳар ва катта қасабаға «Городский Дума» очилиб, гласнойлар аҳоли жинсига тақсим қилинсун.

4. Городский голавани гласнойларни ўзи сайлансун.

5. Русия адлия маҳкамаларини сайловиға ва андаки мансаблара сайланмоға мусулмонлар ҳақли ўлсунлар.

6. Туркистон маишатида хабарсиз юристларни Туркистон адлия маҳкамалариға ҳоким тайинланмасун.

7. Ҳозирги қаттиғ низомлар ва чиновликларға берилган ихтиёрлар энг тезлик илан фасх бўлсун.

8. Қози ва ё судялар жазо тайин қилмагунча ҳеч кимни ҳибс қилинмасун.

9. Туркистон қуззоти байъбот васиқасини 300 сўмдан зиёда сини қилмасин деган сўз бекор бўлсун.

10. Туркистонға идораи руҳония тезлик илан очилсун.

11. Қозилар ҳукми прокурорлар назоратидан чиқарилиб, идораи руҳония тасарруфига топширилсин.

12. Дорулқазо хатлариға олинатурган марка низоми бекор бўлсун.

Вақфлар хусусида

13. Туркистонни забт бўлмиш ақори манқул ва нуқуд вақфлари ва аларни забт бўлгандан бери ҳосил ўлмиш прод вакиллари идораи руҳония ва дохилия тасарруфига топширилсун.

14. Вақфларни бошқармоқ ва тақсимдан воқиф бўлмоғи шариат ва шарти воқиф бўйинча идораи руҳонияга тейишли бўлса керак.

15. Вақф бино ва таъмирот ва ажзолари ва ҳар хил мустадрик вақф ақорот ва манқулот ва нуқудлари идораи руҳония қарори ила масрафига берилсун.

Қайд: масалан, хароб бўлмиш дахма, минора, мадраса, хонақоҳ ва аларни ажзоси ва ўрни.

16. Вилоят маҳкамалариға маҳфуз вақфнома ва авқоф планлари идораи руҳонияга топширилсун.

Умуммактаблар

17. Русияга умумўқитув масала ва моддаси Туркистонни му-савиян муштамил бўлсун.

18. Туркистон мактаб ва мадрасалари ҳукумат назоратидан озод бўлсун.

19. Умумўрта ва олий мактабларға мусулмонлардан комиссия тайинлансун. Рус ҳарфи мусулмон миллатиға жабрий бўлмасун.

20. Ҳар хил корхона, ҳибсхона ва аскархоналарғаки мусулмон бордур, мусулмон руҳонийси тайинлансун.

Сув ва ерлар хусусида

21. Туркистонға дунёни ҳар тарафидаги мусулмоннинг ер олмоқға ҳаққи бўлсун ва, инчунин, дунёга туркистонлилар-да шерик ўлсунлар.

22. Сахро, биёбон, кўҳистон ва шаҳар халқини қадимдан бери ўртага қўйиб муштаракон нафланиб келаётган яйлоқ, чашма, беша, кон, кўл, марғзор, наҳр ва сувларга ўхшаш сабаби ҳаёт ва тараққийлари бўлгувчи нимарсалардан нафланмоға монёъ бўлгувчи законлар лағв бўлсун.

23. Наҳр ва катта ва кичик ариқ сувларини тақсими аҳолини иттифоқи ва машварати ила бўлсун.

Қайд: ҳозирги рус бош миробини тақсими кайфияси аҳолига кўп зарар келтурадур.

24. Туркистон халқи талаб қилмагунча Туркистонға муҳожир юборилмасун.

25. Туркистон шаҳарлари дохилиндаги ерлар янги низом вазъи бўлгунча, хоҳ муваққат ва абадий бўлсун, гайримусулмонга берилмасун.

Тамом

ТУРКИСТОНДА ИСЛОҲОТ

Марҳаматлик подшоҳ императури аъзам ҳазратларини фармони олийларига мувофиқ фаҳоматлу граф Пален жаноблари Туркистон музофотини тафтиш учун Тошкандға келиб аҳоли аризасини эшитмоқ учун мусоада ва эълон этганлари газетлардан маълум бўлур. Фаҳоматлу муфаттиш жанобларини маълумотлари, албатта, императур ҳазратлари ва шўрои давлат ва мажлиси миллатғача пешниҳод қилиниб, оянда учун Туркистон музофотиға вазъ бўлатурган янги закўнларға албатта асослик мақомиға кирар. Бу зот подшоҳ тарафидан юборилган киши, яъни подшоҳимизни бизға назорат этатурган ва маояна қилатурган кўз ва қулоқлари ҳукмиғадур. Ва бизни аҳволимизға назар солмоқ ва муродимизни билмоқ учун юборганларига, албатта, миннатдорлигимиз лозим.

Келур Туркистонда ал-он жорий бўлуб турган қонунларни ислоҳ ва тағайюр этмоққа импературни фармони олийлари бўлгандур. Мазкур янги қонунларға дохил қилмоқ учун кераклик

ишлар ва муддаоларимизни ёзиб, қўл қўйиб муфаттиш жанобларига топширмақ барча Туркистон пешравларига лозимдур. Мундай ишлар ва замонлар йигирма-ўттуз санага зўрға бир мартаба воқеъ бўлур. Ўз шаҳримизга подшоҳимиз тарафидан муфаттиш келиб: «На сўзларингиз бор, ман эшитарман», – деб турганда бизлар кераклигимизни ёзиб бермасак жамоди ҳукмини олурмиз. Хўб кераклигимиз ва энг зарури кераклигимиз надур деган кишига арз қиламанки, Туркистон бир катта мамлакат ва ани замонча керакликлиги ниҳоят кўб ва ани беш, ўн, юз саҳифа ёзган ила тамом қилиб бўлмайдур. Ва Туркистонни шаръий ва урфий маҳкама ва иқтисодий, зирой ишлари ва мактаб ва мадраса ва авқоф муассасалари ва мулкӣ ва сиёсий ҳуқуқ ва талаблари ва билжумла аҳолини диний ва дунёвий тараққий ва ислоҳотлари, фикри ожизимча, шу усул ва моддалардан бошланса керак.

Яъни муфаттиш жанобларига берилатурган арзларимизни асосийси ушбулар бўлса лозим. Чунончи:

1) Государский думага (государственная дума – С.А.) Туркистондан вакил олмоқ;

2) Туркистон халқи ҳар ҳуқуқда русийлар ила баробар бўлмоқ;

3) Русияга жорий бўлатурган барча ислоҳотни Туркистонга шумули;

4) Туркистон мактаб, мадраса ва авқофларини назорат ва ислоҳи учун Умумтуркистонга бир «Идораи руҳония ва молия» очилуб, аъзоларни(нг) ярми уламои диний ва ярми образований мусулмондан сайлов ила тайин қилмоқ;

5) Русия ўрта ва олий мактабларига Туркистон мусулмонларидан кирмоқ учун тадбир жорий қилмоқ ва анда дини ислом ва адабиёти маҳаллия муаллимлари тайин қилмоқ;

6) Туркистон шаҳарларига дума ва ислоҳоти мадания барпо қилмоқ;

7) Забт бўлган авқофларни қайтармоқ;

8) Дорулқазолар тўғрисидаги маълум ҳудуд қисқинчилик қонунларни тавсия;

9) Аҳолини шаръий ва закўний ҳуқуқларига қўйилган ҳудудларни рафъи;

10) Улум ва қонуни жаҳидани мактаблар воситаси-ла Туркистон тилига, Туркистонга интишори;

11) Русия мусулмония мактабларини жабрий суратда шаҳар ва қаряларға таксири;

12) Зироат, саноат ва тижорат мактаблари очилиб, мусулмонларға қулай тариқинда вазъи програми ва ўзга шунга ўхшаш диний ва замоний ва мулкый эҳтиёжлар, лекин бу этилмиш талаб ва нимарсаларни ҳуқуқ ва муқобалаи билмисл ва қавоиди иқтисод ва қонуни давлат, иқтизоъи шариатга татбиқ этиб фалсафаси ила ёзмоқ керак, яъни умур ва қавонин, давлат ва рафтори маданиятдан хабардор ҳуқуқшунос ва замона ошно кишилар машварати ила ёзиб, қўллар қўйдируб муфаттиш жанобларига бермоқ керак. Ҳамда барча Туркистон вилоятларида бу фўрма ва бир муфидга талабнома бериб, кулли ва бир ислоҳот бермоқ керак.

Пристаф ва ҳокимларға берилатурган ош ва сув талош аризалари эмас, подшоҳга ҳамда анинг катта мунтазам бир давлат подшоҳига ўн миллиён мусулмонлар тарафидан берилатурган аризадур.

Мамлакатимизни(нг) закончишунос бойлари, шариатшунос қози ва замонашунос тараққийпарварлари гофил бўлмасун, бу фурсатдан истифода этиб, дин, миллат ва давлат тўғрисида хизмат этиб, бир-икки кунгина саъйи қилиб, мамлакат ва халқ ва дин керакликларини подшоҳимизга ёзиб юбормоқлари керакдур.

Самарқанд қуззот ва тижорат ва уламолари ўртасинда ушбу тўғриларға ариза ва лойиҳа ва талабнома топширмоқга сўз бордур. Лекин ҳар вилоят ва областники ҳар рангда бўлмай, ҳаммаси бир фўрмага бўлса лозим.

*Доъийил-хайр муфти Маҳмудхўжа бин
Беҳбудхўжа Самарқандий.¹²⁰ 1908 йил*

¹²⁰ ЎзРМДА. 1009-фонд, 1-рўйхат, 175-ийғмажилд, 25-в.

ЛОЙИҲА-ПРОЕКТ

17 ланчи октябрь 1905 санаси «Манифест» олияси илан барпо бўлган Биринчи ва Иккинчи Дума Мусулмон фракциясинда ҳам Туркистонимизни тафтишина боамри импературий келган граф Пален жанобларига тарафи ожизийдин мафруз – «Туркистон идораи руҳонияси» ва Туркистоннинг оянда маишати тўғрисида бир лойиҳа тақдим қилиниб ва ул лойиҳа юз қадар моддадан иборат эди. Мазкур лойиҳа нусхаси ўзумдан йўқолибдур. Ва, ал-онки, биз Туркистон мусулмонларининг усули идора ва қозихоналарини тағайюрига сўз бўлуб турубдур. Мазкур лойиҳадан сўз очмоқни нофеъ билинадур. Афсуски, лойиҳа йўқолибдур ва, илло, айнан ёзар эдук. Бовужуд шул хотирада қолганларидан хулосасини ёзармиз. Муҳтарам аҳли ватанимизни лутфан қулоқ бериб ҳам баёни афкор этмоқлари маржудур. Чунки дорулқазо идораи руҳония масалалари миллатни ҳаёт ва мамотидан иборатдур. Қозихоналаримизни(нг) суқути замони яқиндур. Қозихоналар бу ҳолда қолмайдур, мутлақ кичик бўлуб қолур, зотан, ҳозирги ҳолинда қозихоналарни ўзимиз буздук. Қозихоналарни миллатнинг ҳаёти замония ва илмияларига таъсири йўқдур. Балки қозихоналар авом миллатни нуфузига гирифтор ва ҳеч бир дорулқазо бизни ҳаёти диния ва миллия ва илмия ва маданиямизни ислоҳига ҳаракат этмайдур. Ҳаёт ва маишатнинг ислоҳига саъй этмоғи нари турсун, тасарруфинда қонунан ва шаръан топшурулган ишларга ҳам қарамайдур. Масалан, сағирлар моли дафтарда бор, нафсулаам дафтардагини ярми, баъзан балки тўртдан бири-да йўқ. Бошқа ишларда шунга қиёс қилунсин. Боқулик ва юз миллиёнлар эгаси машҳур соҳиб ул-хайрот, генерал, Ҳотами замон Ҳожи Зайнулобидин Тақиев жанобларига бир киши даъво қилдики (ўз хонасинда манга изо ва ҳақорат еткурди), бу қоронғу уйдаги ҳодисанинг даъвоси судда собит бўлуб, миллиёнер Ҳожи афандининг йиллар ила маҳбус бўлишига қарор берилди (ал-он манифестлар ва бошқа сабаблар ила бир ҳафта маҳбус қилинмоқға Петербурғдан қарор берилибдур). Агарда Ҳожи Зайнулобидин жаноблари туркистонли бўлуб ва Туркистоннинг мажмаъ қуззоти (съезд қозилари) ҳузуринда феъл таҳқири воқеъ бўлса эди, балки бир уни зарб

ва чарх этса эди, собит бўлмас эди, яъни маҳкум бўлинмас эди. На учун? Риоя, масоҳилона шариатни шул тариқа хор қилдук, энди авлодимиз, иёлларимиз, закўнчилар эшиги ва закўнчилар даллоли ва тилмочга пул тўқуб хушомад қилиб хор ва дарбадарбўларки, мунга ўзимиз сабаб «Инноллоҳалайғайирума биқовмин ҳатта йўғайирума би анфусиҳим»¹²¹, оҳ, бизларга бу оз, наўчунки мансаб қазодек бир ўрунда ваҳазрат Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ мулоҳаза ва оё қилган бир ўрунда шунча (мулла)лар туруб сирф бир авомни Худодан қўрқмай, расулуллоҳдан ибo қилмай, дунё одамларидан уялмай рўсиёҳ ақча-пора, ришва сабаби-ла сийлаймиз. Олдимиздаги кулфатлар оздур, оҳ, кошки, кулфатини дунё ва охиратда ўзимиз тортсак эдук, ажойибки, гувоҳни биз қилармиз дунёга, кулфатини авлод иёллимиз кўрар. Эртага бизни варасамиз, иёллимиз, сағиримиз судя маҳкамалари ва закўнчи эшиклари ва закўнчиларни кўмиссияхўри мусулмон даллоллари қўлига ва йўлига барбод бўлурлар. Кошки, ўзимиздан закўнчи ва судяликга лойиқ кишилар бўлса эди. Шунида ёзмоқ керак, закўн ва судя бизга жабр қилмайдур, балки тил билмаганимиздан, закўн билмаганимиздан, замондан хабарсизлигимиздан жабр кўрармиз, оре («Ма асобака мин ҳасанатин фаминаллоҳи ва ма асобака мин саййиатин фамин нафсик»).¹²²

«Ойна» муҳаррири
«Ойна». 1913 йил 21 декабрь.
№9

¹²¹ Қуръони Карим. 13:11. «Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Оллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас» (*Аловуддин Мансур таржимаси*)

¹²² Қуръони Карим. 4:79. «(Эй инсон), сенга етган ҳар қандай яхшилик фақат Оллоҳдан, сенга етган ҳар қандай ёмонлик эса ўзингнинг қилмишингдандур!» (*Аловуддин Мансур таржимаси*)

ЛОЙИҲА-ПРОЕКТ

(Давоми)

1) Туркистон музофоти учун бир «Идораи руҳония ва мулкия» ва бул «Идораи руҳония ва мулкия» Туркистоннинг осимаси Тошкандда, шуъбалари Туркистоннинг беш вилоят-областига очилса керакдур. Ҳар бир шуъбага тўрт аъзо бўлуб, бу аъзоларнинг ярми уламои диний ва ярми уламои замоний, яъни олий ва ё ўрта образованний – зиёли – киши бўлса керак. Буларнинг раиси мазкур зиёли мусулмондан бири бўлур. Нафси бош идораи руҳония ва мулкияга ҳам мазкур икки синфдан тўрт нафар аъзо бўлуб, яна алайҳида бир раис тайинланса керак. Бу раисни, албатта, улуми диний ва замонийга олим бўлиши лозим. Ва бул бўлмаганда мутлақ олий зиёлик бўлуши керакдур.

2) Зиёли аъзолар мактаб шаҳодатномаларини кўрсатгандан сўнгра ва олими диний аъзолар имтиҳон бериб ва мансуб бўлатурган ишлариға аҳл эканликлари собит бўлгандан сўнгра мавжуд элликбошилар тарафидан сулсони аксарият (учдан икки) нинг раъйи-ла сайланиб, идораи руҳониянинг раисини тақдими ила ҳукумат тарафидан тасдиқ қилинадурлар.

3) «Идораи руҳония ва мулкия»нинг Тошкандда ва шуъбаларининг Сирдарё – Фарғона – Ёттисув – Самарқанд – Мовароиб-бахри Хазар вилоятларининг маркази – вилоят шаҳарларинда маҳкама ва лозим қадар мусулмоний ва русий котиб ва маъмурлари бўлуб, бу маҳкамалар аъзо ва котиблари подшоҳлик маҳкама ва маъмурлари қаторинда ҳисобланиб, рутбалик ва хазинадан вазифалик бўлса керакдур.

4) Идораи руҳония ва шуъбаларининг таҳриротини ҳукумат маҳкамалари илан русча ва аҳоли, қуззот ҳам вўлостной управителлар илан ўзбекча бўлса керак.

5) Мавжуд вилоятларнинг уезд «санжоқ»и тўртдан зиёда бўлганда идораи руҳония ва мулкия вилоятнинг аъзосидан зиёда бўлур. Масалан, бир вилоят уч санжоқ бўлса ҳам, идора аъзоси тўрт, агарда беш бўлса, беш аъзо бўлур ва аммо ҳар бир идораи вилоятнинг аъзоларидан икки нафари олими диний

бўлса кифоя ва андан зиёдаси зиёликдан сайланса керакдур (бақияси бор).

Маҳмудхўжа
«Ойина». 1913 йил 28 декабрь.
№10

ЛОЙИҲА-ПРОЕКТ

Туркистон «Идораи руҳония ва мулкия»си ёзулди. Ёлғуз идораи руҳония эмас, чунки Русия импературларининг ва рижоли давлатнинг одиллиги сабабдан биз ёлғуз руҳоний эмас, балки мулкий ва ҳуқуқий, яъни гражданский ва уголовный ишларни сўраб, ўз орамизга ҳукм этмоқга қодирмизки, мунинг кайфиятини аввалги мақолаларда баён этдук. Ва ҳам биз Туркистон мусулмонларининг ушбу ҳуқуқ ва ихтиёримизни барҳам бермасликга рус ҳамватанларимиздан ҳам тарафдор кишилар бордур. Машҳур Остроумов жанобларининг ҳам ушбу фикрда эканликларини Русия жаридаларидан қайси бир мусулмон жаридаси ёзиб эди. Туркистон баланд даражалик катта волийси маҳкама-ларидида бўлган қозиларни барҳам бермоқ тўғрисидаги лойиҳада Туркистондаги маъмурларни раъйлари ҳам мухталиф деб айтиладур. Демакки, руслик нуқтаи назариндан бизни қозиларни баҳарнав борликига тарафдор мавжуддир. Биз – мусулмонла(р)-га, албатта, қозиларимиз бор бўлуб туруб, аммо усули сайлов ва ҳам қозихоналарни усули ҳукми эмас, қувваи ижроиясига замонча ислоҳот лозими билинадур ва бу ислоҳот ва танзимот учун «Идораи руҳония ва мулкия»га эҳтиёж шадиддур. Тасаввурдаги «Идораи руҳония ва мулкия» қозихона ишлари, тақсими вақф, мактаб ва мадраса, масжид, жомеъ, такъя, муаллим, мутавалли, мударрис, талаба, имом, муаззин ва ўзга диний ва миллий ишларимизни замонча ислоҳи ва интизомига қараса керакдур.

Чунончи, «Идораи руҳония ва мулкия» аъзолари қозихона ҳам мактаб ва мадорис тўғрисида ислоҳот ва замонча танзим қилмоқ учун лойиҳалар тузатиб, ҳукуматга топшируб, мустаҳкам

қилдируб, сўнгра татбиқ этдурсалар керак. Қози, муфти, мудар-рис, муаллим, имом, муаззин ва ўзгаларни имтиҳон этиб шаҳодатнома берарлар. Қозихонанинг ҳукм ва талабларини ижросиға замонча қоида ва лойиҳалар тартиб этарлар. Қозихоналарни кайфияти ҳукми, албатта, бир вафқи шаръ бўлур. Аммо ҳукмларни ижро ҳам матлуб ва маҳкумларни дорулқазоға еткурмоқ бобинда янги ва замоний қоидаларға эҳтиёж бордур. Васойиқ ва ҳужжатномани кайфияти таҳрири ва шартномаларни танзим ва тасдиқина ҳам ислоҳот керакдур. Масалан, қозихоналарда тасдиқ қилинган ваколат ва раҳннома ва амсоли закўнда қувватсиздурки, буларни, аввало, ислоҳ этиб, сўнгра ҳақ бермоқ керакдур (ижро, ҳукм тўғрисидаги эҳтиёжни бошқа вақт ёзармиз). Инчунин, қозиларни нотамом ҳукмларида «Идораи руҳония ва мулкия» доирасинда истиноф ва ё тамиз кайфияти ила тамом бўлса керак, балки ҳозирги съезд, мажлис лағв қилинуб нотамом ҳукмлар тўғри «Идораи руҳония ва мулкия» вилоят мажлисиға топшурулмоғи аввалидур (судялар иши агар ваҳий судларда истиноф бўлгандек). «Идораи руҳония ва мулкия», албатта, Туркистонда сув ва нон каби лозимдур. Саккиз, ўн миллиён халқ учун ҳодийи руҳоний ва марказ керакдур. Ал-он бизни илмий ва руҳоний ва маиший ишларимиз ҳеч бир марказға банд эмас ва ҳар ким ўз бошиғадур. Бу кетиш ила бузулмоқ ва забун бўлмоқдан бошқа чора йўқдур. Ал-он бизим уламо ва руҳоний ва барча муаллимларимиз авом аҳолиға тобедур. Аларни раъйиға юрмаса жаҳт ва мансабдан айрилур. Хулоса, бизни бақо ва давомимиз учун бизға марказ, яъни «Идораи руҳония ва мулкия» лозимдур. Мунсиз маҳв ва барбод бўлурмиз. (Бақияси бор)

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Ойна». 1914 йил 4 январь. №11

ТУРК АДАМИ МАРКАЗИЯТ (ФЕДЕРАЛИСТ) ФИРҚАСИНИНГ МАРОМНОМАСИ

Ахтори махсус

Туркистонда мухторият ва федерация идорасини вужудга чиқармоқ учун бирдан-бир чора Туркистонда қувватли бир адами марказият (федералист) фирқаси ясамоқ эдувунда шубҳа йўқдур. Мана шул адами марказият фирқаси ҳар ерда ташкил қилинуб, аъзо қабул эта бошлади. Туркистон учун миллий ва маҳаллий мухторият истагон ҳар бир мусулмоннинг шул фирқага аъзо бўлуб кирмоғи ва қўлдан келгунча шулни тақвия ва таъмиясиға хизмат қилмоғи лозимдур.

I. Давлат ва мухторият ташкилоти

Фирқанинг мақсади: 1. Русияда маҳаллий ва миллий адами марказият (федерация) асоси узра халқ жумҳурияти ташкил этмакдур.

2. Фирқа Туркистон, Қирғизистон, Қофқоз ва Бошқирдистон қитъалари (ўлкалари) учун ва бошқа миллий ва маҳаллий мухторият, Идилбўйи ила Қрим татарлари учун бошқа, Русияда яшайдурган турк қавмлари (халқлари) учун миллий мухторият талаб қиладур.

Қайд: бошқа мусулмон ватандошлар ҳам ўзлариға мухторият талаб қилсалар, фирқа анларға ҳам ҳар жиҳатдан ёрдам берадур.

3. Мухториятли қитъаларда очиладургон мажлиси мабъусонға (депутатлар палатаси), маҳаллий идораларға ва бошқа бутун ташкилотта сайланадурган аъзолар умумий, баробар, яширин ва бевосита сайлов усули ила сайланадур.

4. Миллатнинг йигирма ёшиға етуб аҳлият пайдо қилгон ҳар бир фарди: эр бўлсин, хотун бўлсун – синф, дин ва мазҳаб айирмасиға боқмасдан – сайламак ва сайланмак ҳақина моликдур.

Қайд: мусулмон хотунларнинг сайловга иштироклари доираи шаръия дохилинда (шариат доирасида) бўлур.

5. Юқорида мазкур барча мухториятли қитъалар марказий ҳукумат ила ватан мудофааси, пул чиқармак, бож ва хорижий

ҳукуматлар ила муносабатда бўлмоқ хусусларида алоқа ва иртиботини (боғликликни) муҳофаза қилур.

6. Мухториятли қитъалар дохилий масалалар (идорий, молий, шаръий, маданий, адлий ва маориф ишлари)да мустақилдур.

7. Ҳар бир мухториятли қитъанинг марказида қонун ясайдурган бир мажлиси мабъусон ва ул қонунни ижро қиладурган бир ҳайъати вукало (вакиллар ҳайъати) бўлур.

8. Ҳар бир мухториятли қитъалар маҳаллий ишларда кенг имтиёз ва ҳуқуқларга молик вилоят (область), санжоқ (уезд) ва ноҳия (участка)ларга бўлинур.

9. Ҳар бир мухториятли қитъанинг расмий тили аксар халқнинг сўйлағон тили ва шеvasи бўлмоқ ила баробар вилоят ва санжоқларда ерлик халқнинг сўйлашадурган тил ва шевалари ҳам истеъмол қилинур.

10. Ҳар бир мухториятли қитъаларда ватан муҳофазаси учун халқ милицияси ташкил қилинуб, ҳозирги ташкилоти аскария (ҳарбий ташкилотлар) усули битирилур.

II. Миллий масалалар

1. Русияда яшайдурғон турк миллати нажибасининг (туб миллатнинг) барча қавмларига оид умумий масалаларни ҳал ва тавсия қилмоқ учун миллий ва маданий иттифоқ ташкил қилинур.

2. Бу иттифоқнинг қаю тариқада ясалмоғи, ҳуқуқ ва вазифалари мухториятли қитъаларнинг биринчи қурултойида тайин қилинур.

III. Диний масалалар

1. Ҳар бир мухториятли қитъада холис диний ишларни қарамоқ учун марказда маҳкамаи шаръия (шариат маҳкамаси) ва вилоятларда онинг шуъбалари ва ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва элларда қозихоналар очилур.

2. Русияда яшайдурган бутун мусулмонларнинг қавмият ва мазҳабларини айирмасдан, диний масалаларни ҳал ва тавсия қилмоқ учун сайланмиш бир шайхулислом таҳти раёсатинда

барча мусулмон қитъа ва миллатларининг вакиллари мураккаб бир ҳайъати диния қурилуру. Бу ҳайъатга турк бўлмагон мусулмонларнинг ҳам вакиллари иштирок қилуру.

3. Вакиллар сайланганда ҳар қитъанинг нуфуси (аҳолиси) эътиборга олинуб, вакилларининг нуфусига қараб тайин ўлинуру.

IV. Мухториятли қитъаларда аҳлият (фуқаролик ҳуқуқи)

1. Жумла аҳоли, қайси дин ва қайси мазҳабда бўлса ҳам, қонун қошида баробар саналуру.

2. Ҳуррияти виждон (виждон эркинлиги) том маъноси-ла ижро қилинуб, аҳолидан ҳеч ким дини, мазҳаби ва эътиқоди учун таъқиб ва таъийқ қилинмас.

3. Дин ва мазҳаблардан ҳеч бири ҳукумат тарафидан бошқаларга таржиҳ қилинмас (ортиқ кўрилмас).

4. Ҳар ким ўз фикрини, хаёлини сўйламакда, матбуот ва бошқалар воситаси ила нашр ва эълон қилмоқда ихтиёрлидуру.

5. Уй ичларида бўлсун, очиқда бўлсун, истаган масалаларини музокара ва ҳал этмак учун ҳар кимнинг йиғилиб ижтимоъ ясамоқга (йиғилмоқга) ҳаққи бордуру.

6. Жамият ёки бир иттифоқ ясамоқ учун ҳеч кимдан рухсат сўрамакга эҳтиёж йўқдуру.

7. Ҳуррияти шахсия ва муҳофазати байтия (оила муҳофазаси) тамомила татбиқ қилинуб, тейишли маҳкамаларнинг қароридан бошқа бировнинг уйига кируб тинтимоқ, хат ва китобларни қарамоқ мумкин эмасдуру.

8. Қамалган ҳар кишини йигирма тўрт соат ичида тейишли маҳкамага топшурулмоғи лозимдуру.

9. Поспурт усули битирилуру, хоҳ мамлакат дохилинда ва хоҳ хорижинда ўлсун, ҳар ким хоҳлаган ерига ҳеч кимдан сўрамасдан кетмоқга ҳақлидир.

10. Юқорида мазкур барча аҳлият ҳуқуқи асосий қонунга дохил бўлуб, мудофаа ва муҳофазаси маҳкамаи олияларга ҳавола қилинуру.

V. Иқтисод ва молия масалалари

1. Фирқа барча солиғларни битируб ва барҳам беруб, фақат ер, сув ва тижорат (савдо-сотиқ) даромадлари ва бошқа шаръий йўллардан солиғ пули олмак тарафдоридур. Бу солиғнинг миқдори даромаднинг ортмоғига қараб миқдор ва ҳам фойдада ортуб борадур.

2. Фирқа ҳунар ва деҳқончиликга кераклик асбоб ва машиналарнинг ва аҳоли тарафиндан ишлатиладурган биринчи зарурий нарсаларнинг кўп ва арзон бўлмоқлиги учун бож солиғининг озайтормоғини талаб қилур.

VI. Ер масаласи

1. Фирқа подшоҳлик мулкларини ва подшоҳнинг хусусий ерларини ва князлар хонадони махсус ерларини(нг) барчасини бадалсиз (ҳақ тўламай) мусодара қилинуб, ҳосил мажмуъидан лозим миқдорича экинчилик ила машғул бўлгон маҳаллий халқга сотмак ёки ижарага бермак тариқи ила тақсим этилуб, ер берилишини лозим топадур.

Хусусий ерлар тўғрисида

2. Туркистон қитъасидан бошқа бутун Русия вилояти ўзига махсус қандай бир қонун қабул этса мухтордурлар. Аммо Туркистонда ҳаддан зиёда хусусий мулкига молик пайшчик ва олповутлар кўп бўлмагон сабабли Туркистондаги хусусий мулклар ҳозирда ўз эгаларининг тасарруфида қолуб турурлар.

3. Баъзи ҳаводислар (ҳодисалар) сабабли (Мингтепадаги эшон воқеаси каби) жамоат қўлидан жабран мусодара қилинуб, бошқаларга тақсим қилингон ер ва қишлоқларни аввалги эгаларига қайтармоқга ҳаракат қилинур.

4. Ҳукумат ёки жамоат тарафидаги мусодара қилингон вақфларнинг барчасини вақфномага мувофиқ аслига қайтармоқ учун тейишли тадбирларга ҳозирдан бошлаб киришур.

VII. Ишчилар масаласи

1. Фирқа ишчиларнинг яттифоқ ва жамиятлар барпо қилмоқлариға ва лозим кўрилганда умумий ва хусусий сурат иш

ташламоқ воситаси-ла ўз ҳуқуқларини мудофаа қилмоқларига монеъ бўлинмас.

2. Ишчиларга махсус қўйилмиш қонун ва имтиёзларнинг хусусий хизматкорларга ҳам шомил (тегишли) бўлмоғини ва ишчиларнинг ҳуқуқини мудофаа қиладурган қонунларнинг ижросига боқадурган доирада ишчи вакилларининг ҳам иштирок этмоқларини талаб қиладур.

3. Ишчи хотун ва болаларнинг ҳуқуқларин муҳофаза этмоқ ва сиҳатларига зарарли ишлардан бутун ишчиларнинг хусусий қонун ва қоидалари ила идора этилмоғи матлубдур.

4. Хусусий қонун ва қоидалар таҳтига (таркибига) киритилмаган сармоядорлар била ишчилар орасида чиқадургон баъзи бир жанжал ва низолар ҳар икки вакилларида ташкил этилмиш ҳайъат тарафидан ҳал қилинур.

5. (1) Ўз ишчиларини истроховайт (страхование – социал суғурта) қилдурмоқга сармоядорларнинг ҳукумат тарафидан мажбур қилинмоғини, (2) қарилик ва заифликдан мудом ожиз қолгон ишчиларнинг давлат ҳисобидан истроховайт қилдирулмоғини ва (3) ишчиларга махсус қонунларнинг бузилмаслигини қонун ила муҳофаза қилинмоғини талаб қиладур.

VIII. Адлия масаласи

1. Маҳкамаларнинг ёлғиз қонун ва шариятга тобе бўлуб, ҳархил мудохилотлардан ва ташқари кишиларнинг халали ва анга қотишмоқларидан (аралашмоқларидан) холи бўлмоғи лозимдур.

2. Тейишли маҳкамаларнинг қарори қонунан тасдиқ этилмасдан ҳеч бир киши жазоланмас.

3. Ҳайъати ижроия тарафидан ҳакамларнинг тайини, азли (бўшатилиши), насби (тикланиши) ва ҳам табдилига (алмаштирилиши), хусусан, маҳкамалардаги ишларнинг боришига ҳеч бир баҳона ила мудохила (дахл) қилинмас.

4. Жазолар маршрута (конституция) усули ила, яъни мажлиси мабъусон тарафидан чиқарилган қонунга мувофиқ бўлур.

5. Истинтиқо (тергов) асносинда мудофаа вакил (адвокат) тутмоқ усули қабул этилур.

6. Жиноят маҳкамалари ёлғиз иккига айрилуру. Бири бидоят (бошланғич) маҳкамасики, ҳакамлари халқ ва жамоат тарафидан сайлануру. Дигари мумаййиз (бошқа ажратилган) ҳакамларга молик истиноф маҳкамасики, бидоят маҳкамасининг ишларин ҳақиқат ва тамйиз (ажрим) этар.

IX. Маориф ишлари

Маориф ишлари адами марказият авом (халқ) усулига мувофиқ қонун узра таъсис ва ташкил қилинуру.

1. Илм ва маориф ишларида жумла аҳоли дин ва миллатга айрилмасдан, эркак ва хотунлар баробардуру.

2. Макотиб (мактаблар) ишларинда хусусий шахсларнинг ғайрати ва маҳаллий идораларнинг ташаббуси ила ишланмиш ишларда ҳеч важҳ (сабаб) ила таҳдид қилинмас.

3. Тадрисот (дарслар)нинг озод ва сарбаст (эркин) ўлмоқлиги лозимдуру.

4. Макотиб орасида иртибот (боғлиқлар) бўлуб, ибтидоийлардан (бошланғич мактаб) рушдийларга (тўлиқсиз ўрта мактаб), рушдийлардан эъдодийларга (ўрта мактаб) ва эъдодийлардан олийларга (олий мактаб) қулайлиқ ила талабалар қабул қилинадурғон усулда бўлуб.

5. Дорулфунун ва бошқа олий мактаблар жумласи дохилий (ички) ишларда ихтиёрли ва тадрисотда озод бўлурулар.

6. Олий мактабларнинг авом орасида илм ва маданият хусусиндаги ҳаракат ва ташаббуслариға мумонеъат (монеелик) қилинмаюру.

7. Маҳаллий идораларнинг таълим ва тарбия хусусиндаги ғайрат ва ҳаракатлариға мумонеъат кўрсатилмайдуру.

8. Таълими ибтидоиянинг умумий, мажжоний (пулсиз) ва мажбурий бўлмоғи керакдуру.

9. Маҳаллий идоралар тарафидан катта ва буюклар учун очиладурган мактаб, кутубхона ва қироатхона ишлариға кенгчилик берилуру.

10. Хунар ва саноеъ (санъат) тараққийсиға ғайрат ва ташаббус этилмоғи керакдуру.

11. Ибтидоий ва эъдодий мактабларда тадрис (дарс) тили ҳар бир мухториятли аёлат (мухтор вилоят)нинг аксарият аҳолисининг сўйланадурғон тили ва шеvasида ўлур.

12. Рушдий ва эъдодий мактабларда рус тили ва умумий турк шеvasи лисон ўлуноуб, дарс берилмоғи мажбурий ўлур.

13. Олий мактабларда жумла туркларнинг умумий адабий тили ва шеvasи илан дарс берилур.

14. Қирқ бола йиғилса, ақаллиятда (озчиликда) қоладурғон миллатлар учун очилмиш ибтидоий мактабларда дарс ўз тилларида ўқулмоғи мажбурийдур.

15. Етарлик даражада талаба бўлур эса, ақаллият ташкил қилғон миллат болалари учун тадрисот (дарслар) ўз тилларида бўлмоқ шарти ила рушдий ва эъдодий мактаблари очилур.

* * *

Маромномада баён қилинган жумла мақсадларға етишмак учун фирқа аввалан жаноби Ҳақға ва сонинан (иккинчидан) тамоми меҳнаткаш ва миллатпарвар ватандошларға суялур ва така қилур.

ТУРК АДАМИ МАРКАЗИЯТ ФИРҚАСИНИНГ НИЗОМНОМАСИ

1. Турк адами марказият фирқасининг мақсади Русия мухторияти маҳаллий ва миллий асоси узра жумҳурияти авом (халқ жумҳурияти) ташкил этмакдур.

2. Фирқанинги мақсадиға хизмат этмакни хоҳлаган ҳар бир мусулмон, хоҳласа эркак, хоҳласа хотун, ҳар қайси маслак ва синфдан бўлса бўлсун, шифоҳий (оғзаки) ёки таҳририй (ёзма) суратда аъзолиқни хоҳласа, ушбу вақт фирқанинги икки аъзосининг шаҳодати (гувоҳлиги) ва ҳайъати идоранинги тасдиқи ила қабул қилинур.

Қабул қилинган аъзолар фирқанинги низомномасиға ва жамиятларининг қарорларина тобе ўлур.

3. Ҳар бир қитъадаги идораи марказиялар, вилоят идоралари, фирқанинги бошқа шуъбалари ва, лозим топса, идораи марказия

тарафидан гўндирилмиш вакиллар ҳар бирлари аъзо қабул қила олурлар.

Қайд: фирқанинг мақсади маълум бўлгон ҳар бир жойда, майл ва орзуси бир тўдалар мавжуд бўлганда, у ердан ташкилот қўмитасини таъсис этуб, марказий идорага эълон қилиб, марказий идора орасида алоқа ва иртибот амалга келтирулсун.

4. Фирқанинг зарариға ва зиддиға тўғридан-тўғри ва ё восита илан иш кўргон аъзолар ҳайъати марказия тарафиндан қатъи ва қарор ила фирқа аъзолиғидан чиқарилур. Агар чиқарилмиш аъзо ҳайъати марказия қарориға рози бўлмаса, умумий қурултойға арз қила олур. Надванинг (умумий мажлис) қарори қатъийдур.

5. Ҳар аъзо муайян вақтларда жамиятнинг тайин этдиги миқдорда фирқа сандуқиға аъзолик ҳақи верур.

Қайд: аъзо ёзилмоқни хоҳлаган киши аъзоликға кирмак учун бир сўм бермоғи лозимдур.

6. Фирқанинг умумий йиғин (надва)лари йилда бир мартаба идораи марказиялар (марказий идоралар) тарафиндан чақирилур.

7. Қитъа доҳилида чақириладурғон умумий надвалар фирқанинг қилар ишларини тайин этур, идораи марказия интиҳоб қилур (сайлар), мадохил ва масориф ваҳҳларини (кирим-чиқим маблағларини) тасдиқ этур ва фирқага оид бошқа масалаларни ҳал қилур.

8. Умумий қурултойлар ҳайъати ҳайъати марказия аъзоларидан, вилоят қўмиталари ва бошқа маҳаллий ташкилот намояндаларидан ва надванинг маслаҳати ила идораи марказия тарафидан чақирилмиш аъзолардан ташкил қилинур.

9. Намояндаларнинг адади ҳайъати идора тарафидан тайин қилинур. Ҳайъати идора маърифати илан чақирилган аъзоларнинг адади қурултойға иштирок этган умумий намояндаларнинг ўндан биридан ортиқ бўлмаслиги лозимдур.

10. Қитъа доҳилинда фирқа ишларига ва матбуотиға назорат этмоқ, бутун фирқа номидан расмий эълон ва баёнот бермоқ, хазина идораси бу ваҳҳ (маблағ) лойиҳасининг тартиби идораи марказияға тейишлидур.

11. Ҳайъати марказиялар қитъа қурултойлари тарафиндан яширун товуш ила жамиятда мавжуд аъзолардан бир йил муддатға сайланур. Ҳайъати идора аъзоларининг ададини надва тайин қилур.

12. Ҳайъати марказияни надваларнинг тайин этган шартлари ила ёки идора аъзолари чақирмоқга мухтордур.

13. Маҳаллий ташкилот қандай суратда иш кўрмакларини ва қайси йўлда идора ташкил этмакларини қурултойлар тарафидан манъ қилинмагон усуллар ила ўзлари тайин қилурлар.

14. Вилоят доҳилинда фирқа аъзоларини, фирқа ишларини идора этмак учун вилоят қўмитаси ташкил қилурлар.

15. Вилоят қўмитаси аъзолари вилоят қурултойи тарафидан бир йил муддатга сайланур.

16. Вилоят доҳилинда надвалар чақирмак маҳаллий қўмитага тейишлидур.

17. Вилоят қўмитасининг муносиб ва салоҳ кўрушига шаҳар, санжоқ ва ноҳия қўмиталари ташкил этмак мумкиндур. Бу қўмиталарнинг орасидаги муносабат вилоят қурултойи тарафидан тайин қилинур.

18. Фирқа аъзоларининг адади юзга қадар етгунча фирқа ташкилот ҳайъати тарафидан идора ўлину. Юз нафар аъзо йиғилгондан сўнгра мажлиси муассисон (таъсисчилар мажлиси) чақирилуб яширун сайлов ила идора ҳайъати тайин қилинур.

Қайд: биринчи идора сайловида ҳайъати идора аъзоларининг ярмиси ташкилотлардан ўлмоғи керакдур.

19. Бутун Русияда мавжуд фирқаларнинг фаолият ва вазиятини тайин ва тасдиқ этмак учун йилда икки мартабадан кам бўлмастик шарти ила жумла қитъада ва идораи марказия вакилларидан ташкил бир қўнгра¹²³ (зўр жамият) (конгресс) чақирилур.

20. Биринчи қўнгра Тошканд идораи марказияси тарафидан чақирилуб, кейин воқеъ бўладурган ижтимоъларнинг даъвати қўнгра тарафидан иккинчи идораи марказиялардан бирига ҳавола қилинур.

21. Идораи марказиялар қўнграси лозим билар эса бутун Русияда мавжуд фирқанинг умумий ишларини идора этмак учун умумий бир идораи марказия таъсис қилур.

22. Ушбу маромнома ва низомномани такмил ва таҳқиқ этмакга умумий қурултойнинг ихтиёри вордур.

СЎНГ

¹²³ Қўнградан мақсад «конференция» чақиришдир.

**ТУРК АДАМИ МАРКАЗИЯТ (ФЕДЕРАЛИСТ)
ФИРҚАСИНИНГ МАРОМНОМА ВА
НИЗОМНОМАСИ**

Бу қонунни бирлашуб ясовчи зотлар:

Мулло Камолуддин қози домла Раҳмонберди ўғли, Хўқанд;
Мулло Муҳиддин маҳдум аълам мулло Муҳаммад, Андижон;
Мулло Боқи охунд домулло Одилбой ўғли, мударрис, Анди-
жон;

Мулло Нуриддин аълам Йўлдошхўжа эшон ўғли, Андижон;
Мулло Муҳаммаджон бойвачча Камолжонбоев, тужжор, Ан-
дижон;

Мирзо Абдулқодирбек Мирзоаҳмад Қўшбегиёв, Андижон;

Мулло Обиджон Маҳмудов, тужжор, Хўқанд;

Мир Одил Мирзо Аҳмад ўғли, тужжор, Скобелев;

Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Тошканд;

Мулло Маҳмудхўжа Беҳбудий, муфтий, Самарқанд;

Абулқосим Муҳаммад Аминзода;

Муҳаммад Амин Афандизода, Қофқоз уламоларидан;

Садриддинхон маҳдум Муҳаммад Шарифхўжа қози ўғли,
Тошканд;

Мулло Мир Абдуллоҳ мулло Шоҳмирзо охунд ўғли, аҳли та-
лаба, Тошканд.

**5 зулқаъда
сана**

11 сунбула (11 сентябрь)

**1335 ҳижрий
сана**

1917 милодий¹²⁴

¹²⁴ Нашрга тайёрловчилар филология фанлари номзоди Аҳмаджон Ма-
даминов (Қўқон) ва Саид Мурод // Фан ва турмуш. 1990. №7. – Б.6 – 8. (Таъ-
кид бизники – С.А.).

САМАРҚАНДДАН КЕЛГАН МАКТУБ

Ал-изоҳ фий мутобақатин-низом ва амрул-волий вилояти Туркистон биш-шаръ

Ташрифоти лозима адосиндан сўнгра макшүф ўлсунки, ул баланд даражалик жаноб Туркистон генерал-губернаторини 1902 йилда 5 ноябрдаги 28-рақамлик фармойишларини баржой келтурмоқ учун Самарқанд областини военний губернатори 1902 йилда 19 ноябрда бўлган 6845-номерлик хабарнома фармойишлари ила Самарқанд области ва уездиға мансуб народной судялар муддаъий алайҳларға 2 саҳифалик повестка юбориб, жавоби даъво тўғрисиға таклиф қилиб, «агарда муддаъий алайҳлар қўл қўюб ва узрсиз келмаганлари собит бўлган ҳолда мазкур народной судялар ғойбонасиға шарият бўйинча буюруб ҳукм қилсалар, Туркистон музофотиға жорий бўлмиш низом манъ қилмайду» деб ва повесткаға ёзиладурган лозим шурут ва узрларни баён қилиб, жаноб уезд ҳокими воситалари билан Самарқанд области ва уездной судялари ва барча мансабдор ва фуқаролариға эълон айлаб ва ўрниға келтурмоқиға таклиф қилиб айдилар: Самарқанд уезд ва областиға мансуб жаноб қуззот зул-эҳтиромлардан баъзилари ушбу ғойбона ҳукм шаръий бўлмаса керак деб гумон қилиб ва ё баъзи фуқаҳотлик муфти ва муллолар ва ё тужжор, аҳли ислом ушбу ғойбона ҳукм шариятға мухалиф ва нофиз бўлмаса керак деб мазнун ўлуб, баъзи мажолисларға шаръан жавоз ва адам жавозига музокира воқеъ бўлгандур. Ва баъзи жаноб қуззотлар шаръий эмас деб фаҳм қилиб, ҳануз жорий қилганлари ҳам йўқ экан. Бандан бебизоат ўзумни устодларимға ҳам китоби фатвоға ружу қилиб, ғойбона ҳукм тўғрисиға ижтиҳод этулмиш масоили шаръиялар мафоди бўйинча мазкур хабарнома фармойишға қарор берилмиш мавод ва тафсилотни шаръи шарифға татбиқ қилдимки, жаноб Туркистон генерал-губернатори ва ҳам жаноб Самарқанд областини военний губернаторини мазкур фармойишларини ижросини шарият бўйинча дурустдур ва манофеъ масоили шаръия эмасдур. Кутуби фатвоға ружу қилинса, шул ғойбона ҳукмни мувофиқ ўшал фармойиш ижро қилмоғи жаноб

қуззот зул-аҳтиромларга тейишлидур. Ва бул муддаоға далилимиз Имом Қозихон фатво китобини 3-жилдиға 48-саҳифасиға даъво ва биноят тўғрисиға қозига лозим ва лозим эмас ишлар тафсилоти маводдинида мубайяндур. Ва, инчунин, ўзга фатво китоби олияларға ҳам бул моддани ижросиға далил кўбдур ва лекин мазкур 48-саҳифаға собит ўлинмиш масалаи шаръияни мухтасаран мазмун жумласидин хабар берамизки, масалан қозига арз қилинсаки, фалон одамға маним қазо ҳақим борки, дорулқазоға ҳозир бўлмайдур. Бас, қозига лозимдурки, ҳозир қилинсун ва агарда ожиз келса волийға, яъни ҳокимға қороз ёзсун ва ҳоким жавоб этсаки, анга зафар топмадим ва бул сувратға муддаъий талаб этсаки, муддаъий алайҳни боғлансун ва ё кўплашиб ҳозир қилинсун. Қози ушбу сўз ва талабни қабул ва ижро қилмасун ва маълум бўлсаки, муддаъий алайҳ ўз макониға мавжуддур, бул сувратда қози бир нафар одами ила муддаъийни бозам шуҳуд муддаъий алайҳ манзилиға юбориб нидо қилдурсунки, эй фалон бин фалон, фалон қози санга айтадурки, санга муддаъий бўлган фалон бин фалон ила дорулқазоға ҳозир бўл, агарда ҳозир бўлмасанг, санинг учун бир нафар одамни вакил нисб қилиб, муддаъийни гувоҳларини шаҳодатини эшитиб қабул қилинадур. Бас, муддаъий алайҳ эшитиб ҳозир бўлмаса, мазкур этилмиш ҳаракатни қилиб қози ҳукм қиладур. Марвийдурки, шул ҳукм ғойбона ва ҳаракати шаръийни жавозиғиға ҳазрат Имом Аъзам ва имомайн муттафиқдурлар, яъни ҳазрат Имоми Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳи таоло ва агарда муддаъий алайҳ бир мартаба келиб қози ҳузуриға иқрор бўлуб ва ҳукм мавқуф қолиб 2-мартабаға ғойб бўлса, вакилсиз ҳукм дурустдурки, мазкур 48-саҳифаға ҳам «Жомеъур румуз» китобини «Қазои аълал ғайб» мавридинда ва низ ўзга кутуби шаръияларға мубайяндур. Казолик тамарруд ила матлуб қози ҳузуриға келмаса, они ҳибс ва бошқа таъзиротлар ила таъзирға ҳукм қилмоқ қозига вожибдурки, муддаъийни талаби керак эмасдур. Интиҳо, бас ул баланд даражалик Туркистон генерал-губернаторини мазкур фармойишлари ва жаноб Самарқанд областини военний губернаторини повестка ва ғойбона ҳукм тўғрисиға кўрсатган қоидалариға мувофиқ амал қилинса, шариятға муҳолиф бўлмайдур. Чунки повесткаға муд-

даъий ва муддаъий алайҳни исми ва суврат даъво ва чақирилган мавзуъ ва вақти ва воқеа бўлган ҳолда қабулға олинадурган узрлар ва узрсиз келмаган суратға ғойбона ҳукм бўлмоғи батафсил ёзилиб, муддаъийи алайҳға тейишли мансабдорлар тарафидан огоҳлик бериб топшурулуб, бир саҳифасиға муҳрланиб, тейишли қозиға топшурилганлигидан сўнгра мазкур нидо ва жабр ҳар бир лаҳзада муддаъий алайҳға бўлуб турадур ва ани борлиги қозиға собит бўладур ва бул бобға тейишли мансабдорни топширган ахбороти ва муҳри шаръан ҳужжатдур ва ул мансабдор бул бобға повестка ила расул ва мунодийдур. Мутамаридан шул сувратға муддаъий алайҳ келмаса, азбаройи адам хиёнат қози ва ё дафъи туҳмат хиёнат қози тарафиндан азбаройи мушоҳида муддаъийи ва байна ва далил ва маъёёна ойтмон ва саҳиҳ ва қозини ҳаракат ва ҳукми шаръийсини кайфиятини фақад кўруб турмоқ учун бир нафар холис одамни нозир ва вакил байсмоъ мансуб айтмоғи мустаҳсани шаръий ва ақлийдур. Ва бул нозир ушбу ҳукм ва шаҳодатға дахл еткузуб дуруст содир бўлмоғидан бошқа ҳаракатиға шаръан ихтиёри йўқдур ва ё ғойб зарариға қавли ва феъли қабулға олинмайдур ва насаб вакил маҳз эҳтиёт ва нофеъ ғойб учундурки, шаръи лозим кўрмиш ва ихтилоф ақовили уламо ила қатъан келмаган муддаъий алайҳни ғойбонасиға вакилсиз ҳукм қилинса, ўйла ҳукмнинг нуфуз ва адами нуфуз яна шаръан сўз ва ирод кўбдур. Ва баъзи уламо мутақаддиминни раъйи шарифлари бул тариқа қарор берибдурки, вакилсиз ғойбона ҳукмини нуфузи алайҳида бир қозини имзосиға мавқуфдур ва бул замонда Русия ҳукуматдорларини амрлари ила қуззот вал ихтишомлар съезд маснад адлда мустақимдурларки, барча қуззия ҳукмлар тасфия ўлинмоқдадур. Ан-ниҳоя ҳукумати олия тарафиндан буюрулмиш ушбу таклиф ва қоидалар шаръийдур ва фикри банд ўлан ашхоси киром кутуби шаръияға ружуъ қилсалар огоҳ бўладурлар. Хабарсиз ношаръий деб азм этилмасунки, гуноҳдур. Ҳукумат ва низоми жориянинг аксар маводини шаръи шарифға татбиқ қилинса мувофиқ ва сазодур. Бандаи бибизоат чунки бардор ал-қазоъни муфтилик хизматиға маъмурам бир фавқи шаръи ҳоида жаноб военний губернаторимизға ғойбона ҳукм тўғрисиға бақадри фаҳми қосирим повестка мазмунини тақрир

қилиб амри қози ила бостируб манзур этдим. Самарқанд уездига тобе саъд съезд народний судялари ушбу повесткани ва усулни амалға киргизуб, шаръий билуб, истеҳсон этдилар ва бир муқтазийи шаръий ва амри ҳукком омилдурлар. Лиҳаза ушбу повестка жомеъ ва мутобиқи шаръий ва низомдан 2 саҳифасини идораи илмияларига ҳузури шариф, сиз муҳаррири киромға маъруз этиб таваққуъ қиларманки, мумкин бўлса, ушбу мусаввадани аввалидан охиригача айни маа нуска повестка жаридан зи самараи қазияға дарж этиб, шуюъ ва омили амри шаръия ва низомияға боис сабаб бўлса ва ҳам мутафаккир ва мазонун бўлган ашҳос аҳолининг мартабаи яқиния тавассулларина боис ва ҳодий бўлсалар.

Кўпдурки умуроти низомиядан халқи Туркистон мутанаффир ва мутаважжихдурлар ва аммо ул умурот мувофиқи шаръий ва лозими аъмолдур. Вале манфаат ва хосиясиндан умуман аҳолийи авом ва аксар хос гофилдурлар ва аксар умуроти низомия бордурки, аъмол ва иқтидоми шаръи шарифға мувофиқ ва мужиби манфаат ва давлатдур ва муставжиби тамаддун ва одамият ва тамвилдур ва бефойдасиндан хабарсиздурлар ва ушбу тафсилотдан мурод нуфуз ва шуюъ авомири шаръия ва низомиядур ва онларнинг мувофақат ва мутобақатини аҳолиға шоеъ этмоқингиздур ва баъзи адванларнинг қазо доирасига келмай қочиб юрганлари ва беш-ўн, балки зиёда повесткалар юборилиб ташвиш амру абтол ва таъхири муддаъий ва боиси таътили аҳкоми шаръия ва низомия бўлуши ҳожати батафсил йўқдур ва ҳар каски мафҳуми умри қабиҳадур, баъзи мавод идораи илмиянгиза, иншооллоҳ, айзан хизмат қиларман ва бул таклифи олийлари учун жаноб баланд даражалик Туркистон генерал-губернатори ва жаноб военний губернаторларға шаръи ва аҳоли тарафиндан айзан шукр ва изҳори мамнуният айтдук, яна мадюнимиз вале шаръ ва низом тарафиндан қарор топилган шурутларнинг ижро ва ихёси ва бажо келтурушини жаноб қуззот зул-аҳтиром ва шуъуб, булустной управител ва даҳа истаршиналари бепарволик қилмасалар. Ушбу усули мужиб манфаати аҳолидур, илмия ва сафия ва қаламия мансабдор ва умароларнинг хизмати шарифларига жасорат этдим, афуларин таваққуъ ва рижо қилдим, ар-роқим валади доъийи алан нос билхайр вас-саодот муфтийи дорилқазои қитъаи Кобуд мин уезди Самарқанд фақир ал-Ҳож Қори Маҳмудхўжа валади Қори Беҳбуд-

хўжа хатиб, банданинг маҳали иқоматим Самарқанд шаҳрида Халифа Лаълбек (Фоний) маҳалласига кулбаи мамлукумдур. Таҳрир этилди Самарқанд шаҳринда 1903 санаи милодия 11 март ойинда вас-салом вал-икром ъала манит-табаъал ҳуда.

«Туркистон вилоятининг газети».

1903 йил 3 апрель. №13.

1903 йил 15 апрель. №14

ИЛМНИНГ ФОЙДАСИ ҲАҚИНДА

Самарқанддан мактуб

Байт: «Ассалом ба зоти худованд дорад айби, Ҳар айб ки ҳаст дар мусулмоний мост».¹²⁵ Риждоли ҳукумат такаллифи-ла ижод ўлинмиш жамаиат анборларининг истишқолина на учун буюрулмиш хосиясиндан аҳоли беҳабардур, бир сана зарфинда ҳар даҳа яъни (сельский общество)дан ҳар бир таноб арзга зироатга бир муқобилина чори як (5 қадоқдан) жам эдилмиш ҳар даҳа маҳзанига авсат ҳисоб ила 50 ботмон, яъни 900 пуд, яъни 126 ботмон ғалла даҳа иқороти тақсимича дохил ўлуб, ўрта ҳисоб ила сана аввалига ҳар бир даҳадан 50 нафар фуқарога муҳтож деҳқон хавоижини раво этиб, 2-санада 100 ға 20 фоиз ва арса маҳози санадан қабз ўлинмиш ғалат ила ҳар бир даҳа жамаиат маҳзанига ўрта ҳисоб ила 177 ботмон ғалла жам ўлинуб 4-сана давринда казо ҳисоб ила ҳар бир маҳзани мавсуфада 256 ботмон, яъни 3648 пуддан зиёда, 8 даҳали бир бўлустга 29184 пуддан зиёда ғалат сармоия тамаддун ва маишат ҳосил ўлуб дунёвий ва ухровий мазмума маҳфузи бадиҳийдур. Казолик бу маҳзанлар маҳсулотидан сармоия тамаддун ўлан макотиб, фунуни жадида буюк Русиянинг ва бошқа таъсиёти хадиянинг ижодина ояндага дора ўлсак керакдур. Вале бул бойга ҳар бир даҳага анбар тайинланиб нозир сайланиб, дафтар ва вазоифи вазъий ўлинди. Санаи

¹²⁵ Ассалом, Худо учун айб-хато қилинади, ҳар бир айб-хато мусулмончилик учун хосдир.

аввалиға баъзи даҳа ғалати тамома ва баъзи андаги нуқус ила ва ҳифз ўлинди. Баҳор фаслинда ҳужжат ва васиқа ва дафтар қуззоти улул-эҳтиром раъояти-ла муҳтожларга берилди, вале на фойдаким 1902 санаси куз фаслида лозим ва мукаммал сура-тинда арбоб арса ва мадюниндан куллиян қабз ўлинмади. Бақия кўп қолди, нозир ўз ишига бўлуб дафотир бўшқа қолди, баъзи маҳзанлар бўш, илллати ҳужуми чигиртка ила баъзи бўлусларни анбарларидан ҳам асар комил зоҳир йўқдур. Ал-он муҳтож фуқаролар 2 ё 3 ойдан сўнтра буғдой берармиз деб соҳиби моллардан 20 тангадан 40 танга қадар пешаки пул оладур. Бул иш абасдур, чора лозим. Харита мутолибдан хабар олсак ҳама мавлид сафоҳат ва беилмлигимиздур. Даъво қилинсаки, бу қадар мужодала талаби мол на учундур, тоатмидур, балеки тоат учундур. Тоати исломдин мабнийнинг амридур ва тоат илмсиз ўлмас, илм бўлса ҳам молсиз қадардур ва нақи афзун ўлмас, мол ҳам асоби охират ва диндурки молсиз аркони дин ўлмас, закот ва ҳаж ва соир каби. Байт: «Моро ба тажриба маълум шуд дар охири кор, Ки қадри дин баилмаст, қадри илм бамол»¹²⁶ ва аммо баъзи аҳоли матбу ҳамдурки жамиат анборларининг ғалласи кўпайса, подшоҳлик бўлсами деб, балки ашхоси мазкурнинг ваҳмлари беасл ва нодонлиқдур. 40 сана муқаддам зироат ушри ва хирожиға на берар эдилар, ҳозир на берарлар.

Хонлар замондаги махуза одатдан неча даража нузул этмиш анга қараб қиёс этсангиз, албатта, ижроан бул суврат ҳасана ва ифтитоҳи махузан ражҳи нафъи аҳоли учундурки, 10 сана духули давом этса, ҳар бир бўлуст аҳолисининг мужиб тамвили бўлса керакдур, вале ноқис андишамиз, олимимиз адимиза кўра камдур ва баъзилари замондин хабарсиздурлар, демак илмдан (.....)¹²⁷ бу маҳозаннинг манофеъи узамоси мустақбалададур, анда зарур моли ва дини ва жониси маръи баъзи модданинг саб ал-шаръи тарк ё ислоҳиға уламои киромдан ку-

¹²⁶ Менга тажрибадан ишнинг охири маълумдир: диннинг қадри илмдир, илмнинг қадри фойдасида.

¹²⁷ Беҳбудийнинг эълон қилинаётган мақолаларидаги кўп нуқтали ўринлар аслиятда бор, чамаси, цензура айрим жумлаларни олиб ташлаган.
– С.А.

туби диния тарафиндан насиҳат эдилмаса, аҳолининг уқало ва синф воситаси деюрларки, расмдур, тарки бўлмас, нафи жони ва моли ва динияси зоҳир бир амр феълига тарғиб эдилса, деюрларки, марсум йўқдур, фахри ду жаҳон ҳазратимизнинг ҳадиси садоқат-лузумларининг натижаи хабарияси маълум ва равшан ўлдими, бўйлар ҳама натижа нодонлиқдур, одати балоларина дучор бу расм ижросина муқайядмиз, ул одат ва русуми фосидамиз мужиб сафоҳатимиз бўлбдур ва, билъакс, бу одати мустаъмаламиз шаръи шарифга муқобилдур.

Ақли салимимиз тажвиз этмайдур, казолик амалиёт ва фуруъиётдин мабни мувофиқ вазъи ва амри шаръи адои ийфо ва аъмолига қусуримиз кўпдур, аксар умури хайриянинг ифрот ва тағайюр ва исрофига муҳолиф шаръий одат қилинибдур. Ул исроф ва ифротдан касир ақвом ватанимиз жабр ва нуфузимиз зулм ўзимиздан ояд ўлмишдур, яъни умури хайрия шаръиянинг омолига хато ва ғалат расм тарафиндан лоҳиқ ўлинмишдур. Шаръан манҳий молиан мо зарликиндин ғафлатдамиз, чунки одат ва русумимиз ўйла ва вақтинча баён бўлғувчи умуроти қабиҳанинг биза айни шаръий зан этмишдур. Худованди карим муяссар айласа, хизмати уламо ва уқалоя вақтинча мустақбалада ориз ўлурмиз. Масдар бахшимиз ўлан рибо ва ғаюр зарарнинг тақдими бу маъни бобинда уламо ва қуззотларни насиҳатлари муайянада рижол ҳукуматимизнинг амр ва тадбири муъсардур, азбаски, ҳукм алиндадур яна бу амрида тасарруф ҳукумата муваффаздур. Бир шахси оқил ва олим ва комил демиш, байт:

*Сана ҳақ ким йўқ экан олами этмас пайдо,
Андин ўлмиш асари назм низомин ашё.*

*Иқтизои насқ мулки низоми миллат,
Хосу омнинг камин аъло, камин этмиш адно.*

*То зарар етмаса аднолара аълолардан,
Айламиш олама фармони хулофат ижро.*

*Анбиё ила салотина маҳфуз қилмиш,
Авло алар зийнати адл ила мамолик аро.*

*Ҳукмдур ҳукмки дунёя вериб зеб низом,
Ҳукмдур ҳукмки дин расмини айлар ихё.*

*Ҳукм агар ўлмаса дунёда солар золим фасод,
Ҳукм агар ўлмаса, бўлмас нуққ мулк бақо.*

*Ҳукмдур воситаи мавт ва ҳаёти халқинг,
Вой ул ҳокима ким айласа ҳукминда хато.*

*Раҳмат ул ҳокимаким ўлмая элдан гофил,
Танқиди авқотин айда сарфи нисори фуқаро.*

Шаръи шарифга рўбарў хорлик гобин ва мусассағарлик ва амали муфсиддур ва инчунин баъзи маддаи фасодиянинг наҳйи ва тақдими шариятча лозим ва ақлча мустаҳсандур. Казалик ҳукуматимиз бўйла афъоли муставжаб зарар омнинг нақдимига қарор топса, манфаати миллат ва давлатдур, тадбир этмагунча оташнинг шарораси музоиф ўлуб, талафоти зиёда ва сўндурмоғи мушкул ўлур. Бўйла афъоли ғайри шарилар мазарра илмдан бир неча тадовулдадурки, қар бирининг маънавий ва ислоҳи мувжиби истироҳати аҳолийи вилоят ва адли давлатдур ва, аммо, равоят сағфор шаклинда ва рижоли ҳукумат авсиё наҳвиндадур, ҳифз ва сариштаси авсиё заммасиға мувдаъдур, забт этмагунча налфий лозим келур, мумкиндурки, айтилса ҳукумата раъиянинг бобосидур. Роқими хуруф рижо эдарамки, рижоли ботамаддун ҳукуматимиз банданинг ушбу мақоласи хидат мақомина талхиқ этмасалар, уламои кироми амжад ватанимиздин истеъфо эдарамки, адабсиз сонмасалар, таваққуъ эдарамки, иборат ва камолатларинда хато ва саҳв кўрсалар саҳват-ла воқеъ ўлушина ҳамл этиб, тасҳиҳ ва тавжияи хайрия ила банданинг асир қайд хизматлари истасалар, Оллоҳ таоло императури аъзамимизни маъа оилалари амният ила сақлаб, забт ва одил этсун, волийи вилоятимизнинг маъа ҳукм ва забтларини адл ва амният сабаб этиб марҳамати шаҳриёри айния ноил этсун, ҳазрат ваҳҳоб ул-ъатое

жамий аҳли ватанисизнинг ғайри мутаассиб омил олим ва оқил маъмун ва масрур мутааммил ва мабуруки матоеъ ва содиқ ул-аҳд этсун, омин.

*Ар-роқим алан-нос билхайр вас-саодата муфтийи
дарулқазои қитъаи Кобуд мин уезди Самарқанд
фақир ал-ҳоже Маҳмудхўжа валади Қори Беҳбудхўжа
хатиби сокин балдаи Самарқанд ал-мавсум халифа
Лаълибек (Фоний).*

*«Туркистон вилоятининг газети».*¹²⁸

1903 йил 23 июнь. №24

АН-НАЗАР УШ-ШАРЪИЙ «ДУРАДГОРЛАР РИСОЛАСИ»НДА МАКТУБИ ФОСИДАҚИДА ХУСУСИДА

Санаи холияға маншур 23-нумерли жаридаға «Дурадгорлар рисоласи»ни мазмуниға айтдукки, анинг маввод эътиқодияси бу экан (Соҳиби такбир ҳазрат Одам ва Нуҳ ва Иброҳим ва ҳазрат Муҳаммад алайҳимуссалом ўрунлариға ўлтурғой), яна агар косибнинг муддаоси бўлса устози олдиға келгай, ўзин такбирға еткурғой то бу тўрт пайғамбар алайҳимуссаломнинг савобларин топгай. Такбир этгувчи гуноҳдин пок бўлгай) ва ҳар киши рисолаи битган одамни рози қилиб, вақтини хуш қилмаса, азоб ва дўзахга гирифтор бўлур ва агар рози айласа, Худойи азза ва жалла саккиз беҳиштнинг эшигин очар, хоҳласа ҳар қайсидин киргай, ул банда ўз ихтиёри бирла киргай деб айтган, асли, муаллифи гумроҳни ва ёзган котиби бадгаштнодонни аҳволиға таассуф қилиб мазкур ифтиро ва ғайри ақидаи шаръия ва беусул сўзларға эътиқод қилиб юрган косиблар аҳволиға мулоҳаза қилиб, дунёталаб муфсидларнинг қилган макр ва тазвирлариға

¹²⁸ «Туркистон вилоятининг газети» кейинги ўринларда «ТВГ» шаклида берилди.

жаридаи зи самара «Туркистон...» воситаси-ла муотибан ва ҳарчанд лаёқатимиз бўлмаса ҳам, шаръи шариф йўли ила мутакаллим бўлдук.

Аввал ул-лузум будурки, ул рисолага савоб деб эътиқод қилғувчи косиблар ҳамоийл қилиб юрган рисолаларини уламо, яъни улуғ мударрис ва муфтиларга топшуруб, тасҳиҳ қилдируб олсунлар, иккинчи бул нав хилофи ақонди шаръия ва масоили диния эътиқодларини тарк қилиб, тавба ва истиғфор қилсунлар, учинчи беилм қўйнига китоб ва насабнома солиб тамаълик қилиб: пирман, пирзодаман ва эшонман ва пайғамбарлар мақомида ўлтурадур деб рисолага яқин қилган соҳиби такбирман бўладурман деб даъво қилатурғон ёлғончи, гумроҳ, ботил, муфсид ва жоҳилларнинг ифтиро ва ҳийласига тобе ва муътақид бўлмасунлар, азбаски, далил бордурки, уммат ва уламо ва авлиё пайғамбар алайҳимус саломнинг ўрунлариға ўлтурмоққа мартаба ҳосил қилмас: шаръан ва ақлан мумкин йўқдур, балки ҳар бир пайғамбар алайҳимус саломнинг мақомларини бир-бирларидан фарқ ва улувийяти бордур.

Халқнинг бу эътиқоди ботилға савқ этгувчи жоҳил пир ва эшонлар бу рисолаи қасдан иншо қилган ва ёзганлар ва пул олиб ризо бўлганлари ила саккиз беҳиштни очтуруб, пул олмай рози бўлмаганлари ҳолда азобға гирифтор қилғувчи мазкур каззоб ва муфсидлар шарият бўйинча индаллоҳ шайтон мақомиға ҳам етолмай анга ҳамсоя бўлмоққа мустаҳиқ бўлмоқлари кутуби диниямизнинг далоил қитъаси-ла собитдур.

Оре, рисолалариға бир неча таклифоти шаръия бордур ва аммо хоҳ косиб ва мулло ва эшон, хулоса, муслимман деган шахс ҳарчанд барча амалиёти шаръия ила юзларча биттоат ва ибодатға машғул бўлуд туруб бу рисолага айтган каби наузибиллоҳ эътиқодини бурса шаръан ул тоат ва ибодатидин натижа кўролмаса керакдур. Аввал маротаба яғоч йўниб, гашти бино қилғон ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломнинг сулби шарифиға насабим мунтаҳий бўладур ё сайид, хўжа ва эшонман деб даъво қилғувчиларнинг, модомики, илму амаллари ҳасби шаръий бўлмаса, ул даъво ва насабларининг самараси йўқтур. Азбаски, ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломнинг бир ўғуллари Канъон беимон эдики, Оллоҳ

таоло «Лайса мин аҳлик»¹²⁹ ани шаънига деди, керакким, барча мўмин илм ҳосил этиб ақидасини мувофиқи мазҳаб ва жамоат этсун ва мутамаддин ўлсун ва, илло, ҳидоят ақвомига фақат хўжа ва эшон ва пирзодалик исми ила истеҳқоқи йўқдур, аввало, ўз нафсини ҳидоят этгувчи улумни бўйла жоҳил билсунлар, азбаски, омий ё беилмнинг ҳидояти залолатга мубаддал бўлуши бадиҳийдур.

Эшони маъзули жоҳил Андижонийнинг сулуки каби мазкур эшон ояти каримаи «Вала тулқу биайдикум илат-таҳдукати ва аҳсину»¹³⁰ мазмунидин олим бўлса эди ва ё мазмунига омил бўлса эди, на учун у воқеа дилсўзга муртакиб бўлди ўйла беилм даъвий ҳидоят қилғувчиларнинг таколуфиндан у муфсиднинг ҳаракати каби хилофи шаръийи малалнинг вужуди лозим келур. Аво-муннос бир усто мўсафид ва ё пирзода жоҳилними пайғом бир мақома ўлтурғувчи эътиқод қилса, албатта, анинг илмсизлик ила берадурган амри фосидига тобе ва омил бўлса керак ва бўйла рисо-лаларга ёзилган хилофи ақидаи шаръия ила муътақид бўлмоқ-ликнинг оқибатини улур бир мударрис ё муфтидан сўраган одам бандаи бибизоат роқими ҳуруфнинг сўзумни тасдиқ қиладур ва таамунан ҳосил қиладур ва, инчунин, раста ва бозорларга даъвий маддоҳлик ва воизлик ила гадойлик қилатурғон жамлотнинг сўз-лари ва ўқийдурган дoston ва ушбу рисолага ёзган каби ифтиро сўзлик китобларини истимоидан авом бечоранинг эътиқоди қал-биясиға ва ҳам жону молиға на тариқа зарар ва фитрат оид улуш-ни завил-абсор таъаммуқ ила билсалар бўладур.

Уламои киромға керакким, бу фасодларға боқиб ислоҳиға кўшиш ва насиҳат қилсалар, азбаски, амри маъруф ва наҳий мункар уламнинг зиммаларига лозим бир хизмати шаръий ва дини мубиндур. Бунларнинг тарки ҳолатиға на лозим келмоқ ва бўлмоқи уламнинг ўзларига маълумдур. Бу уламодан мурод мударрисин ва муфтийин ва уламо ва қуззотлардурки, замон ва булдоннинг кайфият ва муомалот ва инқилоботидин илм ва хабарлари бўлса наким ҳар бир иборати арабийни билгувчи ва таржимасини кўрган ва ё буюк салла эшони жоҳил ва пирзода

¹²⁹ Аҳлингдан эмас. (Худ сураси 46-оят.)

¹³⁰ Ўзингизни ўз қўлингиз билан таҳликага ташламанг, яхшилик қилинг.

ва ваъз ижтимоъ ва қишлоқга имом, талабаи ғайрирашид бўлсалар, уламо ва машойихи киром ва аҳли сулук халқининг сукути ва қатли эканига бўйла хилофи шаръий – китоб ва рисола отлиқ мусаввалар ва жоҳил эшонларнинг ҳаракоту афъоли ақоид хилофи шаръия ва таклифоти муқарралари авом ан-нос ўртасига шоеъ ва дастурул-амал ўлмушдир. Анбиё алайҳимуссаломнинг варасалари уламо халқидурки, муварраслари васияти олияларини аҳолига таблиғ этиб, насиҳат ва маломият ила ижросига тақолиф қилсалар ҳам, манофеъи дунёвий ва ухравий тарафиндадур. Бечора авом ҳар мусваддаи мужаллад қоғозни китоб ва анга мактуб сўзни суратан амри Худо ва расул ва улуғлар айтубдур ва ё бобомдан қолган бир нодирул вужуд ва ҳеч мулло бисотиға йўқ китоб деб эътиқод қиладур. Бўйла носавоб китоб шаклиндаки мусваддалар халқ орасинда бир неча бордурки, иймон ва ислом ва тамаддуларига музаррардур ё қилса 50 сана муқаддам сачан асри бенизомидан ёдгори бу рисоалар каби ифтиролик китоблардур. «Наузибиллоҳи мин шаррил муфсидин ва эътиқодил-жоҳилин».¹³¹ «Туркистон» жаридаси самарасининг 21-нумерига баланд даражалик Туркистон генерал-губернатори марҳамат қиладурки, бизнинг подшоҳи аъзам императур ҳазратлари ўзларига тобе ҳар қаю тоифаларни баробар кўруб, ўз динларига барқарор туруб ақидаларини бажоба келтурмоқга ижозат бергандурлар. Бизларга лозимки, бу рухсати олияларга шукр қилиб сояи адли шаҳриёримиз эътиқодимизни жоҳил ва фасодчилардан муҳофаза қилиб, яна онларнинг ислоҳига ташаббус қилсак, Оллоҳ таоло подшоҳимизни омон сақлаб, аҳли ватанимизга илм ва амал ва тамаддуний тараққий ва дунёдин насиб қилгай, омин!

***Алад-доъийи алан-нос бил-хайр вас-саодат
фақир ал-ҳож Маҳмудхўжа муфти
валади Қори Бехбудхўжа хатиб,
таҳрир қилинди Самарқанд шаҳриндин
ТВГ. 1903 йил 15 июль. №27.***

¹³¹ Фасодчиларнинг ёмонлигидан ва жоҳиллар эътиқодидан Оллоҳдан паноҳ сўраймиз.

ИЛМНИНГ ФОЙДАСИ ҲАҚИДА

Сиз, ношири авроқи илмия ва музайяни афкори фанния ўлан муаллиф жанобингизнинг, бир неча вақтдан бери Туркистон¹³² миллий жаридаси нусхаи мутааддасиға вилоятимиз маркази ўлан шаҳри Тошканднинг ислом мадорислари ва макотиби ибтидоия, Русия ва усули жадиднинг хатмкарда талабаи улуми рушдиялари ва мубтадий шогирдларининг Русия умаро зул-эҳтироми, ислом ва қуззот зул-эҳтиром, ағниё ва оқилон ал-афҳом мажолиси хайриялариға берган имтиҳоннинг вожиба кўрсатган рушд ва тараққийларини мадорис ва муаллимини киром синфининг қилган саъй ва диққатлари ва ул баланд даражалик Туркистон генерал-губернатор жанобларини аҳли исломнинг дунёи фано маошан тамадуно комил қилинмоқлари убуталик ҳолатида мураббийни оламин ва нозирини киром ҳазратига хоҳиш ва сипориш ва амр қилганлари ва балдаи мазкурнинг миллий кибор ва обоъи сибённинг тараққийи улуми миллатға, Русия давлати муаззама муқтадорасининг бетаассубона назорат ва тарбияти доирасиға баъл ва эҳсон ва хоҳиши хайрияларини камоли шавқ ила таъби ва интишорингиз вилоятимизнинг барча тамаддун дўстларини масрур ва хурсанд этмоқдадур.

Камоли садоқат ила муташаккиримиз авволи вилоятимизнинг муҳаббатватарбиятвахифзипадарпоналари маҳозисинда давлати мустақалламизға таъбиат ва инқиёдимизи даражаи аълоға еткурмоқимизға биз аҳли шаръи ва ақл тарафиндан мажбурмиз. Бандаи бизоат хайрхоҳ давлат ва ватан жиҳат истеҳсон бу амроҳим нофеъ ва интишор, бу қоида ва усули муфида, бу модданинг иншоъи зоҳири ва мабдаи ҳусни ва натижаи хайриясиндин ва лузум истибдомандин беш, ўн сатр хизмати уқалоға китобат этмоқни лозим кўрдум. Возеҳ бўлсунки, қоидаи имтиҳониянинг Русия муаллимлари мустаъмал ва самарасиндан мустафиддурлар, лиҳаза даражот-ла маркази мазкура мутасаррифлари аҳолининг киборина мурувват ва марҳамати ҳуккомиялари ила натижасининг кайфиятини мушоҳида қилдуруб масрур этмишлар.

¹³² Беҳбудий деярли барча мақолаларида «Туркистон вилоятининг газети» ни қисқа «Туркистон» деб атайд.

Зоҳиран, у муҳаббати падарона ва марҳамати бетаассубона умаромиздан бу моддаи ҳасана ва нофеа марказимиз мадорис ва макотибга нишон этмишдур. Демак, ашхоси кибор ва Русия ҳуқкомимизнинг мева марҳамат ва хос мукарраматидин мавлид ва маросим бу қоидаи имтиҳон муғтанам ва қадрли бир маслак мустақимдур, давомини Аллоҳ таоло муяссар қилгай. Одати қадима экан, уламо ва толиби рашиднинг муносиб амалияи тадорис қазо фатвий раёсати хитобот ва амсоллари каби хизмати шаръия ва оммаға насаби бобиға маъмуриятиға лозим илми арабий ва қироат ва китобот ва аҳволи замон ва кайфият тасвия умурот муфаввазаси ва ғайрилариндан бақадри лузуми арбоб кибори мажлислариға имтиҳон қилиб, мутолаа ва қувваи алалафҳом ва маҳорати фанниясиндан хабардор бўлуб зуҳурул ёқтинча ул шахс ва мумтаҳан мансуб ва маъмур хизмати омма бўлур экан.

Чунончи, ушбу кунға Бухорои шарифға муносиб тадорис ва муваххази илмиянинг толиби ўлан ашхоснинг илмий ва маҳорати ҳувайдо бўлмагунча ва ё мажлиси илмияға қироати кутуб этиб, имтиҳон бермагунча муваххази илмияға вусули мушқилдур ва аммо бизим аксарин мавзӯ маҳаллаларимизға муносиби илмияға толиб ашхоснинг қувваи илмияси ва матлуби мансубияға муносабати ва аҳволи замониядин воқифлигиға тааллуқ ва тафаккур қилинмай фақат анинг амома ва қиёфати зоҳирасиға боқилур ва ё баъзи ашхоснинг қувваи молияси ва ё қурбияси ва қариндошлиги ва ташаббуси йўли ила озғир истиҳқоқ ҳар навъ муносиби илмия ва хадамоти амомаға сайланурки, бир неча танданниётимизға сабаб будур, вале маълум ва собитдур.

Бу мажлис имтиҳон миръоти мазохир асрори илмия ва қувваи қалбия ва муваввид талоқати лисония ашхоси оламин ва мутаннури афкор сомеъин ва равнақ фазоъи илм ва муталлимин ва мужиб иштиғол роза ёд саъй ва кўшиш мураббийин эканки, залик мадорисин ва муаллимин моҳирин мудаққиқин, модомики, шогирдлари масбуқотининг иборат ва афҳомини мувофиқ қоида сиҳат ила қироъа ва баён этмаса, калимот ва асотур оянда қиротат ва ишғолиға мураххас этмаюрлар. Ва лекин аксарин макотиб жамиъ билодимизға бу усули нофеанинг аъмоли маълумдурки, сибённинг 8 – 10 сана ўқуб, ёзиб ҳеч бир қувваи илмия ва фикриялари камола махсус бўлмаганликиға сабаб иъзоми адами

имтиҳон ва адами диққат маълумдир. Иборатни маънисии ила ўқутмоқ лозимдур, на учунки мисола арабий ё русий луғати-ла мактуб бир жумлаи иборатнинг бир шахса таълим қилинса, мо-домики, мани ва мафҳумидин беҳабар ва илмсиз ва хурофот ва калимотининг хос ва илмидин жоҳилдур. Ул таълим ҳифздин ҳеч бир фойда анго мураббит бўлмас, балки куна-куна зарар ва жаҳллар ул илмдан ҳосил ўлур, ҳулоса усули қадимимиз муаллимлари сибён макотибнинг дарсларига диққат этиюрлар ва бир фавқ қавоиди тажвиди Қуръони шарифни таълим этмиюрлар. 10 сана мактабда таҳсил илм эдан шогирд сураи «Фотиҳа»нинг тавассути ҳол лафз ила, балки, қироатдин ожиздур ва ё муаллим. Зотан, ожиз ва қироатсиз мудир агар жаноб мактабдор илми қироатдан маъзур тутилиб ва у шогирдларидин сўралса-ким: «Ибтидои мекунам ба номи Худо, К-аз ду ҳуруф офарида арзи само»¹³³, на жумладур? Мазмуни ва мафҳуми надур? На учун садр китобга вуқуф ўлмиш? Бунинг жавобидин ҳам бечора шогирд ожиздур, ҳолбуки, 10 сана умри азизи сарф мактаб ва макосиб илм ўлуб неча минг нуқуд мураббийсиндан зарф ўлмиш мусаннифини киром садри кутубга (илм) ва (бадан) ва амсоли каби иборатлар ила айтган танбия ва хитобларини жаноб муаллимини макотиб ўз зеҳнлариндин тарҳ этмишлардур, лафз ва иборатнинг кўрсатиб маъни ва ҳосилини сатр этмишлардур. Аз ғайри рияз тажвид ва тартил қироатдин намозга фасод оид ўлишдин қатъи назар этмишлар ва аммо шаҳри Тошканднинг уламо ва уқалолари бу фасодларнинг таъдимино усули жадида-нинг тариқи-ла таҳсил мақсадга вусул этмишлар (Оллоҳ жазоан хайр бергай). Марказимиз, шаҳри Тошканднинг уламо ва ағниё ва уқалолари фаҳм ва илмдўст мутаффиқ ва мубассир ашхос муғтанам ул-вужуд эканлар ҳам яна ҳукуматимизни марказ мутасаррифларининг тарбиятлари ила камолот олмишлар ва умарои марказ ашхоси кибор балдаи мазкураға нофе умурларнинг гунаҳидин хабар ва маълумот бермишлар ва онлар ҳам омил ва роғиб ўлмишлар.

Русия давлати мустақбалаи муқтадорасининг таъсироти танзим ва тамаддуниядандурки, анинг макотиби ибтидоия ва руш-

¹³³ Худо номи билан бошлайман, еру осмонни икки ҳарфдан яратди.

диянинг лаҳм қондаси ўлан мажлиси имтиҳонни шаҳри мазкурнинг миллий киборлари мадорис ва макотибларига интиҳоб ва дастуруламал этмишлар. Казолик Русия арзи баситига тобе ва каайин шаҳри Боғчасаройга сокин муҳаррир ва ношири жаридан «Таржумон» ўлан Мирзо Исмоилбекнинг важад тогила маншур усули жадида қондаи таҳсил улуми ибтидоияга аксарин билоди мутаъосира Русияга байналислом, ҳатто Туркистон то Чинича бақадри мустаъмал ва мустаҳсан ўлмишдур, ашхоси кибор мазкурин ул усул ила ифтитоҳи макотиб этмишлар. Бу маслаки хайриялари ашхоси кибор мазкурин каср ҳам Оллоҳ амсолаҳумнинг басорат, диёнат ва фатонат ва қиёфатларина мазоҳири мутаннаф ўлди. Оллоҳ таоло ўзга билодимизнинг уламои киборларини онлар пирав ва мамосил ва Русия давлатининг фавоиди хайриясидин бонасиб этгай, вале усули жадидаининг самараи хайриясидин беҳабар ўланлар онинг замина қадар зоҳир ўлуб адами истеъмолина мутааллим ўлмушлар. Ҳолбуки, натижа гунаҳидин хабарсизликнинг мавлидониятидур.

Бизим Самарқанд областида усули жадида қондаси-ла мафтўҳ биргина мактабнинг хайр вужуди хайри масмуъ ҳам яна мажолиси имтиҳон байнал аҳоли марсум йўқ, улуми диния ва маошиянинг тараққий таолийсиндан мударрис ва макотибнинг ислоҳ танвиридан Русия давлатининг нофе ва саноеъ жозибасининг кайфиятидин ва аҳолига лузуми таҳсилиндан ҳатто биз фикр кимсага йўқлиги маъзундур. Макотибимиз динда русумимиз фасода, ўзимиз гафлатда, аҳволи сибён ва макотибимизга диққат этмаюрмиз.

Ҳарчанд Русия умаролари тарафиндан илмнинг хосияси биза кўрсатилса, ҳар кўзимиз кўруб ибрат ва рағбатимиз ортаюр, улум ва фунуни маошия ва эътиқодия иктисобидан мутанаффирмиз вал-он учун калитимиз ила илми ташриҳи обдан ва илми тиб, яъни русия лисони ила «анатомия» деган илмдин беҳабармиз, ҳарчанд таҳсили фан таъби фарз бўлса ва ҳазратимиз буюрсалар ҳам (илм илман ал-абдон ва илм ал-адён)¹³⁴ ва ҳар қадар маърифат илм нуфусдин маърифат рабби ҳосил ўлуб илми нуфуснинг маҳсули ташриъ эдан муқаррар қилиниб ҳазра-

¹³⁴ Илм – баданлар, яъни анатомия ва диний илмлардан иборат.

тимиз буюрсалар ҳам (Ман арафа нафсаҳу фақад арафа раббаҳу. Ман лам яълам илма ташриъ фаҳува аънин фи маърифатиллаҳи таоло)¹³⁵, бас, ул улум ва фунунга шаръан биза билмоқ лозимдур ва они Русия уламолари камолга еткуруб таҳсилнинг тасҳил ва биза таълим этиб талабина масоид бермишлар, жон ва молимиз ила толиб бўлмоқимиз ҳар жиҳатдан лозимдур (Бақияси бордур).

Самарқанд шахрининг бойларидан Муҳаммад Раҳимбойхўжа Муҳаммад ўгли ва подрядчик Ҳожи Маҳмуд Турдибой ўгли ўз тарафларидан Тошканд шахрига бир мулло юборубдурлар. Тошканд шахридаги усули жадида илан таълим берадурган домлалардин таълим олиб Самарқанд шахрида бул тартибни жорий қилсалар керак.

Маҳмудхўжа валади Беҳбудхўжа.
ТВГ. 1903 йил 21 июль. №28

ИЛМНИНГ ФОЙДАСИ ҲАҚИДА

(Давоми)

Керакким, ҳар бир синф улум ва фунун таҳсилига авлодимишни савқ этсак, ўзимиз авлодимишни илм-фани диния ва маошия ила тарбият этиб, тараққий ва таолийи миллат ватанимизга саъй этиб ва давлати матбуамизга садоқат кўрсатсак ва тазйиқи таълим атфолга ушбу усули жадида макотиби муаллимлариндан Тошканд уқалолари каби ибрат олиб, ул усул хосиятиндан хабарсизлик ҳолатимизга биргина мактаб ул усул ила ифтитоҳ этиб, имтиҳон ва муқобала қилинса ва ҳар бир нофе зоҳир ишларга тааммуқ ва басират ила боқиб шарият ва замон лозиму жоиз кўрувчи улум ва саноеъ таҳсил ва иктисобиға ҳукумати олиямизнинг низоми жорияси тавбиясинда кўшишимиз бўлса, императури аъзамимизнинг асрларида барча умумносға нофе илм ва фан ва хабарларни таълим ва тадрис этгувчи русия ва му-

¹³⁵ Ўзини билган тангрини билади. Кимки шарият илмини билса у Оллоҳ таолони билган бўлади.

сулмония саҳоиф ва жариди ва мажмуа ва рисолалар мунташир-ларини мутолаасига замон ва фунун ва одати ҳолиядан хабардор бўлуб, авваланчи мартаба Русия давлат муқтадорасининг кур-раи арзга таъсир этгон кайфият тасарруф ва адл ва иқтидорига илм ҳосил этмақ барчамизга лозим ишлардандур ва замонамиз барча кераклик илм-фан ва хабарнинг жароид ва саҳоиф восита-си-ла умумносга таблиғи на одат этмишдур ва бу жароид муқад-дас бир дарсхонаи ибратдур, нафаржи жумлая лозимдур. Вале бизим Туркистонимиз жароид давлатиямизнинг самарасиндан ҳам насибсизлигидур.

Яна биза лозимдурки, ҳар бир мансаби илмия ва майлияға, алалхусус, муносиб қазо ва бўлус назоратиға марказимизни мил-лий киборлари каби ашхос сақот ва бадониш ва оламнинг вазъ-иға хоҳиш қилинса, азбаски, илму хабарсиз бевуқуф ашхоснинг хадамот ва муносаб мутанаввеъ ҳолияға ношнолик ҳолатида мансубиятликлариндан миллати жамиятимиза тараққий ва тао-лиймиза хузофот ва нуқс оид бўлуши табдиҳийдур. Лиҳаза бар-ча умури нофенинг ижросина барчамиз тааққул ва таомил ло-зимдурким, илм қазоятимизнинг қазоқ ва қирғиз бийларининг йўлсиз ҳукмлариндан ҳосил ўлан самара хатоиялари сифати жаридаларға мусбатдур, чунки йўлнинг ақда ва ақбалариндан беҳабар зироат ҳодий бўлсалар, пайравийларнинг аксари дашт картанида асири меҳнат ва олам ўлурлар, казолик биза қолса имкони ҳолатиға макотиби ибтидоиянинг хатм таҳсилинда Тур-кистон музофотиға жорий положения ва дастуруламалларни мутааллимин мактаба ўқуб чиқсалар сазодур. Азбаски, онлар-нинг илми биз – аҳолининг ҳар биримиза лозим бир зарурийдур, ҳар бир моддасининг илмидан маъишат ҳолиямизга манофеъ ҳосил ўлуб бир неча ташвиш ва кулфатдан маҳфуз қолурмиз ва жаноб императури аъзам шаҳриёримизни биза на марҳамат ва лутф этканлари анинг мазмунидан аҳолимиза умумият-ла маълум ўлуб муташаккир ва минқод бўлмоқимиз табиийдур. ... аҳоли беилмликлари учун тақсимот ашариёт арзия ва ғайр муъ-аввамотлар (ўлпон, солиқ) бобинда деҳоқини арбоб ўрталариға хиёнат ва зарар ояд ўлуб яна ҳукумата ва қазо ишларина дучор бўлган ҳолатлариға муваввод низомдан беҳабарликлар кулфат-ларини музоаф этиб, фириб ва иғвогарлар тарафиндан зарар

ва оламға гирифтор бўлуб ё низома манҳий умурға илмсизлик ила иқдом этиб, масъул ўлуб ва ё баъзи ашҳос низоми жориядан беҳабарлигиндан ўз доирасиндан хориж ҳаракат этиб таҳликаға қолур, инчунин, низомдан беҳабарлик ҳолатиға аксарин ашҳос хизмат маълумият маъмур ва мансуб ўлсалар, саналарча йўлсиз ҳаракат этиб тобеларининг роҳатсизликина сабаб ўлурлар.

Хулоса, илму амал дунё ва охиратимизнинг асбоби саодат ва роҳат ва нажотидур, хизмати уқало ва ҳазрат абнои ватанимизга арз қилинурки, дун кечди. Ушбу кунлик умр ва молимизи мажжоний сарф этмаюб маҳзани асбоб тараққий миллатимиз ва истеҳкоми усул динимиз ўлан илм ва макотиб ва мадорис ва масождимизнинг ва фуртажили ва танвирина мусталзам ва муставжиб таолий маддиятимиз ўлан улуми эътиқодия, фунуни асрия ва давлатиямизнинг таҳсил ва касбиға саъй қилинса, уламо ва уқаломиз кўз очиб буюк Русия давлатининг соясиға тамаддун поясиға тавассул этсалар, кўна-кўна илм ва фанларға атфолларини олим ва моҳир этуб, ул пуршиква давлат Русиядан положения тўққизинчи бобиға жаноб шаҳриёримизнинг онлара ваъда этган насибларига истеҳдоқ пайдо этдурсалар.

Ағниё ва уқало олим ва машойихимиз бир-бирларина (маданият ва адам тараққийға сизлар сабаб) фасод русум ва бидъатға сизлар мавжуд деб мукобара таассуб этмаюб, бақадри вазъи тоқат тамаддун ва тараққийи миллатға ташаббус этиб, қулуб ва абдиларина мавадаъ илм ва базлларини маъит-ла ийсор миллат этсалар, ҳар бир умурот зиммадан бир биродарларига илму хабар бериб, ислоҳ аҳолиға тилин ила маслаҳат кўрсатсалар айни мутамаддин ва мутадаийинлигидур. Мунозаату мубоҳасадин ислоҳ ва изҳор хайридур (Тифлисида Муҳаммад ого тарафиндан маншур). «Шарқи Рус» жаридида ислomiaясино бир мунозара кўрулди. Мутафаккирини миллати ислом адам тариқисина уламо сабаб демишлар, мутааққилин соир аҳоли сабаб демишлар. Муаллиф мазкурнинг Санкт-Петербургда уламои ислом тарафиндан маншур «Миръот» мажмуаи илмиясиндан нақлина назар ва диққат этилса асли, жаҳолат таассуб ғафлат ва адами интизом ва басоратдур, бас, хусули илм рофеъ жаҳл тарк таассуб нафрат ғафлат низоми миллатға саъй лозим ва ҳар бир қазияға басират ила назар алзумдир. Ҳазрат Алий каррамаллоҳу важҳаҳунинг амри

олийлари (унзур ила ма қол, ла тунзир ила ман қол)¹³⁶ мазмунича мақоланинг самарасига боқилиб мисола (ёркандли тужжор Фазлулло ибн Юнус) уламо ва машойихга дуруст сўзлаюр: «Валоятда на ҳақи бор анга, на лозим» каби сўзларни хотира келтурмаюб, балки они амсолининг мақоласи сабаби ва натижа ва муродини тафаҳҳум этиб, усул ва фуруъдин мубин масалаларига мувофиқлиги ва замонича иктисоб лозимлиги ҳолатида тақвия ва ташаббусина ҳиммат ва ғайрат этмоғи айни савобдир. Азбаски, бир нахс мусаллам ҳам илм ва хабарни зоти диндор тамаддун ва даст ва жамиати исломиятимиза шерик биродаримиз биздин буюк ва кичик бўлсун дўстимиздур, сўзи тўғри ва нофе бўлса, истимоъ ва истеъмолига мажбурмиз, ҳар бир таклиф ва иброд шаръий ва низомий кимса тарафиндан баён ва кашф ўлинса, модомики, тааққул ва шуруъ назари ила ибо қилиб нафсул амр татбиқ қилинмаса, сақил кўрунур, вале хиддати тўғрилиқдиндур. Яна зоҳирдурки, мушорун илайҳ биродар мажидимизнинг ва нукта ҳақимона зарифоналарки «Туркистон...» жаридасининг йигирма биринчи нумерларига майшатдур.

Уламои мудаққиқин ва машойихи муҳаққиқинга таън ўлмаюб дурадгорлар рисоласининг тазвири ила қўнгли каби маъсуда этган ва ёхуд Петербургда маншур «Миръот» мажмуасига кўрсатилган уламо ва машойих оммавардолари ила муталбис ашхосга алаттанбиядур, уламо ва машойих ҳақиға рожеъ ўлмаз, закон, замони адолатдур, сояи маориф маъдалатмоя ҳазрат императори аъзам шаҳриёри акрам арзимиза рижоли бокамол ҳукуматимизнинг назорат қаринал адолати бетаассубоналари доирасинда ҳар олим ва оқилнинг тўғрича насоиҳи шаръия ва таклифоти мадания этмоқиға ҳақи ва диққати бўлса керакдур. Оллоҳ таоло жалли ва аъло у зоти бовиқорвор ашхоси киборға заволнинг хавфидан қасд ва зарар, аъдодан ҳофиз бўлғай, анбоъи ватоинимиз олим ва оқил мўтамаддин ва мўътамаддан эткай, омин.

Маҳмудхўжа муфти валади Бехбудхўжа.
ТВГ. 1903 йил 29 июль. №29.

¹³⁶ Қим гаширганига қарама, нима деганига қара.

САЙЛОВЛАР ҲАҚИНДА

Самарқанддан мактуб

Жаҳолатдин самара кишига илмдин баҳрасизликдан натижаи фасоди дунё ва дин сабаби бўлмоқи моддалар хусусида юз минг лисон бирла шукр ул санойи қадим ва бечунғаким, адам катмидан мавжудотни борлиқ ҳайъатиға зоҳир қилуб ва инсон халқини рўзгорларга ашраф ва азизликға мушарраф айлаб, ўз тарафиға йўл кўргузуб, идроки ҳақ ботил этмақға ақл мадорака илан марҳамат қилуб, ҳар бир тоифаға пайғамбарлар воситаси бирлан қонуни шаръий буюрди. Дунёға ва охиратға бизларни роҳат ва истироҳатларимизға йўл кўрсатиб, ондан юрмоқға амр қилди ва ул икки ернинг бирида зарур ва жонларимизни хоҳиши ва руҳларимизни оздуруғиға сабаб бўлғувчи нодуруст ишлардин манъ қилди.

Вожибдурки, жон ва дил ила амри тарафиға наҳий қилмиш маводдалардан ҳар нафас ихтироз ва ижтиноб қилсак, бизға берган анвои неъмат ва марҳаматлариға доимо вазифаи ҳамдға бўлмоқ устимизға бўлуб турган подшоҳимиз жаноб императури аъзамни ҳифз ва ҳимояи падароналикларини ва осойишларимизға раъйи олийлари бўлса ҳам ушбу давлат фаҳимаи олиялари асриға ҳар важҳдан тинч турганимизни ғанимат билиб, зарардин манъ ва фойда тарафиға амрлари ҳамиша ижро бўлуб турганини ўзларимизға давлат азмои билмоқ гарданларимизға диндек лозим бўлса ҳам бизлар камоли ғафлат ва нодонликларимиздан ушбу фурсат умрга риюяни ва бул неъматларни қадрини тонумасдан нофе ва зарарларимиздан хабарсиздурмиз.

Чунончи, ушбу давлат фаҳимаи олий Русияға тобе вилоятлар орасинда бизнинг Туркистон вилояти таомилға ўхшаш калта андишадан носавоб ишлар ва оқибати фасодға манжар бўладурган афъоллар кўп бўлуб, ўз роҳатларимизни ортиқ моддаларига кулфат самара келтирадурганға умри азиз сарф қилуб, вақтдан ўтгандан сўнг муолажа тобмай мутаассиф беқоидадурмиз. Чунончи, бир кимсани фарзанди 12-13 ёшқа кириб ҳануз ўзини кимлиги ва кимға бандалиқдан хабардор бўлмай бобосики ўзи фазлдан хабари йўқдур. Фойда изламоққа тарғиб қилиб, бошлариға бир-икки тангалик мева ва анга ўхшаш нимарсалар

топмоққа иштиғоли шуғул қилиб, ҳисоб юзасидан ҳануз бирим тангадан зиёдароқ либосга зарар бўлгон бўлса ҳам, бир кунлик фойда ярим тангага етушмай ушбуға отаси ҳам хурсанддурки, ушбу кун мани фарзандим 10 тийин фойда келтурди, деб.

Аммо хабари йўқки, фойдаси зарари бирлан баробар бўлуб, ўткарган умри абасга ўтуб, мундан сўнгра дастгирлик қиладурган бир ишга сарф бўлмади. Олам аҳиллариға маълумдурки, илмдан баҳраманд бўлганлар шоҳ ва гадо андиға эътибор ва тижоратға ҳам монёъ эмас, балки тижорат учун ҳам зарар асбобдур. Бул жаҳолат самарасидан ва узоқ фикрдан баҳрасизлик натижасидан бири бўлурак ушбу кунларда баъзи мавзуи мусулмония мансабдорларини сайламоқға ҳукуматимиз тарафларидан бир муносиб ирода ва амр бўлуб эди. Ушбу сайловни ҳақиқат қондасидан хабардор бўлмаганлар, албатта, билмасларки, сайлов қондаси бўладурки, устимизға турган мансабдорлар бизларға жабр ва зулм ва номуносиб иш қилган бўлса, фурсат муғтанамаға табдил қилиб, инсофлик одамлардан мансабға хоҳласак.

Оҳ бул фикр бизларни аҳолиларимизни хаёллариға ҳаргиз ҳузур этмас, мамлакатимиз фуқаро тарафидан вукалоларини, элликбошиларимизни мансабларини сотмоқдадурлар. Муносиб ва номуносиб эканликлариға фикр қилмаслар, бева ва бечораға келар замонда фойда ва зарар бўлмоқига назар солмаслар. Мисолаҳу: ушбу кунларда маҳкамаларға истаршина ва бўлустной управителлар устидан сизни сайлаган элликбоши ё истаршинамизни табдил қилубдур, деган арзлар ҳар маҳаллаға ҳар кун ўн донадан оз йўқ, қозилик ва бўлуständigликға тарадуд қилгонлар 1000 тангадан 2000 тангагача элликбошиларға бермоққа ваъдалашиб тургандурлар ва баъзи жойларда элликбошилар ҳар ким зиёдароқ пул берса, илмиға ва ёзиш билмоқига қарамай, мансабға хоҳламоққа роғибдурлар. Мисолаҳу: бир нафар қози илми кифоя қилмаган ва шарият аҳкомидан беҳабар ришват бериб қози бўлмоқ шаръан ва низоман нодурустлигини билиб туруб ришват билан қози бўлган одам, албатта, ришват олуб иш қилмоқи ақлга маҳқулдир ва бул иш моддаи фасод ва ҳукми биғайри ҳаққа сабаб бўлуб, фуқароларни зарарлари бўлса керак ва ё ушбу кунларға Туркистон вилоятлариға хун биғайри ҳақ кўп бўлуб, ушбу вақтларда райят нотинч бўлушлари илмсизликдан самарадур

ва ўғрилари зиёда густохона ҳар ерда иш қилиб, торож қилиб турушлари номуносиб ва ришва олғувчи ва бўлуствной ва истарпиналардан бўлса, ажаб эмас. Азбаски, хизматга тўғри ва иш билган тадбир асҳобидин мансабга бўлуб жаҳд қилса, ўғриларни забтлариға кўшиш қилса ва муташарреъ қозилар бул бобда жазоға иқдом қилсалар, албатта, ёмон кишиларни ҳаракатлари оз бўлмоқлиги ақлга яқиндур.

Ушбу вукалоларни ва мансаб толибларини ришват бермоқ ва олмоқларини исбот қилмоқ мушкул ва бир олам ҳарбия ва адлия муҳокамалариға ортиқ райи эканлиги ва ушбу вилоятимизни инсофдан баҳралари йўқ, фикрдан бесамарликларини даф қилмоқ, ҳоқимларға ишлар енгил ва райятға осойиш учун бир тадбир лозимдур. Аммо ҳукумат тарафиндан фикрға келадурган тадбирға ионат шартдур. Лекин «То нагирд абр, ки хандад чаман, То нагирд тифл, ки нўшад лабан»¹³⁷ маснавийи шарифдан мисолдурки, биз ўз оқилликларимиздан ўз аҳволларимизни ҳукуматға билдируб, илтимоси ионат қилмоққа фаҳмларимиз етушмайдур. Аммо юз минг шукрки, ҳукумат тарафидан адл ва инсоф бирлан ҳар бева ва бечорани арзи ва додиға қулоқ солиб, фуқароларни осойишлари хоҳишлари кўплиги ҳамаға маълум.

*Маҳмудхўжа муфти валади Бехбудхўжа.
ТВГ. 1903 йил 5 август. №30*

ИЛМНИНГ ФОЙДАСИ

Усули жаид мактабининг бизим Самарқанд вилоятинда адами вужудидин ва аҳоли киборимизнинг замонча тараққийдин ва миллатимизға адам тафаккурлариндан номаи таассуфсиз ҳурматлиға юборуб эдук. Мазкур номамизи 28-номерли жаридангизға сабт этиб, яна самарқандлик Муҳаммад Раҳимбой Ҳожи Муҳаммад ўғли ва Ҳожи Маҳмуд Турдибой ўғлини Тошканд

¹³⁷ Булут ёмғир ёғдирмаса, чаман очилмайди, бола йиғламаса, сут берилмайди (яъни, кўкрак тугилмайди).

балдасига ўз виждонлари ила бир нафар мулло талаба юбориб усул таълимотидин огоҳ ва коргузор бўлмоқига ҳам Самарқанд шаҳрига усул мазкурнинг жараён шуюъига этган саъйлариндан ўшал нумерли жариди ила хабар бериб экансизки, латифингиздан жариди воситасила эшитуб, масрур бўлдук. Оллоҳ таоло ул икки зоти саодатсифотнинг бул орада хайрияларини халқ ва ижро қилиб, яна давлат ва саодатларини зиёда ва фаровон этгай, омин. Мушоран алайҳимо икки мурувватпеша ва хайрандешаларнинг ушбу ғайрати майлия ва хоҳиши хайрияга иртиқоб ва иқдом қилганларини истехсон ва муборақбод этиб, яна онларнинг инфийол ва анбия хайриялариндан шама ёзиб, дини мубин йўлига базл ва эҳсони мол қилгонларини табрик ва ахбор ва амсолларина ташвиқ эттим.

Жаноб умдатул тужжор Мулло Муҳаммад Раҳимбойнинг ўзлари, марҳум оталари Ҳожи Муҳаммадбой Самарқанд шаҳрининг мўътабар тужжорлариндандур. Ота ва боболарини пешалари тижорат ва дин йўлига хизмат этган, чунончи, Мулла Муҳаммад Раҳимбой ал-аттад Самарқанд шаҳрининг тужжори мўътабарининдан биринчи фарди асрдур, кечанларга халаф, яъни ўғул фарзандлари йўқ эди.

Холисан лиллоҳ авлоди масокин ва айёмдан эллик нафар сабий болаларнинг албисаи фохира ила мулаббис этиб, онларни холис ўз молларини сарф ва харажи ила шарафи хатнага еткуруб, кулли аҳоли Самарқандга яхши таколиф ила неча кун тўй бериб эдилар. Оллоҳ таоло ва тақаддус жалли шаън мушор илайҳнинг икки завжатайн муҳтарамайнлариндан баробар икки ўғли таваҳҳуб этдики, ҳар бири етти ёш мужоваратиндадурлар. Икки сана муқаддам Самарқанд шаҳрининг Луччакон гузариға хишт ила бир масжиди муаззам ўз молларидан бино қилиб эдиларки, бул 2 хайрларининг масорифи 50000 танга тахмин ўлинур. Самарқандга койин ҳовли ва икки сарой ва икки ҳаммомлари Самарқанд шаҳрининг буюк абния ва тафарружгоҳлариндан маъдуд ва ибратли бинодур. Ўзи бир зоти мутавозеъ ва ҳалим ва назокатли илм ва уламодўст муғтанамул вужуд шахси хирадманддур.

Шариф ал-ҳож Маҳмуд Турдибоев дарояли бир шахси рашид, Самарқандий пешаси, тижорат ва буюк ижора ва пудрат

хайрандеша зоти мудаббирдур. Бу шахс кечан санаға Самарқанд шаҳриға бир сулс майл бир чақирим қарнда воқеъ мазор файзосор ҳазрат Ҳожа Абдарун живорлариға коин мақобири муслимин шафитидин 3 таноб, яъни 2000 квадратной саржинга яқин боғистон арзанинг 600 сўмға ўз молидин шароир этиб, тавассаъ мақобири муслимин учун ҳадя вақф этмиш эди. Яна бу сана Самарқанд шаҳриға Мирзо Фўлод маҳалласиға пишиқ ғишт ва каж ила тавалло 3 арзо 18 аршинда, яъни 60 квадратной саржинлик масоҳатда ўлон бир масжид, 6 амудали ва бир айвон 6 амудали иртифода 8 – 10 аршинга яқин холисанлиллоҳи таоло бино этиб, яна 2 самтида 3 саржинлик суфа масжид сабиғи таъмир этиб ҳануз абвоб ва шишалик панжараларини ислоҳиға машғулдур. Бу масжиди шариф биносиға қилган масориф ва харажоти 6000 сўм тахмин ўлинур, яна бу зоти киромларнинг Самарқанд шаҳриға усули жаид мактаби шарифнинг ифтитоҳиға саъйларининг хабарини жаридаға ўқуб, шарҳи ҳол ва мадҳ зотлариға фурсатимни сарф этмоқға муташаккир бўлдим. Мушорун илайҳ мазкурин зод давлатҳумо ва саодатҳумо жанобларини сояи базл ва эҳсонларина балдамизға мактаби мунтазам усули жаида мафтўҳ бўлишиға итминон ҳосил этиб, бу зотға мумассил ва рафиқлар балдамизнинг рижоли мутамавлинидан пайдо бўлишиға мустаъдий мунтазирам.

Алҳамдулиллоҳ, шаҳримизға бинои масождид ва макотиб ва мадорис этгувчи ашхоси истиҳё ва мутамавлин касриндадурлар. 15 йилдан бери ҳар сана бир масжиди муаззам ва мужассам ўз молидин этгувчи саховатпеша мурувватандеша солики тариқуллоҳ жаноб Мулло Муҳаммад Назрнинг шаҳри Самарқанд ичинда ва живориға бино этган 10 ё зиёда масождиди балдамиз рижолининг ходими исломликлариға шоҳиддур. Оллоҳ таоло ва тақаддус ҳал ва олий бу зотнинг давлат ва саодатларини зиёда қилиб, амсол ва иқрони мутааммилларини бунлар ҳам сулук бир этгай, омин. Бандаи роқимул ҳуруф изоҳ этийимки, маним бу зироатлар ила муомала ва ё мубоҳасотим йўқдур ва ё тамаъ хушомада тариқи-ла мавводи собиқаннинг таҳрир этмай, балки онлар ва амсолларина сабаб нашуқ ва тасуқ торик хайр бўлсун, мурод била аз ғайр муболаға камо садр фий нафсил амр истеҳсонал ихвон изҳор фарҳ қилдим, «умр ўтар, мол етар» бу бақоот хай-

рия онлардин ёдгор қолар. Ҳар бир биродаримиз таомил этсун, онларни тарафидин кетсун бир мисқол маҳозисинда ўлан хайр маъозоллоҳ ёшарнинг натижаси мустақбалада омилига мукофот ўлинур вассалом минал табъил ҳадий таҳрир қилинди.

Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа.
ТВГ. 1903 йил 12 август. №31

ИЛМНИНГ ФОЙДАСИ

(Давоми)

30 нумерли жаридадаги имзо соҳиби ўлан биродари рашидимиз ўлан Ибн Баҳоуддиннинг саодат ва китобатини табриқ қилиб, истеҳсон деюрмиз, эй биродар, тўғри ёзибсиз, тўғрилиқ сизга муяссар бўлсун. Бошлаб газет ўқуган явмингиз сизни фаҳмингиз асарингиз жарида воситаси-ла илмдўст биродарларингизи, хусусан, роқим каминани масрур этди дўстона насихат қилурки, жаридани ёлғуз ўқуб ташламай, балки мазмунига амал қилиб ҳам аҳбоб ва ватавдошларингизга ўқутуб, яна тушунтирингиз, чунин мутааддид ва мутакассир жарида ўқуб исми ва асарни жаридага ёзилмаганлардан ўлмаюб фавран исми шарифингиз унвон жаридани музайян этганиндан сурурим-шавқим зиёда бўлди. Оллоҳ таоло барчага илми саҳиҳ, фикри малиҳ, ҳусни таколим, идроки тафаҳҳум ато эттай.

Яна жаридага Ғулжа шаҳрига жаноб муҳаррирлардан даворонин биродари мажидимиз Фазлуллоҳ ибн Юнус сарварлигинда «Қироатхона» очилмиш хабарини ўқуб хурсанд бўлуб эдук ва аммо қироатлари савти ва натижасидин камхабар қолишимиз учун мутаассифмиз, давлати матбуамиз мустақил маҳкам одил илмдўст маданий бир давлат фатҳина ва бизлар Аллоҳ таоло ато айлаган ноёб қадрли муғтанамадур. Жаноб валаттабор императури аъзам шаҳриёри соҳибиқтидоримизни жисми шариф унсури латифлари саломатликига жарида саҳоифи бўстониға тафарруж этиб, улум шажаротининг очилмиш гуллариндан дасталар ила бир-биримизга жаҳт ташаммум ва таъзим ҳадя этмоқимиз увлийдур. Гулчеҳралар юзи каби кажмор, зинқотлар ила музай-

йан авроқ жариди восита ва таржимонлиги ё пайғоми ила мажлисимиз ва истимоъ сурудимиз ва пурсиш аҳволимиз барчамиза лозим муфтаним шайлардандур, вақт ҳам умри азизимизи сарф этмаюб илм ва тамаддун ва тинч ва осойишталик ила умр ўткариб рижол ё камол давлати матбуамиз назорати бетаассубоналари доирасиға исломиятда комил ва маданият-ла шомил ва буюк Русиядан баҳраманд ва анга холис ва қарин бўлушимиз бобинда гуфтгўй қилишимиз алзумдур, вас-салом вал-икром.

*Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа.
ТВГ. 1903 йил 26 август. №33*

САЙЛОВ ҲАҚИНДА

Самарқанддан мактуб

Тўғри хабар Самарқанд уездини сайлов хусусида ўтган июль ойини аввалиндан бери жаноб Самарқанд уездини ҳоқими, қози ва бўлуствной управителлари сайланмоққа машғулдурлар. Иккинчи ушбу августда Самарқанд шаҳрини доҳилия 2 қози сайландилар. Мазкур балданинг 2 қитъаға мунқасим этиб, биринчи участкаси Ҳазрати Шоҳизинда қитъасиға мувассум бўлиниб, анга тобе 76 нафар элликбошилардан ҳозир бўлгон 75 нафари 7 йилдан бери Самарқанд шаҳриға якка ва танҳолик ила қозилик мансабиға ҳукмронлиқ қилиб турган личной почетной гражданин мулла Мирзо Ниёз Муҳаммад Хусайнбой сўфи ўғли қозилик ва ушбу вақтға сайлов илан қолган Самарқанд уездини Довул ва Анҳор бўлуслариға 11 йилдан бери қози бўлуб турган муҳтарам Абдулҳафиз махзум кандидатликға сайладилар. Муҳаррири газет тарафидан ул жанобларға табрик қилинадур.

Баладимизнинг 2 участкаси – Ҳазрат Хўжа Аҳрор қитъасиға мувассум бўлиниб, анга тобе 84 нафар элликбошилариндан ҳозир бўлгон 81 нафари мазкур уезднинг Хўжа Аҳрор бўлуствлариға бир неча йилдан бери қозилик қилиб, ушбу сайловдан қолган мулла Муҳаммад Валихўжа Фиёсхўжа ўғлини қозиликға ва ўтмиш 1879

йилдан бери муфтилик қилиб, яна 7 йилдан бери Самарқанд шаҳрига муфтилик ва дарсгўйлик қилғувчи ва Самарқанд уламоларини биринчилариндан маъдуд бўлғувчи Мулло Одил Мулло Мансур ўғлини кандидатликка иттифоқ ва яқзабон ила сайладилар. Алҳамдулиллоҳи таоло, шаҳримизни қазо мансабларига муносиб ва амин ашхослар сайланиб, бу мансаб азмона аҳл элига берилмади ва жаноб уезд ҳокими ҳурматлик полковник Чертов балдамизни барча элликбошилари борасига қилган насиҳат ва нутқи хайриялари таъсирли ва яхши натижалли бўлди. Нутқларини молий тергов кўрмаган, боинсоф мулло одамларнинг сайланмоқларига амр эди.

Ушбу сайловдан муқаддам Самарқанд уездига аксар 2 ё 3 бўлустига бир қози эди, эмдиликда ҳар бўлустга алоҳида қози сайланди. Шаҳар сайловиндан муқаддам жаноб уезд ҳокими Даҳбед участкасидан қози бўлустнойлари сайловина ифтитоҳ қилиб, фақир роқими ҳуруфнинг хизмат жойим Кобуд бўлустига ташриф этиб, Теватортар ва Кобуд бўлустларини сайловини барпо қилдилар. Кобуд ва Қароқалпоқ бўлустларига 7 йилдан бери қози бўлуб турган хатм қилган Мулло Зубайр Мулло Яхшибой ўғлини Кобуд бўлустини элликбошилари қозиликка сайладилар. Теватортар ва Ўсмаат бўлустларига илгари вақтда бир сайлов муддатга ва ҳозирга 7 йилдан бери қозиликка турган жаноб Ашраф ал-ҳож хатми улум қилган Мулло Абдусаттор махзум рашодотпаноҳ халифа Муҳаммад Раҳим марҳум ўғлини Теватортар бўлустини элликбошилари камол ила қозиликка сайладилар.

Бул асноға мазкур ҳожи Абдусаттор махзум жаноб уезд ҳокимиға манзур бўлиб баёни ҳол қилдиларки, назарингизда турғувчи бўлуст вукалолари каминани қозиликка сайладилар. Ман хурсанд ва рози бўлдум ва аммо истеъфо қиларманки, рухсат бериб бошқа қози сайласалар эди. 50 ёшга етибман, боқия умримни ибодат ила ўткарсам, деб жаноб уезд ҳокими бу қазия салбияни вукалоларга маррат баъд охири эълон қилсалар ҳам, 50 ададга яқин элликбошилар яқзабон ила қабул мансаб қадимларини рижо қилардилар ва жаноб ҳоким неча мурувват ила жаноб қози афандига айттилар: «Ман сиз каби шахснинг асло кўрмадим, яна бунларга бир неча авқот қози бўлунгиз», – деб охирул амр ҳозирини мажлис қози бўлустной управителлари рижо ва илтимос

ила қабул қилдурдилар. Мажмаъи омға ҳозирунлар ҳама якдил ва забон ила изҳори хурсандлик ва истеҳсон этиб, хусусан, жаноб қози афандини қабул ҳолатида қилган кўз ёшлари нозиринга таъсир этди, Оллоҳ таоло жалла шаънуҳу ҳар бир бандасиға бу адл ва инсоф ва мансаб ва давлатнинг муяссар этгай, омин!

Самарқанд уезди 3 участкаға мунқасимдур, चुнончи, (Ургут, Даҳбед, Панжакент) қитъаларға бир участковой пристав нозирдур. Панжакент қитъасининг ибтидоси балдамизнинг шарқиға 7 фарсах масофададур (Зарафшон дарёси), бидоятни авоил жиболи раводия узасинда воқеъ 7 бўлусдан мураккаб интиҳоси Мастчо бўлуси ўлуб, Хўқанд уездиға муттасилдур. Бу участканинг сайлови ҳануз тамом бўлмагандур. Ургут ва Даҳбед қитъалари балданинг 4 жиҳатиндан мужовара ва муҳит ўлуб арз туробия валина узасиға коин ва шаҳардан бошқа 19 бўлустдан мураккабдур, 6 сиға қуззоти мозийинлар сайлануб, 5 бўлустға фуқаҳотпаноҳ моҳир муфтилардан қози сайланиб, 4 бўлустға мударрис ё имом бўлуб турғувчи уламодан сайланибдурки, алҳақ муносиб ашхоси уламо ва мустаҳиқлардур. Бу уламои қуззотларнинг ҳукномалариға мутолаа ва огоҳ бўлган ҳолатимға анинг кайфиятини жаридан «Туркистон»ға камина роқими ҳуруф ходимона ваъда қилурмиз ва аммо мазкур 19 дан 4 бўлустни, चुнончи, «Довул-Жуйдивона-Анҳор ва Қорақалпоқ» бўлустлариға аҳоли ва вукалолар қандай мулоҳаза илан ҳеч бир номуносиб илмсиз кишилар ёшлиқға мактабға хат ва савод чиқориб зироат ва деҳқончиликға ё чорваға машғул бўлуб, ҳатто қишлоқ имоматликиға истисҳоқ пайдо этмаган ва мансуб бўлмаган ё «зарби зайд умаро» ё «...»¹³⁸ эканликни билмайдурган (Мулло Ишим-Мулло Мирзо-Мулло Шоҳ Муҳаммад-Исматхўжа) деган нафарати арбаанинг бу мансаб изомаъи қазоға сайлабдурлар.

Биздан бошқа бетараф муҳаррирнинг ёзгани 30 нумерли жаридиға забт ўлмиш филҳақиқа сўзи мусаҳҳиддур. Камина роқими ҳуруфни бу нафарати арбааға маърифати бордурки, ҳар бири фақат бир маҳзар ва ё сачил ё қаҳқари ҳужжатларининг мазмуни ва мафҳум ва мутолаасидан куллиси беҳабар ва жоҳилдур-

¹³⁸ Қимда-ким иймонга даъват қилувчининг айтганларини фикр қилса, бу – тўғри йўлдир.

лар, балки мазкур ҳужжатларнинг исмини ҳам билмайдурлар. Мунозарачи жалий қарқара хатти хат ахзорнинг хат иброз ё ҳаййизорқат дегувчи хати бўлса битгувчи ашхосдурлар, муболагаси йўқдурки, Самарқанд ва Бухоро усулинда ёзилмиш бир хат никоҳи хайр бунлар қўлига берилса, маънисини ифода эда билмазлар (охири минбаъд босилур).

ТВГ. 1903 йил 2 сентябрь. №34

САЙЛОВ ҲАҚИНДА

Самарқанддан мактуб

Уқалоға, хусусан, қазои арбобиға маълумдурки, бир қоч улумдин бохайрлик лозумдур, аввалан мутолааи арабий ва фасоҳати форсий ва туркийси бўлса талмиз этиб, қазо ишлариндан ва замон кайфиятидан дастуруламал ва положениедан хабарсиз бўлмаса ва мутамаддиян бўлса ва фосиқу фожир, хаммор ё жоҳил бўлмаса, илми фиқҳ, ҳисоб ва фароиз тасҳиҳ ва тақсими мерос мусоҳат, хулоса, исломиятга айни маданиятдур.

Онларға лозим ва лобуд улум ва фунундан хабари бўлса, боқилса, бу нафароти арбаанинг ҳар қаюси бу илмнинг ҳеч бириға вуқуфи йўқдур. Бунлар иш топширулса на қилурлар, тасалли қилинсаки, бунларнинг нотўғри ҳукмлари съезд қозилари ислоҳ эдарлар. Уездимизни мураккаб бўлгувчи баъзи съездлариға баркамол қози кўрулмайдур, бўлустларда қозилик ва дарсгўйлик қилиб турғувчи муллолар бордур, онлар ўзлари талаб ва ҳаракат қилмайдурлар, ҳолбуким, бу нафароти арбаа қазо мансабининг идора этмоқиндан ожиздурлар. Азбаски, илми шариат ва ҳам Туркистон музофотиға жорий этган низомлариндан куллиси беҳабардурлар, ҳамсоя, чунончи, Каттақўрғон ва Дизах уездларидағи халқларни(нг) бул тўғридағи аҳволи ҳам игтишошли эканлиги масмуъ бўлуб турадур. Баладиямизнинг уламо ва уқалолари ҳасрат ва афсус ва ҳайратға қолмишлар, таҳрир ила сўзимиз туганмайдур, йиғламоқ

ила муддаога етолмайдурмиз, рижо ва илтимос қилармизки, муҳофизамиз рижоли ҳукуматимиз аҳволимиза боқсалар, кўн-глумизни сўрасалар, бул тариқа ориз била ва маводди фасодия дафъиға одилона, мансуфона ва ҳақимона даво ва тадбир этмоқни биздан дариф тутмасалар, вале бир неча йил ўтгандин сўнгра бизнинг амният ва инсониятимиза ҳусур ва халал обид ўлуши табиийдур. Оллоҳ сақласун, бу хабарнинг гарази фосид ё ифтиро ила ёзмай «кама ҳувал воқеъ» хулуси ният-ла таҳрир этдим. Яна бўлустаной управителлар тўғрисиға ва бу сайловға ва бу сайлов оқибати Самарқанд областной правлениясиндан на бўлуши сариҳ бўлганиндан сўнгра таҳрир қилинур ва идо-раға юборилур ва аммо мажолисда ривоят ўлинурки, қозилик мансабиға фалона 10000 танга сарф айлади, бўлустанойликға фалонанинг 10000 ё 30000 тангаси сарф ўлунди ва элликбоши-ларға тақсим қилинди. Бу фасодларнинг йўқ қилмоқ учун бир неча элликбошилар ва баъзи сайланмиш ал-онда жаноб участ-ковой приставлар тафтиш ва сўровлариға гирифтор бўлуб ту-рубдурлар, ҳуккоми бокамолларимиз раъйи ва тадбири ҳақи-моналари доирасиға бу фасодларнинг маъдум бўлушиға барча уқало умид этмоқдадурлар, Оллоҳ таоло ноумид этмағай, омин!

*Ад-даъийи алан-нас билхайр ва саодат фақир
ал-ҳож Мулла Маҳмудхўжа муфти валади қори
Беҳбудхўжа хатиб, таҳрир қилинди, Самарқанд*

ТВГ. 1903 йил 10 сентябрь. №35

**САЙЛАНГАН МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ
ТАСДИҚ ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА
Самарқанддан мактуб**

Туркистон вилоятини миллий жаридасининг 34-номерли нус-хасиға мактуб.

«Самарқанд уездини сайлови хусусидаги тўғри хабар» деган мақоланинг охири.

Самарқанд шаҳрини(нг) биринчи Ҳазрати Шоҳизинда даҳасига сайланган жаноб личной почетной гражданин қози Мулло Ниёзмұхаммад Ҳусайнбой сўфи ўгли қозилик мансабиға, домло муҳтарам Мулло Абдулҳафиз махзум ўгли кандидатликға жаноб баланд даражалик Самарқанд областини военний губернатори марҳаматлари ила мустаҳкам бўлдилар. Мазкур шаҳарнинг 2-Ҳазрат Хўжа Аҳрор даҳасига бўлган аввалги сайловни ҳукмронлардин илтифотсиз қолиб 2-сайлов бўлиб, тақрибан 2 санадин бери тадрислик мансабиға туруб санаи мутаъоддин бири Самарқанд шаҳрини(нг) катта мударрислариндан Шердор мадрасасини тарафайниға 2 мударрис ўрниға турган Самарқанд уламо ва содотини биринчиларидин ва Самарқанд уламоларини(нг) охунд мақомиға турган жаноб сиёдетпаноҳ домла Исохўжа қози Миршарифхўжа марҳум ўғиллари мазкур қитъаға қозилик мансаб алайҳисига баланд даражалик военний губернаторимиз марҳаматлари ила мустаҳкам ва мансуб бўлуб, аҳолийи Самарқанднинг мавжуб тарзия ва ифтихорлари бўлди ҳам 20 санадин бери Самарқанд уездини бўлустлариға қозиликға турган жаноб Маҳмудхўжа Офтобхўжа ўгли кандидатликға мустаҳкам бўлдилар.

Сиёдетпаноҳ мажидулуламоҳ жаноб қози Мулло Исохўжа тақрибан 20 санадин бери мударрис бўлуб туруб ва жаноб личной почетной гражданин қози Мулло Ниёзмұхаммад Самарқанд уезд шаҳриға 25 санадин бери ҳукумат тарафиндан аҳоли назоратининг мансаблариға ҳам етти санадин бери Самарқанд шаҳриға ягоналик ила қози мансабиға барқарор туруб, бу икки зоти саодатсифот Самарқанд аҳолисининг муҳаббат ва ақидати бетаассубоналарини жазб этмишлардур. Яна аҳолининг тараққийи илм тамаддувлариға ва фурсолиҳ ва таайюши хайрия ва шаръия ва низомиялариға бу икки зот олий даражотнинг вужуд ва тарбияти маънавийларининг сабаб бўлуши жумла аҳоли тарафиндин маржуъ ва музаннандир. Мустақбалада муттақин ўлуши умидиндамиз ва аммо бизим Самарқанд шаҳрининг миллий киборлари марказимиз ўлан Тошкент балдасининг киборлари каби атфоли (макотиб аҳволиндан хабардор бўлмоқ ва ё муаллимини макотиб на тариқа таълим бермоқликлариндан ва ё балдаи Русия мусулмония) макотибидаги атфол аҳли исломнинг итоат ва кайфият ҳолатлариға саъй ва тараддуд қилмоқнинг ҳануз одат

этмамишлари керакки, дорулаъломларнинг тараққийи моддий ва маънавийларига хоҳиш ва базллари бўлса, азбаски, шаръан ва ақлан бурчларидур.

«Туркистон» жаридаси самарасининг далолати хайрияси-ла, иншооллоҳ, замондин огоҳ бўлурлар, таҳсили муаллимларимиз ва таданний маконимиздин «Туркистон» жаридаси воситаси-ла ақлан самоға фарёдимиз эшитилиб эди, вақт мусоада берса, яна арз қилармиз. Шаҳримиздин биринчи бўлуст Сиёбдурки, балдамиз мужоваратида аксарият ила муматтад аҳли балданинг ёз истиқомат қиладурган боғчаларига муштамалдур. Илгари вақтда қози мансабиға туруб, 20 санадин бери қазо доирасиға муфтиликға туруб, фатво асҳобини биринчилариндан маъдуд Мулла Оқил муфти Бобожон ўғли қозиликға ва фуқоҳиятпаноҳ Мулла Абуясуф муфти кандидатликға сайланиб ва жаноб Самарқанд областининг баланд мартабалик военний губернаторимизни марҳаматлари ила мустаҳкам бўлдилар. Маҳалла бўлустига Мулло Ақобирхўжа муфти; Ҳазрат Хўжа Аҳрор бўлустига Мулло Мирвафоҳўжа марҳум, Самарқанд қозиси Мулло Мирнизомиддинхўжа ўғли; Ургут бўлустига мансуб қози Мулло Абу Абулфайз махзум марҳум қози Мулло Абдулжаббор ўғли; Жумабозор бўлустига мансуб қозиси Мулло Муқаддасхон Абдулгани махзум ўғли; Қоратепа бўлустига мансуб қозиси Мулло Авазбоқи Худойдод сўфи ўғли; Янги Қозонариғ бўлустига Обидхўжа муфти Шаҳархўжа ўғли; Чашмаоб бўлустига Мулло Равшанхўжа; Теватортар бўлустига мансуб қозиси жаноб Ашраф ал-ҳож Мулло Абдулсаттор махзум; Кобид бўлустига мансуб қозиси Мулла Забир; Шожон бўлустига мансуб қозиси Мулло Хонхўжа марҳум Самарқанд қозиси Мулло Эшонхўжа ўғли; ҳазрат Саййид махзум Аъзам Вали муъаззамнинг мазори файзул анворлари шараф ва қавлия, мумтоз Даҳбед бўлустига муқаддам қози бўлган Набирахўжа; Ҳалвойи бўлустига мазкур Даҳбед мадрасасиға мударрис бўлуб юрган фазилатпаноҳ Мулла Исохўжа; Ишимоқсоқ бўлустига фазилатпаноҳ Мулло Муҳаммад Мусо мустаҳкам бўлдилар (бақияси минбаъд босилур).

Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа
ТВГ. 1903 йил 30 сентябрь. №38

САЙЛАНГАН МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ТАСДИҚ ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА

Самарқанддан мактуб

Паҳлавонариф бўлустига фазилатпаноҳ Мулло Жалолиддин хўжа, Қорақалпоқ бўлустига Мулло Шоҳмуҳаммадхожи қози мансабларига сайлов ила ва жаноб ҳукком зулэҳтиромларимизни марҳаматлари ила мустаҳкам ва сарафроз бўлдилар. Филадил 3 бўлусларга номуносиб одамлар сайланиб эдиларки, жаноб ҳукком донишваримизнинг амрлари ила иода бўлинуб, Жувайд девона бўлустига мансуб қозиси жаноб шариф ул-ҳож Мулла Бекбўта, Анҳор бўлустига мансуб қозиси салафи аз-зикр Мулло маҳзум, Дўл бўлустига яхши ва ганж муфтилардин Мулло Абдусалом сайланиб, мустаҳкам ва сарафроз бўлдилар. Оллоҳ таоло бу қуззотларнинг шаръи шариф тариқи-ла солиқ ва омил ва ғайри мутаассиб ва низом-ла зоҳиб ва чиҳилдин маърий ва барий этгай, омин.

Фақир роқими ҳуруф масдари қуззот ул-эҳтиром маъразларига эдиюрки, хизмати шаръия ва низомияга маъмур ва мансуб холиянинг лавозимотига мушарраф бўлган ашхоси киромга қонун шаръи дастуриламал низом муқтазоларича тарбият ва забти аҳолига кўшиш қилмоқ лозимдур, назоратига тобе, аммо кунлари ашхоснинг бир рафиқ шаръи ва низом ҳаракат қилмоқлариндин хабардор бўлуб ҳам ийналга зоҳиб бўлмоқларига тарғиб ва ганбеҳ қилмоқлари теюшли шуғулларидур ҳам яна тараққийи миллат ва таолийи маданият ва исломият ва подшоҳга садоқатда бўлмоқларига улум ва фунуни диния ва закония ва саноия асрия ва давлат матбулари ила бирликда ва натоижи ҳасанасидин ҳисса олмоқларига саъй ва хоҳиш қилмоқ, аввало, қуззот ва умарои миллиямизга дин ҳукминдадур. Мир бўлусларимиз, истаршина ва оқсоқолларимиз қуззоти замония бир карра фикр этсалар, таъаммуқ ва басирати-ла боқсаларки, назоратларига топширулмиш қитаъот ва маслаҳотга сокин аҳолининг нечадин бири олимдур. Сафия ва жоҳил, ўғри, калахўр, қиморбоз неча ҳиссадур, рибо, ришват, фасод ва ғарур фаҳш ва фужур на тариқа шеваъ ва жараёнда умумий ишларга хилофи шаръи ва зақўни хиёнат ва жиноят на даражада ва на ҳолатда, шаҳар ва қаро масжид ва макотиби на қадар таданниятда балда

(русия ва мусулмония) макотибиятдаги атфолимиз на кайфиятда, ионатларга эҳтиёжлари борми-йўқми, на илм ва саводсиз кишилар имоматдадур, онларни назорати забт ва тарбияти ҳифз ва ҳидоят тааққул ва басорати адл ва хиёрати инсоф ва амонати раҳим ва шафқатно деб ва танбеҳи зажр ва таъзири манъ ва таъбиси хулоса, ижрой умурот ва аҳкоми шаръия ва низомия ва аъдоми фасод ва шурури нафсония этмоқ кимга лозимдур.

Туркистон музофотиға жорий бўлган низоми олиянинг 142 – 141-боблариндаги жузъий бир неча ишлардин бошқа аҳолининг барча гуноҳ ва айб ва сӯров ишлари қуззот ва бийларнинг сӯрамоқиға тааллуқдир деб мазкур низомни 211-бобиға ва яна фуқароларни жорий бўлуб турган русумлариға мувофиқ ҳар халқнинг қози ва бийлари бўладур деб 212-бобиға кўрсатилиб, жаноб императури аъзам ҳазрат шаҳриёри муаззамамизни марҳаматлари бизим боримизға судур топгандур. Вале бизлар бу латифи бениҳоят шаҳриёрнинг қадриға етмай, анинг амриға муҳолиф ҳаракат суъи, яъни муҳолиф шаръи ва низом ишларға иқдом этиб ё шаръи ва низомға мувофиқ умумият-ла ҳаракат этмоққа биродарларимизни, ажабо, биз на ҳолатда ва қудратда ва наммомлиқдамиз, эмди бу на илож ва тадбир ва на илм бобиндаги ишларимизға бир имтиҳони тафарруж суратини фикр ва мулоҳаза этмоқ ва бўлмоқ алзумдир.

Ҳақир аҳли ватанлари роқими ҳуруф бу арзи таҳрирни гарази фосид ила маҳфил шуҳудға келтурмаюб, хулуси ният шаръи низомға садоқати миллат ва давлатға манфаат деб ёздим. Қуззот ва умарои миллиямизға малол келмасунки, ўзлариға маълум маввод ва афвлари бандадин маржудур, сояи давлат императури аъзамимиз ва ҳукком неку ҳисолимиз раъйи ва тадбир ва назорат ҳукамолари қарорича мутараққий ва маданий бўлмоқимизға зоҳирдур ва мавводи фасодияларимиз маъдум бўлуши умидиндамиз, Оллоҳ таоло тариқи савоба барчанинг ҳидоят этгай, омин, вассалом.

Ала ман атбаъалҳудо алан-нос бил-хайр ва саодот фақир ал-ҳож Маҳмудхўжа муфти валади қори Бехбудхўжа хатиб марҳум, таҳрири ман, Самарқанд ТВГ. 1903 йил 8 октябрь. № 39

МУСУЛМОНЛАРНИНГ ҲАЖ САФАРИ ҲАҚҚИНДА

Исломиятимизнинг 5-навъи муборани тавофи байтуллоҳ ўлуб, бу-да неча шарт ила муқайиддур. Тавофи байтул-атиқ умрда бир карра фарз ўлиниб, мужиби амн ва омон такмилаи ар-кон исломиятимиз ва таждиди аҳд вусуқамиз бўлмишдир. Бу бир давлати бикарон ва неъматни бепоёндур. Тавсиф ва ташриҳини авроқ бешумора эҳтиёжимиз бор, ҳар важҳ-ла бу сафар саодатнинг мироат ва шароити шаръиясини фавт қилмасдан иртикоб ва давлат этмоқи ҳаммамизга лозимдур. Исломиятимизни мин важҳ эъзоз ва ашраф аркони зиёрати байтуш шарифдур. Чунки савм ва саловот жисм ила, закот мол ила зиёрати байтуллоҳ тил қилиб аъзо жавориҳ ва мол-ҳол ила ўлур, амн ва омон, ҳур ва жинон анинг жазоъ хайриясидур. Зиҳи саодат бандаким, ҳалол мол ва ҳайроти бешумор ила азми роҳ этсун, Оллоҳ ҳар бандани мушарраф этгай, омин. Фақир роқими ҳуруф ҳажни фарз бўлуши кайфиятидин ва ушбу замонга ҳожига йўл асносида лозим тадорукот ва мироатни ҳайсиятидин боқадар алзум жузъий бир арз ва туҳфа ахборларимга қиларман, чунончи, ҳажнинг фарз бўлишини сабаби ё шароити шунладур.

Ҳуррият, яъни бировнинг марқуқ қули ҳам сағир ва мажнун эмаслик ва аёллар ҳам бу авсофга бўлмасликлари замига яна маҳрам ё эрлари ила бормоқлик амни тариқ, яъни одатан бориб келмоқиға йўлни саломатликини ҳам яна аҳли ва аёлиға авдатигча нафақан лобудия қолдируб ва ўзининг бориб келғониғача атоғама ва албиса ва киралариға кифоя қилатурган моли бўлса, яъни масканидин ва ҳожати аслиясидин ва маконидаги кераклик асбоблардин бошқа мол ё нақдинаси бўлса, ўшал одамга тавоф ва сафари ҳажни шариф шаръан фарз бўлур. Бу шароит мавжуд йўқ ҳолда сафари ҳаж фарз бўлмайдур ва бу шароитни ҳар бирини адами вужуди ҳолатида масала бир неча суратга мунқасим бўлуб, баъзи суратга борган ила фарзияти ҳаж зимман ҳожидин соқит бўлмай ва бошқа вақтга вужуди шароитиға алоҳида ҳаж қилмоққа муолиф бўлиб турадур ва бир неча қисмига иртикоби сағир қилмоқчидурлар, керакки, мударрис ё муфти ҳузуриға бориб кайфияти ҳолларини баён этсунлар. Адаб ва аркони ҳаж

ва сафарга матолей бўлсунлар, яна Каъбаи муаззама на эканлигини лисон ва баёни шаръи ила билиб, на учун тавофга бориб ва ҳажарул асвади шарифни бўса этмоқлари натижадин бироз хабарли бўлсунлар. Токи сабаби инжолан ва сафои таъби мазилят эътиқод ва изоҳ вужуди шароит ҳаж бўлса, яна ҳажга на учун боришлари ва тошдан бино бўлган бир иморати олияи азимани на учун тавоф қилмоқларини сабаб ва далилини билиб, яна сафар кўрган боилм ва бохабар одам ила мусоҳабатлашиб, ҳарами шарифга бориб, Каъбаи муаззама нима ва ҳажарул асвади шариф нима ва на сабабдан бўса этмоқлари ва тақрим этишлари натижаи ҳасана ва кайфияти шаръия ва ҳақиқасидин беҳабарликда, балки бир шахси бузрукнинг даҳмаси фаҳм қиладурлар ва авом нав ижод ҳукамои мутааҳҳирин ҳолиянинг ҳаёт китобини ўқудум, ёзилибдурки, таҳлилоти кимёия ва имтиҳоноти фанния ила собит ўлмишки, ҳажарул асвади шариф арздаги тошлар жинсидан эмас, ҳажарус-самовиядур деб ҳукамои ҳолия тасдиқ этибдурлар деб Русия уламои жуғрофунунияга нисбат берилубдур.

Бизим эътиқодимиз ҳам арзий эмас, жаннатдин юборилмишдур. Жаннат-да самоғадур. Бизим уламоларимиз авомга аҳкоми диниядин ва фунуни лозимадин, ҳатто адаби инсониятдин маълумот, панд ва насиҳат бермаюрлар ва уламоимизни баъзилари ҳам улум ва фунуни маошия ва замони ҳолиядан бебаҳрадурлар.

Яна бу авом ҳажжожимиз бир неча жоҳил ҳожи ва бадавийларни ҳаракотларини ва маълумотларини кўруб заҳматини чекиб, эътиқоди қалбиялари суст бўлиб борганларидин надомат қиладурлар. Чунки бечоралар ҳажи инсоният на эканлигини билмайдурлар. Биза қолса, ҳаж борувчиларимиз адонъи маротиб бир ой ҳар кун олим суҳбатига истимоъ дарс, масоили ҳаж этиб, баъдинда кетсун, вале бир фарзнинг бенуқсон тамом қилолмасдан неча юз, балки минг фурузни фавт ё фосид эдар, яна шахси бохабардин аҳволи тариқи ҳаждин маълумот олсун, токи ўзини кулфатдан сақласун ва ҳифз этсун.

Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа
ТВГ. 1903 йил 6 ноябрь. №43

МУСУЛМОНЛАРНИНГ ҲАЖ САФАРИ ҲАҚҚИНДА

Авваланчи рақамлик газетга каминага қилган марҳаматлари-га биноан хизмати шарифлариға арз қилармизки, бу замонга Туркистон аҳлини ҳажи шарифни савоб учун деб кўпроқ бо-риб, баъзилари беилмлиқ ваҳҳидин йўлларға ва балодатайн ва таййибатайн ё ватавлариға бир неча жиноят ё кам эътиқодлик ҳаракат ва сўзлар содир бўлуб, шаръан сабаб нуқсон савоблари бўлуши, ёинки ватаниға бир неча фаврулизом ва фарз бўлуб турган ҳаққулабад ишларини ташлаб ё авлодини зоеъ қўюб, дин ишларини адо қилмасдин ва шароити адои ҳаж ҳашитлариға воқиф бўлмасдин ва ўзини аҳвол ва атворини шариатга татбиқ қилмасдин ва илми ҳажга ул ҳам лозимдур, билмасдин қасди ҳажи шариф қилиб бориш ё кишиға камиститоат ва беилмлиқ-дин пушаймон бўлуб, нолойиқ сўзларни ҳамма вақт айтиб юра-дурган авом ва сафарға ҳожиларни ададини йилға кўпайгани-ни кўруб, яна ҳаж ва ҳажарул-асвад тўғрисиға хилоф қонда ва истихфофға ўхшаш сўзларни айтиб юрганларни кўп кўрганим учун тоқат қилолмай нодонларимизни аҳволлари уламомизға ва адаби ҳаж ва мууроати сафари замония ҳожиларимизға маълум ва равшан бўлсун, шоядки, баъдинда ҳаж боргувчилар уламои маж-лис ва ҳузури шарифлариға келиб дарс ва маълумот олиб, қасди сафари саодат башарти рухсат шаръи қилишлари ҳамватанлари-миз ўртасиға одат ҳукмиға кириб, авом ҳожиларимизни сабаби до-ниш ва эътиқод ва адабликлари ва ҳажларини аркон ва лавозимо-тини комил бўлуши ва камгуноҳлик бўлушлари бўлармукин деб.

Ушбу масалаи ҳажни ҳар тарафини мулоҳаза қилиб ва қилгон сафаримда ҳамватанимизға қилган мушоҳадаларимни ёдга олиб, жаҳати хизмата аҳли ватан мақола маълумани идораи хайри-яға юбориб эдимки, 1903 йил 43-рақамлик газетға ва яна бошқа рақамларға ожизонам ёзилиб эди. Шул тариқа, чунончи, ҳажнинг фарз бўлуши сабаб ё шароити шулардур – ҳуррият, сағир ва маж-нун эмаслик, сиҳҳат, яна муслимлик, зоди роҳила амин тариқ казо ва казо. Бу шароит мавжуд йўқ ҳолда сафари ҳаж фарз бўлмай-дур. Бу шароитнинг ҳар бирини адами вужуди ҳолатида масала бир неча суратға мунсақим бўлуб, баъзи суратға борган ила фар-зияти ҳаж зиммаи ҳожидин соқит бўлмай, шароит бўлганида яна

ҳаж қилмоққа мукаллиф бўлуб турадур деб. Соқит бўлмайдурган ишлари беилмлиқдин воқеъ бўладур, аммо фақир киши бир мартаба ҳаж қилиб, сўнгра бой бўлса, иккинчи мартаба ҳаж қилмоқи лозим деган муддао йўқ эди, баъзи сураат деб ёзилиб эди.

Ожизона арз қилурманки, бандани муродим ҳожиларимизни сафар ва ибодат ҳам зиёрат ва эътиқодлари бадаража камоли бениҳсон бўлсун, амаллари ихлоси том ва ақидаи соф ила муштамал бўлсун, қабул аз мийқот ва баъд аз ҳаж истиҳсоф балосиға гирифторм бўлмасунлар, илм билсунлар, билиб ибодат қилғон ила билмаган ўртасиға фарқ керак, жаҳл узр бўлмас – асл муддао шул эди ва ул қадар тафсилдин мурод қосиди ҳаж қабул аз хуруж бир даража уламо суҳбатиға шараф бўлуши эди. Чунки уламо анга лозим насихат ва илмни билдирар эдилар, лоғайр, азбаски, авом ҳожиларимизни феъл ва қавл ноанжомлари ва аҳволи танг ва фақирлардин ноши ва жаҳлларидин пайдо бўлган ишларини кўп маротаба ўз сафарим ва ватанимға кўруб ғам ва надовад қолганман ва ислом – ҳажарул-асвади шариф баёниға ҳажари мазкурнинг шарофатлиги ила баробар фунуни ҳозираи жадида ва ҳукумати нофеанинг илмлари бизларға кераклигининг бир намуна кўрсатилиб эди.

Ҳайъат ё жуғрофия олимлари айтувларича, бизни эътиқод ва китобларимизға ҳажарул-асвад юлдуз парчаси эмас, жаннатдин юборилмишдур. Фанни ҳикмати ҳайъат юзасидин самовийлиги ва арзий эмаслиги собит бўлубдур, фаннан яхши собит бўлубдур, нақлан жаннатдиндур – жаннат самоғадур – яъни жаннатдин келган нимарса табақоти самовотни газет клишейи жоиз бўлса демоқдин иборат эди. Вале зироат ерғадур, демак, каби жаннат само саҳниға халқ бўлгандур деган эътиқод ила ёзмаганимиз эътиқодимизға хизмат этмоқ ҳам фунуни жадиданинг баъзи самара ва кераклигининг аҳли ватанға бир хабар бермоқ ниятимиз эди.

Жаннатни таҳти арш ва фавқи самоға эканлигиға – Мулла Жалол китобиға оят ва ҳадис ва уламои киром сўзлари ва муътазилаға қилган муқобалалари муфассалан ёзилгандур. Яна бошқа жойға «Кулли ма ҳува фавқал арзи фаҳува самоъ мин тариқил луғат. Анна аҳлал луғати яқулу-кулли ма алайка фаҳува самоъ»¹³⁹

¹³⁹ Тил билан айтганда, ер тепасидаги ҳамма нарса осмондадир. Чунки тилшунослар сенинг тепангдаги ҳамма бор нарса, бу – сенинг тепангдаги осмондадир.

айтилмишдур. Бул бобға улвият ва фавқият жаннати муддао эди, наинки маъазоллоҳи десакки «Ал-жанната қоим ав муваззаъ фи табақот ас-самоъ ав аъла табақотис самаъ кулли набаъ фил арз»¹⁴⁰ интиқо жаноби маъруз ила муҳаррири акрамимизни далилларига ҳам жаннат баланд тарафдин зоҳир бўладур деб марҳамат қилгандур, тааммул ила боқилса, ўшал авваланчи рақамдаги газетга ёзилган нутқи марҳаматомизлари ушбу жавобларга мутазамминдур, жаноб муаллиф муҳаррирни марҳамат вал илтифотларидин ташаккур ва сарафрозимиз тасаввуримизни афв этмоқлари маржудур.

***Таҳрир 26 январь 1904 йилда, фақир
ал-ҳож Маҳмудхўжа валади Бехбудхўжа хатиб
ТВГ. 1904 йил 3 февраль. №5***

САМАРҚАНДДАН МАКТУБ

Русия бирлан Япуния қилгон муҳорабаси важҳидин давлати қудум, ҳайъати абадия матбуамизни бақоси асокири шоҳонани музаффарияти алалумум арзи басит Русияни мустақил ва мухтор ҳукмрони шавкатлу императури аъзамимиз ҳазратларини музаффар ва мансур бўлмоқлари бобиға биз – мусулмонияларни масождимизга қилиб турган дуоларимиз ошкордур.

Давлат матбуамизни япун душманимизга ғалаба этмоқи, зотан, матлуб ва муддаодур. Яна бу дуо таважжуҳларимиз ила баробар биз, Туркистон фуқаролари, биров бақадри ҳол ва ҳиммат асокири муҳорибийниға ёрдам каби иона қилсак, лавозим риюлик ва одамиятдан бўлса керак. Бул тариқа ионалар, албатта, дунё ва динга, миллат ва давлатга нафълик бўладур. Бизим туркистонлилар шул тариқа хайр ва нафълик ишларга шарият назари ила боқилса ҳам бўладурлар. Шул жиҳатдан ушбу ионани шариятга солиштураман деган мусулмонларимизга маълум

¹⁴⁰ Жаннат яратилган. У осмоннинг бир табақасида жойлаштирилганки, бу ҳақда ерга хабар берилган.

бўлмоқи учун тубандаги сўзни ёзмоқни лозим билдим – давлати матбуъамиз ватани муқаддасимиз эълони ҳарб қилган душманимиз – япун халқи мажусий ва бекитобдур. Ҳукуматимиз аҳли китоб насоро миллати ҳазрат Исо Руҳуллоҳ уммати қавмидур, яна мусулмон йигитларидур.

Бир неча мингдан зиёда биродарларимиз Русия аскарини хизматиға дохилдур. Мажус муҳорибасиға мусулмон аскар-солдатларимиз қариндошларимиздин ҳам бўлса керак – Русия арзи баситининг ҳар гўша ва мажмаълариға иона жам қилмоқ, ҳадя бермоқ нияти ва тадорики ила машғул бўлуб ва тажнис қилғувчиларни рус ва ғайри тоифалардин баробар ғайратда эканликлари газетларға ёзилиб турубдур. Чунончи, Қрим тарафиға баъзи шаҳарни мусулмонлари мажруҳ ва хаста аскарияларға ионат қилмоқ учун ўз ўрталаридан – янги оқ аскарӣй кўйлак – жам қилмоқға бошлаб маслаҳат қилибдур ва баъз шаҳарни мусулмонлари холис – пул жам ва иона қилмоқға муқаййид бўлубдурлар.

Биз, Туркистон фуқаролари, ҳам бул бобға бақадри ихолимиз иона ҳадя ва ҳам муҳофазати ватанимизға бел боғласак, айни инсоният эди. Бизни бирозгина ионамизға ҳукуматимиз муҳтож эмасдур, вале барча аҳли ватан мусулмонлар ҳам ушбу ишға шарик бўлсак, натижалик бўлур эди.

***Таҳрир 17 февраль 1904 йил милодия, фақир ал-ҳожж
Маҳмудхўжа муфти валади Бехбудхўжа хатиб
ТВГ. 1904 йил 27 февраль. №8***

САМАРҚАНДДАН МАКТУБ

Маълумдурки, аҳли ҳукумат ила раият оралариға миёначи во-ситаи ҳукумат маъмурларини фаръи шохаси ҳисоб топғувчилар ҳозирги қози ва бўлуствной ва шаҳар оқсоқоли ва депутатлари ва катта бойларидур. Чунончи, мазкур тариқа одамларни шаҳар мутасаддиси мавқеъ рижолни боши деб тасмия қилинадур, бизни шаҳримизға бу мутасаддилар бордур, яна шаҳримиз област, вилоят марказидур.

Барча катталаримиз газет ўқийдурлар, ушбу йилдаги газетлар воситаси ила Русия давлат муқаддароти қувваи шавкатнинг барча риюятлари ва ҳар гўшадаги муслим таъбияга содиқларини, хусусан, уламо синфларини садоқатлик ҳаракат нутқи барчаларини ионат ҳам фидокорликларини билиб турган бўлсалар керак. Яна алҳамдулиллаҳ ваш-шукр, шаҳар ва саҳорий халқларимизни қадимгидек тинч ва хотиржам ва бепарволик илан ўз бечорачиликларига юрганларини муъояна кўруб турубдурлар. Шукрлар бўлсунки, бизни халқимиз нодон бўлсалар ҳам бадсиришт ва кажрафтор эмаслар, албатта, аминдурмизки, халқимиз Русия давлатига содиқдурлар, вале айб будурки, рафтори ажойиб замон ва одамиятдин бошқаларга қараганда бебаҳра ва бесамарамиз ва илло на учун бизнинг шаҳар каби машҳур мамлакатни шаҳар ва саҳорисидин мураккаб бир садоқатнома – ушбу кунгача муарриз рижол ҳукуматга манзур қилинмайдур. Казолик иона жам қилинар эмиш деб эшитдук, вале бу кунгача шаҳримизни ўндан бир маҳалларига ҳам иона жамлангани маълум йўқ бу. Бу мусоҳала ярамайдур, 2 ҳафтадан сўнгра аҳолини аксари то бўстони боғларига кўчса, бу иона қандай ва қанча қаттиғлик ила жам бўладур.

Ажабо, бу ишлар ва кўпишлар кимни зиммасига бўлса керак, лозимки, арбоби маҳалла, яъни элликбоши ва имоми маҳалла одамшавандалилига шаҳар мутасаддиларимиз садоқатнома топшурмоқ ва иона жамламоқнинг чин натижасидан хабар берсалар, токи арбоби маҳалла тавъан ва рағбатан ҳаракат қилсунлар, бу қадарким, ҳафсалалик бизларга ярашмайдур, балки яхши эмасдур.

Ҳолбуки, аҳолимизни садоқат ва роҳатлиги азҳара минашшамсдур. Аммо ҳозирги нақд айбимиз бедониш ва беҳабар ва беҳаваслигимиздур, биз, аҳоли, албатта, уялсак керак, чунки саъйлик баъзи қишлоқ мусулмонлари номаи садоқати ила ионасини топшурган вақтда бизларни катта шаҳар аҳлимиздан ҳануз бир самара кўрулмайдур, сабаби надур, фақат беҳабарликдур, бизга қолса, лозимки, мутасаддиларимиз маҳалла арбоби яти саъйликларига ижтиҳод қилсалар, февран вақт ўткармай иона жамига муқаййид қилдурсалар, убудият фармонбардор ва муъин ҳақиқийлигимизга нома топшурмоқ керак: «Қулил ҳаққа валав кана мурран» (Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни айтгин). Тур-

кистон халқи ила Қазон ва Қрим ва Тифлис мусулмон халқларидин ноши натижани майдони мулоҳазага қўйилса, бизларни на даража нодон ва пастрўлигимиз аҳли дониш наздиға собит бўлур эди. Вале онлар ҳам, аввало, биз каби экан, ҳусни иттизож ва тарбияти Русиядин шул ҳолға табил бўлубдурлар ва Русия давлатини қадрини ҳақинча танийдурлар, бизларни ўндин, балки юздин биримиз Русия давлатининг қувватбозу ер юзидаги улуғ таъсири, казалик, ҳукумат ва сиёнати раҳим ва шафқати қонун мусовоти маслаки ҳасана ва бошқаларин хулоса ҳаққинча танимайдурлар. Бу жаҳолат ва адами саъй бизлар учун бир ёмон феълдур, яна зеҳн қўймайдурларки, 40 сана муқаддам на эдилар, ҳозир на ҳолатда тасоуд ва тараққий қилибдурлар ва ул замонға ҳадаф тири зулм бўлганларини ёдға келтурсалар керак. Бизға қолса, туркистонликларға Русия давлатининг фоидаи умумиясини ҳар ҳолға нофе ва кераклигини яхшилаб танимоқ керак, на илан газет бизни қосир фаҳмимизға келадурки, умумтуркистонликларни ҳар бир масжид, мактаб, мадраса, корхона, катта савдохона ва жам бўладурган жойлариға ва ҳар бир мансабдорлариға, биринчи ва иккинчи гилдия савдогарлариға, хулоса, иш эгалариға – «Туркистон вилоятининг газети»дан олдируб миллат ва давлатға умумий манфаат ишлардин ва насоиҳи хайриядин баён қилиб, аҳолини фикр ва ботиниға ишламоқ ва кўнгулларини равшан қилмоқ алзумдур, вассалом. Вақт ийжоб қилса, бу бойларға тафсила арз қилармиз, мақсадимиз Русия ила бирликдур. Лекин ўрус бўлмоқ гумон қилинмасун, тазҳиби ахлоқ ва ислоҳ нафсимиздур. Оллоҳ таоло ватанимизни маҳфуз тутуб, душмани мажуси манхусни мағлуб ва нобуд этгай, шавкатлу подшоҳимиз муборақ кўнгуллариға баланд ҳиммат ва ғайратларини олқов асокири шоҳонани мажус устиға музаффар ва мансур қилиб ва биз табъа мухталифани содиқ ва муттафиқликиға доим тутгай, омин.

*Таҳрир 30 март 1904 милодия,
Ад-даъий мин-нос билхайр вас-саодот ал-ҳож
Маҳмудхўжа валад Бехбудхўжа
ТВГ. 1904 йил 16 апрель. №15*

САМАРҚАНДДАН МАКТУБ

Шаҳри Самарқанд уездини фуқароларин ҳукуматга садоқат ва рағбат ва ҳусни имтизожлари хусусида бизлар – Туркистон аҳлини ҳукумати матбуамиз шавкатлу Русия давлати ила мажус-манхус япун баднамунни урушуб турганлиги барча катта ва кичикларимизга маълумдур. Шукрки, Русияга тобе 130 милён одамларга ҳамма иттифоқлик ила душманга мол ва жон ила муқобил бўлуб турубдурлар ва ҳар ким ўз ҳолича ҳадиа ва ёрдам бермоққа боғлангандур. Жамият нуфус қувваи молия ва аскариямизга кўра ўндан бир қиёс топилатурган душманга келар яқин замон ва вақтга музаффар бўлишимизга ҳар бир илм ва хабарлик ақли солим эгаси инонадур, шаҳодат ҳам берадурки, бизни мусулмонлар ҳам, ҳатто аёл ва болалари уруш майдониға мусулмон солдатларидан борлиги билинадур, яна ўз ихтиёрлари ила талаб қилиб бораётибдурлар. Бул мусулмонлар Қрим, Қозон, яъни татар, нўғай йигитлари ва Кафказ, яъни Доғистон тарафларидаги мусулмон йигитларидурлар. Русия давлатини мусулмон учун ғанимат ва кераклик низом ва одатларини ҳаммаға мусовий баробарлигидин ва ойин юзасидин ҳар фирқа озод ва ўз қондасиға амал қилмоқиға Русия давлати мусондалиги, ҳукуматдорлиғ мансабларига ҳар бир илм ва фазл эгаси аз ғайри тафриқ мазҳаби мақбул ва мансублигини олиғ-солиғ ва бошқа муъавванотларини оғир эмаслиги хулоса: бани Одам учун тинч ва осойишта бир ҳукумати олиялигини биз – туркистонликлардан кўп-кўп яхши билиб, эътимод ва эътиқод қилганлари ва ҳукуматдан вафо кўрганлари учун ушбу кунларға мазкур қариндошларимиз жон ва молларини аямай бақадри ҳол ҳимматларини муҳофазати ватан йўлиға ва шавкатлу императури аъзам ҳазратларини остоналарига нисор қилиб, мазкур қариндошларимиз неча ва неча мартаба ушбу 4 ой зарфиға императури аъзам ҳазратларини ҳумоюнназар марҳаматлари ила боқишлари ва қувватлик кўнгуллари ила миннатдор ва ташақкур бўлмоқларига ноил ва сарафроз бўлдиларки, Русияга тобе 15 миллиён марбут ва мунавват мужовир бир неча миллиён мусулмонни сабаби фахр ва юз қизиллигидур. Оллоҳ таоло бул иттифоқ ва илтифот ва бирлик бизларни ватанимиз, яъни Ру-

сия импературликига доим тутуб, аскаримизга зафар ато этиб ва Туркистон ватанимизни сақлагай, омин!

Бизни туркистонликларимиз ҳам катта ва кичик бақадри ҳоллари дуо ва ҳадя ила давлатга хизмат қилиб турубдурлар, шукри лиллаҳ, аҳвол ва атворлари салим ва аминга ўхшайдур.

Ани баробарига Русия ҳукуматдорларини бизларга назар марҳаматлари ва кўнгуллари тўғридур, назирини Самарқанд шаҳар ва уездини бир-икки ойлик аҳволларидан кўрсатиладур. Чунончи, шаҳримизни аксар халқи барча аъёнларимиз ила жамланиб дуо қилиб, ҳадя жамламоққа муқаййид бўлганлари газетларга ёзилиб эди. Инчунин, шаҳардан ташқари барча қози ва бўлуствной алайҳида ҳадя жамламоққа муқаййид бўлуб, ала қадри ҳол ҳар бирлари бир юз, икки юз сўм ё камроқ жамлаб тейишли ҳукуматдорларга топшурдилар. Самарқанд шаҳрини Русия давлатига тобе бўлгани ўтган биринчи майга 36 йил тамом бўлуб экан, шаҳардан 4-5 чақирим шимоли шарқий тарафига воқеъ Зарафшон дарёсини бўйи Сиёҳи об (Сиёб) бўлуствндаги Чўпонота деган кичик тоғ тепасига ёднома барпо қилинган тошни очилмоқи шаҳримизни 36-сана давриясини махсус куни учун биринчи майга мазкур Чўпонотага – барча Самарқанддаги аскария ва тўраларга уезд ва шаҳарни қози бўлуствнойлари тарафидин зиёфат ва меҳмондорлик ва муносиб обу таом ва ҳар хил машруботлар тайёр ва омода қилинди. Барча аскарлар ва жаноб военний губернатор ва бошқа аскария генераллар ва тўралар ва Русия имомлари чиқиб дуо ва муножотлар қилиб, Русия давлатини бақоси ҳазрат импературимизни зиёда давлатлари, аскаримизни музаффарияти ва ўтган, яъни истеълои Самарқанддаги тўраларни истироҳати ва шаҳри Самарқандни аҳли ва ободлиги тўғрисида дуолар қилиниб тўплар отилди, уралар чақирилиб тоғлар садога, музыкалар навога эди. Барча қози ва бўлуствной ва аъёнлар хизматга эдилар. Жаноб Самарқанд уезд ҳокими бул қўшун ва барча аскария учун тайёрланатурган паловлар ва барча тўралар учун алоҳида муқаррар бўлган ошхона узосига мазкур Сиёб бўлуствной управители Мирзо Рустам, Анҳор бўлуствной управители Мирҳикматиллоҳхўжани мутасадди қилиб айтканларки, яхши хизмат қилдилар: Хулоса: ўшал кун барча аскариялар, тўралар чиқиб ижрой расм ва машқ қилдилар. Самарқандни

аксар аҳолиси хурсандлик ила саёҳатга чиқиб эдиларки, махсус бир катта сайр бўлуб эди ва бу зиёфатни сарфларини 21 нафар қози ва барча бўлустановлар зимман ҳимматларига олиб, ҳар бирлари 20 сўмдан зиёда хизмат қилдилар.

Яна азбаройи денгиз аскарини қувватландирмоқ учун жаноб баланд даражалик Самарқанд областной военный губернаторини боғларига бўлатурган сайр ва тафарруж, яъни лоторея мурдиға алайҳидан шаҳар-саҳроларимиздан пул ва ҳар хил жонлиғ мол ва газбор ва бошқа ишлар қози ва бўлустанов шаҳар истарший оқсоқоли ҳурматлик Мирзо Муҳаммад Яқуби машҳурни ва депутатларни хизмат ва тарғиблари ила жамланиб топшурулуб эдики, 30 майда оқшом вақтида баланд даражалик военный губернаторимизни боғларига сайр ва тафарружи маҳаллий қилинди. Самарқанд уездини аксар қози бўлустанов ва одамшавандалари ва ҳар хил расмий одамлари энди келиб расмий одам 40 тийин ва катталар ўз ихтиёрлари ила неча сўмдан охири бир сўмгача бериб билет олиб томоша маҳаллиға кирар эдиларки, шул умурларға Самарқанд аҳлидан Русия давлат қуввасиға фаол муҳаббат, рағбат ва бор садоқатлари собит ва зоҳир бўлмоқда эди. Аъён ва ғайри аъёнларимиз шавқи тамом ила лоторея буралган билетларидан олар эдилар, ушбу хайрият иш учун ёлғуз Анҳор бўлустанов управители Мирҳикматуллоҳўжа 144 сўм 95 тийин нақд ила 50 адад тўн, нархи 2 сўмдан 3 сўмгача миқдор нимарса жамлаб топшуруб эди. Сиёб бўлустанови Мирзо Рустам, Маҳалла бўлустанови Мирзо Давронбек ва истарший оқсоқол ўғуллари мазкурдан кам ё зиёда пул ва ашё жамлаб топшуруб эдилар, бошқа қози ва бўлустановлар ҳам бақадри ҳол ҳадя жамлаб топшируб эдилар. Аммо деҳқон фуқароларини маъзур тугилсалар дурустдур. Агарда ушбу хайрият иш тийрамоқ фаслиға бўлса эди, албатта, ҳозиргидан зиёда жам бўлар эди (бақияси бор).

ТВГ. 1904 йил 18 июнь. №24

САМАРҚАНДДАН МАКТУБ

(Давоми)

Бизни шаҳри Самарқандимизни ва уездени аҳволи хийла яхши ва мустақим ва хоҳишлари тинчликдур. Чунки аксар дурст одамларимиз сўз асносиға айтадурки, Русия давлатиға тобелигимиздан илгари ҳар бир неча йилда, балки йилда қўшун ва югарлик деган сўзлар пайдо бўлуб, мол-жон ва касб ва зироат, ҳатто иморат ва маконларимизға, ҳуллас, тирикликимизға зарар бўлуб турар эди. Алҳамдулиллоҳ, Русияға тобе бўлганимиздан бери мол-жон, зироат, ускуна-иморат ва барча нимарсаларимиз ўз қўлимизға кўпайиб туруб, ҳатто нуфусимиз кўпаймоқдадир. 30 йилдин бери бир хил нимарсалар бирға юз зиёда бўлуб, илгари йўл олди, ҳатто ибодатларимизға ҳам ривож пайдо бўлди.

Бу хосиятлар Русия давлатини катталиги, мунтазамлигини, ҳар бир фуқаросиға мушфиқлиги, яъни қуввати илм ва забтидан ношидур. Қалбан ва лисонан ватанимизни тинчлик ва осойишталиги душманни маъюс ва мағлуб бўлуши ва бу нуқталарға ҳеч вақт фасод ё сиёсий ишлар ва ҳоллар, ҳатто, авлод ва аҳфодларимиз вақтлариға пайдо бўлмасликиға таважжуҳ ила баробар ташаббус қилиб Оллоҳ таолодан ёрдам қилмоқ барчамизға қарздур. Ҳақиқатда нафъи маҳзимиздур.

Шаҳримизни аъён ва бойларини Русия улуглари ила муносабат ва робиталари ортиб турубдур, муносабат ва робита ва маърифат кўпайгандан сўнгра муҳаббат ва рағбатни зиёда бўлуши табиийдур. Чунончи, саховатлиғ машҳур Муҳаммад Раҳимбойхўжа Маҳмудбой ўғли ушбу йил март ойини охири ва апрелни аввалги ҳафталариға ўзларини икки ўғулларини тўй хатнаси мавридиға жаноб баланд даражалик Самарқанд областини военный губернатори ва жаноб уезд ҳокими ва бошқа улуг тўралар маъа зуъафолари бойни ҳовлисиға ташриф буюриб, ани сарафроз қилиб айдиларки, ўшал кун шаҳримиз, хусусан, бойни ҳовлисини байроқ ва аламлар ила зийнат берилиб эди.

Ҳовлини катта уйини тоқиға ҳарир қумош устиға ҳазрат шавкатлу императури аъзамни ҳумоюн номлари катта ҳуруф ила ёзилиб кони жилоға эди. Зоти шавкатлу ва асокири шоҳоналарини тули умр ва музаффариятлигини мукаррам ва муҳтарам

катта меҳмонлар ва мезбонларни саломатликлари марор атрофидан истидъо бўлиноб – Мулло Иброҳим муаззин тарафидан махсус зафар дуоиси ўқулуб, омин айтилиб, яна жам бўлган халойиқ ва аъёнлар «ура» деб чақирдилар. Русия ва расмий музикалари навога кириб, юзларча мушаклар милтиқ каби отилиб, шаҳримизга бир махсус хушҳолият жаноб баланд даражалик военный губернаторимизни бу марҳаматларидин ояд бўлди ва тўй тарафайнға бир тафарруж ва сурур ҳам муносибат ҳосил қилди. Тўйға неча мамлакатлардан мўътабар одамлар келиб эдилар, авлоди фуқародан миқдор 30 нафар болаларға либос қилиб, аксар рағбатан ва василатан фийсабиллллаҳ бойни сарф ҳиммати ила хатна қилинди. Тўйға фотиҳа олмоқ учун бой маъруф икки ўғуллари ила ҳазрати амир Бухороға бориб, манзур бўлуб, ҳазрати амир тарафи ҳумоюнларидан катта сарупо хилъатлар ва олтун майдон ила бахшиш ва навозишға мустаҳиқ бўлуб, сарафроз эдилар. Бу каби тўйларни бўлуб туриши ва яхши ўтуши мамлакатни ободон ва тинчликига шоҳид бўладур.

Аҳли Самарқандни иттифоқ ва хоҳиш ва харажоти ила Русия ва мусулмония илмларини ўқийдурган баладий мактабхона биносини машварати бошланиб, ариза ва рижономаси берилиб эди, ҳолан эшитиладурки, улуғларни раъйи қарор тошибдур, Оллоҳ муборак қилиб, шарафи бадъ ва хитомини бизларға муяссар ва нафелик қилгайки, иншооллоҳ, бизлар учун бир алайҳида ривож ва тараққийдур. Бу жумлани бироз равшанроқ қилиб нафъидан баҳс қилмоқ кераклигини аҳоли ва баъзи аъёнға арз қилмоқ бизға лозим эди. Чунки ҳануз баъзи мударрис ё бошқаларимиз борки, усули жаидни бидъат ва залолат деб билмай айтадурлар. Бу тўғриға ҳам, эҳтимол, ўшандай дунёдан камҳабар ё мутаассиб одамға «муборак» деганымиз ёқмаса, бинобарин, аввало, мактабни нафини баён қилиб, сўнгра муборак демак керак эди. Аммо тавсифи мактабға қариб шу мақоладек бир фикра керак эди. Лиҳаза отиға, яъни келар вақтиға муҳлат қилинди.

Кулли отин қарийб. Ад-даъий мин-носи бил хайр ва саодат фақир ал ҳож Маҳмудхўжа валади Беҳбудхўжа, 4 июнь 1904 йилда ТВГ. 1904 йил 24 июнь. №25

ЖУҒРОФИЯ ИЛМИ

Китобларга ёзилгандурки, «жуғрофия» калимаси юноний, лугати арабга «таърифи арз» жумласи маъносидадур. Ушбу фан хийла эски, уч минг санадан бери йилдан-йилга ривож топиб, бир неча асрдан бери ниҳоят мартабаи тараққий қилиб, нофеъ бўлуб, ҳатто ҳозирги асрда болалар мактабида ҳам ушбу илмни муқаддимасидан бошлаб дарс берадурлар. Дунёда тургувчи одамни бу илмдин бохабар бўлмоғи лозимлиги аҳли дониш наздиға собитдур. Русия, Эрон, Истанбул, Миср, Оврупо мактаблари ва дорулфунунлариға ўқуладурган мўътабар ва кераклик илм ва фанларни бири ушбу жуғрофия илмидур, ҳатто Арабистон аҳли ўқийдур. Камина роқими ҳуруф, вақтики, Мадинаи мунаввара ва Ҳарами Набавий зиёратиға мушарраф эдим, кўрдумки, мактаблариға улуми диния ила баробар замони ҳолияни кўрган илм ва фанларни ушбу жуғрофия фани ўқуладур. Ҳарами шариф ичидаги мактаби ибтидоний араб шогирдлари бизни Русия мамлакатидаги баҳри Хазар – Каспий денгизи, яъни Красноводский ила Боку ораларидаги кўл, денгизни аҳволи жуғрофия, тули арз, умқи, мавқеи, атрофидаги мамлақати ва ҳавосидан баҳс қилиб ўқуб турганларини кўрган шоҳидлардан бизни Самарқандда бордур. Ҳар шаҳарда ҳам кўрган киши бўлса керак. Араблар ушбу илмни юнон тилларидан таржима қилиб ва сўнгра ўзларидин қўшубдур. Тараққийлариға барча қаториға ушбунини ҳам ривож бериб, мусулмон уламо ва сайёҳ донишмандлари бир неча китоблар ушбу илмға тасниф қилиб ҳам нафъ олганлари тарих ва жуғрофия китоблари ила собитдур. Оврупо донишмандлари яна ушбу илмни таржих ва тараққийи холисасиға сўнгралари сабаб бўлдилар.

Ушбу илм бир неча синф ва шуъбаға бўлунуб, ҳозирги замонға мартабаи улуми олияға тараққий қилди. Ер юзини аҳволи табиия ва умронияси бутун ушбу илм замониға баён қилиб, ер юзидаги тамоми давлатлар, миллат, фирқа, барча подшоҳларни мамлақатини вусъати ва ҳудуди, фуқаросини ададини, қуввати аҳволидин мазҳаби ойин, қуввати, тижорат, саноат ва бошқа одамизодға тааллуқ ишлар жамияти башария сабабидин пайдо бўладурган ҳаводис ва мухтироотларни аксари ушбу ил-

мға баён бўлб «Жуғрофияи умроний», «Жуғрофияи сиёсий» ва бошқа қисмлар ила аталадур. Инчунин, ерни вусъати, денгизларни аҳволи, буларни масоҳати, умқи, саҳни, ер на шакл ва ҳайъатга эканлиги осмон, офтоб, ой ва барча юлдузлар ила орасиға бор муносабати, бир нима устиға ва қандай турганлиги, кеча ва кундузни ихтилофи, тўрт фаслни сабаби вужуди бизға кундуз бўлб турганда таҳтул арз муқобилдаги Амриқо қитъасиға охшом ҳукм қилиб тургани, ерни бир қитъаси саҳар, дигари шафақ ва бири завол, дигари нисфи шаб, бир маҳали чошт, бошқаси аср ё бир арздан ғуруб, дигариға тулу ва буларни ораси ҳар ҳолатға табдил топиб тургани, бизни Самарқандни ёз куни 15 соат бир дақиқа имтидод топган суратға ўшал кун Тошкандға 15 соат 11 дақиқа кун узойиб пойтахтимиз Петербургни ёз куни 17 соат эллик неча дақиқа имтидод топиб, қиш мазкур балдаларға охшом қарийб шул тариқа узайгани, Норвегия деган мамлакатни одам туратурган маъмурий ерлариға қиш беш-олти кун чиқмай, ёз яна шул қадар муддат кун ботмай бир кунға ҳам экиб, ҳам кўтаргани қутбларни аҳволи лайл ва наҳори 4-5-6 ойлар имтидод топиб йилни ярмиға бутун мунжамад ва зулмат остиға қолиб, дигар ярми бутун нури шамсға мушарраф бўлуши. Ёинки Тошкандни заволи Самарқанддан тўққуз, Бухородан 20 дақиқа, Маккаи мукаррамадин 2 соат 7 дақиқа, Петербурғдан 2 соат 36 дақиқа аввал, Хўқанддан 6, Марғилондан 10, Олмати (Верний)дан 30 дақиқа сўнгра чоқли бўлушини сабаби ҳам жуғрофия илми ва китоблариға баён бўлб, ани намунаи вуқуъи катта мактабхона ва расадхоналарда кўриладур. Тошканддаги Русия илмхонлариға, албатта, бордур. Бу баёнларни жуғрофияи риёзий, жуғрофияи табиий аталиб, ерни ич тарафидан баҳс илми табақот ал-арз, илм ал-арз, илми маъдан аталиб, ҳаммаси жуғрофияи аслиға мансуб бўладур...

Юқорида баён бўлган илмларни биргина китобға баён бўлмай, бир неча синф улум ва бир неча китобларға тақсим қилингандур. Ушбу илмлардан баъзини ҳар ким истеъдод ва қувватиға қараб ўқумоғи лозим ва нофеи муқаддимасидан бошлаб ўқулса, курраи арз устидаги ва жисмидаги ашё ва одамлар тўғрисида бошлаб фикр ва илм ҳосил қиладур. Халлоқи бечунни ажойибот қудрати қонунни умумия мавзуасини майдон восиъасиға зеҳни жавлон

қилиб, «Роббана ма холақта ҳаза батилан. Авалам янзуруна фи малакутис-самавати вал-арз» ояти шарифи тўғрисидаги неча таъбияи ҳаққияга йўл топиб ва илм. «Ва алламал-ҳаята неъмал авни ала маърифатис саноеъ лиман ятафаккару фи холқис самавати вал-арз»

Деган мадҳ ҳаққиға ворид бўлган илми шариф ҳайъати куллиға роғиб бўлуб ёинки жуғрофияи умроний баҳс ва баёнларидин истифода қилиб, навъи башарни вақшоният, бадавият, маданият, мутадаийинлик рутбаларини фаҳмлаб даражаи олия мутамаддин ва мутамаддиянликиға истиқомат ила уч аълои инсониятға иртиқо қилмоқға роғиб ва солиқ бўладур. Бир соҳиби илм ўз таҳриротига ёзадурки, мисра: «Арзни билмас ло холои ло малодан баҳс этар» (бақияси минбаъд босилур).

*Маҳмудхўжа муфти валади Бехбудхўжа
ТВГ. 1905 йил 25 март. №12*

ЖУҒРОФИЯ ИЛМИ

(Давоми)

Бу фардни масалаи ҳозира ила аралаштируб илмиёт тарафиға қараб тафсил бермоқни яна бир неча муқаддималарға таваққуфи бордур. Ҳайъати риёзийни муқаддимаси зинаи аввали жуғрофиялигини исбот қилинубдур. Мавқеъига кўра ушбу илм ақсоми касираға бўлинадур. Авом аҳоли учун жуғрофияи умроний муфид ва бошқалари бўлса, таҳсил ва асбобсиз бўлмайдур, табиий ила риёзий қисмни ўқутган киши, модомики, илм аҳли ақлиёт ва нақлиёт диния фалсафияи тарихия илм ва фанларидан хабари оздур. Бизни фаҳмимизча, арсаи даҳриятға, мубоҳийликға қадам қўядур, Оллоҳ жумла аҳли динни бу балодан сақлагай. Аммо, хусусан, ушбу асрға, хусусан, Оврупо мамлакатада бу балоға гирифтор бўлганлар ҳар фирқа ва дин аҳлидин вужудға келди, ақлиёт, табиийёт фанлари тўрт тарафдин истило қила бошлади. Аҳком ва ахбори динияни тўғрисиға ҳар кун сўз-

лар айтила бошлади, дигар тарафдин ҳар фирқа уламои диний бу илмларни мазаммат ила иктифо қилиб, лозим ташриҳот ва ё таъвилот ва муҳокамат қилмадилар. Қадима ҳукамо ила жадида орасиға фарқ кўпдур: жадидалар маслагини билмоқ лозимдур. Бу кун бир шогирд Русия мактаби ё Арабистон, Миср, Истанбул мактаблариға ийжоб замон ҳолиға ва жаври аср ила ҳайъати жадида, риёзий, ҳикмати жадида ўқийдур, ўқумаса дунёни иши аҳли қаториға киролмайдур. Дунёға яшамоқни замон ҳозириға шундай илмларға таваққуфи бордур, ўқуса, анга кўрсатадурларки, ер фақат ҳавоға муаллақ турадур, ҳаракат қилиб айланадур, юрадур. Асбоб, ақл, илм, қоида ила ул шогирдға собит бўладурки, ер муаллақ ҳам айланадур, остида ҳўкуз, балиғ йўқ, атрофиға муҳити сакин йўқ. Яна план ва хариталарға қарайдурки, масалан, Петербурғдан Русия темир йўли ила Сибир ва Манжурия вилоятларини кесиб, Петербурғдин муқаррар 9930 чақирим масофат поезд ила юруб Владивосток шаҳриға ва андан парохўд ила Япон денгизи ва Жазоирдин ўтуб, Баҳри муҳити кабирға чиқиб, ани кезиб, таҳт ал-арз муқобилимиздаги Амриқо қитъасиға етиб, ани темир йўли ила бир неча юруб, эски дунё ила янги орасидаги Баҳри муҳит атласиға чиқиб, яна бир неча параход ила юруб, Оврупо ғарбий мамлакатиға етиб темир йўлиға ўлтуруб, барчаси қирқ кундан кам муддатға курраи арзни шарқидан бориб, таҳт ал-арз муқобил ила юруб, ғарбдан келиб Петербурғға восил бўлуб сайри олам қилмоқ мумкиндурки, бу юратурган йўллар маъҳуд ва маълум ва маъмун бир олами арз йўли ва ҳар вақт бориб келаткан Шарқ ила Ғарб давлатлари сайёҳ ва параходини майдони жавлон ва тафарружгоҳидур. Йигирма, ўттуз минг параходлар юз минг чақирим темир йўллар – сайёри олам учун тайёр бу йўлларни сарой, истанса, қудуқ манзиллари ҳукмиға кирган жазира, шаҳар, пўрт, қаналлари бор ва отлари машҳур ва ҳаммаси Русия мактабхоналаридаги земной шар – глобус – курраи маснаъ устиға мактуб ва мунаққашдур. Миллиён одамлар бориб кўруб келатубдурлар, шунча қоида ва хабарларни билдируб қувваи жозибай дофиъа илал марказия анил-марказия казо-казо ва табақот ал-арздан бир-икки дарс берилгандин сўнгра ул шогирд, бас, бутун ҳаракат ал-арзға қобил бўладур. Бўлса-бўлсун, аммо диний китобларға шак келтирадур. Уламо аҳли шаръ айтадурки,

хайъати жадида қавли бўйинча ҳаракати ғайр махсуса шаръни ҳаракати музтарибани нафй қилатурган сукуни ила мужомеъдур. Бул тўғрида шаръни ҳайъатга ё, билъакс, зарари тегмайдур, бир-бирига манофи йўқдур. Аммо ерни ҳавога муаллақ тургани ақлан ва фаннан собит бўлса, қиссаи гов ва моҳи ки ҳазрат ибн Аббос разияллоҳу анҳумога нисбат бериладур, каламун-носи бақадри уқулаҳум фаҳвасинча айтулган бўлса, ажиб эмас ёинки бир вазот ила таъвил қилинадур. Ваҳоланки, тафсирга яна ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ер ила осмонни сутунсиз турганлиги марвийдур. Бу кун янги илмларни ўқуб, эскидин беҳабарлар кутуби динияга сўнгралари ҳикоят, таржима, таъвил, истидлол мақомига ёинки бир мартаба хасм муродини ёзиб, сўнгра рад бўлган сўзларни фанний ва ақлий моддаи баҳсларни тафриқ қилолмайдур. Ҳозирги ҳикмат ва ақлни хилофи баъзи моддалар кутуби исломияга кўрулса, таҳқиқ қилинса, албатта, маълум бўладурки, ҳайъат ва ҳикмати қадимани баъзи ғалат ва саҳвлари ва ақли юнонийни хатога кетганлигидур. Эҳтимолки, бир неча асрдин сўнгра бугунги ақли африхни хатоси зоҳир бўлса, иброз авлиёларимиз ёинки фунуни жадидадан бироз хабарликларимиз авом истеъмолига юрган китобларимизни ўқуб ҳайрон бўладур, соҳиби фикр ўзини йўқотадур, сўрмоқчи бўлса, яна дардини айтолмайдур, илм, ақл тажрибаи ҳолига қарайдурки, ер саёз кезуви мутаҳаррик қоида ва саёҳат ила собитки, ер ҳаракати меҳвария, ҳаракати сунъия деган икки ҳаракат соҳибидур. Қувваи жозибайи шамсия ва..... олами шамсияга муаллақ туруб ҳавоисимидин бошқага тамос этмайдур, сайёралар таҳт ал-арз юруб, ҳар кун айланиб келадулар. Параходлар доим жорий ва кампониялар мафтут, телигрофлар курраи арзни бир неча мартаба айланиб қамшаб олгандур ва шул тариқа далиллар ниҳоят кўп китобларга қарайдурки, Кўҳқоф забаржади, гов-моҳи ерни бошдан-оёғи фалон юз йиллик йўл казо-казо деб бир неча таъкидот ёзилгандур. Аксар домладин сўраса, яна шул китобни далил кўрсатадур, бас, ул одамга хоҳ Русия ва ё бошқа мактабларга риёзий табиий ўқийдур, бир ҳолати саъбага гирифтор бўладур. Авом истеъмолидаги баъзи китобларни асотири аввалин ҳукмига кирган жумлаларини кўруб, дин сўзи гумон қилиб диндан ҳуркмоғлари табиий бир иллатдур, дигар тарафдан авомимиз балки... хоқони Чин туш кўруб мусулмон бўлган, япун сафи-

дин калима садоси келар эмиш, казо-казо эмиш, Япун Петербург орасиға 15 кувлик қолибдур, чаҳор давлат деб юрса дунёдин беҳабар баъзи тожирлар Япунни ҳар бир генерали ўн минг сўм истроховайт солдати казо деб юрса, бизларни на ҳолға эканлигимиз ва минбаъд Оллоҳ сақласун. На даражаларға таназзул қилишимиз кўзи очиқ кишиға маълумдир. Надан? Илмсизликдан! Ал-он русий ва фарангидан, форсий, арабий, туркий тиллариға яхши ва мунтазам жуғрофия ҳайъат китоблари таржима бўлган, ўшал китобларни ўқумагунча дунёи ҳолиядан хабардор бўлмоқ асло бўлмайдур. Хабардор бўлмай дунёға юрмоқ яна фойдаси камдур. Бизлардан бошқа, яъни турк, араб, ажам, нўғай, Кафказ, ҳатто ҳинд мусулмонлари орасиға жуғрофия илми шуҳрат топиб ўқуладур, китоблар таҳрир топилгандур. Биз роқими ҳуруф саккиз ойдулки «Мунтахаби жуғрофияи умумий» номиға бир рисола ушбу сўзлаб турган шеваға таҳрир ва таржима қилиб, туркий, форсий, рус жуғрофия ва атласларидан ҳар хил ҳисобнома ва истатическийлардан баъзи газетлар ва таснифоти қадима ва жадидаи фанний ва тарихий китоблардан кераклик жойға кутуби диния ва кутуби мухталифи исломиядан таржимаи интихоб қилиб таҳрирни тамом қилдуқ.

Тўрт юз саҳифадан зиёда бўлди, иншооллоҳ, сензурдин келса, беш қитъа ер қуруқлик харитаси ва Русия мамлакатини харитаси, полушар ва бошқаларни илова қилиб, таб ва нашр этмоққа ниятимиз бордур. Китобимизни муқаддимасиға мадори сайёротни қадима ва жадида ва кайфияти ҳаракати арз, бироз фанни жуғрофия ва ҳайъатға тааллуқ сўзлар, сайёратни массоҳа ҳажми, вусъати мадори, тул инфисоли ва бошқалари, жазира чиганоқ ва аҳволи баҳр, ерни ҳайъатини билдиргучи нақш ва бир неча жадвалиёти таҳрирот ва аҳволи тарихий ва ислоҳи жуғрофия сўзларидин баён бўлгандур. Жуғрофияи умроний қисми дунёға мавжуд катта ва кичик барча мамлакатларнинг ҳудуди, масоҳати, фароғи кайфияти, билжумла аҳволи табиияси, тоғ, наҳр, кўл, денгизларини оти, масоҳати, катта шаҳарларини жамияти аҳволи, тарихия ва фаройиби, одамларини теъдоди, ҳар мамлакатдаги одамларни расм-русумдин миллат тараққий ё таназзуллари ва ул мамлакатларға қандай ҳукумат мавжуд ва қайси давлат қўлигадур ва ушбу тўғриларға баъзи муҳокамот ила ер юзини беш қитъа маърифат-

си, жазоирн машҳура, қитъаот, қутбия ароси ва буҳори мунжами-
дадан яна бироз маълумот берадурки, муқаддимаи китобимизни
тақсимот ва таъниёт фусул ва жадвал ушбудур:

1. «Жуғрофия» деган сўзнинг маъноси.
2. «Тарихи илми жуғрофия».
3. Жуғрофия ўқумоқни нафи.
4. Жуғрофия илми мукулмонларга лозимдур.
5. Эски ва янги ҳукамолар ва донишмандлар сўзи.
6. Кайфияти мадори сабъа сайёрат ва буружот индал мутақад-

димин.

7. Аҳли ҳайъати жадида сўзларидин намуна ва ижмол бу
фаслга сайёрат жадида ва курраи миррихни қамарлари ва очил-
ган қанал ва кашфиётлари баён бўлгандур.

8. Жадвали фосила ва мадори сабъа сайёрат ва дурбиния.

9. Мадори сайёрат ва қуйруқлик юлдузлар баёни индал мута-
ажхирин.

10. Ерни курувини баёни ва шакли.

11. Ерни юмалоқлигини аломати.

12. Сувни муқаддаблигини далил ва шакли.

13. Ер юзидаги маълум катта шаҳарларни ихтилофи заволи
жадвали.

14. Тоғлар, сойлар ерни юмалоқликига зарар қилмайди.

15. Ер юзидаги денгиз ва қуруқликлар ҳар бирини масоҳати.

16. Курра масоҳати, полушар сатҳи арзни икки тарафини
кўрсатадур.

17. Аҳли ҳайъат қавлича, ерни ҳавога муаллақ тургани, давр
ва ҳаракати.

18. Ерни мадори санавиясини шакли.

19. Ер айланганда устидаги нимарса ва одамларни йиқилмас-
лиги.

20. Ерни юқори ва қуйи тарафи қайсидур?

21. Ерни марказини кўрсатадурган шакл.

22. Ҳукамо қавлича, ерни ҳаракати ва бизни билмаганимиз.

23. Баёни жирми офтоб ва юзидаги доғлари, Ер ила фосила
ва муносабати.

24. Курраи Қамарни баёни, жисмидаги тоғ сойлари вазни,
ерни атрофиға айлангани.

25. Кун тутулиши баёнига.
26. Индал ақл вал муҳокамати суврати кусуф.
27. Ой тутулиши баёни.
28. Хусуфи қамар қондаси.
29. Юлдузларни қисми теъдоди.
30. Қуйруқлик юлдузлар баёни.
31. Собит юлдузлар баёни.
32. Қутб юлдузлари ҳам дуббул-акбар, дуббул-асғар, зотул курсий.
33. Ҳавои насими итфисар, яъни ерни муҳити бўлган ҳаво.
34. Денгизларни оқиши, мад ва жазр.
35. Курраи маснаъа қондаси.
36. Ер устидаги барча қуруқлик масоҳати ва одамларини адади.
37. Ер устидаги доира ва хатти истиво ҳам нисфун наҳори баёни.
38. Ўттуз иқлим кеча-кундузини баёни, балки олмиш иқлим.
39. Минтақа ва мадори сатҳи арз ҳам тугали тул ва арзлар баёни.
40. Кун, тун, ёз ва қишни бўлуши, уч адад шакли.
41. Туфроқ ила сувларни ҳолати, жазира, ним жазира, порт, қанал, залив, чиғаноқ ва бошқаларни нақшаси.
42. Муҳакамоти табиия.
43. Атрофи жиҳоти аслия ва фаръия, харита ва атласларни ислоҳоти.
44. Маишати инсония ё бадавият, маданият, ваҳшоният.
45. Жамияти башарият ва замони ҳолия ҳукуматларини баёни.
46. Дин, мазҳаби басон ва сулукларини адади.
47. Ирқи башари бани одамни тақсими жинси.
48. Жуғрофияга маъмул ўлчак ва миқёслар.
49. Дунёдаги машҳур подшоҳлар ақчасини оти ва нархи.
50. Ерни ҳаракати, ихтилофи ҳукамо ва уламо ва ҳозирги баъзи аҳли илмни ҳикоятини ҳам муҳокамат.
51. Амриқо қитъасини топилганлигини тарихи баёни.
52. Тафсил ва танбеҳ. Имом Ғаззолий, Иброҳим Ҳаққий, Шамсиддин Сомийни сўзларидин ва баъзи тафосирдин нақл.

53. Аҳволи тарихадан намуна, жадвалиёт. Муқаддима китобимиз ушбу фусул ва жадвал ва ашкол ва бир юздан зиёда саҳифа ила тамом бўллуб, сўнгра ер юзини мавжуд барча умронати давлат, ҳукумати мамлакатларини баёнига беш катта қисмга айириб шуруъ қиладурки, жуғрофияи умроний қисми, яъни китобимизни Овруро, Осиё, Африқо, Амриқо, Австралия қитъаларини ва Русия мамлакатини мухтасар жуғрофияси тўғрисидаги тартиб топилган фусул ва жадвалиёт номларини ва Манжурия ила Петербурғ орасиндаги фосила тўғрисида, иншооллоҳ, келар мактубимизга ёзармиз деб.

*Маҳмудхўжа валади Бехбудхўжа
ТВГ. 1905 йил 31 март. №13*

ПЕТЕРБУРҒДА ЯНГИДИН БИНО БЎЛАДУРГАН МУСУЛМОНИЯ ЖОМЕЪИ ШАРИФИ ХУСУСИДА

Петербург шаҳрида 10 минг қадар мусулмон борлиги жаридаларга ёзиладурки, тижорат, маъмурият ва хизмат ишларига ва анда бир масжид бино этмокга ният этиб, рухсат ҳосил қилгонлари маълумдур ва аҳли хайротдан беш, ўн, ҳатто минглар ила ақча хайрот ва иона берилгани олами матбуот ила собит ва ушбу янги-дин бино бўладурган масжидни таъмирооти борасига жам бўлган худойи 10 минг сўмдан зиёдадур. Ўтган сана «Таржумон» газетига ушбу масжид тўғрисида хабар ёзилиб эдики, кенг Русия мамлакатига 15 миллиёндин зиёда мусулмон бўлса ҳам, масжид тўғрисидаги иона ниҳоят оҳисталик ила жамланадур. Оре, бир неча санадин бери биной жомеъ масаласи вужудга келиб, ибтидо ва ифтитоҳи таъмир ҳануз қуввадан фаълга келмайдур. Бу муқаддас матлабни муаввақлигини сабаби адам истеъдодали ва ярим миллиён қадар сўм ақчани кераклигидур. Сад ҳайф биз – мусулмонларга 15 миллиён мусулмонлардан бир миллиёни бирор сўмдан берса, неча бу қадар масжид бино топиладур. Мундан бошқа Русия мамлакатига мусулмонлардан бир неча миллионерлар, ғаний, бозургон, соҳиби хайрот ашхослар, миаллатпараст жавонлар, хонзода, мирзо, тўра,

чиновниклар кўпдур, бир миллиённи ўндан бири юз минг мусулмонни ўн беш миллиондан тафриқ қилиниб, буларни виждон ва ҳамияти миллия ва ватаниясиға илтижо қилиниб, беш сўмдан жамланган суратға бир ярим миллиён сўм бўлуб, Петербурғ шаҳриға мусулмон жомеъи таъмир топилиб, мусулмонларни моддий пойтахти ҳукумати бўлган Петербурғ яна маънавий ва руҳоний бир муқаддас хосият ва ҳокимиятни олами исломиятча пайдо қилиши, хоҳ мусулмон ва ё христиан бўлсун, ҳар одам наздиға қобили инкор эмас, бир қазиядур. Ҳозир жисман роғиб бўлганимиздек, ул сувратға Русия пойтахти ва Русияни марказ ҳукуматиға дунё ва руҳан муҳиб ... бўлишимиз табиийдур деб яқин айтарман. Албатта, Русия мамлакатини ўз ватанимиз, Петербурғни ўз пойтахтимиз билмоқ ақлан ва нақлан бизға лозимдур, йўқ умид ва хаёлларни ҳар тарафдан кесиб Русияни барча нуқотини ўз мавлидимиздек билмоқ керакдур. Ман русияли мусулмон ва фикрим будур. Ушбу фикримни саҳиҳ эътиқод қилиб, ани хизматидин ва давлат ҳам миллат биларман, чунки матбуамизға бир вафқи шаръи табиат қилмоқ муқаддас эътиқодимиздан биридур.

Петербургға жисман ва моддатан тобе ва марбут эканмиз ва биз учун малжаъ ва маржаъ зоҳирий экан, анда биз учун масжид, мактаб бино қилинса, ҳар бир мусулмонни ўлук ва тирикиға дунё ва дин тўғрисида зоҳирий ва ботиний маъво мавжуд бўлса, на хуш. Албаттаки, балдаи азима ул суратға маънан ва моддатан бизларға бир жозиба ва муҳаббат ҳосил қилиб ва биз учун маънавий бир балдаи шариф эҳсон топилур эди. Будир бизим орзумиз, иншооллоҳ, етурмиз, ҳукумат ҳам ёрдам этса керак, ҳукуматни ёрдами дубола ушбуға манфаат келтурадур. Аммо бир кун ул хусули мақсад ва вусули матлабға саъй этмоқ лозим ва ул саъй ҳар ким бақадри ҳоли жузъи бир иона этмоқ ва ҳадя юбормоқдан иборатдур; қудратли, суюкли подшоҳимиз биной жомеъға рухсат бериб, таъмирини ўз ҳимматимизға ҳавола айлабдурлар. Мунга ниҳоят кўп шукр ва садоқат этмоқи ва бу мусоадаи шоҳона ва марҳамати одилона руҳиға фидо бўлмоқ биз – Русия мусулмонлариға алзум лавозимотдиндур, ният ва фикрим бу эди. 1904 йили маблағ 20 сўм «Таржумон» газетини идорасиға юбориб 5 сўмини Самар губерниясиға Зухраҳонимни янгидан таъмир қилинатурган қиз мактабиға ва 15 сўмини Петербурғ жомеъи шарифи сандуқиға

берилмоқини илтимос этиб ва ушбу масжид тўғрисиға аҳли хайротдан худойи жамламоқ қоидасини савол этиб эдим. Жавобиға бу иш ихтиёрийдур, ҳар кас бир дафтар очиб, дўст ишдан жам этажаги ионани мазкур дафтарға қайд этиб, иона ақчаларини тўғри Петербурғга охунд Атоуллоҳ афанди Боязидов номиға юбориб, расмий қвитансасини олмоғи мумкиндур, хоҳласа, ҳодисани газетға ёзиб эълон қилинадур деб ёзилиб эдики, «Таржумон»ни мазкур йилдаги 96-нумери бунга шоҳиддур.

Маафийҳ ушбу тўғрида иона жамламакға рухсат сўраб ва жам бўлатурган худойи маблағдан юзда ўн бешини «Салби аҳмар» («Қизил хоч» – С.А.) жамияти хайрияси сандуқиға бермоқни илова қилиб, 1904 йил ичиға жаноб Самарқанд уезд ҳокимиға ариза бериб эдим. Аризамни баланд даражалик Самарқанд областини военний губернатори полицияға бериб, мавлид ва пеша ва аҳволи шахсимни таҳқиқ қилдируб, сўнгра ушбу тўғридаги арзим ва қоғозларимни Самарқанд вилоят маҳкамасидин 1905 йили 9 март махсус нумер ила ул баланд даражалик Туркистон генерал-губернатор маҳкамаларига юборилиб ва ҳозирғача оқибати номаълум эди. Лиҳаза Самарқанд областной правления маҳкамасиға иккинчи ариза бериб исправка олиб эдим. Ўз нафсимға Тошкандға ушбу ариза важҳидан ворид бўлмоқ лозим кўрунар эди. Бу асноға Самарқанд уездини Кобуд бўлустаной управители Мирзо Назриқул Салимбой ўғли азбаройи саёҳат ва бир жузый иш учун Тошкандға бормақға ўн кунлик отпусага рухсат сўраб, баланд даражалик Самарқанд областини военний губернаторидин изн ҳосил бўлди. Ман роқими ҳуруф ушбу Кобуд бўлустаной дорулқазосиға муфтилим муносабати-ла бўлустаной управител Мирзо Назриқул ила иттифоқлашиб ҳамроҳ бўлуб, 17 августға шахримиздан Тошкандға азимат айлаб, 18 числага Тошкандға дохил бўлуб, мусулмония шаҳридаги Муҳаммад Умарбой ҳовлисиға тушуб, маҳалли иқомат иттиҳод этдук. Чунки ани ила собиқ маърифатимиз бор эди. Ушбу ўн кунлик сафарға қилган баъзи мушоҳидотлар ила орамизға бўлган муҳоварат ва эшитган ҳикоятларимиздан бир-икки мактуб воситаси-ла мутафарриққа «Туркистон вилоятини(нг) газети» идорасиға юбориб даржи ва адами даржи бобиға мудирайн муҳтарамайн ҳазратини мухтор билармиз.

Ушбу биринчи мактубни маъруз қилинди, иккинчи ва учинчини ҳам, иншооллоҳ, юборурмиз. Келдук таъқиби аризга. 23 августга ул баланд даражалик Туркистон генерал-губернатори маҳкамалариға икки рафиқ ҳозир бўлуб, бир-икки дақиқа вақт ўткардук, ташқоридин бир тўра келиб анда турган бир ориз қазоқни сўзини эшитиб, сўнгра биза кўз солди. Қўлумдаги исправкани бериб, мухтасар баёни ҳодиса қилдим. Қўлумдаги қоғозни олиб ичкари кетди, сўнгра билиндики, бу тўра жаноб Оллоҳқулибек ва муҳтарам генерал-майор Жўрабек додхоҳ ўғли эмишлар, фурсати ўтди, исправкамизга ёзиб чиқариб берилдики, мазкур аризани ушбу 1905 йил 15 мартда жаноб вазири дохилия маҳкамасиға Петербурғ шаҳриға юборилгандур. Энди мусулмонлар ҳукуматимизни рафтори одилонасидан умидвор бўламанки, албатта, бул тўғрида рухсат келса керак. Ул суратга махсус тартиб ила жамъи ионаға шуруъ қилармиз. «Мунтахаби жуғрофияи умумий» деган 500 саҳифа қадар бир китоб таҳрир қилиб, яна Петербурғдаги маҳкамаи эҳтисоби сензурға юборганман, келиб таб ва нашр бўлса, ани холис фойдасидин бир неча жузъини ҳам ушбу нафға тахсис қилмоқға ният қилгандурман. Лиҳаза аҳиббаи аҳли ватандан вусули матлабим учун дуо сўраймиз. Ҳар мусулмонға лозимдурки, манфаати давлат ва миллатга кўшиш қилса, шаҳриёри муаззам, императури аъзамимиз ҳазратларини машаъша ва мутадад ва манифестлари соясига, иншооллоҳ таоло ҳам, чунонки, рубъи асрдан бери молан тараққий қилдук, келар замонға маънан тараққий қилармиз, вале шарти аъзами фақат ўқумоқ, ёлғуз Русия ва ё мусулмоний эмас, балки иккисидан ҳам маан кўпроқ таҳсил қилмақдур, вассалом.

*Ал-ҳож Маҳмудхўжа валади Беҳбудхўжа
ТВГ. 1905 йил 17 сентябрь. №37*

САМАРҚАНДДАН МАКТУБ

Ҳозир бизни Самарқандга истарший оқсоқоллик мансаби боқий ва ўтган 1904 йилдан бери ушбу мансабға самарқандий Мирзо Муҳаммад Ёқуб Комил Амин ўғли маъмурдир. Шаҳри-

мизда 60 минг қадар аҳоли мавжуд ва бешгина частга тақсим бўлиб, тўрт муваззаф мусулмон оқсоқоли ва бир яҳудий оқсоқоли мавжуд ва мазкур истарший оқсоқол ила Русия ашхосидан бир полицейский пристав зер назоратигадур. Шаҳримиз Русия давлатига тобе бўлгандин сўнгра Мирзо Ёқуб отаси Комил Амин омонат ва оқсоқоллик ишларига маъмур бўлиб, ушбу ўгли 1877 йилдин бошлаб уездимизни Янгиқўрғон бўлустига лаёқат ва қобилияти сабабли бўлустной управителликга муносиб бўлуб, хизмат қилиб, сўнгра уездимизни Тўрткўл, Чашмаоб, Жумабозор маҳалла деган бўлуствларига мутаволлиятан бўлустной управителлик мансабига маъмур бўлуб, доим хизматига туруб, охири 1894 йили Сиеб бўлустига ҳукумат тарафидин бўлустной тайинланиб, сўнгра 1904 йил шаҳримизни истарший оқсоқоллик мансабига яна ҳукумат тарафидин маъмур ва мустаҳкам бўлуб эди. Зоҳир бўлгон маълумот юзасидан ушбу шахсни Русия ҳукумати ва аҳолимизга этган хизмати хусусида 28 санадур, ушбу муддати мадида ва авқоти баъидани подсудсиз ўткаргани, албатта, мужибидиққатдурки, аҳоли ва ҳукумат ишларига хиёнат ва жиноят қилмай ёинки зоҳир бўлмагани учун хизмат ва маъмуриятига собит ва халқга мудовамат қилибдур.

Бизни ҳозирги мансабдорларимизни хизмати фақат тўғрилиқ ва ёмонларни ушлаб тейишли жойига топшурмоқ, подшоҳлик солиқларини вақтига йиғиб бермоқ ва халқни тинч сақламоқдан иборатдур. Мундин бошқа хизматни ҳануз аксар миллий маъмурларимиз, яъни мактаб ва мадрасаларни янгидан очилмоқиға, эски ва янги мактаб ва мадрасаларни ва ўқулатурган русий, мусулмоний илм ва фунунни ривож топмоқиға қиливатурган саъй, юрилатурган йўлларни гўё билмайдурлар, ҳукумат ила раият орасига фавқулодда хизматни кам қиладурлар, замони келса, билсалар ва қилсалар керак ва аммо замон ҳозирги замондур. Хулоса: ўз уездимизни биринчи маъмурлари қаторига ушбу Мирзо Муҳаммад Яъқуб рубъи асрдан бери ростлик ва обрўмандлик ила хизмати мутаодани қилиб, на пора ва ришва ёмонларга ривож бермоқ ила маътун бўлмай ушбу кунги ҳол ва рутбаға етубдур, бўйниға ва кўк-сиға осилган ва терилган аломати лутф шоҳонаи ҳазрат импературимиз илан олтун ва кумушдан ўн қадар медал ва нишонлари мунга шоҳиддур. Ҳозирдан бир-икки йил муқаддам вақтиға қазоро

бир афгон ила бир русия одам орасига воқеъ маълумот ишга ушбу истарший оқсоқолимиз Мирзо Муҳаммад Яъқубни шоҳид кўрсатилибдур. Аммо, афсуски, шаҳодатини ҳурматли окружной суд мажлиси ёлгон фаҳмлаб, ушбу йил май ойинда танбеҳ учун деб Мирзо Муҳаммад Яъқубни икки йилдин зиёда муддат ҳибсга ҳукм қилиб эдиларки, ушбу газет ва ҳам Самарқанд русча газетиға ёзилиб эди. Рубъи асрдан бери этган хизмат ва тўғрилиги барбод кетиб, Оллоҳ кўрсатмасун, кулфатга қолиб эди. Халқимиз ушбу тўғриға афсус қилиб, Мирзо Муҳаммад Яъқубни рубъи асрдан бери қилган хизматини ёдга олиб, нисфи соний умриға қазои мулоқи бўлган кулфатиға ниҳояти хафа бўлуб эдилар. Сўнгра иш Тошканд судебной палата маҳкамасиға марфуъ бўлинув саккизланчи июнға чақрилиб, аммо нотамом қолиб, яна 17 ланчи августға Тошканд адлия маҳкамаси ушбу иш ва ҳукмни кўруб аввалги ҳукмни куллиян фасх қилибдурларки, бечора истарший оқсоқолимиз гўё умр дубора топиб, Русияни қонуни жорияси ва адлия маҳкамасини ашхос ва ҳуккоми соҳибмартабаси ҳукми ила оқланибдурлар.

Аввалги ҳукмдан шаҳар ва уездимиз аҳолиси нақадар мағмум бўлган бўлсалар, охириги истимоила андин неча даража зиёда хурсанд бўлубдурлар, матлаби танбеҳ ва ибрат бўлган сувратга мундин катта танбеҳ бўлмаса керак, аввалги ҳукмни хабари натижаси газетларға ёзилиб эди, иккинчи ҳукмни натижаси батариқи ула жаридаға сабт ва нашр бўлуши лозим кўрулди. Мирзо Муҳаммад Яъқубни этган хизмат ва ростликлари эътибор ва ёдга олиниб, аввалги ҳукмдан то иккинчиғача областимизни бош маъмурлари ўз мансабиға боқий қолдируб эдилар, қазоро истарший оқсоқолимиз шул тариқа кулфат муқдимасиға дучор бўлуб, вале лутфи ҳақ ила руъяти дар навм даражасиға кўргандек бўлди. Оллоҳ таоло ҳар кимға ҳусни хотима муяссар ато этгай, ибрат ва шукр лозим эълони ҳукм куни биз ҳам Тошкандға ворид бўлуб эдук, хоҳ Русия ва мусулмониялар бўлсун, ҳамма ушбу ҳукмдан шод ва хуррам эдилар, албатта, бир одамни зарар кўришиға одамман деган киши хурсанд бўлмаса керак, ҳақ жалла ва аъло барчамизға инсоф, садоқат, амонат ва тинчлик ато этгай деб,

***Маҳмудхўжа валади Бехбудхўжа
ТВГ. 1905 йил 15 октябрь. №41***

МУНТАХАБИ ЖУҒРОФИЯ

Камина роқими ҳуруф туркий, форсий, русий ва бошқа тилларга ёзилган жуғрофия илми тўғрисидаги китоб-рисола ва газетлардан жуғрофияга тааллуқ бир китоб туркий тилига таржима ва интиҳоб қилиб, «Мунтахаби жуғрофияи умумий» ном қўюб, Питербургдаги маҳкамаи эҳтисоб сензурга юбориб эдим, келса бостириб чиқарарман деб мазкур китобни муқаддимасини фасл ва жадвалларидин баённома ёзуб, ушбу газет идорасига мундан муқаддам юбориб эдимки, «Жуғрофия илми» сарлавҳаси ила ушбу йил 13-, 14-номерларга ушбу газетага ёзилиб эди. Аммо ўшал «Мунтахаби жуғрофияи умумий» китобимиздин тортиб олиб, форс тилидаги «Мадхали жуғрофияи умроний» ва «Мухтасари жуғрофияи Русий» деган савол ва жавоблик азбаройи мактабга ўқулмоғи учун усули жаид тарихинда бир рисола ёзиб эдук, ул ҳам келиб «Туркистон»дин илгари таъ бўлуб чиқдики, 86 саҳифалик бир китобдур.

Эски ва янги қуруқ ерларни шакл ва ҳайъатини кўрсатадурган курраи мустаҳа баёни тариқаси китобчани муқаддимасига нақш бўлган ва ҳам ушбу муқаддима китобга илми ҳисоб мутааллиқотиға тейишли ҳозирги маъмул миллиён-миллард-дюм-верст-метр-километрлар қоидасини айтиб, ер юзидаги катта муҳит денгизларини исми, масофати ва катталиги ҳам ададини баён қиладур. Ер юзидаги барча одамларни жинс, ирқ ва ҳайъатлари тариқи зиндагонлик рафтордин миллатлари қайси динга неча нафар одам борлиги ва халқларнинг адади, ер юзидаги барча давлатларни исми, тариқи тақсими, қоидаи ҳукумати ва неча қисмлигини баёни ила муқаддима тамом бўлуб, ер юзиндаги Оврупо, Осиё, Африқо, Шимолий Амриқо, Жанубий Амриқо, Австралиё қитъаларини харита ва шаклини ҳуд(уд), масоҳатини кўрсатиб ва ҳар қитъадаги мапшур ва катта кўл, наҳр, тоғ, қанал ва бошқаларни ва аларга тейишли неча минг жазиралариға турғувчи халқ, ҳукумат ва подшоҳларни, фуқаросини(нг) адади, ерини масоҳати, мазҳаб ва миллати, тариқи ҳукмронлиги ва ушбу катта иқлимни қачондан бери маълумлиги, одамларини тараққий ё таназзули ва мундаги барча подшоҳликларни тақсими, ҳар бирини ери, одамини(нг) қанчалигинин баён қилиниб,

китобимизни Оврупо, Осиё, Африқо, Амриқо, Австралиё қисмлари тамом бўлуб, мухтасари жуғрофия қисмига шуруъ қилиб, Оврупо ва Осиён Русийдин мураккаб Русия мамлакатини харитаси ҳудуди тули ва арзини масофати қанча эканлигини кўрсатиб, тариқи ҳукмронлигини баён этиб, сўнгра Оврупои Русийни неча қисм простадан¹⁴¹ ва неча губернияға тақсим бўлушини баён этиб, ҳар қисмға неча губерния, оти нима, масоҳати ва одами қанча ва ҳар қисмға қанча мусулмон бордур, машҳур шаҳарларини оти нимадур баён этиб, сўнгра Осиён Русий баёнига шуруъ қилиб, Сибир, Кафказ, қирғиз, қозоқ музофотлари, губерна, шаҳар ва одамларнинг адади, масоҳати, мусулмонларининг ададини билдириб, баъдинда Ўрта Осиё ва Туркистон музофотимизни ҳар бир областини масоҳати, одами, мусулмонларини ададини баён этиб, охири намуна «Ҳолати давлати Русия» деган сарлавҳа ила Русияни қайси даражада давлатлардан экани, ҳардин ва мазҳабдаги фуқароларининг адади, қайси тилда, қанча газет чиқиб туруши, налардин баҳс қилиши, ҳозир Русияда мавжуд дорулфунун ва илмхоналарни сифати, дов қилатурган илмларидин баҳс ила болаларни зеҳнига усул жадида қондасида баён қилиб, тарихи бинойи пойтахти Русия ва тарихи валодат ва жулуси императури аъзам ҳазратларин баёни ила рисоламиз ўзига хотима чекадур. Бизни фаҳмимизча, усули жаид ва қадим мактабларига ўқулмоғи нофеъ ва ҳар бир аҳли хирад ва хабардўст учун назардан ўткармоқ фойдадан холи эмасдур.

Жаноб муаллиф ва муҳаррирдин ушбу рисолаи ожизонам тўғрисида киром ва маорифпарварликларидан бир танқид ва таблиғ ёзмоқни илтимос қилиб, ушбун ила бир донасини юбориб манзур этдим. Юқорида ёзгонларим рисолаи мавод мундарижасини баён этмоқдин иборат эди, яхши ё ёмон музир-нофеълигини аҳли хабар одамлар кўруб ислоҳ, саҳви-хатосига кўшиш этмоқ ила маорифға хизмат қилишлари маржудур. Китобимиз Русиядаги барча мусулмония китоб магазинларига юборилиб, Самарқанд, Бухоро, Хўқанд, Марғилон, Андижон, Хўжанд, Алматы, Кошғар, Жаркент, Қозон, Истерлитамақ, Оренбург, Турвский, Астрахан, Ганжа ва Кафказия, Тифлис, Темирхоншўро,

¹⁴¹ Провинция бўлиши керак, ямлода чалкашлик бор.

Боғчасарой, Боку ва сойир муслмоний шаҳарлардин ва Тошкандда китобфуруш жаноб Саййид Умархўжа Мирзохўжа ўгли дўконидин топиладур. Самарқандда ўзимиздин олатурган одам бўлса, бир донасини ўттиз тийиндан оладур.

Почта ила заказной тариқинда бир дона сўралса, 45 тийин, 5 донаси 2 сўм 10 тийин, 10 донаси 4 сўм, 25 таси 9 сўм, 50 донаси 16 сўм, 100 донаси 30 сўм. Мактаб учун ким бўлса ҳам 30 тийиндин берармиз. Адрес: Шаҳри Самарқанд, қитъаи муслмоний, Ҳожи Маҳмудхўжа валад Беҳбудхўжа ёинки шаҳри Самарқанд қитъаи муслмоний, аттор Юнусбой валад Баркабой. Ушбу икки адресга пул юбориб талаб қилсалар, билотаваққуф почта ила юбориладур. Китобфурушлар комиссияга олиб сотмоқ учун хат қилсалар мумкинду, ўндан бири аларга бериладур, боқий вас-салом вал-икром.

*Маҳмудхўжа валади Беҳбудхўжа
ТВГ. 1905 йил 15 декабрь. №49*

САМАРҚАНД УСУЛИ ЖАДИД МАКТАБИ ХУСУСИДА

Самарқандий фазилатлу Мулло Абдулқодир қори Абдушакур ўгли Хўқандга бориб, жаноб фазилатлу домла Салоҳиддин муаллим ҳузурига, тараққийпарвар Ҳожи Умар афанди мактабига бир неча ҳафта туриб, усули жадид равишдан хабардор бўлуб, мазкур муаллимга қаламмиз (тўғриси, қаламзан, яъни мирзалик – С.А.) қилиб, азбаски, Мулло Абдулқодирни ўзи ҳушёр ва пешқадам толиби илм ва улуми қироатга ва мактабдорликга моҳир эди. Янги қоидадан тез фурсатга баҳра топиб келиб шаҳримизни шарқий тарафидаги боғиёти – Ражабамин мавзеи ва шаҳримизда уч чақирим масофатда воқе ўз ҳовлисидаги эски мактабни усули жадидга қайтариб, тулан 25 арзан, 8 газ бир мактабхона солиб, ром, тераза, пўл, билет, ишкоф, печка, парта, курси, ақушкалар илан зийнат бериб, қарз ила иш тутиб, баъзи вақт Самарқандий нўғайлардин мол ёрдам бериб ва Тошканддин бир неча нўғайлардин бироз ҳадя келиб, хулоса, мактаб иморатини

итмоми ва жаноб Самарқанд инспектурина лафзан рухсати ила ушбу тарихдин икки ярим йил илгари ушбу мактаб очилиб, янги тартибга таълим бериб эди. Ўқулатурган китобларни баъзиси Қозон ва Боғчасаройга таъб бўлган рисолалар ва таҳсиллари ушбудур: ҳарф танимоқ ҳам битмоқ, ҳафтияк ва Қуръони шариф қироати маъа тажвид, иймон ва эътиқод ва баён афъоли мукаллифин ва таҳорат, намоз таълими қавлан ва феълан эътиқод ва илмиёти динияга тааллуқ фарз, вожиб, суннат ва бошқалар тўғридаги «Аввалун назофат», «Бадъул маориф», «Хуснул ибодат» деган Қозон китоблари ва бошқа шул хусусдаги форсий ва туркий китоблар ҳам «Мухтасар ал-виқоя»ни китоби таҳорат ва саловоти ва азбаройи форсча адабий ўқуб-ёзмоқ учун «Сад панд» китоби ва биз роқими ҳуруфни таржима ва тайёр қилгон «Тафаккур ул-атфол» унволи ҳикоят ва ахлоқ рисоласи калимот ва жумали арабияга моҳир бўлмоқ учун «Аш-шифоҳия» китоби, илми ҳисоб ва мутааллиқот ҳисобия ҳам илми масоҳат, тарихи анбиён алайҳимуссаломга тааллуқ туркий китоблардур.

Шогирдлар уч синфга тақсим бўлуб, ҳар бир синф ҳар кун иккидан тўрт навъгача ушбу илм-фандан сабоқ оладурлар. Уч ойдин бери роқимни «Мадхали жуғрофияи умроний» форсий рисоладан ҳам кунора бир сабоқ олиб ва деворий ва мусулмоний – карта-харита-курраи мужассама-глобусдан зеҳний ва китобий жуғрофия илмидан ҳам ўқийдурлар. Иншооллоҳу таоло, тарихуд-дувал вал милал илм ҳифзи сиҳҳати абдон, форсий ва туркий иншолар, урфий шаръий, замоний муҳокамаларга ёзиладурган сакук ва тасвидотга тааллуқ фанлардан мухтасар рисола тайёрлаб, таб қилиб ушбу мактабга ўқутмоқга ниятимиз бордур, яъни олти йиллик дарс ва илм тайёрламоқчимиз. Ушбу мактабга ҳозир 3 синфга мунқасим эллик қадар мутааллим бола, уч халифа, бир муаллим Мулло Абдулқодир бордур. Болаларни ҳаммаси гўё шаҳардан борадур, баъзиси 75 тийин ила ва озроғи мажоний муфтга ўқийдур – камина роқими ҳуруф ҳам ҳафтага бир-икки мартаба бориб тартиб ва програмларини муаллим ила бамашварат тузатарман, жуғрофия ва масоҳат тўғрисида таълим ва имтиҳон қилармиз. Хулоса, алҳамдулиллоҳ, мактабни ривожини яхши ва биров ақча пул тўғрисида тазйиқи бордур. Усули жадидани хоҳламайдурган ёинки нима эканини билмай ўрусий

атайдурган авом, бидъат аатайдурган муллолардин ҳар кимга келиб ушбу мактабни кўрубдур. Болаларни ҳусни қироати, тажвид, ҳисоби аҳком ва ақидани мусулмонини билгани ва андак муддатга ўқуб ёзгани, хулоса ўқутган сабоқини қондаси ила билиб жавоб берганини кўруб, таҳсин қилиб аксаруа-аксар, балки кўрган ва билган кишилар ушбу тариқа мактаб тўғрисиға табдили фикр қиладурлар. Яъни ушбу қонда манфаатиға қойил бўладурлар, магарки синфи нодон ва ҳасадчидин бўлса, охирги ойларға баъзи одамлар жуғрофиядан таълим берилганини хоҳламас эмишларки, ғойибона эшитиладур. Аммо жуғрофия ўқумоқ биз – мусулмонларға биз билмайтурган қадимдин бери, яъни бир минг бир юз йилдан бери бошланиб одат бўлгани ва мусулмонлардан кўп олимлар, подшоҳ, халифалар, қуззот ва фуқаҳо мозийлар – жуғрофия ва ҳайъатға китоб тасниф қилиб ва ушбу илми дарбар қилиб, ҳатто илгари замонға мусулмон уламолари Рум насоро уламоларини ўз мадрасалариға келтуриб вазифа бериб, жуғрофия, ҳайъати риёзий ва бошқа фанларни юноний, румий тилидаги илмларни насоро ва ғайридинларға шогирд бўлуб ўқуб, бу кунги фанний ва ақлий ва ҳикмат китобларини олами исломиятға ўқумоғи одат бўлишиға сабаб бўлганларини таворих ила баён қилиб ва ушбу тўғриға алоҳида мақоламизни ушбу газет ила шуҳрат бермакға ниятимиз бор ва ҳолан мактаб баёниғамиз.

Бизни «Мадхали жуғрофияи умроний» бўлса, ер юзини ободонлигини баён қилмоқдин иборат бир жаҳоннамодур, неки риёзий ва курраи мазаммат бўлсун, зоҳир ҳолға муҳолиф бир сўзи бўлса, у – шакли заминмонанд тарбуз лўнда калула ва мудаввар аст сўздин иборатдур ва ояндаға жавоб ва қондаси ёзилса керак. Камина роқими ҳуруф – «Мадхали жуғрофияи умроний» рисоламдан бир нухасининг баланд даражалик Самарқанд областини военний губернатори генерал-майор Гескет жаноблариға элтиб, ҳада ва манзур қилиб ва ушбу мактабни кўрмоқ ва ташриф буюрмоқларини рижо этиб эдим, камоли илмдўст фуқаропарварликларидин 1905 йил 20 декабрға жаноб баланд даражалик военний губернаторимиз ҳурматли полицмейстер ва пристав ва истарший оқсоқол ва бир неча аъёнларимиз ила Мулло Абдулқодир мактабига ташриф буюриб, болаларни илми ҳисоб ва жуғрофиядан имтиҳон олиб, биз роқими ҳуруф ва муаллим ва

халифалар ва мактаб шогирдларининг навозиш қилиб, мактабга ўқуладурган илм ва китоблар ва муддати таҳсили курсдан, мадохили ва махорижи мактабдан муфассалан истифсор этдилар. Камина роқими ҳуруф кераклик жавобларни бериб ҳам болаларни ва миллат номидан арз этдимки, ушбу мактабни шаҳарга кўчуролмоқиға рухсат ва волийона ёрдам берсалар, бойларимиз ҳам мансабдорларимизға ташвиқ этсалар ва мундаги шогирдларни Русия хат ва саводидин баҳраманд бўлушлариға ҳам сабаб бўлсалар деб баёни муддао этдим. Баланд даражалик волийи вилоятимиз ушбу тўғридаги арзларимға қулоқ солиб, яхши жавоб бериб, бир вифқи қонун ёрдам беришлари ва шаҳарға нақлиға, биносиға рухсат беришларини айтиб, биз ва болалардан турган оталарини ва ҳаззори мажлисни хурсанд этдилар. Оқибат ружуълариға барча шогирдлар саловати шариф ўқуб, «Эй бор Худое, мамлакати мо ва подшоҳ императури аъзами мо, бузургон дини ва дунёвий моро саломат ниғаҳдори». Омин. Дуони жаҳран баробар ўқуб, жаноб баланд даража волийи вилояти Самарқанд азбаройи тартиби мо ва илми хуш омаданд иборотларини бо тартиби якзабон ила айтдилар. Баланд даражалик военний губернаторимиз болаларни ривож илм ва тараққий истиқболларини хоҳиш қилиб хурсандона ружат этдилар. Ҳоло муҳиби илмларимиз умидвордурларки, мактабимиз шаҳарға кириб, шогирдлари кўпайиб, болалар кунда етти-саккиз чақирим йўл юрмоқдан қутулуб ҳам шаҳримизға мунтазам бир мактаб бино бўлуб, ҳукуматни ташвиқи, аён ва бойларимизни ҳиммати ила очилса керак деб. Иншооллоҳ, ушбу тасаввур ва умиди феъл ва зоҳирға келиши қувваи маъмулдур ва ояндаға ёзармиз.

*Ал-ҳож Маҳмудхўжа валади Бехбудхўжа
ТВГ. 1906 йил 10 январь. №2*

ҲУРРИЯТ – ОЗОДИЙ – СВОБОДА – ЭРКИНЛИК

5 февраль ойинда якшанба куни жаноб баланд мартабалик Самарқанд областини военний губернатори Самарқанд шаҳар ва

уездини мўътабаронларидан 200 қадар одамни жамлаб, расмий суратда миллати озодни подшоҳи аъзам императур ҳазратларини ҳуррият ва Государственной Дума «Миллат мажлиси» тўғрисидаги манифести олийларини маълум қилиб, «Миллат мажлиси»га Самарқанд областидан ҳам вакил сайланмоғини билдуруб, ва минбаъд жорий бўладурган ҳурриятлар ва барча халқни гражданин қаторига ҳисобланмоғи ва миллат мажлисига ҳар фирқа ўз тараққийси йўлига далил баён қилиб, манфаати миллат ва мамлакат ва ҳукуматга иттифоқлик ила яхши сўз ва далилларни баён қилмоқ ила ва Русия қонуни мамлакатдорликига аралаш бўлуб, низом ва қонун тузатмоқ учун яқин фурсатга Дума вакили миллат сайланмоқга тартиб жорий бўладур деб аълом қилиб ва шул тўғрига ниҳоят тинч ва тартиблик ва бонизомлик ила ҳаракат қилмоққа ва фуқароларга ушбу ҳодисани аълом қилмоққа машварат бердилар. Ва то янги закўнлар жорий бўлгунча ҳозирги кун қонунларни риоя қилмоқ лозимликини баён этдилар. Аҳли мажлис ва мўътабарон тарафидан изҳори мамнуният ва подшоҳ императур ҳазратларига ташаккур тўғрисида ва изҳори мамнуният ва шукргузорлигимизни миллати озодни подшоҳ импературимиз боргоҳларига еткурмоқга мутазааммин бир «Адрес» – ташаккурнома жаноб губернаторга топшурулди. Баъдинда подшоҳи аъзам императур ва хонадони ҳумоюнни саломатлиги ва мамлакат Русияни тинч ва ободонлики тўғрисида дуои хутба ўқулуб, омин садои вожибу-адосила жамияти озод тарафидан қабули жаноб Ҳақ таолодан ниёз қилинди.

Личной почетной гражданин Мулло Мирзо Ниёз Муҳаммад Самарқанд қозиси тарафидан нутқлар сўзланиб, собиқ Самарқанд уезди ҳокимини ноиби мансабиға турган алҳол комиссар полковник Ниёз бин Солиҳ Қулжонуф тўра тарафидан олий ва олтун манифестлар туркча таржима ва эълон қилинди. Жаноб военний губернаторимиз ушбу тўғриларға бир неча мажлис ва машварат бўлуруни ваъда бериб, аҳли мажлис ила видолашдилар. Халқимиз ниҳоят мартаба хурсанд бўлуб, бир тарафдан озодлик, дигар тарафдан миллат мажлисиға вакил юбориш рутбасиға Оллоҳни иродаси ва подшоҳимизни марҳамати ила ноил бўлганларига ҳадсиз хурсанд ва муташаккир бўлуб тарқалдилар. Агарчи ҳуррият ва миллат мажлисиға ширкатимиздан бизга на

манфаат ҳосил бўлушини билмайдурганларимиз билгувчиларимиздан неча даража кўб эди. Маъа фийҳ биздан ҳузури подшоҳға арзчи борадур ва биз ила барча Русия аҳли бир мартабаға бўлбдур деган натижалардан ҳар ким шод ва хуррам эди. Бир-бириға ҳар ким озодлигини муборакбод қилар эди. Роқими ҳуруф баён этарманки, бу кунги биз Русия мусулмонлариға берилган ҳуррият ва ихтиёр на Ҳиндистон ва Эрон, Арабистон, Афғонистон, Бухоро, Чин, Фос, Миср мусулмонлариға ва на дунёни биринчи давлатлари қаторидаги Туркия Усмонли мусулмонлариға мурассар эмасдур. Агарда бизларға ақл, илм ва хабар бўлса, Русия давлати ҳимоятиға энди барча ер юзидаги мусулмонлардан дунё ва дин ишлариға тараққий қилармиз. Чунки Русия мамлакатига Русиядин сўнгра жамиятлик фирқа биз, фирқаи нажиба исломиямиз давлатини янгидин интизом бериб, қавийлаштурмокға моддатан шарик бўлдук. Русияни фирқа воситаси, яъни ҳозирги подшоҳлик ва зиндакорлик давом ва бақосини хоҳлайдурган конституционий фирқаға қўшулуб, қонуни машрута асосини билиб, рафтор қилсоқ дин ва дунёға барча мусулмонлардан тараққий қиларимизни ҳар оқил ва замондан хабарлик киши тасдиқ қиладур умидида биз ҳайҳотки бу нуқталарни хаёлиға келтиратурганларимиз мингда бир мавжуд йўқ ва топилмайдур ва аммо диний маишатларимиз тўғрисида ўзимиз миллий мажлислар барпо қилиб, ҳозирги диний ва илми руҳоний ишларимизни таҳқиқ ва танқид қилиб беш областдин мураккаб Туркистон музофоти мусулмонларимиз диний-илмий, руҳоний ишларини ривож ва ислоҳи учун бир мажлиси динияни зер назоратина бўлсак керак. Ояндаға ушбу тўғридаги муддаомизни арз қилармиз. Семиречинский областини баъзи одамлари Оренбург идораи руҳониясиға тобе бўлмакға майл қилубдурларки, баъзи газетда ўқудук. Яна ўзлариға Тошкандни жанубий ҳудуд эътибор қилиб, бир мажлиси машварат барпо қилармишлар. Бу муддаолар яхши, аммо сабаб тафриқи бўладур.

Сиёсатда бир бош ҳокимға тобе бўлуб юрганлар маишат ва диний ишларға ҳам бир марказға боғлиқ бўлсалар керак. Биза қолса беш област фуқаролари императури аъзам ҳазратларини марзолари ила минбаъд очилатурган «Туркистон Идораи руҳонияси»ға тобе бўлуб ва ани шуъбалари ҳар вилоятға очилмоғи-

нинг талаб қилиб ва мажлис машваратлари ҳам беш областни уламо, тужжор, удабо, аброр ва агниёларидан таркиб топилиб мажлиси миллияи Туркистон аталиб, шаҳри Тошкандга очилиб, шуъбалари вилоятларга барпо бўлсун. Аслига лозим ва тейишлиси шулдур. Бу фикр кўбга маъқул бўлуб ва газетларга ёзилиб туруб, март ойини ичиға мажлис очилиб, лойиҳа-проектни тайёрлаб Дума вакили миллатларга топшурулса яхши бўлур эди. Фақат диний ва шаръий маишатлар тўғрисида бир тартиб ва лойиҳа ва муомалот ва маъишати сиёсий ва молий тўғрисида ҳар областни аҳволиға қараб мутанавеъ боблар тайёр қилинса сазодур, вассалом.

*Ал-ҳож Маҳмудхўжа валади Бехбудхўжа
ТВГ. 1906 йил 15 февраль. №7*

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРИ САМАРҚАНДДА

20 феврал ойинда ул баланд даражалик жаноб Туркистон генерал-губернатори шаҳримиз Самарқандга келдилар, шаҳар халқи ва катталар вокзалда истиқбол қилгандин сўнгра аъени вилоятларни мартабалик жаноб военний губернатор маконларига таклиф қилдилар. Ул баланд даражалик аскария ишларини кўргандин сўнгра мазкур маконга ташриф келтируб, бир залда ҳар хил ҳарбий ва мулкый ва илмий Русия мансабдор ва офицерлари ва бир тарафига Русия фуқароси мутасаддиларини кўруниш этканларидин сўнгра иккинчи бир залда мусулмонларни қуззот, уламо, тужжор мутасаддиларини кўруб ва андан яҳудий ҳам арманилар мутасаддисини кўрунишга қабул этиб, аввал мусулмон мутасаддиларига мутаважжих бўлганда қози Мулло Мирзо Ниёз Муҳаммад нон ва намак тутуб, подшоҳи аъзам императур ҳазратларини марҳамати олийлари ила Туркистон вилоятига бош ҳокимликга мансуб бўлишларини муборақбод ва бизларни илм ва маишатимиз тўғрисида тараққий ва ислоҳимизга кўшиш қилмоқлари тўғрисида рижо этиб, умури шарият ва тарбияти дини-

ямиз муқтазоси ва қалбимизни чин ихлосликни самара ва на-
тижаи ҳасанаси жавҳари мақомидаги қарийб ярим асрдан бери
кўрсатган хулуси ният ва убудиятимиз ва ҳам ҳозирги замон но-
мунтазамга энг мунтазам ва тинч туруб фақат зоти шоҳона ва
мамлакати Русияни давоми бақо ва саломатлигини хоҳлаб тур-
ганимизни боргоҳи ҳумоюнға еткурмоқларини илтимос этдилар.
Ул баланд даражалик юқоридаги сўзларни эшитиб, тақрибан шу
жумлаи ояндани марҳамат қилдиларким, «Сиз, туркистонлилар
ва Самарқанд аҳли мулоим ва меҳнаткаш халқсизлар, албат-
та, сизларни хулуси ният ва хайрхоҳликларингизни ушбу кун
боргоҳи олампаҳоғиға телеграф ила еткурарман ва сизларни
ободонликларингизға ўз тарафимдан бақадри имкон ёрдам ет-
курарман ва сизларға миннатдорлигимизни изҳор айлаб, доим
саломат ва тинч турмоқларингизни хоҳлайман», – деб нон ва
тузни қабулға олиб, барча турган мусулмон аъёнлари ила бир
тарафдан кўрушуб, мулоқот қилиб, роқими ҳуруф Маҳмудхўжа
илан ҳам кўп қаторида мулоқот қилганларидин сўнгра ўзумни
«Мадхали жуғрофияи умроний» ва «Мухтасари жуғрофияи Ру-
сий» китобимдин бир жилдини ва ҳозирға босилиб турган «Мун-
тахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофияи риёзий»,
«Тарихи табиий, сиёсий, умроний Русий», «Татбиқоти диния ва
фанния» китобимни хутба ва муқаддимасини ул баланд даража-
ликға топшуруб, ҳадя этдим. Асари ожизимни русча иборатла-
рини ўқуб кўруб, манга хитоб қилиб айдиларки: «Афсуски, ушбу
тасниф қилган китобингизни ўқуёлмайман ва ўқумоқ вақтим
ўтуб, қариб ва ҳам иш одамидурман, аммо ушбуни ёднома учун
олиб сақлайман», – деб марҳамат қилдилар. Жаноб военний гу-
бернаторимиз ушбу китобчани мактаб болалари учун тайёр бўл-
ганини билдурдилар. Камина яна баён этдимки: «Ушбу китоб-
дан семинария мудирини жаноб Остроумов тўраға юбориб манзур
қилиб эдим, ул жаноби тараққийпарвар семинария Туркистон
дорулмуаллимини учун 17 мажалладин талаб қилиб олдилар».
Ул баланд даражалик ушбуни эшитиб, китобингизни нафи зоҳир
бўлгани ва семинарияға юборганингиз учун яна сиздан миннат-
дордурман, деб омонлашиб, каминани сарафроз қилиб, меним
ила яна видо мулоқоти этдилар. Булар фақат илмни шарофати
ва Русия маъмурларини илмдўстлигини асаридур, вале ожизона

асаримни Туркистон дорулмуаллимини семинария мадрасасиға киришни ва фармонфаройи Туркистонни навозишлариға умидим йўқ эди, семинария мудирини жанобларини ушбу имтиёзларидин истидлол қиларманки, китобим оммага манзур эмас экан, анинг учун умидвордурманки, ани минбаъд босиладурган ўзбек тилидаги ва аввалгидан кўра муфассалроқ харита ва ашколи кўпроқ жаҳоннамо китобимга мактаблар учун чиқадур. Туркий мактабларға ва ҳозирги форсий учун форсий мактабларға олинмоқига илм маъмурларимиз ҳаракат қилсалар, халқни сабаби тараққийси бўлур эди. Баъдинда яҳудий ва армани мутасаддиларини кўруб, нон ва намакларини қабулга олиб, кўриниш тамом бўлди. Сўнгра шаҳримизни умумий вакили, депутат, жаноби умдатут тужжор, хайрандеша мулло Муҳаммад Раҳимбой ул жаноб баланд даражаликға кўб тарафдан ушбу тубандаги арзларни қилдилар: «Сиз баланд даражаликни марҳамат кўрсатганингиз бизларға ниҳоятда таъсир қилди, хусусан, ушбу замон озодий ва олий манифестни ҳукмфармо бўлуб турган вақтиға Туркистонға катта волий бўлушингизни шаҳар тарафидан муборакбод этиб, баъдинда еткурарманки, алҳамдулиллаҳ, шаҳримиз обод бўлаётибдур. Шаҳар даромади кўпайгани учун баъзи ишларни тасарруф ва бошқармоғи уезд маҳкамасиға оғирлик қилиб, вақт йўқлигидин аксар ишлар кейин қолиб, халқ ва шаҳар думаға муҳтож бўлганлари маълум бўлбдур. Ани учун шаҳар халқи тарафидин илтимос қиларманки, бизни шаҳарға Дума барпо бўлишиға саъйлари бўлса, азбаройи фуқароларни ривожини учун ва шаҳримизни сафо ва тараққийи замонасини зиёда бўлиши учун ва ҳам бизларни мулло, мадраса ва масжид ва диний ишларимиз вақфсизлигидин кундан-кунға кейин қолиб, даража-бадаража йўқ бўлгани учун вақфларимизни берилмоқига саъйлари бўлса, 3-арз шулки, Русия келгандин сўнгра шаҳримизни қадим қалъа ва маҳфуз дарвозасидин ташқари, бир маҳаллаға фоҳишахона очилиб эди. Андин бири рубъи аср ўтуб, шаҳар одамлари кўпайиб ва ҳукмронлар амри ила эски қалъа ва дарвозаларни кўтарилгани ва мурури замон ила шаҳар ҳовлилари ва касбкор вусъат этиб, ҳатто мазкур фоҳишахона атрофиға солиҳ одамшавандаларни макони яқинлашгани вақти етгани учун фоҳишахона шаҳримиз ила аралашуб қолдики, ушбу тўғридин

шаҳар халқимизни дин, виждон, иффат хулқлариға нолайиқ ва адно даражадаги маъсият ва ҳайвоният ишларни ҳар замон мушоҳидаси халқимизға ниҳоят оғур келгани, ҳар бир рўзгор оила асҳобини кўнглиға қаттиғ малол келгани учун яна илтимос қилармизки, ушбу фоҳишахонани шаҳардин узоқроқ маҳаллаға нақл қилинмоқиға тадбирингиз бўлса ва муборак хотирингизға турса, ушбу вайҳдан маҳаллий ҳоқимларимизға арза берганмиз. Шаҳар халқини ушбу 3 муддаосини биринчи матолиб ва ҳамиша кўз олдиғадур ва ушбу тўғрилариға сиз бош ҳоқимимиздин саъй қилмоқиға ва матлабларини ҳосил бўлмоқиға ёрдам беришингизға сиздан ниҳоят умидвордурлар», деб юқоридаги мафҳумларни мутазаммин ва ибороти анга қарийб сўзлар ила баён этдиларки, ҳақиқатда шоёни эътибор ва зарурати халқуллоҳдан иборатдур. Ул баланд даражалик генерал-губернатор жаноблари айдиларки: «Ушбу матлабларингизни баъзиси фурсат хоҳлайдур ва баъзиси миллат мажлисиға тааллуқи бор ва баъзиси уламо ва маъмурларни илм ва хабари ила қатъий бўлса керак ва, аммо, матлабларингизни ҳаммаси маъқул ва ман сизларға ушбу вайҳдин ёрдам еткураман», – деб ваъда ва тасалли бериб, халқ тарафидин нутқ сўйланган ва нон-туз тақдим қилган кишиларни военний собраниедаги ўз суфранонушталариға бирга олиб кетдилар. Аҳолимиз ул жаноб баланд даражаликни зоҳир қилгон илтифотларидан истидлол қилиб, маиший ва диний ишларимизға оид бўлган қусурларни яксу ва бартараф бўлишиға ёрдам берсалар керак, деб умид тутадурлар.

Дарвоқе, раият сабий кабудурки, агарчи ақл ва фаросат ва дарояти бўлса ҳам ҳар бир катта ишларға ўз васийси ўрнидаги ҳукумат одамлари ёрдам бериб бошқармасалар, ўшал раиятни фикри-нияти саҳиҳ ва нофе бўлса ҳам ривож топмайдур. Хусусан, оммаға тааллуқ мактаб-мадраса, дума, ушбуларға ўхшаш ишларни барпо ва мунтазам бўлушиға, модомики, ҳукумат саъй қилмаса, вужудға келмайдур, балки иш устиға турган биргина маъмурни райи минглар ила халқни нофе матлуб ва саҳиҳ фикрини нобуд қиладур. Ҳозир Бухорои шариф мадрасаларидин бириға мударрис Васлий Самарқандий фазилатлу тараққийпарвар биродар ва ҳамватан азизимиз Мулло Саййид Аҳмад Васлий жанобларини 6-номерли «Туркистон вилоятининг газети»ға асбоби

интишор ва таъмими илм ва тараққий тўғрисида ёзган фикри саҳиҳи матлабдур. Эй ҳамватани азим Васлий афандим, ёзингиз ҳам чунинки ўтканлар ёздилар, биз ва сиздан ёзмоқ қолсун, эртага кетишимиз муҳтамалдур, чунки замондин биров хабарингиз бордур, беҳабарлардек маъзур эмассиз, бир карра малол ва ақвоми мутараққийга, олимларига диққат ила қараган киши ҳозирги барча халқимиз, уламомизни хоби истироҳатиға ётганларини ўн хатвага хабарлик киши мушоҳада этадур. «Уламо ва уйқу» деган бир мақола иншооллоҳ отиға газет ила нашр қилмоқчимиз, сиз ҳам фасоди ахлоқ, касоди илм ва фан тўғрисида гоҳо бир мақола ёзишингиз ила миллатга хизмат этмоқингизни ватанингиз таваққеъ қиладур, куллу отин қарийб, ассалому алайкум, ё ҳабиб.

*Давийул-хайр Маҳмудхўжа валади
Беҳбудхўжа хатиб Самарқандий
ТВГ. 1906 йил 8 март. №10*

САМАРҚАНДДАН МАКТУБ

Маълумдурки, аҳли ҳукумат ила раият ораларига миёнчи воситаи ҳукумат маъмурларини фуруъи шохаси ҳисоб тошгувчилар ҳозирги қози ва бўлустаной ва шаҳарни оқсоқоли ва депутатлари ва катта бойларидур. Чунончи, мазкур тариқа одамларни шаҳар мутасаддиси мавқе рижолни боши деб тасмия қилинадур. Бизни шаҳримизга бу мутасаддилар бордур, яна шаҳримиз област вилоят марказидур.

Барча катталаримиз газет ўқийдурлар, ушбу йилдаги газетлар воситаси ила Русия давлат муқтадораси қувваи шавкатининг барча раиятлари ва ҳар гўшадаги муслим табаа содиқларини, хусусан, уламо синфларини садоқатлик ҳаракат нутқи барчаларини ионат ҳам фидокорликларини билиб турган бўлсалар керак, яна алҳамдулиллоҳ ваш-шукр шаҳар ва саҳройи халқларимизни қадимгидек тинч ва хотиржам ва бепарволик илан ўз бечорачидек раъйга юрганларини муайян кўруб турубдурлар. Шукрлар бўлсинки, бизни халқимиз нодон бўлсалар ҳам бадсиришт ва

кажрафтор эмаслар, албатта, аминдурмизки, халқимиз Русия давлатига содиқдурлар. Вале будурки, рафтори ижоби замон ва одамиятдин бошқаларга қараганда бебахра ва бесамармиз, вале ани учун бизнинг шаҳримиз каби машхур мамлакатни шаҳар ва саҳройисидин мураккаб бир сади иқтинома ушбу кунғача маъраз рижол ҳукуматға манзур қилинадур, казалик иона жам қилинадир эмиш, деб эшитдук. Вале бу кунғача шаҳримизни ўндан бир маҳаллаларига ҳам иона жамлангани маълум йўқ. Бу мусоқала ярамайдур, 2 ҳафтадан сўнгра аҳолини аксари тобистони боғларига кўчса, бу иона қандай ва қанча қатиглик ила жам бўладур?

Ажабо, бу ишлар ва кўпишлар кимни зиммасига бўлса керак лозимки, арбоби маҳалла, яъни элликбоши ва имоми маҳалла одамшавандаларига шаҳар мутасаддиларимиз садоқатнома топшурмоқ ва иона жамламоқнинг чин натижасидан хабар берсалар, токи арбоби маҳалла авъан ва раиятан ҳаракат қилсунлар, бу қадар камҳавсалалик бизларга ярашмайдур, балки яхши эмасдур.

Ҳолбуки, аҳолимизни садоқат ва роҳатлиги изҳори минаш шамсдур¹⁴². Аммо ҳозирги нақд айбимиз бедониш ва беҳабар ва беҳаваслигимиздур, биз аҳоли, албатта, уялсак керак, чунки саъйлик баъзи қишлоқ мусулмонлари номаи садоқати ила ионасини топшурган вақтда бизларни катта шаҳар аҳлимиздан ҳануз бир самара кўрулмайдур, сабаби надур, фақат беҳабарликдур. Бизга қолса лозимки, мутасаддиларимиз маҳалла арбобини саъйликларига ижтиҳод қилсалар, фавран вақт ўткармай иона жамъига муқайид қилдурсалар, убудияти фармони биродар ва муъин ҳақиқийлигимизга нома топшурмоқ керак: «Қулил-ҳаққа валав кана мурран» (Аччиқ бўлса ҳам тўғрисини айтгин). Туркистон халқи ила Қазон ва Қрим ва Тифлис мусулмон халқларидин ноший натижани майдони мулоҳазага қўйилса, бизларни на даража нодон ва пастрўлигимиз аҳли дониш наздиға собит бўлур эди. Вале онлар ҳам, аввало, биз каби экан, ҳусни эътизож ва тарбияти Русиядан шул ҳолға табдил бўлудурлар ва Русия давлатининг қадрини ҳаққинча танийдурлар. Бизларни ўндан, балки юздан биримиз Русия давлатининг қувватбоз ва ер юзидаги улуг таъси-

¹⁴² *Изҳори минаш шамсдур* – қуёшдек равшандур.

ри казалик ҳукумати ва сиёнати, раҳм ва шафқати, қонун мусовоти, маслаки ҳасана ва бошқаларини, хуллас, ҳаққинча танимайдурлар; бу жаҳолат ва адам саъйи бизлар учун бир ёмон феълдур, яна зеҳн кўймайдурларки, 40 сана муқаддам на эдилар, ҳозир на ҳолатда тасоъуд ва тараққий қилибдурлар ва ул замонға ҳадафи тийри зулм бўлганларини ёдға келтурсалар керак.

Бизға қолса, туркистонликларға Русия давлатининг фойдаи умумиясини беҳабарларина бул ҳам борки, осори жаид хусусидаги китоблар аларнинг наздарида айбдор ва гуноҳқордур. Чунки ул китобларни ҳар қаю фасл ва бобларида озодлик олмоқ нишонаси бўлмай озодликға сабаб йўқ. Шул важҳ ила ул китоб бечораларни «бахил китоб» деб ном тутубдурлар, аммо тартиби қадима ила осори жаида миёнасида кўп тафовут бор. Масалан, тартиби қадима ила янги мактабга келган ёш болага бошлаб таълим берилганда биринчи сабоқда кушойиши зеҳн ва ақл ўлсун, умдада Оллоҳ таолонинг Фаттоҳ исми ила бошламоқ расм ва одат бўлган. Бул, албатта, бешак ва шубҳа, муборақ ва яхши тариқдур ва, лекин, ани ҳам биринчи сабоқ ва ибтидода дафъатан ғалати фаҳш ўқийдурлар: масалан, ё «Фатто» деб. Ваҳоланки, кўп муаллимлар болаларга беш, ўн йил мактабдор бўлуб, алҳол ул исми аъзамнинг маънисин билмай ўқутадурлар ва ҳам ёш гўдаклар «Ҳафтияки шариф»ни бошлатуб, биргина калима «Алҳамду»ни ҳижжаи қадима ила неча калима ва узун жумла қилиб ўқутадурлар. Масалан, (алиф, лом, зол, ҳаййу, мим, за, ҳам алҳам дол пешду алҳамду) ва дигар бир калима ўн «кана»ни ҳижжа ила бир сабақ қилиб ўқутмоқ қийин кўрунуб икки бўлуб, бир кун «ан» ва бир «кана»ни ўқутадурлар. Ул икки ҳарфдин мураккаб бўлган шартияни ҳижжа ила шундай ўқутадурлар: алиф, нун, забар, ан навза на ан, «кана»ни «коф, алиф, зако навза на кана» мунга ўхшаш масдақалар бениҳоя кўп. Ҳар ким ул мактабларга илтифот қилса, албатта, биладур, бу нечук тартибдурки, бир калимани ўқутмоқ бир неча калима дигарни такрориға сарбаст ўлса, муаллим афандилар шогирдларға бул тариқа машаққат ва душворлигини фикр қилмасмукинлар. Агар бул тариқа машаққатни билиб туруб, бовужуд шул тариқа доимий ва собитқадам бўлсалар, аларнинг хиёллари нима бўлса экан, Оллоҳ билур.

САМАРҚАНДДАН МАКТУБ

Самарқанд шаҳридан ҳурматлик муҳаррири газет, муҳтарам домла Муҳаммад Олим жаноблари таҳрир этган «Мунтахаби жуғрофияи умумий» китобимизни(нг) хутбасига ёзилган иборатларни аксари чигатой шеvasига ёзилмай, арабий жумлалар ила ёзилганлиги тўғрисида ва ўшал иборатларни аксар халқимиз тушунмасликлари бобиға ғамхўрлик қилиб, камина хайрхоҳлариға маслаҳат берибдурларки, содда иборатлар ила ёзилса, нофеълик бўладур, деб. Чунончи 11 рақамлик газетда ўқуб хурсанд бўлдук, мактуби марғубларини охириға лутфан ожизлариға узрхоҳлик ила хитоб этибдурлар. Бу маслаҳат ва йўл кўрсатишларидан банда ниҳоят хурсанд ва сарафроз бўлдум, муҳаррир равшан замиридин миннатдордурман, бизға нофеъ машварат кўрсатувчи ва хатомизни баён этгувчи ҳар бир кишидин миннатдор бўлуримни ўшал хутба китобимға ёзгандурман ва анга биноан домла Муҳаммад Олим жаноблариға изҳори ташаккур айтарман. Баъдинда махфий қолмағайким, бизни «Мадхали жуғрофияи умроний» деган форсий китобчамизни ҳам баъзи иборатлари бемаврид тушгандурки, ҳар бир ишни айби тамом бўлганидин сўнгра билинганидек ани ҳам баъзи нуқслари сўнгра билинди. Оллоҳ таоло иккинчи табъига еткурса, иборат, мазмун, ашколи харита, тасвирот ва суврат китобини ҳозиргидин кўра яхшироқ ва фаҳмға яқин этиб чиқормакға азм ва жазмимиз бордур. Ани котиби Мулло Аҳмад хатм карда Муҳаммад Сафар ўғли марҳум бўлдики, ўтган ҳафта жума оқшоми хонаи охиратиға қўюлди, раҳматуллоҳи алайҳи раҳматан. Иккинчи китобимиз «Мунтахаби жуғрофияи умумий»га намуна «Жуғрофияи риёзий табиий», «Тарихи умроний сиёсий Русий» ва «Татбиқоти диния ва фанния» деган унвонларни мавзу алайҳини бўлган фан ва илмлардан биров баён этадур ҳам нужуми фалакиёт, ҳайъат, ҳикмат, ҳандаса, илми арз, механик фанларидан баён қиладурган баъзи саҳифалари ҳам борки, ҳайъати жадида ва қадима, ҳикмати қадима ва жадида тўғрисидаги уламои юноний, арабий ва фанрангийни ўшал илмлар бобидаги кашфиёт, эътиқод ва тасаввурларидан мухтасар баён қилиб, сўнгра татбиқоти динияға махсус шаръий ва ақлий далил ва ҳужжатлар ва ерни юмалоқлиги ва

нима устига тургани, фано ва ҳалоки ва юқоридаги илм ва фанлар тўғрисидаги шаръий далил ва уламои киромимизни сўзларини баён этиб, бироз муҳокама қиладур ва жуғрофияга тааллуқ қоида ва муқаддималарни ёзадурки, китобимизни аввалги тўртдан бир рубъи шул фасл ва жумлалардин иборатдурки, арабий ва форсий калимаи исм ва иборатларини ёзмаслик қатъан мумкин йўқдур. Ҳатто ҳикмат, ҳайъат, механик фанлари тўғрисидаги баённомаларига русий ва франсузий баъзи исм ва калималарни ёзмасликга илож тополмасдин ёзиб, аммо бақадри имкон тафсир ва ташриҳ ё таъбир қилиб соддалаштурдук. Чунончи, «микраскўп», «хурдбин», «телескўп», «дурбин болун», парахўд, ҳавойи фут, дюм, метр ва миллиметр ва пуслут, тилғром. Гарант, фаҳми озути маволид ал-ҳамуза, малудул-моънос вал-ҳаво маъекаъб, меҳвар, марказ, қутб, аълойим, жавия, меҳра, саҳоб, зиёия, атмосфер, раъд, барқ, зафораи самшак, ситораи галтон, буружлака танвура, минтақа, машъалаи гирдбод, шаба, заллалаҳ каби... Бу фасл ва боблар китобимизни ақлий қисмидурки, ушбу фанларни ўқумаган киши уч, тўрт, беш, ҳатто ўн мартаба баъзи жойини батакрор ўқумагунча тушунмайдур. Татбиқоти диниясини ўқийдурган киши, модомики, илми диний – тафсир, ҳадисга моҳир йўқдур, фаҳмлаёлмайдур. Илми динийга моҳир бўлуб, фанни замониийдин хабардор бўлмаса ҳам матлабга тушунмайдур, азбаски татбиқоти диния ва фанния унвони замонидаги сўзлардур.

Эй азиз ва муҳибби холис тараққийпарваримиз, сиз жанобни бандага кўрсатган йўлингиз ниҳоят марғуб ва аммо на чораки юқоридаги жумлалар баёнида баъзи арабий исмлар қўшулмаслигини иложи йўқдур. Китобимизни тўртдин уч ҳиссаси ер юзиндаги, яъни янги ва эски дунёдаги барча подшоҳлик ва мамлакатларни масоҳати, аскар, тўп, тўфанг, фуқароси, тақсими мамлақати, баҳрия ва баррийя ишлари, илм, ҳунар, саноат, қуввати диний, тарихий ҳодисаларни баёни ила тамом бўладурки, Оврупо, Осиё, Африқо, Амриқо, Австралиё, арози қутбдаги мамлакат ва одамларини, давлат ва ҳукуматларини баёнидурки, авом фаҳмлайдурган иборатлар ила ёзилгандур.

Китобимизни аввалги рубъини авом тили ила ёзилмоғи мумкин эмас, ёзилганда ҳам авомлар барчаси фаҳмламоқдин ожиздур, бовужуд шул авомларга билмоғи лозим баъзи фаслларини

содда ёзганимиз сиз жанобга манзур бўлган саҳифалар китобни хутбасидурки, ўтган мусаннифларимизни одатларича бироз адабий-арабий иборатлар қўшулгандур. 4-саҳифадаги «Замон» сарлавҳасидин сўнграги жумлани мутазаммин илм ва фан арбобиға суврати арзимиздурки, аларға муносиб фикралар ила баён этмоқни адабдин биларман, ҳам чунонки, сиз жанобни марҳаматингиз бўйинча ўшал иборатлар аҳли фазл ва камол наздиға марғуб эмиш, ани учун татбиқоти диния ва фанния ва риёзия ва татбиқот моддаларига тааллуқ фасларни мутолаасидин авомға фойда бўлмаган учун бироз илм ва адабий иборатлар ила мактуб бўлгандур. Осон иборатлар ила ёзилганда авомларни эътиқодиға эҳтимол алҳаққи зарар бордур.

Учинчи китобимиз сарфи ўзбеки тилиға таҳрир топилган жаҳоннамои жуғрофияи ибтидоийдурки, савол ва жавоблик ва мактублар ёзилган ва иншооллоҳ, таъби бўладур. Анда риёзи нуҷуми табиийдан баён бўлган йўқ, авом фаҳмлайдурган тариқаға ёзилиб, фақат ер юзидаги барча подшоҳларни ва Русия мамоликини вусъат ва одами ва тақсимидин иборат ва «Мадҳали жуғрофияи умроний» китобимиздин кўра мунтазам ва муфассалроқ ва беҳроқ суратға жамланган харита ва ашколи катта ва кўпроқдурки, ани ўқутган киши «Мунтахаби жуғрофия» китобимизни ўқумоғига тез тушунадур, мабҳусона «Мунтахаби жуғрофия» китобимиз 4 жилд 400 саҳифа, 30 дин зиёда харита, план, ашколи жуғрофияи риёзия ва ҳандасий тасвиrotлардин муштамалдур. Биринчи жилди муқаддима ва риёзий татбиқот ва ақлий қисмдин иборатки, босилиб турубдур, тамом бўлгани ила, иншооллоҳ, газетхонаға юборурмизки, танқид этадурлар. Вассалом, боқий саломатликлари маржудур, густохликдин умиди афвдур.

*Даъийул-хайр Самарқандий Маҳмудхўжа
валади Беҳбудхўжа*

ТВГ. 1906 йил 12 апрель. №15¹⁴³

¹⁴³ Ҳар икки мақола газетанинг бир сониди босилган. Шуни ҳам таъкидламоқчимизки, ҳар икки мақоланинг бошланиш қисмлари 1904 йилда айнан шу сарлавҳа остида босилган мақолаларнинг кириш қисмини такрорлайди.

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ДУМА – МИЛЛАТ МАЖЛИСИ ХУСУСИДА «САМАРҚАНД» АХБОРОТИ

Подшоҳимиз императури аъзам ҳазратларини марҳаматлари ила барпо бўлатурган миллат мажлисига биз, туркистонлилардин вакил сайланмоғи навбати ва хабари етди. Подшоҳимиз валий давлати Русияни бул марҳамат ва адолатлариға ҳар қанча миннатдорлик қилиб, ярим асрдан бери чин ихлосимиз ила турганимиздек, яна неча асрлар чин ихлослик ила ва ҳозир ҳақиқатан шарик бўлган давлатимизни тараққий ва тақвиясиға маънан ва моддатан жисм ва жонимиз ила хизмат этмоқимиз лозимдур. Биз шул миллат мажлиси ва подшоҳимизни барча фуқаролари қаториға биз, туркистонлиларға айтган лутфи беғоялари тўғрисиға ушбу газетни 8-нумери ва «Тараққий» газетини 12-нумериға бир-икки жумла сўзлар ёзиб эдук. Такрор арз ва эълон этарманки, бизни бу кунги ҳурриятимиз ва давлатимиз Ҳинд, Чин, Эрон мусулмонлариға муяссар эмас ва, аммо, алардан кўра бизлар кўп мартаба ва кам илмимиз. Ва алар ер юзидаги 300 милёндан зиёда мусулмонларни озод ва небахти биз 20 милён Русия мусулмонлари ҳисобланса сазодур...

«Тараққий» контурида икки мақоламиз қолди, афсуски, мавҳуми замонға мазкур газет уч ой кейин қолди. Жаноб муҳаррири муҳтарамдин илтимос қиларманки, ўшал мақолаларни олиб, ушбу газетға дарж этсалар. «Тараққий»нинг тулуғи ила бошқа мақолалар юборармиз, миллат мажлисидан газет ўқутувчиларимизни биров хабарлари бўлса керак. Бовужуд шул «Тараққий» ва «Туркистон» газетларини миллат мажлисиға тааллуқ сўзлари ёзилган нумерларини қайтадин ўқуб, мукомала ва мубоҳаса қилмоқлари ниҳояти нофеълик ва савобдур. «Самарқанд» газетини ушбу йилдаги 48-нумериға Туркистондин миллат мажлисиға боратурган вакилларни тақсими ва адади шундоқ билинурки, Семиречинский областини ғайрирус фуқароларидин бир нафар, қазоқ аскарияларидин бир нафар, фақат област фуқароларидин бир нафар, Сирдарё областни Тошканд шаҳридин 2 нафар, област фуқароларидин 3 нафар, Фарғонадин 3 нафар, Закаспийский ва Самарқанддин бир нафардин, жами ўн тўрт нафар деб. Аммо мазкур тақсимни жами саҳиҳи 13 нафардур, бизлар ўйлай-

мизки, Самарқанд областига, албатта, икки нафар тайинланиб, эҳтимолки, саҳв бир нафар кўрсатилган бўлса, чунки бул ниҳоят ҳам муҳим ишдурки, жамига, албатта, саҳв бўлмаса керак ва ҳам 1897 йилдаги таҳрири нуфусга қараганда ҳам лозим келадурки, бизни вакилимиз иккидин зиёда бўлсун. 1904 йили учун Тошкандга таъб бўлган жаноб «В-В-С»ни календаридан Туркистон музофотидаги ҳар қаю област одамларини ададига қараганда бизни Самарқандга ҳам уч вакил бўлса керак.

Самарқанддаги Русия мулкдорларидин ва маскурот заводини соҳиби жаноб Филатовни макониға Самарқанд мўътабаронларидин тахминан 20 нафар киши соҳиби манзил тарафидин мукаллиф бўлуб бордукки, Самарқанд государский бонка шувбасини упрավляющий ва областни бош мироби Петровский ва шаҳар податной инспектори жаноблари ва бир неча Русия мўйсафид дўкандор ва савдогарлари ва бир неча нафар ёш дўкандорлар ва баъзи ўрта яшар кишилар бор эканлар, яҳудий ҳам шахрийларимиздин ҳам 15 қадар киши бор эди. Биз, мусулмонларга русий жанобларини ҳар қайсилари яхши хулқ ва фавқулодда мулойимат кўрсатиб, чой ва қовурдоқ тақдим этдилар. Баланд даражалик жаноб военный губернаторимиз ҳам келиб, ҳамма ила кўрушуб, бизларга ҳеч нима демасдин чиқиб кетдилар. Баъдинда уй эгаси айдики, бул вақтларда ҳар қаюси вилоятга халқ жам бўлуб, Государственный Дума важҳидин машварат қилишадурлар, сизларни машварат учун чақурдук.

Бизлар мулкдор ва савдогар кишилармиз ва биз торговой промишленнийларни Масковга жамияти марказиямиз борки, бизлардин илгари алар суҳбат ва жамиятлар қилдилар. Бизларни партиямиз яхши ва халойиқга нофеъ келтиратургандур ва сизлар ила боиттифоқ иш қилмоқ керак, деб. Жавобиға жаноб қози Мулло Мирзо Ниёз Муҳаммад айдиларки, албатта, иттифоқ ила иш қилмоқ лозим ва, аммо, ёлғуз биз самарқандликларни эмас, балки Самарқанд областини ва Туркистон крайни иттифоқи ила иш қилмоқ керак, фақат бизлар 20 нафар киши сизларни партиаларингиз иттифоқиға бўлсоқ, бошқа шаҳар ва област мусулмонларидин машваратсиз бўлган учун балки ихтилоф воқеъ бўлса ажаб эмас. Жаноб мажидулуламо қози Муҳаммад Исохўжа айдиларки, бизларга алҳол маълум йўқки, Туркистон вакилини

адади неча бўлур, виборшик сайловчиларни аксари раъйи на тариқа бўладур, бинобарин, толиби мажҳули мутлақдек сизларни бизлар билмайдурган йўл ва иттифоқларингизга ёлгуз бошимиз ила биз, самарқандийларни киришимизни ўйлаймиз.

Андин сўнг камина роқими ҳуруф Маҳмудхўжа русий ва мусулмония ва яҳудия аҳли мажлислариға дедимки: «Ҳозир Русия мамлакатада дурустроқ ва инсофға яқин бир неча фирқа партиялар ва инсофдин узоқ бир неча фирқалар ҳам бордур, ҳар қаю фирқани программ, яъни ўз маслак, мурод ва фикри тўғрисида қоғоз ёзган тартиб-феҳрист муддаоиси бордур. Мундаги русий ҳамшаҳриларимизни ҳам, албатта, програмлари бўлса керак, чиқарсунлар мулоҳаза ва муҳокама айлаб кўрармиз, бизға нофеълик бўлса, иттифоқлариға дохил бўлиб ва ҳам бошқа уезд ва областдаги қариндошларимизни таклиф ва тарғиб тилармиз. Бенафъ ё зарарлик бўлса, йўқ мунга жавоб бермасдин манзил эгаси дедиги ҳозирға мундин кераклироқ иш андин сўзлаймиз», деб юқориға васфлари баёни бўлган тўралар ила биргалашиб эдиларки, Государственный Думаға бизни Самарқанд областидин бир нафар вакил сайланмакға хабар олдук. Аммо бизлар хоҳлаймизки, шул вакил икки нафар бўлуб, бири рус, дигари мусулмондин қарор берилсун, сизлар ҳам қабул қилинглар, бири рус, дигари мусулмон – икки нафар вакил талаб қилиб тейишли жойға телеграм ва ариза қилайлук.

Биз, мусулмонлар, фикр қилдукки, Туркистондаги беш областни адади нуфусича тўртунчисимиз. Подшоҳи аъзам ҳазратларини хиёнат ва жиноят қилмаган фуқароларидиндурмизки, бир неча маратаба ул олампаноҳни ризолик ва илтифотлариға мазоҳир бўлганмиз. Ушбу замон тазалзул ва бўҳронға мустақим турушимиз ила Русияға яктомиз, ул зот ҳумоюни монисифат олийлари ҳаммаға баробардур, тақрибан 40 санадин бери тинч турганимиз тарих ила собитдур, шу учун биз Самарқанд областини фуқаролариғаки Закаспийдан 4 мартаба зиёдамиз, ани ила баробар бир нафар вакил тайин қилинадур, бу иш асли йўқ, албатта, саҳвдур, суюкли ва одил подшоҳимизни муқаррар ва таъмин этган марҳаматларидин биз табиий саҳмимизни оз бўлишиға қаноат қилмоқимиз, қадр неъматни билганимиз ва ҳам куфрони неъмат ҳисобланадур. Закаспийский ва Семиречин-

скийға қараганда бизни вакилимиз тўрт, ҳеч бўлмаса, уч нафар бўлуши лозимдур, албатта, бул тўғриға подшоҳи меҳрибонимиз ҳазратларига ва давлатлик, инсофлик граф Витте жаноблари ва ул баланд даражалик генерал-губернаторға телеграм қилурмиз, агарда бизлар бир нафар йўқ вакилни беш, ўн нафар русий бойлари ва эски фикр тўраларига бул кундан таҳсис этсак, эртаға бизни ҳамватан яҳудийларимиз ва хўжандий ва дизахий, каттақўрғоний қариндошларимиз ҳам биз, самарқандликлардин алоҳида саҳм талаб қилиб, аларға бермоқ учун қўлимизға тайёр вакил йўқлиғи учун жамиъ областимизға ихтилоф тушуб, ўшал бир нафар вакилимиз ҳам қўлимиздин чиқиб кетиш эҳтимоли қарийбдур. Ваҳоланки, Дизах, Хўжанд, Каттақўрғон, Ўратепа шаҳрини аъёнлари бизлардан ушбу ишни алардан бемаслаҳат қилганимиз учун норози бўлуб, интихоби вакил тўғрисида бизларға раъй бермасликлари лозим ва табиий бўладур, уч-тўрт вакил тайин қилинмоғи учун марказ ҳукуматимиз ва маҳаллаи умдамизға арза қилармиз, лекин яҳудий, рус ё фалон партиядан деб тахсис этмаймиз, сайловчилар бўлганда алар қайси фирқадин сайласалар мухтордур. Ман ўз тарафимдин айтарманки, бизларға, албатта, Конституционной партиясига қўшулмоқ лозим, чунки миллат мажлисиға аларни адади зиёда бўладурганға ўхшайдур (бақияси минбаъд босилур).

ТВГ. 1906 йил 2 май. №18

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ДУМА – МИЛЛАТ МАЖЛИСИ ХУСУСИДА «САМАРҚАНД» АХБОРОТИ

(Ўтган 18-номер газетимизда босилгон Самарқанддин келган хабарнинг бақияси ушбудур)

Ул баланд даражалик Туркистон генерал-губернаторини ҳам раъйлари ушбу «Конституционной демократический партия»ға борлиги ёзилиб эди, замонияға қараганда ҳуррият ва тараққий тарафдорони, албатта, айтса керак, шаҳримизни ул мажлисга

ҳозир аъёнларидин жаноб қози Мулло Абулҳайхўжа ва Мулло Муҳаммад Раҳимбой Мулло Истамқул ҳожи ва Мавлонбой, икки Мулло Муҳаммад Аминҳожи Муҳаммадҳожи, Латиф Маҳмудбек соҳиб тўра ва бошқа азизлар ҳамма боиттифоқ машварат ила айдиларки, ул олампаноҳимизни олий манифестларини баланд даражалик военний губернаторимиз эълон этганда айтиб эдиларки, ҳар на маслаҳатингиз бўлса, маним эшигим сизларга доим очиқ, келиб айтингизлар, ёрдамимни еткурарман, деб. Ва ул баланд даражалик Туркистон генерал-губернатори Субботич жаноблари ҳам бизларни нафъимизга кўшиш этмакга шаҳримизга келганларига ваъда бериб эдилар, бизларга лозимки, ул жанобларга аввал ружу этсак, деб баёни узр этдилар. Русий ҳамшаҳарлари бир неча мартаба муддаоларига таклиф ва исрор этдилар, аммо аларни таклифи қавоиди вожиби замони ҳолиядин хорижлиги учун қабул қилолмадук, фақат истарший оқсоқолимиз Мирзо Муҳаммад Яъқуб бу ишлар ва замони ҳолиядин камҳабарликлари учун алар партиясига байъат этмоғимизга таклиф қилдилар. Аммо каминани қисқагина ул жанобга берган жавобим, албатта, рус ҳамшаҳарларим ва жаноб оқсоқолга ёмон кўрундим, аммо бу миллат ишидур.

Жаноб икки қозимиз ва аъёнларимизни мудирини бонкадек нофазлраъй кишига совуқ кўрунишлари ҳеч бир иш эмасдур, охири баланд даражалик военний губернаторимизга бориб, машварат этмоқчи бўлдук. Русийлар йўқ, бизлар бормаймиз, деб ҳаммалари мажлисимиздан туруб, бошқа уйга кирдилар, бизлар беш-ўн дақиқа тааммул қилдук, қайтуб бизларга боқмадилар, охирида бизлардин баъзини кетганини билиб, уй эгаси чиқдилар. Бизлар видоъ қилиб, адаби меҳмонликни баржой келтуруб, хотиржамона ўз маконимизга ружу қилдук. Шаҳримиздаги русий тараққийпарварларидин онча ададни биларман, аммо ҳеч бири бул мажлисга йўқ эди, сўнгра энг аниқ жойдин эшитдук ва билдукки, бонка мудирини жаноб губернаторга мусулмонлардин шикоят қилибдурлар (яҳудий ҳамшаҳарларимиз мазкур мажлисга бетарафдек турдилар, яҳудийни аҳволи ва бонк мудирини бизларни айтган шикояти тўғрисида бошқа вақт ёзармиз).

Дарвоқе, бул замонга ҳар қандай мажҳул партияларга байъат ва амният этмоқ кори ақл эмас, Оврупо Русиядаги мусулмонлар

жаноб генерал-губернаторимиз ул баланд даражаликни раъй-лари қарорини жазб этган «Конституционной демократический машрутаи умумия» фраксиясига қўшулмакга қарор берибдурларки, Қрим, Қазон, Петербурғ, Кафказ мусулмон газетлари мунга шоҳиддур. Мажлисимизни мусулмония шувъбасини иттифоқи ила ўнинчи апрелга жаноб баланд даражалик военный губернаторимизга бориб, бир нафар вакил адолат бўйинча бизларга камлигини ва нуфусимизни баён қилиб, тейишли маҳалига баённома топширулмағини билдурдук. Ул жаноб бу сўзимизни қабул қилиб, аммо, айдиларки, ҳануз расмий қогоз келган йўқ, эҳтимолки, узун қулоқ сўзи бўлса, бизлар илтимос қилдукки, вақт ўтмасдин бизларни талаб ва илтимосимизни тейишли жойга билдурсалар.

Ул жаноб маъқул кўрганлари учун ҳозир адрес тайёрламакга машғулмиз, Оллоҳ хайрлик этсун. Ушбу тўғрига яна мактуб ёзиб партиялар тўғрисида маслаҳат қилишармиз, аммо, афсуски, Тошкандга ва ё областной шаҳарларга мажлис машваратимиз йўқдур, Оллоҳни лутфи подшоҳни иттифоқи қадрини биз, подовлар, билмасдин вақтни зоеъ қилиб, Миллат мажлиси ва ҳавоижи мамлакатимиз тўғрисига огоҳ бўлмай турубмиз. Семиречинский мусулмонларини мажлис-машварат қурмоқларидин хабардор бўлуб эдук, натижа ва ҳосилидин огоҳ бўлмоқимиз матлубдур. Мундай мажлисларни қарорини газетлар ила эълон этмоқ қондадиндур. Иншооллоҳ, биз, туркистонлиларни мажлис ва жамиатимиздин хилофи замон ва шаръи инсоният афкори ва ҳаракатлар чиқмаса керак, юқорида айтулган адрес Самарқанд шаҳар ва уезди аҳолилари тарафидин тузатилиб, ул баланд даражалик Туркистон генерал-губернатори воситалари илан подшоҳи аъзам ҳазратларига манзур қилинмоғи учун жаноб военный губернаторимизга топширилуб, қабул бўлди. Ўшал адрес мазмунини ёзиб юборурмиз.

*Даъийул-хайр Маҳмудхўжа валади
Беҳбудхўжа хатиб, Самарқанд
ТВГ. 1906 йил 9 май. №19*

ГОСУДАРСТВЕННОЙ ДУМА ВАКИЛЛАРИ ХУСУСИДА

Туркистон музофотидаги областларга бир-икки ой ичида Петербургдаги Государственная Дума, яъни маслаҳатхонаи подшоҳи ва мажлиси миллатга боратурган вакилларни сайлови бўлса керак. Чунончи, ўшал вакилларни ҳар областга бўлатурган адади ўтмиш рақамдаги газетларга ёзилиб эди. Ушбу вакилларни сайланмоғи учун аввал мартаба элликбошиларга ўхшаш сайловчиларни фуқаролар сайлайдур, мазкур сайловчилар йиғилиб, яна ҳар бўлустдин ёки икки бўлустдин бир кишини мабъус сайлаб, буларни ўзи ёинки уезд, шаҳарлар мабъуси ила бирга областной шаҳарларга жам бўлуб муқаррар бўлган ва Петербурғ боратурган вакилларни сайлайдурлар. Бу сайлов рўйхат ила ва ё соққа ила хуфия суратга бўлуб, сайловни садрнишини Русия судяларидин бўлуб, мулки миллий ҳарбий маъмурлар, ҳокимлар аралашмайдур ва фалон одамни сайлангиз, деб ҳеч ким ҳукм ва амр қилмайдур. Аммо ҳар ким бўлса ўз раъйи ва фикрини баён қилмоқға соҳиб иштиёрдур. Областной шаҳарларга жам бўлган сайловчиларни орасига ҳар қанча ихтилоф кўпайса, шунча ўшал сайловчиларга, балки миллатга зарар бўлуб, муддаоларига етолмайдурлар.

Биз мунда бир мисол кўрсатурмиз, чунончи, бизни(нг) Самарқанд области Хўжанд, Каттақўрғон, Дизах, Самарқанд деган уезд шаҳарлардин мураккабдур. Буларни ҳар биридан 20 нафардин сайловчилар муқаррар бўлуб, Самарқандга жам бўлсалар, Оллоҳ сақласун, Самарқанд сайловчилари ихтилоф ила икки кишига соққа тапласалар, бошқа уездни ҳар бири иттифоқ ила ўзлари хоҳлайдурган бир одамга соққа ташлаб, раъй берганда устимизга муқаррар бўлатурган икки вакилин бири ҳам самарқандийларни саҳмига тушмай шармсор бўлуб қолмоқ муқаррар ва табиийдур.

Самарқанд мабъусларини ўзи икки фикр ва шуббага бўлинуб, ихтилоф бўлгандин сўнгра, албатта, бошқа уезд сайловчиси мундай мухталиф фирқага қўшулмай ўз мутталабларини илгари соладур, бас, ҳар уезд ва областларни пешравларига лозимки, бу соатдин бошлаб иттиҳод ва иттифоқ йўлини тутуб, Миллат маж-

лисиға муносиб кишиларни номзод қилиб, қарор бериб қўймакға керак, ҳам чунончи, иш билатурган тоифалар ушбу иш тўғрисида махсус комиссиялар барпо қилиб, муносиб кишиларни кандидат қарор бериб ва ани илм, фикр ва маслак тўғрисида танқид ва таҳқиқ этадурлар ва ўшал муносиб кишини вакил бўлмакға раъй бўлмаса, миллат номидан анга тавалло этиб ёлворадурлар. Биз, туркистонлиларға ҳам ушбу кун ва соатлар ниҳоят ғанимат ва бебақодур. Сайланатурган вакилимизни илмий фикри, дониши, ғайрати, ҳиммати, жонсипорлиги, муслим ва ғайримуслимни аҳвол ва маишатидан воқифлиги, дин ва дунёдин бохабарлиги бобиға фикр ва таҳқиқ этмоқ лозимдур. Нима учун ва кимлар беш йиллик сайланадур, шоядки, вакилимизни биргина раъй талаб ё мудофааси қабул ва Миллат мажлисиға маъқул бўлинса, ақал маротиб ўн йилгача бизға нафи тегадур. Худо сақласун, нодон бўлса ва ё хушёқмас бўлса, андан келатурган зарар ҳам ўн йилгача, балки кўб йиллар бизни абкор қилса керак.

Боратурғон вакил етти-саккиз ой Петербурғга истиқомат қиладур. Кенг Русияни(нг) ҳар тарафидан келатурган вакилларни мажлисға муқаррари вақт ва соатлари бўлуб, агар илм дониши бўлса, баҳси жавоб, талаб ва мудофаа этадур. Анда ёлғуз бизни шариятимиз шул, шариятимиз муни қабул қилмайдур, деган ила иш бўлмас, балки тарих, дувал ва милали жуғрофия, илми ҳуқуқи замон ва муқобала билмисл ва ийжоби замони муқтазиёти қолға мувофиқ далил-исбот муддао этмоқлари келадур. Ушбу Миллат мажлисиға шундай вакиллар борки, бутун Таврот, Инжил, Фурқон шаръини бузуб, ўз программға мувофиқ оламдаги инсонларни маишатиға асос қўймоқчи бўладур: «Хуррият» ва «Озодий» деб дин ва давлатни барбод этадур. Шундай вакиллар бўладурки, дунёдаги барча халқни ё муслим ва ё насоро ва ё яҳудий этмоқчи бўладур ва ушбуға мувофиқ закўн ва қоида чиқармоқчи бўладур, йўл соладур. Шундай вакиллар борки, дин ва мазҳаб қайси қолға бўлса-бўлсун, не тариқа поймол ва эътиборсиз бўлса, фақат савдо, тижорат ё ҳукмронлик иши ривож топиб, ёинки молий ва мулкий ишларға аҳамият бериб, закўн чиқармоқчи бўладур.

Шундай вакиллар борки, подшоҳликни қолдируб, жумҳури қонунийни илгари сурадур, Русияни тақсими учун бу кундин иш кўрадур. Шундай вакиллар борки, никоҳ, талоқ, мерос, ҳалол,

ҳаром, мулкият, хулоса, маишати ҳолияни билкулли барҳам бериб, дунёдаги ҳамма мол-мулк, ҳатто эр-хотун ва болалик қоидаларини бузуб, муштарақ бир маишат чиқармоқчи ва анга мувофиқ асос ва ҳудуд қўймоқчи бўладур. Шундай вакиллар борки, фуқарога ҳеч ихтиёр бермай қадим қоида ва закўнларни мустаҳкам қилиб ва ё аларга ўхшаш фақат ҳукмронларни нафига закўн тузмоқчи бўладур, шундай вакиллар борки... айтмоқчи бўладур. Шундай вакиллар борки, фақат ўз дини ва миллатига барча Русиядаги ҳар хил халқни қурбон қилмоқчи бўладур, шундай вакиллар борки, билмайсиз налар... қилмоқчи бўладур. Мунча фирқа ва ҳизбларни ҳар бири ўз маслак ва фикрини таржиҳ қиладур. «Куллу ҳизбин бима ладайҳим фариҳуун»¹⁴⁴... бу фирқаларни ҳар бирини хийла-жийла тузоғи бўладурки, кўрсатмай узоқ қўюб, нодон вакилларни бедонадек қўл силтаб ўз йўлига солиб, охири элтиб ўз муддаосига садобардордур.

Миллат мажлисидаги мунозара, муҳовара, мубоҳасаларни ҳар қанча инсон ўқуса, ёзиб яна тамом бўлмайдур, янгисига учраб қоладур, беш-ўн йил ўқутан киши, яъни газет ва тарихи жадида истеъмол этган одам биров дунёдаги ҳукмронлар рав Миллат мажлисларидаги ишларга фаҳм ҳосил қиладур. Тарих ва жуғрофия ўқумаган киши газет ўқуган ила фаҳмламайдур, хулоса: боратурган вакилни илми дин, илми иқтисод, тижорат, сарвати ҳуқуқ, усули тарбия ва таълим-тадрис, саноеъ, жуғрофия, сиёсат-палитик, ҳарбия, фалсафаи диния ва тарихия, муқобалаи билмисл, деган илм ва қоидалардин хабари бўлуб, талоқати лисон ва жасорати қалбияга молик бўлса керак.

Бу ёзганларимиз муболиға ва ёлғон эмас, замонимизни(нг) оддий воқеий ишларидур. Миллат мажлисига қарор топилган ишлар халқга хоҳ маъқул ва номаъбул бўлса ҳам, биров фурсатдин сўнгра тадриж ила мамлакатга жорий қилинадур, қайтариб бўлмайдур, чунончи, бир мисол кўрсатурмиз, Франция давлати аксари, балки ҳаммаси насородур. Миллат мажлиси бордур. Миллат мажлиси сабаби ила батадриж ўз подшоҳларини йўқ қилиб, охири жумҳурият бўлдилар. Бир неча йилдин бери мосун

¹⁴⁴ Қуръон. 23:53 оятнинг иккинчи қисми: «Ҳар бир гуруҳ ўз олдиларидаги нарса (дин) билан мамнунлар».

дахрийлари ниҳоят кўпайиб, миллат мажлисига қувват ҳосил қилиб, уч-тўрт йилни ичиға неча минг диний мактаб ва мадрасаларини мансух қилдилар, савмааларни ёпиб, вақфларини забт этдилар, маҳкамалардин диний сувратларни чиқортурдилар... Шуларға бош сабаб миллат вакиллари, энди бу иш бизни Русияға етди. Ҳар ишни уч ҳоли бор, ҳуррият ҳам шул қоидаға дохилдурки, ҳуррият, деб ҳайвониятға таназзул қилатурган инсонлар ниҳоят кўпдур.

Камина роҳими ҳуруф 13 йилдурки, баъзи авроқ ва кутуби замония ва фанния истеъмол қилурмиз, бу замонни баъзи аҳвол ва вуқоти ажабия ва Миллат мажлисларини фавқулодда ишлари ва ҳодисалардин баъзиси ёдимиздадур, яна кундан-кун кўп ажиб бўлаётibdур, энди Миллат мажлисидаги вакиллар қайси тараф ва фирқасиники адади садоси кўпдур, ани раъйи зақун бўлуб, дафъатан бўлмаса ҳам, бироз сўнгра хоҳ ҳақ ва ё ботил бўлса ҳам ўрниға келадур. Аввалиға кўра гуноҳ кўрунса ҳам бироз сўнгра қабиҳи номаълум бўлиб кетадур, маълумоти молияға на бўлса-бўлсун ва лекин биз, мусулмонлар ва бошқа аҳли китоб ҳамватанларимизни маълумот ва маъишати диниямизни тағайюр тобишдин алҳазар, (расм-русум, урфни демайман, балки муродим ҳақиқатдиндур), хайр буларни бошқа вақтға муколамасини муваффуқ қўйдук.

(Бақияси минбаъд босилур).

ТВГ. 1906 йил 20 май. №20

ГОСУДАРСТВЕННОЙ ДУМА ВАКИЛЛАРИ ХУСУСИДА

(Давоми)

Думаға боратурган вакиллар аввал билсунки, Петербурғни ҳавоси анга ёқадурму ё йўқму, ёқганда ҳар йил етти-саккиз ой умрини анда ўткарадур. Вакил бўлуб бориб, сўнгра мабодо бетоб ва касал бўлуб, муддатдин илгари қочса, вой анинг мувак-

киллариға, ҳар кимни тириклиги, авлоди, рўзгори бор. Саккиз ой тарки ватан этиб, узун қиш, совуқ оқшомларни Петербурғга ўтқариб, аксар авқотини китоб ва ҳисоб, фикр ва қайғу, мунозара ва муҳовара ила ўтқармоқ, ҳар бир миллатни баҳодир ва паҳлавони учун осон эмасдур. Вакилни ҳар сўзи, ҳатто ундан бир талаб ва мудофаасини қабул бўлуши маълум йўқ. Масалан, бир вилоят ва музофотга номуносиб бирор янги зақўн чиқди (албатта, биринчи янги зақўнлар чиқадур), эллик санағача бечора вакилни нодон аҳоли лаънат этадур, ҳатто авлодига таъна қилинадур, бу иш ниҳоят катта ишдур, ҳозирги подшоҳликлардин сўнграги катта иш шул вакили миллатдур, аммо халқ ўртасиға таъриф ё таҳқир қилинмоғи рубъи асрғача боқий қолиб, донолиги ё нодон ва муҳмаллиги ... васф ва таҳсини бутун ер юзидаги газетларға ёзилиб турадур. Тарих китоблариға ҳам ёзиладур, ҳар кунги ҳоли ҳар куни ёзилур, Миллат мажлисидаги вакилни сўзи, аҳволи ер юзиға маълум бўлуб, хусусан, ўз диёридин рубъи асрғача доим ё раҳмат ва ё мазаммат анга ёғиб турадур, хулоса, зўр ишдур.

Петербурғга икки мусулмон газети борки, албатта, мусулмон вакилларини тарзи ҳаракат ва ишини ниҳоят диққат ила ёзиладур, булҳавас вакиллар, албатта, шармсор бўладур, хусусий ва умумий ҳолларидин ҳар кун хабардор бўлуб турадурмиз (Тошканд шаҳридаги бир инобатлик мусулмонни Петербурғ газетлари ёзган каби). Вакилларға ҳар кун 10 сўм вазифа хазинадин бериладурки, албатта, Петербурғга кифоя қилмайдур, чунончи, бир киши Тошканддин бориб нумерға туриб, ҳар кун бир неча маҳкама ва мажлисға бориб турса ва бир хизматкор сақласа, Тошканд ва ё Самарқанддек шаҳарға ҳам кунда ўн сўм, албатта, етмайдур. Ваҳоланки, Петербурғ хейли совуқ: яхши либос, таом ва иссиғ маконлар керак. Бир хизматкорсиз бўлмаса керак, эҳтимол, вакилларни хусусий мажлислари бўладур, бу мажлисларға хусусий масориф лозим, вакиллар ила бориш-келиш, таъоти афкор ва бу ишларға илм ва пул лозимдур. Китоб кўрмоқ, газет ва қонун китобларини ўқумоқ, ўз диёрини маишат ва одатидин ва саноатиға илм, фикр ва хабар ҳосил қилмоқи лозимдур, ўз фикрини ва муддаосини беш, ўн, йигирма қадар одамға маъқул қилдируб, сўнгра мажлисға баён этмоқ керак бўлур, илм, пул ва

меҳнатсиз бўлмайду, бизни вакилларимизни фикрларига бу ишлар келурму ё йўқму, ёинки фақат саёҳат ва айшми, хаёлларига келадур... Бу ўн сўм устига ё вакилни ўз киссасидин пул сарф этмоғи ва, ёинки, вилоят одами яна ақча жамлаб беришни ва, ёинки, фақат ўн сўмгинани еб, қаноат қилиб, ташвиш ва саъй қилмасдан димгина ётмоқ лозимдурму? Бул сувратга ҳозирги замонни Абу Али ё Афлотуни бўлса ҳам нуфузи нисфи бўлмайду. Яна сўз бор, масалан, бу кун вакилимиз сайланди, қарор топилди, анга шул соатдин на лозимдур? Бизни билишимизча, анга шу лозимки, бутун Туркистон музофотидаги беш област, хусусан, ўз областини аҳволи жуғрофия ва маишати ва тарихиясидин, эл-уруғ жинсидин, касб-кор, мазҳаб, одат, ҳуллас, ҳодисоти диния ва дунёвиялариндан хабардор бўлсун. Ҳар областга ҳар хил тасниф бўлатурган солнома вилоятдин олиб, ўлпон, солиғ, мадохил, махорижи вилоятга илм ва маърифат ҳосил этсун.

Туркистон положениеси ва шариат китобларини мулоҳаза айлаб, фикр қилсун. Ҳозирги қози бўлустной ҳокимларга ва полицмейстер ва приставларга берилган ихтиёр ва бобларни қайси нуқтасига ва жорий бўлуб турган шариат, зақўн мактаб-мадраса ва бошқаларни қаю моддасига суистеъмоли оид бўлубдур, ислоҳ ва тағайюри қандоғ бўлса керак. Буларни ўйласун ва билсунки, Оврупо рус ва Кафказ арози саҳрои Сибириядаги муслмонларни аҳволи-рафтори қандайдур, ўзини матлаби надур, масалан, Самарқанддин бир киши вакил сайланди, анга лозимки, аввал Самарқанд уездини аҳволига воқиф бўлсун, Хўжанд, Дизах, Катақўрғон уезди ва шаҳарларига бориб, мактаб-мадраса, тариқи маъбари саҳро, кўҳистон, наҳр, чўл, кўл ва халқини аҳволоти, зарурати ҳавоиж ва бошқаларига камокана воқиф бўлсун, зирот, саноат, маданиятларни фикр қилсун.

Муслим, яҳудий, арман, рус шаҳар ва саҳро халқларини муддаоси надур, билсун, айтсун, қилсун, токи муҳокамаи инсоф ва Мажлиси миллатга ўз диёр ва муваккилларини аҳволи зарурат ва ҳавоиж ва талабини баён этмакига қодир бўлсун. Эй биродарлар, сайланатурган вакилларни хизмати шулардур. Бу вакиллар, яъни Русия мамлакатидаги 50 милёнга 100 хил ва уруғга яқин уч-тўрт юз вакил жам бўлуб, аксар раъйи ила Русия мамлакатидаги барча қоида ва қонуни диний ва дунёвий, илмий,

ҳарбий, мулкӣй молияларни тайёрлайдурки, анга қараб Русия мамлакатига ҳукмронлик ва қоида ва зақун жорий бўладур, ҳозирги қозихона, бўлустанойхона ва судяхоналарга жорий бўлуб турган зақунларга тағайюр топиладур. Бу тағайюрлар ҳозирги жорий бўлуб турган шариатни фуруотиға ҳам тағайюр табдил келтурмоқ бўлса, ажаб эрмас.

Эй азизларим ҳам ҳамватанлар! Ожизона арз қилурманки, шу хизматларни бажо келтуратурган кишиларни вакил сайламоқ керак, олими дин ва дунё кишини ахтармоқ лозим, агарда Туркистондин олими дин ва дунё киши топилмаса (албатта, топилмайду), бир олими дин ва бир олими дунёни жуфт-жуфт этиб сайламоқ керакдур, бул бобға ўзи илмлик бўлуб, қози ва муфтилик этиб, халқни маълумоти зироат, тижорат ва маишатиға тушунган ва халқ ила беш-ўн йиллар аралашган муллои, муллои диний ва гимназия ё семинария, ёинки дорулфунун илмларини тамом қилиб ва мусулмонни илмларидин ҳам хабардор бўлуб, бир неча йиллар фуқаро хизматиға туруб, халқни зарурати ҳавоиж ва керакликиға илм ҳосил этиб, ўзини халқға танитган мусулмони саридни ва висший образованный кишини муллои дунё айта-миз. Камина роқими ҳуруф Самарқанд областидаги ҳамватанларимға холисанлиллоҳ маслаҳат бериб, ўз билишимни арз қиларманки, Самарқанд шаҳрини биринчи қитъа қозиси Мулло Мирза Нияз Муҳаммадники бир неча йиллар муфтилик, бўлустанойлик, истарший оқсоқоллик қилиб ва беш-олти йилдин бери ҳаммадин беҳроқ қозилик қилиб турубдур ва бизни шаҳар ва уезд халқини диний маишати, ҳавоиж зарурат ва камлигини яхшироқ биладур. Бирига ул кишини сайламоқ керак, жасорати қалбия, талоқати лисония, сиҳҳати аъзоия, қувваи молияға молик кишидур. Миллат ва мамлакатға ғамхўр ва дунёни иссиғ-совуғини кўрган кишидур. Иккинчисига, Самарқандий дўхтур Абдураҳмон Фарҳодуфни сайласа ҳам бўладурки, форсий-туркий хат-саводи бор, ўзи мўмин ва мусулмон ҳам Русия давлатини тиб академия дорулфунуниға ўқуб, хатм қилиб, дўхтур-ҳақимлик рутбасига етиб, беш йилдан бери афғон ҳудудидаги аскариялар устиға табиб ва подшоҳлик хизматидадур. Ўзи миллат ва мамлакат ва динға муҳаббатлик, замони ҳолиядин қаззича хабардор, гайримутаассиб, нафсул-амр кишидур, бизни Туркистонға биринчидур.

Дунёмизни ниҳоят донишманди, ҳақим ва файласуфи, мутаассиб ва мусаннафи олийси дорулфунундин хатм қилиб чиққанлардур. Хусусан, охирги йилларга хатм қилгани буларни илм ва фикри ва ҳаммага баробардур, тағайюрдин ва мазҳаб қилмасдин фақат бани одамни нафиға кўшиш қиладур. Бизни Туркистонга бу одамдин бошқа дорулфунундин хатм қилиб чиққан донишманд киши бўлмаса керак. Бу икки зот қўшулуб сайлангандин сўнгра ўз областимизга ва ҳам Туркистон музофотиға яхши фойдалар келтуруб, хусусан, илм ва тамаддун бобиға марғуб фикрлар қилсалар керак. Булар бўлмаганда, собиқ ноиби ҳоқим ва ҳоло комиссар полковник Ниёз бин Солиҳ Қулжоновни сайламоқ керак.

Эй биродарлар, Худо ва расул ва миллат учун шаҳодат берармизки, бу икки, уч зот, албатта, хизмати дин ва давлатга ҳиммат ва ғайрат этиб, халқ, Оллоҳ нафиға кўшиш қилатурган ва областдаги халқимизни донишмандроғидур. Маним фикримча, булардан очиқ киши областимизда бўлмаса керак, тўғриси на областимиз, балки Туркистон вилоятиға мисллари кам топилса керак. Буларни иккиси ҳам ишлик ва вакилликларидин ҳозирги мадохил ва манофеълари молия важҳидин кўп тинчдур, аммо буларни ҳиммат ва инсофиға миллат мутаважжих бўлуб, ўта турғон дунёға хизмати дин ва давлат этмоқлари ва асрлар ила бири Улугбек, дигари Абул Лайс Самарқандийлардек исмларини тарихи олам саҳифалариға қолдурмоқлариға ва миллатни ўзларидин шод этмоқлариға илтимос этиб, ёлвормоқ лозимдур. Бул суратга, албатта, қабул қиладурлар. Иккиси ҳам ноибдур, маним бу иккиси ила инсоният ва исломиятдин бошқа моддий ҳеч муносабат ва ё эҳтиёжим йўқдур, фақат изҳори ҳақ учун нафъи дин ва давлат учун бу сўзларни ёзиб, бир неча кишиларга ёмон кўрунармиз. Туркистонга очилатурган «Маҳкамаи диний» – «Духовний собрания»ни садрнишини дорулфунундин чиққан мусулмон киши бўлуб, Русиядаги барча вазорат маҳкамалари ила гуфтшунуд этмакиға қодир бўлсун, замон одами бўлсун, деб Череванский тўрани бир лойиҳасини ўқуб эдук, ўшал лойиҳа қарор топилса, Туркистонга дўхтур Абдурахмон Фарҳодуфдин бошқа академик мусулмон йўқки, мансаби жалилга бу ҳамшаҳримизни мушарраф бўлиши табиийдур.

Ҳақидур шаръий ишларни 4 мусулмон уламо чилен тафтиш қилиб, аксари раъйи ила қарор берадурки, мазкур ҳайъатимизни аксар раъйиға бу раис лоҳақ бўлуб, шаръий суратға қатъа ва фисла топиладур (Бу лойиҳа ўрта фикрдур, вақтинча ушбу тўғриға муфассал мутолаа ва тасаввуримизни ёзармиз). Бошқа областларға ҳам шул тариқа бир муллои диний, замоний жуфт-жуфт сайламоқ керак.

Сирдарё областини қазоқ фуқаролари суд, закўнчиси Мулло Шерали Лапинни сайласалар яхши ўлур эди, агарда ул киши ҳозир бизни областда бўлса, албатта, сайланар эди. Бул одам ёлғуз юрист, фикҳ замони эмас, балки форсий ва туркий тарих ва адабиётиға ҳам биров вуқуфи бордур, мўмин-мусулмондур. Ўтатурган дунёға ному нишон қўймоқ, асрлар ила тирик қолмоқ, халқуллоҳға нафъ еткурмоқ, олами маданияға хизмат этмоқ учун бу азизлар ва бошқа муносиб ҳамватанларимиз биров куллафатни қилишлари лозимдур, дунёдин камхабарларимиз шундай одамларни лаёқатиға иқрор ва инсоф этиб, ихтилоф қилмасалар керак.

Дунёдин хабарсиз бир мулла ва булҳавас бир савдогар ва биров русча билатурган бир сарсари, бир лулу мусулмонни юборган ила ҳам ўзиға ва миллиёнлар ила ҳамвазифа зарар келтурадур. Бул тариқа одамларни қочиб келиши ва касалман деб қайтишини ҳам кўрилса керак, азбаски дур ва оғир хизматдур, тўрт кишилик бир суд мажлисиға сўзламоқ на қадар зўр бўлса, мажлиси миллатға сўзламоқ, ваҳж этмоқ, неча юз мартаба андин зўр бўлса керак. Бизни бир нусхаға ўқуганимизға қараганда, бир одам бир модда ишни катта мажлисға баён қилмоқчи бўлганда, керакки, аввал хусусий мажлисға ўшал фикрини, талабини бир қўл мартаба 12 кишиға маъқул қилиб раъйларини олса, бас, бир сўзни бир одам 10 ё 12 вилоятдин келган мухталифул жинс ва тасаввур 12 кишиға қилмоқни нақадар илми қувват талоқатға таваққуфи борлигини оқил кишилар тақдир этса керак. Шунга қараб иттифоқ ила одам топмоқ бу кунги ихтилоф ва гафлат ниҳоят ёмондур, бир йили юз йилға зарар қиладур, бу кунги гафлат ва ихтилофдан чиқадурган зарар миллиёнлар ила халқни маишати моддий ва маънавийсиға бир қўл маротиб рубъи аср зарар келтурадир.

Бу рубъи аср бизни тамаддун майдонидин неча юз йил кейин юборадур, афсуски, Фарғона, Сирдарё, Семиречинский, Самарқанд, Закаспий вилоятларидаги ушбу хизматга муносиб кишиларни танайман, вале ҳаммасини теъдод этардим, афсуски, мазкур вилоятларга мажлис йўқ, подшоҳи аъзам ҳазратларини фармони қадрини билатурган кишилар йўқ. Тўғриси, олами тамаддундан хабарлик кишилар камдур. Русия ҳамшарикларимиз ила бориш-келиш қилиб, ушбу замони жаид тўғрисида алардан баҳра олмоқ бизларга лозимдур. Илми замонийни доимо мусулмонлар насоролардин олибдурларки, тарих ила собитдур.

Охирги хабарларга қараганда, Туркистон вакили 13 ададдин 7 си рус, 6 си мусулмон ва бу 6 дин бири шаҳри Топканд мусулмонлариға махсус бўлуб, областлардин бир нафардин сайланмоғи лозим келадурки, маним фикримча, Самарқанд областиға аввал қози Мулло Ниёз Муҳаммадни сайламоқ керак. Ул бўлмаса дўхтур Абдураҳмон Фарҳодуф, ул бўлмаса полковник Ниёз бин Солиҳ Қулжоновни сайлаб, қўллариға програм ва ўзлариға қасам бериб, юбормоқ лозимдур. Бу учовидан бошқани сайласа, бизни Самарқанд областини нуфус талаби, дарди, кераклиги Миллат мажлисиға етмай қолса керак.

Русия халқини иттифоқиға қўшулмоқ масаласи ҳам кераклик ва муҳимдур, аларға ҳам фикр ва тобе бўлмасдан бизларға илож йўқдур ва, аммо, Русияни харажат фраксиясиға қўшулмоқ лозимлиги ижоби замон юзасидин собитдур. Қайси ҳуррият ўшал партияға хоҳлайдур, ҳар ким ўз дин ва эътиқодига озодлик илан туруб. Аммо қонуни мамлакатдорлик «Конституционной демократический» тариқи ила тузатилиб, бошқарилсун. Ушбу фирқани иши ривож топиб, ҳозир Миллат мажлисини аксар чилони¹⁴⁵ шу фикр одамларидур. Бизларға қўшулмаган ила алардин қутулуб қололмаймиз, Оллоҳ дин ва мамлакатимизға ривож бергай, омин.

**Даъийул-хайр Самарқандий Маҳмудхўжа
валади Беҳбудхўжа хатиб
ТВГ. 1906 йил 30 май. №21**

¹⁴⁵ Чилони – тўғриси, «член»и, яъни аъзоси.

САМАРҚАНДДА УСУЛИ ЖАДИД МАКТАБИНИ ИМТИҲОНИ ХУСУСИДА

Самарқандий муаллим Мулло Абдулқодир қори Абдушакур ўғлини Самарқанд Боғотиға барпо этган мактабиға баланд даражалик Самарқанд областини военний губернатори жанобларини таклиф қилганим ва ул жанобни бориб кўруб, маъқул қилиб шаҳарға киргузмакға берган рухсатлари ва мактабни баъзи аҳволи молия ва тартиби илмияси ушбу газетни шул йилдаги 2-нумериға ёзилиб эди. Уч ойдулки, мазкур мактабни шаҳар дохилиндаги Хоний халифа Лаълбек маҳалласиға воқеъ маскани ожизонамға борухсат губернатор ва инспектур жаноблари кўчуруб дохил этдим – шаҳарға тааллуқ бўш ерлардан бир қитъа ушбу мактаб биноси учун берилмоқиға ва ҳам ушбу мактаб шогирдлари икки йил мусулмоний ўқугандин сўнгра учунчи йилни боши ила русчадан ҳам ўқумоқ учун земский ё шаҳар пулидин бир учител тайинланмоғи учун жаноб губернаторға ариза бериб эдим. Шаҳар мажлиси Самарқанд шаҳридаги ниҳол бозорини шимолий тарафидан 250 мураббаъ саржин қадар арз-ерни мактаб учун қарор берди. Ҳукуматимизни ионати ва бойларимиз, хусусан, машҳур Мулла Муҳаммад Раҳимбой жанобларини ёрдам ва ғайрати ила келар ёзға ёинки ушбу кузгача янги мактабни бино бўлиши маъмулдир.

Ушбу мактабни биноси учун муқаррар бўлган ерни қарорнома қоғози Самарқанд областной правлениеси ва жаноб Самарқанд военний губернаторини имзоларидин сўнгра мустаҳкам қилмоқ учун ул баланд даражалик Туркистон генерал-губернаториға юборилиб эди. Алҳамдулиллаҳ, мустаҳкам бўлуб келди. Ҳозирги мактабимизни ўрус тартиби ёинки бидъати саййиа ва амали золла муважжуб куфр деб юрган, кўрмай кўр-кўрона кесак отиб, дин ва илмға зарар келтируб, бечора авом кўнглини илмдин со-вутатурган нодон донотароши кишилар ва ҳам аҳли басират ва инсоф ва уламо ва қуззотларимиз кўруб муҳокама этсунлар, деб кўпроқ кишиларни ҳар синфдин имтиҳонға чақириб эдук. Жаноб военний губернатор ва инспектурни ҳам таклиф қилиб эдук ҳам 23-майға мактаб имтиҳони бўлди, хабарчиға баъзи эшон, муфти айтибдулки, каллақанди каттами? Чунки Самарқанд тўйлариға

муфти ва қозиларга 5 қадоқлик қанд ва ўлукларига уч-тўрт аршин дока туҳфа ёинки садақами бериладур. Ҳозирги мутараққий халқдин ва илмни ривожига кўшиш қилатурган тоифалар мундай мурдорларга этмасдан бориб ҳадя ва садақа берадурлар, наки садақани бир мактабдор ва, ёинки, талабадан олсалар, жаноб губернатор ўз таржимонлари ила айтиб юборибдурларки, ман мактабни бориб ривожини кўрганман, Худо хоҳласа, янги мактабхона бино бўлганда борармиз, ишим кўндур, Оллоҳ ривож берсун, деб мусулмонларга яхши тилакларни қилибдурларки, ниҳоят миннатдормиз. Жаноб инспектур илмия ва биринчи муҳиби маориф тўралар келиб, ҳисоби истихрожи мажхулот ва жуғрофиядан катта ва кичик болаларни суврат, қироат ва китобдин имтиҳон олиб, истиҳсон айтиб кетдилар. Мактабимизга русий тараққий-парваридин ҳозирги Хўжанд ҳоқими жаноб Ликошин тўра ва Самарқанд областной правленияси маъмур ва чиновникларидан жаноб Вяткин тўра ва бошқалари каминани ҳовлимга келиб, тариқи таълимни кўруб, истиҳсон қилиб эдилар. Бу тўралар форсий ва туркий луғатлари ва мусулмон хатиға моҳирдурлар – имтиҳонга 200 қадар дўкондор ва савдогар ҳамшаҳарларимиз, 150 қадар муллобача талабалардан, беш-ўн мударрис ва хатиб ва муфти ва мухбир бўлган тўрт қозидин жаноб Сиёб қозиси Мулло Муҳаммад Оқил маъа муфтилари келиб эдилар. Яна 200 қадар ҳар хил одамлар келдиларки, икки кун соат 10 дан 4 гача келиб кетардилар. Бойларимиздан жаноб Мулло Муҳаммад Раҳимбой ва Кобуд бўлустанойи мирзо Назирқул ҳожи Мавлонбой, Мулло Эшонқул, Мулло Шамсиддин махзум, Мулло Ҳасанбой ва Мулло Жўрабой ва бошқалари мувофиқ жиҳатлари беш-тўрт сўмдин ва баъзилари жома, муаллим Мулла Абдулқодирга ҳусни хизмати учун бахшиш ва иона қилдилар. Ҳожи Мавлонбой жаноблари олти соат қадар мутгасилан туруб, болаларни қироати илми динийдан берган жавобларига йиғлаб, муаллимга 15 сўм ҳадя бердилар, 40 дан зиёда бола тўрт синф бўлуб имтиҳон берди. Синф аҳли икки, бир ярим саналик шогирдлардурки, ёшлари 14 гача, «Ҳафтияк» ва Каломи шарифни ҳар жойидин қоридек ўқуб, жамъи тажвидларини ҳофизии каломуллоҳ одамлар ҳузурида баён қилиб ирод олмадилар ва бир неча сура ва оятларни ҳифз ўқуб, тажвид баён қилдиларки, камина Маҳмудхўжани янгидин таҳрир этиб турган

форсий ва туркий жадид иншоларидан бир нечасини ҳифз ёзиб, халойиқга кўрсатдилар, ҳисобдин зарб, тақсим, жам ҳам, тафриқ ҳам истихрожи мажҳулот амалларини тахтага ёзиб кўрсатдилар, иймон, ислом, фарз, вожиб ва бошқа адаб ва аркони исломият ва инсониятга тааллуқ 20 дан зиёда масалаларни ҳифзан баён қилдилар. Қозондаги Аҳмад Ҳодий жанобларини арабча сўзламакга таржима қилиб, ҳифзан баён қилдилар. «Мухтасар виқоя» китоб ус-салотни икки-уч фаслидин ўқуб, таржима қилиб, ҳатто анга таркиб баён қилдилар, бизни «Мадхали жуғрофияи имроний» ва «Мухтасар жуғрофияи Русий» китобимиздан Оврупо, Осиё, Африқо, Амриқо ва Австралиё ҳам Русия мамлакатини масоҳат, ҳудуд, нуфусларини қадари, вусъати ва ҳар бирига неча мамлакат ва ҳукумат борлиги ва Русия мамлакатини тақсимот ва нуфуслари, эски ва янги қитъаларни, ҳудуд ва денгизлари ва ер юзидаги ислом, насоро, яҳудий ва мажусийларни ададини муфассалан ва ҳифзан баён этдилар. Шу синфи олийдан қилинатурган саволларни адади 360 эди. Синфи авсат «Ҳафтияки шариф» маъа тажвид, зарб ва тақсим, жам ва тафриқ, иншо, заруриёт ва амалиёти диний, қироат ва ҳуснихатдин имтиҳон бердиларки, булардан қилинатурган саволларни адади 296 эди. Бу шогирдлар икки саналиқдур, ёшлари 9 дан 12 гачадур, синфи охир бир ярим саналиқ шогирд ёшлари 8 дан 11 гачадур. «Ҳафтияки шариф», заруриёт ва амалиёти диний, ҳусни қироати арабий, хат, жам ва тафриқдин имтиҳон бердилар. Бунларни нумераси саволи 221 дан зиёда эди. Синфи ибтидоий саккиз ойлик шогирдлардурки, 7 дин 9 ёшгача, булар то сураи «Вайдул ликулли ҳумазати» гача мувофиқ талаффузи арабий биладурлар, ҳар наки айтилса, бири ёзиб, дигари ўқийдур, 4 ракаат намозга на керак ўқулур, ҳамма сирни ўз маҳал ва лозим рукнига тартиб ва тартиб ила адо қиладур, калимаи тавҳид, калимаи шаҳодат, «Аманту биллаҳ»ни маъни мафҳуми ила баён қилиб, Оллоҳ тало ва пайғамбаримизни сифати ҳусусида яхши жавоблар берадурки, буларни нумераи саволи 43 эди, бандани ҳосили вужудим етти яшар ўғлум Масъудхўжа шу синфга ва саккиз ойлик шогирддур.

(Бақияси бўлур).

ТВГ. 1906 йил 5 июнь. №27

САМАРҚАНДДА УСУЛИ ЖАДИД МАКТАБИНИ ИМТИҲОНИ ХУСУСИДА

(Давоми)

Юқорида баён бўлгон илм ва фанларни ҳар еридан имтиҳон қилгандин сўнгра синфи олий ва авсат таҳсили ва мактаб аҳволи баёнини мутазаммин ва агарда қусури бўлса, ислоҳига кўшиш қилмоқ ва ношири бўлса, баён ва собит қилиб мактабни мансук қилмоқ ва агарда шаръий бўлса, ушбу мактабга ривож бериб, ададини кўпайтируб ва эски мактабдорлар ибрат олиб, болаларни(нг) умрини зое қилмай ва ҳам илм ва фанга зарар келтурмаслик тўғрисида ўз тарафимиздин тайёрланган болиғ ва жавоби талаб, 2 нутқ-речни олти нафар болалар навбат ила фа-соҳат ва жасорат ила 200 нафардан зиёда уламо, тужжор ва но-зирин хизматлариға арз этдиларки, ҳозирдан ҳеч бир ирод қил-май, билъакс, баъзилари мактаб ва усули таълимни мунтазам ва дурустликиға садо бердилар. Болалар нутқни ниҳоятда туза-тиб ҳифзан ўқудилар, биринчи кун келган зоти киром 2-кунға мактабни ташриф этдилар, шаҳримизни мўътабар умидвор та-раққий қилиб ғайратға солар ҳақинда на давлатдурки, 2 ё 3 ё 14 яшар шогирд Қуръонни ҳифз билсун, форсий, туркий адабий тилға иншо ва қоидалик хат ёзсун: жам-тафриқ, зарб ва тақси-ми истихрож ва мажҳулот ва илм-ҳисоб ҳам жуғрофияға тааллуқ нимарсалардин жавоб берсун, арабча сўйласун, «Мухтасар»нинг китоби салотини билсун, заруриёти амалиёт ва эътиқоди диния-ға тааллуқ 300 дан зиёда масалани билиб, сўраганда ҳифзан жа-воб берсун, эски мактабга 8 йил ўқуган бу донишларни ярмини билса, биз розимиз, ҳолбуки, ярмини ҳам билмайдур (бу мактаб-ға курси, парта, лавҳа, карта ва янги илмлар борлиги ва илми диний ила бирга илми дунё ўқулмоғи ва бидъатлиги тўғрисида алоҳида баҳси шаръий ва ақлий далилларни бошқа вақт баён қилинадур).

Аксар муфти ва мударрис жаноблар келмадилар, ҳатто ғойи-бона айтар эмишларки, қўлимиздин келса, ушбу мактабни ман-сук қилармиз. Жаноби мажидулуламо қози Мулло Исоҳўжа ва жаноб қози Мулло Ниёз Муҳаммадни келмаганларини сабаби

маълум бўлмади. Иншооллоҳ, бир замон мактабни кўруб, бандани дуолар қиладурлар. Мулло Иброҳим хабарчиға бир мударрис жавоби авдат мактабға айтур эмишларки, ман наки андай бидъатхонаға борсам, балки қўлимдин келса, ани чиқарганларни 75 тадин уруб, мактабни мансух қиларман. Вой, эшон мударрис, сиз нимани мансух қиларсиз, биларсизму Ҳазрати Акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилибдурларки, «Алиму авладукум ли замаанин ғайра заманикум, лианнаҳум хулиқуу замаанин ғайро замааникум»¹⁴⁶ – бу икки ҳадиси шариф, басдур, усули жаидни жувоз, балки лузумиға ҳужжат. Агарда десангизки, бидъатдур, бу мадрасаларға турмак, бу китобларни ўқуманг, бу вақфларни еманг, бу либосларни кийманг, бу таомларни еманг, бу амронотдин кетинг, жазиратуларабдаги бадавийлар ичиға юрунг ва исломиятни 13 аср муқаддам ҳолатиға ружуъ қилинг, мунча бидъати ҳасана ваъйи ва вожиблардан баҳра топманг – илми калом, мантиқ, ҳикмат, тиб, ташриҳдан баҳра топманг, то мусулмонларни тайёрлайдурган албиса ва таомларидин баҳра топманг, токи ўзингизни иқрор ва маслакингизға омил бўлсангиз, сизни дунёдин тарих, табиат, жаври замон, савқи табиат, таъсири ҳикмат, таждид осордин хабарингиз борму, бир карра фикр қилинг, ўқийдурган Қуръонларимизни хатми аҳди ҳазрати Расулдан бери неча мартаба тағайюр топди, фуруоти диниямизға налар лоҳақ бўлди, усули таълим ва қироат ва тадрис на тариқа бадий ҳолатларға мубаддал бўлди. Ҳозирги Арабистон, Миср, Эрон, Ҳинд, Чин, Истанбул, Амриқо, Австралиё, Африқодаги мусулмонларни мактаб ва мадрасалари на кайфиятдадур, бизни билишимиз ёлғуз Бухоро мударрисларидур. Бухоро мударрислариға илмдин ва луғати араб мунқариз бўлган фирқалар жавобиға раддиға ёзилган калом ва ҳикмати юнонияки, бу кун аксар қоидаси бекор бўлудур, андин бошқа илми замоний йўқдур, ер юзиға 301 миллиёндан зиёда мусулмон бор, тақсир, ёлғуз 2 миллиёнини ҳозирги мактаб ва мадрасалардин бошқасини билмайсиз, маншат ва расмидан хабарингиз

¹⁴⁶ Эй мусулмонлар, болаларингизга келар замон илмини ўргатинглар, чунки Оллоҳ таоло уларни сизларнинг замонангиздан бошқа, яъни келаси замон учун яратди.

йўқдур, билинурки, сарф, наҳв ва Мулло Шамс Муҳаммаддан ўзга китобни мутолаа қилмайсиз, кўринурки, мунқариз бўлғон муътазила ва суяклари кул бўлган сафсата...лариға 400 йил муқаддам тайёрланган жавобларни мутолаа қиларсиз, мундин улуми ҳозирани таҳқири истидлол қилинмасун, ҳозирги пайдо бўлган ҳукамо муътазила-даҳрий-моддий-мосун-материалист-маънавий-бобий-шайхи, миссионер-бадмазҳаб-ломазҳаб моҳад... ..лардин ва, ҳатто, вужудидин хабарингиз йўқ, афсуски, яна бу сўзлар сиза мажжоний кетадур, яна миллиён афсус...¹⁴⁷ Бу мактаб ундай бир сарсарихона йўқки, бесару по таълим қилин-сун. Самарқандий ягона уламози Орифжонбой мадрасани мударрисини Мулло Тўрахўжа жаноблари улуми арабиясини бошқармоққа холисанлиллоҳ мутасаддидурлар, мактабни янги бошланганидан ушбу кунгача маънан ҳимматлариғадуру, ул жанобдин ва муаллим ва муъин мактабдин бошқа бир неча қори ва мулло ва муфти ва мусулмонлар ҳар замон келиб, мактабни танқид этиб, бир ва фавқий исломият идора бўлуб таълим берилмоқиға сарфи ҳиммат қиладурлар, биз роқими ҳуруф ва муаллим ҳам ривожини ислом учун мактабға хизмат қилармиз. Хусусан, биз мактабдор эмас, нақди тараққийи авлоди муслимин учун зарравор саъй қилурмиз, мактаб фақат холисанлиллоҳ ва боионати Оллоҳ жорий бўлуб турубдур, 60 дан 50 гача шогирд борки 1 сўм 50 тийиндин 75 тийингача оянда ижро келтируб ўқийдурлар, ўндин зиёдаси мажжоний ўқийдур, саҳродин ва бошқа шаҳарлардин Самарқандға келадурганлардин илтимос қилармизки, ҳар кун соат 9 дин 3 гача, Самарқанд аҳли ҳар панжшанба куни соат 9 дин биргача Самарқандни шарқи жиҳати ва дарвоза Қаландархонадаги Фоний маҳалласидаги ҳовлимизға мафтуҳ ушбу мактабға келиб, тафарруж қилиб, ислоҳиға кўшиш қилиб, қабиҳи шаръи ва ақлисини этиб, ёрдам бермоқлари маржудур – жуғрофия таснифиға муртакиб усули жадидаға ожизона муъин бўлушимизни гуноҳ ва динға жиноят фаҳмлаб, ўз ҳамшаҳарларимиздин мутааддид таҳдидомиз ва йўлсиз, бағайри ҳақ такфирнома – исмсиз мактубларни ҳам олдук. Агар ўшал дўстларимизки,

¹⁴⁷ Мақоладаги кўп нуқталар аслида бор, чамаси, қандайдир сўз ва жумалар олиб ташланган.

бизни танбеҳ этибдурлар, масканимизга келиб, мактаб ва жуғрофия ва янги чиқарган «Алифбои мактаби исломия» ном рисола-ларимизни тўғрисига танқид ва баҳс этсалар, биз хурсанд бўлуб, жаҳолатимизга иқрор, ажзимизга илм пайдо қилиб, хатомизга огоҳ бўлуб, ҳолимизни ислоҳ қилар эдук. Шунчалик айтурмизки, олган мутааддид таҳқир-таҳдид ва такфирномаларимиз исмсиз-дур, хорижи матлубдур, шифоҳан келиб ва ирод еткурсалар ва яна анда адаб муҳовара дохилинда сўзлаб, газет ила ёзсалар, сарафроз бўлур эдук.

Алифбо рисоламизни 34 – 37-саҳифаларидаги сўзлар шаръи-дур, ушбу «Алифбои мактаби исломия ёинки асбоби савод» деган рисоламиз 44 саҳифалик бир китобчадурки, усули жадида узра форсий тилига таъб бўлди, беш, олти қалам хат киргузуб ва маводи мундарижаси ҳам нофеъдур ва ушбу китобча тўғрисида алоҳида ташриҳот ёзармиз. Ушбу китобча барча Русиядаги мусулмоний китобфурушлариға ва Бухоро, Тошканд саҳҳофлариға ва «Туркистон»¹⁴⁸ газетхонасиға юборилди, маъқул бўлса, мактабға солишлари маржудир. Туркий, форсий, арабий алифбо рисолаларидин ва ўз мактабимизда бўлган тажрибадин интихоба таҳрир қилингандур, 100 донаси 8 сўм, 50 дона 4 сўм 50 тийин, 25 дона 2 сўм 50 тийин, 10 дона бир сўм 10 тийин, 5 дона 75 тийин, бир дона 15 тийин ва ушбу маблағлар ўрниға почта маркаси мақбулдур, почта харажати биздин – идорамиз, Самарқанд қитъаи мусулмоний Ҳожи Маҳмудхўжа валади Беҳбудхўжа ёинки дўкон атторий Юнусбой валади Баркабой.

Маҳмудхўжа муфти валади Беҳбудхўжа
ТВГ. 1906 йил 29 июнь. №28

¹⁴⁸ «Туркистон» газетхонаси, яъни «Туркистон вилоятининг газети» таҳририяти.

ГОСУДАРСТВЕННОЙ ДУМА ВАКИЛЛАРИ ХУСУСИДА

Самарқанд областидин Государственной Думаға вакилликға сайланмоғи халқ учун фойдалиқ деб жаноб Самарқанд қозиси личной потомственный гражданин мулла Ниёз Муҳаммад Ҳусайнбой сўфи ўғли ва жаноб полковник Ниёз бин Солиҳ Қулжонов ва дўхтур Муҳаммадраҳим Фарҳодовларни¹⁴⁹ собиқ «Тараққий» газетини(нг) 12-нумери ва ушбу газетни 20-21-номерларига ёзиб ҳам «Государственной Дума» муҳовара ва мунозарасига тааллуқ ва важҳлардин баъзини баёни қилиб, алаҳхусус, жаноб қози Мулло Ниёз Муҳаммадни бормоқларини истидъо ва дархотир қилиб ёзиб эдим. Аммо областим маконларидин бир нафаргина вакил сайланмоғи муқаррар бўлгани учун фаҳоматлу жаноб эшон қозини сайланмоқлари лозим келадур. 25-номерли ушбу газетға эшон қози мушор илайҳ ўзларини салб этиб, бандаи ожизни Самарқандни(нг) вакили кўрсатибдурларки, каминаға айтган ҳусни занларига ниҳоят муташаккирдурман. Маним хоҳишим ҳануз ул зот накусмонғадур. Яна такрор қилурманки, маишат ва зарурати диния ва урфия ҳам замониямизға ўз вилоятимизға ул зотдан донишмандроқ киши йўқдур. Ўн сана зиёддан бери вазирларға ва волий ва генерал-губернаторларға мажмаъларға нутқ сўйлаб ва ҳам қуззияни атрофинча ўйлаб баён қилиб, манфаати халқуллоҳға кўшиш қилган кишидурлар. Ул кишидин беҳроқ одамимиз йўқлигини ҳар ким иқрор этадур, мундин боратурган вакил русча билмаса ҳам фақат матлаб замони билса кифоядур. Чунки андаги нотиқ мусулмон членларига ва хусус «Иттифоқи ислом» жамиятиға туркча тил ила баёни муддао ва матлабни қилса, эҳтиёжот ва танқисоти диния ва дунёвиямизни қолдурмасдан баён этиб ва ёмон фуқароларға байъат қилмаса кифоядур. Жаноб эшон қози 30 йилдан бери ҳосил этган тажрибалари ила шариятимиз масжид-мадраса, мулло, хўжа, раиямизни ва ҳавоийи ва ҳукумат тарафидин ва ё ўз тарафимиздин ояд бўлган қусуротға ва Туркистонға жорий бўлуб турган закўн ва дастуруламалларни номланган бобларига илм ва фикр ҳосил

¹⁴⁹ Аввалги мақолада Абдурахмон Фарҳодов дейилган.

қилгандурлар. Дигар тарафдин Русиядаги тамоми 20 қадар мух-талиф партияларни аҳволидан ҳам воқифдурлар, ҳар ким на деса десун, ман баён қиларманки, шаҳримизни мулло, савдогар ва образованнойларидин ушбу бобга масдар яхшимиз бўлмиш эшон қозидин аллиқ ва ҳақроқ киши йўқдур. «Қулил ҳаққа валав кана мурран»¹⁵⁰ Ҳақ шудур.

Эшон қозини бизга айтган эътимодлариға яна ташаккур қилурман, агарда бу ишга аллиқ вал-ҳақ бўлсайдим, ўзум талаб қилиб ва ҳар кимдин илтимос қилур эдим, ҳануз ёшим 35 га етганим йўқ, халқ кўзига нохуш кўрунурман, ортуқча сўйлайман. Халқни мувофиқ фикри ва ояндага керак бўлатурган ишлардин баҳс қилганим учун муддаоға тушунмасдан мандин халқ нафрат қилгандур ва ҳам Думаға тааллуқ ишларни, эҳтимолки, ярмини ҳам билмасам, мундин бошқа биздин юз мартабагина мулло ва бойлар, образованний кишилар областимизга қўб ва биза – сон қайда. Эшон қози бизни сўзимизни газетға ўқуб мартаба тайин қиладурлар, халқ бўлса сон ва суратимизга боқадур. Ҳолбуки, бу ниҳоят оғур ва қаттиқ хизмат ва бизни вужудимизни таҳаммули йўқдур. Ўз тирикчилик ва аҳли байттин беш йил муддат йироқ тушган бир кишини маишати ва истиқболи бутун тағйир топиладур, магарки енгил киши аҳли байти ила Петербурғға кетса, бул ҳаммага осон. Аммо муқаррар янги зақўнлар чиқадур. Ишни аслидин беҳабар ҳамватанларимиз бечора вакилни лаънат ва ташниъ қиладурки, то ўлгунча ба таън ва лаънларни кўтариб, халқ кўзига юрмоқ фавқулодда мушқилдур. Аммо Оллоҳ таоло бу хизмати миллатни ҳар кимга муносиб кўрса, анга яраша сабр ва таҳаммул берадур. Зиҳи саодат ул кишиға бир миллиён мусулмон ихтиёрини анга берсун, хоҳ ғайр ўз бошини, жонини бир миллиён ватан авлодидин, дин ва шариати фарро хизмати-дин яхши кўрмаса керак. Оллоҳ таоло истиқболимизни хайрлик этиб, яхши вакиллар ато айласун, яна айтармиз – ал-хайр ма санаъаллоҳ – вассалом вал-икром.

Маҳмудхўжа валади қори Беҳбудхўжа хатиб
ТВГ. 1906 йил 14 июль. № 29

¹⁵⁰ Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни сўзла. Бу мақол бошқа мақолаларда ҳам такрорланган.

МУҲТАРАМ АЪЗАМ МУҲАММАД ИБРОҲИМГА

Хўқандлик муҳтарам Аъзамжон Муҳаммад Иброҳим ўғлини жаноб Юсуфжон Мирзо мааитиндаги саёҳатлари хотираномаси ушбу жаридани 38-нусхасида ёзилибдурки, ўқудук, Самарқандга ворид бўлуб бизни жўстижў этишларидин ҳам ёзилиб экан. Оре, бизим таниш чойфурушлардан икки нафар хўқандий меҳмонлар сизни ахтариб келиб, хат ҳам бердилар, деб хабар бериб эди. Ушбу муҳаббатшуор азиз меҳмонлар ким эканлар ва мулоқотларига етолмадим, деб мутаассиф эдим. 38-номерли жаридида ўқуб, муҳтарам биродарларимизни исми муборақларини билиб, аларни ташвишлариға сабаб бўлушим учун умид афв этиб, занлари учун миннатдорлигимни изҳор этарман, муҳлат боқи бўлса, мулоқотлариға етушмоқ матлубдур. Байт: «Хўша хўшки маро аз ту омадаст паём, омадаст алайк ассалом вал икром»¹⁵¹.

Мир Аъзамжон суврати таҳрири тарз ифодаси шева тақрираси мева қоимаси манга хуш кўринди, ҳақиқат хушмидур, кутуби жадида ва баёноти Туркия саёҳатномалари муфидидан мустафид бўлганлиги мутаяққиндур.

Ушбу газет «Туркистон»га мавводи адабия ва замониядан мушоҳадот ва мутолпан муфидадан ёзиб турсалар, шубҳа йўқки, сабаби ифода ва истифода бўлур эди, вассалом вал икром.

*Маҳмудхўжа валади қори Беҳбудхўжа хатиб
ТВГ. 1906 йил 14 сентябрь. №45*

ИБРАТ

Фаҳоматлу илмдўст Хива хони ҳазратлари, шаҳзодағони маъзум, кибори уламо ва умаро, аътоллоҳу умраҳум ва давому-давлатиҳим жанобларининг «Улфат»га обуна ўлмоқларини 10-нумраи мақбул «Улфат»имизга ўқуб аҳли мажлисимиз ила адозадан хо-

¹⁵¹ Менга пайдар-пай, тез-тез мактуб юборибсан, саломинг келди: ассалом вал икром.

риж хурсанд ўлуб, зоти фаҳмоналарина дуолар этдук. Оллоҳ таоло ҳарчи салотинимизни, мамлакатни, хусусан, мажлисларини илм ила тазйин этгай.

Иншооллоҳ, биз, туркистонлиларни ва Осиёи вустойи сокинларини ийқоз замони яқин келмишдир... ..

Курраи арз ҳовлиндаги ҳарчи вуқуот ва табаддулот кавниия мушоҳида этдирмоға бу замон жаридалари сабаб ва мутакаф-филдур. Бу гуруҳга нисбатан бор билжумла инсонлар ҳоли хати ҳодисоти явмиясина ушбу замон жариди ва матбуоти ила хабардор ва мустафид бўлмоға мутааддидурлар.

Ҳарбиркосибсанъатини оламимутафаннинилм-хунарфазилати, тожир савдосини, сиёсийлар тадбирини замони ҳол ила татбиқ ва анга қараб танзим тансиқи ислоҳот жорий этадурки, бунлар ҳаб таржимони жаҳон эътибор қилинмиш жариди истеъмоли соясинда ўлур.

Ишта милал ва ақвоми мутаммаддина ва тараққий этуб турган мамлакатлар орасинда анинг учун нашри жароид муътабар ва олами матбуот биринчи осойиши тараққий ва тағлуб ҳукмиғадур.

Аммо биз Осиёи вустолари ваҳмиға кетиб фанния ўқумоқ бир гуноҳ эди; алҳамдулиллоҳ, ўйла гуноҳлар бу саналар савобға мубаддал бўлуб, ҳомийи ислом олий қадрхонларимиз, мадори шарият қозиларимиз – дорулфунуни умумий, устози жомеъ, ойинаи жаҳон дастуриламали замон, нардбони тараққий эътибор қилинмиш жаридалардан истифода этмоға бошладилар. Агарчи кеч бошланди, маъа ма фийҳ бошланди. Шоёни ташаккурдир...

Бухоро, Хива, Хоразм шоҳ салотини, умаро ва ҳукамоси, уламо ва удабоси осори мозийға этган илмий-адабий, сиёсий иш ва хизматлари ила тарих саҳифаларина олий мавқеълар ихроз этмишлардур. Ҳануз ўшал Бухоро, Хоразм, Туркистондур. Аммо уймоқ келмиш экон убуди: эмди савқи табобат ила ўйнаса керак. Қонуни табиат, одати тарихия будур. Ушбу жумлалар аҳли вуқуф индинда маълум ва мусалламдур...

Замонича Андалусимиз, Бағдодимиз нури илм ва маданияти исломия ила машаъшаъ эди, ҳозирги Лондон, Париж, Вашингтон на қадар таҳликалар, муҳожамалар, ваҳшониятлар майдони

эди; хулофои аббосия ва Фотима, умаро ва мулуки собиқа, уламо ва ҳукамои исломияи мозиямиз замонияга бедор эди, зоҳиран ва ботинан улум – фунуни ақлия, нақлия, ҳикмияи замониялар ила музайян ва мутаассиф эдарлар, боргоҳ ва нашминлари минглар ила кутуби нафиса ила мунаввар эди, Овруро қаёсира ва дарабеклари, насоро оламин руҳоний раҳбарлари илм-ирфоннинг қайси мартабасига эдилар? Бураси тарих ўқувчиларга маълумдир.

Ҳоло ойинаи жаҳон статистиқлара боқилса, билинурки, вусъатча Бухорони тўртдан бири, нуфусга тақрибан баробар Сербия мамлакатини икки миллиён халқи учун олтмишдан зиёда газета таъ ва нашр бўладир. Инчунин икки ярим миллиён юноний грекларни икки юздан зиёда газетаси бордур. Уч миллиёнга яқин Хива, Бухорони бир адад газетаси йўқдур!

Тўққиз миллиён Ўрта Осиё мусулмонларини бир газетаси, бир газета чиқармақга салоҳияти, истеъдоди йўқдир!

Бу надур? Бу надур? Ишта анинг учун ташаккур этмоқ лозимки, энди газета ўқумоқга бошладуқ. Газета ва китоби фанния ўқумоқ дафтари киборирдан умаро аросига учурулди. Уламо аросига боқийдур. Шўйла кетаберса бир неча сана сўнгра кўрарсизки, Бухоро, Хива ёинки Ўрта Осиё сокиналаридан бир-икки газета чиқар, балки бир қоч аср сўнгра Сербия каби тараққий эдар.

Ҳайҳот! Ибрат лозим!..

*Даъийул-хайр Самарқандий муфти дорулқазо
Маҳмудхўжа валади Беҳбудхўжа, 1906 йил 21 февраль
«Улфат». 1906 йил 9 март. №14*

МИЛЛАТ ВАЗИФАСИ

Биз Русия мамлакатига бўлгон мусулмон миллати, оздан ўн беш миллиён, балки йигирма миллиён бир тоифамиз, дунёда яшамоқ, умргузорлик қилмоқ учун ҳар миллатнинг вақтига кўра, бир вазифаси ўлмоқ даркордир.

Аввало шуни деялим, ҳар шахс, ҳар фарди бани одам ўзича, ўз нафси учун бирда вазифаси бордирки, бу вазифани адо қилмоқда касаллик, ялқовлик қилса, ул кишининг, албатта, ўз умргузорлигинда роҳатлиги бўлмаз, дунёлари тор, ўзининг ҳамжинслари орасига хор бўлур. Ҳар кишики, кўзин очуб атрофиға қараса, бунинг мисолларини ҳар доим кўрар.

Сониан, ҳар кишининг миллати учун ва миллат бўлмоқи чиндан бир вазифаси борки, аслам ҳақиқий вазифада касаллик ва ё аҳмоли вараса, оқибат ул-амр ҳамма миллатта зиён ўлуб, бошқа миллатлар орасига яшамоқ, умргузорлиқ қилмоқда кўп мушкулликларга дучор бўлса керак.

Энди бу вазифа надир? Бизим мусулмон миллатининг вазифаси надир? На айламак керак? Энди биз Русия мамлакатига бўлгон мусулмонлар на айлаялим? Токи умргузорлигимиз яхши ўлсун.

Ман бу ерга кўб фикр қилдим, ҳамма дерки, мусулмонлар карвони ортқа қолди, мусулмонлар нодон, мусулмонлар фалон ва фалон...

Ман ўзим бу тўғрига кўб мулоҳаза қилдим, ҳар ким мусулмонлар ҳақинда қандай сўз деса, ёлгон эмас, рост сўздур. Фақат ман дерам: бизнинг қўлимиздаги бу шариатдур, бизнинг динимизнинг асоси бу Қуръондир. Бас, бизнинг ҳолимизи ислоҳ этмак-да осондир. Биз, алҳамдулиллоҳ, йигирма миллиён мусулмон, динимиз бир, тилимиз бир, жисмимиз бир. Алҳамдулиллоҳ, сумма алҳамдулиллоҳ, қувватимиз йўқ эмас, кечмиш замонларға бизнинг оталаримиз Темур, Падархон ва Абдуллоҳхонлар ва неча-неча буюк одамлар адолат ва шавкатлари ила жаҳонға машҳур ўлдилар. Ва ҳар қайда борсалар, Қуръони каримни ўзларига раҳбар айладилар, ҳамма мусулмон бўлгон кимсалар ўз вазифаларини адо қилмоқда зарра камчилик қилмайдилар, улуғлариға ҳурмат ва риоят қилдилар. Кичиклариға марҳамат, шул тариқа мусулмон номини жаҳонға машҳур қилдилар.

Энди бу замонда бизларга оз бир нима камлик бўлубдур. Иншооллоҳ, бу вақтча бир зиллати қадамдир. Иншооллоҳ, яқин замонда мусулмонлар ўз вазифалариға собит эдар, ҳар корда шарияти муҳаммадия онлара раҳбар ўлур. Ҳамма мусулмон иттифоқ эдуб, ўз вазифалариға бири охири ташвиқ айлар. Ҳамонки, бир му-

сулмон қариндошига номуносиб иш кўрса (қавли маъруф) яхши сўз бирлан насиҳат қилур, иккинчиси ул яхши сўзни қабул қилур, шул тариқа биримиз охира ёрдам ва муованат айлар, бойларимиз пул ва ақча сарф эдарлар. Қартларимиз ақл ва фикрларини сарф қилиб, ёшларни тарғиб қилуб, ўнг оёқ бўлуб хизмат йўлини гўстарирлар, ёшларимиз бўлса, мол-жон ила хизмат қилурлар.

Ҳамма мўмин бири охира қариндошдир: сарт, қозоқ, нўғай, татар, туркман, таранчи, дунгани ҳар ким ўлурса-ўлсун, бунларнинг биринчи даражада вазифалари бир-бирига қариндош кўзи бирлан қараб, ҳамма бир ўлуб, бирлик ила иш кўрмақдир. Биринчи вазифа будир. Иккинчи вазифа эса умуммуслмонлар иттиҳод қилуб, ҳамма яквужуд ўлароқ авлодларни тарбия қилмоқ жиҳатина сарфи ҳиммат этмақдир. На қадар бой кишиларимиз бўлса, ҳаммаси илм йўлинда пул сарф қилсун керак. На қадар ақли илм бўлса, ҳамма даражасига кўра таълим ва мадорис ила машғул ўлсун керак. Имомларимиз бўлса, воизларимиз ҳамма халқни амри маъруф қилуб, наҳйи анил-мункар қилуб, халқимизни фасод ахлоқдан ва ёмон ишлардан шаръан ҳаром бўлгон феъллардан ман қилуб, илм ва маърифатга ва касб ва корга ташвиқ қилсун керак. Миллат рижоли учун улуг-кичик ҳамма якдил ва яквужуд ўлуб, муслмон қариндошликни фикр ва мулоҳаза қилуб, дини ислом неъматини ганимат билуб, ҳар умурда бир-биримизга қўл сузуб, кундан-кунга ўз орамизда улфат ва муҳаббатни ортдирмақдир.

Ҳамма муслмон бу сўзларга қулоқ беруб, ўзаро ҳар доим маслаҳат ва машварат қилуб, бири охирнинг ҳолиндан хабардор ўлуб, қайда маълум бор, қайда маълум йўқ, ҳамон йўқ бўлгон ерга далолат қилуб, маълум қўймоқ учун ижтиҳод қилуб, ҳамиша яквужуд ўлароқ саъй ва ғайрат лузумин сўйламак биза тамом одат ўлсун.

Шу тариқа ҳамма ўз вазифасини адо қилмоқда ҳиммат эдарса, вазифаи миллиясини ерига кетурса, оз замонда ислоҳоти умумий майдона келур. Ҳеч шубҳа йўқдир, яқин замонда муслмонлар орасинда тараққий (олға бормоқ айнул-яқин машоҳид ўлур), франсузлар, англизлар, америқонлар тараққий этмишлар. Фақат бир тараққий йўлинда неча юз саналар мол сарф этмишлар, жон қурбон этмишлар, неча-неча балолари кечирмишлар-да ўйлажа мақсада эришмишлар. Аммо кейина ўз нуқсонларни усули таъ-

лим ва тарбияда бўлгон камчилик ва нуқсонлар соймақда, ҳамон ислоҳ лузуми газеталарда ёзмоқда, ҳамон ўзларининг раъсикорда бўлгон кишиларга ҳар наки нуқсон ўлса гўстармакдадирлар.

Биз эса ҳамон ишнинг ибтидосинда, биринчи нардбонга дахи оёқ ясамодиқ, аммо ўз даражамизни кўрдик, нуқсонимизни эътироф айладик, энди бу соат иша бошламоқ фикриндамиз. Кийина шукрлар ўлсун миллати ҳокима ўлмадигимиз ҳолда ўз эҳтиёжизни кўрмак бизим учун оз бир амал дагилдир.

«Улфат». 1906 йил 6 апрель. № 18

МИЛЛАТ ВАЗИФАСИ

(Давоми)

Энди биз, мусулмонлар учун ҳаминша лозимдурки, биз ҳамма Русия мамлакатига бўлгон мусулмонлар ҳар корда яквужуд ўлуб, умуммиллатимизнинг роҳати учун, ҳар корда мусулмонга бор, то мағрибдан машриққа қадар ҳамма қариндошлар ўлдиғини билуб, биримиз охирига ёрдам ва муованат айламак учун ҳар соат ҳозир ўлсоқ керак. Ҳам ёрдам қилгонда дахи ал-аҳамму фал-аҳамму қоидаси риоят шуна қадар муҳтож муованати илмдан маҳрум, давлатдан маҳрум овул, қарялар бордир. Ағниёларимиз шул муҳтож қаряларга муаллимлар тайин қилуб, шогирдлар юбориб мумкин қадар ўқумоқ, ёзмоқ даражасини таъмин этмакдир. Шогирдларимиз дахий қар қандай эҳтиёжга зиёдадир. Анда боруб авлодлари таълим-тарбия қилуб, қартларни, оғоларни ваъз-насихат қилуб, яхши сўз бирлан, кулар юз бирлан, шарият қилмоғига мазмум бўлгон феъллардан ва фойдасиз ҳар навъ нашъалардан, кўкнор ва афюн ва норгила ва тутун ва машрубот бошқа-бошқа ҳар на ила жамоат мубталога, онлардан манъ этмак каби вазифаларда собит ва иқдом қилса, шул мазр бўлгон маскурот уммул хабоисга¹⁵² ҳар киши ўз фикр ва ақли ила бу хабишдан ижтиноб айласун керак, хусусан ша-

¹⁵² Уммул хабоис – бузуқиликларнинг онаси.

риати гаррой Муҳаммадия бу каби бадхўйлардан имтиноъи ҳар каса вожиб айламишдир. Ҳар мусулмон учун ва ҳар бандан оқил учун бунлардан ижтинобан сақланмак вожибдир. Бас, ҳамма мусулмон ўз вазифасини билсун керак, ҳамма ихвони дини му-бин бу вазифадан бири охирни хабардор қилсун керак, шул та-риқа муллолар ҳам ба вусул осон ўлажағи зоҳирдир. Энди так-рор, такрор деялим! Мусулмонлар бири охирга қариндошдир, бирининг боши огриси, ҳаммаси баробар саргардон бўлса керак, бирига зиён келганда, ҳамма баробар ранжида ўлсун керак, би-рига бир душман тарафидан зулм ва таддилар бўлгонда ҳамма мутасолим бўлсун керак, мусулмонлиқ будир, қариндошлиқ бу-дир. Ҳой мусулмонлар, дунёда ҳар шайдан ибрат олмоқ вор, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло ўзининг Қуръони кариминда, ҳар корда ибрат ила назар этмак хусуслари такрор этмишдир, неча-неча ояти бай-йинот баъдинда фаътабиру алайя буюрмишдир. Энди ҳар шайга назар эдарсанг, ҳарки махлуқи худоя ибрат кўзи билан қарасоқ, ҳар камолнинг сўнги бир завол ўлдиғи каби ҳар завол баъдинда дахи камол келмишдир. Энди бизнинг мусулмонлар учун дахи ка-моли таважжуҳ замони келмишдир. Бу кун ҳар тарафда бахтиёр мусулмонлар нардбони тараққийга қадам босмишдир, ҳамон ҳар тарафа кўз солсақ, алҳамдулиллоҳ, мусулмонларда бир нав инти-боҳ кўринмақдадир. Ҳатто Хива хонлари жаноб олий Муҳаммад Раҳимхон дахи ўз мулкига уламолар аҳволига илтифот қилуб, му-даррисони киром учун вазифалар тайин қилуб, айёми таътилга мударрис ва шогирдларнинг коффасини дохил мамлакатига жав-лон қилиб, халқни дин ва диёнат ва илми шариятда ташвиқ этмак учун фармон буюрмишлардир. Ҳатто баъзи асҳоб иқтидорнинг иттифоқи ила бир матбаа кушод этуб, ерли халқ лисонига газета нашр этмоқ фикри дахи малҳуз эмиш.

Энди, Бухорои шариф манбаъи уламо иншооллоҳ таоло анқа-риб бир ислоҳоти тадрис хусусига ҳиммат буюрсалар, мадрасала-рига вақфлар кўп, маҳаллига сарф қилсалар, бизнинг дохилий Русиядан боргон мусулмон бачаларимиз дахи Бухорои шарифдин бу замониға муносиб илм кетурсалар, баъда баъзи нуқсонларни бошқа мамлакатларға юборуб икмол қилсалар, ҳеч шубҳа йўқ-дир. Бизим исломиятда тараққий бошқа миллатларга нисбатан оз вақт ичинда майдонга келажақдир. Исломият илм ва маориф

ходимидир, исломятда илм таҳсил қилмоқ муслим мусулмонларнинг барчасига фарздир. Ҳазрат пайғамбар алайҳиссалом дерларки: «Ал-ҳикмату золлатул мўминин. Ахазаҳа ҳайсу важадаҳа» – «Ҳикмат илм ва маърифатдир, мўминнинг йўқотқан ҳаққидир, қайда бўлса шундан олур», деярлик жумла мўминларни илм маърифатга тарғиб қилур: «Ва ман йуътал ҳикмата фақод уътия хойрон касиро»¹⁵³ насси жалилий дахи на қадар сариҳ бир бурҳони вазиҳдир. Бас, шу ҳоллари мулоҳаза қилуб, бир биз, мусулмонлар ҳамма иттифоқ бирлан нашри илм ва хизмат этмак жумламизга лозимдир. Ҳар мўмин бу вазифани адо қилмақда муштарақдирлар. Ҳамма биримиз охира муованат қилуб, ким мол ила, ким ҳол ила, ким қилу қол ила, тил ўлсун ва жон ила ижтиҳод қилмоқ жумла мўминларнинг вазифалари ва бурчларидир.

Идорадан: Биз тил ва лисон ҳақинда шимдия қадар сукут ихтиёр этмишдик, фақат шимди жаноб олий муфтий дорулқазо ҳазрат сомелариндан бўйла бир илтифоти ҳикматоёт алимиза геланжа дарж этмамак одатан бир суъи адаб балки куфрони неъмат ўлажағини мулоҳаза эдарак, билифтихор газетамиз стунларини тазйин айладик.

Жаноб эшон қози калон ҳазратлари ҳар корда амрларина ходим ўлуб, ибратомиз насойиҳ тадароналарина газета идораси чаҳорчашм мунтазир ўлароқ саҳифаларинда доимо очиқдир.

«Улфат». 1906 йил 20 апрель. №20

ҲАҚИҚАТ ҲАР ТАРАФДАН ЗУҲУР ЭДАР¹⁵⁴

«Улфат» рафиқимизнинг 20-номерли нусхасинда шахри Самарқанднинг аҳли ирфон қозиси фазилатлу ал-Ҳоҷж Маҳмуд-хўжа жанобларининг пек гўзал бир мактуби кўрилди. Лисони

¹⁵³ Қуръон. 2:269. Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, ҳақиқатда ҳам унга кўп яхшилик берилибди.

¹⁵⁴ Ушбу мақолани адабиётшунос олим Зайнобидин Абдирашидов тайёрлаган.

умумий ва лисони адаб масаласина доир энг эски Туркистон, энг қадим Ватан ўлан Самарқанддан чиқмиш довуш ва садоя диққат буюрдуқ, қози Маҳмудхўжа буюруюр.

«Россия мамлакатининг ҳар бир тарафинда беш-ўн нафар газета, авроқи фанния ўқувчи мусулмонлари бўлундиғи каби бизнинг Самарқандда ҳам ўқувчилар топиладур. Адабиёти жадида қорийларининг мажмуъиға «Таржумон», «Улфат», «Иршод», «Хаёт» ила «Юлдуз», «Озод», «Нур» ва амсоли арз этилса, шубҳа йўқки, бизим жиҳатнинг адабиёти жадида ила машғул кишилари аввалги синф авроқни иккинчидан таржиҳ эдарлар. Аввалгиларнинг мутолааси осон ўлгонға кўра мазмунина воқиф ўлурлар. Туркий газета ва рисоаларни истиъол этмаиш туркистонлиға мазкур икки синф варақалар кўстарулуб савол эдилса, албатта, биринчи синфға тушунадурки, сиза тажриба ила собит ўлмишдур.

Юқориди мазкур сўзларга неки ёлғиз Самарқанд газетахонлари иқрор этсалар, балки Осиёи вустодағи барча адабиёти жадида шоғиллари наздига мақбуллиғи ҳар жиҳатдан собитдур. Адабиёти жадида қироати ила машғул: бухорий, тошкандий, хўқандий, едисувли, хивали одамлардан бен кендим истифор этдим. Мақола ва мактубларина диққат этдимки, лисони ҳол ва қол ила ҳаб биринчи синфни иккинчидан таржиҳ ва таҳсин эдарлар. Бунга далил иқома эдабилирам. Зеро, бир тарафнинг авом-ўрам тили ила ёзилмиш газета ё мактуб, дигар тарафда аслан ва қатъан мафҳум ўлмас. Янги адабиёт ва газеталардан беҳабар туркистонли муллоға «Таржумон» ила «Нур», «Улфат» ила «Озод» кўстарилса, «Таржумон» ила «Улфат»ға тезлик ила тушунадир; чунончи, биз тажриба этуб билдик. Русияда туркий газеталарнинг аксар муштариёлари адабиёти жадида ошиқи толибларидир. Фанний, адабий, сиёсий мақоаларни коффа авом-ўрам тили ила ёзмоқ мумкин дагилдир. Фанний, адабий, сиёсий шайлар куч-кулфат ила ўрам тилинда ёзулса-да, авом фаҳмламайдир. Фаҳмласа ҳам илтифот этмайдир. Адабиёт, қироати жаридая одат этмаиш муллолар янги шева ила ёзилмиш рисоаларни ўқумасалар-да, адабий тилни таржиҳ эдарлар.

Ҳар тарафда ўрам тилиға иқтидо қилуб, китоб, газеталаримизни алар тилиға беш-ўн сана ёзар эсак, бусбутун тилимиз

қолишмаз; қоидалик туркий тилдан маҳрум бўлажағимиз лозим келадур.

Рубъи асрдан бери миллатимизга тил ва қалами, қуввати қалби ила хизмат эткан, матбуоти жадидамиз раиси ҳам отаси жаноб Исмоилбек ҳазратларина тил бобинда таъбийят этмак Русияда бор барча муҳаррирларга лозимдур. Такрор арз қиламанки, туркистонийлар «Таржумон», «Улфат», «Миръот», «Ҳаёт», «Иршод» мактуботина «Юлдуз», «Озод», «Қозон мухбири» ва бошқалардан тезрак тушунадир.

Шу кун биза бир шева керакки, Русия доҳилинда 25 миллиён аҳли исломнинг синфи олийи ва васатийи ўшал шева ила бири-бирини ифодаи мурод эда билсун. Бу кун биза бир шеваи васатия иттихоз этмак лозимдирки, беш-ўн санагача барча мактабларимиза таъсир эда билсин; Русиянинг ҳар бир тарафида чиғатурғон авлоди ахлофояндамиз умуман бир лисони адабия молик ўлсун; Қримда, Қофқозда таълиф ўлинмиш китоб Туркистонда, Қозонда, Сибирда ўқула билсин; бир мактаб учун таълиф ўлинмиш китоб Русияда вор ҳамма мактабларда ўқурлуқ ўлсин.

Яъни бизим Русия мусулмонларининг лисони адабиялари, мактаб, мадраса проғромлари, усули маъишатлари бир бўлса керакки, иқтисои ҳол, ижоди замон шудур. Бунинг мабдаи асоси таъотийи афкори тавҳиди лисон эмасму?»

Маъмудохўжа Беҳбудий
«Таржумон». 1906 йил 8 май. №48

ХАЙРУЛ УМУРИ АВСАТУҲО¹⁵⁵

«Хуршид»ни қорийинни киром ва муштарийини изомиға арз қилунурки, замонамизни сиёсий (политик) замонлигини кимса инкор этмайдур. Ҳозир Русия давлати(нинг) тариқи ҳукмрон-

¹⁵⁵ Ҳамма нарсанинг ўртаси яхшидур (ҳадис). Ушбу мақолани санъатшунос олима Дилбар Рашидова ва Комилжон Турсунбоев нашрга тайёрлашган. «Ватан» газетасининг 1993 йил 17 – 23 март, №11(23) сонидан олинди.

лиги(ни) ноқис эканлигига ҳар бир хабарлик киши иқрор этар. Давлат қонунлари(нг) ислоҳ ва таждидига ҳар ким мойилдур. Аммо Русиядаги барча халойиқ бошлуча неча аслу-асосга бўлунгандурлар. Бу сиёсий фирқаларни(нг) ҳар бирига ҳар бир мазҳаб ва дин аҳлидан қўшулгандур. Чунончи, насоро, яҳуд, муслим ва мажус тоифаларини(нг) ичида бу сиёсий маслакларга мойил кишилар бордур. Ва яна ҳар тоифа ичида фирқасиз, маслаксивлар ҳам топиладур. Биз, туркистонийлар, замондан камхабарлигимиз учун бир неча минг кишидан бошқа ҳаммамизни ҳеч бир фирқага мансуб эмас; маслаксив, нодон фирқаси деб аталса ҳам сазодур. Ани(нг) учун биз бу 3-4 фирқа-партияларни асос ва маслак сипоҳийгарисидин мухтасар баён қилармиз. Чунончи, биринчи буйрўкратияи мустабид фирқасики, булар эски тарз ҳукумат давомини хоҳлайдур. Русияни(нг) эски ҳукмронлиги тариқи шундай эди.

Импературимизни(нг) ҳар бир амри ва ҳукм раъйи-«зақўн» аталиб, ҳеч ла ва наъамсиз барча волий, суд, вузаро ва булар қўл остида турганлар воситаси-ла ўрнига келадур. Ҳар хил низом ва зақўн китобларни Синод (Военный совет) деган мажлис аъзолари тузатиб, тўқуб подшо ҳазратларига Вазирлар мажлиси воситаси ила манзур қилурлар. Импературимизни(нг) имзоларидан сўнгра «зақўн» аталиб, барча вузаро ва вилоят маҳкамаларини ва суд мажлисларини мутасаддийлари тарафидан халқ устига жорий қилинур. Бу қойдани идораи мустақила (самодержавний) аталадурки, ҳозир Овруро қитъасидаги Русия ва Туркиядан бошқа қирқ қадар катта ва кичик давлатларда йўқдур.

Идораи мустақила қўл остидаги фуқароларни ҳар қанча ҳукумат одамлари ва тўраларга яқин ва муносабатлик ўлса ҳам аҳволи сиёсия, диния ва дунёвия ва олияси дуруст бўлмай, кундан-кун таназзулдадур. Хусусан, мазкур мажлисга катталари дохил бўлмайдурган тоифаларни аҳволи ниҳоятда забунроқ бўлуб, дин ва дунё, илм ва маърифат, тамаддун ва адолат, мусовот тўғрисида ҳаммадан кейин қолур. Чунончи, биз, мусулмонларни(нг), диний ва қавмий ҳуқуқимизни(нг) камчиликлари подшоҳ ҳазратларига етмай, етганда ҳам мажлис членлари тарафидан рад бўлуб ё илтифотсиз қолур. Буни(нг) сабаби ила биз ва бизга ўхшаш тоифалар таназзул қилуб, оҳисталик ила фирқаси, тоифаси, ватани хор ва

хароб бўлуб батадриж йўқ бўлмоқ хавфи вордур. Бу масалада аҳли хабар наздиға тажрибаи тарихия ила собит бўлгандурки, дунё сиёсийлари ва сипоҳигарийидан хабарлик кишилар, албатта, мунга тасдиқ қилурлар. Ал-он биз, туркистонийлар, шу ҳол муқадама-сиғамиз. Албатта, савол келадурки, Туркистон обод бўлди, илгари бой кам эди, миллиёнир йўқ эди, яхши иморат ва либос ва палос йўқ эди. Боз, бас, на учун инсофсиз муҳаррири муарризлар хароб-миз деб жоҳилона ёзадур деб, анга шундай жавоб бермоқ керак, 6 миллиён туркистонийларға 3 миллиёнир борлиги маълум йўқ. Бойман деганлар банк ва фабрикантларни хизматчиси ва мадюнидир. Шаҳар ва қарялардаги катта иморат ва казармаҳоналар ҳамма яхудий ва оврупойиларникидур. Оврупо амтиасилари ерли амтиаларни синдурди.

Деҳқонлар эса агарчи бир вақт қўли бироз ақча кўрар яна Оврупо амтиаларини бирига икки ва беш хом бериб, бир пишиқни зўрға олар. Бир даража диний ва илмий жиҳатта атфи назар қилинса, вақфлар кетди, мадрасалар хароб бўлди. Борига ҳам тартиб, феҳрист, муҳтасиб, мумтахин, муназзим йўқ. Эски тартиб ва жадваи дурус кундан-кун мударрислар тарафидан таржиқ қилинур. Икки миллиён туркистонийлар мадрасасиға худодан бошқа нозир йўқ. Бир раиси диний ва мумаййизи илмий йўқ. Ўзимизда эса инсоф ва хавфи ҳақ йўқ. Асло йўқ. Ва илло, на учун саводсиз қози, илмсиз мударрис, инсоф ва хабарсиз муфтий, қироатсиз имомлар оламни босди. Бунга сабаб бирор раиси диний ва мумаййизни илмиға молик ўлмағанимиз эмасму? Худо сақласун, яна 25 йил шундай бўлса, ҳозирги муҳтарам уламоларимиз кетсалар, Туркистонға қиёмат қўпқон, илм ва амалға фотиҳа тортилган ҳисобланур. Басират ила 25 йил муқаддамни ҳозир ила ва ҳозирни 25 санаи сония ила қиёс қилган хушманд бизни бу баёнимизни муболаға ва хатои зуъм қилолмаса керак... Биз яна масдар баҳс бўлган партиялар баёниға ружуъ қилармиз.

2-фирқа партияни (конституционный демократический – кадет маршрутаи авомияи маъишат) маршрута фирқаси аталадур. Бу партияни(нг) муроди шулки, «Миллат мажлиси» хоҳ Дума очилиб ҳар бир миллиён халқдан 3-4 вакил пойтахтга бориб, мажлис қуруб, барча зақўн ва қонунларни ҳар бир вилоятни аҳволи ва ҳар дин ва миллатни озод ва сарбастлигига ақл ва инсофиға

қараб таассуби ҳуқуқи башария ва риояи динияға мувофиқ тузатиб, подшоҳ ҳазратларига топширилса ва импературимиз ҳам ўшал халқ вакиллари тайёрлаган закўнларни ўрниға келмоғига ҳумоюн фармойишларини қилсалар. Барча дин ва уруғ халқ ҳур тутилиб, то қози ва судялар ҳукм қилмағунча, чиновниклар ўз раёйлари ила ёинки мол, жон, фикр ва ҳаракати расмиясиға монё бўлмасалар. Ҳар тоифани ўз китоби, эътиқоди ва масоили динияси ўз орасиға жорий бўлуб, Русиядағи барча халқ Русияни ҳар бир нуқтасиға баробар бўлуб, ҳуррияти диния, ҳуррияти шахсия, ҳуррияти ижтимоия, ҳуррияти иттифоқия ваъз ўлинуб бўлатурган қонуни жадида доиралари онинг мужибинча жорий ва мустаъмал тутилса, халойиқ вакилларини(нг) қароридан хориж ҳеч закўнлар бўлмай ва вакиллар хоҳламайдурган эски закўнлар ислоҳ этилса...

Ҳозир Русияда бу – кадетлар фирқасиға мансуб халқ ҳар дин ва миллат аҳлидан ниҳоятда кўпдир. Собиқ Миллат мажлиси аъзоларини(нг) аксари бу фирқадан эдилар. Бу фирқа ҳақиқатда ўрта фирқадур. Мўътадил ал-мизож халқлар бу партияди хоҳлагандурлар. Бу фирқа ифрот ва тафрит ўртасиға, соғ ила сўл вассатиға, ҳар бир фикр ва матлабни авсати ва марказиға бирлашган бир ҳизби мутавасситдур. Русия мамлакатига мундин беҳроқ ҳизб йўқдур. Ифрот ва тафрит, яъни «Иштирокиюн», «Инқилобиюн» ва «Қора гуруҳ»¹⁵⁶ деган ҳизблар сабаби ила Русияға ҳар кун ва ҳар соат фасод ва инқилоб, бузуқлик жорий бўлуб турубдур. Фақат саломатлик ва амният бу кун кадетлар ҳизби соясида ватанимиз Русияға жорий бўлса керак...

Учинчи «социал-демократически» – «иштирокиюни омиюн» маъишати муштарак фирқасидурки, бул ҳам дохилан икки фирқаға бўлинув. Бири – «социал демократ – иштирокиюн омиюн», дигари «социал революционер – инқилобиюн»дир. Буларни бошлуча муроди ҳозирги барча закўн, мулкият қоидаларини бутун бузуб, мол ва ерларни ҳамма халойиқ ўртасиға муштарак қилиб, анинг манфаатини бутун халойиқ ўртасида мусовий этмоқчидур. Бойлик ва камбағалликни йўқ қилиб, дунё моли(ни) роҳатидан ҳаммани баробар фойдалантурув, масъуд ва роҳат

¹⁵⁶ «Қора гуруҳ» – «черносотенци» гуруҳи.

умр ўтказмоқиға ва ҳар ким ўз истиқболидан амин бўлмоқиға закўн ва қоида жорий қилмоқчидурлар. Буларни(нг) програмини жорий бўлмоғиға ҳозирги асримиз мустаид эмас. Балки неча асрларға таваққуфи бордур. Дунёға нелар бўлмади? Ким билур, балки замони келиб, буларни(нг) програми қонуний жорий бўлса, ҳамма минкулли ал-вужуҳ баробар бўлур, сир-китоблариға ёзилган Жобулқо Жобулса ва тартиб маъишати ер юзиға балки жорий бўлур. Ҳар ҳолда, бу партиянинг муроди мумкин лаяқаъ ёинки хаёлийдек кўрунуб, бу тоифаға қўшулмоқ биз, мусулмонлар учун ниҳоятда зарарлиқдур. Програмларини(нг) молия моддаларина бироз тағйир бермагунча, шариатға мувофиқ ўлмағони каби жоний ва оила бобидаги фикрлари ҳам асло-асло тўғри келмайдур...

Тўртинчи «Русия мусулмонлари иттифоқи» ҳизбидурки, буларни партия суратиға кирганиға бир йил бўлди. Аввало, ўтган сана Нижнийда параҳўдга ўлтуруб, мусулмон пешравлари сув устида мажлис ясадилар. Иккинчи, ушбу йил аввалида Петербурғда ғайрирасмий яна бир мажлис-съезд ясаб, қарорнома нашр этдилар. Учтинчи ушбу ўтган августда яна Нижний ярмак-касида уч-тўрт кун давомат ила барухсати расмий неча минг мўминлар бир умумий надва (обший съезд) этдилар. Қарорларини ижмоли, Туркия газеталаридан маълум бўлишиға қараганда, Русия мусулмонлари диний ва илмий вайҳдан алоҳида бир партияи махсусадурлар. Аммо сиёсий ва умумий талаб ва маслаклар тўғрисида кадетларға қўшилатурганға ўхшайдурлар. Русия мусулмонлари ҳизби ҳам ўзга тоифалардек комитет барпо айламоқчидурлар. Идораи марказия – сентралний комитетлари Петербурғда бўладур. Бу партия 15 кишини аъзои марказия сайлаб, аларға Боди Кубодаги Алимардонбек Тўпчибошев жанобларини садрнишин ва Қозондаги Юсуф афанди Оқчурий жанобларини мусташор сайлабдурлар. Бу муҳтарам аъзолар, албатта, бир неча шуйбаға бўлунадурки, шуйбаи илмий, шуйбаи сиёсийлардан иборат бўлса керак. Бу 15 нафар аъзоларина Русиядаги аҳли хабар мусулмонлардан бир неча аъзо интихоб қилиб олмоқға қарор бермишлар. Аммо бу бобдаги жароид ва тасвидотға қараганда, бизни Туркистондан бир нафар аъзо интихоб қилмоқға қарор бермишлар. Лекин 6 миллиёнлик Туркистон

мусулмонларидан бир аъзо оздур. Беш областдан 5 нафар ҳам Бухоро ва Хива ва Туркистони Чинийдаги мусулмонлардан биртадан аъзо олмоқ лозимдур. Бу комитет ва аъзолар вақт-бавақт жамланиб диний ва илмий маъоши тўғрисида машварат қилиб, мусулмонларни илман ва молан, динан тараққий ва таолиларига хизмат қиладурлар. Сиёсатан бўлса, умумий партияларни бири ила қўшулуб иш қўрадурлар... Бу тўрт партияни(нг) матлаби миллий ва маслаки сиёсийларини модомики, бир неча саҳифа ила баён ва шарҳ қилинмаса, камхабар киши тушунмайдур. Ани(нг) учун биз, Туркистон мусулмонлари 23 августга Нижний шаҳринда бўлган Русия мусулмонлари ҳизбиға байъат қилиб, сиёсатан кадетларға қўшулуб, динан ва илман мазкур съезд иттифоқи ҳукмиға мутеъ ва мунқод бўлсақ керак. Яқинда мазкур надваи исломия қарорномаси босилиб, олами матбуот ила нашр қилинадур. Туркистоннинг муҳтарам муаллиф, муҳаррирлари ғараз, нафсоний ҳасад, буғз ва мунозараи шахсияларини тарк этиб, шу маслак ва шу жамиятға тобе ва ходим бўлмоқлари хизмати дин ва давлат, обрўйи Ватан ва Миллатдур... Биз ояндаға бул бобларға, иншооллоҳ, муфассал ёзмоқ амалиндамиз.

*Ал-ҳожжи Маҳмудхўжа валади қори Беҳбудхўжа
«Хурийд». 1906 йил 11 октябр. №6*

ДУМА ВА ТУРКИСТОН

Русия олами исломи, хусусан, биз, туркистонлилар ҳар ваҳждин кейин қолганмиз. Вақф, мактаб, мадраса, усули таҳсил, тижорат, саноат, амалиёт, диний ва дунёвий ва замоний ва иқтисодий, молий ва сиёсий, хулоса, жамият барча диний ва дунёвий ишларни тараққий қилдурмоқ учун ҳар бирини тўғрисиға баҳс-мунозара ва музокара керак ва агар сукут ила ўткарилса, ҳар тарафдин сиқилиб ва қисилиб, Оллоҳ сақласун, ўн-йигирма йиллардан сўнгра дин ва маишатимизға кўп футурлар келар. Тадрижи дин ва дунёликда хор ва заифроқ бўлармиз. Авлодимиз бизға лаънат қилар, Оллоҳ ва Расулulloҳ наздида масъул бўлурмиз. Биноба-

рин, барча аҳли қалам ва арбоби фикримизга асҳоби илм ва хайримизга лозимдурки, бизларга кераклик ҳар бир ислоҳ ва чорадан ва ҳайъати жамиятимиздаги ҳар бир нуқсон ва иллат ва марази моддий ва маънавийдан ҳеч юз ўтурмай, «Тужжор» ва бошқа газетлар воситаси била баён қилинса, токи ўз касал ва заъфимизни билиб, сўнгра иложига кўшиш қилсақ. Ман ҳам қўлимдан келгунча доимо ушбу умумий дардларимиз тўғрисида ёзиб турмоқни аз ғайри таклиф ва ижро бир неча вақтгача устимга олиб, ушбу мактубим ила муҳтарам «Тужжор»га бошлайман. Лекин ал-аҳамму фал-аҳамму қоидасинча, ушбу дақиқага қилинмоғи ва ҳам сўйланмоғи лозим ва зарур ишдан бошлаб ёзарманки: Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм ва биавниҳи, ушбудур.

Биринчи Думага биздин вакил борган йўқ. Иккинчиға борди ва аммо оз. Туркистонни беш областига ўн миллиёнға яқин мусулмон ва етмиш минг қадар насоро бордур. Бу икки тоифани ҳар бирдан 6 нафардан вакил талаб қилиниб эрди. Ҳануз бизни дард ва талабимизни баён қилинмасдан илгари Иккинчи Дума вакиллари сўзи фуқаро нафи ва ҳукумат зарариға бўлган учун ва баъзи вакилларни фикри балки дин ва ҳукуматни бузмоқчи бўлгани учун қолдилар. Учинчи Дума учун сайлов қоидаси эълон қилинди. Биз, туркистондилар ва Сибир халқларини Учинчи Думага вакил юбормоқдан вақтинча маҳрум қилинубдур. Ҳолбуки, биз юборган вакиллардан ҳукуматнинг аксига сўзлагани йўқ. Ва Туркистон вакилларидин ёлғуз Самарқанд вакили Тошфўлод Халилов ер солиғини озаймоғи хусусида биргина мартаба сўйлаб эди.

Ўтган ўтсун, биз келар замон учун ёзайлук. Учинчи Дума биринчи ноябрдан очилиб яна рус, яҳудий, поляк, армани, хулоса, 400 дан зиёда ҳар хил вакиллар ва тўрт-бешгина татар вакиллари Русиядаги бир юз ўттиз миллиён халқни диний ва дунёвий тиркликиға тейишли ишлар тўғрисида музокара қилишиб, янги низом ва зақўнлар чиқарадурлар ва, ёинки, ҳукуматнинг аларға топшурган янги зақўн лойиҳаларини баҳс-мунозара қилишиб, баъзи рад ва аксарини мустаҳкам қиладурлар. Яъни Учинчи Дума барча Русия табааси учун янги низомлар чиқарадурлар. Сўнгра ул янги қонунлар ҳар бир тоифани дин ва мазҳаб ва урфияға хоҳ мувофиқ бўлсун ва хоҳ муҳолиф бўлсун, зўр ила жорий қилинадур. Мазкур янги зақўндин шикоят қилиб бўлмайдур ва шикоят

қабул қилмайду. Русиядағи барча халқ ва уруғни устиға шул Дума закўн вазъи ва ҳукм қиладулки, асло бузуб бўлмайду. Иши судға тушган кишилар суд ва синоат ҳузуриға азбаройи ўзиға нафъ келтурмак ва ё дафъи зарар учун албатта, адвокат-закўнчи юборадурлар. Закўнчи қўймағон вақтда аксар ноҳақ ишлар ҳақ ва ҳақ ишлар ноҳақ ҳам бўладур. Бас, биз Русия табаасини барча диний ва дунёвий иши давлат Думасиға тошпирилгандурки, анда бир муурофаа эмас, муҳорабаи маънавий майдони кўринур, ҳар тоифани ҳаёт ва мамот ояндаси Думаға боғлиқдур. Бизни ояндаға бахтлик ва ё бахтсиз бўлишимиз Дума ихтиёриндадур. Русиядағи ҳар бир тоифа бошқасиға ҳам муддао ва ҳам муддаои алайҳдур. Ҳолбуки, бизларни Думаға вакилимиз, мудофеъимиз йўқдур, ҳар на зараримизға ҳукм қилсалар, сўйлағувчи ва фарёд этувчи бир киши бўлсун йўқдур. Зотан, Туркистонда бир кишиму йўқдур? – Бизларни сукут қилиб турганимиз учун сағир, нодон, муътавму билдилар? Агар янги закўнлар вазъи бўлса, бизни мактаб ва мадраса ва масжид ва дорулқазоларимизға, яъни шариатимизға хийли тағайюротлар оид бўладур. Биз қабул қилмаймиз, деган била фойда бермас, чунки закўн бўлур. Ҳарна дафъи жарх сўйланса, мустаҳкам бўлмасдан ва ҳукм қарор топилмасдан муқаддам айтилса керак, бас, илож надур? Илож шулки, Туркистоннинг беш областидағи катта шаҳарларидан мумкин бўлса ҳар бир шаҳридан бир нафардан депутатни бир ерға жамлаб арзи ҳол ёзиб, октябр ойини(нг) ичида Петербурғга императур ҳазратлариға юбормоқ керак, токи алар бориб Учинчи Думаға шарик бўлмоқларини илтимос этсалар, ул суратда депутатларимиз Петербурғда очилатурғон «Бирво» машваратхонаға ҳам сипориш берар эдилар. Азбаски, ушбу сана Нижнийға «Иттифоқи мусулмин» жамиятини идораи марказия мажлиси Петербурғда мусулмонлар учун бир машваратхона очилмоғига қарор берди ва ҳам албатта, очиладу.

Биздан Петербурғга бориб келадурған депутатлар уч ҳафтада қайтиб келадурлар ва ҳар бирларига уч юз сўм етуб ортадур. Агар ушбу ишни туркистонлилар қилмасақ, сағир ва нодонлик ва салоҳиятсизлиқимиз билкулл ва билфеъл собит бўлуб, татарлар ва Русия тараққийпарварлари бизни бутун кўздин ташлайдулар. Сўнгра қул ва бандилар даражасида бўлуб бора-бора шариат ва маишатимизни тадрижий қўлимиздин кетмоққа ўзимиз сабаб

бўламиз. Газет ўқуғувчиларга маълумдурки, Ақсойи Сибириядаги Ёқут областини ярим миллиёнга етмас фуқаролари ушбу важҳдин Петербургга саккиз вакил юбордилар. Ҳолбуки, аларни динсиз ваҳший деяремиз. Биз маданий ва динлик ўн миллиён туркистонлик халқга адади давлат ва маданият важҳдин алардин йигирма ва юз ва минглар даража ила кўп ва баландмиз. Қараб ўлтуришимиз на шариат ва на инсониятга ва на Оллоҳ ва на бандага ёқар.

Эй Туркистон мусулмонлари, биродарлар, ибрат назари ила боқинг, ҳолимиз надур, бу кун бу ишда саъй қилмасак, эртага дин ва маишатимизга зарар келур, сўнгра иложсиз қолурмиз. Депутат юборайлук, подшоҳимиз одил ва меҳрибондур. Ўн миллиён халқ тарафидан ҳукумати ҳумоюн боргоҳлариға борган депутатларни ноумид ва қуруқ, албатта, жўнатмайдулар. Аммо тасаввур бизларда, чунки Иккинчи Думаға дунёдин хабарлик кишиларни юборолмабмиз. Аҳли ҳуқуқдан дорулфунундан чиққан мусулмонлардин юбормоқ лозим эди. Билъак бизни аксар вакилларимиз русча ҳам билмас эканлар. Бу йил Петербургга борганимда Туркистон вакилларини авзо ва ҳаракати нописандона ва сукутларидин биров маълумот олдум. Ҳақиқатан айб ўзимизни(нг) нодонлигимиздадур. Чунки илмсиз, яъни илми сиёсат, иқтисод ва қонуни ижтимоиядан бутун беҳабармиз. Хайр, беҳабар эканмиз, эмди саъй қилайлук, ўқийлук ва ўрганайлук. Ва, илло, бул турушимиз ила йўқ бўлармиз, Русияда туруб Русия тамаддунидан ва илмидан беҳабар турсак, албатта, мунқариз бўлурмиз. Муни ҳукумат айби ҳам деб билмоқ дуруст йўқ. Қоидаи тарихия ва ижоби замон, қонуни тараққий ва таназзул шулдурки, аҳли илм ва хабар наздида билохилоф мусалламдур. Бассалом. Кўрайлук аҳли ватанимиздин на садо чиқар. «Фаъта-биру йаа улил абсор»¹⁵⁷.

***Самарқандий муфти Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўгли
«Тужжор». 1907 йил 9 октябрь. №8***

¹⁵⁷ «Ибрат олинг, эй ақл эгалари». Қуръон. 59:2.

ИСЛОҲИ ТАҲСИЛ

Ҳар бир тоифани ислоҳ ва нажоти диний ва дунёвийга бошқарғувчиси ўшал тоифа ва халқнинг уламо ва бойларидур. Бойлар ҳам бутун уламога тобе ва олимларни тарғиб ва тартиби илан, дин ва халқуллоҳга моллари илан ёрдам етқуришларига шак йўқдур. Хулоса, ҳар бир халқ асло диний ва дунёвий илмларни тарбиятидан ва фикридан қочиб қутула олмайдур, на учунки ҳар ким кичиклигидан уламо тарбиятига топширилур.

Уламо тарбияхонаси мактаб ва мадрасалардур, агарда ўшал мактаб ва мадраса муаллим ва мударрислари олим бўлса ва шогирдлариға кўнгли илан таълим берса, албатта, илм ҳосил қилур. Агарда муаллимни ўзи ҳозирги аксар мактабдор ва мударрислардек камҳавсала ёинки камилм бўлса, ёинки илми бўлуб туруб, усули таҳсилдан хабарсиз бўлса, ани шогирдлари нодон қолур.

Муаллимни(нг) нодонлиги ва ё камҳавсалалик айбини маҳалла халқиға ортдурмак керак, чунки алар таҳқиқ қилмайдурларки, муаллимни илми бор ё йўқ бўлғонда на ўқитадур, яна халқға бошқа юкни ортмоқ керакки, ул мактабдорларға мувофиқи замон ижора бериб, ани мактабдин бошқа ишға мутасадди бўлушға қўймаслик ва буюрмасликдур. Мактабдорларни авқоти ўтмаган учун тўй ва таъзияға юруб ва маҳалла халқини бошқа хизмат ва ўринсиз мулозаматлариға машғул бўлуб, болалар умрини зое бўлишиға сабаб бўлур. Мардикорлар қаториға муаллимға ижора берилганда ҳар йил ақал мартаба бир муаллимға 300 сўм бермоқ керак. Бир муаллимни(нг) илмсизлиги ва, ёинки, маҳалла халқи ила дарбадар юргани ва маошсизлиги ҳар бир маҳаллани ўн санадин сўнгра камолға етадурган одамларини ҳайвондин ҳам тарбиятсиз ва зарарлик бўлишиға сабаб бўлур. Бу айб муаллимники эмас, маҳалла ва гузар халқини(нг) айбидур. Ҳозир жамиъ шаҳар ва маҳаллаларимизни юздан тўқсони калонъом балҳум азалға мазҳардур.

Бир бола ўн сана ўқуб филжумла хат ва савод чиқарса, мулло аталадур, бу ғарибни олдиға форсий, туркий китоби ё бўлустнойхона ва қозихона ва тижоратхона хатларидан қўюлса, ўқуб маъни чиқара олмайдур. Ҳолбуки, ўн саналик мактаб таҳсили устиға беш-ўн сана мадрасада ўқуса ҳам йигирма талабадан бир нафари мазкур хутут ва китобларни ўқуб, маънийи ҳақиқийсини

баён қилмоғи маълум йўқ. Хайр, бул хатолар форсий ва туркий адабий мақола ва мурасалотларни кўрмабдур, ани учун маъни чиқаролмайду, дейлук. Эмди ўзи ўқутан форсий ва туркий китобларни олдиға қўюб маънисини сўрамоқ керак. Бул суратға ҳам ўн ва йигирма йил ўқутан шогирдларни ўндан бири ўзи ўқутган китобларини маънисини баён қилса, кўп шукрлар қиламиз.

Баъзи халқимиз мазкур айтган нимарсаларни илм билмайдулар. Балки илм деб намоз ва рўза ва ибодатға тейишли нимарсаларни илм биладулар. Бу тоифа нуқтаи назарига ҳам бир-икки имтиҳон қилармиз. Бас, кўрармизки, илми қироат Қуръонға фарздур, мактаб ва мадраса шогирдлари бу илмдан баҳраварму, хайр, талабани юзда беши зўрға қироатлик ва бошқаси бутун баҳрасиз ва орқасида ўзидек қироатсиз ва маъзур бўлмагунча намоз ўқуб бўлмайду. Илми фароиз ва ҳисоб ҳам фарз ва нисф илмдулки, юздан бир талаба зўрға билар, баъзиларни кўрармизки, қори-қофизи Каломуллоҳ ва аммо тажвид надур билмас, мударрис ва муфтилардан, эшон ва муршидлардан аксарини қироати йўқ, маъа фийҳи бир араб Қуръон ўқуса, билмасдан ани айб қиладулар. Бу айблар ҳозирги катталар ва қироатсизларға эмас, балки мактабдор ва муаллимларға ва маҳалла катталарига ортиладур.

Катта мулло ва уламолар тўғриларига бир неча сатр ёзайлук. Туркистон ва Бухорони ҳар бир юз боласи ичиға ўн мулло топилмайдулки, форсий, туркий ва арабий луғатларига комил бўлсун ва бу уч луғатни сарф-наҳв ва адабиёти илан билсун ва бир форсий форсча, турк ила туркча, араб ила арабий мунтазам сўзласун ва бу уч тилға қувваи таҳририяси баркамол бўлсун. Мундай адиб, муллодан юзға ўн эмас, беш, ҳатто бириға розимиз. Бизни Самарқандға мулло ҳайкалиға ва қиёфатиға бир неча юз киши бор ва, лекин, мазкур бирни топиб бўлмайду. Бу сўзлар муболаға эмас ва мундин муродим уламони таҳқири эмас, балки умумий ҳол ва бесар ва сомонлигимиздин шикоят ва ҳайъати мажмуамизни тафтиш ва танқид ва, балки, муҳаррир ожиз тарафидан бу таҳрирлардин ва илм аҳли ватанға бир хизмат ва аҳли вақф хотириға бир маъраза ва интибоҳномаду...

Мактабдорларимиз талабаға Бедил, Хўжа Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Саъдий, «Маслак...», «Чаҳор китоб» илаҳ ўқитадулар. Фақат лафз, маъно, таҳлил ва тафҳим йўқ. Бечора мактабдорлардан юзда беши бу китобларни зўрға ўқуб фаҳмламоқиға

шубҳа йўқдур. Яна мадрасаға ўтайлук: сарф, наҳв, мантиқ ўқи-тиладурлар. Лекин мадрасаларни иши йўқки, шогирди билдими ё йўқми. Хориждан бирисиға ё жумла, ё қазияни кўрсатиб, талабадан савол қилинса, хижолат дарёсиға ғарқ ўлур. Кетар бечора талаба умри. Ақча сарф қилиб, асбоб ишлатолмас, назариёти илмияни амалиётға татбиқдан ожиз, «Шарҳи мулло» ўқур, лекин «Кофия»ни билмайдур. Ҳошияхон ва лекин «Шамсия»дан беҳабарликиға на демоқ керак? Талабаға айб йўқ, хиёнат ҳам устодларғадур, тариқи таълим ва усули таъсилни бузганларғадур...

Яна бироз илгари кетайлук, мадрасаға илми калом таълим бўладурлар. Бу илм дини исломни нақлий далилларини ақли илан хасм ҳузуриға исбот этмоқдан ва тасҳиҳи ақидадин иборатдур. Дини шарифни бегона ва динсизларни(нг) таъна ва тааррузидин озод сахламоқ учун ва ақли исломға алар сабаби ила келадурган дафъ ва рафъ қилмоқ учун вазъ ва тадвин бўлган бир илми ашраф ва зарурийдур. Аммо Бухоро ва Туркистонға шу илмға махсус матнларни ўқутмай ва ҳатто шарҳларни батартиб ўқутмай ҳавоший татиммай муқаддима ва фарзи хотамаларни у ердан-бу ердан иргитиб шогирдларни сатҳий ўқутуб, булҳавнамо ўткариб юборадурки, бечора талабани аксари тасҳиҳи ақоиддан хабарсиз қоладур. Асл матлабдан фарсахлар ила узоқ тушадур...

Бул бобға яна уламо, аълам ҳазратиға ходимона арз қилармизки, илми калом ҳукамо юноний ва малоҳадаи собиқа ва даҳрийини мутақаддимин ва моддиюн мунқаризун ва бадмазҳаблар ва илгари ўтган муътазила ва динсизлар ва замони мозийдаги хасмлар учун раддия ва ҳужжати дофеъа ва алар ила дин сақламоқ учун маъан урушмоқ асбобидурки, уламои мутакаллимин ва собиқинимиз ўз замонларидаги хасмлари учун тайёрлабдурлар. Оллоҳ таоло алардан рози бўлғай, энди қараймизки, илгиридаги муътазила ва ҳукамолар ва ё аларни сўзини айтатурганлар борму, хайр, албатта йўқ. Ҳозирги ҳукамолар ва бадмазҳаблар мулҳид ва даҳрийлар, миссионерлар, моддиюн ва табиийлар бошқа сўзлар, йўллар ва янги ҳикмат ва асбоблар ила диндорларға ҳужум қиладурлар. Таснифотлар воситаси ила мутадаийин кишиларни эътиқодиға халал еткурмоқчидурлар, аммо бизни муҳтарам уламолар ва азиз талабаларимиз янги хасмларимизни ҳатто вужудидан беҳабарона мунқариз бўлуб кетган ва суяклари кул бўлмиш хасмларимиз ваҳми ва фарзи муддаийларимизға тош отмоқ ила умр ўткарадурлар-

ки, биз «Мунтахаби хабар-ихёйи умумий» ном китоби ожизонамиз муқаддимасидаги шу баҳсга тейишли бир бандгина ёзиб эдук...

Адабиёти арабийга комил бўлмоқ учун маъони, бадеъи аруз... илмларини ўқумоқ керак эдики, булар ҳам матрукдур. Динимизни(нг) асоси оят ва ҳадис, аммо Туркистон ва Бухоро мадрасаларига тафсир ва ҳадис ўқулмайдур. Тиб, ташриҳ, ҳайъат, ҳандаса, жуғрофия, иқтисод, сиёсат, тарих, саноеи нафиса, ҳикмати илмия ва бошқа ва бошқа маиший ва фарзи кифоя илмларни ўқумоқ ва, балки, илмлик ва исми бутун уламоларимизни фикридан кетгандур. Анинг учун хатми улуми диний!!! – қилган талабаларимиз ривожсиз ва намози айн-ла, рўзадан бошқа илм ва ибодатларга нодон қоладурлар. Ва бутун халқимизни нодон бўлишига сабаб бўладурлар. Бу айбларни уламоғами, бойлар ва умароғами ёинки тарихгами ва бошқагами ортмоқни муҳтарам газетхонларни фикрига ҳавола қилинди.

Ҳар ким ўзи муҳокама ва қарор қилсун. Бу ҳол ила сукут қилиб турсоқ, беш, ўн сана сўнгра мундан ҳам нодон бўлармиз ва бошчисиз қолармиз. Дин ва дунёга бенаво ва хор бўлармиз, охиратга индаллоҳ ва индар-расул масъул бўлурмиз. Бас, диний мадраса ва мактабларни ислоҳ этайлук, Ҳижоз, мағфират, тароз ва Миср ал-Қоҳира усул ва қоидасинча умумдиния таҳсилига кўшиш қилайлук, умумдиния ва адабиёти арабияни мунтазам таҳсил қилмоққа ва ул тарафи усул таҳсилани билиб келмак учун Мисрга талаба юборайлук, дигар тарафдан улуми замония, фунуни иқтисодия ва усули сиёсия ва саноеи нафиса, ҳикмати жадидадан хабардор бўлмоқ учун дунёвий мактаблар, яъни ҳукуматимизни гимназия, реалний, эъдодий ва рушдий мактаблариға шогирдлар бериб, икмоли таҳсиллари учун Петербургдаги дорулфунун ва макотиби олияға талаба юборайлук, токи дунёга ўзгалардек тараққий қилиб ва ҳукумат матбуамизға билфеъл шарик бўлуб, ўзимиздан ҳокимлар, табиблар ва аҳли ҳикматлар чиқариб, сарбаланд бўлсақ ва ажнабийларға асир ва хизматкор бўлмоқдин ўзимизни сахласоқ.

Ва, илло, ҳозирги ҳолимиз ила, Оллоҳ этмасун, яна йигирма йил ўтса дин ва дунё ваҳдан кўп таназзул қиламиз. Аҳкоми шариат мундан ҳам хорроқ бўлар ва анга бизлар сабабмиз. Ҳозирги муллоларимиз кундан-кун озайиб кетаётибдурлар. Ўрунлариға салла ва чапондан бошқа ноиб ва халаф кўрунмайдур. Бу дардларни ҳам мажлис ва манзилға сўйламоқ керак, сўйлана берса

талаба ва ағниё ва халқ огоҳ бўлуб, талаба ва ағниё ҳиммат ва гайрат этгандин сўнгра бизга диний ва дунёвий мулло ва бошчилар топилиб қолур. Сўнгра мактаб ва мадрасаларни ислоҳ навбати келиб бутун халқимиз тараққий этар, масъуд бўлур. Аммо мунча дард, жаҳолат ва мараз, касолат бизни ҳайъат мажлисимизга тирмашиб туруб сўйламасоқ ул суратга жаҳолат ва беҳабарлик ҳозирги ҳолимиздин ҳам харобароқ бўлурмиз. Ҳозирги тўй ва маърака ва бошқа исрофларга кетатурган ақчаларни нисфини дин ва илм йўлига сарф қилинса, ҳар бир ишимиз тамом бўлур. Бу тўғрида ояндага фикримизни ёзармиз. Юқорида ёзгон сўз ва таклифларимиз шаръий ва ушбу тўғриларга нақлий ва ақлий далиллар кўрсата олурмиз ва бу сўз ва таклифлар бефойда ва афсона гумон қилинмасун, вассалом вал-икром.

*Самарқандий муфти Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўгли
«Тужжор». 1907 йил 25 октябрь, 11 ноябрь. №10,11*

ТАҲРИРИЯТГА МАҚТУБ

«Туркистон» ва «Тужжор» газетларини бир неча нусхасига мактаб ва мадрасадаги тариқи таҳсил ёзилиб турубдурки, макотиб ва мадрасаларимиздаги жоҳилият ва иллат таданнийга бошлаб ва фавқ пайдо қилмоқдур. Чунончи бир одам ўз вужудидаги иллатники фаҳм қилди ва анго даво қилмоқ лузумини билди, албатта, ислоҳ ва иложига кўшиш қилур. Мактаб ва мадрасадин баҳс қилмоқ ва усули жадид ва қадимдин сўз очмоқ, қаю илм ва фанлардин ўқумоқ ва Русия фунунидан ҳам аралаштуруб таҳсил қилмоқ тўғриларида музокара ва мунозара қилмоқ бизим мактаб ва мадрасаларимизни ислоҳига бошланмоқдин иборатдур. Бу баҳс ва мунозара ва мусодам афкорлар модари ҳақиқат ва бидоятни тараққий бизни ояндамиз учун феъли хайриядур. Қонуни такомил ва усули тарихияга чуқур ўйлаб боқилса, маълум бўлурки, ҳар бир тоифа ва мамлакат ичиға янги ишлар ва тоза асбоблар ва жадид фанлар ва матин фикрлар бир сабаб тарихи ва хорижи ила бирдан-бир туғар ва пайдо бўлур ва бирин-

чи мартабаға ул мамлакат халойқиқи ул янги ишлардин нафрат қилар, қўрқар. Чунки ани хос ва манфаатидин ҳануз беҳабардурлар, бир замон ўлурки, бир неча киши булҳавасона мазкур осори жадидаға ёпишуб татбиқ ва истеъмолға бошлабдур. Лекин омиёна ва усулсиз маъа фийҳи кулли жадидун лазиз қоидасинча бироз лаззат топилур. Халқ ичида янги фикр ва илм ва фан ва асбоблар тўғрисиға икки тараф пайдо бўлур, бири лозим, дигари бекор. Бири ҳақ, дигари ботил, бири жоиз, дигари фосид. Било оқибат янгилар тарафдори ғолиб келарга тарих ва тажриба ила маълумдур. Барча олами исломға ва бизим Туркистон ва Бухоро бир-икки аср муқаддам замонғача ҳар нав ақлий ва нақлий улум ва фунуни диний ва дунёвий аралашиб таҳсил бўлур эканки, ўтган кишиларимизни осор ва китобларидан маълумдур (каминани «Мунтахаби жуғрофияи умумий» ном китобимни бул тўғриға бирозгина баёни бордурки, ўқуб кўрулсун). Бир-икки юз йилдурки, улум ва фунуни ақлий ва замоний ўқумоқ Туркистон ва Бухородин матрук қолди. Подшоҳи исломлардин машҳур Улуғбек ва Султон Ҳусайн замонларида андоғ илмларни ривожитаворихларда маълумдур. Уламои асримизни маълумоти фақат илми динийға мунҳасир бўлди, кела-кела ани-да мунтазам ва мукаммал ўқумайдурган даражаға танзил қилинди, хусусан, ушбу кейинги йилларға ва мадрасаларни усули таҳсил ва тадриси ниҳоят даражада таданний этдики, юз жиҳатдин исбот қиламиз ва аҳли хабар наздиға офтобдин равшандур. Алҳамдулиллоҳ, ҳозирға улуми диний ва арабийға вуқуфлик уламомиз ҳар шаҳрға бироз топилур. Лекин, афсуски, булар кетгандин кейин Туркистон ва Бухоро дорулжаҳл бўлур. Ҳолбуки, ал-онда ҳам Туркистон ва Бухоро улуми ақлияи замона ва фунуни лозимаи асриядан балки орийдур, шўйлаки мулоҳазаи жадида ва ё ҳукамои ҳодиса боҳисин ва мубаллиғин адёни соирдин бир-икки нафари Туркистон ва Бухороға келиб ва ё матбуот ила бизим уламомизға савол ва баҳс ирод қилса, камоли жасорат ила фақир айтаманки, ўн миллиён Осиёи Вусто мусулмонларини уламози ҳақинча жавоб бериб маддийни илзом айтолмайдурлар. Бу даъво аҳли вуқуф наздиға собитдур (ҳар кимки ва дунёдин беҳабардур, бу сўзларимни муболаға гумон қилар) икки юз санадин бери Осиёи Вусто аҳлидин мастур янги фикр ва илмлар Осиёи Вустоға қандай зоҳир бўлди?

Русия милтиқларини учиға қўнуб янги фикр ва илмлар ва маданияти ғарб бизим Осиёи Вустоға юз қўйди ва бизни туртуб уйқудин уйғата ётибдур. Бир муҳаррирни сўзинча, эски фаранги ва насоро шогирдларимиз биза янги илмлар ўргатадурлар, эмди халқимиз эски тараф бўлур, бири мозийпарастликда, дигари улум ва фунуни жадидали ўзидин ва маъишат ва жуғрофияи ватанимизга қулай ва мувофиқ суратда татбиқ бошлар.

Мозийпарастларға айтармизки, иддаои мозий қондадин эмас ва ҳам ҳазрат Али каррамаллоҳу важҳаҳу шул муъолифа марҳамат қилубдурларки: «Болаларингизга келар замонға кераклик илмларни ўргатингиз, азбаски алар халқ қилиндиалар келар замон учун ва аларни замони сизникидин бошқадур». Биз исбот қилармизки, Русияни Туркистонға тағаллуби бизларға нафъ ҳам берди, зиён ҳам қилди, лекин маним фикримча нафъи кўпдур.

Улуми диния ва арабия ила бирга улум ва фунуни жадидали замония ва адабиёти Русия таҳсили бизларға лозим ва бу тўрт куна илмсиз инсонлардек яшамоқимиз даража имконидин хориждур.

Улуми диния ва арабиядин таҳсилимиз ноқис бўлса – диндан, улум ва фунуни замония ва адабиёти Русиядин ҳозиргидек беҳабар қола берсак, дунёдин узоқлашиб яна динға зарар келтиурмиз. На учунки, динимизни дунёга сахлаб ва дунё ила тараққий қилдурмоқдин бошқа илож йўқдур. Ҳозирги дунёга бўлса улум ва фунуни замониядин беҳабар киши ва тоифани қадр ва қиймати ва кундан-кун заиф, инқирозға юз қўяр, бас, замония ва улуми диния таҳсилни анфаъ тариқини қандай топармиз ва бул илм ва фанларни қаю мадраса ва мактабға ва кимлардин таълим олурмиз, деган саволлар келадурки, биз ояндаға арз қилиб, муҳокама юзидин мунтазир бўлурмиз. Лекин қисқағина қилиб айтармизки, улуми диния ва раббияни Миср ал-Қоҳира ва Ҳижоз тартибидек, лисони форсий ва туркийнинг усули жадида тартибидек ўз мактаб ва мадрасаларимизга ва фунуни замония ва адабиёти Русияни рус мадрасаларида ўқумоқ керак ва ояндаға ушбу тўғриларидаги фикримизни ёзиб, рижоли ҳукумат ва ағниё ва образованийларимизга арз қилармиз, кулли атин қарийб.

Самарқанди муфти Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўғли
ТВГ. 1907 йил 2 ноябрь. №82

ФАРҶОНА ХОТИРАЛАРИ

Учинчи декабрдан 12 гача Фарғона областини Хўқанд, Андижон, Марғилон, Янги Марғилон, Искобулуф шаҳарлари ва Самарқанд областини Хўжанд балдасини тафарруж зиёрат этдук. Нуфус Хўқанддан манга муқимгоҳ ва мушоҳадаларимни «Шуҳрат» газетасига ёзиб юбориб эдим. Хўқанд мактаби усули жадидлари ва жаноб собиқ иккинчи Дума депутати Солиҳжонбой Маҳмуджонов ва адиби муҳтарам Ҳасанжон афандини янги мактаб тўғрисидаги фикр ва ҳиммати ояндаларини билмоқға хоҳлаган кишилар «Шуҳрат» жаридасининг ўқуб кўрмаклари керакдур.

Ушбу мактубим ила Андижондаги усули жадид аталган мактаблардан, катта мадрасалардан ёзарман. Матлабим мактабдорларга изо бермоқ эмас, балки баёни ҳақиқат ва сабаби ибрат ва ислоҳдан иборатдур. Аввало шуни айттайки, жаноби қози шариятшиор Исоққон тўрани баъзи ашъор ва мақолаларини ва мактаблари сифати ва ҳақлариндаги мадҳияларни баъзи жаридаларга кўруб суҳбатлариға етмоқ ва мактабларини мушоҳада этмоқ муродим эди. Аммо, афсуски, ул жаноб Намангон уездиға ва темир йўлидин кўб узоқ экани учун бу муддаоға етолмадим. Йўллари лой ва қиш фасли ва ҳам сафарим муддати ва плани қисқа эди. Анинг учун ул зоти некусифатни кўрмоғим бир муддат райри маълумғача муваққаф қолди.

Хўқанддан чиқиб, зилзиласи ва эшонлари ила машҳур Андижонга кирдук. Мусулмон шаҳри ҳаддан зиёда лой ва юрмоқ ниҳоят мушкил эди. Бир самарқандийни ҳидояти ила усули жадид аталадурган мактабга бордукки, пишиқ хиштдан бино қилган, парта ва лавҳа. Печ ва оинакорлик эшикларни махтави ва бир тарафи масжидни саҳн ҳавзи, дигар тарафи катта йўлга муттасил ва модатан мунтазим бир мактабга бир хайрпеша мусулмон бино қилган экан (исми ёдимда қолмади, вале ёзар эдим). Ичиға юз қадар шогирд ва бошқа катта болиғ кишилар ҳам партаға ўлтуруб ибтидоий ўқуға машғул эдилар. Муаллими тубжойи киши ва қобилгина муллабача экан. Ўқулатурган китоблар маълум, ул «Фарзи айн», «Каломи шариф», Тажвид, Бедил, Ҳофиз, Навоий. Хулоса, эски мактабга ўқулатурганлар ва ҳисобдан амали ар-

баъа. Муаллимдан сўровим бўйинча маълум бўлдики, на бошқа мунтазам мактабларни ва ё шаҳарларни кўрубдур, на жариди ва ё китоби туркия ва жадид ўқубдур. Ани учун газет ва мактаби жадида ўқумоғи ва болаларга таълим бературган китобларини «ошиқона»сидан бошқасини фаҳма ўқутмоқига машварат бериб чиқдим.

Хулосаси бу мактабни ва адавоти ва алифбосидан бошқа ҳаммаси эски мактаб экан, маъа фийҳи эски мактаблардан яхшироқдур. Андижонда бошқа мактаби жадида борлигини истифсдор этдим, ушбу мактаб муаллимидан фотиҳа олган бир неча мактаблар борлигини эшитдим. Татар муаллими тутган, йўқми деб сўраганимга бир неча кишидан шу жавобни олдим (яқинга келиб мактабдорлик қилган нўғай домла бор ва, аммо, болаларни аксар ё оёғи ила тепадурки, баъзи болалар ани мактабидин чиқдилар, сўкуш, уруш кўп ёмон дейдилар. Яна бир неча кишидан бу хабарни сўрадим, ростдур дедилар, эҳтимолки, ҳизбда «мулло мешавад аз зарби чўб»га¹⁵⁸ эътиқод этган киши бўлса деб мактабига бормадим, сўнгра янги чиқган эшон мустажоб ул-даъват тўғрисида кўп кишилардан маълумот муродим у кишини хориқулудда кароматларига ҳамма мункир бўлди. Вақти анга истишфо учун борган баъзи касаллардан сўрадимки, шифо топганларини айдилар ва, лекин, эшон жанобларини мулло киши деб бир неча одам баён қилди, ҳисаларига бориб зиёрат қилмоқчи эдим, вақтим кифоя қилмади.

Марҳум Муҳаммадали бойни мадрасасига кирдим, мадрасани саҳни «Т» таноб, яъни бир десятиндан васеъ ва ўртасига орасти «Л» ва юлдузлик бир ниҳоят рафеъ минораси бор эди. Саҳнни тўрт тарафи ҳужра ва шарқий тарафида дурўя ошиёна, ғарбий тарафига катта бир масжиди жомеъ ва маддали икки зовия кунжиға икки гунбазлик дарсконна ва дигаридаги икки зовия нуқта-сини бириға имом ва хатибни номмати учун ҳужра ва гунбаз, дигар кунжиға икки мураббий истироҳатгоҳи учун дахма бино қилгандур, мадрасани барча ҳужраси юздан зиёда, ҳар бириға қирқ сўм вақф тегар экан. Мударрислари ҳам бир неча нукта мударрис икки минг сўмдан зиёда вақф олур. Мадраса ичиға

¹⁵⁸ Таёқ зарбидан мулло бўлади.

икки-уч юз қадар талаба ҳар тарафдан келиб муколама ва мужодала ила машғул эдилар. Андижон кирган вақтим шанба кунға мусодиф эди, мударрис ҳузуриға кирсам талаба дарсдан қолур деб кирмадим. Чунки бошқа мадрасаларға бир-икки мударрис ҳузуриға кирдим, бериб турган дарс ва сабоқларини ёпиб олиб ўтурдилар. Бу мударрисни ҳавоси ва фарри хазролиги ичиндаги талабаларни касратиға инсон ғабт эдар, мадрасаға бир эмас, икки мартаба кирдим, бориб боний марҳум Муҳаммадалибойға дуо ва фотиҳа қилдук, ҳақиқатда Муҳаммадалибой ўлган йўқ ва бу асари хайрияи азимасила маънан ва моддатан исботи жуда етиб турубдур. Бу мадрасаға боний марҳум неча сарой ва катта иморат ва бир неча каппонлар ва юзлар ила дўконларни вақф қилиб кетибдур. Икки миллиён фарғоналик мусулмонларни сарафроси ва сартожи ушбу мадрасани мевасидур, наки ушбу марҳум Муҳаммадалибой фақат Фарғона аҳлини сартожи бўлсун, балки ўн миллиёнлик Осиёи Вусто мусулмонларини ушбу асрға етушган ходимидин ва миллат қаҳрамонидур, тўғриси, биз Муҳаммадалибойни бу ҳиммати ва асари хайрияси илан дўст-душман ҳузурида ифтихор қилармиз. Оллоҳ ани раҳматиға ғариқ этгай ва анга халаф ва амсолларини халқ этгай, омин.

Хўқанд, Андижон мадрасаи қадимлари анинг азим аш-шаън ва ободон сервақф мадрасалардур. Агарда буларни ортқан маънавияси етса, бутун Фарғонани тажидд ва тараққийи фавқулодасиға ва мадрасалар кафилидур. Баъзи мударрис ва мукаррилар дарсхонаси эшигини орқасиға ва баъзи талабаларни маҳал ва муколама ва мунозаралариға бориб симоъ дарс айтар эдимки, ҳаммаси чи мехоний порсолаги Бухоро ва Самарқанд дарсхоналарини тартиби ҳамон мантиқ, ҳамон чириб мансух бўлган ҳикмаёти юноний ва агарда наҳв ила фикҳ дарсларини эшитмасам анқариб хафақонмиз тутар эди.

Фарғона халқи ва талабаси умумий даражасиға туркча мутакаллимдурлар, қорилар фикрини яна бир ишға жалб қиларманки, ул мазкур Фарғона муаллим ва мутааллимлари форсийға ноошно бўлуб туруб яна дарс ва китоби арабийни форсча баён ва маъни қилмоқ ўлдиқларидин иборатдур, ажабо ўқулатурган илм ва фанлари талабға бус-бутун ноошно ва янгидан эшитилатурган бир моддадур ва ўзи арабча жаноб муаллим ва мударрис

афандилар турк ва ўзбек шогирдлариға бу дарс ва илми арабийни форс тилиға тақрир ва баён қиладурлар. Бу талабаларни ўндан тўққузи ани учун ўзини ўқийдурган дарсини фаҳхламайдурки, турк шогирдиға туркча ва форсийға форсча тақрир ва баён қилинса гаммози фан ва дақоиқ луғатни ўз тиллари ила кашф қилиб билсалар ва, аммо, бизни Туркистонға умуммударрислари турк шогирдға форсий дарс берадурларки, шогирдлар уч-тўрт гуна харж, балки ҳужраға йўлиқиб баҳрасиз васил бўлурлар.

Бу ҳунарни боши қаю ердин дейдурганларға айтармизки, Туркистонға нисбатан Бухоро маъдани илмдур. Туркистон мударрислари аксарият ила Бухорода хатми улум этадурлар. Бухоро тили форсий ва аксари уламози Бухоро ва Самарқанд кўҳистон форсларидурки, мадрасаларға форсий дарс берадурлар ва талабаси турк, татар, қирғиз, туркман форсий на бўлса-бўлсун форсий таълим берар, Фарғона, Сирдарё ва Мовароибҳаҳри Хазар ва туркмони шарқий Хива, Афғонистон ва Туркистон вилоят ва мамлакатларини талабалари қаю тилға бўлса-бўлсунлар ва Бухорода дарсларини форсча симоъ айтарлар, азбаски, Бухоро устозларини юздан бири билмаса туркийча билмазлар. Фарғона мударрислари аксарият, балки алалумум Бухоро шогирдларидурлар ани учун устод форсийлардан эшитган ва олган нарсаларини айнан, балки бироз нуқсон ва таҳриф ила шогирдлариға форсийча таълим берарлар. Биз мундин муқаддам «Туркистон»дан, «Тужжор» жаридалари ёзиб эдукки, Туркистондан форсий ва туркий-арабий тақрирға моҳир ўн эмас, бир мулло топилмас. Уч тилни қўйдук, алардан иккисиға ҳам моҳир, албатта, йўқдур. Ҳоллар кундан-кунға илмни таназзулиға, миллатни наҳаттоғиға сабаб бўладур. Уламо ва талаба орасиға бу сўзларни ёпмоқ керак.

Газет ўқийдурган савдогар ва дўкандорларимиз жаридаларни ўқугандан сўнгра мадрасаларға бериб юборсунларки, уламо ва икром ва талабаларимиз ўқуб фикр қилсунлар. Истиқболда устодимиз ходимдан ва миллатимиз раҳбардин ва дунёмиз бирла турган бу кунги шогирд ва талабаларимиз замони ҳозирадан, сиёсатдан, рафтори умами мухталифадан, дўст-душманларимизни биз тўғримиздаги фикридан ва Русия давлатини улуғлиги ва бизни андан на тариқа баҳра топмоқимизни имкони ва Ру-

сия давлатига тобе мухталиф фирқа ва жинсларни бизни дин ва дунёмизга зарар келтуратурган афкор ва ороларни билсунлар, дунё ва тарихдин тажриба ҳосил этсунлар, Русий улум ва фунун ва тамаддуният(дан) баҳра олсунлар, Русия мамлакатига бил-феъл ижро ва шарик истеъдод ҳосил қилсунлар ва, илло, қувваи ҳокимага молик руслардан бошқа унсурлар ҳам бизларга дин, мулк ва сарватимизга галаба қиладурларки, Русия давлати эмас, ўзимиз сабаб бўламиз. Модомики, уламомиз сиёсатдан, улуми диния устига ва маошия ва ижоби замониядан беҳабардур, биз доим таданний қилармиз, танзил этармиз, ривож иртиқодин ва миллат учун уламони илми диний ва дунёвийдан комил хабардор бўлуши керакдур ва ал-он уламомизни улуми дунёвия ва маошиядан беҳабарликлари ва оростаи шабадур (Марғилон ва Хўжанд тўғрисидаги ахборотимизни бошқа мактубимиз ила манзур қилармиз. Ушбуни ила кўрушган дўстларимизга таблиғ салом қилармиз) вассалом валикром.

Самарқандий муфти Маҳмудхўжа валади

Беҳбудхўжа ўғли

ТВГ. 1907 йил 30 декабрь. №97

ҚАДРДОНИЙ

Рус генералларидан жаноб баланд даражалик мутаваффо Илья Давидович Гескет уч сана муддат Самарқанд областига военний губернаторлиқ мансабиға турдилар. Бу муддатга русия ва мусулмония аҳолиларини тарбият ва ҳифзи сиёсияи моддиялари тўғрисида энг позикона ва мулойимона кайфиятда коргузорлик этдилар. 17 октябрь манифести олийдан муқаддам ва муаххар биринчи мавридларға рус мусулмонларни бир даражаға кўруб, ийд ва байрамларда мусулмонлар илан ва обинча дастурхонлар тузуб аъёни балдаға машваратомиз насиҳат ва фармойишларға бўлур эдилар. Мазкур муддатни шундай бир яхпилик ила ўткардиларки, на ҳукмронлик ишлариға ва на оммаға бир футур зарар келмоқ нари турсин, рижоли ҳукуматдан ва ҳар хил област

аҳолисидан ул баланд даражалик мутаваффога ҳеч бирар из но-
розилик бўлмаганлиги арбоб наздиға собитдур.

Ҳозирданбирсанамуқаддамимпературиаъзамҳазратларитарафи
олийларидан келган бов шаҳриёри генерал Максимовичдан ҳам
фавқулодда ризомандликларни кўруб эдиларки, ул мажлисга бор
кишиларға маълумдур. Ул зотға иши тушуб манзур бўлган ҳар бир
фуқаро ва жамият қуззот ва аъён миллий мансабдорлар ул зотни
фавтиға таассуф қиладурлар. Алалхусус, биз ва бизни ҳовлидаги
мактаб болалари ул зотни фавтиға изҳори асф этадурлар. Чунки
мактабимизни шаҳарға (ҳовлиға) рухсат бериб ва ўзлари имтиҳонға
келиб кўруб эдилар.

Ва ушбу мактабни шаҳар ўртасиға бино бўлинмоғи учун ша-
ҳарни мустадрик ерларидан 35 саржиндан зиёда ерни берилма-
киға саъй қилиб эдилар.

Ҳархилоч ва яланғоч кишиларға доим киссаларидан ақча берар
эдилар, хулоса, мутамаддин ва яхши хулқ соҳиби такивлик фу-
қаропарвар бир зот эдилар.

Ўтган декабрь ойини аввалиға фавт бўлуб жасади беозорла-
ри Петербурғға нақл бўлди. Мундан йигирма сана муқаддам Са-
марқандға ҳоким-началник бўлуб турган Арандоренко ила му-
таваффо Гескет жанобларини барча Самарқанд аҳолиси ҳурмат
ила ёд этганларидек баъзи муқаддам полицмейстер ва начал-
никларни нафрат ила ҳикоят этадур.

*Давлат жорид ёфт ҳар ки науку кор зист.
Самарқандий муфти Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўгли
ТВГ. 1908 йил 6 январь. №2*

ШУКРОН ВА ХИЗМАТ

1907 йил 25 декабрда «Тужжор» газетининг ношири Саид-
каримбой Саидазимбой ўгли икки рафиқи муҳтарамлари илан
ҳовлимға мафтуҳ мактаби усули жадидға келиб икки соат қадар
муддат болаларни ҳисоб, жуғрофия, тажвид, иншо, сарфи ара-
бий ва «Шифоҳия» ва қироати Қуръон ва форсий ва туркий назм

ва нашрдин ҳифзан ва китобан имтиҳон этиб ва муаллим Мулло Абдулқодирга ўн беш сўм бериб кетдилар. Кўрган нуқс ва кўтоҳликлари ва мактабни ноинтизомлиги тўғрисида баёни афкор этмоқлари маржудур. Шаҳримиз бойлариндан баъзисиға ушбу мактабни кенгайтуруб ва ададини орттурмоқа маслаҳат бериб ташвиқ қилибдурлар, ривожи илм тўғрисида Саидкаримбойни маънан ва моддатан ва жисман ҳаракат сарфи мол ҳам жисма ва ғайрат этганлари учун илм ва миллатпарастлар ул ҳурматликни ғанимат ва қийматбаҳо билмоқлари лозимдур. «Тужжор» жаридасини зарариға қарамасдан чиқариб турмоқлари дин ва миллатға сабаби ривож ва улуг бир хизматдур. Иншооллоҳ, бир-икки йил ўтса, эътидол фикри ва қалами илан ушбу «Тужжор» жаридаси хизмат қила берса ҳам халқға манфаат еткуруб, бир-икки санадан сўнгра минглар ила сўм фойда ҳам келтуришға шак ва шубҳа йўқдир.

Ақча ва модда жиҳатдин Саидкаримбой «Тужжор»ни(нг) бонийсидур. Аммо адабий ва таҳририй ва маъно тарафиндан мамлакатимизни муҳаррир, адиб, шоир ва мухбир, олим ва муттақин сиёсийлари ривож бермоқлари лозимдур. Саидкаримбой ўз хизматини тамом этди, ёлғуз ул кишиға лозим иши жариди зарари молиясини бир-икки йилгача қабул қилмоқдур, сўнгра ул зарарларни ўрни тўлуб ҳам тошар, подшоҳлик «Туркистон вилояти газети» ва фуқаро ҳам талабаларни ниҳоли умид «Шухрат» жаридаси ва миллатпараст бой «Тужжор» жаридаси алҳосил Туркистонға бу кун мавжуд уч жариданинг ривож ва интишори ва халқға ходимлиги ва давомини тиламоқ ва анга саъй қилмоқ ҳар биримизға алзум лавозимотдандур ва булардан бошқа жаридаларни тулуб ва таваллудиға яна дуоимиз буларни орасиға ихтилоф оро пайдо бўлишинин қўрқулмасун, фақат ораларинда низо ва рақобат моли ва зоти ва шахси кирмоқидин қўрқмоқ керак. Ал-аҳамму фал-аҳамму қоидасинча, энг кераклик ва фавран зарурий ишлардан ёзмоққа фикр қилунсин, маъносиз жабр ва лузумсиз мақолалар ташлансунларким, бу жариди муҳаррир ва ноширларини шахсиёт ва молиёт жиҳатидин ва таассубот тўғрисиндан бир-бирлариға муқобала қилмасалар, сиёсат, яъни политик тўғрисида ва аснофни бир-бириға тааллуқ маслаҳат ва машварат ва авом аҳоли тўғрисидаги гўшмол сўз ва танбиялар,

хулоса, ҳар ваҷҳға нуқтаи фавз ва сабаби нажот ва тараққий бўлган сидқ ва тавассутға истиқоматни лозим билинур, суръат ва шиддат ила кетатурган ҳар жисм ва фикрни сад садидиға уғротиб нобуд қилмоқ табиатни эски одатидур, хусусанки, бизларни, яъни оёқға кирган тифлларимиз шоир айтадур:

*Равон нестки гаҳ тандга оҳиста равад,
Раҳрав онистки оҳистаи пайваст равад,
Боқий арз хулус вастар шод.*

**Самарқандий муфти Маҳмудхўжа
Бехбудхўжа хатиб ўгли
ТВГ. 1908 йил 6 январь. №2**

ПЕТЕРБУРГ ЖОМЕЪ ШАРИФИ

Самарқандшаҳрини биринчи қитъа қозиси жанобличной почетной гражданин қози Мирзо Ниёз Муҳаммадни Петербургға қилинадурған жомеъи шариф биноси учун уч юз қанча иона ва худойи жамлаб юборганлари ва худойи берган зотларни газетға кўрулди. Оллоҳ таоло жаноб қози Мирзо Ниёз Муҳаммадға ушбу саъйлари учун ажрлар берар, хайр эгалариға ҳам ҳасанотлар бериб, гуноҳларин маъв этарга оят ва ҳадислар мунга далилдур. Қози Мирзо Ниёз Муҳаммад жанобларини ушбу саъйи худо пи-сандоналари мужиби ибрат ва шукрондур.

Туркистон крайиға Самарқанддек ва андин каттароқ ўнлаб шаҳарлар бор ва кичикроқ шаҳарлардан ўттуздан зиёда бордир. Ва Туркистон музофотиға бир неча юз қози ва бўлустной управители борки, буларға ушбу «Туркистон вилоятининг газети», албатта, борур. Петербургға жомеъ шариф бино қилинмоқ учун императури аъзам ҳазратларини продалари ўн йилгача ақча жамламоқ учун берган рухсатларини ва амир равшани замир Бухоро Саййид Абдулаҳадхон жанобларини маблағ уч юз ўн минг сўмға 1200 мураббаъ саржин қадар ерни сотиб олиб масжиди жомеъ ўрниға берганлари ва ҳар кимни худойи бермоғи лозим-

лиги ва жомеъни биносига яна ярим миллиён сўм кераклигини Туркистондаги барча қози ва бўлустной управителлари офтобдек равшан биладурлар. Аммо маҳали афсус шулдурки, аларни берган ва жамлаган худойилари газетга кўрулмайдур. Қуззоти аъзам вал волийи эҳтиром бўлустной управителларимиз жаноб қози Мирзо Ниёз Муҳаммаддин ибрат олмоқлари керакдур, ўнунчи маротаба таъкид ёзарманки, Петербург биз, Туркистон мусулмонлари учун жисми пойтахтдур. Анда масжиди жомеъ бўлунгандин сўнгра руҳан маънода анга тобе бўлурмиз, замон оянда Петербург дорулфунунларига ва Думасига биздин кўп адад вакиллар ва талабалар борадур ва анда мусулмон масжидини алар кўрмаса ва, ёинки, кўруб бизлардин иона ва ёрдам берилмаганини билсалар, кўнгуллари синиб нуфузлари қирилур, ҳозирга ҳам бўлса вакиллар замонга ҳам бўлса ул суратда халлоқи олам бизларни жамият ва динга кам ихлос ва ҳиссиёти молиямни йўқ деб мазаммат қиладурлар. Русия олами исломига ҳам бизлар уятлик бўлурмиз, хулоса шулки, ҳар ким бақадри ҳол бир сўм, беш сўм, ўн сўм жамлаб кимларни налар берганини рўйхат қилиб, ақчани Петербург подшолик бонкасининг 34404 нумрига масжид комитети исмига юбориб, рўйхатини газетга берса мумкиндур ва, ёинки, комитет тарафидин қўлига дафтар берилган кишига бериб санад олса ва ё пўчта воситаси ила анга юборса мумкиндур. Аммо баъзи газетлар ёздиларки, Петербургга бир тоифа халқ арза берибдурки, масжид бўлмасун деб. Ва, лекин, арза берган бўлсалар ҳам бу масжид биносига аларни зарари тегмаса керак, на учунки, императури аъзам рухсат берган ва, ҳолбуки, мусулмонлик янги дин эмас, балки 1300 санадин бери оламга истило қилгандур ва Лўндўн, Париж ва бошқа насоройи пойтахтларига жомеъ бино қилдургандур, аларни арзаси бизни Петербург масжидига зарар келтурмаса керак.

Тараққийпарвар руслар Русия газетлари илан у мутаассиб ва дунёдин камхабар одамларни жавобини бердилар, бизни нодон ва дунёдан хабарсиз муллоларимиздек Русияга ҳам нодон халқлар кўйдур. Подшоҳ рухсатини улар мансук қилолмайдур, ани учун бизлар жамъона худойи бермоқимиз лозимдур.

Сирдарё областини Петроалександровский пўчтахона воситаси ила управления Таджандскийдан етти сўм хайр бериб масжид

биноти учун маним номимга келди. Аммо пул юборган муҳта-
рам зотни исми маълум бўлмади. Биз 104-нумерли сон дафта-
римизни 13-саҳифа 5162-нумерига ёздук, Оллоҳ қабул этгай.
Яна бизга худойи берган ва юборган кишилар қаторига газетга
ёзармиз, комитет тарафидин Петербург борганимга манга ақча
жамламоқ учун дафтар берилгандур ва ҳар ким худойи берса
ва юборса маатташаккур санад берармиз ва исмини жаридалар
ила эълон қилурмиз. Беш-ўн сўм ҳар фойда қолур ва ҳар ким-
ни ҳиммат қилиб иона бермоғи лозим ва савобдур. Ушбу тўғрига
муфассал маълумотни хоҳлаганлар 1907 йилдаги ушбу газетни
82-88-89-нумерларига муурожаат қилсун.

*Самарқандий Муфти Маҳмудхўжа
Беҳбудхўжа ўғли
ТВГ. 1908 йил 27 январь. №8*

САМАРҚАНД МАКТАБИ ҲАҚИНДА

Самарқандий Мулло Абдулқодир шаҳардин уч чақирим
ташқаридаги ўз ҳовлисида усули жадид мактаби очиб эдики,
болаларни шаҳардан бориб келиши кўп мушкуллиги учун ман
роқими ҳуруф Маҳмудхўжа муфти жаноб баланд даражалик Са-
марқанд губернатори ва полицмейстерини олиб бориб, кўрса-
тиб ва шаҳарга ўз ҳовлимга кўчируб, мактабни очтурмоқ учун
рухсат олиб шаҳарга киргузуб эдимки, икки йил бўладур. Олим
ва жоҳил мусулмон ва ўрус ва бу икки тоифани катталаридин
ва инспектурлар келиб кўргандурлар. Ҳар йил уч кун имтиҳон
бўладурки, неча юз киши кўруб кетар. Қози, муфти ва мударрис-
лардан баъзилари келиб кўруб кетадурлар, табиий баъзилари
таҳсин ва баъзилари нақиҳ этар, икки санадин бери шаҳримиз-
даги барча қози, муфти, мударрис ва бойларни имтиҳонга хат
ила хабар қилурмиз (келиб кўрсунлар, дуруст бўлса ривож бер-
сунлар, нодуруст бўлса, далил ила ибтол қилсунлар), аксарла-
ри ҳам келмайдур ва ҳам кўр-кўрона тош отадурлар, ғойбона ва
мабҳусга нимарсани билмасдан ваҳҳни сўрамасдан... деюрлар.

Ман бу мактабдан бир тийин ҳам умидвор эмас, манфаат ва мазаррат молияси муаллимга рожедур, икки санадан бери манним таҳрир ва таъб қилган жуғрофия ва алифбо китобимдан бу мактабга ўн сўмлиқдан зиёда масориф бўлган йўқ ва муродимиз хизмати дин ва миллатдан бошқа нимарса йўқдур. Аммо баъзи мударрис ва муфти ва қозилар биздан ҳовлимизга мактаб келтирганимиз учун норозилик изҳор қилар эканлар, бизни мактабга бидъат нимарсалар ўқулурмиш... Ман дейманки, оре, бизни мактабга сиз бидъат дейдурган нимарсалар бор ва, лекин, бидъати ҳасана ва нофеъдур ва бизда бидъат ниҳоят кўп ва эски мактабларга кўра юзлар ила бидъат бизда бор ва, аммо, ҳар бири кераклик ва савоб ва баъзиси вожиб ва баъзиси фарз бўлган бидъатлар борки, алар сабабини соатлар ила сўйлашиб, керак бўлса баҳс қилсунлар, биз жавоб берайлук, важҳ кўрсатайлук. Йўқ келмайдурлар (қаръи)ларидан ва бечора авомлар шак солмоқларидан ва биза носазоъ ғойибона демоқларидин ва исмсиз хатлар ила беҳуда сўйламоқдан баъзи кишилар сокит турмайдурлар.

Пора ила қози ва мударрис¹⁵⁹ ...бўладурлар, вақф ва сағир молиға хиёнат этадурлар, муфти бўлуб мужонат қиладурлар, бир мулло бир неча мансабни ўзиға олиб ҳар бирини маътол қўюб талаба ва бошқа мустаҳиқ мулло ва муносиб кишиларға жабр қилар, зарари йўқ ва лекин холис Оллоҳ ҳовлимизга мактаб очсақ ва биз маълум авлоди муслиминга иймони ислом, қироат, тажвид, амалиёти исломия, ҳисоб, жуғрофия, тарих ва бошқа кераклик нимарсаларни таълим берсак бидъат, залолат бўлурмиш, субҳон-оллоҳ, бу қандай куфр ва бу қандай кўрлик. Биз бу бежо таъналарни тамоман ўз зиммамизга олиб, ушбу мактабни очтук ва яна бир нечасини, иншооллоҳ, очармиз. Кўча ва далаларда ғойибона сўзлаб юргунча ва исмсиз мактублар ёзиб чарчагунча, келиб мактабни ҳар бир сирларини ва ҳар панжшанба кунни эртадан кечғача кўруб, баҳс ва мунозара ила абтол қилсалар нафъи умумдур. Халқдан ва ё ҳукуматдан махфий тутила турган бир нимарса йўқ ва ҳар баҳс ва саволға жавоб берурмиз. Форсий жуғрофиямни 17-75-83-саҳифалари ва алифбомни 36-37-саҳифаларидаги жаноб домлаи жоҳилни иштибоҳларига жавоб берамиз, газет ила ҳам жавоб берам эдим, аммо кўп узун ёзмоқ керақдур.

¹⁵⁹ Ҳар икки мақоладаги кўп нуқталар муаллифники.

Мактабда ўқулатурган илм ва китоблардан маъажумла баён қилмоқни ушбу мактубимизда лозим билдук, мактабимиз икки қисм: бири ибтидоий – ани муддати таҳсили тўрт йилдур, биринчи сана алифбой форсий ва арабий ҳам ўқуб ҳам ёзар, ҳифзи намозлик ўқур, бир неча сура ва азкори салавотни ҳифз қилар, ҳисоб зеҳни маа тасрифи рақам амалиёти илан қилур. Баройи бадъи маориф ҳам ўқур.

Ушбу бир санаға хат битмоқни билур ва иккинчи сана «Ҳафтияки шариф», бадъи маориф, иймон ва эътиқод ва савод, ҳикоят китоби ва ҳисобдан жамъ ва тафриқ, форсий, туркий ва арабий шеър, қасида ва салавот ўқур, учунчи сана Каломи шариф, ибодати исломия, тажвид, форсий, туркий шеърлар машқ ва муҳаббатсиз, Саъдийдан насиҳати ҳукамо, форсий ва туркий кичкина иншоларни ҳам ўқур, ҳифз қилиб ҳам ёзар, ҳисобдан зарб ва тақсим, тўртинчи сана Каломи шариф, содоти исломия, муфассал тажвид, форсий ва туркий назм ва наср, ишқ ва муҳаббатсиз ахлоқий китоблар, иншои форсий ва туркий, ҳисобдан амали арбаа, амалий ва назарий тарихи анбиёи алайҳиссалом, муқаддимаи жуғрофия, аҳли сунна ақидаси. Ушбу тўрт йилға форсий ва туркий тилиға ва китобиға ва ҳисобни амали арбааси иш қилмоқға ва Қуръонни тажвид илан баён қилиб бақоида ўқумоққа ва заруриёти диния ва аҳволи анбиё алайҳимуссаломға ва бироз аҳволи олам ва мардумони дунёға вуқуф пайдо қилиб хат ва саводи мукамал чиқадур. Эски мактабда ўн сана ўқутан рушдлик шогирддан яхшироқ билур.

Русия мамлакатини ва Русия рақамларини яхши билур, ишонмаган киши келсун, тўрт йил ўқутан болалар борки, юқоридагидан зиёда нимарса билур ва кўрсатурмиз.

Бу тўрт йил тамом бўлгандин сўнгра болани мураббийси хоҳласа рушдий синфға тўрт йил ўқутар ё хоҳласа мадрасаға юборар, ё урфий мактабиға берар, ё тирикчиликға солар. Агарда халқ болаларни отаси қабул қилса, меним фикрим шулки, тўртинчи санада русия ҳуруфотидин ҳам ўргатилса, чунки ниҳоят нофеъдур. Аммо мусулмоний ўқулуб турган мактабни халқ кўнглини ёмонлаб совутган (...)лар мактабни мансух қилмоқға асбоб қиладурлар, халқни бироз тушунмоғи ва қарамоғи керакдур. Ибтидоий мактабни ажмоли шундан иборатдур.

Мулло Абдулқодир муаллим ва ман бир тартиб ва программаларни туш кўруб топганимиз ва ё шайтондан ва ё бошқадан олганимиз йўқ, балки газетга кўрдук ва муаллими Хўқанд, Тошканд, Бухоро, Оренбург, Қозон шаҳарларида юруб, ибрат олубдур, ман бўлса мазкур шаҳар ва диёрларни-да кўрдум, Кафказ, Истанбул, Миср, Ҳижоз, Арабистон шаҳарларидаги эски ва янги мактаб-мадрасаларни озгина муддат бўлса ҳам кўруб, бироз тажриба ҳосил қилдим. Янги тасниф бўлган фанний ва фалсафий ва илмий китоб ва рисоалардан бироз мутолаа этдим ва ушбу сана ичкари Русияни баъзи шаҳар умронотини кўруб, Татаристонни баъзи жойини юруб келдим. Русиядаги мусулмон мактаб программ ва тартибларини кўздан кечируб мамлакат ва шариатга татбиқ қилиб юргузуб турубмиз. Аммо халқ сўзига ишимиз йўқ, шогирд бўлса вақтимиз борича мактабга хизмат қилмоқчи ва мактаб нофеъи ва шаръийлигини халққа исбот қилмоқчи ва ададини кўпайтурмоқчимиз. Халқ келсун, иштибоҳ қилса баҳс этсун, қусур хатоси бўлса, маълум ва танқид қилсун, токи мактаб ислоҳ топилсун, рўйи роҳат этиб хатосиз бўлса, эътироф ва ружуъ қилармиз, биз мусулмон болаларини кофир эмас, мусулмон ва донишманд бўлишига саъй қилиб турамиз.

Халқимиз, хусусан, муллоларимиз беҳабарона ушбу мактабни ёмонласалар, биз учун эмас, балки келиб кўрмай ва таҳқиқ қилмай кўр-кўрона, омиёна, кампирона ёмонлаб юрганлари учун аларни аҳволига хафа ва диққат бўлурмиз, аларни ёмонлаганидан, таънидан бизга ҳеч зарар йўқ (билмасдан ва кўрмасдан ва дунёдан беҳабарлик ва тажрибасизликдан мулоқот этарлар, алар маъзур ёинки ожиз демоқдан ўзга бир нимарса деёлмаймиз).

Дарвоқе, алар кўзича асло кўрмаган тартиблариға болаларни ўқутулса то ишни ҳақиқатлариға етгунча ҳар на айтадурлар, бизни Самарқанд ва Туркистон эмас, ҳамма дунё шундайдур. Билмаган нимарсамизга душман бўлмоқ, яхши-ёмон демоқ бизни бани Одамға одатдур, энди мактабимизни рушдий қисмидан қисқагина баён қилайлук (охири бор).

***Самарқандий муфти Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўгли,
муаллим Мулло Абдулқодир қори Абдушакур ўгли
ТВГ. 1908 йил 30 январь. №9***

САМАРҚАНД МАКТАБИ ҲАҚИДА

(Давоми)

Самарқанд мактабини иккинчи қисми рушдиядурки, мунинг ҳам муддати таҳсили тўрт сана. Ва мазкур мактабини тўрт сана-лик ибтидоия қисмини тамом қилган шогирдлар рушдия қисмига қабул қилинадурлар ва ўқувчи биринчи сана сарфи арабий, жуғрофия, шифоҳияи арабий ва форсий, таржимаи жумла, «Мухтасар виқоя», «Тарихи анбиё» ва «Тарихи ислом», истихрож ва касур истифодали дарслар. «Гулистон»и Саъдий, иншои форсий ва туркий. Иккинчи сана сарфи арабийи шифоҳия, «Тарихи ислом», «Мухтасар виқоя», «Ахлоқи муҳсиний». Истифодали туркий дарслари касур ва истихрожи форсий ва туркий иншолар, тарихи ақида; учунчи сана сарфи ва наҳви арабий, ҳисоб, ҳандаса, до-рулқазода маҳкамаи исломийга тааллуқ хатлар ёзиб, «Мухтасар виқоя», тасҳиҳи ақида, мужмали тарихи умумий маошига тааллуқ фунун ва истифодали дарслар. Туркий хат, русий правай книга (правовое книга – С.А.); тўртинчи сана, наҳви арабий, «Мухтасар виқоя», тасҳиҳи ақида, хат ва сарфи русий, қозихона, бўлустнойхона хатлари таълими, туркий адабиёт намуналари, ҳифзи сиҳҳат, ҳикмат ва ҳайъат ва табиятга тааллуқ истифодали дарслар.

Мунда биродарлар мактабимизни програми ҳозира ва ояндаси шундан иборат ва ал-он мактабини бешинчи йилини аввалидур ва синфи рушдийни биринчи йили ушбу келар апрел ойини охирига бўлатурган имтиҳонга тўладур. Бу саккиз сана-лик мактабини ўқуб тамом қилган шогирд форсий, туркий фасиҳ ҳам сўйлаб, ва, ҳам адабийга мақолалар мазкур икки тилга ёзар, яъни форсий Бухоро ва эроний ё туркий ... ва усмонли лаҳжасига бўлсун қувваи таҳририя ва тақририя пайдо этар. Арабийга бироз мутолаа пайдо қилур, русча ўқуб ва ифода маром этмоқга қодир бўлур. Заруриёти диния ва тасҳиҳи ақидадан ҳисса олур. Жуғрофия, кўсмогрофия, тарих ва ахлоқдан, ҳисоб ва масоҳат, ҳифзи сиҳҳат ва ҳикмати жадида ва аҳволи оламдан бироз воқиф бўлур. Туркистон дорулқазолари, бўлустной управител маҳкамаларини усули китобат ва мирзолигидан хабардор бўладур. Араб ила арабий, ўрусий ила ўрусий сўйлашмоқга ҳам қодир бўладур...

Мундан сўнгра бу шогирд хоҳлаб касб ва тижорат қилар ёинки мирзолик ва муҳаррирлик қилар, ёинки яна усули жадида мактабларига муаллимлик қилур, ё русий мактабларига кириб, ўрусчасини камолга еткурар, ё мусулмон мадрасаларига кириб ўрта ва олий улуми исломия таҳсилини биткариб, хатм қилур, ёинки Мисрға бориб улуми олияи арабия ва диния ва фунуни лозимаи замония ўқиб истикмоли маълумот қилиб мударрис, профессор бўлур. Хулоса: толеъи ва қисми ва савқи табиияси нечакидур бўладур...

Бизнинг муродимиз шул, ушбу йилимизни натижа ва маҳсулини кўрмоқ ва тажриба ила саккиз йил, яъни тирик бўлсақ, тўрт сана шу муддао йўлига саъй қилмоқға ният этганмиз ва Оллоҳ таолодан тилагимиз ушбу муродға етсақ, жаноб қуззот ва аҳли фатво ва мударрислардан, имом ва аҳли дониш ва қаро ва бироз авни мусулмонлардан ва ағниёдан ва урафо рус асл ватанимиздан илтимос қиламизки, келиб кўруб нуқс ва қабихини бизға кўрсатсунлар. Ҳоло уламо маънан ва моддатан бизларға ёрдам берсунлар. Бу мактаб диний ишдур. Ва таййи нимарса ва кўбға тааллуқдур ҳам ким аслиға ғайрат қилса савобдур ва ҳам кимни мудохаласи мумкиндур, келиб кўруб етишмаган жойларини билдурсунлар, хилофи ақидаи исломия нимарса мунда ўқилатурган китобларға тобсалар кўрсатсунлар ва иштибоҳларини баён қилсунлар ва мамлакатға, ҳукуматға зарарлик нимарса бўлса, кўрсатсунлар, токи хабардор бўлайлук. Аммо узоқдин туруб шамол ила ҳар нимарса эшитиб, улай эмиш, булай эмиш, хилофи ақида ва китоблар бор эмиш, ўрусча ўқуб мусулмонидин беҳабар қолар эмишлар, мухтасар жуғрофияи русия ва габрлик-бутлик китоб ўқуб кофир бўлар эмишлар... ва шунга ўхшаш беасл ваҳмий ва авомий ва занона ва афсона сўзламоқ, кўрмай тош отмоқлардан на чиқар. Андан беҳроқ шулки, китоб кўруб ҳар бир бидъат кўрунатурган нимарса ва ўқуш тўғрисида баҳс қилиб, ё таслим қилмак керак ва ё ибтол ва илзом.

Ал-он мактабимизға 80-90 қадар бола борки, муовин ва бир муаллим ила идора қилинур. Болаларни ўндан зиёда мажжоний ва бақияси бир сўмдан икки сўмгача ва бир-иккиси уч сўмдан ижара келтуруб ўқийдурлар. Ман роқими ҳуруф Маҳмудхўжа ўз таҳрир ва шахсий ишларим ва муфтилигимға машғул, фақат мактабни программ машваратиға аралашурман, таълимиға ва дарсларни соатға тақсими мулла Абдулқодир зиммасиға ва мактабни нафъ ва

зарари молияси ҳам анга оиддур. Бу ишимиз учун такфирми қиларлар, талъийн ва талбибми айтадурлар. Турувимиз ҳамшаҳриларимизга сўзимиз шул ва мундан бошқа ҳавойи ва самойи ва узунқулоқ ва занона сўзлар эшитганда сидқ ва кизбни қилмасдан ҳукми ғойибона ва қарори олиёна ва тасдиқи нодона этмаслик аҳли илм ва инсофдан маржудур. Мунга кўнмасалар-да ишимиз йўқдур.

Матлаб ва аъмолимиз тараққий ва таолий аҳли ватан исломдур. Русиянинг улум ва фунуни замония ва маония ва културидан нафъланмоқдур. Замондан хабардор кишилар етиштидируб Русияга билфеъл шарик бўлуб ишға аралашмоқдур. Биз тараққийи аҳли ватан йўлига саъй қилиб ва мактаб очиб, дин ва илмға хизмат қилмоқ учун усули кордан беҳабар ва замонға ноошно кишилардан на қадарки мазаммат в амалъанат в атаъна эшитсақ ҳам хизмати диния ва миллия қўлимиздан келганини дариф тутмаймиз. Ал-он зимму қидоҳ истасалар, замони айндағи ва ўзимиз ўтган сўнг, албатта, мадҳ этиб, раҳмат ўқурлар ва ҳозирги кишиларимиз ҳам нияти хайриямизни билганда, албатта, хурсанд бўладурлар. Ал-бақо индалбоқий.

*Самарқандий муфти Маҳмудхўжа Бехбудхўжа
ўғли, муаллим Мулло Абдулқодир Абдушакур ўғли¹⁶⁰
ТВГ. 1908 йил 2 февраль. №10*

БАЁНИ ҲОЛ

Беш-олти йилдан бери ушбу «Туркистон вилояти(нинг) газети»га биз гоҳо мақола ёзурмиз: ичиға илмий ва фанний ва масоили шаръий ва сиёсийға тааллуқлари хийла бор ва баъзи нумералари ал-он маҳфуздур. Бир-якки йил муқаддам ёзганларимизга диққат ила қараганда киши биладурки, ушбу газет халқни унча гумон қилғонидек, қаро эмасдур. Чунончи, баъзи ёзганлари расмий ҳуррият газетларини сўзидек. Агарда Туркистондаги муҳаррирлар

¹⁶⁰ Ушбу аҳвол замонимизга мувофиқ муфти Маҳмудхўжа ва муаллим Абдулқодирни янги тартиблик таълим ва тааллум хусусида қилган саъйи ва ҳаракатлари мусулмонияларга ниҳоятда нофиъ ва муфиддур, то анларни таън ва лаъни беҳуда ва бежодур. *Идора.*

эътидоли лисон ва қалам ила мақолалар ёзиб, «Туркистон...» газетига юбориб ва ушбу газетни халқга ташвиқ қилсалар, албатта, халқга наф келтурар эди. Биз бир неча йилдурки, фикримизни ушбу газет ила халойиқга арз қилармиз, икки-уч мақоламиздан бошқаси доим нашр қилинди. Бизга ал-он сиёсати дувалдан баҳс қилмоқ лозим йўқ, фақат илм, ҳунар ва тижорати замония ва тариқи тараққийи умумдан баҳс қилмоқ керак ва ўз халқимиздан кўра ҳозирги ҳукумат тараққийпарварроқдур.

Халқимизга иттифоқ ва устод йўқ. Ани(нг) учун асороти жадида ва тамаддуни замонияга яқинлашмайдурлар ва ҳар нимарсадан ҳуркадурлар. Масалан, усули жаид мактаблари ё жуғрофия, ё расмий ва ҳукумат мактаблари каби.

Оре, бизга бир-икки нимарса керак, масалан идораи руҳония ва вақф ва маҳаллий мансабларга имтиҳон усулики, булардан ёзма керак ва ариза илан, вакил ва мабъус илан қонуний тариқида императури аъзам ҳазратлариға ва Думаға рижо қилмоқ керак ва Думаға яна шарик бўлушимизга истирхом этмоқ керак ва у Думаға бориб ишлайдурган одам тайёр қилмоқимиз керак, бу кун бўлмаса эртаға яна қўшулармиз. Русия аҳолисидурмиз, аммо қонунсиз ва бадмуомала ила ҳеч иш қилиб бўлмас, бежуз зарар.

Маҳаллий халқга ихтиёр берилганда эллик сана кейинги замонға қайтмоқчи бўлурларки, бу орзуси бизни тараққийимизга монев бўлур. Маним қосир фикримча, муҳаррирларимизга лозимки ҳам чунонки, «Тараққий», «Хуршид», «Шуҳрат», «Тужжор» газетлариға ҳар важҳдан мақола ёзар эдилар, ушбу газетға ҳам ёзсунлар, ҳеч бўлмаганда бир олти ой ёзиб кўрсунлар ва нашр-да этсунларки, на натижа берар, кўп хушомад қилмаймиз десалар, ўрта қалам ила ёзсунларки, тажрибадан чиқур.

Бизим бу сўзимизга эҳтимолки баъзи муҳаррирларимиз рози бўлмай, балки қаро бўлди деса, биз рангға боқмай натижаға боқармиз. Татар қардошларимиз туркистонлилар табиатидан камхабар ва бизни бирдан эллик сана муқаддамги вақтға қайтмоқни хоҳлайдурганларимиз юзда тўқсон тўққуз просентдур. Бу даъвони асло муболагаси йўқдур, бизни тараққийпарвар муҳаррирларимиз ҳукуматдан зиёда аҳолидин тазйиқ кўрадурлар.

Ўзимизни айбли билармиз, чунки турк ва татар қолғувчи қариндошларимизга истеъдод ва илми замоний борлиги учун ҳар бир асбоби тараққийни истеъмол қилиб турубдурларки, ҳуку-

мат монёъ бўлган йўқ. Масалан, газет ва журнал ва тараққиони ислон ва қироатхона, хайрия ва улум дорулфунуни кундуз-кеча дарслари қилуб ва амсол ва нашр-савод жамияти ва ё депутация юбормоқ ва петиция ёзмоқ ва мактаб ва мадрасаларга земстводан ақча олмоқ ва ғайриларидек. Бехилоф, биз, туркистонлиларга бизда асбоб йўқ, яъни замонага ошно киши йўқ ва агар бўлса ҳам ҳукмига нуфузсиз. Азбаски, оз ва комил эмасдур ва хон кўзинча кофир, бобий, билмам, налар аталур.

Бу янги темурқанотларимиз бир ишни бошласа, ёшлик ва тажрибасизлик ила менимдек адашур ва ё аввал қадамга аҳолидан калтак бир таън эшитар, дигар тарафдан истеъдоди ноқис ва комил образованный кишилари йўқки, ҳидоят ва ҳимоят этсун ва ҳукуматга ўзини-да муносабати йўқ, бас, ноилож қанотлар синар ва маъюб ўлар ва халқга-да манфур, малъун кўринур.

Кўрайлук, муҳаррирларимиз на ёзадурлар.

Самарқандий муфти Маҳмудхўжа Бехбудхўжа
ТВГ. 1908 йил 6 март. №18

БАЁНИ МАЪЗИРАТ

Ҳовлимдаги усули жаид мактаби програми ушбу газетни нумерлариға ёзилиб эди. Мазкур мактаб учун ва жуғрофия илмиға бир-икки рисола ёзганимиз учун баъзи мажлис ва мавридарда бизга куфр ва залолат нисбат берилгани ва ҳамма нимарсадин ва авлодимиз, жонимдин азиз билатурган иймонимизгача таарруз қилган учун ва мактабдин халқ ихлоси қайтмасликиға сабаб бўлурму, деб баъзи сўзлар ҳам ёзуб эдук. Саккизинчи нумерли газетға Петербурғ масжиди учун баъзи сўзларда ёзилиб эди. Мазкур сўзларни биз ҳеч бир хусусий кишиға хитоб қилиб ва бирор кишини обрўйини тўкмоқ учун ва ё молларини ўрус пўпларидан ёмон ва ё баробар деб таҳқир қилганимиз йўқ ва, ёинки, ул сўзлар ила уламои киром ва қуззоти аъзом зулэхтиром ва бошқа ҳурматлик ҳамшаҳарларимизға ва ё туркистонли ҳамватанларимизни таҳқир ва маслак мансаб ва ишлариға таарруз

қилмоқ муродимиз эмас, балки ўзимизга нисбат берилгани куфр-ни дафъи ва зарби амсол мақомига ёзган эдук.

Мазкур сўзларимиздин баъзи муҳтарам кишиларимизга қаттиғ текканларини ботаассуф хабар олдук ва ёзганимизга пушаймон бўлдук. Беважҳ кўп кишини кўнгли биздин қолса кўп хафа бўлурмиз, бизни оғзимиздин ва сўзимиздин халқ ранж топгани учун изҳори таассуф қилурмиз, лекин начора, саҳифа рўзкорга қолди. Ушбу тўғридин ўз шаҳримизни жаноб қуззоти ва муҳтарам уламози мурувватлик бойларига ва сўнгра жамиъ муҳтарам газетхонларга арзи маъзират айтармиз ва қабул этмоқларини кўз тутармиз. Самарқандда етмиш минг халқ бор. Туркистонда саккиз-тўққиз миллиён халқ бор, биз аларни бир-гинасимиз, иноният даъвомиз йўқ ва содда бир инсон боласимиз.

Таъби шарифларига сўзимиздин малол келган улул-муҳтарам ҳамшаҳарларимиздин ва умум ҳамватанимиздин афви олийларини ўтунамиз, мавзумизга хато ва саҳви инсоний ила воқеъ бўлган нуқс ва номулоим ва беадаблик фуқароларни(нг) хусуси эмаслиги учун кечурмоқлари маржудур. Воқеан арз шулки, маним одатим ёзган мақолаларимни охирига имзони билдируб ёзарман, мусулмоний жаридаларга Самарқанддин ёзилган ҳар навъ мақолани, модомики, остига маним имзом йўқдур, мандин билмасунлар, боқи арз ус-салом валэхтиром (Гар гирифторам кини муставижем, вар бу яхши афву беҳтариз интиқом)¹⁶¹ саропо айб ва нуқсон ва қусурлигим ва жаҳолатим ва исёнимни ҳар кимдин аввал ва барчадин беҳроқ ўзум маътарофим ва ёзган мақолаларим озори халқга сабаб бўлгани учун кўп озорландим. Жамиъ газетхонларни ва, хусусан, уламои қуззотларни ва аҳли балдамизни афвуларини марран истайман ва афви халқуллоҳга мазохир бўлсам, ўзумни бахтиёр ҳисобларман, ўзумга ҳар на десалар, десунлар аммо иймонимга ва мактабга илм ва хабарсиз бирор нимарса нисбат бермасунлар, деб рижо этарман.

**Самарқандий муфти Маҳмудхўжа
ибн Беҳбудхўжа хатиб
ТВГ. 1908 йил 23 март. №17**

¹⁶¹ Агар жазога учрасам – лойиқман, аммо қасосдан кўра кечиримли бўлиш яхшироқдир.

САМАРҚАНД ФУЗАЛОЛАРИ

Шаҳримизни фузало ва шуаро, удабои мозияси асороти матрука ва тадвинот мутадаволари-ла бутун Шарқ ва, ҳатто, Ғарб оламинда машҳур ва мусалламдурларки, тарих ва тарожими аҳвол ўқийдурганларга маълумдур. Биз ҳозирги тараққий-парвар ва нашриёти рушд ва даражаи илмия ва адабияларини зоҳир бўлган уламо ва шуарои ҳолиямиздин баъзини мунда мухтасар обод ва тахмин этармиз. Бу варақпорага исмлари зикр қилинган фузалоларимиз гина қилмасунлар, азбаски матбуот оламига асарлари-ла зоҳир бўлган ҳамшаҳарларимизга махсус холис бир таҳсин ва ташвиқномалардур. Ҳолбуки ушбу мактуб-ла ёд қилинатурган шуаролардан баъзисини танимайман, танимоқ асар ила бўлмасми? Матлабга келайлук.

Ўн учинчи ҳижрий авохирига марҳум бўлган Хўжандий Қурбон Муҳаммад Олим раҳматуллоҳи алайҳ жаноблари нуқтасиз иборат ва алфазолари ила ақоиди исломияга тааллуқ масалалар тўғрисида бир рисола тасниф этиб эканларки, хутбасидин хотимасигача бутун нуқтасиз иборат бир санъати адабияи арабия ва маъно тасқиқ ақдиға ходимдур.

Самарқандий Мулло Саййид Аҳмад Васлий мударрис ушбу – ақоиди ғайри манқутага ғайр манқута иборалар ила бир хутбаи арабия тақрир этиб сўнгра манқут алфоз ила ҳалл лугат ва муфассал шарҳ этубдур. Васлий жанобларини хутбаи ғайр манқутасини ёш ва рашид мударрислардан самарқандий Муҳаммад Салим жаноблари муфассал суратда шарҳ ва баст этибдур. Бу икки шохни устоди муҳтарами ва шаҳримизни энг рашид мударриси муҳтарам Мулла Тўраҳўжа жаноблари Васлийни шарҳиға баъзи продлар еткурубдурларки, Васлий тарафиндан баъзи қабул ва таслим қилинибдур.

Ушбу китобга шориҳ тарафиндан («Ал-фавоид ал-масбута фи ҳалл ақоид ғайр ил-манқута») исм берилиб, оддий ҳажмга тўрт жузъи ва 144 саҳифа узасинда шориҳ Васлий жанобларини масорифи-ла таъб қилинубдур. Котиби Самарқанд муфти ва хаттотларидин жаноб Мулло Сайфиддиндур. Китобни охириндаги тарихи таълиф шеър форсидин маълум бўлурки, шаҳримизни ... мударрислариндан ал-ҳож қори Абдужалил жаноблари назари тасҳиҳ ва тақрирдин кечирубдурлар. Чунончи, шеър эдиюрлар:

*Ман з-сар то по бадийдам то дуо кардам ҳамий
Соз, ё Раб, аз карами матбу мақбул аном...*¹⁶²

Китоб ма наҳну фиҳи охирига қаралиб етти нафар (шуарои сабъа) Самарқандия тарафидин мусобақа сувратинда назман тарих ва таҳсин ёзилибдурки, уламо ва шуарои замонамиз иттифоқларини тазминан алар шеъридин бир-икки мисра ёзармиз.

Чунончи, Мулло Хўжа Юсуф деюр:

*Шукруллоҳ дар ин замона ижоб,
Ёфт таълифи ин хужаста китоб.
Баҳри тарих ўз ҳад савоб,
Мазҳари дин ҳақ бағўй жавоб.*

Мулло Ниёз Муҳаммад Мариз деюр:

*Шукр маро заъфи ҳақ ки шуд матбуъ,
Ин китоб муборак мазбут.
Чун мариз ба табъаш аз сари ман,
Гуфт зоҳир фавоид масбут.*

Мирзо Шароф Ҳилмий деюр:

*Биҳамдиллаҳ аз лутфи ҳаййи тавоно,
Фавоид масбут шуд табъи зибо.
Торих табъаш ҳамий дид Ҳилмий,
Зиҳи хўб «Шарҳи ақоид» ияа гуфто.*

Мулло Раҳмат Раҳимий деюр:

*Шарҳи матин гайр манқут бошад,
Табъи, яъни гашт матбуъ нағў.
Соли табъаш Раҳимий гар пурсид каси,
Шар таҳқиқ қалом ҳақ бағў.*

¹⁶² Мен бошдан-оёқ кўриб туриб сени дуо қиламан, Ё Раб, сенинг карамингдан одам жинси ёқимтой ва мақбул кўринади.

Муаллим Мулло Муъин Наҳиф деюр:

*Ирфон ки буд олам донои бас зариф,
Таълиф кард буд китобики бас латиф.
Бе нуқта буд жумла алфоз, у чи хуш,
Машируҳ гашт аниҳима матн чунон зариф.
Шуд табъи шарҳ қоида бахшаш дарин замон,
Гуфт аз гайбал калом натаворих у наҳиф.*

Мулло Муҳаммад деюр:

*Зиҳи фавоид масбутаки шарҳ нагӯст,
Мажалл матн каломики гайри манқута.
Чу дид гуфт пиъсоли табъи у Маҳмуд,
Китоби «Шарҳи ақоид»ки буд бе нуқта.*

Мирзо Акрам махзум фикри деюр:

*Маруро шуд фалоҳ фавзи насиби илаҳ,
Хосаи ин матн шарҳи олий ро.
Ҳарки дар барнамуд гашти луббаб,
Аз сари латиф фикри бекам гуфт,
Соли таърихи у гариб аҷиб (1315).*

Хулосаи калом, бу китобни кўрган киши билурки, шориҳ ва мувашшаҳий нозир ва мусаҳҳиҳ котиб ва нозими ҳамма Самарқандий васлий матин пурсанғат соҳиби илми мағфур Хўжандий ва Хўжанд эса яна Самарқанд оёлотига тобе бир маҳалла ва балдадур, морал зикри фузало ва шуаро ўз ўқутан илм ва фанларига бад тавл соҳибидурлар ва агарда бу муҳтарамлар фунуни жадида ва кашфиёти ҳодиса ва ижоботи замонияға воқиф ўлсалар, ҳукамои сония ва фалосифаи ҳозира ва адабиёти охираға кўз ва қулоқ солмоқға танзил этсалар, шаксиз, талабаға кўп-кўп фойда еткурар эрдилар.

Самарқанд уламоларидан баъзиларини кутуб каломига хоҳишлари яқинда табъи бўладурки, бир вазийдан сўнгра ёзилур, ҳар ҳолда охирги саналарға уламо ва толиб матбуотға юзланди-

ларки, бу Туркистон учун яхши ва бора жиддий ва жадидлашур, жадидни қадимдан таваллуди одати қадима эмасму?

Шуаромиз хатти ҳолдин зиёдароқ майл ила миллий ва ижтимоий ва асотирдан мубарро тарихий шеърлар айтсалар ва қудратлик кишилар таъб этсалар, айна манфаати моддий ва маънавийдур. Охирги вақтларға Тошкандда таъб бўлган баъзи ашъор сабаби фасоди ахлоқ ҳам айбдур, мундай нимарсаларни матбуот ила танқид этмоқ керак.

*Самарқандий муфти Маҳмудхўжа
бин Беҳбудхўжа хатиб
ТВГ. 1908 йил 1 май. №33*

АБУЛ АЛА АЛ-МААРИЙ

Ушбу ном эгаси 363 сана ҳижрийға арзи Шомға тобе Маарра қасабасинда туғилиб, 78 ёшинда рихлат этубдур. Кичикликдан чечак хасталиги ила икки кўзи кўр бўлса ҳам, Шом ва Бағдод уламо ва удаболари-ла хейли ифода ва истифодаға бўлуб, фунун ва улуми шатта ва жамияти башария ва фалсафадан олия ва аҳволи руҳияға тааллуқ ўндан зиёда буюк арабий ал-ибора китоблар назман тасниф этибдурки, китобларидин баъзиси 800 саҳифаға болиғ ўлур. Миср ва Арабистонға девонлари бизни маснавий ва «Куллиёти Бедил» каби хос орасида энг мақбул китоблардандур.

Таснифотиға боқилса, бу кўрни замониға мавжуд барча улум ва фунуни олияға маҳорати ойнаи милладуна уламоға мазохирияти аҳли вуқуф андинда зоҳир ўлур. Тарк этган минглар-ла ашъор ва ўнлар-ла китоб ва девонларина таъмиқ ила боқған ва кўзи очиқ инсон анинг заковат ва қувваи хориқаи илмиясиға ҳайрон қолур. Субҳаноллоҳ вожибул-вужуд соҳиби жуда бу аъмо бандасиға бу қадар иқтидори илмий ва адабий ва фалсафий бермиш. Ўз нафсина молик бўлмоқ учун қирқ сана гўшт емасиға хабар бермиш. Балли бу зот мактаби қудрат ва майдони табиятдан хориқулода баҳра топмиш лутфи бепоён ҳақ-ла бу рутбаи илмияға ҳоиз ўлмиш.

Девонларини маҳбуба ва маъшуқаларни хатти ҳол ва зулфи паришонии тавсифи ила зоеъ этмай, балки улум ва фунуни мухолифа, касира адабиёт ва насоиҳи нофиъа ва ахлоқия ва тасаввуфи дақиқа ва таълимоти фалсафия ва жамияти башарияга кераклик шайлар ила тартиб ва такмин этубдурки, мазкур зотни ашъор ва афкоридан бир-икки байтни намуна учун ёзиб, билмазмун баён этиб, сўнгра ани китоб ва ашъорларини мутолаа қилман, дейдурганларга қўлга киратургон жойи ва Русияга нақл ва нашр этган кишилардан хабар берурмиз.

«Шайхимни ўзи ила зуҳдича таажжуб этарман. Оташли дўзахни баён қилур. Кумуш зарфдан сув ичмоқни макруҳ билур. Лекин қўлидан келса, мазкур зарфни ўғирлайдур. Валравъ...

Руҳ ақл ила билиниб бўлмайдурган нимарсадурки, баданга қарор топар.

Илм ташриҳга ажиба қудратдандур, ани ўқуб Оллоҳга мункир бўлгон табибга таажжуб қилурмиз...

Имом Аъзам р.а. мазҳабича, оз бирга ҳам ушр ва закот берингиз, аммо қийин кун шароб тўғрисида раъйдан қочингиз.

Тўғрилиқ йўқолди, ҳидоят ўлди, вафо қолмади, ғаддор (хиёнат) яхши иш бўлди.

Фалакни гуноҳи йўқ, чунки золим ва гуноҳ хобларидан бўлур.

Фикр бир айтибдурки, бир тарафи сан бўлса, дигар уч мисмонгадур.

Уламоларимиз улумга нисбата(н) ҳеч хонлар кабидурлар.

Бу оламдан мақсад не эканлигини билмасдан кетармиз.

Нодонлик ва англамаслик тақийлик ҳисобланса, залил эшаклар ҳаммадан зиёда тақий бўлурлар.

Дунё учун муллолар бир-бири ила урушур(лар) ва дунёни қўлга киргузмак учун қорилар Қуръон ўқур.

Ўлим келгунча ичидаги мастлик ва ғафлатимиздан ҳушёр бўлмасмиз.

Ҳодиса саъд ва наҳсларини кун ва юлдузларга ҳамл қилатурганлар – хатни қўли ила ўқийман деядурган кўрлар демакдур.

Инсонларни ўз тўғриларинда ҳақ сўйланилса, ранглари тағайур топилур».

Ушбу арабий байтлар Абул Ала ал-Мааррий жанобларидандурки, Растоф шаҳрига сокин жаноб уламои замон Мусо афан

ди бин Жоруллоҳ Бегиев Алаи мағфурни 1300 қадар абёти арабийни маҳтавий «Ал-лузумиёт» китобидан, ўндан бирини териб, оят ва ҳадис ила татбиқ ва ўз фикрини илова қилиб муфассал ва фойдалик суратда 1908 санаси охирида Русиядаги туркий ва арабий саводлик кишиларга бир китоб тайёрлаб эди.

Андин сўнг Оренбург идораи руҳониясини солиқ қозиларидан ва ал-он Оренбургга сокин ва тасниф ила машғул ҳамда тасонифи касира соҳиби олим ва пири муҳтарам қози Ризоиддин бин Фахриддин жаноблари файласуф Абу Ала ал-Мааррий алайҳ раҳматулборийни таржимаи ҳоли ва умргузарлиги тўғрисида бир китоб таҳрир этибдурки, фаслларини мавзуи ушбу тариқадур. Абул Алани исм-лақаби ва ватани, валодати ва вафоти ҳамасрлари, риҳлати ва саёҳати, узлат этгани, шеърлари, заковати, қиёфати ва ахлоқи, эътиқодсиз деб туҳматлангани, илму камоли ҳурмат ва эътибори, зуҳди, фалсафа ва афкори, тириклик тўғрисида фикри, нафси модда ва қазо тўғрисида фикри, дин ҳақида фикри, зolim ҳукуматлар ҳақида фикри, ҳайвонларга тараҳҳуми, болалар ва ўйнамоқ ҳақида фикри, девон ва китоблари, босилмаган китоблари, русия исломлари ичинда Мааррий, Мусо афанди ва «Ал-Лузумиёт». «Ал-Лузумиёт» на учун шарҳ қилинмади. Фарангистон олимлари байнинда Мааррийни даража ва қадри, муқаддима, хотима.

Қози Ризоиддинни(нг) «Абул Ала ал-Мааррий» китоби 74 саҳифа. Мусо афандини «Ал-Лузумиёт»га қилган шарҳи 260 саҳифа ва ҳар иккиси «Шарҳ кутубхонаси» соҳиби Аҳмад ал-Исҳоқ жанобларини нашридурки, туркий ва арабий саводлик кишиларни, хусусан, талабаи киром ва уламои изомни ўқуб, фикр қилиб, тавсияи маълумот қилмоқлари учун арз қилдук.

Қози Ризоиддин ушбу таржимаи ҳолини ёзмоқ учун китобларга ружуъ ва хейли меҳнат этубдурки, ташаккур қилинур. Мусо афанди бўлса, кўб нақлий ва фалсафий ва фанний ва ҳукмий далиллар ила улум маҳталга олия ҳақида хийли муҳим баҳс ва қозия муҳокамалар ёзибдурки, умумолия ва фалсафаи диния ва маишатга тааллуқ баъзи янги ва энг қадим шайлар кўзга кўринур. Муҳтарам уламомизни кўруб танқид этмоқлари лозим ва баъзи сўз ва афкори бизни қилиб юрган эътиқодимизга муҳолифдек кўринур. Кўбдан бери авом ва хосни эътиқод қилиб

келган баъзи моддаларини Мусо афанди бошқа навъ кўрсатадур. Масалан, Хизр ва Исо алайҳимуссалом ва ўзга шу масалаларга ўхшаш ақида ва ахбори нақлий ва ақлий ваҳждан. Мазкур икки китобни нархи бир сўмга етмайдур. Келар вақтда жаноб уламои замон Мусо афандини илми тарих ал-Қуръон ва расм ал-Қуръон тўғрисида арабий тасниф ва шарҳлари тўғрисида бироз маълумот ёзармиз ва ани ушбу тўғридаги матбуъ асарларини талабаи киром ва илми арабийлик ҳуффози изомимизни мутолаа этмоқлари қат-қат фойда берадур.

*Самарқандий муфти Маҳмудхўжа
бин Беҳбудхўжа хатиб
ТВГ. 1908 йил 13 июнь. №54*

САМАРҚАНДДА МУСУЛМОН ПРИСТАВИ

Самарқанд уезди уч қитъага бўлинув, андин бири Даҳбед участкасидурки, Самарқанд шаҳар ва уездини шимолий қисмини сарупо ҳовийдур, бу қитъа бўлустдан иборат ва уездни энг катта участкасидир. Ал-он бу қитъани идораси учун вилоятимизни Каттақўрғон шаҳри аҳлидин жаноб Мирзо Ҳайитмурод Яъқубов тўра ҳукумат тарафидин Даҳбед участковой приставлик мансабиға тайин ва дохил бўлуб ва бу кишини мусулмонлиги ва туркий ва форсий билиши учун аҳоли кўб ҳурсанд ва розидур. Туркистон мусулмонларидин мундай катта мансабға тайин бўлинмоғи мумкинлигини аҳоли билиб, Русия қонунидан изҳори ризолик қиладурлар.

Биз, аввало, бу маҳаллий мусулмон приставини таҳсили илми замоний ва тажрибадан бирозгина ёзиб, сўнгра Туркистон аҳли ва Русия қонуни тўғрисида бироз маълумот арз қилурмиз. Ушбу Мирзо Ҳайитмурод вилоятимизни туб жойи халқидандурки, Самарқанд шаҳри мактаби гўрўдский училишасини тамом қилиб, сўнгра Туркистон дорулмуаллимини-семинария мактабини тамом қилиб, муаллимликға шаҳодатнома олиб, андин сўнг Бухоро ва бир сана Самарқанд ва икки ярим сана Каттақўрғон шаҳрини русий ва мусулмоний расмий мактабларинда муаллимлик қилибдур.

Баъдинда Самарқанд вилоятини волийси ҳузурида олти сана таржимони таҳририй бўлуб туруб, сўнгра бир сана муддат чиновник особого поручения – алоҳида хизмат ва таҳқиқ ишларига маъмур бўлуб, рутбаси тарфеъ қилинуб расмий чин олубдур. Ва ўзига тааллуқ хизмат ишни даражаи камолга еткургани учун вилоятимизни Дизах уездини Боғдон қитъасига участкавой пристав тайинлануб, икки сана муддат анда ҳам яхши хизмат кўрсатубдур.

Самарқанд уездини энг катта ва ниҳоят ишлик қитъаси Даҳбед участкасидурки, минг қадар нотаом иши бордур ва ўн саналардан бери қолган юз минг сўм ҳар нав солиғ пулларининг бақиялари бордурки, ишини кўплиги ила шуҳрат топиб, ҳатто баъзи приставлар бу қитъадан безор бўлуб ташлаб кетдилар ва баъзилари даъватга ижобат этмадилар, охируламр мазкур мусулмон пристав Ҳайитмурод Яъқубовни жаноб баланд даражалик Самарқанд волийси бу қитъага тайин қилдиларки, мансабига дохил ва ишига машғул бўлди. Оллоҳ ривож ва ғайрат ва сабот ва охирини хайрлик этиб, мўмин биродаримизни ҳоқимлик ва фармони фармолик даражаларига еткургай, омин.

Маним билишимча, Туркистон музофотиға мусулмон пристав биринчи мартаба ушбу ҳамшаҳримиз бўлса керак, умумтуркистон музофоти аҳлидин виши образований, яъни улуми олия замонияни таҳсил этиб военной медисинский академияси ҳарбий тиббия куллия дорулфунундан мунтаҳий бўлуб, ҳақим ва дўхтур бўлган Мирзо Абдураҳмон Фарҳодов тўра жаноблари яна бизни шаҳар Самарқанд аҳлидиндурки, беш-олти санадан бери рус ва афғон ҳудудидаги Паттакесар қалъасиндаги аскарларимиз табобатига маъмур ва анда ҳарбий дўхтур ва табиб ва жарроҳлик ва кўз тарбиятига ниҳоят маҳоратлик ҳамда мутавозеъ ва яхши хулқ соҳиблиги ва Русия ватандошларимиз орасинда шоеъдур.

Ушбу ҳақимни шаҳримизға табдили маъмурини этиб келишлари муайян ва муқаррардек кўринур, зотан аҳолимиз мазкур ҳақимни шаҳримизға тайинланмоқиға кўп талаб ва, ҳатто, тейишли маҳаллиға ариза ва истирҳомнома бермоқға сайлари бордур ва ҳукуматдан кўз тутадурларки, ҳақимимиз бизни шаҳримизға тайинланса ва, ҳатто, баъзи кишилар Мирзо Абдураҳмон ҳақимдан ғойибона ўпка қиладурларки, мунда расман тайин қилинмаганда на учун келиб хизмат аҳли маҳалла ва

шаҳри учун хусусий табобатга шуруъ қилмайдурларки, аҳолини ақча ва саломатлиги миллий нодон табибларга қурбон бўлур. Ва бизни тил ва табиатни билмайдурган табиблардан, баҳарқол, у киши бизлар учун беҳроқдур. Ҳолбуки, Самарқанд дорушиифосига ҳукумат тарафидин тайин бўлинсалар, албатта, мажлис саҳяга бизни дохили маишат ва табиатларимиздан маълумот ва дарс бериб, умумтуркистон музофотиға ва илмға нафи еткурардилар, алаҳусус, дорушиифодаги ислом хасталариғаким, Туркистон табиати ва маишатиға ҳануз бегона ва ноошнодурлар. Ҳадсиз манфаат еткурарди, биз ҳам хусусий рижа қилурмизки, ватан мавлудлари бўлган шаҳримизға ҳар нав ила бўлса бир он ул ўзгармоқлари матлубдур, ҳар гоҳ бу муддао вуқуға келди ва шаҳримиз ундай мукамал ва руҳоний табиб ва ҳақими ҳозиқ ва жумудила мубоҳот этди. Биз ҳам Самарқандда мусулмон дўхтур унвони-ла, иншооллоҳ, баъзи мулоҳазалар ёзармиз.

Юқорида Туркистон аҳли ва Русия қонуни бобинда арз ва баёни маълумот ваъда қилиб эдук, у ваъдамиздан бир мухтасарини мунда ижмолан ёзармизки, ушбудур: Русия ҳукмронлигини умумий қонуни аввалдан ҳам яҳудийларға нисбатан биз, муслимларға бироз қулай эди, яъни ҳукумат мактабларинда ўқуб аксар мансабларға етмоқимиз бо зам исломиятимиз мумкин эди. Ал-он яъни 17 октябрь манифестидан бири таълиф топилган ва топилатурган қонунлар хейли васеъ бўлуб, умумрусия ва ғайрирусларға қулай бўлди. Яъни ҳукумат мактабларинда ўқуб истиҳқоқ пайдо қилган ҳар бир киши то юқори катта мансабларға йўл топар, лекин чи чора. Биз, туркистонлилар ҳукумат мактабларинда болаларимизни ўқутмаймиз. Аммо яҳудий ва армани ва бошқалар бизни Туркистонни ақчаси била очилган гимназия, тижорат, саноат мактабларинда болаларини ўқутуб, ҳам тижорат, ҳам ҳукмронлигини қўлга киргизуб, бизларға ўн йилдан сўнг моддатан ва маънан ғалаба қиладурлар ва бизларға замона илмидан ошно кишилар топилмагани учун ҳукумат ҳам аларға ён берадур, ароға зарари диний ва дунёвийни бизлар кўрамиз, бир неча йиллардан бери биз бу боболарға пешравон миллатимизға арз афкори ожизона этиб келиб турамиз. Яна йиллар ила арз қилармиз, ал-он мажлиси миллатдан бизни маҳрумиятимизни сабаби ҳам бизға замона мактабларини тамом қилган ва фунуни олия ўқуганларни йўқ-

лигидиндур. Яъни адами қобилият ва истеъдодсизликдин. Ўтган июнь ўртасинда жаноби устоз, муҳтарам соҳиби «Таржумон» фарро Исмоилбек жаноблари шаҳримизга келиб эдилар. Мажлиси миллатдан сўз очилганда шу мазмунда сўйладиларки, биз буюк муҳаррирлар ва ҳукуматга муносабатлиги бор катталар ила сизнинг Туркистон учун мунозара этганда доим мулзам бўлурмиз. Чунончи, алар декорларки, пек маъқул, Туркистондан маъбус талаб қилалим, кимни юборур, на форсий, туркий ва арабий ва русий ила ифодаи маром ва муддаодан ожиз ва схоластикаи юноний ила бошини бузган ожиз муллоними ёинки ҳар шайда жоҳил дўкондор ва деҳқонними, бирда-ярим ўқуган кишилари ва ё тасодифий кўзи очилган одамларига туркистонлилар куфр кўзи ила қараб одам ҳисоб қилмайдурлар, деганда бу сўзлар тўғридур. Илож шулки, жамиятлар барпо бўлуб, рус мактабларинда талаба бермоқ керак ва ҳам замондан хабардор уламои диний етиштурмоқ учун Миср ва Истанбул мактаб ва мадрасаларига улуми диния ва арабия юбормоқ керак ва анда бормоқ учун анинг ул усули жадида мактабларини интизомга олмоқ керак. Токи ҳукумат мактабларидан чиққанларимиз ҳукумат ишларига машғул бўлуб, бизларга нафъ келтурсунлар ва замондан хабардор уламомиз мактаб ва мадраса ва дохилий ва маънавий жиҳатларимизни ислоҳ этсунлар. Бу ишлар ўз-ўзиндан бўлмас, балки жамияти хайриялар ва таъовун жамиятлари ва, хусусан, муҳтарам ағниёларимиз мубошир ва мутасадди бўлсалар керакки, уламодан кўра замона ишларига алар олимдурлар. Масалан, бир тожир бир юз, икки юз сўм ойинда вазифа бериб ажнабий бухгалтер сахлайдур, агарда бир мусулмон боласини 400 сўм ила 6 сана реалний тижорат мактабига берса, илм дафтардорлик ўрганур, 6 саналик масрафини рубъи санага топар ва бошқа ишларни ҳам шунга қиёс қилмоқ керак. «Ўтлубул-илма ва лав бис-Син» – «Илм Хитойда бўлса ҳам талаб қилингиз», ал-ҳадис. Ўрус Хитойдан шаръан бизга яқин ва яхши ва андаги илмларни талаб қилиб фойдаланмақ тариқаи ула бизларга лозимдур, вассалом.

*Самарқандий муфти Маҳмудхўжа
бин Беҳбудхўжа хатиб
ТВГ. 1908 йил 20 июль. №56*

ИЙМОН ВА ИСЛОМ

(Бўроновга жавоб)

Муҳтарам Имомали Бўронов жаноблариға жавоб, баъдаз салом, «мўмин» илан «мусулмон» калимаси бир маънодами, саволиға шулки, иймон Оллоҳ таолодан бизим пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратлариға келмиш барча нимарсаларға кўнгилдан инониб иқрор қилмоқ, вассалом. Анга ҳузуь ва инқиёд этмак бўлуб, иккиси бир ва, ёинки, мародифдур.

Иймон Пайғамбар ҳазратлариға барча аҳкоми нубувват ва рисолаға инонмоқни исми экан, кўнгулдан инонганини собит ва зоҳир этиб, аҳкоми исломға ҳузуь ва ихлос ила тобе бўлуб амал қилмоқ, ислом аталиб икки лафз ҳам бир маъноий ҳақиқийға далолат айлаб, «ал-ислом ала ниятин ва иймон фил-қулуб» ҳадиси шарифи ва ўзга ҳадиси шарифларни натижаи жалиласиға мувофиқ ва муттаҳид бўлур.

Маним эътиқодим – иймон ва ислом баҳси ҳақиқан бир демакдин иборатдур – дар шаръи ҳаст мусаллам яки на ғайр кутуби каломияға уламои ислом раҳимаҳумуллоҳни иймон ва ислом лафзлари тўғрисида мухталиф ақвол ва оралари кўрулур. Лекин маъонияи фалсафа жиҳатидин ҳам иймон ва ислом бир бўлуб қолур.

Хулоса – иймон ва ислом дин мубини ислом таълимоти ва қавоидларини ҳақ билиб, анга бовар ва инқиёд қилмоқдур.

Аҳкоми динияни кулли ҳақ билиб туруб амалиға бепарволик сабабли тарк ва нуқс келган ила ҳеч киши на иймон ва на исломдин айрилмас ва хориж бўлмас, амални озлиги бошқа, сўз илмни озлигида, ҳоказо, бошқа сўздур.

Эътиқод саҳиҳ бўлган суратда ширкдин бошқа гуноҳларни, Худо хоҳласа, кечар, хоҳласа бақадри гуноҳ жазо берар ва сўнгра мўминлар маржу ибодасиға мушарраф бўлур. «Оллоҳ ширкдин бошқа гуноҳларни хоҳлаганлариға кечирар», «Оллоҳ барча гуноҳларни кечирар» мазмунидаги ояти шарифлар мазохирини гуноҳкор мусулмонлардур.

Бир мусулмон ўзини ман мўмин демоққа ҳаққи борми, саволиға жавоб шариаатға иймон ва ислом бир экан, ҳар бир кишила доираи

исломга янгидин кирмиш ва ё ислом ўлароқ туғилмишман – ман мусулмонман, ман мўминман демоқга, албатта, ҳаққи бордур.

Китоби каломияга баъзи ислом фирқалари ва ихтилоф ошиқлари доираи иймон ва исломни ўз фикрларича хейли торлаштуруб ва баъзилари ҳатто ажратибдурларки, бу кунги 300 миллиёндан зиёда мўмин-мусулмонларни асри маъшоши аларни таҳдид этмиш майдон тасаввурларига сиғмайдур ва, ёхуд, аларни кўрган истеъдоди илмия ва амалияларига мустадъо эмасликидин алар фарз қилган ҳудуддан доираи шарифаи исломга киролмаслиги лозим келурки, овора мардуддур, валлоҳу аълам бис-савоб.

*Муфти Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа хатиб
ТВГ. 1908 йил 19 октябрь. №79*

ГРАФ ПАЛЕН САМАРҚАНДДА

Подшоҳи аъзам импературимиз тарафларидин Туркистонни барча ҳолат ва ишларини тафтишига келган фаҳоматлу сенатур гофмейстер граф Пален жаноблари биринчи октябрда Самарқандга келиб эдилар. Шаҳримизни олий мадрасаларидан Шердор мадрасасига ҳам кирдиларки, мадраса тарафидин дастурхон омада эди. Талаба ва аҳли зоиқ тарафидан талаби вақф учун ариза ҳам берилди. Қуззоти киром муфаттийин ва уламои киромдин баъзилари ва беш юздин зиёда аҳоли бор эди. Маъмурини миллий ва руҳонийларимизни баъзиларидин баъзи кишилар сўрадилар. Фақир роқими ҳуруф ҳам бор эдимки, баланд даражалик Самарқанд военний губернатори генерал-лейтенант Галкин жаноблари бандани чақируб фаҳоматлу графга тақдим айладилар. Ул жаноб эски ва янги мактаблар ва мавжуд мадрасаларга ўқилатурган илмлар тўғрисида савол айттилар. Ман эски мактаблардин янги, яъни усули жадид мактабларини нофеълиги ва мадрасаларга мавжуд илмлар ўрнига ҳикмати жадида, балоғати арабия, усул ва тафсир ва ҳадис ва тақвим ул-булдон ва тарих ва баъзи фунуни лозимаи жадидани қўшуб ўқумоқ замонага лозим ва нофеъдур, дедим. Ул жанобда, оре, ҳикмати жадида ва

янги илмлардин ўқумоқ керак, дедилар. Сўнгра ёзгон жуғрофия ва мактаб китобларимдан тилаб айттиларки, бердим, олдилар ва маним қўлим ила соилларга ақча тасдиқ этдилар. Андин сўнгра илмий муфаттиш ва ёварларидин мусташриқ Корочкин жанобларига мундан муқаддам орамизга мусохаба асло бўлган йўқ эди. 12 октябрга оқшоми фақирхонага аввал хабар бериб, сўнгра келдиларки, икки соат қадар туруб фақат илм тўғрисидин муховара бўлди. Иншооллоҳ, бир замон муҳоварамиз ёзилур. Туркистондаги усули жадида ва қадим мактаблари ва русский-туземний мактаблари Туркистон гимназия ва ўрта ҳукумат мактаблари ва ал-он мавжуд диний мадрасаларимиз тўғрисида фикри ожизимни сўрадилар. Қаю лисонлар ва қаю илм ва фанлар неча сана ва қаю тариқа ўқулмоғига муфассал саволлар қилдилар. Туркистонга мавжуд янги китоблар тўғрисига сўрадилар ҳам Верний (Олмати) ва Тошканд ва бошқа шаҳарлар мактабиндин, аҳволи илмиясидан сўйлаб фикримни истифсор этдилар.

Халқ орасига мавжуд фанатизма ва хурофотлардан сўз очилди. Ман исломиятни адёни соира ила муносабати ва аларга берган ҳурриятни оят ва ҳадис ва тарихи миллия ила истидлол ва баён этдим. Бир замон сўз Бухоро, Хива дигар замон олами исломни дигар тарафларига жавлон этарди, Туркистон мусулмонларини нисфи асрдин бери Русия ила яхши умр ўткарганидин мулоҳазотларимни сўйладим.

Оқибат Туркистонга мавжуд макотибнинг мадорис, хонақоҳ – барча шуюх, эшон, муаллим, мударрис, дорулқазо ва ўзга диний ва моллий ишларни устидин қорайтурган бир идораи руҳонияи исломия очилмоғи ниҳоят лузумини ва ул идорани шуъбалари Туркистонни беш вилоятини ҳар бирига очилиб, аъзолари сайлов ила нисфи уламо ва нисфи образований мусулмондан ташкил топилиши кераклигини ва ул идора тахти назоратиға аҳолини тараққийси ва ҳукуматиға муфидлиги бобиндаги лузуминча фикримни дармиён этдим. Форсий ва усмонли ва арабий ва русий алсиналар масаласи-да майдони муҳовараға отилди. «Иттифоқи муслимин» ва Миср муътамари исломиясиндин маълумот берилди. Охири мусташриқ муҳтарам жаноблари баъзи мактаб программаларини манга қолдируб, Туркистонга мавжуд ҳар навъ русий ва исломий қадим ва жадид мактаб ва мадрасалар тўғрисиға фикримдаги

программ ва лойиҳаи дарсияни муфассал суратда ёзиб топширмоқимни талаб қилиб ва ул манга берган програмлари тўғрисида фикримни ёзма ёзмоқимни сўраб видо этдилар.

Бизда усули жаҳид ва усули қадим мактаблари ва русий ва мусулмоний мактаблари ва гимназия, ўзга ўрта ва олий ҳукумат мактаблари ва мавжуд мадрасалар ва янгинин ташкил топилиши мафруз идораи руҳония ва Туркистон кераклик авқоф ва ислоҳ ва ижрои шарият тўғрисидаги фикримизни ва талабларимизни муфассал сурат ёзиб топширдикки, иншооллоҳ, фаҳоматлу граф воситаи олийлари-ла импературимиз сомеъларига садои ожизонамиз тайёрлигин. Бизни ёзадурган шайларимиз янги эмас, балки саккиз санадин бери «Туркистон вилоятининг газети» ва учтўрт санадин бери ўзга газеталар ила ёзилиб келиб турган эски фикр ва талабларимиздур. Ҳол бўйла экан, шаҳримизни қадим ва жаҳидларидин баъзилари орамизга бизим тўғримизга баъзи шайлар сўйланиб турубдурки ва узунқулоқ ва олди-қочди сўзлар воҳий ва беусул сўзлардур. Биз ҳеч кимни шахсиға зарар қилдурган сўз демадук ва демаймиз ва ёзмаймиз. Ҳатто муфаттиш жанобларига бир неча мартаба такрор қилдукки, мани ҳеч бир мактаб-мадрасаға муқобил ва ҳеч бир муаллим ва мударрисға хасм эмасман. Лекин сарбастона ўз билишим ва фикримни сўйлайман, дедим.

Яна мазкур сўзларни такрор қилиб айтарманки, бизни ёзган ва ёзадурган шайларимиз мукаррар ва янги эмасдур. Ҳатто кўпияси Самарқанд қозиси Мирзо Ниёз Муҳаммад ҳазратларига ва ўзгаларға топширулган ва ўтган сана «Вақт» ва «Таржумон»ға ҳам ёзилиб эди ва ал-он муфаттиш жанобларига топширадурган барча лойиҳа ва программ амалияларимиз нуқта бануқта, иншооллоҳ, агарда муаллифи муҳтарам «Туркистон...» мусоада этсалар, яна «Туркистон...» жаридасига ёзилур (мусоада этармиз, иншооллоҳ) ва ҳам ким кўрмоқчи бўлса манзур қилурмиз. Бу лойиҳалардин бизға нафи хусусий йўқ бўлса умумий бўлур. Лойиҳа ва программимизни танқид қилинмоғи матбуотимиз жумласидандур. Биз ўз лойиҳа ва программ илмиямизни жариди ила эълон қилмоқимиздин икки мақсадимиз бор: бири шулки, аввало ҳамшаҳарларимиз, иккинчи умумтуркистонлиларимизни ғайр, мутаассиб аҳли илм ва раҳбар ва замонаға ошно синф

муҳтарамини суъизанидин қочмоқимиз, иккинчи ояндага, албатта, низом ва қонун умумия тарбияи тағайюр ва табдил воқеъ бўлурға анга лойиҳаи ожизонамиз муносабат собит бўлур. Аммо мутаассиб ва аҳволи замондин беҳабар кишиларни ҳадафи таън ва лаън, ҳасад ва маломати улуши нотиқ ва муҳаррирни қисмати балки мукофот вази фасидур. «Қулил ҳаққа валав кана мурран»¹⁶³ баъзан бўлурки, муҳаррир ва нотиқларни ва хаёлига ҳатто рӯёсиға келмаган ва хотур қилмаган ва шайлар анча нисбат берилур. Таҳририят ва афкорини қилиб, айтиб ёинки маъкусо муносиб қарина ила натоиж интожиға сарфи масоий айтадурган кишилар агар ўлса-ўлсун, мактубот ва таҳриротимиз майдонда бор, фикримиз ва лойиҳамиз хатодур ва хатосини эътироф қиларлар жумласиданмиз – мусоадамаи афкоримо дарҳақиқат ва масалан умумий ва ҳар кимни танқиди ва қазийға ширкати лавозимотидандур, иншооллоҳ, ояндага ёзиб топширган лойиҳаларимизни «Туркистон...» газети ила нашр қилиб, асл ватанни пешгоҳ танқидларига арз қиламиз.

Маҳмудхўжа Беҳбудий
ТВГ. 1908 йил 16 ноябрь. №86

ТАРИХ ВА ЖУҒРОФИЯ

«Туркистон...» газетиға бир нафар толиби илмни матбуоти жадида ва жароид ўқутаниға баъзи соддадилон тарафидан таън ва ҳужумға қолгани кўрунди ва аларға раддия ва танбия тўғрисида «Бир мусулмон» имзоси-ла биз ҳам «Мунтахаби жуғрофияи умумий» ном китобимизни муқаддимасидин 74 ҳам 75 рақамлик жаридалар фельетонида муҳаррир муҳтарамни тарафи фозилоналаридан биров шарҳ ва изоҳ жумла муътаризларға муқобала ва аларни иршод этганлари назари хурсандона кўрилди. Муҳаррири муҳтарамни доимо талабаи улумға шўйла дарси ибрат беруб, тавсеъ маълумотларига назари басиратларини дурбин бў-

¹⁶³ Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни айт.

лишига устозона ва пирона ҳиммат буюрмоқлари умумталабани интибоҳиға ва ояндаға миннатдорликларига сабаб бўлур.

Бизда талабаи киромни улум ва фунун, жариди ва лисонаи лозима ўқумоқлари тўғрисида ожизона арз ва тарғиб этамиз. Чунки бу кунги талабаи киромларимиз эртаға уламои изоми-миз бўлурлар, «кабурат бимавт ил-кубаро» ҳукминча ояндадаги киборимиз бу кунги гуруҳ сифоримиздин ташкил топилур. Керакки, бунлар замонадан ва усули замониямизни бизим бобда-ги афкорларидан огоҳ бўлсунлар. Аҳли замониямизни яҳудий, арман ва ўзга ажнабий ҳаммамлакатларимизни тараққийи мо-лия ва илмия ва маданияларидин ва биз, мусулмонларға қаю йўл ва сабаб ила ғалаба қилганларидин беҳабар бўлуб, аларға билкулли мағлуб бўлмаслигимиз йўлларини лозимдурки, бил-сунлар. Билиб муқобалаи билмисл қондасинча ҳаракат қилиб, дин ва миллатимизни сахласунлар. Замони собиқада жисмоний ва руҳоний ва маънавий қалъа ва ҳудуд ва сувларимиз бор эди-ки, алар сабабли миллати диниямиз маҳфуз ва барча маросим малфуф қолур эди. Ҳозирғи замонға на ҳад қолди, на ҳудуд, на қалъа қолди ва буржи замон – замони илм ва маориф бўл-ди. Илмсиз миллат, қавм асир ва заиф қолур. Илмсиз давлатни фойдаси йўқ, илмсиз дунёдорни ҳаёти йўқ. Агар бўлса-да, са-ботсиз бу илмлардан ёлғуз сарф ва наҳв, мантиқ, калом, фикҳ восил эмас, балки алар устиға ҳикмат, саёҳат тарихи, қадим ва жаид илм ва аҳволи замони ҳозира вассанаи муҳовара ҳам программ таълим ва тадрисимизға керак, дохил бўлсун, токи дунё кўҳнамиз, восил дунёимиз ва кайфият шижо ва тасаллут дини мубини ислом ва анинг тарихи тараққийси ва тарвиж ва нияти ва бутун курраи арзға интишорини билиб ва аслофи ки-ромимизни илм тўғрисидаги ғайрат ва сарф ҳимматларидан ибрат ҳосил қилайлук. Сўнгра уч-тўрт асрдан бери бутун олами исломға воқе бўлган таназзул ва инхитотот ва идборға воқиф бўлайлук ва анинг даво ва чорасиға жўстужуй этайлук. Биз бу мусваддани ёзар экан, жулусимиздан бири сўрадики, матлабни ошкора сўйланг, биз ал-он қандай танзилдамиз ва илгари на кайфиятда эдук.

Ман дедим: бу қусурдир ва дароздур, балки сизнинг ҳаваслаи фикрий ва майдони илмиянгиз ҳудудидин хорихдур, бу қисса

пурғуссадан маълумот олмоқ, вуқуф ҳосил этмак учун жуғрофия ва тарихдан хабардор бўлмоқ лозим келур. Ҳолбуки, алар сизнинг наздингизда ашуладин ва ҳарзагўйликдин ҳам дунроқ рутбагадур, хулоса, тарих ва вуқуоти мозияни сизга мухтасар суратда баён қилайлик ва, шоядки, сизча бидъат, балки куфр ва залолат ва бизча ҳам шариятча фарз ва зарурат даражасидаги жуғрофия, илм ва сиёсати замония ва жароиди нофиъага муҳаббат кўзи ила боқиб, андин дунё ва охиратингизга фойдалиқ нимарсаларни ахтармоқ ва ибрат ҳосил этмак учун бир олти ой доимо ўқуб кўрсангиз. Жулусимиз деди: «Сўйланг, қулогим сизда?» Дедим: «Тарих деюрки, мусулмонлар 500 сана муқаддам замонгача ўз Қуръон ва подшоҳлариға, ўз шарият ва амрлариға тамоман тобе эдилар. Яҳудий, насроний, мажусий тоифалардин юз миллиёнлар ила зами фуқаролари, таъбалари бор эдики, ул замонги бани одамни, яъни ер юзида халқуллоҳни учдан бирини амали Қуръон ила ва тобеъати мусулмон умаролари қайдиға, ер юзиға бир минг беш юз миллиён одам тахмин қилинган ва ани 300 миллиёндан фазласи ислом ила мутадаийиндур. Демак, тўрт-беш аср муқаддам бир бу қадар ажнабий табаъ исломиямизда бор экан ва аҳли иймон билкулли ҳавзаи авомир аморати исломияға тобе эканлар, илми тарих бун ила сокит бўлмаюр, яна буслат бани одамни кайфияти иймон ва таслими ва табиати ва аларнинг сабабини ҳам шарҳ ва басит этар. Жуғрофия ўқуған тарихиянинг зарфидурки, беш юз сана муқаддам ҳудуд доири муқаддасаи ислом ва ани ер юзида ҳоиз бўлган тул ва арз ва масоҳати сатҳия ва ҳайъати табииясини хариталарини, ҳўл ва қуруқларини ... ва риоя айтар, мусулмонларни асороти умрония ва маданияларини мавзиҳан баён этарки, тарих ва жуғрофия қорилари ва мутафаннинларини сабаби ҳайрат ва жамиятлари бўлур. Хулоса, вуқуот ва ҳудудоти исломиянинг бу сафҳалари қироатидан, басоратидан кўнгуллари ишроқ топар, инсон ўзини бир лаззати руҳония ичида мустариҳ ҳис этарки, аҳли индинда минг карра мусалламдур. Ай жулуси муҳтарамим, сиз ҳануз тарихи умумий ёинки тарихи исломға мубтадий даражасинда ҳам эмассиз ва жанобингизни аз манъи собиқа, аз манъи мутавассита, аз манъи охира ёинки қуруни қадима ва жадида таъбирлари ила саргардон этмайин, балки хулосатул хулоса, тарихни мухтасар натижасидан айтмоқчиман.

Тарих деюрки, бу замон келдики, уламо ва умарои ислом жабин ва танбал, айёш бепарво, дигар тарафдин бир-бирлари-ла мухалиф бўлдилар, таълим ва тадрисдан шикори нахжирни, уламодан каниз ва лодонлар мажлисини таржеҳ этдилар. Умаро ва салотини ислом ноҳақ ер юзига минглар аҳли ислом қонини тўкиб тараф-тараф бўлдилар. Уламо бўлса, умаро нониға ва маошиға кўз тикиб, муқобилларини такфир, хусумати мазҳабия ва таассуби ирқияға аҳамият бердиларки, қурун аввалиға насроният оламиндаги ва пополиқ замонидаги ихтилофларға монанд низолар олами исломни парчаланмоқига сабабият берди. Эй биродар, тарихи исломни кўнгул поралайдурган саҳифаларини(нг) хулосасини натижасидан сизға арз қиларманки, бир олам кетди, кетибдур, бу саҳифаға боқарсиз деюр: Андалус кетди, Ғирната ал-Ҳамро масжиди кабир кетди, Жабали Ториқ кетди, Мотурид кетди, Қуртоба кетди, Балади Волид кетди, хулоса, Оврупо жануб, ғарбдаги ва Сибир ё Жава жазирасидаги мамолики исломия маҳв ва нопадид бўлди. Аҳоли исломиясини баъзиси ҳайдалди, баъзан асир, баъзан таҳриқ қилдирулди ва бугун алардан на ном бор ва на нишон. Оврупои вустоға қарасангиз сирб, булғор, Қрим, Крид, Қибрис юнон, рум эли ҳийталарига кетди, ҳоло кетмоқдадур. Бир карра Африқо харитасиға аътоф назар қилайлук: Танжа кетди, Троблис, Тунис, Зангибор, Судан, Мадағасқар балади исломиялари қисман кетди ва қисман кетмақдадир. Миср ила Фос мамлакат васъия исломиясида бу кун Франция ва Англия ва ўзга нахжирчилар йад шикори ва дом сайдларига асир ва ораларидаги низолари бартараф бўлишида тақсим ва тамликларини табиийдур.

Эмди маҳди қадим инсоният ва мазохирни кулли адён ва майдони тараққий исломият бўлган Осиё қитъаси харитасиға таважжуҳ қилармизки, уч аср охири зарифинда на ҳолатға келмиш. Оҳ, мунда қалам титрар, қалб йиғлаур, бир бағри ёниқ дерди:

*Оҳ, нодон маврий шуд,
Оҳ, нодонга ўлат келсун.*

Осиё қитъасиға коин балади исломиядан умарои ислом тасарруфиндан овруполилар тасарруфиға ўтган амсор ва амлоки ис-

ломияни ман тавсеъ ва теъдод этмайин-да, сиз-да эшитманг, ёлгуз икки-уч асрдан бери умми насрония ҳийта тасарруфиға кирган мусулмонлар ададини кўрсатгувчи рақамларни ёзмок илан бу карра иктифо қилурман, истасангиз бошқа замон сўйлашурмиз, шаҳр ва ҳийталардан маълумот берармиз... Азиз жулусим, сизға сўйлаб турарман. Фаҳмлайсизму, ҳайҳот, ҳайҳот умумосиё қитъасиға 200 миллиён қадар мусулмон борки, андин ўн миллиёни Осиёи суғро ва жазиратул-арабға сокин ва усмонли ҳукуматиға тобе, 9 миллиёни Эронға, 6 миллиёни афғонға, 2 миллиёни Бухоро, бир миллиёни Хива, бир миллиёни Балужистон, 12 миллиёни Ҳайдаробод, Декан, бир миллиёни Жумҳур Ҳумон, ва миллиёндан ками жумҳур ҳукумати исломиясиға тобе бўлуб, бақия 50 миллиёни Хитой ва эллик миллиёни ингилисға ва эллик миллиёна қадари яна 40 миллиён Жазоир, Баҳри Муҳити Кабир мусулмонлари ила баробар англис, франсуз, Голландия, Испания, Русия ва ўзга дували насрониясиға тобе ва аларни қисми аъзами англисға ва аз он жумла 16 миллиён аҳли исломға иборат бўлсун. Биз, Осиён Вусто ва шимоли сокинларидан Русия давлатиға тўғридан-тўғри тобе Бухоро ила Хива ҳукуматлари давлатимизни ҳимоятигадур. Юқориға баён бўлган ҳукумати исломиядан фақат Усмонли ила Эрон давлатлари дохийий ва хорижий ишлариға мустақил ва қолмаси дували муқтадораи насрониянинг бирисини ҳимоят ва нуфузиға тобе ва эркак-хотун кабидур».

Жулусимиз деюр: «Оре, худо қилди». Ман дедим: «Маа асобака мин ҳасанатин фа миналлоҳи. Ва маа асобака мин саййиъатин фамин нафсака»¹⁶⁴ фа атбару¹⁶⁵.

Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа хатиб
ТВГ. 1908 йил 1 декабрь. №90.

¹⁶⁴ Қуръон. 4:79. «(Эй инсон), сенга етган ҳар қандай яхшилик фақат Оллоҳдандир, сенга етган ҳар қандай ёмонлик эса ўзингнинг қилмишингдандир».

¹⁶⁵ *Фа атбару* – ибрат олинг. Юқоридаги ояти кариманинг иккинчи қисми олинмагани учун ушбу сўз ишлатилган.

(Идора я мактуб)

«Вақт» ва «Таржумон» жаридаларинда Самарқанд мактаби лисони таҳсиласи бобинда баҳслар ўқулмиш эди. Самарқанднинг тараққийпарварлари орасинда-да ойлардан бери лаҳжа баҳслари эдилмақдадир. Ушбу фурсатдан истифода эдарақ лисондан ўтри банда бир қоч сатр ёзмоқ истаюрам.

Туркистонда коин балдалар ичинда Самарқанд, Хўжанд балдалари, Ўратеба, Панжикент, Конибодом ва бошқа бир қоч қасабаларининг аҳли ўзбакӣй, тожик тилларини таҳсилсиз билиюрлар. Туркистоннинг тоғларинда сокин аҳолининг аксари форсий ва бироз миқдори туркий ила мутакаллимдирки, бунлар турк, барлос ва соир қабилалардир.

Ўзбакӣй ва тожикий дедим, туркий ва форсий дагил, яъни форсий ва туркий қадим ва жадид шеваларинда муҳаррири адабий жумлалари фаҳм ва идрокидан ожиздирлар. Анжақ, ғоят маҳдуд омман ва урфан бу ҳолдан мустаснодир. Самарқандда юз қадар маҳаллалар вордирки, баъзисинда ўзбакӣй, баъзисинда тожикий ва баъзисинда бу икки лаҳжа қоришиқ сўйланур. Ғарибдурки, қари-қўжа ва авлоддан иборат оилада жўжуқ онаси-ла тожикий, отаси-ла туркча сўйлар. Жаноб устод, қудуми баҳжатлузумингиз шарафи-ла муфтахир ўлан кулбаи фақиронамда мавжуд икки оиланинг бириси форсий, дигари туркий ва ҳар бири мухотабина ўз лисони-ла хитоб эдар. Бу ҳол бутун Самарқандда ҳукмфармодир. Шўйлаки, аҳолимиз ҳар икки лисон ила ифодаи марома қодирдур. Туркистоннинг бошқа балдалари бу хосиятдан маҳрум ўлароқ ҳаб ўзбакӣйдир.

Келалим расмият ва идора лисонина. Ал-он Туркистонда дорулқазо ва улус ва вулус маҳкамаларинда дафтарлар ва расмий авроқ куллиян туркча ёзилур. Ҳукумата тақдим эдилар арзиҳол ва коғазлар русча ёки туркча ёзилмалидир. Фақат дорулқазолара муфти тарафиндан ёзилуб верилан фатволар форсийча ёзилуб, дорулқазо котиблари тарафиндан яна дафтарлара туркча

¹⁶⁶ Ушбу мақолани Зайнобидин Абдирашидов тайёрлаган.

қайд ва забт ўлинулки, бу ҳоллар икки тилнинг-да таҳсилина сабаб ва лузум ўлур.

Эски замондан бери Туркистон, Афғонистон, Бухоро, Хива, Эрон, Қирғизистон орасинда ўлан тижорат ва муносабат ила икки лисоннинг таҳсилина ҳожат ўлмиш. Шимди русчада, баъзан французча дахи лузум кўстариюр. Хонлар замонасина назар эдилурса, маҳкамаи шаръия авроқининг форсий ва хон девонларининг авроқи туркий ўлдиғи кўрилулур. Бу ҳол ёлғиз Самарқандда махсус ўлмаюб, Туркистони Русий ва Туркистони Афғоний, Хива ва Бухоро ўлкаларина ҳам хосдир.

Макоотиби қадимада ҳол яна бўйлачадир. Ўқилан ва мақдавли китоблар – Навоий, Фузулий, Бедил, Ҳофиз, Саъдий, «Саботул-ожизин», «Муродул-орифин» ва ғайридикки, баъзи форсий ва баъзи туркий ўлдиғи жумлая маълумдур.

Бу сўнг замонда усули жадида номи-ла ислоҳ эдилмиш ва очилмиш мактаблара келинча, бунлар «Таржумон»и ғарро таъсири-ла алифбодан интиҳосина қадар туркча дарс вериб, Туркистонда туркчанинг интишорина хизмат қилмақдадир.

Авоил ҳолда лисон дарси хоҳ туркий ва форсий ўлсин – мажбур «табиий» суратда янги мактаблара туркча китоблар-ла туркча дарслар верилдиғи форсийлар ичин оғир бир ҳол эди. Буни мушоҳада этиб, Туркистонда усули жадида монандиға аввал дафъа алифбо ва жуғрофия ва форсий тартиб ва табъ этдирмак мухлисингиз фаҳмиға тушди ва, модомики, Туркистонда туркий ва форсий тили қоришиқ ҳамда нофеъ суратда қоришиқдир. «Мактуботул-атфол» номи-ла мўътадил шевада туркий ва форсий қоришиқ бир иншо рисоласи тартиб ва табъ этдириб, «Тавҳиди лисон» бобинда, муқаддимасинда баъзи ожизона мутолаа ёздимки, баъзи муаллим ва муташаррифларнинг диққатини-да жалб этди ва бендан суволлар эдилди. Бу иншо шимдилик Туркистон мактабларина оз-оз кириюр.

Бу қоришиқ иншо Сирдарё ва Фарғона вилоятлариндағи мактабларнинг ва икки лисона ошно кишиларнинг ҳушина кедирмиш. Насл ҳушина кетмасин, кечан сана Фарғона мактаб ва мадрасаларина зиёрата кездигим аснода, кўрдимки, дарс китоблари арабий, муаллим ва мутааллимлар турк ва тақрир эса ак-

сарият ила форсийдир. Аммо янги мактабларина боқилса, сирф татар муаллимларини Бедил ва Ҳофиздан дарс вермая аҳоли мажбур этмиш. Бу одат ҳам музир, ҳам ноқисдир.

Туркистон хонларидан Амири Фарғона Умархон ҳазратларининг «Девони Амирия»сина боқиюрмисиз? Шеърлари, назм ва насрлари ҳаб қоришиқ ўлуб, форсий ва туркий риштаи назм... таҳрира чегамаздир.

Фузулий, Навоий, «Хамсаи куллиёт», Фузулий, Ҳувайдо, «Мабдаи нур», Сўфи Оллоёр, илах туркий девонлар баъда Ҳофиз, Бедил, Низомий, илах форсий девонлар каби манзум асарлар ва ададсиз тасаввуф, ахлоқ, фикр ва адабиёт, назм ва наср китоблар Туркистонда форсий ва туркий лисонларини турк ва форсий ақвоми мухталифалари байнинда олтин эди...

Ҳозирги айёмимиза боқалим, матбуоти жадида ва рубъи асрлар бери «Таржумон» воситаси-ла туркий ва адабиёти жадидаи асрия ва эҳтиёжоти мадания ила ошно ашхоси киром орасинда макотиб ва адабиёти жадида муҳаббат ва рағбат хейли ортмишдир. Фикримча, бу истило давом эдар ҳамда ниҳоятсиз давом эдар. Қозон шевасина нисбатан Қрим, Кафказ ва Усмонли шеваси туркистонлилар асҳалдур. Чунки зотан Туркистон лисони адабияси туркий ва форсий ва арабийдан мураккабдур. Шямол туркларининг лаҳжасина русча кўб махлут ўлмиш ва бизим шевада эса арабий чўқдир.

Туркистон макотиби жадидиянинг «лисони истиқболияси» ёинки программ лисониясиндан бир қоч сатр ёзалим. Умумрусия мусулмонларинда, Туркистони Русий ва Самарқандда усули савтия мактаблари «туркийча» ўлароқ вужуда чиқди. Жумла муаллим, устод ва муовинлар туркий «Таржумон» тили соясинда матлаб ва маълумота ноил ўлдилар. Турк тили ва адабиёти Русия мусулмонларини саййид эдажакдир. Матбуот бунга шоҳиддур.

Таассуби лисония кўстармиш жаридалара бу кун боқилса кечан санадаги шевасини хейли адабий этдиги кўрилуру. Даҳа муқаддамги қабо шеваси хафо ва ... пардасига бурунмиш. Мактаблар ва бутун осор ва расоили жадида иккинчи ва учинчи давра ва таъларинда бу қойдая жабрий суратда итоат эдарлар. Бу жабр табиатдир. Бизда бу табиата тобе бўлиниюриз. Фикри

ожизимча, Туркистон макотиби ибтидоиялари дўрт санали ўлуб, лисони форсий ғолиб маҳаллардаги макотибнинг биринчи ва иккинчи саналари форсий ва учинчи, дўртинчи саналари форсий ва туркий мўътадил шевада таълим ва таҳсил этмалидир. Лисони туркий ғолиб маҳалларда эса мазкур усули акс этдириб, икки тилимизни бақосина хизмат этмалидир.

Туркистон муфаттиши граф Паленга ва ани мутааддид ёвурлариға макотиби Туркистон бобинда арз ва тақдим эдилмиш лойиҳаи ожизонамда Туркистон тили туркий ва форсийлиги ва русларнинг занн ва орзу этдиклари хос форсий ўлмадиғини да-лоили лозима ила кўстардим. Ҳамда «Адабиёти туркия ва форсияни янги фикрлилар янги мактаблара идхол этмишлар» деган сувола: «Хайр, афандим. Туркистон мактабларинда туркий ва форсий тиллари ва адабиёти янгилар идхол этмади, балки туркистонлиларни ё турк, ё форсликлариндан ўтри адабиёти туркия ва форсия азалдан бери ворки, эски мактабларда мавжуд эди. Навоий, Фузулий, Бедил, Ҳофиз, Саъдий ва соирлар бунга шаҳодат верирлар...», – дея шафоан ва таҳриран жавоб вермиш эдим.

Лисон ва мактаб масаласинда «Таржумон» муриди бўлиндиғим ва бу масалада аҳволи миллиямиза мувофиқ бўлиндиғим мастур дагилдир.

Самарқанд муаллимлари орасинда мактаб програмини сирф форсий этмак тарафдори-да вордир. Туркий програм орзу эданлар-да вордир. Лекин Тошканд ва Хўқанд муаллимлариндан аксарияти мактабларини икки лисон узра бино этмакдадир.

Туркистон муаллимлари таътилда жам ўлуб, мажлис этса эдилар, чўқ хайрли ўлурди. Чунки ихтилофи програмдан ихтилофи масолик ва ихтилофи маълумот ва андан эса нифоқ туғар.

*Муфти дорулқазо Маҳмудхўжа
бин Беҳбудхўжа, Самарқанд
«Таржумон». 1909 йил 31 март. №14.
«Таржумон». 1909 йил 19 май. №21*

ҒАЗЛУЛЛОҒ АҒАНДИҒА ЖАВОБ

Муҳтарам Ғазлуллоҳ Юнжий жаноблари! 62-рақамлик «Туркистон» жаридасиға қилган саволингиз ўқулди, ғазоилмаоб шайх муҳтарам домла Олим махзум ва адиби мукаррам Хўқанд Даврон имзолик афандини ва муҳибби ғоибонангиз роқими ҳуруфни сўзлатмоқ истаганингиз мафҳум ўлинди. Шайх ва адиб мушорун илайҳумодан газета қорилари миннатдор ўлсалар сазодур. Ҳоло Хўқанд Давронни услуб жадида узра қалам юргузишлари адабиёти жадида мароқдиларини «Туркистон» жаридасинда мужаллуб эдар, Оллоҳ таоло қалам ва саъйининг давомини туркистондиларға кўб кўрмагай.

Бан ила сиз ортиқ такаллуфли сўзлари қўёлук, бан ила сиз деялим ёдингизғадур, бизим ўнға яқин саналар кечурки, ўзгалар қаторинда бан ила сиз ҳам «Туркистон» жаридасина сиёсий ва ижтимоий мақолалар ёзар эдук ва ҳануз ёзмоқға роғиб ва толиб, балки ошиқам.

Лекин чи чора, кечанларға «Туркистон» жаридасина ёзилмиш бир илмий мақолам илмликидин зиёда сиёсий ҳамда рақибларим айтуши бўйинча анинг зиёда ифрот даража сиёсий эмишки, бу бир, дигари бизим Самарқанд, сиза Туркистоннинг бошқа нуқталариға нисбатан Кафказға яқиндурки, Кафказли қариндошларимиздан Туркистонға келганлари Самарқандимизни ташриф этарлар, мутааддод Кафказ муҳаррирлари ва кафказлилар бандаға дедиларки, Кафказ муҳаррирлари сизни таҳрир этгингизни миссионер таҳти идорасинда чиқатурган «Туркистон» жаридасиға кўруб сиздан иштибоҳ ва баъзан нафрат этарларки, Маҳмудхўжа шўйла газетаға доимо мақола ёзар, албаттаки, мунда шай вор... деюрлар. Ман эса ёзган мақолаларимдан баъзисини кўрсатмоқ-ла ва ё лозим далиллар этмоқ-ла баъзан дафъи иштибоҳ эта билдим ва баъзан билмадим.

Ҳақиқатда кафказлилар маъзур, чунки Туркистондан оз хабарлидурлар, Туркистонни фикри ва кўзи очилмамиш аҳолисиндин рус чиновнигини бизлар тўғрисидаги илмий ва маданий афкори таъбир муносиб эса қудамомиздан сўл ва бир даража нофёдур, зан этарам.

Бироз возеҳ эдалим, руслардан баъзи қисми деюрки, туркистонлилар улуми замония лозимлигин рус тилинда, дигар қисми деюрки, хайр ерли тилинда кўрарсиз, азизимки, алар бизга ҳам-малари улуми замонияни лозим билиб, фақат ихтилофни лисони таҳсилияга айтарлар, аммо қудамомиз улуми замониядан ҳар лисонда ўлса-ўлсун қочиб ва куфр каби талқин этарлар.

Тошкандда бир неча жаридалар чиқди, мамнуъона кўра аларни таътилига чиновниклардан кўра кўброқ ерлилар сабаб бўлудурлар. Чунки жариди ва муҳаррирларни руслара на ишлари бўлсун, балки ерлилари ислоҳ этмоқ ила одатан мукаллафдурлар.

Биз, туркистонлилар аҳволимиз зоти олингиша маълум, агар эгрисини эгри дедингизму, кофир-да ўлдингиз, даҳрий-да, ҳифзуллоҳ.

Кафказли дедийим, Кафказ бойларига боқинг, жариди, журнал ва қироатхоналари ҳимояи молия ва маънавияларига оларлар ва бизимкилар ила мутаносибан маъкус.

Маълумингиз ўлмоқ узра бизни ҳадаф таҳриримиз аввалул эҳтиром қози, муфти ва мударрис ва шаҳримизни ақобири эрди. Ҳар жиҳатдан қаламимиз, сўзимиз аларни маслак ва иззатларига тўқинди, лекин у кофир, у... фалон демоқдан ўзга бир шай этмадилар, ёлғуз нафрат-замон келдуки, сўзимиз ва ё қаламимиз нав барўзлар тамис этди, табиий бунлар янги ҳароратли эмасму, отилмамиш тош ва ҳақимиза этилмамиш сўзлар қолмади. Ҳукумат жариди ва журнал идораларина алайҳимизда ёзилган донос ва ҳажвиялар, шеърлар ёғдурулдик, истасангиз у шеър ва ҳажвиялардан бирини сиза юборайин, кўрарсизки, шайтонга бу қадар авсофи замима йўқдур.

Самарқанд тараққийпарварлари шаҳримиза қироатхонаи исломия очиб ва бандани китобхона асҳоби раис сайлаб эдилар. Бу-да аъдомиз назарига ноқобил узв, бизим учун катта қусур ўлан ҳоло кутубхонада Қуръонни қўймаюр эмиш, деган сўзни узун бир тил ила раста ва бозорларда сўйладилар.

Ҳолбуки, кутубхонада бир неча мартаба Қуръон ҳадя этган роқими ҳуруф ва дафтар ила собитдур.

Инкори ҳижобни-да бана нисбат бериюрлар, мани тарафдор ҳижоблигим жаноб граф Паленга кечан рамазон ойинда бермиш

ариза ва лойиҳам ила собит ва таб ўлмиш асарларимни ҳеч биринда ҳижобни адам лузумиға ҳуруфи воҳид ҳам йўқдур.

Ўтмиш саналарда бир мажлисда ҳикмати табиий ва жадида самаротидан ўлан грамафундан баҳс этмишдим ва ҳукамо қадиманинг савт маконда қарор топмас мазмунидаги сўзидин ва алон у истидлолни зуҳур базлонидан баён қилинмиш эди. Оллоҳ азим уш-шаъни табиат ашғоға халқ этмиш ҳикматларини ажойиблигидин баён асносинда боқингиз грамафундаги ҳикмат йигирма сана муқаддам ўлган киши савт ва нутқини бу кун сиза эшитдирар, демиш эдим.

Оллоҳ ҳидоят ила сўнг у мажлисда ўтурмиш бир рақиб мундан сўнг мажлислара сўйламишки, савол ва азоби қабрға мункирдур ва айтадурки, грамафунни қабрда қўймишлар, савол ва жавобдан лавҳалар забт этмабдур. Эй бечора, лавҳалар аъмо қулоқларға мумкин асвотни забт этар. Саволи мункар ва накир ҳақ, аммо қулоқларимизни дарк ва истимойдан ожиздурлар. Ҳузуримизға бастар истироҳат ётиб одам ва азоби рўё ичида ётган роқадани мирёт ва воқеотини аҳсос каби олами қабз ва арвоҳдаги турлу роҳат ва машаққатлари, келинг, сизға шаръан ва ақлан баён этаман. Астори нисоба келанжа фикри ожизонам шаръан ва ақлан тарафдори ҳижобдур, чунки ҳаддонгизда йўқ бўлса, бир бесоқол устиға бир неча одам ўлдуруб ва бир неча маҳаллаға ўт қўядурган Туркистон ҳайвонлари учун нақадар кону монлар ёндуруб ва на қадар жонлар талаф этарлар ва вақтдан аввал инқироз қадарғина жон отарлар.

Аммо, афсуски, зolim маданияти ҳозира ўзлигидин мажбур табиий сувратда бу ҳижоблари гўшаи нисёна отар, хайр у истиқболникидур.

Муҳаррирларимиз қўлини қўлиғина қистируб турса на ўлур, молида бир жумла муҳимма мақолаи олия ... сутуринда вор эди, афандимки, мани сўйламоқға мажбур этар, жоним кечан санаги тафтиш аъзолари миёнида мустаҳриқ жаноб Корочкин анда бири бор эди ва орамизда бир неча муҳовара мажолислар воқеъ бўлуб эди. Мусулмон Қуръонинда «Кофирларни бутун ўлдурмоқға амр бор» деган ва амсоли каби фаҳш иштибоҳлар ул жаноб димоғини мушавваш олмиш экан ва яна бир неча шуйла қатъияларки, бақадр тоқати ожиз ани рафъи ва дафъиға Қуръон, ҳадис

ва тарих далоили ила кўшиш айлаб эдим ҳамда макотиб, мадорис, дорулқазо ва идораи руҳония ва мулкия ва Русия маданият қонунини исломият руҳида қабули фикрларимни ёзиб аксар ва ундан катгароқ киши воситаси била граф жанобларига топшуруб ҳам жаноб графга шифоҳан арз этиб эдим.

Лекин мусташирқ жаноблари мани тарафдори тарки афкори фосида зара соҳибидур, деб Самарқандда ва Тошкандда сўйлаганлари тавотир ила мўътабар аъзо тафтишия иқрор-ла ва исправка этишлари-ла мааттаассуф маълум бўлди. «Туркистон» жаридаси воситаси-ла арз этар эдим ва бир неча карра ёзмишдимки, яҳудий ва армани ва ўзга тоифалар бизни тижоратни кундан-кун олмоқдадурлар, катта бойларимиз-да аларга приказчик ҳукмидадурлар, энди ҳукумат мактабларига болалар берилиб ўқутуб тижорий ва мулкий ишларга шарик бўлмоқ лозим. Агарда бу кундан тижорат мактабларига ва гимназияга шогирд бериб, дорилфунуни давлатга талаба юборилмаса, яҳудий ва армани ва ўзга ажнабийларга қўлимиздаги иш ва билжумла маконларимизни бериб қўймоқ табиий бир ҳолдур. Ҳамватан яҳудийларимиз ўқуб, ҳукумат ишига ҳам кирадурлар мазмунидаги бир неча мақолаларим яҳудий ва армани ҳамватанлардан баъзи-сига тегиб, бир неча қолу қийлларга сабаб бўлуб эди.

Ишта, биродар азиз, ёр ва ағёрни ҳадафи таҳқири бўлмоқ даражасида бу синиқ қалам бизи ийсол этди ва димоға-да бироз футур келтурди. Юқорида баён қилинмиш вужуддан бошқа бир сурук тазйиқот қаламимизнинг садроҳидурки, ноилж бир неча ойдан бери ихтиёри сукут этдук, қусурот биздаки, халойиқга тариқи сўз англатмоқни билмаймиз. Самарқандда қироатхона ва мактабхонаи исломия асмо бор, лекин номунтазам ва қусуроти маръи ва расмий жамиятимиз воришсиз. Керакки, биз, аввало, ўзимизи ислоҳ этайлук ва ўз орамиздаги ихтилофи афкоримизни рафъ этайлук.

Боғдан сўрадим, тоғдан сўйларсиз демоқга ҳаққингиз бор, тақсирим (хотунларга илм лозимми), савол мужиб камол гузвор эди, сиз(н)и дардисар этдим, афв буюринг.

Минг уч юз бу қадар сана ўтмишки, шаръи муқаддамамиз «Талабул илм ҳар муслим ва муслимаға фарздур» буюрмишлар. Оллоҳ зулжалол амалиёт ва ибодати исломиядан аксарил акса-

рини навъ нисо ила рижолға мутасовий фарз ва дин этмиш экан ва Фурқони ҳамидаға бу икки қисм амр ва хитоб мустатоби ал-иззатға баробар мазоҳир бўлуб эканлар ва, хусусан, нисо ва жинси лутфияни мувофиқ хилқат табиалари алар зиммасиға эрлардан фазла бир қоч фароиз ва вожибот ва сунан ортурулуб экан ва иқтисоӣ табиатлари ҳамда шаръи муқаддасни фармони-ла тоифаи нисо қисми рижолдан аввал ва вақтли муколиф ва кабира бўлур экан ва бу қазияларни ҳаммаси кун каби ошкор экан, ва жинси латифға ижрои таклифот шаръиясини этмоқға илм ва ўқувдан бошқа бир асбоб йўқ экан ва бу таклифотни умдаси ва фард камоли ўқув эканликиға ва хотунларни ўқумоқлари лузумиға этса, ёлғуз кўр ва ё мунофиқ мутаассиб инкор ё шубҳа эдар. Азизим, боқий хулуси қалб ила арз салом этдим.

*Муфти Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа, Самарқанд
ТВГ. 1909 йил 17 сентябрь. №71*

САМАРҚАНДДА ИСЛОҲИ РУСУМ МАЖЛИСИ

Ўрта қисм тўй ва таъзиялариға икки минг сўмдин беш минг сўмгача ва аъло тўйларда ўн минг сўмгача сарф этмоқ охириги вақтларда одат ҳукмиға кирди. Бойларға айтилатурғон сўз йўқ, фақат камбағаллар ва бойнамоларға ушбу тўй ва таъзия кўп оғур юк бўлди. Аъён ва тужжор балдадин жанобон Мулло Муҳаммад Аминбой ва Ҳожи Мавлонбой саъй айлаб, ҳукуматдан рухсат олиб, тўй ва таъзия ва жамият ишлари тўғрисида шаҳримизға ислоҳи русум мажлиси барпо айлаб, тақрибан тўрт-беш юз қадар киши тарафидан шу зердаги «Иттифоқнома» ёзилиб, муҳрланиб, тўй ва таъзия ва жамият ишлариға махсус проғром – тартибнома тайёрланди ва ушбу тартибномани бостуриб тарқатмоқ ва анда ёзилган моддаларни бажо келтурмак учун сайланмиш вакиллар ҳукумати маҳаллияға мурожаат қилдиларки, оқибатини яна ёзармиз. Ислоҳи русум мажлисини қарорномаси ушбудур.

1909 сана 21 март мутатобиқ 1327 сана 2 раббиал аввал бизлар Самарқанд шаҳрини тубанда зикрланмиш мўътабар одамлари ва элликбошилари қилдуқ ушбу «Иттифоқнома»ни ҳурматлу шаҳар приставини, съезди қуззотий ҳузуринда ҳукуматни руҳсати ила шул хусусдаким, биринчи, Самарқандда мутаваффо бўлгувчиларни ёши қирқдан қуйи бўлмагали ва юқори бўлса, суф йиртиш йиртсун, берилсун. Фақат қабр устида йиртилиб, бошқа жойда берилмас, хоҳ бой ва камбағал ва ё мансабдор бўлсун зиёда берилмай ва ҳаммаға баробар берилур (масалан, ҳар кимға бир аршиндан). Бу йиртиш ҳам жабрий эмас, ихтиёрий ва камбағал майит ва сағир вараса хусусидан қилинмайдур.

Иккинчи, тўйлар бобинда шундай қарор бердукки, мансабға турган қози, муфти, мударрис, имом хатиб ва дуогўй эшон ва истаршина ва оқсоқол ва истарший оқсоқолдан бошқа ҳар синф касаба ўз оқсоқолидин бошқа ва касаба оқсоқоллариға ҳам қанд ва набот бермасун. Мазкур миллий ва руҳоний мансабдорларға ҳам қанд ва набот бермоқ жабрий эмас, ихтиёрийдур (бермаса яхшироқдур).

Никоҳ ақдиға ҳазар мажлисиға¹⁶⁷ пул бермай, фақат имом ва муаззин ва маҳалла ходимиға берилса керак. Аммо аларға берилатурғон ҳам уч сўмдан зиёда бўлмасун. Шаҳар тўйлариға базм ва кўпкари берилмасун. Маҳалла йигитлари пул жамлаб, жавон сахламасунлар ва ўзлариға бобо – йигитлар каттаси – кўтармасунлар. Тўйға тўёна бермоқ икки танга матрук бўлсун.

Мурдашўйға ўлган киши тарафидан икки танга ила бир кўрпа ва бир ёстуқ ва озгина либоси майитдан бошқа нарса берилмасун (бақадри имкон тўй ва азани кичикроқ қилинсун).

Мастлик ва ўғрилик, қатл ишларини бўлмасликға тадбирлари жорий қилинсун. Қозилар ва политсия ҳузуринда ўғриларға ҳеч ким восита ва кафил бўлмасун. Ушбу қарорномаға амал қилмайтурғанларни тўй ва таъзиясиға борилмасун.

Ушбу «Иттифоқнома»ни ҳукуматға топшируб ва ўрниға келтурмоқ ва тўй ва таъзияға халойиққа насиҳат беруб, яхшилик ила ушбу қарорномани жорий қилмоқ учун Хўжа Муҳаммад

¹⁶⁷ Ҳазар мажлиси – никоҳ ўқитиш пайтида йиғилганлар.

ўғли, Муҳаммад Аминбой хўжа Муҳаммадбой ўғли, Ҳожи Мавлонбой Тошмуҳаммад ўғли, Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўғли, Ҳожа Шамсиддин Ибодулло ўғли, Абдулғаффорбой ҳожи Абдулло ўғли, Муҳамадрофеъ Шокирбой ўғли, Мулла Ҳамро Йўлдошбой ўғли, Мулло Эшонқул Ҳакимбой ўғли, Муҳаммад Шарифбой Бобожон ўғли, Ҳожи Барот Мулло Мурод ўғли, Ҳожи Латиф Ҳасан ўғли, Абдулназрбой Ниёз Муҳаммад ўғли, Муҳаммад Зокир Умур ўғли, Хотам карвон Олимбой ўғли, Салоҳиддин Ҳабиб ўғли ушбу «Иттифоқнома»ни бузганларни дорулқазо, политсия маҳкамаларига жавобга қолдирилсун, деб асл нусхага бир неча юз киши муҳр босиб, қўл қўйгандур.

Вакиллардан бири Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа.

ТВГ. 1909 йил 13 май, №35

ЭҲТИЁЖИ МИЛЛАТ

Бизни туркистонлиларга икки синф кишилар лозимдур ва бу икки синф кишимиз бизни диний ва дунёвий ишларимиз, миллат ва қўмитамиз лавозимоти, диний ва илмий ва маиший эҳтиёжимиз улуми диния ва арабиясиз динимиздин бебаҳра қолмоқ каби фуқуни замония ва лисони Русиясиз ишларимиз хароб бўлуб, кундан-кун бегона миллатларни забуни ва маҳкуми бўлурмиз. Хулосатул баён, икки синф кишисиз бизни диний ва дунёвий ишларимизга зарар келиши бир умр зарурийдур.

Қорийини киром, албатта, деюрларки, бу икки синф кимлардур. Ман маалэҳтиром арз қиламанки, замонадин бохабар уламои диний, диндан бохабар уламои замоний. Энди бир киши сўрасаки, бу икки синф бир эмасму? Ман дейманки, йўқ, биринчи синф уламои динийни шуғули умури руҳонияи наим ва улуми арабия бўлуб, ани зимнига замондан баъзи – тарихи замон ва жуғрофияи жаҳондан керак хабари бўлсун, ҳикмати қадима ва илоҳиядан сўнгра ҳикмати табиия ва кашфиёти жадидадан ҳам воқиф бўлуб, яна сиёсати асри ҳозира ва рафтори дуваил муқта-

дирадан огоҳ бўлсунлар, ишта миллатни биринчи эҳтиёжи ушбу синфни муҳтарам рижолигадур.

Энди, синфи сонийга келайлук, диндан бохабар уламои замоний, демишдим бу синф иборат бўлса керак. Ҳукуматимиз мактабларини хат қилган мусулмонлардан (туркистонли подонлар образований деб яхши албиса кийган кишини деюрлар) ва имомни образований деганим ҳақиқий зиёели кишидур. Зиёелиларимиз зиёели маъносини керак тамомила ҳоиз бўлсунлар ва алар русчадан бошқа адабий тақририй тил билмайдургандин ва миллатимиздан бехабар ва мусулмоний ўқумаган зиёелиларимиздан бақинча биз истифода қилолмаймиз ҳам, чунончи, фақат илми диний таҳсил қилиб, замондан хабарсиз қолган туллобимиздан яхши истифода қилолмаганимиз каби.

Ҳозирги уламо ва образованийларимиздан бир нечаси бир мажлисда ўлтурсалар, у мажлис – бир зиддан лиижтимаъни мажмаъи зоҳираси бўлур, ҳақиқатда ҳар иккиси бир-биридин мунтафар ва тафр ила ислом каби тарафайн назарида ноқобил ижтимоъ бари зиёда ташкил этар конида бўлурлар. Ҳолбуки, уламои замонни таҳқиқ ва истидлоли диниялари бўйинча маданияти жадида ва улуми замонияни дини мубини ислом руҳида қабул қилмоқ мумкин ҳам улум ва фунун ила диёнати исломия аҳсан важҳ узра жам ўлур ва бу ижтимоъни субути диний мажаллалар, чунончи, Оренбургда матбуъ «Дин ва маишат», Уфада мунташир «Маълумот», маҳкамаи шаръияи Оренбурғия ва Миср ила Истанбулдан келатурган «Сироти мустақим», «Ал-манор» ва ўзга матбуоти мавқутан диния қорилари наздиға собитдур.

Бас, уламо ила ним образованийлар орасидаги тазод надан мутаваллиддур? Фикримизча, ушбудан мутаваллиддурки, уламоси замондан тарих ва жуғрофия ва заруриёти замония ва ахбори дувалиядан вуқуфсиз, образованийси бўлса лавозим ва адаби динияға эътиносиз, аҳкоми диниядан бехабар, лисон ва адабиёти миллиядан маҳрум, улум ва фалсафаи олияни ва лав ажнаби лисонинда бўлсун ўқумаганлиги ва маълумотини сатҳийлиги ва уламои уммат тарафидин тарихи ислом ва ҳикматлар аларға ақлинча алқо қилинмаганлиги жиҳатидин ва аларни исломият зидди маданият ва муҳолифи ҳикмат ва табиатдур, деган тарҳотни саналар ила эшитганлари сабабидиндур.

Модомики, бу икки синф бир-биридин бу қадар хабарсиздур, албатта, фикри айнга шадид бир зиддият таваллуд этиши табиийдур. Уламо ила зиёлилар афкорини зиддиятидан пайдо бўладурган зарарларни тасаввур айлаб, уламо ила зиёлиларни ихтилот ва таъоти афкор қилишларини 1324 санаси таъб бўлган «Мунтахаби жуғрофия» ном асаримни 27 – 28-саҳифаларига оғизона арз даъват қилиб эдим.

Уламога эҳтиёжимиз ҳар кимга маълумдур, аммо зиёлиларга, яъни ҳукуматимиз мактабларида ўқуган кишиларга-да ишда эҳтиёжимиз мингдан бир кишига балки маълум йўқдур. Агарда маълум бўлса эди, 155 минг мусулмонлик ва маркази Туркистон Тошканд мусулмонларидан керакки, юз эллик талабамиз гимназия ва реалнийларга кириб муқаддима тул айши пойтахт до-рулфунунлариға ўнлаб, йигирмалаб кириб чиқар эди. Инчунин, Хўқанд ва Самарқанд каби маркази вилоят шаҳарларга талаба кўб бўларди, бас, собит бўлурки, зиёлилардаги эҳтиёжимизға ҳануз аҳоли илм ҳосил этмабдур. Русский-гуземний мактабларға ўқутанлар зиёли тутул, хаёлий ҳам ҳисобланмайдурлар. Алар фақат чаласавод кишилардур. Зиёли қаторига кирмоқ учун бошқа алоҳида таҳсил лозимдур. Русча таҳсил қилган, илм-фанни ва ватанни ва ҳам динлариға айтиб бермоқға кифоя қиладурган миллий тил ва қалам соҳиби бўлмоқ керакдур. Вале маданият-ни социализация эса илмни ноўк миллатни нотаъсинасидин бошқасини билмайдурган усул ва фуруъдан ва ла фил-жумла бўлсун беҳабар зиёлилардан бизға у кўзланган манфаат асло такмилдур. Ҳоказо илми ибодат, сарф ила наҳви арабийдан моадосини таҳсил этмаганлардан ҳам маъмул манфаат маатта-ассуф мафқуддур.

Ҳолбуки, уламони нуфузи орасида кундан-кун таноқисдадур, чуновчи, муаззиндан бошлаб то хатиб ва мударрисғача авомға тобе ва авомни интихобиға зордурлар. Масжидларға панд ва насиҳат йўқ ва ихтилоф кун-кундан авом ва нодон ва дин ила дунёдан беҳабар бўлуб ҳайвонлашмоқдадурлар. Ҳар имом ўз қавмлариға ва ҳар қози ўз элликбошилариға тобе ва бу нодон қавм ила элликбошиларни ҳар бири қуззот ва айммаға ўзларини валинеъмат билурлар, эй лаънат ўлсун жуҳдолға, бечора уламо-миз, қуззоти ва айммамиз у ҳолда келмишларки, бир даний ва

бир авом алар ҳузурида бир амри мункир ва шаниаға муртакиб бўлса, оғуз очулмайдур. Энди уламодан-да шиква этайин, ўзга миллат уламолари калисоларида ҳозир жуҳалолариға ўз тиллари-ла панд-насиҳатлар этарлар, ҳоло Оврупои Русий ва Кафказ уламолари масжидлар ва минбарларда туркча ваъзлар айтиб халоиқға амри маъруф ва наҳий аз мункар айтарлар, лекин мааттаассуф бизим уламо ва руҳонийлар сукутда ва фароғатда ёинки тагофулда ва умумтуркистон масжидларида ваъз йўқдур.

Ҳа, мутолибимиз уламои диний бўладурган талабаи кироми-мизға тарих ва жуғрофия ва ҳикмати жадидадан ҳам ўқумоқни ва зиёлиларимизға улуми диния ва адабиёти миллиядан ҳам бақадри имкон таҳсил этмоқлариға васият ва тарғиб этмоқ ва бу икки синфни мухолата ва мажолисаларини рижо этмоқ эди.

Мундай синфларни ўз-ўзидан ташкил этиши кўб вақтға тор-тар, ани учун халоиқ пешравлари бу синфларни кўпаймоқиға ва камолға етмоқиға ва бир-бири ила имтизож ҳосил этмоқиға керак саъй қилсалар.

Гимназия ва реалнийларда мусулмон болаларини кўброқ бериб, сўнгра мазкур мактабларға таълими диний ва адабиёти исломий учун муаллимлар идҳолини ҳукуматдан рижо ва илтимос қилмоқ керак, дигар тарафдан кироми-мизға ва у турк ё форсий бўлсун тарих ва жуғрофия ва ҳикмати жадида китобларидин ўқутмоқ ва ўқумоқлариға тарғиб этдирмоқ лозимдур. Токи рижоли динимиз дунёдан ва муроддан, дунёвийимиз дини мубинимиздан бохабар бўлуб, тараққий ва давомдин ва миллатимизға қўл тутиб саъй қилсунлар.

Саъйсиз инсонға бир шай йўқлиги ва саъй қилган киши, яъни самара саъйни кўрарлиги Қуръон ила собитдур: бир мажлисда бу ишлардан сўзлардим, бир киши дедики: «Ҳукумат мактаблариға ўқийдурган мусулмонлар бизға на қилурлар?» Ман дедим: «Алар ўрта мактабларни тамом қилса, ҳукуматимиз маъмуриятлариға кириб, яъни чиновник бўлуб биз, мусулмонларға хизмат қиладур. Тилмоч ва ё ишсиз ва кучер эмас, балки мирзо ва пристав ва бора-бора ҳоким ва амир ва одам бўлурлар. Олий мактабларни тамом қилса дўхтур, ҳаким, муҳандис, инженер, судя, вакил ва алардан каттароғи бўлуб, Русия давлатиға шариклигимизни исбот эдар, дин ва миллатимизға, ватан ва давлати-

мизга хизмат қилиб тараққийимизга сабаб бўлур. Яқин замонда қонунлар ва аксар ишлар яна бошқа рангга кирар ва кундан-кун маданияти ғарбия ва одати жадида бизни ихота этар. Биз энди, керакки, ўз дин ва миллатимизни давлатимизни миллат мажлиси – Государский Думани-да мудофаа этайлук, ўз ишларимизни ҳозирги судларда ажнабий вакил, яъни зақўнчиларига харвор ақчалар ила берурмиз ва ўзимиз жузъий бир ақча учун маъжама бадрафларига ҳаммолмиз, билмаймизки, сиз бу назирларга тундундигизму?»

Замондан бохабар ва ҳикмати жадидадан ва фалсафаи ҳади-садан воқиф уламомиз бул кунда динсиз ва динли, табиюн ва моддиюн, нигилист, сосиалист... илаҳ янги файласуф ва динсизлар афкорини раддига китоблар тасниф қилиб масжид ва минбар ва мажлислар авом ва хос умматни эътиқодини маъжам турмоқиға боис ва сабаб бўлурлар. Уламо мутақаддимимиз ўз замонлари ҳукамо ва табиий ва моддийларини фикр ва таснифотини билиб анга раддиялар тузган эдиларки, ҳозирги мадрасаларимизга ўқулур. Аммо янги табиий ва моддий ва фалсафаи жадидаларни фикри ва далоили, албатта, Туркистон уламоларини юздан бирига ҳаққа маълум йўқдур. Ҳозирги фалсафа ўз муддаоларига назарий ва амалий далил ва асбоблар кўрсатурларки, оз илмлик фавран гумроҳ ва динсиз ўлур кетар, мунга бўлса уламои уммат зомин ва масъул бўлсалар керак, азбаски алар мусоҳала этарлар ва, ёинки, ғафлатдаурлар, агарда мусолаҳа этсалар, танбеҳи ғафлатда бўлсалар, ийқоз лозимдур. Азизим, халоиқни на деганига ишимиз бўлмай бу тўғриларга фий ма баъд баъзи мақолалар ёзмоқчимиз. Шоир деюрки: «Гўш, агар гўш ту йу нола, агар нолаи ман, онки албатта ба бажойи нарасад, фарёдаст». «Бовужуд шул биз, дар гуфтан асарист, ки дар нагуфтан нист»¹⁶⁸ қойдасига амал қилурмиз, вассалом.

Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа, Самарқанд
ТВГ. 1909 йил 2 октябрь. №75

¹⁶⁸ Қулоқ сол, эшитган поланг, агар менинг нолам бўлса, у албатта жойида бўлмайди, фарёддур. Биз аспда шундаймиз. Гапиргандан гапирмаган маъқулроқ.

БУХОРОДА УСУЛИ ЖАДИДА

Самарқандда бир неча санадан бери усули савтия мактаби мафтуҳдурки, шаҳримизга келгувчи Бухоро талабаларидан баъзилари келиб кўрарлар эди. Бу мактабдан нусха ва ибрат олган икки нафар бухоройи толиби илм кишилар Бухорои шарифга хусусий бир ҳовлида мактаби ибтидоий очиб ва Самарқандда матбуъ форсий алифбо ва ўзга расоилдан элтиб, болаларга усули савтия узра таълим берадурларки, бу мунаввол узра етти-саккиз ой мактаб давом этиб, санаи ҳолия қабул аз рамазон биринчи имтиҳон умум индинда ижро қилиниб, болаларни китобат ва қироати форсий ва заруриёти диний ва қироати Қуръони шариф ва тажвид ва амали арбаъа ҳисобидан айтган арз маълумотлари ҳозирани таҳсинхон ва бир қисм ҳасудларни дилхун этар. Бу имтиҳонда Самарқанддан махсус кишилар бориб эди. Ва сўнг муддатда атфол ва хейли касби маълумоти шаръия этишлари мушоҳада қилиниб, мактабнинг таъаддига умидлар қўйилмоқда эди. Чунки Бухоро уламо баноминдан мударрис ва муфти муҳтарам домла Икром ва ғайрилари ва ҳоказо Шаҳрисабз волийи муаззами Насрулло парвоначи ва мир қушбеги ҳазратлари бу мактабга қалбан ва маънан некхоҳ эмишлар ва жаноб домла Икром бу мактабни шаръий суратда давомига ва бадъи мазра васиъани анда йўл топмасликга мутасадди бўлуб, ҳомий ва нозир шаръияси сифатини жоиз бўлмиш эканларга ... зикр аввалул эҳтиромларга инсоният ва илмомани ташаккур этмак лозимдур. Бухорои шарифда биринчи мартаба ушбу асри маданиятга янги мактаб «Бисмиллоҳ»ни лужжа таълимга ният этган муаллим ва муассислар Мирзо Абдулвоҳид ва Садриддин маҳзумлар ва бу мактаб ҳомийи маънавий тарафдорлиги сифатини ҳоиз бўлмиш ҳазрат олийжоҳ аморатнинг диёнат огоҳ муфти ва қушбеги ва парвоначилар Бухоро тарих тозаси бир неча саҳифасини зийнатафзоси бўлмишлар, бор ўлсунлар, минг яшасунлар.

Келайлук вуқуоти жадидага, мактабда китобот ва қироат форсий, тажвид ва таълими каломи қадим, азкор саловат ва заруриёти диний ва амали арбаъа ҳисобия ўргатилур экан, баъзи муфаттин ва ҳасуд кишилар бу мактабда хилофи шариат нимар-

салар қилинур, деб бир неча аввалул эҳтиромлар ҳазратларина саъйиат этарлар. Мактаби ибтидоияда мазкур нимарсалардан бошқасини ва нодонлар назаринда хилофи шариат кўрунатурган тарих ва жуғрофия ва лисони русийдан дарс бермоққа фурсат йўқдур. Агарда сиз бухорийлар бу уч фанни ғайримашруъ билсангиз, ўқутманг. Ва, аммо, китобат ва қироати форсий ва тажвид ила каломи қадим ва азкор салавот ила заруриёти диния ўқулуб турган мактабни хилофи шариат демақни ўзи минг карра хилофи шариатдур.

Ҳақиқат ҳолға мутолеъ бўлмаганликдин мутаваллид бу саъйиат баъзи аввалул эҳтиром жаноблариға таъсир этиб, масмуъота кўра, бу мактабни хилофи шариатлигина муфтилардан ривоят ёзилур. Байналуламо бир неча қил ва қолларға таб бўлуб, охир ота ҳазрат амирни Бухоро ўлкасинда Русиядан вадудлариғача ҳукумати маҳаллия тарафидан мааттаассуф мактаб мазбури масдуд бўлуб, атфол ихрож қилинур. Бечора атфолни ҳўнгур-ҳўнгур йиғлаб, чиқиб кетганларини кўрган киши кўз ёши-ла биза исбот этди.

Бухоро сатҳийлари таъбиринча, дорулкуфр бўлган Туркистон муаллим ва мактабдорлари доруссалом Бухорода воқе бўлган ушбу ҳодисаи муъаммам ва муъаммам фийға диққат этмаклари керакдур. Бухоро мактабининг боғланмасиға анда сокин татарлардан ҳам баъзилари сабаб бўлубдурлар, чунончи, бухоройи мўътабар мударрислардан бир зот биза инондурки, Бухорода усули савтия муқобили баъзи татарлар бороҳға бориб аълам жаноблариға шу йўлда баён этмишлар: «Тақсир, усули жадида мактаби кўб динға зарарли ва ўзи уч қисмдур: биринчиси ибтидоийки, анда ўқуганлар кароматға, иккинчиси эъдодийдурки, анда ўқуганлар нубувватға, учинчи олий қисмидурки, машҳурлари улуҳиятға мункир бўлур, наҳор ёптурингиз», – деб ёлвормишлар ва аълам ҳазратларида мазкур нўғайларнинг рапуртларини бир қоғозға ёзиб, мавзу очилганда ҳар кимға кўрсатурмишлар. Бу сўзни сўйлаган зот у қоғозни аълам ҳузуринда кўрмишки, усули жадида китобдан бир хейли нусхасини нўғай қардошларимиз мажжоний ўларақ Бухороға тарқатибдурлар. Бу воқеани ҳикоят этган мударрисға эътимодимиз томмдур ва тадрижий суратда баён этмиш вуқуотдан жаридаға ёзармиз.

Эй татар қардош, Оллоҳ инсофингизни берсун, билимсиз социалист татарларингиз ҳаракот ва афкорини сиз усули савтия мактабигами иснод эдарсиз ва макотиби шаръия шанияға шўйлаликми уруюрсиз. Оре, татарлар ичинда сиз айтган каби кишилар, балки бўлсун вовайл кишилар яна сизға маълумдур, вале ўйларни шўйла муқим фикриға мактаб эмас, адами мактаб сабаб бўлгандур. Мактаби исломиядан бенасиб ва мактаби ғарбиядан ўзгасини кўрмаган кишилар бўлса керак. Биз бу матлабға кераклик баъзи сўзларни «Мунтахаби жуғрофия» китобимизни муқаддимасида уламоға хитобан ёзган эдук. Танзил этуб кўрсангиз, балки фикрингиза мувофиқ келур, мусулмон болалари татар, турк, қозоқ, сарт ўлсун ўйла шайтоний фикрларға мактабсизликдан ва янги фалсафа сўзини эшитиб, ани раддиясини ҳозирги мактаб ва мадраса китобларидан топмаганидан асир ўлур.

Татар қардошим, тарих ва осор биза кўрсатурки, аслофи киромимиз ва уламои мутақаддаминимиз ҳикмати юнонийни бинобар лузуми ўқудилар ва арабийға таржима этдилар, умарои собиқамиз ва сизнинг каби ёрли оғаларимиз малолларға ионат этдилар. Илмий ва молий қутларини ижтимоила аларни рад ва ибтолиға ҳозирги кутуби каломиға ва фалсафаи диния тадойин топилди. Дини мубинимизға шу йўл ила қийматсиз хизматлар этарлар.

Сизнинг Оврурои Русияға мавжуд бир мактаби олиия диния ворки, у-да Бубий қарясиндадур. Унинг таъсиси маъазаллоҳ улухиятға инкор учун йўқ, балки вужуди собит ва адами номумкин бир Оллоҳнинг вужудини ва нубувват сидқини ҳикмат ва фалсафаи ҳадиса сабаби-ла муштабиҳ бўлганларға яна ўз йўллари-ла исбот ва ўз асбоблари-ла дафъи шубҳа мақсади писандонаси-ла таъсис топилгандур. Агарда сиз деган одамлар у мактаби олийға кирсалар, балки ҳидоят топарлар.

Ҳар шаҳр ва қаряда, ҳатто Бухорода кўрарсизки, нақадар фосиқ ва фожир... бор, ҳатто мадраса талабалари ичинда ва уламо жалолинда ўйларни борки, Оллоҳ кўрсатмасун, сизларни у маъсиятвор... ларини мадрасаданми биларсиз ва ё Бухороними сабаб эдарсиз, агарда шўйла билсангиз, хато эдарсиз, азизим.

Ҳолбуки, Бухоро сизни Татаристон ва бизни Туркистон эмас, Бухоро, алҳамдулиллаҳ, уламо тасарруфиндадур, мактаблара

назорат эдарлар, номашруъ шайлар бўлинса чиқорарлар ва сизи хабар берган ваҳми шайлар биз билатурган мактабларда йўқдур. Зотан, програмлар ва феҳрист дуруст маълум ва аксари матбуъ-дур, кўрсатилсун.

Бухоро уламо ва умаросидан инсония ва исломият номина рижо ва илтимос қилинурки, янги мактабни тафтиш этиб кўруб, сўнгра ижрой ҳукм этсалар, вале узунқулоқ вағзи бефарвомизларни ваҳий сўзиға қулоқ солмақ ила иш битмас.

Кўзи очиқ одамлар биз Осийеи Вусто халқини бу ҳолларига, албаттаки, куларлар.

***Маҳмудхўжа ибн Беҳбудхўжа, Самарқанд
ТВГ. 1909 йил 8 ноябрь. №85***

«АЛ-ЛУЗУМИЁТ» КИТОБИ

Қозондаги «Шараф» матбаасига «Шарқ кутубхонаси» соҳиби Аҳмад Исҳоқийнинг масорифи ила «Ал-Лузумиёт» исминда бир китоб босилиб, олами матбуотни тазйин этди.

Араб ва мусулмон уламо ва файласуфларидан Абул Ала ал-Мааррий ҳазратларини маишати исломия, масоили шаръия, лавозимоти ҳаётия, ижоботи ихтибоя, адаби диния ва дунёвия бобиндаги ва 13 минг қадар байти арабийни муштамил «Ал-Лузумиёт» девонидаги бир қадарини бу кунги босилгон китобға туркий таржима ва муносибинча мудаллил баоят ва ҳадис шарҳ этган жаноб Мусо афанди бин Жоруллоҳ Бегиевни қудрат ва қуввати илмия ва адабияси ушбу асари пургуҳар ва иллийин дурри ила собит бўлди.

Асари мазкур ибтидосидан интиҳосига саропо мубоҳис улум ва фунун дақиқаи куния ва илоҳия ила молан мол бир ганжинаш улум ва ирфони хайр бир муҳитдир. Ушбу китобни мутолаа этган киши ўзини бир бўстони илм ичинда кўрур. Шундайки, ушбу китобнинг таъмиқ ила ўқуб хатму фарҳ қилган киши алон мустаъмил ва мавжуд улум ва фунуннинг аксари хоҳ диний ва дунёвий, улувиёт ва сифлийёт, моддий ва маънавий, адабий

ва ҳукмий, ахлоқий-руҳий, ақлий ва нақлийдан бўлсун, (хоҳ) русум ва усули исломия ва маданиядан бўлсун, феҳрист дохилиндаги маориф гуллари ила музайян бир дорул илм мушоҳада этар. Мусо афандининг бу 208 саҳифалик «Ал-Лузумиёт» унвониндаги китоби мусаттоби билжумла мавжудотни кўрсататурган телескўп каби, йўқ-йўқ, телескўп ҳар бир нимарсани зоҳирини кўрсатур. Бу эса дақоиқдин, ҳикматдин баҳс – бир ҳақиқатнамодур. Тасаввуфи фалсафа, ахлоқи ҳамида, адаби шаръия ва дунавия, вақоеи тарихия, ижобати табиия ва замония, авомири Қуръония йўллари ила инсонни инсон, мусулмон бўлишига саъй ва хизмат қилатурган бир асбобдур.

Бизни «татарлариз» дегувчи қариндошларимизни аҳли илми орасинда бу китоб бир гуҳари гаронбаҳодур, на учунки, алар тилинда «Куллиёти Бедил», «Мажмуаи куллиёти Саъдий», «Мактуботи имом Раббоний», «Куллиёти Ғаззолий», «Ахлоқи Жалолӣ», «Дақоиқи ҳақоиқ», Ғузулий, Навоӣ ва амсоли каби ўзга китобларда фунуни жомиъа ва тазжиби ахлоқия ва татбиқоти фалсафия ва масоили ижтимоиядан баҳсдур. Бу кунгача номавжуд эди. Ани учун татар олами умуман деюрлик даражада содда, мутаассиб-зоҳирпараст кишилардан мужтамаъ кўринур, фикрдан бошқа китоблар тилларинда йўқлиги учун ҳазрат Умар разиаллоҳу анҳуни «Ға иннал инсану иза таъалламул-фиқҳа валам янзур фий улумил зуҳд вал-ҳикма – қоса қолбаҳу ва саъа куллаҳу»¹⁶⁹ деган сўзлариға мазҳар бўлмоқларидан қўрқуликдир. Татарларни охириги топган табаддуллариға нисбатан алар ичиға заковати табиъий, риққати гуфтор, сафоируҳ саноеи нафиса, афкори олия кишилари ва, ёинки, ходимлари кўринмайдур. Татарларнинг олим ва муҳаррирлари кўп, аммо аксари сиёсата ўғрашурлар. Кейинги саналарда баъзи адабий рисоалар таҳрир қилсалар ҳам ҳамма моддиётдан иборатдур. Афкори

¹⁶⁹ Инсон фикр илмини билса-ю, зуҳд ва ҳикматдан беҳабар бўлса, қалб амаллари қиёсланиб, ундаги хулқ-атворида номақбул бўлади. Яъни инсон фақат қонунни ўқиш билан чекланиб қолмаслиги лозим, у қалбини поклаб туриш учун ҳикмат ўқиши ҳам керак, чунки ҳикматдан хабарсиз кишиларнинг қалби Оллоҳдан узоқдир. Ҳазрат Умар р.а. ривоят қилган ҳадис. Бу ҳадисни Абу Лайс Самарқандий ўз асарида эслаб ўтган экан, дейди Маҳмуд-хўжа Беҳбудий.

олия ва марважи хаёлия ва ашъори нафиса асҳоби кўзга илин-майдуру. Қрим, Кавказ удабоси, муҳаррири шимол туркларидан нафосати табиғий ва таҳрири мавзуният хаёл ва риққати гуфтор ва тасаввурга фарсахлар ила илгаридурлар. Шимол туркларини шеър деб тўқутанларини шеър кўрганлар асло шеър демаюрлар...

Шу татарларни илму хабар эгаларидан жаноби... бизим татарлар афкор дақиқа саноеи нафиса, адабиёти олия, ашъори дақиқа каби ғизои руҳ ўлан шайлардан баҳрасиз... каби кишилардур, деб бир мажлисга исбот этиб эди. Дарвоқе, надан баҳрасиз бўлмасунларки, аларни тили татарча аталатурган ярми русча ва ярми саҳройи туркийча бир тилдурки, анинг рақиқи афкор ва насорун баёни мумкин йўқдур. Татар қариндошларимиз, модомики, форс ва чин туркий ва арабийдан бебаҳрадурлар ва мамолики исломияни саёҳат ва тафарруж қилмайдурлар. У рақиқи нафис олий рақиқ шайларга ақллари киришмайдур. Матлабга келайлук, «Ал-Лузумиёт»дек маъно ва моддатан нафис ва нофеъ муҳим асар шимол туркларидан биринчи марта зуҳур этди. «Ал-Лузумиёт»дан интихоб этмоқ ҳар бир оддий муллосиға мумкин ва, аммо, ани ҳозиргидек муҳокама ила шарҳ ва баст этмоқ ҳар бир буюк татар олимини-да иши эмас. Ва анга Мусо афандини заковатидан моада Туркистон, Бухоро, Ҳижоз, Миср, Ҳинд ва бошқа билоди шарқия ва мамолики мутамаддинаи исломиянинг саёҳати ва тааллуқидан ҳосил этган басират ва тажаллии фикриясиға бу мамолики исломия уламо ва асаротини моддиян ва ё маънан-да бўлсун ишламоғига мавқуфдир. «Ал-Лузумиёт» шарҳини табиийёт ва моддиётига келгунча: фунуни жадидаи замониядан воқиф бўлиб назариёт ва ҳикмиёти қадима ила вазан ва тақобул этмаган киши, агарчи бир неча Мусо афанди бўлса ҳам, Мусо афандининг бу китобиға ёзган тадқиқоти ақлия ва нақлия ва тарихасиндан ҳосил бўлган натижаи фалсафийсини қориларға тушунтириб бўлмас.

Усул ва фуруъи ислом ва мазҳаб тўғрисида сард этган баён ва фикрини бўлса, юқориға исмлари ўтган улум ва фунунийни усулидан ва мамолики мутамаддинаи Шарқия ва асароти собиқаи исломиянинг гашту гузор ва татаббуъ этиб кўрмагунча ва усули майшат ва маданияти исломияни мувожаҳат ва ё та-

рихан ҳам бўлсун таҳқиқ ва тафтиш этмагунча, ҳар бир олим киши ҳазм ва қабул этмас. Хулоса, ушбу «Ал-Лузумиёт» шарҳи шундоғ олий нуқот фаҳмлайдурганларни мутавассит ва мутадаийин этгувчи кутуби ашраф ва андар жумласидандур. Лекин Мусо афанди ушбу китоби ила, бир тарафдан, беҳабар ва кўр мутаассибларнинг, дигар тарафдан, муллаҳадмаобларнинг ҳадафи таън ва маломоти ўлур. Бўлса-бўлсун, зарари йўқ. Фақат дини шариф ва адабиётга хизмат этсун. Демак, Мусо афандининг бу таҳриротини ва шарҳини баҳақи тақдир этмоқ хейли илм ва хабар ва татаббуға мавқуфдир.

«Ал-Лузумиёт» девонини асл соҳиби Абул Ало Аҳмад ибн Абдулло жаноблари 363 санаи ҳижрияға Шома тобе бир қишлоқда туғулуб, олими зоҳид муттақий ва риёзатлик араб бир зот эканлар. Камоли риёзатлари шунчаки 45 йил асло лаҳми ҳайвонот, яъни гўшт емай, 449 санаи ҳижрийға вафот этгандурлар. «Ал-Лузумиёт»ни тарзи баёни ва масоили муштамиласини баъзиси маснавий шарифға ўхшаб жамиъ улумдин бир тарзи ажиб ила сўфиёна ва фалсафиёна баҳс ва таҳқиқ этадур.

Мусо афанди Симбир губерниясидан ва ёши 35 га етмаган бир киши ва олами исломни ниҳол умидларини бир камолидандур. Арабий, форсий, туркий ва русий тиллари илан тақрир ва таҳрирға муқтадир мутадаийин кишидур. Қуръон ва ҳадис илмиға бир-икки китоб ва сиёсати замония тўғрисиға ҳам «Улфат», «Тилмиз» газеталари ила мақолалар ва сиёсий рисоалар ёзгандур. 1906 йили Нижний воқеъ «Иттифоқи муслимин»ни умумий съездиға забти вақоеъ ва хутаиб котиб ва миллат тарафидан «Иттифоқи муслимин»ни идора марказиға аъзолариндандур. Мусо афандини таҳсили Татаристон, Бухоро ва Самарқандға бўлиб, акмоли Арабистон, Ҳижоз ва Мисрға бўлган ва Ҳиндистон уламоларидан ҳам аҳзи илму фунун этгандур. Бу киши ҳар кимға маълум ёлғуз мулло эмас, ҳам сайёҳ ва мутафаннин ва Русия дорулфунунларидин илми ҳуқуқ – юридический шуъбаси сарбаст талабаларидандур.

Ушбу сана Русияға саёҳатим асносиға Қозонда Мусо афанди ила китоб ва қаламдан бошқа нимарсаси йўқ ҳужраи заминасиға ўн беш дақиқача бир қисқа замон суҳбат қилиб эдим ва такрори Оллоҳдан маржудур.

Охири шуни айтаманки, Русия мусулмонлари, алаалхусус, шимол турклари Мусо афандини даражаи маълумоти ва камоли ила фахр этсалар сазодур.

*Изҳори камолот ким олот ўлмас,
Изҳори камол этмага олот керакдур.*

Боқий жаноб Мусо афандига «зоти ту дар ҳимоятпарвар даркор бод» демоқ ила хатми гуфтор этдим. 1907 сана 3 декабрь.

***Самарқандий муфти Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўгли
«Тўғрисиор». 1908 йил 14 декабрь. №15***

ЯНГИ МАКТАБЛАР МАСАЛАСИ ТЎҒРИСИДА ТАВЗЕҲ¹⁷⁰

«Тарих ва жуғрофия» унвонлик мақоламиз ушбу газетни 90-рақамида ёзилиб, муаллиф муҳтарам диққатини жалб қилиб ва идора тарафидин баъзи мулоҳаза ёзилмоқига сабаб бўлуб эди. Ани учун биз изоҳи мутолибимиз ва ақсои маслакимиз тўғрисида ушбунни ёзармиз.

Бизни(нг) муддаоимиз туркистонлиларни фақат тарих ва жуғрофияни мамлакати исломия ўқумоқлари эмас, балки тарих

¹⁷⁰ **Янги мактаблар масаласи тўғрисида.** Мундин муқаддам 90-рақамлик газетимизда ҳурматлик Маҳмудхўжа муфтининг фельетониға андак жавоби тааррузона ёзган эдук. Ул ёзган жавобимиздан муддао Маҳмудхўжа муфтининг ёзган мақолалари асбоби фасод ва ёмон муддао деб ўйламадук, лекин ул мақолани газетға дарж қилгонимизда хоҳ ҳукумат соҳиблари ва хоҳ аларға тобе одамлар ани ўқуб, ёмон муддаоға таъбир бермасликлари учун биз жавоб-савол миқдоридек дафъи истиҳол айлаб, баъзи мулоҳазаларни ёзиб, ўйлаган эдукким, бизни ул ёзган жавобимизга ҳурматлик Маҳмудхўжа муфти ўзи, албатта, жавоб ёзса керак, деб. Андин келган жавобни кўрдук, ўқудук, ёзганингиз тўғри ва дуруст жавоб ёзибсиз. Хурсандлик илан ёзган жавобингизни ушбу газетға солмоқни муносиб кўруб, газет саҳифасидин жой бердук. Мубоҳаса, мунозара, мукомала бўлмагунча ҳақиқати кор маълум бўлмайдур. (Ал-калом бихайр ил-калом). *Идора.*

жуғрофия диния ва тарих жуғрофия Русия ва тарих ва жуғрофия умумия ўқумоқларини лозим билармиз, лекин ҳамватанларимизни ақл ва фикрларига ва ҳам табиатига мувофиқ аввало уларни биладурган ва хоҳлайдурган нуқталаридан бошлармиз.

Умуммуслмонлар ва билхусус туркистонлилар ҳам бир ишга аввало дин кўзидан қарайдурлар. Ани учун аларни улуми жадида ва фунуни лозима ўқумоқга тарғиб қиладурган маврудларга диний тарафидин шуруъ қилармиз. Тарих ва жуғрофия ватани Русий ва умумийни ўқумоқ тўғрисида биз ҳам идора ила ҳамфикрмиз ва ҳам бу кунда эмас, кўбдан бери ҳамфикрмиз, вале ҳамфикр бўлмасайдук.

Чунончи, 1322 санасинда «Мадхали жуғрофия умроний» ва «Мухтасари жуғрофия Русий» ном 82 саҳифалик форсий китобимизни 17 саҳифасига иккинчи мартабадин Русия мамлакатини баён қилмас эдук. Русия бизни ватанимиздур ва казо ва казо деб ва Русия маданият ва културага халқни даъват қилиб, нодонлар тарафидин ҳадафи таън ва маломат бўлмас эдук. Ушбу тўғрида биз мазкур рисоламизни аҳли афкорга манзур қилиб, ғайримусулмонлар тўғрисидаги ватанимиз Русия мамлакати бобиндаги афкоримиздин воқиф бўлмоқни алалхусус идорадин илтимос қилармиз.

«Мунтахаби жуғрофия умумий» китобимизни муқаддима-сига таъб бўлгандур. Мутазмин сутур мавжудоний ҳануз таъб бўлмаган ва сензурдин ўтган 2- ва 3-жилдларига Русия тарихи, Русия умронати юзлар ила саҳифаларни муштағилдурки, касоди бозори илмдан ва муравважларни йўқлигинин ҳануз таъби муяссар бўлмади. Русияни ким ва қандайлигини билмайдурган нодонлардин эмасмиз ва, аммо, «Тарих ва жуғрофия» унвонлик мақоламиз тарих ва жуғрофия ўқумоқни диний жилва этдирмоқ ва, ёинки, сарфи илмий ва воқеий бир мақола эди, сиёсий ва таассубий эмас эди.

Агарда муродимиз Русия тарих ва жуғрофиясинин халқни ўқумаслиқлари бўлса ва, ёинки, халқни Русияга ва ё бошқа аж-набийларга муқобил қўймоқ бўлса эди, биз алифбомиздин ва жуғрофиямиздин бошлаб рус културага ва умронатига даъват қилмас эдукки, асорат ва таҳрир этмаздин ушбу даъволар собит-дур.

Келайлук янги мактаблар тўғрисида, муаллим мулло Абдулқодир Самарқанд шаҳри хорижинда тўрт чақирим масофада тўрт сана муқаддам мактаб очиб эди. Ман жаноб Самарқанд военний губернаторини илтимос ила анда элтиб кўрсатиб, шаҳарға киргузмоқға талаб қилиб эдимки, мактаб програмини ёзиб, бир кундан сўнгра рухсат олиб, ҳовлимға келтуриб эдим ва масъулиятларини бўйнуьмға олиб эдим, ёзилиб топшурулган программ Тошканд маҳкамалариғача бориб, ҳатто ўшал программ мактаби учун Самарқанд областной управления маҳкамасини савоби бадиятиға мувофиқ баланд даражалик Туркистон генерал-губернатори Самарқанд шаҳридин бир қитъа ерни ҳам бериб эдилар, мактаб ярим сана ҳовлимизға ва бир сана хорижда бизни машваратға ва програмға тақрибан тобе эди ва ёзган програмимиз ушбу газет ила нашр бўлуб, муаллиф тарафидин илова баъзи тақдирномалар ёзилиб эди.

Биз ҳам истардукки, ёзиб эълон этган програмимизни даража-бадаража татбиқ қилайлук ва русий муаллими ҳам келтурайлук ва мактабни тараққий этдурайлик. Лекин чи чора, ҳовлимизни торлигидинми, програмимизни муаллимға номулойим келганиданми ва, ёинки, халқни ёқтурмаганидинми олти ой бўлдики, мактаб бизни ҳовлимиздан чиқди, шаҳар ўртасиға кўчди ва алҳамдулиллоҳ, ўлмай тараққий этди ва бизни муродимиз ҳам ани тараққийси эди ва халқға нафини исбот этмоқ эдики, халқ ҳам нафини билди ва ал-он тарафдори ва муовини ҳам кўпдур. Шаҳримизни амрзан, яъни депутати ва ҳам ақобиридин жаноб умдатул тужжор Мулло Муҳаммад Раҳимбой ҳовлилариға ал-он мафтуҳдур ва шуьбалари бошқа жойларға ҳам очилмоқдадур, бизни(нг) тасарруфдан хориждур.

Ревизия аъзоларидан жаноб мусташир Қорочкин шаҳримизни баъзи мактаб ва мадрасаларини бироз шиддатлик суратда тафтиш қилиб эканлари(ни) баъзи кишилар ани бизға нисбат бердиларки, билқулли галатдур. Биз ул кишиға демалдукки, фалон мадраса, фалон мактабға ва фалон тариқа иш бор, балки тафтишдан сўнгра ўз ҳовлимға маним ила мулоқот этдилар ва андин илгари кўрганим йўқ эди. Самарқанд мактаб ва мадрасаларидин хилофи сиёсат ҳолия бир он нимарса кашф бўлмади, лекин жаҳтидин баъзи ишлар билинди, усули

жадид мактаблариндаги форсий ва туркий китоблар тўғрисида маҳалли таажжуб йўқ, чунки Туркистон халқи ё туркий ва ё форсий сўйлайдур ва ҳам туркий ва форсий китобларни Туркистон мактабларига жадидлар киргузмайди, балки қадимдан киргандур, чунончи, беш юздин саккиз юз санага қадар муқаддам тасниф бўлган Фузулий, Навоий, Саъдий, Ҳофиз, Бедил, «Чаҳор китоб» ва бошқалари форсий ва туркийдур. Бу кунги Туркистонни барча тарафлариндаги туркий ва форсий ақвоми мактабларига билумум киргандур, бу кун эмас, асрлардин бери киргандур.

Янгинин мунташир бўлган усули жадида мактабларига агарда ҳукумат тарафидин ёрдам бўлуб ва русча билгувчи муаллимлар хазина ҳисобидин тайин бўлса, албатта, харита ва курраи мужассамалар русча бўлур эди. Бу кун мавжуд ярим-ёрти усули жадида мактаблари билҳавас ёшларни кўзёши иламу устида таъсис топилган шайларидур, янги мактабларни бизча тартиб ва таълимлари ҳам маъқул йўқдур. Масалан, Самарқанд мактаби бу кунгача ломакон ва олти ойдин бери уч-тўрт ерга кўчди, Хўқанд мактабига илми ҳол ва тажвиддин бошқа нимарса кўрмадим. Ҳолбуки, муаллими жаноб Мулло Салоҳиддин нўғайни жуғрофия, ҳисоб ва ҳандаса ва русчага вуқуфи бордур, ўтган сана Андижон, Марғилон, Хўқанд, Хўжандга гаштугузор этдим. Жуғрофия ва тарих кирган бир мактаб ҳам кўрмадим.

Жаноб муфаттишдин Верний-Олмайтига бир мунтазам мактаб борлиги хабарини эшитдим, дарвоқе, мактаб кўрмаган, дорулмуаллимин кўрмаган, жуғрофияни отидин бошқасини билмайдурган, васиқа устига ёзилгандин бошқа тарихни билмаган кишилар на таълим берарлар, билганида туркийдин билар, русийдин билмас. Русча билмаганлар она тилини билмайдурлар ва ҳам йўқ ҳукминда оздурлар, бас, ноилож турк тилини табиий ва мажбурий сурат яна бир йитирма беш саналаргача бутун Туркистонга ўз-ўзидин ёйилур, ани(нг) учундурки, биз жаноб муфаттишга топшурилган лойиҳаи илмиямизга Туркистондаги умуммактабларга мусулмон интеллигентлари тарафидин мусулмоний илмлар тўғрисида программ ваъз бўлуб ва китоблар тайин бўлуб, инспектурларни истекомидин сўнгра жабрий суратда татбиқ бўлсун, деб ёздук, то шундай бўлмаса, мактаблар ҳақинча

тараққий этолмайдур ҳам халқ ва ҳам ҳукуматга нофеъ суратда барпо бўлмайдур.

Ҳукумат мактаблари, яъни гимназия ва семинария мактабларига халқни адам муҳаббатини сабаби мазкур мактабларга дини ислом ва адабиёти исломия муаллимлари йўқлигидур. Мазкур мактабларга дини ислом ва лисони маҳаллия муаллимлари тайин бўлса, албатта, аҳоли майл этар ва мусулмон болалари учун анда – таҳзирия – подготавлиелний синфлари очилиб ва ҳам болаларни – бешмат ва бира телпак ила бир даврага қабул қилинса, иккинчи даврага ёинки тўртинчи-бешинчи синфларга етгандин сўнгра талабалар ўз либосини ўзи билар.

Биз Русия аҳли ва гражданимиз ва Русияга шарикмиз. Маданияти Русийни биз ислом руҳинда, албатта, қабулимиз лозимдур. Эртага, яъни ояндага Туркистонда ташкил топиладурган местной суд – янги идораи қазо маҳкамаларига ва ояндага биздин думага талаб қилинадурган вакил ва ҳокимларни ҳукумат мактабларига бола бериб, давлат ва ҳукуматимиз хизматларига, яъни дин ва миллатимизга хизмат қиладурган одам тайёр қилмоқимиз керак. Саналардурки, қаламим ёзадурким, бизларга олими диний ва олими замоний керакдур. Олими замоний бўлса, ҳукумат мактабларидин чиқадур.

Таржимонимиз Мирзо Абдулраҳим Фарҳодуф, мулкдорлардин Мулло Ҳожи Муҳаммадбой Пирмуҳаммадбой ўғли ва ман роқими ҳуруф бомашварат тўрт нафар боламизни ушбу охирги муддатда Самарқанддаги хусусий прогимназия рус мактабини пансионига топшурдук, токи ҳукумат эъдодия мактабига тайёрлансун ва яна бир неча нафар аҳбобларини бермоқчидур. Ҳар бир шаҳардин қачонда йигирма нафар гимназия талабаси тайёр бўлурки, алардин бир нечаси ўлуб, баъзиси ўқувдин чиқиб ва ундан биргинаси макотиби олия таҳсилга мушарраф бўлур, ярим асрдин бери Туркистон Русияга қўшулди ва, лекин, беш област Туркистондин ҳануз беш нафар олими замоний кишимиз йўқдур.

Мундай кетаберса яҳудийлар ҳозир тижоратимизни олган каби ояндага ҳукумат ишларини ҳам оладур. Мактаблар тўғрисида топширилган лойиҳамиз кўпиясини идорага юборурмизки, даржи маржудир.

Бир марта баъд охири ушбу газет ила ёздуки, Туркистон-ни охирига амороти моддиясига Русия сабаб бўлди ва маданияти жадида рус милтиғлари учига қўниб кирди, илах. Лекин чи чора идора тарафидин 90-нумерли жаридидаги мулоҳазага бизим «Тарих ва жуғрофия» мақоламизни гўё асбоби фасод кўрсатилур. Ё ман тўғри фаҳламадимму? Ҳар ҳолда жаноб муаллиф муҳтарамдин рижо этармизки, у мулоҳаза фақат маним мақоламга муқобилми ёинки сўз келиши-ла айтулган сўзларми, ... эканликига яна биза ишорат ёзсалар сарафроз бўлурмиз.

*Самарқандий Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа
ТВГ. 1908 йил 18 декабрь. №94*

САМАРҚАНД КИТОБХОНА ВА МУТОЛААХОНАИ ИСЛОМИЯСИНИНГ 1908 ЙИЛ ҲИСОБНОМАСИ

«Мадохиллар»

Санад дафтарлари бўйинча иона ва аъзолик ақчаси 832 сўм 10 тийин, худойи келган китоблар 138 сўм 65 тийин қийматида. Аъзолик ақчасидин аъзолар зиммасига бақия қолган 132 сўм 65 тийин, холис мадохил ақча 699 сўм 45 тийин.

«Масорифлар»

Ҳар нав китоблар нашр қилинди: 144 сўм 2 тийин ҳар нав жариди ва мажалла 45 сўм 65 тийин, китоблар муқоваси 5 сўм 12 тийин, қонуннома ва матбуъ дафтарлари ва муҳр ва расмий қоғозлар 67 сўм 85 тийин, китобхона иморатини ижораси 100 сўм, ходимни ижораси 30 сўм 75 тийин, китобхонани ҳар нав асбоб ва ишкоф ва палослари 168 сўм 60 тийин, маориф расм кушод ва танбур ва таҳсин 33 сўм 31 тийин, жами биринчи сентябрдин сана охиригача бўлган масориф бо дафтар 604 сўм 24 тийин. Бақия: касадаги нақд ақча 59 сўм 21 тийин.

Ушбу мадохил ва масорифларни тафсили мадохил-махориж дафтарлариға муфассалан ва ном-баном ёзилгандур. 30 декабрда барча мухтарам аъзоларни иккинчи мартаба чақирилиб эди, ҳозир бўлганларидин сўнгра идора раиси ва хозини ҳисобийномани мажлисға манзур қилдилар. 30 декабр мажлис жаноб Мирзо Зайнулло Назриддин ўғлини раис сайлаб, ҳисобини ани садоратиға кўруб, қабул қилиб, имзо қилмоқға буюрдилар.

Китобхона очилғониға тўрт ой, дархастига етти ой бўлур, ал-он 12 нафар аъзоси 225 жилддан зиёда арабий, туркий, форсий ва русий китоблари 15 нав мазкур тўрт сонға жариди ва мажал-лалари бордур, явм кушодидан бу кунғача 2000 нафарча киши кириб, китоб ва матбуотлардан ўқуб чиқибдур, иншооллоҳ, аъзои киром ва иона қилгувчи зотларни ҳимматлари соясинда ояндаға тараққий этса керак. Янги санаға диний ва адабий ва фанний китоблардан кўпроқ олинур. Азбаски, китобхонани моддий ан-жомлари ҳозирға кифоя қилгудек ва ал-он илмий ва маънавий асбоблар, яъни китоб ва илмий асбобларға лузум кўруладур. 30 декабрда мажлисдаги аъзолардан баъзилари ўшал мажлисға янги йил бадал аъзолигини бериб, баъзилари ионалари миқдо-рини ёздурдиларки, ўн сўмдан, беш сўмдан ва охири уч сўм эди. Оллоҳ таоло қабул айлағай.

***Самарқанд «Китобхонаи исломия» жамияти раиси:
Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа
ТВГ. 1909 йил 15 январь. №4***

ТАРИХИ ҚАВМИ ТУРКИЙ

Ўрунбурғ «Идораи руҳонияи исломия»-си маҳкамаи шаръия-сининг улул эҳтиром қуззоти изомдан қози Ҳасан Ато афанди Абуший жанобларини «Муфассал тарихи қавми туркий» номи-даги китоби қўлимиза кечди. Китоби мазкур билжумла машҳур қавоми туркий уруғ ва қабила ва жавлонгоҳ амкиналари ва аҳволи мозиясини мубаййин ва ҳақиқатан – «Муфассал тарихи қавми туркий» дур.

Ушбу китобни муқаддимасида илми тарихни хосий ва бани Одамға нафи ва истилоҳ тарихия ва тақсим азмана ва қуруни увла, вусто ва охира бобида маълумот бериб, хутба ва изоҳот бадида китобнинг фасл ва боблари шул тариқа тартиб топилибдур. Зерда ёд қилинмиш фаслларина бир неча мубҳатларға тақсим бўлунурки, биз аҳаммларини мунда ёздук, чунончи:

Одам ўғулларини турли уруғларға бўлуналари – бу фаслда орёни ва турони халқларини ва аларни зуҳур ва муносабатлари тафсил топилур. Хитой-Чин халқидин ва маданиятлари; япун қавмидин илм ва маданиятлари, турк ва япун муносабати; Фин қавми ва одатлари, турк уруғлари: Ёқут қавми, Искит турклари; иброний ва юнонийларни Қафқас ва Қора денгизни шимолидаги халқлар тўғрисидаги гумонлари – искит турклари Балх ва Ҳирот – Дорони искитлар ила муҳорабасини, искитларни ҳунар, дин ва маишатлари, сормоқ турклари ва одатлари; Ётавоғ қавми; Масағет турклари ва Кайхисрав ила муҳорабалари; Олонлар – Хун турклари ва Оврупони истило қилганлари; Уғри-Булғор қавмларини тақсими ва исмлари: илм, ҳунар, дин ва урушқоқликлари. Булғорларни мусулмон бўлгани ва татар аталганлари; Хазар турклари. Хазар ила араб муҳорабаси, Хазар хоқони; Қароим, яҳудий турклар. Хазар хоқони ва ислованлар, ислованлар – Динапур наҳри бўйиндаги халқлар; ислованлар(нинг) Русияға муҳожирати; ваарёғ қавми; Киев шаҳри; рус князи Рурикни вафоти, Олег князни Румға ҳужуми, овар-уйғур турклари; олтой турклари; тукиюлар; эски турк хати; печенег бушноқ турклари, дин ва маконлари; ўғуз турклари: туркман халқи ва хоразмийлар. Хоразмшоҳон ва Хива хонлиғи; қипчоқ турклари маишат ва ҳукуматлари; сақсин турклари; салжуқийлар; қойи усмонли турклари, усмонлиларни(нг) ҳукумати ва халифа ҳазрат Расул бўлганлари; қирғиз – қозоқ турклари одат ва сиёсатлари; татар турклари; манжур, куриё, журжини, хитой татарлари, садди чиний. Мўғул халқи, қалмоқ, бурёт, дунгон, довур, чуқчи, ғилак, комчадали мўғуллари. Ўзбек турклари; айн халқи ва илах.

Китоб мазкурни 264-саҳифасигача мазкур халқларни зуҳур ва рўзи ва бааъбони мухталифаға тақсим бўлингани ва асбоби тарихиясини ёзиб, сўнгра «Хотима ва турк қавмларига умуман

бир назар» сарлавҳаси-ла муаллифи муҳтарам китобнинг охиригача баъзан туркларни ҳозирги ҳоли ва аввалги маданият ва илм – сиёсат (ваҳшат) ва одатларини баён этиб, хотимасини хатм эдар ва жуъзи сонийсини таъбидан муқаддам – такмила жуъзи аввалисини анқариб нашр этмоқиға ваъда бериб, 314-саҳифада хатми мақол этар.

Турк, ўзбек, татар, қирғиз, қозоқ, туркман ва билжумла туркий қавмларини ким эканлиги ва хитой, япун ва насоро турклар бирла бор муносабатларни билмоқға ҳаваслик кишиларға бу китобдин истифода этмак зарурийдир. Тили-да очуқ ва бизни Туркистон халқи фаҳмлайдур, китобини баҳоси бир сўм ва Уфа шаҳридин – муаллифдин олинса бўлур.

Шуни-да ёзайинки, бу кун Туркистонда мавжуд турк қабила ва уруғларини битмас ва туганмас исм ва лақабларина воқиф ва алар бобида маълумотлик кишилар мазкур муаллиф қози афандиға мухтасар бўлсун маълумот юборсалар, шояд 2-жуъзига дарж қиларди ва бу кун Туркистондаги ва машҳур (тўқсон икки уруғ) лари матбуоти жадидаға киради. Иншооллоҳ, фурсат бўлса, бул бобда, валав жуъзий бўлсун, жаноб муаллифға баъзи ахборот арз этмоқ амалидамиз ва биллоҳи ат-тавриқ.

*Муфти дорулқазо Маҳмудхўжа
бин Беҳбудхўжа
ТВГ. 1910 йил 16 январь. № 5*

САМАРҚАНДДАН МАКТУБ¹⁷¹

Дума вакили муҳтарам Садриддин афанди¹⁷² 12 сентябрда Бухородан шаҳримизга келди. Ганжлардан тапшил эдилмиш бир ҳайъат жаноб вакилни воқзалда истиқбол эдарак шаҳара келтурдилар. Шу кун мактаби жадида ва эски мадрасалардан Улуғ-

¹⁷¹ Нашрга тайёрловчи: филология фанлари доктори Баҳодир Каримов.

¹⁷² Садриддин афанди – Россия Давлат Думаси Мусулмон фракцияси аъзоси Садриддин Мақсудий кўзда тутилмоқда. – С.А.

бек Кўрагоний расадхонаси зиёрат эдилуб, эски ва янги фикрли бир хейли одамлар ила кўришилди. Ва бу тарафда вақф, жумъа, мактаб, ер, нолуғ ва дорилқуззот масалалари хусусида суҳбат эдилуб, ислоҳлари мулоҳаза эдилди. Алалхусус, Туркистондан Давлат Думасинда вакил бўлинмаги музокаротда депутат жанобларина риждолар эдилди.

Аҳоли жонибиндан бир мажлис эдилуб, депутат жаноблари ила таотий афкора полицмейстердан мусоада истанилди эса-да, мааттаассуф рухсат вермади. Шўйла кўришмалар ва муколамалар хусусий сураатда эдилди. Ёшлар тарафиндан уфоқ бир мажлис эдилуб, меҳмонимиза зиёфат верилди.

Жаноб вакил военний губернатор жанобларина визита эдуб қартучқа бироқмиш эди. Губернатор жаноблари визит қайтариб, оқшом узара меҳмонхоная келуб, Садриддин афандийи бўлмаюб, қартучқасини бироқмиш ва эртаси кун наҳор таомина даъват этди. Бу таомда суд раиси ва пружурур ҳозир бўлинмишлар. Сентябрь 15 да жаноб Садриддин афанди Тошканд, Фарғона тарафларина йўлландилар, хейли халқ ва ёшлар воқзала узотуб тушмишлар эди.

Рухсати расмия олинмадигиндан шаҳримизнинг қўрқоқ ағниёси меҳмони муҳтарам ила лозиминча кўришмадилар.

*Муфти Маҳмудхўжа Бехбудхўжа
«Таржимон». 1910 йил 8 октябрь. №41*

ОҲ ВА ҲАСРАТ

Ҳар кимға маълумдурки, халойиқни уламо ислоҳ этарлар, таълими дин ва ахлоқға уламо мутасаддидур. Ани учун уламони «варасаи анбиё»¹⁷³ дерлар. Таълими дин ва ахлоқни жойи мактаб ва мадраса ва масжидлардур. Бу пок маконларға кирмаган ҳеч бир мусулмон, албатта, йўқдир, бовужуд шул илми диний ва ахлоқи ҳасанадин биз Туркистон мусулмонларини аксарига оз

¹⁷³ Варасаи анбиё – уламолар пайғамбарларнинг ворисидурлар. Ҳадис.

асар кўрилуру. Буни сабаби, албатта, мактабларда яхши таълим бермаслик ва масжидларда ваъз ва насиҳат ва бошқа расм ила амри маъруф ва наҳйи аз мункарни йўқлигидур.

Ҳар кимга маълумдирки, бизни Туркистон мусулмонларини юзин 99и бутун илмсиздир. Қишлоқ ва саҳроларни аҳволи мундин ҳам ёмонроқ, мингдан бири эҳтимолки олими масоили шаръия бўлса. Ҳолбуки, буларни(нг) ҳаммасига илм фарз эди ва буларни аксарул аксари тўрт-беш, ҳатто ўн саналар ила умрини мактабга ўтқариб эди ва аксари ҳар кун масжидга кетар. Бовужуд шул на учун аҳоли бу қадар илмсиз. Бу даража жоҳил ва бу даража ахлоқсиздир. Албатта, мунинг сабаби аларга яхши таълим бермаслик ва аларга лозим ва муҳим ишлардин баён қилмасликдир.

Бизим Туркистондин бошқа диёр ва мамлакатлардаги умум-масжидларда намоздин аввал ва ё сўнг авом тили ила авом учун панд-насиҳат ва ваъз имом тарафидин сўйланур. Имом афанди ёмон ишлардин сақланмоқга танбеҳ айтиб, дунё ва охиратдаги зарар ва азобларини тушунтирар, яхши ва кераклик амалларга саъй қилмоқга буюриб ташвиқ этар. Бул сувратда, албатта, масжиди шарифда варасаи пайғамбар тарафидан айтилган ваъз натижасиз қолмас. Оре, бизни Самарқанд масжидларида эрта намоздин сўнгра «Салоти Масъудий» ўқумоқ одатдир ва аммо бечора авом англамайдуру. Ва ул авом иймон ва ислом ва зарурияти динияни лавозиминча билмайдуру, анга қозихонага тейишли масалалардин баҳс қилмоқ абас.

Бир карра масжидлардаги намозгузарларни зоҳирига боқилсун, на қавмга, на жалса, на таъдил аркон йўқ. Қироатлари ва аркони салотни билмоқлари яна бошқа масала. Бир истанбулли, бир араб, бир эроний бизни масжидлардаги намозхонларни кўрганда, албатта, таассуф этар. Ёлғуз Туркистон эмас, Бухоро ҳам бу балога гирифтор. Эй, бу халойиқга намозни қироат ва бошқа заруриёти динияни ким таълим берди? Албатта, уламо. Бас, булар на учун бу ҳолатда қолдилар, ҳатто аксар уламони(нг) ўзларида намозни авомга ўхшаб ўқийдурулар ва ҳар кун кўруб туруб танаббуҳ этмайдурулар.

Масалан, бир имом намоздин илгари айтсаки: «Ё қавм умид ила таҳорат қиларсиз, ишдин қолиб масжидга келарсиз, ризои ҳақучун

ибодатга машғул бўларсиз, ибодатга мани ўзларингга муқтадо билурсиз ва бу ибодатдин ажр хоҳлайсиз, бас, ибодатни тариқи ҳазрати шореъ тарафидин баён қилингандур. Аркон ва адаби хоҳ масжид ва уйда бўлсун бир жой келтурмоқ керак ва манга тобе бўлмоқ керак».

Ва масалан бир имом намоздин сўнгра деса: «Эй қавм, эй мусулмонлар, ўн дақиқа сизларни бу кунги вақтингизни тиламайман ва сизларга нофеълик бир сўз айтарман. Бу кун кўчадин ўтардим, бир мусулмонни иймон ва ё оғуз ва отасини руҳига ва ё қабрина сўкдики, мани бутун вужудим титради ва у сўкулган мусулмон ҳам диний ҳақоратни анга қайтарди ва иккиси-да азоби жаҳаннамга лойиқ бўлди. Иккиси-да ҳайвондин бадтар бадхулқ эмиш. Ота-она ва устоди аларга яхши таълим бермабдур. Аларга ёшлик замонидаги муаллимлари ахлоқ ва адаби ислмияни таълим бермабдурки, мундай ёмон сўзлар алардин зоҳир бўлур. Наузубиллаҳ, бу ёмон сўзлар инсонни иймондин ажратур ва иймондин ажралмоқга ким рози бўлур.

Иймон Худонинг лутф ва инояти ва ҳидоятидир, қабр беҳишт ва ё дўзахни бир руҳи ва дарчасидур, руҳ Худонинг амридур. Бас, боқингики, у икки нобакор нимани ҳақорат қилди ва на жазога лойиқ бўлди?»

Бул сувратга қандай қавмдурки, имомни сўзига қулоқ бермас ва ё имом сўзини олмас ва маҳалладаги нобакор ва бадахлоқларни ташҳир этиб, маърака ва маҳалладин чиқаргандин сўнгра иккинчи мартаба, албатта, бадахлоқлик қилмас. Бу руҳоний танбеҳ ва таъзир ва насиҳатни қилмоқга ҳеч бир асбоб керак йўқ. Фақат бир имомни ҳаракати ва сўзи ва илми кифоядур. Ҳар бир имом шул тариқа ғайрат этиб, тўғриси ўз вазифасини ишласа, бутун миллат ислоҳ топар, имомга ҳеч ким таарруз ҳам қилолмас. Бу имомни ушбу сабабдин бекор қилсалар, янгисида амр ба маъруф ва наҳй аз мункар этмоқдан турмаса, лоилож аҳоли бўйин қўяр.

Шу йўл ила ўғри, қотил ва бадрафторларга руҳоний жазолар бермоқ ва аларни халқдин чиқармоқ, тўй ва таъзиялариға бормаслик ва далойили шаръия ила тахвиф этиб ислоҳи умматга саъй қилмоқ мумкин бўлурди.

Имом афандиларга қози, мударрис ва эшонлар, муаллим ва мактабдорларни ҳам ёрдамлари лозимдур. Бу кун ҳар маҳаллада

бир имом, бир мактабдор, бир муаззин ва бир неча мўйсафид ва талаба ва қори, алҳамдулиллоҳ, мавжуддур. Агарда бунлар аввало ўз ўрталарига ислоҳи халойиқ учун машварат ва ният қилиб биз арз қилган кайфиятга амал қилсалар, бутун маҳалла оз муддатда ислоҳ топилур.

Имомлари-да ҳурматлари зиёда бўлур, фақат бир сабаб ила баъзи имомларни бадахлоқ қавмлар бекор қилса, янги келган имом-да шу ишни қилсун, ваъз ва танбеҳни қўлдан бермасун.

Ҳоло бизни Туркистонда имомларни аҳволи мужиби таассуфдир, ҳурматлари йўқ даражада ва аҳли маҳаллани энг паст даражадаги одамларигача муроса ва мадора қилмоғи лозим; бир авом ўз имоми ҳузурида ҳар навъ ахлоқсизликни айтар, беадаблик қилар, фақш сўйлар. Бечора имом сукут қилар, сўйласа эртага бекор бўлар, мунга имомларни, руҳонийларни ўзлари сабабдур. Кўчадагиларни аксарал аксарини бир неча йил умри мактабларда кечди ва ҳеч бўлмаганда кўчадагиларни ярми доим масжидга борар, аммо мактаблардан, имомдан яхши таълим ва муассир ваъз кўрмади ва эшитмади, бас, лоилож ахлоқ ва адаб бузулди-кетди. Деюрларки, авом учун раъс (ўртутан киши) керак, имомларга нима керак, шарият, амри маъруф ва наҳйи аз мункар этмоқни илмга ва имомга қавмга лозим қилибдурки, имомни ҳам уриб амри бамаъруф қилдурмоқ керакми? «Уламоу уммати каанбиёи бани Исроил»¹⁷⁴ қаерда қолди? Анбиёи бани Исроил рутбасиға мушарраф бўлмоқ учун хотири риоя ва мунофиқликни ташлаб, «Қулил ҳаққа валав кана мурран»ға амал қилмоқ керак, қавли ...ни айтмоқ керак.

Туркистонда аҳли илм ва адабни камайгани ва авомни бад-ахлоқлиги кундан-кун зоҳир ва маълум бўлуб турубдур, ал-он ҳарчи хайр бўлсун, халойиқни мактаб ва масжидларга фақат шаҳарларга давоми бор, бу вақт уламо ва имомлар матонат ила панд ва ваъзлар ва мактабдорлар таълими ахлоқ ва динга кўз очиб аҳамият бер десалар, фабиҳа, ва илло бироз ўтгандин сўнгра шаҳарларда қишлоқлардек бўлгандин сўнгра иш қўлдин кетар.

¹⁷⁴ Умматимнинг олимлари бани Исроилнинг пайғамбарлари кабидир.
Ҳадис.

Илмсизлик ва тарбияи диния ва ахлоқ миллиядин бебаҳраликни охири динсизлик ва расман тарки дин этмоққа манжар бўлур. Қозоқ биродарлардин баъзи чўқунганлар эшитилур, албатта, мунинг сабаби тарбияи динияни йўқлигиндур. Бу замон бошқадур, ҳуррияти диния деган шайлар чиқарга дин аслиясинин бебаҳра кишиларни гуруҳ-гуруҳ хориж бўлишлари табиийдур.

Ал-он биз мусулмонлар орасида бўладурган фаҳш ва ўғрилиқ, қатл ва ғорат, бир-бировига ёмон ғараз ва душманчиликлар ҳамма тарбияи динияни нуқсонидиндур, авомликидин ва беилмликидиндур. Агарда уламо аҳолини мувофиқи шариат тарбият қилса ва ўқутса, бу жиноятлар, албатта, озаядур. Жаҳолат бу кун ҳам чунончи исёнға сабаб бўлди, ояндаға, орддорға ҳам қолур, сабаб бўлур.

Туркистон мусулмонларини жаҳолати ва тарбиясизлигини айтиб адо қилиб бўлмайду. Алҳамдулиллоҳ, Туркистон муслималари иффат ва эрларига тобелик бобинда назирасиздурлар ва, аммо, биз эрлар аларға жабр ва зулм этиб, ходима балки ҳайвон даражасида индурибмиз, ўқумоқни шореъ аларға ҳам фарз қилубдур. Заруриёти динияни билмоқ ва амалиёти исломияни қилмоқларини фарз ва лозимлиги, албатта, шубҳасиздур.

Вале бу кун Туркистон муслималарини юздин бирини заруриёти динияни билиши маълум йўқ; юз уйлук бир неча маҳалла биларманки, ҳар маҳалла муслимасидин ўн нафарини намоз ўқуши маълум йўқ, бечоралар иймон ва ислом надур, билмайду, фақат исми муслима ва ислом.

Кўчаларни тўлдириб юрган мусулмонларни онаси ва мураббияси, муаллими аввалияси, албатта, бу жоҳила хотинлардурки, аларни илмсизлиги, ахлоқи ҳасанай исломиядин хабарсизлиги ва манбаи хурофотликлари эрларни бадахлоқ ва нохунжарликларига боисдур.

Эй, маъшари муслимин, эй ҳазрати уламо, эй содот, эй туллоби киром, Худо учун бироз кўз очиб боқинг, халойиқни аҳволи ... ва фасоди ахлоқ на ҳола келмиш, илмсизлик ва нодонлик бутун атрофимизни олмиш, бунинг иложи надур ва ким қилур?

Албатта, иложи илм, панд-насиҳат, таблиғи аҳком ва тахвифи танаббуҳ ва таъзири руҳонийдур ва бу ишларни, албатта, уламо

қилар, яъни имомлар масжидларда минбар ва маҳфилларда, муаллимлар мактаб ва мадрасаларда қилар. Бизим Самарқандда юздин зиёда масжид бор, вале ҳеч бир масжидда, масалан, шурби хамр ва ўғрилиқ, ғадр ва хиёнат тўғрисида ҳеч бир имом тарафидан ваъз йўқ, ҳар кун бир мусулмон кетар, хамр ичар, арбада этар, дигарини ўлдурад, мастлиги қонунад узр бўлуб, халос ўлур-кетар. Муниг устига ҳеч бир имом, ҳеч бир эшон бир, аҳли маҳалла анга шаръан лозим панд-насихат ва тавбани бермас ва ё ани маҳалладин чиқармас, балки фазла ўлароқ ани ... этарлар, ҳибсдин чиқса, бориб кўрарлар.

Халойиқни ҳеч ким гўрдин чиқиб ислоҳ этмас. Уламо, мактаб ва мадраса ислоҳ этар, вале мактаб, мадраса аҳли муни ўйламайдурлар. Насоро маъбадлариға ваъз бор, аммо бизни муқаддас масжидларда йўқ. Икки кун мундин муқаддам кўрдум, эллиқ қадар мусулмон ва бир жанозани кулушиб, ўйнашуб, қаҳқаҳа ва масхаралиқ ила катта раста ўртасидин кўтариб ўткардилар. Орқаларида бир неча уламо мўйсафидлар-да сукут ила кетиб турубдур. Бошларида жаноза, олдилариға қабристон ва мозор, орқаларида уламо ва мўйсафидлар, оғизларида қаҳқаҳа кулги ва масхаралиқ нари турсун, фаҳш. Орқадаги бир неча уламо, ботулилар истилоҳинга, амали мавто сукутда, ижноби таънда, субҳаналлоҳ, бу на ҳолдур; умумқабристонлар иҳотасиз ва ҳар кун мингларча мусулмон чиқиб, ота-бобоси ва оқ сут берган онаси ва азиз-авлиёларни қабри устида улоқ чопар, кўпкари торгар, қабристонда ҳайвон боқар, оят ва ҳадис ёзилган тошлар аларнинг оёғи остида, биз эса кўпкари чопармиз, ўғлимиз тўйиға ўн минг сўмлар сарф этиб, ота-онамизни қабру жасадини от ва итлар оёғи остида оламиз.

Боқилсун, муни қайси биров кўрад, Мавло жумламизни ислоҳ айласун, инсоф ва басират берсун.

*Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўғли
ТВГ. 1912 йил 12 февраль. №12*

МАКТАБЛАР ҲАҚИНДА

Маълумдурки, усули жаид мактабларини очмоқ учун инспектор, яъни илмий муфаттишдин рухсат лозимдур. Ҳозирги жорий бўлуб турган қонун юзасидан лозим усули жадида мактабларинда русча ҳам таълим берилса. Русчасиз ва хусусан, ҳукуматни илмий муфаттишидин рухсатсиз очилган усули жаид мактаблари ҳукуматга маълум бўлса, то рухсат олгунча мактабни ёпмоқ қонунан лозим келур. Бинобарин, ҳар бир мактаб усули жадида очувчи муаллим ва ё маҳалла аҳлига лозимдурки, бул тўғрида ҳеч ўйламасдан, тейишли инспектурларга мактаб очмоқ учун ариза бериб ва ҳам таълим берадурган илм ва фанларни, яъни мактаб програмини ёзиб берсалар ва ҳам усули жаид мактабини очадурган муаллимга лозимки, ўзини муътамадликига тейишли волостной ва қози воситаси-ла участкавой приставлардин шаҳодатнома олиб, инспектурга маълум қилмоқга, аммо баъзан бўладурки, қози ва ё волостнойни усули жаид мактабига хоҳиши йўқдур.

Бул сувратда бошқа холис ва муътабар одамлар воситаси-ла муаллим ўз ҳолини приставга ва ё инспектурга билдурмоғи мумкиндур. Яхши тариқаси шулдурки, ҳар бир Туркистон шаҳрига рухсатлик расмий усули жаид мактаблари бордур. Янги мактаб очадурган расмий усули жаид мактабини муаллимини воситаси-ла ўз лаёқатини инспектурга билдурса мумкиндур. Агарда расмий усули жаид мактабини муаллими бул тўғрида ионат қилмаса ва ё ҳасад этса, янги мактаб очадурган муаллим руский-туземний мактабларини русий муаллимлари воситаси-ла лаёқатини инспектурга билдурса мумкиндур. Хулоса шулки, усули жаид мактаби очмоқ рухсатсиз бўлмайдур.

Пристав ва инспектурлар холис одамлар воситаси-ла ва ё ўз тажриба ва илмлари ила мактаб очувчини лаёқатини билмагунча рухсат беришлари маълум йўқдур. Вақтики, мактаб тўғри-сида алардин изн олинди, бу мактаб расмий бўлур. Билмасдан мактабга душманлик қиладурғонларни ва ё мактабни шаръий ва яхшиликини билиб туриб ҳасад қиладурганларни кучи на мактабга ва на муаллимга асло етмайдур. Баъзи усули жаид мактаблари ва муаллим шогирдлари ҳукуматни ҳимоятигадур.

Агарда янги усули жадид мактаблари ҳукуматни ҳимоятига бўл-маса эди, Бухорога қўйгандек яхшиликини фаҳламаганлар ва ё ҳасадчилар қўймас эдилар. Бизни билганимизча, иншооллоҳ, Бухорода келар тез вақтда усули жадида мактабини энг каттаси очилур...

Усули жадид мактабларидаги болаларга иккинчи ва ё учин-чи санадин бошлаб русчани таълим бермоқ, албатта, лозимдур. Аммо русча муаллимни вазифасини топилиши бироз мушкул-дур. Русча муаллим вазифаси учун яна инспектурдан ва уезд ҳокимидан ва шаҳар депутатларидин илтимос қилмоқ керак. Агарда алар раъй қилсалар, пул топилур, болаларини ўқутадур-ган бойларга ҳам мурожаат қилмоқ керакдур. Агарда бирор волостной управител ва ё истаршинани кўнглига муҳаббати илм бўлса ва русча муаллимни вазифаси ҳар бир уйдан ҳар йилга йи-гирма тийиндан иттифоқнома – приговор бўлса иш тамом бўлур. Ва бу иттифоқнома, албатта, ҳукумат тарафидин рухсат бери-лур. Бир бўлуст ўрта ҳисоб ила 1500 халқ 20 тийиндан 300 сўм бўлуб, бир муаллимни кунда икки соат русча таълим бермоқиға вазифалик қиладур. Агарда аҳолиға тушундурса, йўқ деядурган киши асло топилмайдур.

Энди ҳар ерда суврат сўзи келур, бу суврат сўзи фазла бир таассуб ва усули жадид муаллимлариға не муносибдур. Аввало шунини ёзайинки, агарда усули жадид мактаби масжид живорида бўлса, суврат қўюлмаса керак. Чунки масжидға ва масжид мак-табиға суврат қўйилмайдур. Ҳовлиларға очилган усули жадид мактабларинда суврат қўймасға ранж қилмоқ фазладур. Ҳар бир мусулмон диёрини усули жадид мактаблариға ўшал диёрни подшоси ва рижоли машҳура ва ашҳоси тарихиясини тасвири, албатта, бордур.

Ҳолбуки, усули жадид мактабларида фанний китоблар ўқу-лур, масалан, жуғрофия ва тарихи табиятки, анда одами ва ҳар навъ ҳайвонларни тасвири кўрсатилур. Китобларға кераклик ашҳос ва ҳайвонлар тасвирини нақш қилиб, ибрат ва ё бошқа важҳ ила кўрсатмоқ исломға мингдин зиёда йилдур ва мунга эски китоблар шоҳиддур. Истанбул, Миср, Петербурғ кутубхо-наларидаги эски кутуби исломияни кўрганлар мунга, албатта,

шоҳид бўлурлар. Даркорлар, муфтилар, рус шайх ва бойларини бўюн ва кўкслари ва болаларга ўқутадурган жуғрофия ва тарихи табиий ва ўзгалари ва, ҳатто, эски усул китоблари суврат ила тўлган экан. Усули жаҳид муаллимини мактабга суврат қўймоға деганини нимаға ҳимл қилмоқ керак.

Императури аъзам ҳазратлари сувратларини уламои динимиз осарлар, биз усули жаҳид муаллимини мактабга қўй-маганингиз ажабдур. Биза қолса, илми ҳайъат мужтаҳидлари уламои давр – Мирзо Улуғбек жанобларидек, Амир Темурдек рижоли тарихийни сувратларини ҳам қўюб, буюк зотларни таржимаи ҳолидин қиёфат ва маишатидин ҳам дарс-ибрат олурлар. Бизнинг китобларга сувратни макруҳ ва ҳаром деганлар ва на зарурат бошқадур. Ҳолбуки, муни заруратсиз-да, ўтканлар қилибдурлар. Чунончи, 3 аср муқаддам Самарқандда бино бўлинган бир катта мадрасани тоқиға икки йўлбарсни кошин ва музайяти ила тасвир этибдурларки, мадрасани ичиға илм бўлуб «Шердор мадрасаси» атолиб, бу кунғача шерларни асари кўри-дур. Ва бу тоқи Шердорни остиға масжид-да бор, мадраса-да бор, ҳатто мазор-да бор. Етмиш қадар ҳужра-да бор ва уездда усули қадим мадрасаси эски анус ва ўзга билоди исломияда сувратлик бинолар мавжуддур (бақияси бор).

ТВГ. 1912 йил 6 декабрь. №94

МАКТАБЛАР ҲАҚИНДА

(Ўтган нўмердан мобад)

Баъзи кишилар, эҳтимолки, русча ўқутмоқни маъқул кўр-масалар, бу фикрдаги ҳар ким бўлса-бўлсун фикри ғалатдур. Азбаски, биз, Туркистон мусулмонларини маишат ва тараққийи замонамиз русча ўқумоқдин бўлмаса, арабча сўйлашмас. Масалан, бонкаларга, маҳкамаларга, судяларга, пўчтаға, оташаробаға, кантурларга ва ҳар ерға борилсун, русчаға муҳтож дўхтур ва закўнчи пристав ва акладочнийға ишингиз тушса, албатта,

русчаға мухтож. Ҳатто ҳажжи шарифга борилса, йўлни ўндан саккизиға русча билсангиз, тинч ва яхшироқ турарсиз.

Илгари замон Туркистонда форсий ва туркий тил аҳли бор экан, бинобарин, мактабларга бу икки тил ўқилур экан, энди яна руслар-да Туркистонда пайдо бўлди ва ҳукумат, тижорат, саноат ва ўзга ишлар алар қўлида, бас, бу замонда русча билмоқ лозим бўлди. Русча билмоқ ва ўқумоқдин қочсак, ўзимизга зарар қиламиз.

Ҳар бир тараққийпарвар билсунки, бизни сабаби такомили ҳаёти ижтимоиямиз усули жадида мактаблари русча ўқумоқ ва ҳукумат мактаблариға бола бермоқ ва мадрасадаги усули тадрисни Миср мадрасаларидек ва Ҳижоз жомеъларидек ислоҳ қилмоқ ила бўлур. Муни лузумини аксар талаба ва бутун аҳоли билгандур, фақат таданнийпарвар (...)лар ва ҳозирги қолдин манфаат кишиларимизни қавлан ва феълан тараққийи миллат ва ислоҳи макотиб ва мадрасаға монёъ бўлушлари таассуфлар ила кўри-лур. Дигар тарафдин, усули жадидпарварлар ҳам гўё ислоҳ ва тараққий фикриға чандони аҳамият бермайдурлар. Таданний-парварларни усули жадид ва ё жуғрофия исмидин нафратлариға ўхшаш русча ва тасвир масаласидин қочарлар. Русча муаллимдин қочарларки, бул ҳаммасидин ажабдур. Модомики, русча ўқумоқға раъингиз бор, на учун дерсизки, русчани бизға мусулмон таълим берсун. Хўб дорулмуаллиминдин чиқган мусулмон бўлса, таълим берсун, лекин русча бўлгандин сўнгра русчани на зарари бор, бизға қолса, усули жадид мактаблариға русчани кўброқ таълим берилсун, токи андин чиқиб лоақал шаҳар мактаби, городской ишқўлға имтиҳон бериб кирмоқға мумкин бўлсун. Уч-тўрт сана усули жадид мактабиға русча ва мусулмонча ўқутан болани, албатта, мусулмонлиги яхши бўлур. Тўғридин-тўғри ташқариға тайёр бўлуб имтиҳон бериб, шаҳар мактабиға кирганда заруриёти диния ва адабиёти миллиядин, албатта, беҳабар қолур. Муни ва бола эса русча таълимни хоҳламайдурган усули жадидчилар зиммасида бўлур. Такрор айтилулки, усули жадид мактаблариға русча тўғрисида шаҳар мактабини таҳзирия синфи даражасида таълим берулсун. Бул суратда аҳоли ҳам ҳукумат, албатта, усули жадид мактаблариға зиёдароқ аҳамият бериб, ақча ила ионат

ҳам қиладурлар. Замона бизга русча ўқумоқга мажбур қилди. Агарда русча ўқумасак, яна ҳар жиҳатдин кейин кетармиз. Русчани яхшилаб ўқумоқ учун гимназия, семинария ва шаҳар мактабларига ўқумоқ керак. Бу мактабларга кирмоқ учун икки-уч сана русча ўқуб ҳозирланмоқ ва имтиҳон бериб, сўнгра қабул қилинур. Агарда ушбу уч савани ислоҳ қилинган усули жаид мактабига бола ўткарса, русча имтиҳон бериб катта мактабга кирмоқга, албатта, салоҳият пайдо қилар ва ҳам мусулмоний хат ва саводи чиқиб, заруриёти диния ва миллияни дурбар қилар. Катта мактабларга кирмаган суратида ҳам бу шогирд мусулмоний ва русийдин зарурлигини билур, хоҳласа мадрасага келур, хоҳласа касб этар...

Усули жаид мактабларини тараққий қилмасликка ва ислоҳ бўлинмасига ялғуз муаллимни масъул тутиб бўлмас, азбаски, ислоҳ ва тараққийга ақча ва ионат лозим. Туркистон бойлари ва оталари ҳануз бул бобга аҳамият берганлари йўқ. Масъулиятни(нг) энг оғири оталарга юкланур, бечора усули жаид муаллими ўз ғайрати ила иш қилалар, уламо ўз синфи орасида матъун ва манфур бўлур. Яна ақча ва илм жиҳатидин мазоиқа ҳам тортар. Ҳар ҳолда усули жаид мактабларини ислоҳ этмоқ керак ва русча идхол қилиб, русчасини катта мактабларга кирмоқга ярайдурган синфи ахзори даражасига еткурмоқ керак, ва алар, катта мактабларга кирадурганлар ё мушкилликка қолур ва ёинки, хат-саводи миллий ва заруриёти динийдин беҳабар қолур.

***Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий, Самарқанд
ТВГ. 1912 йил 9 декабрь. №95***

МАЪЛУМНИ ИЪЛОМ ЁХУД ПЕТЕРБУРҒ МАСЖИДИНИНГ ИСТИЛИ¹⁷⁵

1033-адад «Вақт» газетасида «Сибирия» газетаси мухбири-нинг Петербурғ жомеъси ҳақидаги мулоҳазаси кўчирилмиш экан. Шуни ўқиб, Самарқанд мусулмонлари таажжубда қолдилар.

Мухбир жаноблари: «Миллионлар сарф қилинуб солдирған масжид алланендий заводларға ўхшайдир, масжидға ўхшанқираса, гўзал бўлур эди», демиш. Бунинг фикрина кўра, бу масжид пойтахт аҳлига «Мен масжид!» демаз эмиш.

Яна: «Бизда қизиқ сифат бор, ҳамон сарт чопони, сарт чалмаси, сарт ўқуви, масжид солсақ-да сарт фўрмаси!» демиш.

Ҳар ким билсунки, Ўрта Осиё халқи орасида «сарт» исмли уруғ йўқдир. Туркистоннинг бу кунги матбуот ила ошна фирқаси «сарт» исмини истамазлар. Хабарсизлар эса: «Бизни руслар «сарт» дейлар, бизнинг русча исмимиз «сарт эмиш», дея зан қилурлар. Ҳақиқат ҳолда Осиёи Вусто (Ўрта Осиё) халқлари ўзбек, яъни «турк» ўлуб, бир қадар тожик (форс, хўжа ва саййид, яъни араб) қавмидан иборатдир. Шунинг учун «Сибирия» мухбири ва бошқаларнинг бу халқларни «сарт» дея таъбир қилуб ёзмоқлари дуруст ўлмадиғи устина мужиби тафриқа ва баъси нафрат ўлдиғидан протест этарға лойиқдир.

«Шўро» мажалласинда Туркистон халқларина «сарт» итлоқ қилмоқ асоссиз эдики, ҳақида баҳслар ўлдиғина кўб умр ўтмашидир. «Вақт» ҳамда бошқа ислом газеталари ушбу нуқтага диққат этсунлар. Туркистонда хабардор ва маълумотли фирқанинги ўзларина верилмакка ризо ўлмадиқлари бир унвонни вермасунлар, балки тамом тарк қилсунлар эди. Биз онлардан шуни рижо қиламиз. Бу тўғрида мўътабар «Таржумон»-да тавсия қилмиш эди. Ўзбак ва туркларни «сарт» демак ила на зарар ўлди, дейилмасун. Бунга муқобил ўзбаклар муқобалаи билмисл қондасина мувофиқ, татарларға «...р» ёки «... рир», дерлар. Бундай ҳоллардан на каби натижалар ўлажағини ҳар ким ўзи билсун!

¹⁷⁵ Мақолани филология фанлари доктори Баҳодир Каримов тайёрлаган.

Ҳар ким ва ҳар қавмнинг ўзларина махсус исми вор. Шунинг хилофи ила атаб юритмак ҳам ақл, ҳам адабга хилоф, балки омиёна бир ҳаракат ўлур.

Келалим Петербурғ жомеъи тарзи меъмориясина. Истанбул жомеъларининг тарзи меморияси аксарият-ла Бизанс ва Ғарб усули узра ёинки қоришиқ бир усулдадир. Мисрларнинг эса эски мисрий ё арабий усулда ўлуб, Русия мамлакатиндаги масжидлар эса табиий рус ва Ғарб шакли меъморияси кабидир. Ҳозирғи Петербурғ жомеъи эса холис турк тарзи меъморияси узаринда бино ўлмишдир. Нетакким, Туркистонда дўрт-беш асрдан бу она қадар пойдор турмиш буюк мадрасалар ва масжид ва дахмалар ҳам туркистонлилар тарафидан бу усул узаринда бино қилинмиш, тоғ парчалари каби олий бинолар ва шўйла биноларнинг ададлари Туркистонда юзлардан зиёда ўлдиғи ҳолда кучи бало ила ёлғиз биргина дона иморат онларға ўхшадилуб пойтахтда бино қилинди.

Пойтахт жомеъининг турк усули меъморияси узарина бино ўлиндиғи, алалхусус, Темур жаҳонгир ҳазратларининг мақбара-си мисоли ўлдиғи учун турк ва татар олами ифтихор қилурға мадждир.

Масжид комитети аъзолари ҳазратлари ушбу тарз ва тамсил узара бино эдувларин-да исбот қилмишлар, онларға раҳматлар ўлсун! Бунлар устина Бухоро амирининг сабаб ўлмоқи-да, бир қадар ҳақ қозондир.

Ҳазрат Расул (акрам) қабри шарифини кўрдигинда бир қозоқнинг: «Қуб мазор экан...» дедиги каби «Ой» эса охирда қўйилажак тазйинот жумласидандир, вақти етдигинда қўйилур. Ҳиндистонли бир сайёҳнинг «Русия исломларининг масжидлари калисога бенгзар», дедиги қабилдан иқлим таъсири ва мужоварат ижбори ила бўйла шайлар ўлур.

Туркистон усули меъмориясида машҳур истилларнинг бири Ҳинд ва Эрон, Араб ва Бизанс, Ғарб ва Бобил, Чин ва бошқалар усуллари қабилдан мустақил бир усулдир. Бу усулға бу кунға қадар ёлғиз Петербурғина майл этмамиш эди. Йўқса чўқ замонлар Оврупо ва баъзи бир Амриқо меъмор ҳам рассомлари Туркистонға келуб, бунлардан намуна ва мисол ҳам ибрат олуб кедирлар. Бу тарздағи атоқли ва буюк иморатлардан Самарқанд

ҳамда Самарқанднинг эски шуҳрат ва Темур яна шараф устина бу иморат ва усулға шуҳрат-да верур.

Сарт чопони ва сарт чалмаси ҳамда сарт ўқув фўрмасининг тарлар қошинда мақбул ўлмамакина боис: туркистонлиларнинг собиқда маданият, ҳунар ва илм тўғрусинда олдда ўлмақларидир. Рубъи асрдан бери эса татарлар бошқа бир йўл тутдилар. Эмди бунлар туркистонлиларни ўз жараёнлариға тобе эдарлар. Қаю қавм ва қабила илм, ҳунар ва маданият жиҳатиндан мутараққий ўлса, бошқалар жабри табиат ила онларға табъият ва гамсил эдар, замон бўйладир. Мухбир жанобларининг бу тўғрида ўлан гусса-си нофиладир. Фақат мухбир бу масалани атрофлича тадқиқ этмасдан муқаддам ёзмиш ўлса керак. Шунинг учун биз буни маъзур тутмоқдамиз. Петербурғ жомеъси ўзининг ҳоли лисони ила: «Бан Туркистон ва турк элидан келмиш масжидам», деюр. Буни тингламоқ ва эски туркистонлиларни ўйламоқ керак.

*Муфти дорулқазо Маҳмудхўжа Бехбудий,
Самарқанд. «Шўро». 1912 йил. №19*

АМИР ДОНИЁЛНИНГ ҚАБРДАН ЁЗМИШ МАКТУБИ¹⁷⁶

Мен, Бухоро аморатинда ҳозирги амирларнинг жадди аълолари ва силсилаи ҳозиранинг муассисидурман (ҳозирги Бухоро амири ҳазратлари ота тарафиндан турк уруғи манғит қабила-синдан ўлуб, она тарафиндан араб ва саййиддурлар). Буюк Бухоро ва Туркистоннинг подшоҳи эрдим. Туркистон ўлкасидаги боши бузуқ хонларни ва ҳадсиз ўлан ўзи бек (ўзбак) эл бекларини кўб меҳнат ва кўб ғайрат ва сиёсат ила лашкарим ионати сабабли ўзима байъат этдирдим ва бу кунги Бухоро аморатини ташкил этмиш эдим. Шўйлаки, Туркистон туғ беклари, элхонлари хизматима муҳайё эдилар. Буюк Туркистон ўзбаклари ва барча улус халқи ва турк қабоили «Дониёл оталиқ» лақаби олия-

¹⁷⁶Адабиётшунос З.Абдирашидов тайёрлаган.

сини вермишларди. Тутмиш усулимдан бири, муҳим ишларда барча беклар сўзларини тингламоқ ва охирида ўз раъйим била ишламак эди. Онингчун, ҳатто, севикли рафиқам Ойим: «Билмам, нечун бегим, ҳар ким сўзини маъқул дерсан?» – дея манга эл-улус ишлари тўғрисида шиддатли эътирозларда бўлинур эди. Мен-да: «Шоҳмурод онаси, сенинг сўзинг-да маъқул!» – дердим. Бу жумла ушбу кунда Туркистон турклари орасинда оталар сўзи қаториндадир.

Хусусий маишатдан-да бир лавҳа кўстарайин: севикли бойбуччам ҳайит ва арафа кунларинда мени йўқлаб турарди. «Халқ болалари ҳайитда гул каби кийинур, ястанур, аммо Шоҳмурод жоним эски кийимда!» – дея ҳасратланурди. Мен эса муқаррарий вазифамни байтулмолдан пишаги олуб, бойбуччамни арзо этардим. Баъзан байтулмолчи талабимни қабул этмаса, маътал қолур эдим. Ўтканлар ўтсун! Хайрул-хулқим, севикли ўғлум Шоҳмурод валиниғам, маним алқотим ва тарбиям бўйинча юртма-юрт қўшди. «Марв» ва бошқа ўлкаларни мамлакатима илҳақ этди. Кандиси эса байтулмола тиқилмасди. Қашқа пўстин (тулуш)ни ёзда сиртини киярди ва мадраса шогирдлариндан ўлуб, олим ва парҳезкор эди. Табаъаси они «Амири четмакон» дерларди. Бобом Темур ҳазратларидан қолмиш муборак дахмалар (мозор, марқад) ва аллома Улугбек ва Ялангтўш баҳодир ва Шайбонийхон ва ўзга эзгулардан қолмиш мадраса ва мақбара ҳам савмаъаларини татҳир ва таъмир этдуруб, буюк Темурдан қолма Кўктош тахтина «Самарқанд»да жулус этди. Темурнинг пойтахти ўлан Самарқандда қурт ва қушдан ҳамда холи эски иморатлардан бошқа бир шай йўқ ва дохийий фитналар сабаб шаҳар одамсиз қолмиш экан. Бу кунги 155 маҳалласини муҳожирлар ила тўлдурди. «Самарқанд» мадрасалари маним бу дахмам каби зор ва хароб экан. У канди али-ла супурди ва татҳир этди. Шаҳарнинг ўртасиндаги «Шош суқба»ни у бино этди...

Оҳ, воҳ! Ҳепсини ёзмоға тоқатим йўқ ва менга кераги-да йўқ. Мен охират одами, дунё ила алоқам йўқ. Хулосасини айтайин: ҳозирги Бухоро амири зоти анвар Олимхон, маним еттинчи халафим ва авлодимдур. Кечалим.

1192 санасинда Хўжа Баҳоддин живоринда бино қилгон ўз дахмай фақиронамда 1199 санасиндан нари ётмоқдаман. Мен-

дан қолмиш мамлакат ва аморат инқозини меним ворисларим насил идора этсалар-этсунлар, анда ишим йўқ. Фақат меним талабим «Нақшдори об» ўлан Бухоро ҳукуматидан, у эшитмаса, Бухоронинг бу кунги танпарвар уламосидан, у эшитмаса шариат ила омил ҳар ким вор эса, андин рижо эдарамки, меним дахма ва қуббам атрофидаги мадраса ва қорихоналаримдан жаззам ва чириган махлуқ васоиллар гуруҳини йўқ этуб, бу муқаддас мадраса ва қорихонамга талаба ва қорилар қўйсунлар (ал-он бу мадраса ва дахмада пес, мохов ҳам шоллар туради). Живориндаги масжид, охур ва оғил ва ҳужралар эса моховлар мазбаласидир.

Атрофдаги 20-30 ҳужра талаба учун бино қилинмиш эди. Бу кун ҳар бир ҳужранинг вақфи 100 сўмдан зиёдадур. Яна имом, муаззин ва мударрис ва ходимлар учун кофий вақфлар бордурки, сана-басана олуб турдиқлари ҳолда вазифаларини ифо этмаюрлар. Бу ўрунға махсус ўлан имом ва мударрислар доиман Бухорода туриб, асло бунда келмаюрлар. Ҳужраларимни вақфлари учун бойлар 300-600 сўмларға олуб, сотиб турурлар. Бухоро қозилари ва муфтилари қаю шариатга татбиқ этибдур, бу ботил байъ ва шароға рухсат бералар. Оҳ, тирик бўлса эдим, онларнинг бўйинларина замонамдаги «ғул бозорбеги»м солур эдим (жонийларига махсус темир занжир). Лекин кима сўйлайин? Меним бу кунги турбадорам моховлардир. Модомики, бухоролилар бу ҳолларини кўрмаслар, начора, жариди ва матбуот воситаси ила фарёд эдарга мажбур ўлдим. Хўжа Баҳоуддин зиёратина кирғонда йўлдаги масжид ва дахма манимдур. Заввор ва сайёҳлар кўрсунлар-да, ибрат олсунлар ва бухоролиларнинг лоқайдликларини билсунлар. Боқий дуо ва салом.

Бухоро ҳукуматини таъсис эдувчи:
Амир Дониёл

Ушбу сана 14 – 20 ўктябринда Бухорода саёҳат этдим. Бухоро эски шаҳардур. Эски асбоб ва эски одат мабзулдур. Ҳар бир сайёҳ ўз табиатина мувофиқ эски шайлар оқтарар. Мен-да эски хабар ва эски васоиқ оқтардим. Ҳазрат Баҳоуддин ва Амир Дониёл зиёратлари асносинда қўлима баъзи шайлар кирди. Онлардан

бири Довиёл оталиқ марҳумнинг ушбу мактубидур. Мўътабар «Шўро» ўқувчиларина туҳфа этмак нияти ила бу мактубнинг нусхасини идорага юбордим. Келажакда бошқа васоиклар-да ир-сол ўлунур.

*Самарқанд дорулқазо муфтийларидан:
Маҳмудхўжа Бехбудий
«Шўро». 1912 йил. № 23*

МУҲОРАБА НИМА БЎЛДИ?

Буни ҳар ким сўрайдур, бу саволни қиладурганларга жавоб учун ушбу сўзларни ёзамиз. Газет ўқуб тушунмайдурган ёинки жаридида ўқумайдурганларга урушни оқибати нима бўлганлигини билдурмоқ учун бироз тарихдин ва сўнгра ҳозирғи беш-олти ойлик урушни нима бўлганидин ёзамиз.

Маълумдурки, ҳозирғи Туркия давлати, яъни халифа ила ушбу тўрт ҳукумат урушуб турубдур. Юнон, Булғор, Сербия, Қоратоғ. Бунлар Туркия мамлакатига ҳамсоя эдилар, алардин бири иккисини кучи Туркияга етмас эди. Анинг учун тўртови махфий иттифоқ ила тўрт тарафдин ҳамла ва ҳужум қилиб, бир миллиён қадар аскар чиқордилар. Бу аскар ила туркларга ғалаба қилиб, кўп ер ва шаҳарларни олдилар. Давлат иттифоқдан, бедавлатлик нифоқдиндур. Турклар бир миллиёндин зиёда аскар чиқормоққа қодир эдилар, аммо ғафлатга қолдилар, аскарлари йиғилмаган эди, иккинчи – Туркия давлати аскарини ҳаммасини урушга юборолмайдур, азбаски, катта бир мамлакат ҳудудинда ва барча денгизлари канорида эҳтиёт аскар сақламоғи лозимдур.

Учинчи, Фарангистон давлатлари Туркияга ваъда бериб айттиларки, хотиржам бўлинг, уруш бўлмаса керак. Агарда уруш бўлуб, хоҳ сиз турклар ва ё ҳамсояларингиз голиб бўлуб, бир-бирингиздин бир шаҳар олсангизлар ҳам, биз Фарангистон баъзи Овруро давлатлари ҳудудларингизни тағайюр бўлишига (йўл) қўймасмиз ва қайсингиз зўр чиқса ҳам бошқангиздин ер

олмайду, деб. Туркия Оврупо давлатлариға ишонди, аммо алар сўзлариға турмайдулар.

Тўртинчи Туркия мамлакатини аксар ҳудуди денгиз бўлса ҳам, уруш параходлари бошқаларға қараганда оздур. Мунинг сабаби шулки, яқин замонда ўтган халифалар давлат ишлариға ривож бермай ва шариат бўйинча байтулмол ва хирождин уруш асоби ва уруш илмиға пулни ниҳоятда оз сарф қилиб, параход ва аслаҳа тайёр қилмай, балки боргоҳларида юзлар ила хотун ва яхши асбоб жамлаб ва ҳам байтул-молни ўз пулларидек билиб, ўз кайф-сафолариға сарф қилибдулар. Халифаларға вазир ва акобири давлат ҳам қўшулуб шариатдин чиқиб, оч бўридек байтулмоли муслиминға хиёнат қилибдулар.

Айтадулки, яқин замондаги бир халифа вақтинда баҳрия вазири баъзи денгиз ишларини қарайдурган вазирни ўн саккиз дона параходи бор эмиш. Ўшал замонда Туркия хазинасини 18 дона параходи йўқ экан. Ушбу исроф ва бепарволик ваҳҳидин турклар Султон Абдулазиз ва Султон Абдулҳамид ва бошқа халифаларни бекор қилиб, бошқасини қилсалар ҳам ўтган кишиларни қилган зарари ва бепарволигини жойини тўлдуролмадилар. Кичкинагина ҳамсоялари ва аввал ўзлариға тобе бўлуб турган фуқаролари ҳар навъ илм ва фанларни кўп ҳаракат қилиб, охири кўп мамлакатларни турклардан олдилар. «Ёмон ўғулга ҳам мол чикора, яхши ўғулга ҳам мол чикора», деган мақолдек беш-олти юз йил илгари шу туркларни(нг) оталари ҳеч нимадин етмиш миллиондан зиёда халқни ўзлариға тобе қилиб дунёни энг катта давлатини барпо қилдилар ва хилофоти исломияни араблардан олдилар. Алар яхши ўғул эдилар. Бу кунги турклар бор ва тайёр нимарсани саришта қилолмамай қўлдин бердиларки, бунлар ноқобил авлод чиқдилар. Ўзлари Фарангистонда туруб, фаранг илм асбобидин ҳақинча хабарлари йўқ. Эски дағдаға ва қуруқ катталиқ ила иш қилиб бўлмайдур, янги асбоб, янги илм ва янги ҳунар, саъй ва ғайрат керакдур. Оре, Туркияда ўқуган, фаранг илмидан ва янги асбоб ва ҳунарлардин бохабар кишилар бор, аммо бир давлатға ва катта миллатға кифоя қиладурган даражаға эмас, яъни оздур.

Энди бироз ғолиб бўлган Болқон ҳукуматларидин ёзайлуқ. Чунончи, ҳозир урушуб турган тўрт насоро ҳукуматидин бири

Юнонки, барча халқи икки ярим миллиён ва ўзи насородур. Туркия давлати 30 миллиён қадар бўлса ҳам, уруш параходи Юнонники ила баробар йўқдур. Бу нима учун мундай, албатта, исрофдин, байтулмол тўғрисида шариатга амал қилмасликдин, тадбир ва маданиятсизликдиндур. Ушбу Юнон ҳукумати юз йил муқаддам Туркияга тобе мамлакатлардин эди. Ва ўзидин подшоҳи ҳам йўқ эди. Бир юз сана муддатда ўз бошига у қадар саъй ва ҳаракат қилибдурки, бу кун Туркияга мактаб ва жаридалари ила, параходлари ила, аскари ила галаба қилиб, мамлакатига мамлакат қўшди, яъни яхши ўғул эмиш «тинма тинарсан»га амал қилибдур. Муттафиқ ҳукуматлардин иккинчиси ва энг каттаси Булғордурки, аслинда ўзидин подшоҳи бор эди. Ҳозирдин беш қирқ йил илгари мусулмонлар бу мамлакатни фатҳ қилиб, подшоҳликни барҳам бериб эдилар.

Бу кундин 37 йил илгари Русия ила Туркия давлати ўртасида бўлган уруш ва сулҳнома бўйинча Булғористон мустақил ҳукумати барпо бўлуб, бу кунги даражага етди. Ушбу уруш вақтигача 4 миллиёнча халқ бор эди ва ярим миллиён аскар чиқарди, яъни у қадар саъй қилибдурки, ҳар саккиз кишидин бири аскар бўлуб урушубдур.

4 миллиённи ярми хотун, тўртдан бири бола ва майиб ва қари бўлган суратида қувватлик эркакларни ҳаммаси урушган бўлур, аммо булғорларни аёллари ҳам урушга қўшулгандурлар («Ман талаба шайъан жиддан фақад важад»¹⁷⁷).

Муттафиқ ҳукуматлардин учинчиси Сербия ҳукуматидурки, ўзидин шаҳзодаси бўлуб, 37 йил муқаддам замонгача халифага тобе эди ва юқоридаги сулҳнома бўйинча ўз бошига айрилиб эди. Ушбу уруш вақтигача 2 ярим миллиёнча халқи бор эди. Бу урушга 300 минг қадар аскар чиқарди.

Муттафиқ ҳукуматлардин тўртинчиси ва энг кичиги ва ушбу урушдин оз наф кўргани Қоратоғ ҳукуматидурки, уч юз минг халқи бор эди, 55 минг нафар аскар чиқарди. Бу кичик мамлакат ва ҳукумати 400 йил илгари мусулмонлар ўз халқиға топшуруб эдилар, аммо мазкур сулҳномадин сўнгра ўз бошига бўлуб хирож бермоқдин қутулиб эди. Хулоса, мазкур тўрт ҳукумат Туркия

¹⁷⁷ Ким бир нарсани изласа, топади.

давлатига охири голиб келдилар, хуфя аҳд ва иттифоқ қилиб бир миллиён қадар мунтазам аскар ила тўрт эмас, ўн тарафдин бирдан босиб кириб, туркларни мағлуб қилиб, хейли мамлакат ва шаҳарларини жон баҳосина олдилар, неча шаҳар ва қанча ер ва нақадар халқни қирдилар, қўлидин олганликлари ва кетган мамлакатда на қадар мусулмонлар борлигини кела нусхаларга ёзармиз.

Маҳмудхўжа Бехбудий
ТВГ. 1913 йил 25 апрель. №31

ЭҲТИЁЖИ МИЛЛАТ¹⁷⁸

Бошқа миллатларга қаралса кўрилулки, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлулур.

50 сана муқаддамги замонда, биз, туркистонлилар, якка ва танҳо яшаб, бошқалар ила муомала ва муносабатимиз йўқ эди. Энди замон ўзгариб, бошқа миллатлар ила махлут бўлдук, шариат ва ўз урфимиз қонун ва Оврупо одатига итоат қилмоққа мажбурмиз.

Аmmo қонун ва Оврупо одатларини билмаганимиз учун бойимиз бўлсун, қози ва миллий ҳукамомиз ва аҳолимиз бўлсун кўб ташвиш ва зарар кўрар. Замони собиқада фақат шариат билмоқ кифоя этарди. Энди қонун ва закўнни билмоқ ҳам лозимдур. Шариат илми мадрасаларга, қонун илми Русия дорилфунунларига ўқилур. Дорулфунунга кирмоқ учун, аввало, ўн сана гимназияга ўқумоқ керак. Сўнгра тўрт сана дорулфунун ўқуб, андан ҳуқуқшунос, юрист, таъбир жоиз бўлса, замона фақиҳи бўлиб чиқар. Суд маҳкамаларинда, давлат доираларинда кириб, ҳар ҳуқуқшу-

¹⁷⁸ Газетанинг баъзи жойлари йиртилгани боис Н.Очилов эълон қилган матнга солиштириб тайёрланди.

нос ўз муваккили ва ўз миллати ва ўз тоифаси ва ўз Ватани ва ўз давлатининг нафига сўйлашур, мудофаа қилур.

Масалан, Давлат Думасинда биз, Туркистон мусулмонларидан шундай ҳуқуқшунос вакил бўлса, бизни дин ва миллатимиз нафига ҳаракат қилур. Аммо шундай одам бизда йўқ.

Давлат Думаси нари турсин, судга ва расмий маҳкамаларга кириб, бизни мудофаа қиладурган кишимиз йўқ. Бошимиз оғри-са, дўхтурга борамиз, аммо дардимизни айтмоққа тил йўқ. Ўзимиздан дўхтур йўқ.

Иккимиз бир-биримиз ила низо қиламиз. Кетамиз закўнчига, сўйламоққа тил йўқ. Орадаги одамлар яна бизга фириб берар. Пул берармиз, югурармиз, яна ишлар барбод, охири йўқ.

Иморат қилмоқчи бўлсак, план-лойиҳаси лозимки, инженерга муҳтож бўлармиз. Аммо биз ҳануз «муҳандис» исмини билмай-миз.

Контур ва расмий дафтар тутиб, касса қуриб, тижорат этмоқ лозим. Илм тижорат била турган бухгалтерлик ҳисоби юрита-дурган бойларимизга керак, ул ҳам ўзимиздан бир нафар топил-майду.

Ҳаммолликдан бу ишлар яхши бўлса керак. Бир неча бой-ваччани биларманки, энг қаттиқ хизматларга гирифтор. Сабаби надур – илмсизлик. Ҳолбуки, аларни «тўйи»га отаси 5 минг сўм сарф этиб эди.

Туркистон меваси, донаси, тоши, туфроғи, эски нимарсалари Оврупо бозорига кетар. Муни Оврупо даллоллари келиб, оз баҳога олиб кетар, меҳнатни биз қилурмиз, фойдани улар кўрар. Ўз нимарсамизни Оврупо бозорига элтиб, яхши баҳога сотатурган бизда бир одам йўқ. Азбаски, Оврупо ила савдо қилатурган кишини(нг ўзи) аввал ўн сана замона илми ўқумоғи лозим.

Бизда шоҳи, адрас, беқасам, алоча... бофликлар бор. Агар-да бир нафар техник ва муҳандисимиз бўлса, бу дастгоҳларни ислоҳ этар, аҳоли обод бўлу. Валлоҳи, яқин вақтда докабофларимиздек зое бўлиб кетар. Чунки Оврупо янги асбоб ила мундин яхши қилиб чиқарур.

30 сана муқаддам Самарқандда Ёмини маҳалласида 300 алочабоф ипчи бор эди. Ал-он 30 нафар йўқ. 10 сана сўнгра тамо-ман маҳв бўлу.

Хулоса, мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва ҳар нимарсамизни замонча ислоҳи лозимдур. Валлоҳи, ҳар нимарса қўлдан кетар, бизда муздурликдан бошқа иш қолмас. Бир ускуна, дўкон ва саройни ишлатмоқга ҳам илми замоний ва замона шумлиғини билмоқ лозим. Валлоҳи, биздан дунё илмини яхши билатурганларга мулк ва асбобимиз ўтар ва ўтуб турубдур.

Қисқа қилайлук, бошқа миллатларни(нг) бойлари фақир ва етимлар учун мактаб ва дорулфунунлар соладурлар, фақир ва етимларни ўқумоғи учун вақф «истепендия»лар тайин қилур. Бошқа миллат миллиёнерлари мактаби ила истепендияси-ла, идора қилатурган газет ва мажалласи-ла, бино қилган доруло-жизин, барпо қилган жамияти хайрияси-ла фаҳр қиладур.

Бизникилар жуфт оти-ла, аробаси-ла, тўй ила ва ...ла фаҳр этар. Ҳатто ўз ўғилларини ўқутмайдурган бойлар бордур.

Бу кетишни охири ёмондур, ўқумоқ, ўқутмоқ керакдур. Болаларга оталардан илми диний ва илми замоний мерос қолсун.

Бутун Туркистондан ўн бой йилинда минг сўмдан берса, 25 бола учун Тошкандда «диний ва замоний» бир «пансион», лайлий ва наҳорий 5 мукаммал мактаб бино бўлуб, ҳар йил ҳукумат мактабинда 50 бола тайёрлайдур.

Ўн йилда булардан... 200 муҳандис, дўхтур, ҳуқуқшунос, муаллим, техник, замона тожири, валлоҳи... чиқар ва бизни замон одамлари қаторида қўярлар ва давлат ишига кирарлар. Руслар ила бизни ҳусни имтизожларимизга хизмат қиладурлар.

Ал-он миллатимиз бойлардан шуни кўзда тутар, халойиқни барбод этатурган тўйларни эмас. Оҳ, бу сўзларни тушунатурган бойлар бизда етушганми?

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Самарқанд». 1913 йил 12 июль. №26.

ЭДИРНА

Эдирна шаҳри Оврупои Усмоний ва Рум эли қитъасинда воқеъ бўлуб, Истанбулдан сўнгра Усмонлини биринчи катта шаҳридулки, Усмонли давлатининг иккинчи ўрду аскарини(нг) қароргоҳи бўлуб, муҳорабадан муқаддам 150 минг қадар одами бор эди.

Эдирна шаҳри Истанбулни 120 чақирим ғарб шимолисинда воқеъ бўлуб, Тунча, Марич, Арда наҳрларининг қўшулишиндан хушманзара тижоратлик ва яхши иморатлик шаҳри шаҳирдур.

6 катта жомеи шариф, 160 кичик жомеъ ва 26 оддий масжид, 22 катта мадраса, 60 мактаб, 42 таъя, 3000 жилд ҳар нав китобни мухтавий катта бир китобхонаси бор эди.

Насороларни 17 калисо, яҳудийларни 12 ибодатхонаси ва ўзларига тейишли хусусий бир неча мактаб ва хастахоналари бор эди.

Туркия ҳукуматининг шаҳар доҳилинда беш катта аскархона ва атрофида бир неча мустақкам ҳарбий қалъалари бордур.

Бири аскарый, дигари мулкый икки гимназия мактаби яна бир рушдия аскария, икки рушдия мулкия ва бир рушдия қизлар мактаби ва бир зироат мактаби ва бир зироат намунахонаси ва бир ёнғин минораси, беш хастахона иморати мавжуд эди.

Шаҳар ичидаги ва атрофидаги наҳр устинда ўн қадар катта кўфруклар ва бир неча аскарый қоровулхоналари ва шимолий тарафинда эски бир қалъаси бор эди.

Шаҳарнинг ичи ва атрофи дарахт ва боғистон бўлуб, халқнинг ярмидан зиёдаси мусулмон ва бақияси рум, булғор, армани ва яҳудийлардур.

Эдирна жомеъларининг энг каттаси Султон Салимхон Соний бино этган. Султон Салим жомеъи тўрт минора ва уч шурфаликдур. Иккинчи жомеъ Султон Мурод Соний бино этган (уч шурфали) тўрт миноралик жомеъ бўлуб, бутун дунёдаги жомеъ шарифларнинг ниҳоят баланд миноралигидур.

Булардан бошқа яна Елдириим Боязидхон шаҳзодаси Амир Сулаймон ва Мусо Чалабий ва Чалабий Султон Меҳмет Саидхонлар давринда ишланиб тамом (қилинган эски жомеъ)дур. Султон Муродхон бино этган «Муродия» жомеъси ва «Елдириим

жомеъи», «Султон Салим жомеъи» ва бошқалари ниҳоят ажиб ва шоёни зиёрат ва томоша ва жавомеи шарифдур.

Эдирна кўфруклари ҳам осори атиқадан маъдуд ва эски султонлар асринда бино бўлуб, Елдириим мавзеъи ила шаҳар орасиндаги кўфрукни тули 1100 газ, арзи 12 газдур, бошқа кўфруклари-да хейли катта ва ҳайбатлик, ажойиб ва хушманзарадур.

Эдирнанинг шоёни ибрат чаҳорсуларидан «Али пошо чаҳорсуси» усти беркилган ва шуҳрати ниҳоят яхши мавзеинда бино қилинган ва обод бўлуб, ичинда 200 дан зиёда дўкони ва олти катта дарвозаси бордур, иккинчи «Ораста чаҳорсу» сидурки, 100 дан зиёда дўкони бўлуб ва мундан бошқа майда бозор ва дўкон мажмуалари кўпдур.

Эдирна шаҳри уч темир йўли учун марказ бўлуб, яъни Истанбулдан, Дадаоғочдан, Оврупо ва Булғориядан келгувчи қиторларни оромгоҳи ва омадашудлик марваргоҳ бир шаҳри шаҳир ва Истанбулни дарвозаси ҳам энг тижоратгоҳ бир балдадур.

Эдирна шаҳри давлати Усмониянинг Оврупо қитъасиндаги вилоятларидан «Эдирна вилояти» губернасининг маркази бўлуб, бутун вилоятни вусъати 42 минг мурабба чақирим ва барча халқи бир миллиёндан зиёда ва мунинг 400 минг қадари муслим, 225 минги рум, 140 минги булғор, 15 минги армани, 50 минги яхуди, қибтий ва бошқалардур.

Эдирна шаҳри кўп эскидурки, тахминан 1800 сана муқаддам румо импературларидан Адриан тарафиндан зийнат берилиб, таъмир ва катта қилингани учун Адрианополис аталиб экан. Сўнгралар қисқа қилиб, Эдирна аталубдур.

763 тарихи ҳижриясинда усмонли Султони Худовандкор ғозии замон салтанатинда Лолошоҳин пошо саъйи илан мусулмонларга фатҳ бўлуб, Истанбулни замони фатҳиғача 90 сана Давлати Усмония учун пойтахт бўлубдур.

Усмонли шаҳзода ва султонларидан мусулмон авлиё ва уламо, умаро ва қуззот ва машойихларидин кўп машҳур зотларни муборақ дахма ва мозорлари Эдирна шаҳри шаҳириндадур.

570 сана муддатдан бери бу шаҳар мусулмонлар қўлинда эдики, Болқон муттафиқларининг саъйлари ила қўлдан кетиб ва Булғория ҳиссасиға тушуб эди.

Болқон муттафиқлари бир-бири ила хасм бўлуб, қонли муҳорабаға киришиб, Булгорияға шикаст берганларидан истифода қилиб, усмонли аскарлари яна бу шаҳарни 9 июль – 20 шаъбон ал-муаззам жорийда лутфул-Ҳақ ила қайтариб олдилар.

Бу фатҳи соний ажойибот тарихиядандур, боши тошдан эмас, фўлод ва ҳафтжўшдан бўлсун.

Румо, Бизанс, Усмонли ҳукуматлари давринда ҳозиргидек ушбу шаҳар устинда кўп муҳорабалар бўлуб, қон жўйборлари ақчалиги тарих ўқувчиларға маълумдур. Ана сизға Эдирнанинг мухтасар саргузашти!

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Самарқанд». 1913 йил 16 июль. №27

МИЛЛАТЛАР ҚАНДАЙ ТАРАҚҚИЙ ЭТАРЛАР¹⁷⁹

Миллатлар тараққийиға бир неча сабаблар бўлуб, туб сабаби уламо ила агниёнинг ҳамият ва ғайратларидур. Тараққий қилғон ва ё энди тараққий қилғувчи миллатлар аҳволиға диққат қилинса, мазкур икки синф муҳтарамни ўз миллатлариға сўз ва ақча ила хизмат этганлари фавран зоҳир бўлур.

Ҳар миллатнинг уламози, аҳли қалами, мутафаккири ўз миллатининг ояндаси учун йўл кўрсатур, машварат берур, миллат ахлоқининг ислоҳи учун масжидларда панд ва насиҳат берур, мактаб ва мадрасаларда дунё ва охиратда керак илм ва фан таълим берарлар, китоб ва газет ила умматни муслиҳи учун баҳс ва муколамалар қилурлар.

Тараққий қилғувчи миллатларнинг уламози замондин бохабар бўлиб, ўз миллатининг «масолиҳи замония»си учун саъй этар, миллатнинг пешрафтиға ақча ила, ҳайрат ила иона қил-

¹⁷⁹ Газетанинг баъзи жойлари йиртилгани сабабли ушбу мақола Ҳ.Сайид тайёрлаган нусхага солиштириб тайёрланди.

моқни миллат бойлариға таклиф этар, ташвиқ ва таҳрис этар. Хулоса, ҳар миллатни уламози, аҳли қалами миллат учун сўйлар, ёзар ва ҳавоижи миллия ва замонияни ўз миллати мансубасиға билдирар. Замона агниёлари ўз миллатларини замонийча кераклиги йўлинда ақча сарф этарлар. Масалан, янги усулда замонавий мактаблар бино этиб, замонийча одам тайёрламоқ учун ҳаракат этарлар. Ҳукуматни ўрта ва олий мактаблариға ўқийдурғон ўз миллат болалариға ионат этарлар. Ва бечора ҳамжинсларини диний ва дунёвий мактаблариға беруб, ўз харажатлари ила ўқугадурлар.

Рус, армани, яҳудий ва бошқа Русиядаги ватандошларимизни бойлари доимо ўз миллатлари учун катта хайр ва эҳсонлар қиладурлар, инчунин, Кафказ, Қрим, Қозондаги мусулмон биродарларимизни(нг) бойлари, уламози ва аҳли қалами, соҳиби фикри ўз биродарлариға мол, ақча, қалам ва илм ила кўб иона қиладурлар.

Аmmo бизни(нг) Туркистонда бу ишлардин сўйламоққа ҳануз навбат келган йўқ. Ҳар ким ўз нафи ва ўз шахсий иши ила саргардон, умумий ёинки диний ва миллий ишларни ояндаси учун, миллатни замона одамларидек тараққий этмоғи учун, халойиқни ислоҳи ахлоқи учун гам тортувчи ва ҳаракат этгувчи йўқдур.

Бир карра диққат қилиб, маҳалла-кўй ва қишлоқ халқлариға қаралсун. Авомлик, беилмлик нақадар кўпайган. Биз мусулмонмиз. Мусулмонликға илм лозим, амал лозим. Ўқумоқ керак. Нима учун бошқа миллатларда юза бир нафар бесавод йўқ экан, биза юза бир нафар саводлик йўқ?

Бошқа миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники ҳаммоликда ва гадойликда. Бошқа миллат уламозиға тобе экан, бизни уламо билъакс авомға тобедур. Бунинг охири харобдур. Йигирма, ўттуз сана сўнгра яна ёмонроқ бўлур, мусулмонлик илм ва адаб ила қоим, миллат ахлоқ, фазл ва ҳунар ила боқий қолур.

Бугун ислоҳи мактаб-мадраса, яъни ислоҳи миллатға кўшиш қилинмаса, рубъи асрдин сўнгра диёнат барбод бўлур ва анинг жавоби масъулияти бугунгиларға қолур. Бу масъулиятдин қутулмоқ учун миллатни диний илм ва дунёвий илм-фанлар ўқу-

моқ учун тарғиб қилмоқ керакдур. Диний илм ила фанларнинг ўрни мактаб ва мадрасалардур.

Дунёвий фанларни ўрни ҳукумат мактабларидур, иккисига ўқумоқ учун ақча лозимки, ул ақча бойларни киссаи ҳамиятидан чиқса керак.

Ҳар замон учун асбоби ислоҳ ва тараққийи ионат бошқарур. Миллатга ионат этмоқ учун, ислоҳи мактаб ва мударрис учун, русий мактаблариға бола тайёрламоқ учун, деҳқон ва санъаткорларни ривож бермоқ учун «Жамияти хайрия», «Нашри маориф», қироатхоналар, фўндлар, куржуклар, жаридалар, мажаллалар, нашриётлар... керакдур. Миллатлар тараққийси шул ила бўлур ва бу ишларға ақча керакдур, ақча бойларда ва афродда!

*Маро ба тажриба маълум шуд даро ҳар кор,
Ки қадри мард ба илм аст, қадри илм ба мол.*¹⁸⁰

Маҳмудхўжа Бехбудхўжа
«Самарқанд». 1913 йил 30 июль. №31

«...УФ»¹⁸¹

Баъзи муҳтарам киши идораға ёзадурки, масалан: бизни адресимизни фалон-фалон ўғлиға ёзмасдан, на учун «...уф» деб ёзарсиз? Биз камоли эҳтиром ила шу баҳсни қилатурганларға баён қилармизки, ушбу саволни қилғувчилар ўзларидин сўрасунларки, нима учун ўзлари идораға ақча таҳвил қилгонда почта қоғозиға, масалан, Абдулла Ибодуллаев ёзиб, Ибодунойи ёинки Ибодий, Ибодулло ўғлу (ўғли), Қобул (русчаға... Кабул каби ёзилса керак) ёзмайдурлар. Ал-он бизларға «фамилия», яъни силсила ила аталатурган илм йўқ ва ани йўқлиги ушбу баҳс ва саволларни чиқарар. Агарда каттароқ жадлариға нисбатан ўзлариға

¹⁸⁰ Менинг ҳар бир иш тажрибамдан шул маълум бўлдики, мард, яъни эр кишининг қадри илмда, илмининг қадри молда экан.

¹⁸¹ Бу мақола фамилия охирига «... ов» ёки «...уф» қўшимчалари қўйиши ҳақида.

фамилия ва махсус илм қарор бериб ва, ёинки, Маҳмуд валади Ибодулло ёхуд бобоси исмига нисбатан, масалан, Абдушукур валади Абдулғафур Яъқубий, фалона валади фалона Рашидий ё Аҳрорий ва ё Маҳмудий Абдулкарим ўгли Собирзода каби ўзларига унвон тузатиб, пўчта қоғозиға ва, ёинки, сипоришномаларига ёзиб юборсалар, албатта, жариданинг (унвони), яъни адреси шул мазмунда ёзиларди.

Жариданинг идораси ўз тарафидан бировға илм ва лақаб таъин қилмай, балки келган қоғоз ва мактубға мувофиқ ёзар.

Масалан, жариданинг муҳаррири ўзи учун «Беҳбудий»ни фамилия қарор берибдур.

Бул сувратда хоҳ мусулмоний хатти васоиқ ва қўл қўймоқ ва ё русча ёзмоқ ва паспурт олмоқ, хулоса, ҳар ҳолда «Маҳмудхўжа Беҳбудий» ёзилурки, бул сувратда русча таржимасиға ҳам исмни охиринда «...уф» тақилмайдур.

Бизға баҳс қилган қоримизға, албатта, мусулмоний илм яхшидур, чунончи, мусулмон Исмоил Яъқуб ўғлини русча таржима қилганда Исмоил Якубуф бўлуб, мунинг мусаммоси, яъни исм эгаси яҳуд ё насроний деб гумон қилинур. Агарда «Исмоил Яъқубий» шаклинда ёзилса, Исмоил Яъқубий ёзилиб, исм эгасини мусулмонлиги фамилиясидан билиниб турар.

Кафказ мусулмонлари «зода» ёзарлар. Чунки Юсуф Толибзода ва, ёинки, арабча Абдулло Улвий, Миёнис Миёнғаффор ўғли Форуқий, такрор ёзармизки, жарида адреси почта таҳвилномаларидаги кайфиятга унвон ёзадур. Агарда мусулмон илми ила унвон хоҳласалар, марҳамат қилиб ўзлари ёзиб юборсунлар ва ул суратда паспурт ва бонк муомалалари, вексел ва ҳужжат қоғозларига «...уф» ёзмасдан, мусулмоний илм ила қўл қўймоқ лозим келур. Масалан, Маҳмудхўжа Беҳбудуф эмас: «Маҳмудхўжа Беҳбудий ва меним ўғлумни ҳам Масъудхўжа ибн Маҳмудхўжа Беҳбудий» деб ёзмоғи лозим келур.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Самарқанд». 1913 йил 6 август. №33*

НА УЧУН ИЛТИФОТ ЭТМАЙДУРЛАР?

«Самарқанд» жаридасининг ўзбаки, форсий ва русий тилларинда ва Туркистоннинг ўрта шевасинда таъсис этилиб эди. Мундан мақсад шул эдики, Фарбдаги баҳри Хазардан бошлаб Шарқдаги Фулжа ва Кошғарғача, шимолдаги Қозоғистондан бошлаб Жанубдаги Афғонистон фосили Аму наҳри ўртасиндаги восеъ арозига сокин турк ва тожик биродарларимизга бақадри тоқат хизмат этмак ва аларни ҳолига ва ижоботи асрига вақоеи замонияда ва Русия култури, илм ва ҳунар ва саноатига ошно бўлушларига ожизона ташвиқ этмоқдан иборат эди. Мактаб бўлсун, мадраса бўлсун, ишқўл бўлсун – ислоҳ ва тараққийсига ёрдам учун халқни даъват қилмоқ эди. Фосид урф ва ботил расмларни, ёмон одатларни шаръан ислоҳига кўшиш этмоқ эди ҳамда «Самарқанд»нинг русий қисми воситасила кераклигимизни давлат матбуамиз Русияга билдурмоқ эди. Ёшлар ва, ёинки, ёшлик фикрини ва аҳолини рус ватандошларга билдируб, ватандошлик бобинда орани яқинлаштурмоқ эди. Дини мубинимиз аҳкоми ва асоси маданияти ҳозирага мунофий ва ё ватани Русияга музир ва ё рус ватандошлар ила эътилоф этмоқга зид эмаслигини тадрижан иштиҳор этдурмоқ эди... .. эди.

Ва бу мақсаднинг баҳси маҳаллий уч лисонда бўлса, таъсирининг сариъ умумиятини ҳамда форсий, ўзбаки ва русий қаламлик туркистонли аҳд ва шаънимиз, албатта, мушоракат этиб ва ионаи қаламияда бўлушларини яқин қилиниб эди. Аммо, ҳайҳотки, бу умидларимиз бўшқа чиқди. «Самарқанд» анқариб бешинчи ойни тамом қилур, бу муддатда русча қалами борларимиз беш сатрлик бир нимарса ёзмакга танзил этмадилар («Самарқанд»га русча ёзилганлар рус қалами ила эди), инчунин иона ва мушоракати қаламияларидин умид қилганларимиз миллий жаридага, миллий хизматга аҳамият бермадилар (қаламлари ила иона этган муҳтарам даъвот мустаснодурлар). Масалан, 150 минг мусулмон нуфуслик ва неча даста муҳаррир, шоир ва мусавнифи бор ва бир неча жариди чиқарган ва маркази Осиёи Вусто бўлган Тошканд шаҳридин форсий ё туркий, ё русий валав бир сатр бўлсун, бир шай келган йўқ.

Бир миллиён одамлик Хивадан бир муштариймиз бор, аммо бир сатр мактуб олмадук. Икки миллиён одамлик Бухородан фақат жаноб Мирзо Сирож Ҳаким бир-икки мақола ёздилар. Икки миллиёнга қарийб нуфуслик Фарғона вилоятдан валав бир мақола бўлсун келмади (бир неча хабарлар ва ... маълум йўқ, шахсийёт нимарсалар мундан хориждур). Еттисув ила Маварои-баҳри Хазарни арози саҳроия, мактаб ва мадрасасиз қозоқ ва туркман маъвоси ва муҳаррирдан маъзур, дейлук.

Фарғона вилояти, Сирдарё вилояти, Бухоро аморати, Хива хонлиги аҳли қаламига, удабо ва шуаросига на демоқ кераклигини билмаймиз.

Туркистондаги муҳтарам татар биродарлардан баъзи мактублар келур ва муҳаббатимизга кераклигининг шеваси тағайюр берилиб ёзилубдур.

Ана ўн миллиён халқга миллат учун ёзувчи ўн муҳаррири йўқдур, оқ на учун йўқдир. Лоқайдмиз! Хулоса, таҳайюрдамизким Туркистон, Бухоро ва Хива аҳли қалами, шуароси на учун илтифот этмайдурлар?

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Самарқанд». 1913 йил 16 август. № 36

ИЙДИ САЎИД

Бу кун ийди фирузи фитрдур, бу кун курраи арздаги 300 миллиёндан зиёда уммати ҳазрат фахрул-олам Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу таоло алайҳи васаллам ҳазратларининг явми масъудидир. Бу кун ер юзиндаги барча аҳли исломнинг қалбан ва жисман рабби мутаъол ҳазратлариға арзи убудият айтатурган кунидур. Юз миллиёнлар ила бошлар Худойи оламиннинг таъзим ва таҳийяти учун ҳузури раббил-оламинга саждаға кетар, юз миллиёнлар ила оғиздан такбир, таҳмид, тамжид арз боргоҳи кибриё бўлинур, фахрул-коинот ҳазратларининг хобгоҳи саодатлариға руҳи пурфутуҳ олияларининг гоҳ осмонийлари пешгоҳиға ҳадсиз тасмия ва санолар, дуо ва илтимослар арз қилинур. Бу

сабоҳи хайр, ийди исломдур. Бу сабоҳ қулуби муслимин салаф ва ҳар шайдан мубарродур, ёлғуз Худосини, Пайғамбарини тушунур, ёлғуз Оллоҳ фахрул-жалолға ибодат ва сажда этар ҳамда шоҳу гадо, катта ва кичик мусовий сувратда саждаға кетарлар. Энди бу сабоҳ анонияти нафсоният йўқ, ҳар ким бир одам боласи, ҳар ким бир Худонинг бандаси, ҳар ким ҳузури раббил-оламинда мусовий мислиға қарангизки, сизға мужассам далил ва шоҳиди оби раҳмат ёғиюр.

Мундай бир муассир соатға, мундай вақти ибодатға маҳфиллардан, минбарлардан, меҳроблардан аҳолиға уламо тарафидан панд ва насиҳат, таблиғи аҳком, амри маъруф ва наҳйи мункар лозим эди. Уммати исломиянинг ислоҳи ахлоқиға, тасфияи қулубиға руҳоний ва илоҳий ваъзлар айтмоқ лозим эдики, бу соат, бу он ҳар бир мусулмонларнинг соф қалбиға, албатта, дубола таъсир этарди. Аммо, афсуски, валав бу кун бир соатгина бўлсун, уламо тарафидин хутба ва машойих тарафидин панд-ваъз йўқ, жомеъ ва масжидларда ҳар ким сукутда: ёлғуз гадойлар, қиморийлар, банги ва ҳашошийлар мулаввас оёқлари ила чиркин кияри вужудлари ила саф-саф юруб хурофот сўйлаб, ошиқона ва фосиқона абёт ўқуб, наъра тортарлар.

Бир қисми ўзи билмасдан галати фаҳш сувратда ибодат тариқини ўргатур ва бунга муқобил сафи ибодатдагилардан ақча тилайдур, уламо ҳазрати мун кўруб сукут этарлар, бу сафға юргувчи ваъзлар ё гадой, ё жўчичингона, ё ҳашош, ё омирда балалардан иборатдурки, аксари на намоз билур, на ибодат, мо фий жомеъдаги мўминларға ваъз сотар ва мунга ҳеч ким бир нима демас.

Оллоҳу акбар садоси эшитилдиму? Бу ваъз бир четға чиқуб намоз ўқумасдан қараб ўлтурар, намоздин сўнграк яна ақча йиғар. Оллоҳ бизларға инсоф берсун.

Маҳмудхўжа Бехбудий
«Самарқанд». 1913 йил 20 август. № 37

ИККИ ЭМАС, ТҮРТ ТИЛ ЛОЗИМ

Биз, туркистонийларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур. Туркий, яъни ўзбакийни сабаби шулки, Туркистон халқининг аксари ўзбакий сўйлашур. Форсий бўлса, мадраса ва удабо тилидур. Бу кунгача Туркистонни(нг) ҳар тарафиндаги эски ва янги мактабларинда форсий назм ва наср китоблари таълим берилиб келгандур.

Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар арабий таълим берилса ҳам, мударрисларни тақриру таржималари форсчадур. Бу қоида, яъни дарс китоби – арабий, муаллими – туркий, тақриру таржимани – форсийлиги хейли ажибдур.

Туркистонда қадимдан бери бу уч тил жорийдур. Чунончи, эски ёрлиқлардан маълум бўлурки, Туркистонда эски амир ва хонларни амри, фармойиш ва муборакномалари доимо туркий, яна айни замонда дорулқазо ва адабиёт таҳрирлари форсий ёзилар экан. Бу қоидалар зотан яхшидур. Аммо бора-бора ёинки кела-кела усули таълим ва китобатга ихмол пайдо бўлуб, ҳозир бир даражага келибдурки, аҳли савод ёинки аҳли илмни юздан тўқсон тўққузи бу уч тилда мукамал таҳрири адабийга молик йўқдур, яъни усули таълим ва тадрисни ислоҳ этмак керак. Ўтайлук!

Туркистоннинг Самарқанд ва Фарғона вилоятларинда форсча сўйлайтурган бир неча шаҳар ва қишлоқлар бордур. Бухоро ҳукуматининг тили форсийдур. Форс шоиру удабоси асарлари қиёматгача лаззати кетмайдурган хазинаи маънавийдурки, мундан фойдаланмоқ учун оврупойилар миллиардлар сарф этарлар.

Бизга саодатдурки, туркий ва форсийни таҳсилсиз билурмиз. Ҳар туркни форсий ва ҳар форсни туркий билмоғи лозимдур.

Форсий билган киши Фирдавсий¹⁸², Бедил, Саъдий, «Маснавий»дан қандай лаззат олса, туркий билганлар Фузулий, Навоий, Боқий, Сомий, Абдулҳақ Ҳомид, Акрамбек, Санойи, Нобий,

¹⁸² Мақолада тилга олинган барча тарихий шахслар ҳақидаги изоҳлар «Танланган асарлар»нинг сўнгги қисмида берилади.

Ножийлардан, яна Толстуй, Жул Верн ва уламои замоний асарини туркий таржимасидан лаззат шундай оладур.

Фаранг ва рус донишмандларининг асарларидан фойдаланмоқ туркий ё русий ва фарангий билмак ила мумкин бўлур, на учунки бугун усмонли, Кафказ ва Қозон турклари замона уламоси асарини туркийга таржима қилиб, кўпайтурганлар, яъни туркий билган киши замонни билур. Турк тилига ҳар бир янги ва нафлик китоблар барча тилдан таржима бўлгандур. Араб маданияти юноний, Суқрот, Буқрот, Фалотунлардан фойдалангандек, замони ҳозира маданияти Толстуй, Жул Верн, Кеплер, Коперник, Ньютонлардан фойдаланур. Мақсаддан узоқ тушдик.

Реални сабаби шулки, биз Русия табаъаси, гражданимиз руслар ила баробар ҳуқуқи мадания ва мулкияга моликмиз, аммо беистеъдодлигимизга таассуф қилармиз. Банк ва судхоналар, суд маҳкамалари, нотариус, темир йўл, хулоса, законни пайдо қилган ҳар бир янги нимарсаларига муҳтож бўлсак аввалги қадамда руча билмоқ лозим келур. 50 йилдан бери биз Русияга тобе ва аммо бу бир умр ичинда ҳануз руслар ила мусулмонлар бир-бирларини яхши танимайдурлар. Бизим фикримизча шулки, руслар бу кун келди, эртага кетар йўқ. Бу ғалат фикр жуғрофия, тарих ва замондан билмазлигимиздан келур. Бизга лозимки, ўз нафимиз учун русча билайлук, ҳукумат мактабларинда ўқуйлук. Давлат мансабларига кирайлук. Ватанимизга ва ўз динимизга хизмат этайлук. Мусулмон бўлуб туруб, тараққий қилайлук. Бу замон тижорат иши, саноат ва мамлакат ишлари, ҳатто дини ислом ва миллатга хизмат илмсиз бўлмайдур. Масалан, бугунги «подшолик дума»га ўз дин ва миллатимиз нафиға сўзламоқ бизлар учун мумкин бўлур. Аммо анда бориб сўйлагувчи киши бизга йўқ. Анда бориб нафи Ватан ва миллатга сўйламоқ учун Русия мактабларинда бир ўн сана ўқумоқ керак, замондан, қонундан хабардор бўлмоқ керакдур.

Хулоса, бугун бизларга тўрт тилга таҳрир ва тақрир этгувчилар керак, яъни арабий, русий, туркий ва форсий. Арабий тил дин учун на даража лозим бўлса, русий ҳам тириклик ва дунё

учун лозимдур. Арабий билмасак дин, русча билмасак дунё қўлдан кетар. Туркий ва форсийни кераклигича сўз йўқдур. Яна бир тил ва хат борки, бутун олам бир-бири-ла анинг ила сўйлайдур. Ул Фарансе тили хатидур. Ғайридиннинг илм ва хатини ўрганмоқ шариатча дурустдур. Ҳадиси шарифдан маълум бўладурки, жаноб пайгамбар ўз саҳобаларидан Зайд бин Собит(ға) яҳудий хатини ўқуб-ўрганмоқға буюрган эканлар. Ва ул жаноб амри ҳазрат нубувват паноҳи ила яҳудий хатини ўрганиб, ҳазрат пайгамбарға яҳудийлардан келатурғон хатларни ўқуб берар эканлар («Саҳиҳи Бухорий», жуз 4, саҳифа 156).

Ҳолбуки, ул зоти бобаракот пайгамбаримиз қуввати ҳокима эгаси эдилар. Яҳудийлар маҳкум ва тобе эди. Ал-он Русия ҳоким, бизлар анга тобе ва ўз тириклигимиз учун алар хатини билмоқ зарур ва, ҳадиси шариф далолатинча, дурустлигиға жойи инкор бўлмаса керакдур.

Маҳмудхўжа
«Ойна». 1913 йил 20 август. №1. 12-14-бетлар

МАЙДА ҚАРЗ

Мелкий кредит исми ила ҳукумат Туркистон музофотининг аксар ноҳияларинда кичкина бонкларнинг уч санадан бери очмоқда ва мухтасар тартиби шудур.

Ҳар ноҳия, яъни вулус(т)нинг икки-уч даҳасидан уч-тўрт нафар аъзо сайланадур. Бу аъзолар даҳа аҳлидан ақча қарз олатурганларға саккиз-тўққуз ой муддат ила ўн икки фоиз, яъни бир юз сўмға бир йил муддатда ўн икки сўм фойда ила қарз берадурлар.

Майда банкни «Ширкат-товаришество» аталадур. Ширкатлардан кимға қанча қарз бермоқ мусулмон аъзодан членлар ихтиёриндадур. Ҳар бир ширкат учун махсус идора-правления ўшал ширкатни дохил ҳудудинда барпо бўлуб, ақча ва ҳужжатлар учун темур сандуқ – кассалар қурулгандур.

Қарз олатурган кишилар идора аъзоларини ўз ичлариндан член сайлайдурлар. Бул тўғридаги муфаттиш-инспектурлар сайловга, ақча тақсими ва ҳисобиға назорат қиладурлар.

Масалан, юз нафардан иборат бир ширкатни қарздорларидан бириға билфарз 50 сўм куйса ва ани мол ва зоти етмаса, ўшал куйган ақчани 100 нафар аъзо 50 тийиндан тўлайдурлар. Пули бор кишилар ва ё пулдор сағирлар ақчасини ушбу ширкатға топширса бўлур. Ширкатни асл сармойеси подшоҳлик бонкидан арзон фойда ила берилур. Ширкатлар 6 фоиздан 12 фоизгача бермоқға мухтордурлар.

Эшитганимизға қараганда, ҳар даҳаға бир ширкат очилмоқға ҳукумат қарор берибдур. Ҳатто мусулмонлар бул иш илан ошно бўлсунлар, деб дафтар ва ҳужжатларини мусулмоний ўзбекча қилмоқчи эмиш.

Ҳар ширкатға мирзо ва идора ва маҳсус дафтар ва кассалар бўлуб, сарфиёти фойдадан бўлур. Масалан, подшоҳлик бонк ширкатға фоиз ила ақча қарз берар. Ширкат халқға 8 фоиз ила қарз берар. Ортуқча 4 фоиздан ширкатни масорифиға харж қилинур. Ва андан ортган фойда ширкатни ўз молидур.

Бу ширкатлар деҳқон ва халойиқ учун ниҳоятда нафъликдур. Чунки заруратға деҳқонлар бирни бирға, ё бирни яримға, яъни юзни юзға ва энг арзони юзни ўтгузға кўтарадурлар. Ширкат пули анинг қиймат бўлса, юзни ўн иккиға кўтарар.

Ишни янгилиги учун баъзи ширкатға бой кишилар ва, ёинки, миллий маъмурлар аралашиб, бечораларға озроқ пул берибдур. Бечора халқ ишни фаҳмласа яхши эди. Келар вақтда бул бобға муфассал маълумот берилур. Ширкат очилмаган даҳалар халқи подшоҳлик бонкиға ё муфаттишларға ариза берсалар фавран ширкат очилур.

Маҳмудхўжа
«Ойна». 1913 йил 20 август. №1. 23-24-бетлар

ТУРКИСТОН

Туркистон Осиёи Вусто ва, ёинки, Турони заминдан иборат турк қавмининг мухталиф уруғлари ила маскун бўлуб, ҳоли ҳозирда Туркистони Русий ва Туркистони Чиний қисмларга бўлинув. Туркистоннинг бир қисми Афғонистон ҳукуматининг тасарруфинда бўлуб, Туркистон ёинки Чаҳор вилоят аталур. Қирғиз, Қозоқистон ва, ёинки, арози саҳроийя ҳам Туркистондан ҳисоб қилинадур. Аммо мунда ҳозирги тақсимоти сиёсияси юзасидан фақат Туркистони Русийни¹⁸³ баён қилинадур.

Туркистон музофотининг ҳудуди ғарбан баҳри Хазар (Каспий) денгизи, шимолан Урол ерлари ва Идил денгизи ва аксарияти Туркистоннинг қирғиз-Қозоғистон қитъаи васиъаси, Шарқда Туркистони Чиний, Жанубда Афғонистон ва Эрон мамлакатлариға муттасилдур.

Бухоро ва Хива хонликлари ушбу ҳудудға дохил ва Туркистоннинг жанубий тарафидан воқеъ бўлуб, Бухоронинг ерлари Афғонистонға муттасилдур. Туркистон вилоятға, яъни областларға бўлунуб, вилоятлар санжоқ-уездлардан ташкил топилиб, баъзи вилоятға ҳарбий волий – военный губернатор мансуб бўлуб ва бутун Туркистон музофотини бир бош волий – губернатор идора этиб, маркази ҳукумат Топшканд шаҳри(да)дур.

Туркистон музофотининг ҳозирги тақсимоти ушбудур:

Вилоят ва уезд ери	Мураббаъ Чақирим	1902 йилдаги барча халқи
Закаспийский (Маваробаҳри Хазар)	501 696	409 000
Ашқобод	86 650	102 000
Красноводский	101 000	59 000
Манғқишлоқ	160 254	670 000
Марв	110 795	131 000

¹⁸³ Муаллиф бу ерда сиёсий босим туфайли «Туркистони Русий» сохта атамасини мажбуран қўлаганини эслатиб қўймоқчимиз.

Тажанд	33 997	50 000
1910 йилда		
Самарқанд вилояти	81 891	900 000
Самарқанд санжоқи	17 060	362 217
Дизах	43 410	241 343
Каттақўрғон	4 994	135 507
Хўжанд	14 477	221 245
1904 йилда		
Сирдарё вилояти	441 837	1 629 000
Тошканд уезди	48 000	492 000
Авлиёота	62 144	307 000
Ғазали	58 528	155 000
Оқмасжид-Серовский	90 134	148 000
Чимкент	95 820	314 000
Амударё қитъаси	97 098	213 000
Фарғона вилояти	140 000	1726 000
Марғилон санжоқи	14 069	359 000
Андижон	13 433	386 000
Хўқанд	13 110	402 000
Наманган	15 273	392 000
Ўш	24 880	174 000
Помир	60 000	2 700
Семиречинский-Еттисув вилояти	228 966	1 090 000
Верний-Олмати уезди	45 588	248 000
Жаркент	25 587	436
Лепсинский	43 876	200 000
Қапол	75 797	150 000
Пишпак	77 683	194 000
Прежевальский	40 435	163 000
	1 395 057	5 604 362

Туркистондаги халойиқдин юзда тўқсон бешдан зиёдаси му-
сулмон бўлуб, ҳар бир юз нафар одамдан тўрт нафари насоро ва
яҳудийдур.

Туркистон халқини юқоридаги адади оздур. Оре, 1897 йилин-
да Русия ҳукумати амри ила умумий таҳрири нуфус бўлуб эди.
Аммо бир тарафдан, рўйхатчи мирзоларни танбаллиги, дигар
тарафдан мусулмонларни Русия ҳукумати аскар оладур ёинки
жон бошидан солиқ ақча оладур, деб ҳақиқий ададни кўрсатма-
ганлари сабабли ҳисобни натижаси оз зоҳир бўлгандур. Болода-
ги рақамга бир сулс ва ақлан бир рубъ яна қўшмоқ керакдур.

Маҳмудхўжа
«Ойина». 1913 йил 20 август. №1

ШЕРДОР МАДРАСАСИ

Ушбу мадрасаи олия Туркистон подшоҳларидан Имомқули-
хон ҳазратларининг даврияда сипоҳсолор ва ҳам Самарқандга
волий бўлган Абдулкарим Ялангтўш Баҳодир тарафиндан бино
қилингандур.

Ялангтўш Баҳодир Самарқанд аскари ила Хуросон ва Маш-
ҳадни истило этиб, ул тарафдан келтурган анвои ганоим ила Са-
марқандга ушбу Шердор ва ҳам Тиллакори мадрасаларини бино
этибдур. Бу мадрасалар дохилан ва хорижан чиний мулаванн
коши ила зийнат берилиб, кошиларини аксари гўё бугун устод
санъаткор қўлидин чиқган кабидур.

Тарихи бинойи Шердор мадрасасини дохилий ва гарбий тоқин-
да чиний музоиқ ила зердаги важҳа узра назман ёзилгандур:

Амир сафдари одил Ялангтўш Баҳодир омад,
Бамадҳи камолаш забон нотиқа парвар.
Биной мадраса кард ин чунон ки заминро
Бо важҳи чарх расонид аз он ливои тафоҳур.
Ба солҳо нарасад бар фарози тоқ рафиъаш,
Иқоби ақл ба нийру вай саъйи вуболи тадбир.

Ба қарнҳо нарасад бар сари минор маъниаш,
 Ҳарифи бар фан андеша бо каманди тафаккур.
 Чу рост кард муҳандис ба мавҳум тоқаш
 Фалак зи моҳ навон гашт мегузарад зи таҳайюр.
 Ялангтӯш Баҳодир чу буд бониш омад,
 Ҳисоби соли бинояш Ялангтӯш Баҳодир¹⁸⁴.

Шердор мадрасасининг мадҳали ва жабҳаси Ғарбида мадрасаи Мирзо Улуғбек Кӯрагоний мадрасаси маҳзисинда мутаважжиҳ ва иккиси юзба-юз бир шаклда бино қилинган. Иккинчисини фосиласи юз аршинда, роҳаси тош фарш қилинган васеъ бир майдондадурки, Регистон аталур. Регистоннинг шимоли ва жануби катта йўл бўлуб, шимолидаги каноринда болода зикр қилинган икки мадраса руkn ва зовияларига муқобил Тиллакори мадрасаси мабнийдур.

Йўл	Мадрасаи Мирзо Улуғбек жабҳаяси Мусаллоси РЕГИСТОН Мадрасаи Шердор жабҳаяси	Йўл	Мадрасаи Тиллакори
-----	---	-----	-----------------------

Шердорнинг самти¹⁸⁵ хориждан ҳадди ғарбия ва шарқияси 82 аршиндан, шимолий ва жанубий жиҳатлари 95 аршиндан бўлуб, жамъан 779 мураббаъ аршин ерни муҳтавийдур. Шердорни(нг) саҳни дохиласининг Ғарбий ва Шарқий ҳадлари 54 аршиндан, шимолий ва жанубий тарафлари 52 аршиндан бўлуб, вусъати 2808 мураббаъ аршин ва ери мармар тош ила фарш бўлуб, тўрт

¹⁸⁴ Келди сафларни бузгувчи одил амир Ялангтӯш Баҳодир. Нотиқлар унинг камолини мақтамасликдан тилларини тия олмайдилар. Ерга шундай мадраса қурдирдики, унинг порлаши осмоннинг фахрланиши учун баҳонадир. Йилни кузатмай тоқ юксакликка кўтариллади. Бундай маънодор сар минорни асрлар кўрмаган, саъй ҳаракатинг, тадбирингдан камчилик тополмай ақл шошади. Фанга рақиблик қилиш тафаккур бўйнига сиртмоқ андишасидир. Муҳандис мавҳум тоқ ҳақида тўғри айтибди, ой сузуб юривчи фалак ҳайратдан ҳайрон қолади. Ялангтӯш Баҳодир бино қилиш учун келди, бинонинг қурилиш тарихи Ялангтӯш Баҳодир. «Ялангтӯш Баҳодир» абжад ҳисобида ҳисобланиб, милодийга ўгрилганда 1618 – 1619 йил чиқади.

¹⁸⁵ *Самт* (тасмим) – лойиҳа маъносига.

жиҳатда ҳужралар ва тўрт катта равоқ жабҳаси ушбу мураббаъ саҳнға мутаважжиҳ ва нафис иморатни ўрни 4910 мурабба аршин ерни шоғилдур. Мадраса икки ошиёна бўлуб, 64 ҳужра, икки катта дарсхона, дохилан тўрт катта тоқни муштамалдур. Мадраса расмиға кўрулгон икки минора живориндаги икки қуббанинг бири масжид, дигари бир турба зиёратгоҳдур.

Расмдаги пештоқнинг хорижий жабҳасинда меҳробнинг икки тарафинда бир-бириға мутақобил икки шер-арслон шаклини мусаттаҳ чиний ва қошилар ила (арслон рангинда) мулавван тасвир қилингани учун «Мадрасаи Шердор» аталубдур. Арслон нақшасининг асари бу кунда ҳам маълумдир. Мадраса минорасининг бошқа жиҳатларинда тасвир йўқ ва аксарият ила оят, ҳадис тарихи абётни мрамрларға музоиқланган ва қоший мулавван чинийлар ила ёзулгандур. Мадраса, минора ва қуббаларининг бутун сатҳини араб, эрон, ҳинд услуби наққошаси узра мулавван чиний ранго-ранг қоший ила ниҳоят нафис суратда нақшлангондурки, тўрт аср ўтган бўлса ҳам, қошийлар офтоб ва ой нурини акс этдурар ва кўзни қамашдурар.

Минораларни ердан иртифои 51 аршин, беш тоқи юксаклиги 53 аршиндур. Биринчи табақа ҳужралар сақфининг буюклиги 9 аршин, иккинчи табақа ҳужраларнинг сақфи 18 аршиндур.

Иккинчи табақа ҳужраларға чиқмоқ учун саҳнни тўрт кунжидан тўрт масъада¹⁸⁶ бўлуб, масъадаларға пиллапоя ила чиқилур. Иккинчи табақа ҳужралардан 10 босқич ила бом мадрасаға миниб яна босқич ила миноралар мадҳалиға кирилур.

Минора мадҳалиға етгандан сўнгра минора ичиндаги 54 зина воситаси-ла миноранинг шурфаси устинда минилур. Энди, ушбу буюк минора устидан Самарқанди фирдавсмонанднинг зумуррадин боғу бўстонлари, хушоҳанг, латиф наҳрлари, тўғри ва иъвижажлик йўлларини томоша этиб, Самарқанд шаҳри уфқининг атрошом, соғлом, нафис ҳавосини шам этмали ва бу муборак офоқдаги юзлар ила таарруз тоғ парчаларидек мадраса, дахма, қубба, масжидларни сайр қилмали. Бу муборак қубба, дахма ва буқъалар боний ва сокинларининг мозийға мадфун ва мужассам

¹⁸⁶ *Масъад* – тепага кўтарилиш жойи.

тарих ва диний қаҳрамонликларини ёд этуб, баҳри таъмиқиға маҳв ва фарқ ўлмали.

Мадрасанинг авқоли ва ҳолати ҳозира алайҳиси бобинда сўнгра ёзилур.

Маҳмудхўжа
«Ойна». 1913 йил, 20 август. №1

ТАҲСИЛ ОЙИ

Август ва сентябрь ойиндан бошлаб дунёвий мактаблар, яъни ҳукумат мактаблари ва бошқа миллат болаларининг таҳсилға бошлаганлари кўз олдимиздадур. Туркистон шаҳарларининг Русия қитъаларинда эрта соат 7 дан 8 гача диққат илан қараган киши икки синф халқни кўрар, биринчиси 7 ёшдан йигирмагача талаба ва толиботларни қўлларинда ўнлаб нусха китоб ва ҳар бири суръатлик юруш ила гуруҳ-гуруҳ мактабларға кетарлар. Бунлар истиқбол учун, маишат муборазаси учун, фаолият истиҳсоли учун дарс олулар ва мунинг сабаби ила дин ва дунёларини обод этарлар... ..Бу синфға диққат қилган киши кўрарки, бу кабилар замон одамлари рус, яҳудий, арман ва амсолидур.

Буларнинг муқобилинда Русия қитъаси, ўрамлар, яна бир синф халқ кўриладурки, устларинда оғир юк, қўлларинда бел ва кетмон. Рус, арманиваяҳудий мактаб болалари синфиндаги, яънимустаъид таҳсил болалар ила меҳнаткашлик ҳаммол ва муздурлик топмоқ учун корхона ва қадоқхона ва меҳнатхоналарға бориб, бир кунда йигирма тийиндан бир сўмгача олмоқ учун ва тамом ўн икки соат меҳнат қилмоқ учун кўча-бакўча иш ахтарарлар, оҳ, на ёмон ҳолат.

Ҳамшаҳар яҳуд, армани, рус болалари оппоқ кийиниб, қўлтуқ-қўлтуқ китоб ила мактабларға кетар экан, бизни(нг) болаларимизни на учун кир ва йиртиқ кийим, оёқяланг бир ҳолда эшик-баэшик меҳнат ахтарур, инсон бу ҳолатларға диққат ила боқса, истиқболдан маъюс ўлур.

Чунки биз бу илмсизлик ила ушбу илм ва ҳунарлик замона аҳволига воқиф, замона ишига ошно рус, армани, яҳудий ҳам-шаҳарлар ила маншати савдо ва тириклик, яъни муборизаи ҳаётия бобинда бу ҳолатимиз ила асло, асло баробар бўлолмаимиз, баробар бўлмоқ нари турсин, хуДДорлик қила олмаймиз.

Энди бизларга икки ишдан бири қолур, яъни ё алардек замонаи илм ва ҳунарлариға ёпушмоқ ва, ёинки, борлиқ нимарсаларимизни ҳам қўлимиздан бериб, тўй-маърака ва беҳудаликға сарф этиб, аларға хизматкор бўлмоқ.

Бир карра диққат ила шаҳарларға қаралсун, йигирма беш са-надин бери на қадар мулкларимиз, на қадар савдо ва касбимиз бошқаларға ўтди. Унлар биздан уруб олмадилар, ўқуб олдилар. 25 сана сўнгра на бўлур? Мозий истиқболнинг тарозусидир, ҳар ким ўлчасун-да, билсун.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Самарқанд». 1913 йил 3 сентябрь. №41*

МИЛЛАТНИНГ БОШЧИСИ ТУЛЛОБ УЛ-КИРОМҒА

Ҳар миллат ва дин аҳлининг бошчи ва ҳодийси уламодулар. Уламо ҳазрати, албатта, туллоб ичидан етишадурлар. Уламо ҳазрати миллат учун диний ва дунёвий ишларға йўл кўрсатгучи ва тарбият этгучидирлар. Бинобарин, аларни(нг) ҳурмати аҳолиға лозимдур, алар варасаи анбиёдурлар. Азбаски, аларнинг зиммалариға шореъ тарафидан аҳолини илман ва динан ва халифан тарбия қилинмоғи лозимдур.

Халқнинг жисмоний ва руҳоний тарбияти учун мураббийлар, яъни уламоларнинг диний ва замонавий улум ва фунуннинг даражаи камолда билмоқлари, албатта, лозимдур. Ўз замондошларининг аҳволи, афкори, атворини билмоқ керакдур. Чунончи, салафи солиҳин ўз замонлариндаги ҳар нав халқнинг ақида, одат ва кашфиётларининг билиб ва алар тарафидан дини исломға оид бўлатурган баҳс ва иродларға муқобил юзлар ва минглар ила

китоблар тасниф этиб, аҳолининг эътиқод ва ахлоқ жиҳатини боқийсиға хизмат этубдурлар.

Масалан, мантиқ, калом, ҳикмат илмларинда китоблар. Шунинг учун тадвин ва тадрис бўлубдурки, бу илмлар дин ва миллат учун сур ва қўрғон ҳукминдадир. Уламои салаф ҳазоти ўз замонлариндаги даҳрийлари ҳаким ва файласуф насоро ва яҳуд фирқалари афкориға аввало ошно бўлуб, сўнгра аларнинг исломиятға зарар этгувчи ақидаларининг раддиға ададсиз китоблар тасниф этибдурлар. Ақлиёт ва нақлиёт тарафидан дини исломға қилинатурган баҳсларға яхши жавоблар ёзуб, китоблар тадвин этиб, ушбуларнинг мадрасаларға таълим бердирубдурлар. Бу на учун эди? Мусулмонларни ажнуб фикриға маҳкум бўлмасликлари учун муҳофаза эди.

Энди замонамизға ҳам мантиқ, калом, ҳикмат китоблари тадрис бўлинадур. Аммо қайси ҳикмат ва калом? Беш юз сана, минг сана муқаддам ўтган ҳаким ва мутаарризлар муқобилинда тадвин бўлинган раддиялар ва аларнинг маҳсул фикри ва кашфиётиға жавоб учун.

Ҳолбуки, беш аср охирида ҳикмат, ҳайъат, кимё ва ўзга табиёт ва ақлиётға ададсиз кашфиётлар воқеъ бўлди, беш аср охири ичинда бу кашфиётлар сабаби ила ҳикмат ва фалсафа аҳлининг ақидаси бошқаланди ва биз аҳли замониямизнинг фалсафа ва ҳукамо ёинки моддийон ва наҳлисларига, иштирокиюн ва динсизларига беш-ўн аср муқаддам тасниф бўлган калом китоблариндаги далиллар ила муқобала қилсақ, тўп ва тўфангға калтак ва шамшир ила муқобала қилган натижани берар. Баъзи биз билкулли илми замонийдин, кашфиёти асриядан, афкори маосириндан беҳабармиз. Ҳолбуки, беш аср муқаддамги муосирунинг 300 миллиёни биз мусулмонларға тобе эди. Ва ал-он биз барча 300 миллиён мусулмонлар муосирунға билкулли сиёсатан, иқтисодан, жисман тобемиз ва аларнинг маънавияти афкори энди бизнинг қалбларимизға ижрои таъсир этар.

Лиҳаза уламоға, йўқ уламоға эмас, толиби киромға лозимки, муосириннинг Оврупонинг, фарангларнинг фикриға, фалсафасига, ҳикматиға, амалиётиға аввало ошно бўлуб, сўнгра салафи солиҳ суннати узра аларнинг афкори зараридан мусулмонларни сахламоқ учун алар муқобилинда ва замонанинг динсиз ва

дахрий ва моддиюн ва иштирокиюнлари қаршусинда дини ислом таълимотини мудофаа қилсунлар, китоблар ёзсунлар...

Бу ишлар бўлмас, магар замонанинг фан ва янги илмларини билмоқ ила, замона тиллариға вақф бўлмоқ ила хулоса, бу ишлар бўлмас, магар «замоний олим» бўлмоқ ила.

Муҳтарам толибул киром билсунларки, илми калом майдонинда тош отатурган (фарқ зола), отилатурган хасмларнинг аксари кўндан йўқ бўлгандур ва алар ўрнинда бошқа хасмлар пайдо бўлиб, бизни каломи кўзимизға кўрунмайдурган кўп узоқ масофатдан ҳикмати жадида восита ила, ихтиро қилинган маънавий олатлар ила, ақида ва қалбимизға янги фалсафий асбоблар ила ҳужум этгандурлар. Аммо биз ҳануз янги ҳукамо ва фалсафадан беҳабарона ва уч-тўрт аср муқаддам ўтган фарқ мансублариға кўр-кўрона тош отуб, умримизни зое қилармиз ва бутун бизға томис этган ҳукамо ва фалсафадан билкулли беҳабармиз.

*Каъбая ўлмаз муяссар восил ўлмоқ қўрқарам,
Кетдигинг йўл, чунки эй аробий Туркистондур.*

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Самарқанд». 1913 йил 6 сентябрь. №42

ҚОНУНИ ОВРУПО

Оврупо, жумладан, Русия мамлакатига қонун, яъни «зақўн» жорийдур: қонунлар ҳар мамлакатнинг аҳволиға ва сиёсатиға мувофиқ ё вазирлар тарафидан ва, ёинки, халқ вакиллари тарафидан таҳрир топилиб, мамлакатнинг подшосига топширилур; подшоҳ ушбу қонуннома лойиҳаларини маъқул кўруб, қўл қўйса, зақўн ҳукмини олиб мамлакатға татбиқ қилиниб, волий, ҳоким, суд аъзолари ўшал зақўнға амал қиладурлар, яъни Оврупо қонуларининг ё подшоҳ ва ё халқнинг ўзи тузайдур.

Оврупода уч нав ҳукумат бордур: биринчи – «Идораи мустақала» ким, бул тариқа мамлакатнинг подшоҳи барча зақўнларнинг ўзи ваъз ва фасҳ этар ва анинг раъйи ва қарориға ҳеч ким бир

нима демас, яъни возеъи қонун ва закўн подшоҳдур. Иккинчи – «Идораи маршрута» усулидирки, мамлакатнинг ҳар бир вилоят халқидан махсус қоидага мувофиқ вакиллар сайлануб, мамлакатнинг пойтахтида жамланиб, аксарият раъйи ва мунозара ила қонунномалар тартиб этиб ва ҳар вилоят ва халқнинг аҳволини эътиборга олиб закўн тузайдулар. Ва ушбу тузатилган қонунномаларни мамлакатнинг подшоҳига топшириладур. Подшоҳ қўл қўйса, «закўн» бўлур, қўл қўймаса, яна халқнинг вакиллари мажлисига қайтариладур ва кўрсатилган хато ва саҳвлари янадан аксарият раъйи ила кўрулуб, дафъаи сония подшоҳга топширилуру. Подшоҳ қўл қўйса, «закўн» бўлур. Учтинчи – «Идораи жумҳурия» бўлуб, мундай мамлакат қонунлари халқ вакили тарафидан тасниф бўлуб, яна мамлакат подшоси мақомида ҳам халқ вакиллари уч ё беш йил учун бир кишини раис сайлайдуру, албатта, маршруталики мамлакатда халойиқнинг вакиллари-мувакиллари нафиъга қонун тузайдулар ва аҳоли масъуд бўлур.

Бизнинг Русияда ҳам «Государственный Дума» бордурки, Русиядаги халойиқнинг 400 қадар вакиллари анда жам бўлуб, янги қонунлар ёзиб, подшоҳ ҳазратлариға манзур қиладулар ва, ёинки, давлат вазирлари тарафидан тайёр қилинган қонунномаларға фикр баён қилиб, эътироз ва ё тасдиқ этарлар ва ушбу миллат вакиллари ўз миллат ва вилоятларининг нафига ҳаркат қиладулар ва ўз миллатлариға муваккиллариға манфаат ҳам еткурадулар.

Русияда ал-он тўртинчи Дума мафтўхдур. Биринчи Думанинг умри қисқалигидан Туркистондан вакил боролмади, Иккинчи Думаға Туркистондан вакил сайланди, аммо аҳоли Дума аҳволидан беҳабарлиги учун муносиб кишиларнинг сайлаб юбора олмади. Думаға вакил бўлиб борғувчилар замонча илмлик бўлуб, русча нутқ қилмоқға қодир ва ҳам қонундан, замонадан, сиёсатдан ва анинг устинда ўз миллатининг ва шариятининг аҳволдан, аҳқомидан воқифлиги лозимдур.

Туркистондаги суд мажлисларини ҳар ким билурки, бир раис ва икки аъзодан иборатдур, аммо ҳар ким ушбу маҳкамада оддий ишлар учун бўлса ҳам ўзини мудофаа қилолмайдуру, закўнчиларға иш берадуру. Давлат Думасинда 400 нафар аъзо ва 50 қадар ҳукумат риждоли ва вазирлар ҳузуринда минбарға чиқиб, ўз дини ва

миллати, ватани, мамлакати бобинда ва ҳам судлар, волийлар ва вазирлар амал қилатургон асл зақўни тақвил қилмоқ ва, ёинки, эътироз этмоқ учун миллат вакилининг нақадар иқтидори илм ва қувватга моликлиги лозим келишини ўйламоқ керакдур. Учинчи-тўртинчи Думадан агарчи биз, Туркистон мусулмонлари маҳруммиз ва, аммо, бора-бора Думага иштирок этсак керак, лиҳаза мундай кишиларни тайёрламоқ учун ҳукумат мактабларинда била бериб ўқутмоқ керакдур, токи давлатимизнинг Думасинда бориб, биз, Туркистон мусулмонлари учун ҳаракатда бўлса ва бизни диний ва дунёвий ишларимизга манфаат келтурсалар ва ҳам Русияга билфеъл шариклигимизни собит қилса.

*Маҳмудхўжа Бехбудий
«Самарқанд». 1913 йил 10 сентябрь. №43*

МИЛЛАТГА МУРОЖААТ

«Самарқанд» жаридаси 44 адад ила ақчасизлигидан али, мошооллоҳ, ётганини қориларина билдируб ва муштарийларининг бақия ақчаларини юбормоқни эълон этиб эди ва муштарий ҳисоб дафтарини кўрмоқ ила идора машғул эдики, 16 сентябр ушбу тубандаги телеграф олинди.

«Самарқанд» жаридаси идорасинда икки юз муштарий ҳам беш юз сўм иона бериладур. Жариданинг янгидан нашр қилармусиз? Телеграм ила билдурингиз.

Хўқанд: Мирзоҳид Мироқилов, Самарқандий Ақобир Шомансуров».

Ишга бу асари жамият пажмурда кўнгулға руҳ берди. Хўқанд жамиятпарварониға севиқли биродарларимиз Мирзоҳид Мироқилов ва Ақобир Шомансуров афандиларға ташаккур ва миннатдорлигимизни арз этармиз, яшасун миллат, яшасун Фарғона ҳамиятпарварони. Иншооллоҳ, Тошқанд, Бухоро ва Туркистоннинг бошқа шаҳарлари Хўқанд ҳамиятпарварониға иқтидо этар, сиздан намуна олар, ушбу жамиятдан асарланиб, зердаги мулоҳазани биз-да миллатға арз қилармиз.

Ал-он 500 муштариймизни идораға ошатурган ҳақи ва жариде сотгувчилардаги насия ҳақимиз ва вукало қўллариндаги бақия ақча тахминан 1000 сўмдур, Хўқанддан 200 муштарий 6 сўмдан 1200 сўм, яна Хўқанддан 500 сўм иона, жами 2700 сўм гўёки қўлда бордур. Тошканд, Бухоро ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларидаги тараққийпарвар арбоб ҳимматлари ғайрат этганда яна 2500 сўм балки жамланур. Самарқанд ёшларининг 1000 сўми алон кетди, яна унларда берарлар, хулоса, андан ғайрат...¹⁸⁷

Бул сувратда «Самарқанд» жаридаси ва, ёинки, «Ойна» мажалласининг иона эмас, ширкат ила Бухоро ва Тошканд ва ё Хўқанд ва, ёинки, Самарқандда чиқарилса бўлур.

«Самарқанд»нинг ношир ва масъул муҳаррири ўзини беш ойлиқ хизматини миллатина ожизона ҳадя этуб, ҳисоб ва дафтар ва мавжуд ақчани ширкат ихтиёрина топширар ва ширкат итаса бошқа исм ила-да жариде ва ё мажалла чиқара билур, хулоса, янгидан барпо бўлинатурган ширкатни амриға миллатнинг 1000 сўм пули ила «Самарқанд»нинг ношири ва муҳаррири ҳам «Самарқанд», «Янги Самарқанд», «Ойна» муҳайёдур.

Жариде чиқарилганда ҳафтада уч дафъа бўлмаган сувратда ривожу бўлмас, бул сувратда тахминан янада 100 сўм қадар масориф бўлур, ҳафтада бир дафъа мажалла, яъни журнал чиқарилган суратда 500 сўм қадар масориф бўлур, ҳафтада бир дафъа мажалла чиқарилганда бадали керак 54 сўм бўлсин, донаси 12 тийин, қўлдан сотилгани ҳам оянда 100 сўм келтурар, эълондан ҳам тадрижан келур. Хулоса, собит ва сармоя бўлган суратда ишни яхши кетиши зоҳирдур. Форсий ва туркий қисмини идора қилатурган муҳаррирларда Бухоро ва Тошканддан топилур ва мазкур 700 сўмдан аларнинг маоши тасвия бўладир.

Фақат, аввало, бир йил ва ақалли олти ойни таъмин қилмоқ керак, яъни жариде бўлганда 6000 сўм, мажалла бўлганда 4000 сўмни таъмин этмоқ керакдур ва мазкур маблағни 25 дан пай қилиб, қоида ила сотмоқ керакдур. Нотариальный шартнома ила ширкат лойиҳасини тасдиқ этдирмоқ керакдур.

Такрор арз қилинадурки, жариде ва мажалланинг қайси маслакда ва тилда ва қаю ерда ва кимнинг мудирати ила чиқар-

¹⁸⁷ Шу ерда газета йиртилган.

моқ ширкатнинг ихтиёриндадур. Нафъ ва зарари ҳам ширкатга рожеъдур. Туркистон мухтарам тараққийпарварларидан, арбоб ҳимматидан рижо қилинадурки, ушбу ширкатни барпо бўлишига саъй қилсалар ва ушбу бошланган ишни ярим йўлда қўймасалар ва тезлик ила ишни бошласалар ва бошқарсалар. Шунидан ёзайинки, роқими ҳуруф хастаман, миллат истаса бош муҳаррир... (шу жой йиртилган) киши мандин бошқа топиладур ва мулоҳазага аҳамиятсиз қарамасликлари миллат номидан рижо қилинадур. Агарда ушбу тарихдин бир ойғача ширкат таъсисномаси тасдиқланмаса «Самарқанд»ни мухтарам ўқувчилариға ақчалари қайтариладур.

*Маҳмудхўжа Бехбудий
«Самарқанд». 1913 йил 17 сентябрь. №45*

ОМОЛИМИЗ ЁИНКИ МУРОДИМИЗ

Маълумдурки, дунёда ҳар ким умид ва омол ила яшайдур. Кеча-кундуз меҳнат ва машаққат тортмоқ оянда учундур. Ҳар ким ўз ояндасини яхшилиққа ҳаракат этар ва келар замонда ўз орзуси ва ҳавасига етмоқ учун ҳеч дам олмасдан ҳол қадаринча ҳаракатдадур. Тириклик кулфати ва меҳнати асосинда ҳар ким ўз ояндаси ва истиқболига бир нав яхши умид ила қараб ва ўзиға бир муддао қарор бериб ва ўшал муддао ва, ёинки, муродин ҳосил қилмоқ учун кўшиш этиб, ҳар кун чекатурган кулфатини ўшал муддаосини ҳосил қилдирмоқ учун ўзиға олмай яна зиёдароқ интиладур. Ва баъзан ўшал муроду муддаосини, гўё ҳосил бўлди, деб роҳатланиб ўзиға тасалли берадур. Ва ҳеч аҳади ушбу муддаоу муродни орқасидин югурмоқдан холи эмас. Ана шул муддао ва муродларни илми истилоҳ ила омол дерлар.

Энди омолоимизға диққат қилмоқ керак: аксар халқимизни омолои шулки, ишласа ва фойда қилса. Шоядки ўғил ва қизини тўй қилса ва ҳам қандай! Ўз қаторидаги одамларни қилган тўйдан зиёдароқ!

Бечора косибни омоли тўйдур. Ўзи роҳат юзи кўрмайдур. Ке-ча-кундузни 18, балки 20 соатни меҳнатга ўтқаратурғон косиб-ларимиз бордур. Ҳаққинча емайду, киймайду. Ўн ва йигирма саналар меҳнат ва машаққат этар ва Худодан ўғил тилар, тўй қилмоқ учун. Ана, бечорани(нг) омоли. Йигирма саналик меҳна-ти уч кун тўйда тамом. Яна Аҳмад порина ҳовли ва хона гарав. Тўй масорифи учун қарз эгаларидан қочадур. Катта тўй қилиб, хотун олган бир қисм бечораларни ҳолига йиғламоқ керак. Уч кунлик тўйни азаси баъзи оилаларда ўн йил, ҳатто бир умр су-рар, балки беватан ва хонавайронликга сабаб бўлур. Бир косибни ақди никоҳига тўй ва обрўсига 1000 сўм, бир ўрта ҳол учун 2000 ё 3000 сўм, ним бой учун тўрт-беш минг сўм керак, бу сўмларни юзда етмиш беши ейилиб, ичилиб... кетар. Бу сўмлар аслиятда кимники эди?

Бонк, фирма, фойдахўрники. Табиий, буларга пулларини бермоқ лозим, на берилур? Боғ ва хона ва уй ичиндаги асбобни сотиб бермоқ керак. Бечора келин ва кўевни кўрпа ва либосига-ча сотилур, қарзхоҳга берилур. Нимбойлар синар, тирикликки-да бўлмаса, ўлганда синар, аҳли ва аёли дарбадар бўлур. Ай, бу нима? Тўғриси, бир навъ девоналик эмасму? Субҳаноллоҳ, қарз қилиб, халқга ош бермоқ ақлсизлик эмасму? Ҳамда иллатни(нг) бедавосидур. Бир киши бир уйланса ва сўнгра оиласидан бир ўлук кўмулса, Оллоҳу акбар. У хона аҳли косиб бўлса, бу дунёга ўзига келмасдин кетар. Ҳоло баъзи бечора ўлса, ани бой қарин-дошлари обрў қилурмиз деб сағир молини халқга йиллар ила йиртиш ила қилиб берар. Бечора сағирлар нонини бой кишилар қўлтуғига олиб кетар: «Ло такулуъ амволил ятима. Кулуъ вашра-бу ва тасаррафу ва басу молам юхолитҳу исроф ва маҳила» қайда қолди?¹⁸⁸ ... нима бўлди?

Эй мусулмонлар, бу ояту масалаи шаръийга ким амал қилур? Ва муни халойиқга ким билдулар? Ҳар кун бир мусулмонни нимарсалари бозорга дини учун «суруҳ ихтобоши» сотилур. Ва ҳар кун судда нақадар ҳовли, хона, боғ сотилур. Ҳар кун нақадар векселлар «протест», нақадар дўкон, корхона ҳажз (печатъ)

¹⁸⁸ «Етимнинг молини еманглар. Исроф ва сочишдан сақланиш шарти билан енглар, ичинглар, садақа берингиз ва кийинингиз». *Ҳадис*

бўлур. Бу ниманинг жазоси? Тўй, маърака, таъзия, кўшқари, базм. Бир маҳаллада аҳли савод йигирмадан бир йўқ. Иймон ва исломни далиллари ила билатурғонларни нари қўйдук. Эрта қозилар барҳам бўлса, замонча қози бўлатурган биргина киши бутун ўн миллиён Туркистонда йўқ... Йўқ, яна йўқ. Ҳой, ҳой халойиқ! Бизлар девонами, соғ? Албатта...

Тўй ва маърака ва русум орқасидин бор нимарсамизни қўлдан кетуб, бизни фақир ва заруратга гирифтор қилганни ўтган рақамда ёзилиб эди.

Энди қориларни сўрамоқга ҳақлари борки, хўб ҳар ким ва ҳар тоифа учун омон ва мурод бўлса керак. Бир тўй ва маърака хаёлидин лаззат олурдик. Тўй ва маъракамиз ила фахр қилар эдук. Тўй ва маъракага сарф қилинатурган ақчани жамламоқ ва ё қўлга киргузмоқ учун ҳаракат этардук. Агарда тўй ва маъракага қадимгидек ақча тўкмасақ, ул ақчани на қилмоқ керак? Мунга жавоб берилурки, тўй ва маърака қилинсун, аммо ҳозиргидек исроф этмасдин қилинсун ва мумкин қадаринча кичик қилунсун ва ортуқча пул ила болаларни мусулмоний ва русий яхши ўқутулсун.

Тўй ва маъракага сарф қилинатурган ақчани эски мадраса ва мозор ва масжид ҳамда мактабларни шикаст-рехтларига сарф қилунсун. Тўй ва маърака ақчасидин болаларни ҳукумат мактабларига берилсун ва бу ақчадан талабаларни Макка, Мадина, Миср, Истанбулга ва Русия дорулфунун ва доруссаноаларига юборилиб, диний ва дунёвий ва замоний одамлар етуштирмоқга саъй қилинсун. Бизни Туркистонда муаллим оздурки, тўй ва маъракага сарф қилинатурган ақча ила Кафказ, Қрим, Оренбург ва Қозонга усули таълим ўрганмоқ учун бола юбормоқ керакдур. Ҳукумат мактабларига кирмоқ учун русча билмоқ ва имтиҳон бермоқ лозим. Ва бу имтиҳонни бермоқ учун ҳар болани икки сана русча ўқутуб тарбият этмоқ керак ва бул икки сана учун ҳар бир болага 600 сўм ақча керакдур. Ақчалик оталар, албатта, тўй ва маъракага қизғонмаганларидек болани ўқутишга ҳам қизғонмаса керакдур. Болалар учун тарбиятхона (пансион) очмоқ керак ва бу тарбиятхоналар замонча миллий ва диний руҳда бўлуши керакдур. Бу тарбиятхоналарни очмоқ учун ва ҳукумат мактабларига бола тайёрламоқ учун «Нашри маориф» ёинки «Жамия-

ти хайрия» ва, ёинки, «Тарбияти атфол» жамияти ва ё ўзга исмила хулоса, жамиятлар керакдур. Бул жамият халқдан ақча жамлаб, миллат болаларини ўқутса ва миллатни ояндаси учун керак бўлатургон қози, яъни судя, закўнчи, яъни ҳуқуқшунос, инженер, яъни муҳандис, муаллим, яъни замона мактабдори, миллатни ҳомийси, яъни давлат думасига депутат, миллий саноатхоналаримизни ислоҳ ва ихё этгувчи, яъни техник, тижоратхона ва бонкларда бизга ёрдам бергувчи, яъни тижорат илмини ўқутган коммерсант, шаҳар думахоналарига ва минбаъд Туркистонда очилатурган земство идораларинда бизни тарафдан кириб ва сайланиб, биз учун, ватан рўйи учун, дини мубини ислом учун, зуафо учун, фуқаро учун ишлайдурган одамларни етишдурмоқ керакдур.

Ҳозирги мўйсафидларни нари турсун ўрта ёшлар яқинда ўлуб кетар. Замона ҳар кун янгилашур, янги илм ва янги фикрлик ва фунуни замонияни дурбар қилган одамларни талаб қилур, бу кундан бошлаб ҳар шаҳардан ҳар сана ўн-йигирмалаб ҳукумат мактабларинда бола берилса, ўн беш сана сўнгра ҳар шаҳарда тўрт-беш замона одами тайёр бўлур ва ҳукумат мансабларига замона доираларига, тижорат ва саноатхоналарина кириб, бизларга манфаат еткузар, келар замон бошқадур. Ҳатто ҳозирда иккимиз урушсак, яҳудий ва ажнабий закўнчиларига борурмиз, бошимиз оғриса, ажнабий дўхтурига борурмиз. Сабаб надурки, ўзимиз ўқуб, замоний одам бўлолмаймиз? Биз учун тўй ва маърака ва кўпкари ўрнинда шул юқоридаги айтулган ишлар «Омол» – «Идеал» – «Мурод» – «Тилак» – «Муддао» бўлсун, вале мунсиз биз кундан-кун йўқ ва забун бўлармиз.

«Ойина» муҳаррири
«Ойина». 1913 йил 30 ноябрь. №6.
«Ойина». 1913 йил 7 декабрь. №7

ФАВҚУЛОДА ТАКФИР

3 январ, баъдаз жумъа Самарқанднинг мунажжим Мирзо Улуғбек мадрасаси ичиндаги жомеъда беш-олти минг мусулмон ҳузуринда муаззин тарафидан усули жадидчиларни ва русча ўқутмоқға ташвиқ қилатурганларни кофирлиги ва ҳар ким бола-сини усули жадида мактабиға берса, «ўзи кофир, хотуни талоқ» бўлушини форсий тил ила узун ва ҳаяжонлиқ бир нутқ ила халойиқға билдуруб, ҳамда ва аларни¹⁸⁹ «кофир ва ўрус» ҳамда «кофир ва ўрус қилғувчи», деб эълон қилинди. Халқ ҳеч бир нима демасдан тарқади. Бир неча ҳафтадан бери жаноб қози ва мударрислардан баъзилари маълум ерларға мажлислар қилиб эканларки, бу фавқулода ва умумий эълони такфир шунинг натижасидур. Чунончи, муаззин дерки, «Бу сўзларни ўзумдан айтмайман, уламо қавли ва буйруғи ила бераман. Мақзуф ва мақдўҳлар ушбу тўғридан шарият ва қонун маҳкамаларига ва ер юзиндаги мусулмонларни виждониға ружуъ этарлар. Шуниде фавран ёзайинки, «кофир» деган одамлари азалий ва абадий мусулмондур. Унлар куфрни абадан қабул этмайдурлар. Туркистонда юз минг оталар борки, болалари усули жадид мактабиға ўқуйдур. Келар адад «Ойина»да батафсил ёзармиз.

«Ойина». 1914 йил 11 январь. №12

БИЗНИ ҲОЛЛАР ВА ИШЛАР¹⁹⁰

12-адад «Ойина»да Самарқанднинг Мирзо Улуғбек ҳазратлари жомеъинда муаззин тарафидин усули жадид мактабинда ва ҳам русча ўқумоқни ёмонлиги ҳақинда жумъадаги мусулмонларга нутқ қилингани ва ҳар ким усули жадида мактабиға бола берса, «ўзи кофир, хотуни талоқ» экани ва бир неча самарқандийни от

¹⁸⁹ Бу ерда муаллифнинг номи очиқ айтилмагани ва айрим кишиларнинг исми айтилгани учун цензура томонидан олиб ташланганга ўхшайди.

¹⁹⁰ Ушбу мақола варианты ТВГ. 1914 йил 26 январь № 8-сониде ҳам босилган.

тутиб «алар кофир ва ўрус» дегани ёзилиб эди. Ушбу путқ ҳукуматга маълум бўлуб, ҳукумат тарафидан мадрасаи Тиллакори ва мадрасаи Мирзо Улуғбек мударрислари жаноб мулло Имомназар ва жаноб мулло Салим ва ҳам путқ қилган муаззин сўралибдур. Жаноб мударрислар ушбу путқдан хабаримиз йўқ, дебдурлар. Муаззин айтибдурки: «Ман усули жадид ва ё русча ўқумоқ ва ё усули жадидчилар ҳақида ҳеч бир нимарса айтганим йўқ. Фақат «Анжумани арвоҳ» исминдаги янги чиқгон рисолаға эътиқод қилманглар, дедим», – деб бошқа айтганларига мункир бўлубдур. Ҳукумат тарафидан билдирилубдурки, баъдинда мундай ёмон ҳаракатлар воқеъ бўлса, сабабчини беш йиллик бадарға қилинур. Китоб тўғрисида закўн бўйинча ҳаракат лозим. Бечора муаззин масжиди жомеъда ва бир неча минг киши ҳузуринда айтган сўзиға мункир бўлгани, ани қайси даражадаги одамлигини кўрсатур.

«Ойна» муҳаррири иймониға ҳам ўшал муаззин чанг солибдур, деган сўзлар ҳам эшитиладур. Бул сўз собит бўлганда, «Ойна» муҳаррири, албатта, анга даъво (қазф) қилур. Ал-он муаззин сўзиға умумий тарафдан қараб бироз муҳокама қилармиз. Усули жадид ва русча ўқумоқ раддиға сўйлагани собитдур. Биз, аввалан, шунини ёзармизки, на усули жадида мактабиға ўқуғон сабабли ва на русча ўқуғон ваҳидан киши кофир бўлмайдур. Муаззин мунга ҳеч далили шаръий ва ақлий кўрсатолмайдур. Мундан қатъи назар, муаззинни устози муҳтарам Ҳожа мулло Тўрахўжа мударрис жаноблари усули жадид мактабининг бонийси ҳисобланурлар.

Усули жадидчиларни ва русча ўқуғонларни «маълум мажлис»да куфр қудуғи бўйиға судраган Самарқандий муҳтарам Мулло Саидахмад Васлий шоир жаноблари ва Ҳожи Аҳмад мударрис жанобларининг устодлари муҳтарам Ҳожи Мулло Тўрахўжа жаноблариға: «Истанбул шайхулисломни Туркистон ва Бухорода усули жадид мактабларина ривож бермоқға ва Русия мактаблариға бола бермоқға уламнинг саъйи ва ҳаракати лозимдур», – деб айтганларини мазкур Ҳожи Мулло Аҳмад мударрис жаноблари нақл қилиб эдилар ҳамда Ҳожи мулло Аҳмад афанди айтиб эдиларки: «Истанбул шайхулисломини устодим Эшон Тўра илан зиёрат қилдим. Шайхулислом жаноблари дедиларки, биз эшитармизки, Бухоро ва Туркистон уламози усули жадидни ёмон дер эмишлар, ажабо! Далиллари надур, деб

муоҳаза қилмоқчи бўлганда, ман, мулло Ҳожи Аҳмад, дедимки, Афандим бизни шайхимиз (Эшон Тўрахўжа домлани мурод этар) усули жадидни мудофеъи ва ҳомийсидурлар», – деб қутулдик. Ажабо, Ҳожи мулло Аҳмад мударрис жаноблари Истанбулдан шул қадар сўзлаб, яна қандай номи киромийлари илан бир-икки жадидчини «маълум мажлис»да алар ғойибонасиға жаноб усто-ди муҳтарам Ҳожи мулло Абдужалил махдум мударрис ва Ҳожи мулло Тўрахўжа мударрис ҳузурларинда куфрға нисбат бериб, бадном этарлар. Ҳолбуки, куфрға нисбат берган одамлариданки, бири русий ўқуган, расмий маъмури ҳукумат, дигари русча бил-майдурган оддий бир кишидур. Алар ҳақинда ҳурмат ва риоят, балки ионатдан бошқа бир нимарса содир бўлган йўқдур.

Ўтайлук. Ҳануз олти ой бўлган йўқ, усули жадида мактабинда волийи вилоят ҳузуринда Самарқанд қозиси ва Самарқандни ак-бар уламо ва содотидан жаноб Қози мулло Муҳаммад Исохўжа му-даррис ва қози Абдулҳайхўжа ва қози мулло Абулқосим ва қози мулло Бақохўжа жаноблари усули жадида мактабини айни шариат ва усули қадимдан кўра нофеълигини баён қилиб эдиларки, «Са-марқанд» жаридаси ёзиб эди. Ажабо, олти ой ўтмасдан, қандай бўлдики, усули жадида мактаби ва усули жадидачилар мажлисларда, ҳатто, жомеъи шарифда такфир қилинадур? «Анжумани арвоҳ» рисоласи ҳақинда ҳам жаноб қози мулло Муҳаммад Исохўжани «сўзлари ҳамма(си) тўғри ва дуруст», деганлари ривоят қилинур. Ҳаммадан ажойиби булки, муаззин минглар ила киши ҳузуринда айтган сўзиға ҳукумат ҳузуринда ҳамда ўзини устоди ҳузуринда мункир бўлур. Биз бу сўзни ёзмас эдук ва аммо бутун халқ ора-синда шуҳрат тошгани ва жомеъи шарифда сўйлангани учун ва Туркистондаги юз минг оталарға болалари усули жадида мактабиға ўқуйдур. Аларға дафъи иштибоҳ қилмоқ учун ва халойиқни ҳар нимарсадан азиз иймонига чанг урулган учун ёзиб фурсатимизни фавт қилармиз. Валлоҳи айтиб туриб, мункир бўлгувчи киши сўзи-ни бир пуллик эътибори йўқдур. Оҳ! Биз қандай кейин қолганмиз. Халқи олам усули жадида ва илми замоний ила осмонларға учар, биз ҳануз бир-биримизни такфир ва талъин ила вақт ўткарармиз.

Маҳмудхўжа
«Ойина». 1914 йил 19 январь. №13

ИДОРАДАН ЖАВОБ

Самарқанднинг Мирзо Улуғбек мадрасасинда тараққий муқобилинда нутқ қилган муаззинга хитоб ва жавоб муқобилинда форсий ва туркий мақола ёзган мухтарам аҳли ватанга ожизона баён қилинадурки, муаззин айтган сўзига ҳукумат ва ҳам устоди ҳузуринда мункир бўлуб, ҳатто: «Тилим кесилсунки, ман ҳеч нима деганим йўқ», – деб мункир бўлди. Бас, мундай киши сўзига аҳамият бермоқ керак йўқ. Ва агарда ани сўзи масжид ва жомеъда сўйланмаса эди, жавоб ёзмас эдук. Ундай кишиларнинг сўзи беқадрдур. Алҳамдулиллаҳ, халқимиз куфр ила исломни, тараққий ила таданнишни, рост ила ёлгонни тамиз этадурлар. Қийматлик матбуот саҳифаларини шундай ўз сўзига ўзи эътибор қилмайдурганлар ила бенаф ёзишмоқни нафсиз гумон қилинур. Ушбу бобда мақола ёзганлардан афв тилармиз.

«Ойна». 1914 йил 8 март. №20

ОҲ, БОНКАЛАР БИЗНИ БАРБОД ЭТДИ¹⁹¹

– Шундайми? Албатта, йўқ. Бас, нима бизни барбод этди? Нодонлик, ҳисобсизлик. Тўғриси, ақл ва тарбиясизлик бизни барбод этди. Айб бонкада йўқ, бизда. Чунки бошқа миллатлар бонкалар сабаби ила обод бўлур. Давлати ва мулки ортур. Аммо биз, зоҳиран, бонкалар сабаби ила барбод ва фақир бўлармиз. Аввалги бор мулкимиз қўлдан кетарки, мунинг асл сабаби бонка эмас, ўзимизни(нг) тарбиясизлигимиз ва донишсизлигимиз ва беҳисоблигимиз ҳамда наф ва зараримизни билмаганимиз, тижорат иши ва аҳли замонадан беҳабарлигимиздан, хулоса, жаҳолат ва нодонлигимиздандур.

Бонка сабаби ила яҳудий, армани ва бошқалар давлатлик бўлур. Биз бўлса, билъақс давлатимиздан, мулк ва обрўйимиздан айрилармиз. Чунончи, қўлдаги бор нимарсамизни тўй ва азаға, беҳуда одатларга сарф этармиз. Кўрпамизга қараб оёқ узатмай-

¹⁹¹ Ушбу мақола ТВГ. 1914 йил 13 март № 21-сонида ҳам босилган.

миз. Қарз ила иморат, тўй, фисқ ва бойлик қилармиз. Исроф қилармиз, охири «Хасратуд-дунё вал-охирати»¹⁹² бўлурмиз. Бу сабаб ила фақирлик даражасинда тушуб, сўнгра бонкадан дод-хоҳлик қилармиз.

Бир карра диққат қилинсун, бир яҳудий, бир ўрус, бир ар-мани ҳеч вақт тўй деган балоға беш минг сўм, ҳатто бир-икки минг сўм сарф қилгани эшитилмайдур. Биз бўлса, йигирма минг сўмлаб сарф этармиз. Кошки, бу пул ўзимизники бўлса эдики, ёлғуз исроф гуноҳи ила қутулардук. Йўқ, балки биз ҳаққул абаддан қўрқатурган мусулмонлар, бошқалар ақчасини барбод этиб, охиратга, қарзи дунёга кулфат ортдурармиз. Мундай номаъқул ҳаракат, албатта, шаръан ва ақлан гуноҳи азимдур, девоналик-дур. Хўқанддан жаноб М.Д.Р.М. афанди ёзадурларки, бонкадан фойдалиқ ақча олмоқ дурустми? Ва биз, мусулмонлар, нима учун бонкадан пул олиб синармиз? Аввалги савол учун жавоб берамизки, шаръан бонкадан пул қарз олмоқ тўғрисида мўътабар «Шўро» мажалласинда тафсили илан кўб ёзилди. Хоҳласангиз «Шўро»дан ўқуб, огоҳ бўларсиз ва ул сиз учун ҳозиржавобдур.

Иккинчи саволга қисқалиқ ила шуни ёзармиз: масалан, Абдуллабой баззозни ўзидан беш минг сўм сармоясин бор. Дўкони-дан 500 сўмлик молни олти ой ваъда ила насия сотди. Албатта, бу сотилган молга ақдан 50 сўм фойда кўюб эдики, юзда ўн юзасиндан бўлур. Энди дўкондаги мол оз эди, яна мол олмоқ учун ақча йўқ. Кантурдан насия олса, аввалда нақдга нисбатан 7 – 8 ҳисса қиммат қилиб берур. Масалан, 400 сўмлик молни олти ойга 470 сўм, балки зиёда қилиб берар ҳамда яхши молга ёмонни қўшар, агарда Абдуллабой баззоз бонкага сотган моли учун олган векселини қўйса, олти ойга бонка 500 сўм нақд бериб, фақат 15 ё 20 сўмгина фойда сахлайдурки, бизни баззозимиз ушбу пулга 4 – 5 кантурдан чеккасига чертиб, сийлаб молни арзон нархга олур. Ана бонка ҳикмати ва кераклиги шундан иборатдур ва ҳам шундай ўлчов ила муомала қилинса, ҳар ким бонкадан фойда кўрар. Йўқ, бонка уни учун эмаски, бир пулсиз дўкон ўлтуруб ва бонка пулини насия қилиб, тўй ва зиёфат ва иморат ва шароратга, кўп-кари ва азага сарф қилиб ё бонкадан қарз олиб ҳаж бориб, дунёга баобрў ва охиратга қарз юклаб кетмоқ учун эмасдур.

¹⁹² Бу дунёда ҳам, охиратда ҳам зарардир.

Муҳтарам М.Д.Р.М. афанди! Мундан бошқа яна синмоқимизга сабаб тарийқи тижоратни, молни олиш ва сотиш жойини билмаганимиз, пахта ва бошқа галла тўғрисида Амриқо, Африқо ва Оврупо бозор ва зироатларини ҳолидан, бўлган ва бўлмаганидан беҳабарлигимиздур. Бизни тожирлар аксарият ила ҳеч жойдан беҳабар «таваккал» деб иш қиладурларки, ташаббуссиз, таваккал ила иш қилмоқни шаръан мунҳийлигидан беҳабарлигимиз боисдур. Энг охириги сабаб синмоқимизга шулки, тижорат майдонинда подонлигимиздан бошқалар тарафидан алданармиз. Хулоса, бизлар коммерсант, яъни тожири замоний эмас, балки бизларга деҳқонлик лозим. Аммо мааттаассуф унга ҳам илми басират ва ҳисоб лозимки, бизга шу илми замоний йўқ, бинобарин, келаримиз ниҳоят қоронғудур. Мулкларимиз аксари қўлдан кетар ва қора меҳнаткаш бўлуб қолурмиз. Оллоҳ басират берсун. Шайх Саъдий декур:

*Баҳоли шумо на кас бибояд гирист,
Ки дахлаш бувад ҳиждаҳ харж бист.
Аблаҳий ку рўз равшан шамъи кофурий ниҳод,
Рўзи бинеш ба шаби равган намонанд дар чирог.*

Яъни «Мадохили ўн саккиз ва махорижи йиғирмалик киши ҳолига йиғламоқ керак. Кундуз чироғ ёққан аблаҳнинг оқшом қоронғуда ўлтурганини яқинда кўрарсан».

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Ойна». 1914 йил 1 март. №19

ЁШЛАРГА МУРОЖААТ

Бизни(нг) Туркистон ва Бухорода бир синф муҳтарам ёшлар мавжуддурки, ҳукумат маҳкамаларинда: тижоратхона, бонка ва корхоналарга котиб, таржимон, молфуруш ва даллолик ёинки насиячилик ила машғулдурлар ва бу синф аҳлининг адади бутун Бухоро ва Туркистонда мингларчадур. Ана ёшларга

мурожаатдан мурод шу синф аҳлидан бўлган ҳамватанларимизга бир неча калима арз қилмоқдур. Лутфан сўзимизни тингласалар, деб илтижо қиламиз. Ва камоли эҳтиром ила ул жанобларга баён қилармизки, сизлардан аксарингиз савқи қадар ва, ёинки, савқи табиат ила бир навъи бўлуб, русча бироз ўқуб-ёзмоқга ва, ёинки, фақат сўйламоқга қодир бўлубсиз ва озгина замоний билгу сабабидан вазифа олиб, енгиллик ва бироз рифоҳият ила умр ўткарурсизки, тангрим зиёда этсун! Ва сизларни озгина илми замоний билганингиз, албатта, наф келтурди ва, алҳамдулиллоҳ, дини мубинга ҳам яхши муътақидсиз ва бу илми замоний эътиқодингизни бузмади. Зотан, исломият шундай бир дини матин ва қобили тараққийдурки, на қадар илми замоний кўб ўқуса, инсонни яна дини исломга шунча ақидаси мустаҳкам бўлур. Чунончи, илми замоний кўб ўқуғон Оврупо уламоларини(нг) энг номдор давлатликларидан мусулмон бўлуб турганлари жаридохонларга маълумдур. Бас, сабаб бўлдики, илми замоний исломиятга зарар қилмоқ нари турсун, фойда этар, энди матлабга келайлук.

Муҳтарам биродарлар! Сиз хизмат қилатурган доираларда сиздан катта ва сиздан оз ишлайдурган ва сизларга иш буюратурғон кишилар борки, сиздан беш, ҳатто, йигирма дафъа зиёда вазифа олур (баъзи бонка ва тижоратхоналарда ойинда беш юз сўм, ҳатто минг сўм олатурган кишилар бор ва аларни тижорат мактабига ўқугани беш-олти йилгинадур). Мунинг сабаби надур? Сизнинг қўл остингизда сиздан кўп ишлайдурган ва қаттиғ хизмат қилатурган ва юк кўтаратурган мусулмон ва ё ўруслар борки, сиздан ҳам оз вазифа олур. Мунинг сабаби надур? Албатта, мунга жавоб берурсизки, бизни устимиздан қарайдурганларни(нг) «илми замоний»си биздан зиёда ва меҳнаткашларни(нг) илми бизга ҳам эмас. Мана сабаб шудур.

Биз ҳам дермизки, жавобингиз дуруст, бас, маълум бўлдики, ҳозирги замон ишларига хоҳ тижорат ва ҳукумат ва саноатхоналарга бўлсун, кириб вазифа олмоқга ва иш қилмоқга илми замоний деган нимарса лозим экан ва ҳар ким бақадри билгуси вазифа олур экан. Бас, сиз муҳтарамлар ҳам ўз авлодингизни ва азиз болаларингизни, агарда хоҳласангизки, сиздан кўра та-

раққий этса, дин ва миллатга хизмат этса (дин ва миллатга хизмат илм ва ақча ила бўлур). Шу илми замонийни таҳсил қилмоқ учун ҳаракат қилмоғингиз лозимдур. Ҳамватанларимиз мулкини сотиб тўй қилганидек, сиз-да ҳатто лозим бўлганда мулкингизни сотсангиз-да, ўғлингизни замонча ўқумоқиға саъй қилсангиз. Тўйга исроф қилинатурган ақчаларни ўқумоқ йўлиға сарф қилсангиз! Замонча ўқутмоқ тариқасидан бошқа мақолада арз қилинур.

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Ойна». 1914 йил 15 март. №.21

МУҲТАРАМ «ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИНИНГ ГАЗЕТИ» ИДОРАСИҒА

«Ойна»нинг «Сарт» сўзи мажҳулдур» мақолаларини ёқтурмай ва ҳам боиси фитна ва сиёсий деб ёзилганини 32-рақамда кўрулди. Биз камоли эҳтиром ила баён қилурмизки, мазкур мақолаларнинг боиси фитна ва ё сиёсийликға ақлимиз етмайдур. Бизча мақолалар тарихий, воқеий ва илмий бўлуб ҳам ани биз ижод қилмай, балки бизни ёзганларимиз муаллим Остроумов ва жаноб Шерали Лапин ва олимларни бир неча сана муқаддам қилган баёнларини ёзмоқ ва ўз мушоҳадат ва фикримизни арз қилмоқдин иборат эди.

Такрор айтамыз, бизни маслакимиз илмий ва фанний бўлуб, сиёсатға ақлимиз эришмайдур. Мўътабар «Туркистон вилоятининг газети»ға ўн санадан зиёда бир муддатин бери мақолаларимиз мудир муҳтарам Остроумов жанобларининг мусоадаси-ла ёзилиб келмоқда бўлуб, ул жаноб маслаки ожизонамни «мусулмонларнинг рус маданиятиға ташвиқ этувчи»лигиға илм ҳосил этган бўлсалар керак.

Асарларимиз ҳама майдондадур, албатта, биз лаёқатли эмас. «Сарт» сўзи мажҳулдур» мақолаларига, балки хато бордур, локкин муни «боиси фитна ва сиёсий» дейилганиға, тўғриси, ажабға

қолурмиз, дигар тарафдан мухтарам ҳамдинларимиздин баъзилари бизни Русия миссионерига тобе бўлган халқни рус қилдирувчи, деб билмасдан ифтиро қиладурлар.

Боқий афу қусур маржудур.

«Ойна». Маҳмудхўжа
ТВГ. 1914 йил 4 май. №35

ТАРИХ ВА ЖУГРОФИЯ

Қуръони каримда тарихий хабарлар ва ўтган қиссалар тўғрисида кўб ояти шариф бордур. Бир хейли оятларда Оллоҳ таоло тарафидан анбиёи узом алайҳимуссаломнинг қисса ва аҳволи тарихия ва воқеаи қавмиялари баён бўлуб, яна машҳур қавм ва халқ ва, ҳатто, машҳур одамларнинг қисса ва аҳволи тарихия ва воқеалари баён бўлгандур. Чунончи, ҳазрат Одам, Нуҳ, Довуд, Юнус, Иброҳим, Юсуф, Мусо, Исо, Шуъайб алайҳимуссалом ва бошқа пайғамбарларнинг воқеотлари ва умматларининг ҳодисалари баён бўлгандур. Инчунин, Зулқарнайн, Луқмон, Фиръавндек махсус кишиларни ва, ёинки, «асҳоби қаҳф» ва қавми табаъа ва бошқалардек фирқа ва ё қабилаларнинг аҳволи Қуръони каримда батафсил ва, ёинки, ижмолан баён бўлгандур.

Тангри таборак ва таоло ҳазратлари тарафидан баён бўлган бу қиссалар илми тарихини(нг) асл ва асосини ташкил берадур ва ҳам биз, мусулмонларни ўтган тарих ва қиссаларни ўқуб ибратланмоқимизга буюрадур. Шоир деюр:

*Ояти Қуръонки хўб-у дилкаш аст,
Шаш ҳазор-у, шашсад ва шашт-у шаш аст.
Як ҳазораи ваъда ва дигар ваъид,
Як ҳазор аз вай мисол ва эътибор.
Як ҳазор аз қиссаҳои бешумор,
Понсад аз баҳси ҳалол аст – ҳаром,
Сад аз он тасбеҳи вирду субҳ-у шом,*

*Шасту шаш з-он гаит мансуҳ ал-китоб,
Хатм шуд валлоҳу аълам биссаваб.*

(Мазмуни: Қуръон оятлари яхши ва кўнгул истагувчи бўлуб, олти минг олти юз олтмиш олти оятдур. Шул оятлардан бир минги ваъда ва бир минги ваъид, бир минги амру фармойиш, бир минги наҳий ва саҳланмоқ, бир минги мисол ва ибрат ва зарбулмасал, бир минги ҳадсиз қиссаларни баён этар. Беш юзи ҳаром ва ҳалолни баён этар. Бир юзи субҳи-шом вирд ва зикрига тааллуқдур. Олтмиш олтиси китоб ва динларни мансуҳ эттувчи оятлардан иборатдур).

Ўтган уламолар раҳимаҳумуллоҳ, муфассир, муҳаддис ва мусанниф бўлатурган кишига бир неча шартлар қўюбдурларки, аларнинг бири илми тарихни билмоқдур. Асбоби нузули Қуръон, ваҳий ва судур суннатни баён қилмоқ, тарих билмоқга мавқуфдур. Ўтган уламо «салафи солиҳин»имиз асарларига қаралса, илми тарих ўқумоқни лозим ва фарзлиги билинур. Илми тарихни баён эттувчи бир муаррих деюрки, Қуръони каримнинг қарийб тўртдан бири тарих ва ахборни муҳтавийидур. Дунёга яшамоқ учун диroyтлик бўлмоқ учун, комил ва одил бўлмоқ учун тарих ўқумоқ ва билмоқ керак, подшоҳ, вазир, ҳукумат одамлари ва сиёсий кишилар учун тарих ўқумоқ керак, дини исломнинг асли ҳазрат пайғамбар ва саҳобаларнинг исломият ва уммат учун чеккан жафо ва меҳнатларини билмоқ учун тарих ўқумоқ керак. Паст қолган ва ё тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат, ё нопадид бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак.

Ўтган пайғамбарлар, дин ва умматларнинг аҳволидан, мансуҳ ва мунқариз бўлганининг сабабидин бохабар бўлмоқ учун тарих ўқумоқ керак. Мусулмонлик қандай кўпайди ва тараққий этди ва ал-он на учун мусулмонлар таназзул этдилар? Ва иложи худдорий ва тараққий надур? Мунинг билмоқ, тарих ўқумоқ керак. Хулоса, дин ва дунёдан бохабар бўлмоқни хоҳлайдурган ҳар ким учун тарих ўқумоқ керак, чунки ҳар нимарсада ишнинг асли тарихдан билинур. Катта киши бўлмоқ учун тарих билмоқ лозимдур. Усули жадида исмлик мактабларда «Тарихи ислом», «Тарихи анбиё» исминда рисолалар таълим берилурки, бола-

ларни дини мубин ислом ва анбиёи аъзамнинг яхши билишлариға боис бўлур. Аммо, мааттаассуф, баъзи ўйламай сўйлагувчилар тарих ва жуғрофия ўқумоқни бидъат ва гуноҳ деб бечора авомни оздурадурлар.

Бизни Туркистонда баъзи энг муҳтарам муборак кишилар тарихдан билкулли беҳабардурлар. Ҳатто беҳабарликларидан хабарсиздурларки, бу беҳабарликларидан баъзан уятга қолиб, ҳатто иш шармандачиликға етар. Ҳануз ёдимдадур: аҳли мажлис ва сўрагувчи муҳтарам киши ҳаётдур. Олти-етти сана муқаддам Самарқандда бир хатми Қуръон мажлисинда эдук, энг машҳур ва олим бир эшоннинг муридларидан ва ўз фикринча (олим?) бир киши 200 хоналик катта бир маҳалланинг имоми, мажлисда роқими ҳуруфдан кўрингиз, на сўрайдур! «Эшон... тафсирлар замони пайғамбарда бор эдими?» Ушбу савол катта бир имом ва ҳам ўз даъвоинча бир (мулло)дан ва катта бир муршиддан рухсат олган бир орифдан содир бўлган учун ул жанобни бу қадар беҳабарлиги мани асабларимға таъсир этиб эди. Ва онинг бу қадар бесамарлиги ҳайратларға қолдурган эди. Мана бул тарих ўқумасликни гуноҳидур (тафсирлар замони ҳазрат пайғамбардан бир неча юз сана сўнгра ёзилди. Қуръони карим аввалдан бор эди. Ва бу кунда ҳам Қуръони каримни тафсир қилатурганлар бордур. Ва янги тафсирлар-да чиқиб турибдур. Тафсирлар замонча тафсир топилур. Аммо Қуръони карим ҳеч тағйир ва табдил топилмас...) дейилиб эди.

Аввалги мақолада тарих ўқумоқ лузумидан баён қилиниб эди. Энди жуғрофия илми, яъни осмон ва ер юзиндаги ва ичиндаги илмлардан ўқумоқ кераклигини қисқалик ила баён этармиз. Албатта, муҳтарам «Ойина» хонандалари дерларки, ер юзи ва ё ичинда, магар илм бордур? Биз дермизки, осмон, ер ва аларни ичи илм ва ҳикмат ила тўладур ва ҳам андаги илму ҳикматларни ўқумоқ, ўйламоқ ва билмоқ кераклиги Қуръони карим ила собитдур. Уламо дерларки: «Авалам янзуру фи малакутис-самавати вал-арзи», «Аввали ясиру фил-арзи», «Ва мин аятиҳи халқус самавати вал арзи ва ихтилафу алсинатикум ва алваникум. Инна фий залика ла аятил лил аъламин»¹⁹³ оятлари ва бошқа

¹⁹³ Қуръон. 7:185. Самовот ва ер мамлакатлари ҳақида.

кўб оятлардан билинурки, ер ва осмонда кўб илм ва ҳикматлар бордурки, Оллоҳ таоло ул илм ва ҳикматларни билмоқға бизни буюрадур. Ва ҳам ул илм ва ҳикматларни олимлар билур, дер ва билиб ибрат олингиз ва фойдаланингиз, дер. Яна илми ашённи билмоқға Қуръони карим бизни ташвиқ қиладур. Чунончи, «Афала янзуруна илал ибили кайфа ҳулиқат. Ва илас самаи кайфа руфиъат. Ва илал жибали кайфа нусибат. Ва илал арзи кайфа сутиҳат».¹⁹⁴ «Ва анзалнал ҳадида фийҳи баъсун шадидун ва манафиъу лин наси».¹⁹⁵ «Ва халақа лакум ма фил арзи жамбан»¹⁹⁶ оятлари бунга далилдур.

Миср ал-Қоҳира уламои баноминдан аш-шайх Тантовий ал-Жавҳарий жаноблари «Ат-тож ал-марсаъ би жавоҳир ил-Қуръон» китобинда дерки: «Қуръони каримда ҳар навъ илмларни шарҳ ва анга тарғиб этиб қизиқлантургувчи оятлар 764 қадар бўлуб, ибодатға буюратурган оятлардан йигирма тўрт дафъа зиёдадур».

Ҳазрат пайғамбаримиз ҳам буюрганларки: «Ҳикмат мусулмон кишини йўқолган молидурки, кўргон еринда олур». Албатта, илми жуғрофия ва илми ҳайъат илми ҳикматдандур. Илми ҳикмат ўқумоқни усули жадидчилар чиқарган йўқ. Балки минг саналардан бери олами исломнинг мадрасаларинда ўқулмоқда ва илми ҳикмат аталатурган куллияи улумға дохил илмларға мусулмон уламолари кўб китоблар тасниф этгандурлар. Чунончи, бу кунги мадрасаларда «Ҳикматул айн» китоби ўқилур ва ул китоб 675 санасинда вафот топган Нажмиддин Қазвиний жаноблари тарафиндан ёзилиб, Шамсиддин Муборакшоҳ Бухорий ва Масъуд Шерозий ва уламо Саййид Шариф ва Мирзажон деган уламолар тарафидан шарҳ ва ҳошиялар боғлангандур. Андан бери 680 сана қадар бир муддат ўтуб, илми ҳикмат тараққий топди.

¹⁹⁴ Қуръон. 88:17 – 20. Ахир, улар туянинг қандай яратилганига, осмоннинг қандай кўтариб қўйилганига, тоғларнинг тикланганига ва еринг қандай ёйиб, текислаб қўйилганига (ибрат назари билан) боқмайдиларми.

¹⁹⁵ Қуръон. 57:25. Яна биз темирни тушириб-яратдик. Унда куч, ҳувват, одамлар учун манфаатлар бордир. Оллоҳ ғайбда (бандалари кўзга кўринмасдан) турган ҳолида Ўзига ва пайғамбарларига (Оллоҳ йўлида жиҳод қилиш билан) ёрдам берадиган кишиларни билиш учун (темирни яратди).

¹⁹⁶ Қуръон. 2:29. Сиз учун ердаги барча нарсани яратди.

Ҳозир эски ила янги ҳикмат орасинда ер ва осмонча фарқ бордур, чунки беш-олти аср ўтди, мазкур эски «Ҳикматул айн» китобини иккинчи жилдинда мана шул илмлардан баён қилингандур: жисмларни ҳукми ва шакли, макон, жиҳат, ҳаракат ҳақинда, замон, майл, фалаки маҳдуд, осмондаги нимарсалар ва аларни ҳаракат қилдургувчи, катта осмон ва бошқа осмонлар, ҳандасий хатлар, офтоб ва ой ва осмоний, ой ва кун тутулиши, аларни катта ва кичик кўруниши, юлдузларни осмони, осмондаги нимарсаларни тартиби, ерни юмалоқлиги ва туруши ва жойи, аносир, яъни ҳаво, сув, ўт ва бошқалари, ер ва осмондаги асарлар, ёруқ ва шуълалар, иссиқ, совуқ, тоғ ва маъданлар, ҳар навъ ўт ва ҳайвонлар ва бошқалар... Мана юқоридан бери ёзилиб келган далиллардан маълум бўлурки, жуғрофия, яъни ер ва кўкга тейишли илмларни ўқумоқ шаръан лозим экан ва илгари замондаги мусулмонлар бу илмларга китоблар ёзиб эканларки, бу кунгача мадрасаларда бу илмларни бошлаб ўқутар эканлар.

Аммо илм ва асбобни йўқлигидан илм ҳикматни таълим берилмай ёлғуз-айрим қилиб, бошлаб қўядурган даражада келубдур. Мадрасаларда ўқулса-да назарий, яъни устдангина асбоб ва тажрибасиз ўқулурки, ўқушни нафи йўқдур. Дарвоқе, тажриба ва асбобсиз илми ҳикмат ўқумоқ ўт ва қозонсиз палов пиширмақ, деган кабидур. Энди муҳтарам хонандаларимиз, илми ҳикмат ўқумоқни бидъат ва гуноҳ эмаслигини, албатта, билгандурлар ва, ҳам билсунларки, илми тарих ва жуғрофия, илми ашъ, илми ҳайъат, хулоса, ақлий илмларни ўқумоқ дуруст йўқ, дейдурганлар, албатта, нотўғри айтадурлар. Чунки бу илмларни кераклиги, юқорида ёзилган оят ва ҳадис ва воқеий далиллар ила офтобдек зоҳирдур.

Ақлий илмларни ўқулмоғи дуруст йўқ, деганларни сўзи офтоб йўқ, деган сўздек ҳукмсиздур. Жуғрофия, таърифи арз ерни билдиргувчи илм демақдур. Жуғрофия илми бир неча навъга бўлинуб, риёзий, табиий, маъданий, наботий, тарихий, сиёсий, имроний, табақотул арз вал-ахира... қисмларга бўлунур. Илми ҳайъат ҳам жуғрофия ила биргадур. Аносир, ҳаво, сув, ажзoi асирия, кимё ва алоим жаввияни билмоқ учун жуғрофия билишга эҳтиёждур. Тарихни яхши билмоқ учун яна жуғрофия керақдур. Тарих бир воқеани баён этар, жуғрофия бўлса, ўшал воқеанинг бўлган ерини ва

бўлганидан вужудга келган таъсирни баён этар, яъни тарих ила жуғрофия зарф ила мазруф кабидур. Юқорида оти ёд қилинган илмларнинг барчаси – илми ҳикматга дохилдур. Ҳикмат шундай шариф бир нимарсадурки, мавжуд илмларнинг ҳаммаси мушгтамал бўлуб хайр ва шарафлик бир илмдур. «Ва ман юътал-ҳикмата фақод уътия хойрон касиро»¹⁹⁷ мунинг далилидур. Биз энди келар вақтда «Ойна» хонандаларига юқоридаги илмлардан оз-оз баён қилмоқни ходимона ва ожизона ваъда қилурмиз.

Маҳмудхўжа
«Ойна». 1914 йил 3 апрель. №27.
«Ойна». 1914 йил 3 май. №28

«САДОИ ТУРКИСТОН» – «САДОИ ФАРҒОНА» ёхуд Туроннинг эгизак-тавъам фарзандлари

22 жумодул аввал – 5 апрель идорага муфарриз суюкли «Садои Туркистон» ва «Садои Фарғона» жаридаларининг авваланчи ададлари «Ойна» идорасига шараф ила келиб жаҳон-жаҳон хурсанду фараҳмандликга сабаб бўлдилар. «Ойна» тамоман чашм ўлуб, бу икки маъсуми ҳомил бўлган модар айём ва ватан муфарризнинг юк келтирмоқ замонини биклаб кутар эди. Алҳамдулиллоҳ, ватани азизнинг бу икки навзоди ва шукуфаи атрноки «Ойна»га акс этди. Ватани азиздан одатан, бир умид этар экан, марҳамати Борий таоло ва ғаюри тараққийпарвар аҳли ватаннинг саъйи илан бирдан ва бир кунда икки жаридога дор ва соҳиб бўлганимиз фавқулғоя севиндурди. Бор ўлсун миллат, яшасун тараққийпарвар ёшлар, фидокор тужжор ва муҳаррирлар, обод ўлсун Ватан!

«Ойна» танҳо, ва азиз ҳамватанларимизни шавқлари зиёда эди. Масолиҳи уммат ва миллатга тейишли масалалар кўб ва «Ойна» саҳифаларининг торлигидин навбат баҳс кечмоқда

¹⁹⁷ Қуръон. 2:269. Кямга ҳикмат берилган бўлса, бас, муҳаққақи, унга кўп яхшилик берилибди.

ва азиз замон, ноёб умр ўтмоқда ва озаймоқда. Замоний, диний ва миллий ишлар бўлса барбод бўлмоқда эди... Алҳамдулиллоҳ сумма алҳамдулиллоҳ¹⁹⁸ модари ватан яна икки лавҳа маърифат, яна икки фидокори миллат, яна икки ходими дин туғди. Ва ҳам лутфи бепоеён ҳақ ила икки нур ва тавҳам! Оллоҳ таолоға ҳамду санолар айталим. Ва бу икки навзодғаким бизни боиси тараққиймиздур.

Ватани азизимизни чароғидур. Қалам ила, ақча ила мўътабар «Садои Туркистон» ҳозир ҳафтада икки ва тадрижан явмий ўлур. Саналиги 4 сўм, ярим сана 2 сўм 540 тийин, уч ойлиги 1 сўм 50 тийин. Маҳали нашри Тошканд. Мудир ва ношир муҳаррири аҳли ҳуқуқ-даъво вакили Убайдуллоҳ Хўжа жанобларидур.

Муҳтарам «Садои Фарғона» ҳозир ҳафтада уч дафъа чиқар, саналиги беш, олти ойлиги уч, уч ойлик 2 сўмдур. Маҳали нашри Хўқанд шаҳри, ношир ва муҳаррири тужжори киромдан Обиджон Маҳмудов жанобларидур. Улулэхтиром муҳаррир, ноширу муовинларининг ҳамда миллатнинг табрик этиб, Оллоҳ таолодан аларға қувват, ғайрат ва сабот истидьо этармиз. Миллатға иона ва олиб ўқумоқларини ожизона тавсия этармиз, чунки матбуот чироғ ва ниҳолдек бўлуб, анга ёғ ва сув бериб тарбият қилмагунча, маъозоллоҳ, сўнуб қурумоғи табиийдур. Туркистон, Бухоро ва Хивада ўн миллиёндан зиёда мусулмон борки, мунча халқға 3 дона эмас, дасталар ила мажалла ва жаридида лозимдур.

Русияда йигирма миллиён мусулмон бўлуб, андан ярми биз, туронлилармиз. Аммо бу кунгача биз туронийларға бир дона мажалла ва жаридида йўқ, бошқа ўн миллиён Русия мусулмони биродарларимизни букунда ўттузга яқин мажалла ва жаридалари бўлуб, баъзи бир жаридаларини ўн минглаб муштарийси бордур. Туркистоннинг янги туғулган бу уч варақасининг давоми учун 30 мингни қўйдук, ҳозир уч минггина муштарийға эҳтиёж бордур. Энди фикрлик кишиларни татар матбуоти ва халқи ила Туркистон матбуоти ва халқи орасинда муқояса этиб, анга қараб

¹⁹⁸ Алҳамдулиллоҳ, яъни Оллоҳға шукр, қайта-қайта шукр (Туркистонда номи зикр этилган икки газетанинг пайдо бўлгани учун шукроналик билдирилмоқда).

ҳамияти диния ва миллияларнинг ҳаракатга келтурмоқлари рижа ўлину.

Яна заҳмат муҳтарам ёшларга, тараққийпарварларга юкланур. Алар ғайрат этмагунча муштарий топилмас-да, ёқилган чироғлари ўчию. Собиқ «Самарқанд» ва ҳозирги «Ойна»ни чиқишига бир йил тўладур. Ҳануз муштарийси 600 атрофиндадурки, бу ҳам тараққийпарварларнинг ғайрат ва саъйи иладур. Маафиҳ идора ҳар ой зарар этар. Энди бу янги тулуъ этган Фарғона ва Туркистон садоларининг истиқболи бизни ниҳоятда тушунтуруб қоронғу фикрлар устимизга қоплар. Такрори арз қилурмиз, муҳтарам миллатчи ёшлар ва муаззиз тараққийпарварларимизни муштарий тўпламоқга ҳиммат, фидокорлик этмоқлари маржудур. Акс ҳолда яъс ва шармандаликдур.

Ўн миллиён татар мусулмонларининг ўттуз жарида ва мажалласи давом этганда, ўн миллиён ўзбек, араб, тожик ва туркман Туронининг учгина матбуоти давом этмаса. Худо ва расул ҳам халқи олам на дер? Оврупода минг жарида, мажалла ва матбуот муваққатан чиқаруб ўқуйдурган ўн миллиёнлик халқлар кўпдурки, биз аларни кофир ва ўзимизни мусулмон ва ҳам бизга илм фарз ҳамда «бешиқдан мазорғача фарз» деб эътиқод қилурмиз! Қани амал? Бу ишларни ўйлагунча инсоннинг руҳи осмонга учуб, жасадини ерга чўкмоғи келур... «Маро ба тажриба маълум шуд, дар охири кори. Ки қадрам ва яълам аст қадри илм бамол»¹⁹⁹. Маърифат илтифота тобедур. Муштарийсиз матоъ зоедур.

Маҳмудхўжа
«Ойна». 1914 йил 15 апрель. № 25

¹⁹⁹ Менга ишимнинг охирида тажрибамдан маълум бўлдики, илмнинг фойдаси қадрида экан.

МАКТАБЛАРҒА РУХСАТ ОЛМОҶ ТАРИҶАСИ

Янги мактаблар учун ҳукуматдан рухсат олмоқ лозим. Рухсатсиз очилган мактабларни ҳукумат фавран беркитадур. Аммо яна мувофиқ қоида ариза ила рухсат сўралса, хоҳ ўшал беркитилган мактаб ва ё бошқа мактаблар бўлсун, рухсат берилур. Рухсат олмоқ ҳозир шул тариқа бўлуб турубдур. Мактаб очмоқ учун муассис, яъни мактабни бошқариб ва ҳимоятига олгувчи киши ва, ёинки, муаллим бўлгувчи киши мактаблар инспектури, яъни муфаттишга ариза берар. Аризада:

1) мактабни очилатурган жойи ва мактабни оти ёзилур. Масалан: «Мактаби Тараққий», «Мактаби Умид», «Мактаби Тамаддун», «Қодирия мактаби», «Исломия мактаби», «Тарбият мактаби»...дек;

2) ўқилатурган нимарсалар: илми диний ва арабий, ўзбакий ва форсий тиллари, хат ва ҳисоб, жуғрофия ва илми ашё, фанний мажмуалар ва ҳифзи сиҳҳат...;

3) мактабни молияси етган суратда ва ё ҳукумат тарафидан, ёинки шаҳар ва жамият ақчасидан русча муаллимни моъуаноти берилган тақдирда иккинчи ва учинчи саналардан русча ҳам ўқитилур;

4) ман муаллим усули таълимни Туркистоннинг фалон мактабидан ўргандим ва, ёинки, ушбу қонданинг китобларини мутолаа этиб ўргандим ва ўзум фалон шаҳар ва маҳалланинг ақлидурман (агарда мактаб очмоқга ариза бературган киши муаллимлик қилмайтурган бўлса, ёзадурки: мактаб маним ҳимоят ва масъулиятимга бўлуб, туркистонлик муносиб муаллимни сахлаб ўқуттурарман). Ушбу аризани жаноб муфаттиш, участкавой приставга юборар. Пристав тафтиш этиб кўрарки, ҳукуматдан мазкур айтулган жойда мактаб очмасликга фармойиш бор ё йўқ? Ва ҳам мактаб мутасаддиси ё муаллими туркистонли ва сиёсий эмасму? Агарда айтулган маҳаллада мактаб бўлмасун деб ҳукумат манъ этган бўлмаса ва муаллим ё мактабни мутасаддиси сиёсий айбдор бўлган бўлмаса, пристав монёё йўқ, деб қайтарар ва муфаттиш ҳам расмий рухсатнома берар.

Фаразан пристав, муаллим ёинки муассисга ишонмаса ва ё танимаса, ё шубҳа этса, мўътабар кишиларни тасдиқи ила ўзни

танитмоқ керак. Анинг-ла бўлмаса, юқорироқ маҳкамага арз қилмоқ керак бўлур. Бул тариқа мактабга муфаттишлар ақча ила ҳам ёрдам этадурлар. Мактабда қандай ўқутулгани тўғрисида йилда бир-икки дафъа муфаттиш кўз солар. Болалар ва муаллим ривожлик бўлса, болаларга китоб ва асбоби таълим бахшиш бериб, муаллимга подшоҳликдан фахрий зарёқа хилъатлар олиб берар ва ҳам тараққийни хоҳламайтурганларни таарруздан мактабни муфаттиш ва приставлар сахлаб, ривожига саъй этурлар.

Иккинчи, учинчи санадан сўнгра приставларга арз қилинса, халқни тарғиб этиб, русча ўқутатурган муаллим учун иттифоқнома ила ақча ҳам тобтуруб берарлар, хулоса, рухсатлик мактабнинг ҳимоятига бўлуб, шогирдлари ҳар нав таарруздан амин бўлурлар. Мактабга ё шогирдларга таарруз қилатурганларни ҳукуматга билдирулса, жазо берилур. Ана, мактабга ҳукуматдан рухсат олмоқ шундан иборатдур.

Ҳар сана имтиҳон вақти жаноб муфаттишга маълум қилмоқ керакдур. Подшоҳ императур ҳазратлари ва буюк оилалари ва валиаҳд жанобларининг исми олийларини, таваллуду жулус кунларини болаларга билдурмоқ керак, чунки катталар сўрай-дурлар. Билфарз рухсатсиз мактаблар бўлса, дафъатан мазкур мактаб қачондан бери очилган ва нималар ўқитулуб ва муаллим кимлигини ва мактаб отини ёзиб, рухсат илтимос қилиб, мактаб муфаттишига ариза берилса, рухсат берилур. Баъзи бир мактаблар борки, ҳозир эски усулда ва аммо муаллими ё мутасаддилари хоҳлайдурки, эски мактабни ислоҳ этиб, янги қоидага айлантурулса: бул суратда ёзадурки: фалон жойдаги қадима мактабини янги усулга табдил этиб, юқоридаги иккинчи бобдаги нимарсаларни ўқутмоқчимиз. Бул суратда ҳам жавоб берилур. Хулоса, мактаб тўғрисида инспектурларни асло зарари тегмай, балки фақат нафи тегадур ва бизни ҳукуматга яқинлашмоқимизга боис бўлур. Русча таълимига келинса, русчадан қўрқатурган ҳар бирининг янги усул муаллими ва шогирди бир-икки сана сўнгра русчани ўзи талаб этарки, бул тажриба собитдур. Агар-чи жуғрофия таълим берилса, ҳам мактабда ер юзи ва мамлакатлар, алалхусус, ватанимиз Русия мамлакати ва Туркистоннинг план ва хариталарининг бўлуши лозимдур. Мактаб очмоқ тўғрисида

идораға бир неча тарафдан саволлар келиб эдики, аларни жавобига юқоридаги сўзлар ёзилди.

Махмудхўжа
«Ойна». 1914 йил 17 май. №30

ЎҚУВЧИЛАРГА ЁРДАМ КЕРАК

Ҳозирги замон аҳволига ошно кишиларга ва бошига иш тушганларга, барча тожир ва мансабдорларга, албатта, маълумдирки, бизга мувофиқ замона одамлар керак. Яъни мусулмон дўхтур, мусулмон муҳандис (инженер, планчи), мусулмон зақўнчи, тижоратхоналарда мусулмон «агент» – ишбошилар. Подшоҳлик маҳкамаларда мусулмон маъмурлари, мусулмон судялари, нотариус (муқовалат муҳаррири), бонкларда мусулмон саркорлари ва ... керакдур.

Агарда биздан мазкур тариқада одамлар етушса, тижорат ишларинда аларни бизга нафи тегиб, яна бизни ҳукуматга яқинроқ этарлар ва ҳозирги замона илм, ҳунар ва маданиятини бизларни орамизга нашр этарлар. Хулоса: тараққий ва рифъатимизга боис бўлурлар. Биз хоҳласакки, ўзимизни бошқаларнинг маданий ва иқтисодий ютулушидан сахланилса, юқоридаги айтулган кишиларни ҳозирлаб, яъни олими замоний тайёрламоқимиз керакдур. Дигар тарафдан, замонадан хабардор олими динийни етуштирмоқ учун-да саъй ва ғайрат этиш-да лозимдур. Мактаб ва мадрасаларнинг усул таълимини ислоҳ қилмоқ кераклиги кўзи очиқ кишиларга маълумдур. Аммо бу ислоҳотни ким ижро этар? Русча ўқумоқ лозим. Ким ўқутар?

Замонча илми диний ва замоний керак. Ани ўзи бўлурми? Мана бу саволларга жавоб лозим, ҳеч нимарса керак йўқ. Ота-бободан қолган нимарсадан бошқа ҳар шайъи бидъат ва залолат деганларни ўз ҳолига қўймоқ керак, чунки алар ўйламасдан ва баъзилари муҳокама ва мулоҳазасиз сўйлайдур. Шариятга ҳар бир нафълик илмни ўқумоқ қарз ва лозимдур. Чунончи, ҳазрат Пайғамбаримиз дейдиларки: «Илм иккидур.

Бир – илми бадан, иккинчи – илми дин». Албатта, бадан соғ бўлмаса, дин иши маътал қолур. Яна дедиларки: «Ҳукамолар ила аралаш бўлунгиз!» Бас, бу ҳадислардан маълум бўлурки, биз, мусулмонларга илми тиб ва илми ҳикмат ўқумоқ керак. Илми ҳирфат ва саноат ҳам фарздур. Касб фарздур. Ҳар бир фарзнинг илмини билмоқ яна фарздур. Ва бул фарзларга ҳеч ким мункир бўлолмайдур. Илми дунё доим саъй ва тажриба ила тараққий этар. Масалан, беш юз сана муқаддамки, илми тиб ва ҳикмат ила ҳозирги орасида ниҳоятда катта фарқ бор. Асбоб ва даволар тараққий этган ва, аммо, илми тибни мавзуики касални даволамоқдур. Тағйир топган йўқ.

Аввалги мусулмонлар тибни юноний китобларидан ўқуб, амалга киргузганлар. Энди русча ва фарангчадан ўқуб амалга олинса на баъс бордур? Бир карра ўқуб, билдими? Ўзиники бўлди-кетди. Зотан, илм муштаракдур. Билганникидур. «Илм Хитойда бўлса-да талаб қилингиз»ни маъноси-да замонийдур. Ва, илло, илми динни асли Қуръон ва ҳадис экан – Хитой мажусийларига на иш бор эди. Албатта, Ҳазрат Пайғамбаримизни муродлари илми замоний эди. Олайлук, «бидъат»ни замони Ҳазрат Пайғамбаримизга, йўқ ҳар бир нимарса бидъатдур, явгидур. Бидъатни илман икки қисмга айиргандурлар. Халқга нафъ келтиратурган нимарсани яхши бидъат (бидъати ҳасана) дерлар. Масалан, мадраса, мактаб, минора, доруложизин ва шифохоналар бино қилмоқ, китоблар ёзмоқ бидъати ҳасанадур.

Замони Ҳазрат Пайғамбаримизда мадраса, минора, бу кунги китоблар, вақфлар йўқ эди. Дигари ёмон бидъат (бидъати саййиа)ки, динга андан зарар келур. Баъзи уламо дерларки, гуноҳ бидъат шудурки, замон пайғамбардаги диний ақида ва амалга бир нимарса ортдирулса, хулоса: бидъат меъёри шулки, замони ҳазратга бўлмай, сўнгра пайдо бўлган нимарсалар агарда миллатга нафъ еткурса, ва асл динга муҳолиф бўлмаса, дуруст ва, илло, гуноҳдур. Бас, энди қараймизки, замона илму асбобларидан қаюси бизга наф келтурадур. Албатта, анга майл этармиз ва агарда асл динга муҳолиф бўлмаса, масалан, илми тиб, илми зироат, маъданиёт, илми саноат ва бошқалар, ҳоказо...

Бу нафълик илмларни ўқумоғи бидъат деган кишини сўзи «Мадинаи мунаввараға оташаробаға ўлтуруб бормоқ бидъат» деган кабидур. Ҳолбуки юқоридаги илмларни минг сана муқаддамки, мусулмонлар юноний ва финикиялилардан олиб таржима ва такмил этиб, беш-олти юз сана ишлаб, тараққий эттурдилар ва мусулмонларни таназули ила дунёвий илмлар фарангларға ўтуб, бу кунги даражаға етди.

Мавжуд илмлар ҳеч кимға махсус эмас ва балки илк саъй этгувчиларни мол муштаракидур. Чунончи, «Билмайтурган кишилар учун бу дунёға кўб аломатлар бор» мазмунинда бир ояти шариф Қуръонда бордур. Бас, энди ўйламасдан нафълик илм ва ишни бидъат деб қочмоқға ва бечора халойиқни тараққий ва илм йўлидан қайтармоқға на маъно бордур? Матлабимиз замони илмларни ўқуйдурганларға ёрдам этмоқ эди. Лекин, на чораки, ҳар бир ишни муқаддимасиз сўйлаёлмаймиз, чунки ҳар шайдан аввал олдимизга «Бидъат!» деган сўз келар-турар. Матлабни хулоса қилайлук. Юқоридаги илмларни ўқумоқ ақча ила бўлур. Ақчалик оталар ҳеч қизғонмасдан болаларини ҳукумат мактабларига бериб ўқутмоқлари лозим. Жамияти хайриялар барпо этиб ақча жамлаб, фақир болаларини-да жамият ақчаси ила ўқутмоқ керак. Замоний одамлар етуштурмоқ учун ҳукумат мактабларига, мактабларни ислоҳи учун Оренбург, Қозон, Қрим, Кафказ ва Истанбул мактабларига, мадрасаларни ислоҳи учун Макка, Мадина ва Мисрға талаба юбормоқ керакдур. Ва ҳар бир шогирд учун ҳар сана 300 сўмдан 400 сўмғача ақча лозим. Ва бу шогирдларни муддат таҳсили 4 йилдан 12 йилғача бўлур. Бу кундан ҳаракат қилинса, тўрт-беш йилдан сўнгра натижаси маълум бўлур. «Ўқувчиларға ёрдам жамияти»ни очмоқ, ёшларни ҳиммат ва жамиятиға мувофуқдур. Ҳукумат ҳам бу ишға яхши кўз ила қарайдур. Ёшлардан ҳиммат ва ғайрат, бойлардан шафқат ва марҳамат керак.

Маҳмудхўжа
«Ойина». 1914 йил 24 май. №31

МУҲТАРАМ ВАКИЛЛАРИМИЗГА

Муҳтарам вакилларимизга ҳамда «Ойина» ва «Самарқанд»ни доналаб сотгувчи азизлардан илтимос қилинадурки, идоранинг тейишли ақчасини лутфан тезлик ила юборсалар. Идорага келадурган ҳар нав ақча ва ҳисобларни муваққат мудиримиз Саид Ризо афанди Ализода жаноблари қабз қилса, бизни қабз қилганимиз бўлур. Такрор рижо этармизки, идора ила ҳисобларини қатъий этсалар, юборилган ҳисоби юзасидан ақча юбормаган дастфурушларга маатгаассуф «Ойина» юборилмайдур. Азбаски, баъзилари уч, ҳатто беш ойдан бери бу кунгача «Ойина» олиб туруб, ақча юборганлари йўқдур.

Боқий салом, Маҳмудхўжа.

«Ойина». 1914 йил 24 май. №31

«ТУРКИСТОН ТАРИХИ» КЕРАК²⁰⁰

Тарих кўб аҳамиятли ва фойдали бир нарсадур. Тарихнинг фойдаларидан баъзиси ушбудурки: бир миллат на тариқада, қайси йўл ила тараққий этганин ўқуб ибрат олмак ёки бир миллатнинг на сабаблардан таназзул этиб, охири мунқариз бўлуб кетганин ўқуб, мундан ҳам истифода этмак мумкиндур. Шунинг учун бизнинг ўз шевамизда Туркистонда ўтган боболаримизнинг маиший, сиёсий аҳволига доир «Туркистон тарихи» бор бўлганда, ани кўз олдимизда қўюб, бурунги қаҳрамон боболаримизнинг на йўл ила тараққий ва маданият даврига кириб ва нима сабабдан охир мунқариз бўлуб кетганларини ўқуб, билуб, хейли ибрат олур эдук.

Ўшандоқ ҳозирги ҳолимизни боболаримиз давридаги ҳолларига бир даража муқояса этмак ила баробар ўз-ўзимиздан бир инфиол даврни ҳис эдуб юзларимиз қизарар эди. Ҳоло биз, туркистонлилар, марҳум боболаримиз аҳволи ҳам Туркистон воқеоти тарихиясидан бутун ғофил ва беҳабардурмиз. Чунки ҳануз Туркистон тарихи ҳақинда янги тадқиқот ила ёзилган тартибли

²⁰⁰ Мазкур мақола имзосиз босилган бўлса-да, мавзу ва услуб жиҳатдан Беҳбудийга хос бўлгани учун тўпламга киритилди.

ва истифодали мукаммал бир асар вужудга келгани йўқ. Тўғриси, мундай тарих ёзувчи киши турк ўғилларидан ҳануз майдонга чиқган йўқки, бу эса турк болаларининг ноҳалаф бўлуб, чин ўғул эмаслик ерига далилдур.

Бу сўзлардин тарихсизлигимиз англашилмасун. Бизнинг тарихимиз бор, бурунғи асрларда Туркистон ва турклар воқеоти ва аҳволи ҳақинда туркий, форсий ва арабий тилларда неча китоблар ёзилгандур. У китоблардан рус ва бошқа оврупойилар истифода этган ва этмакдадурлар. Лекин у мухталиф тилларда ёзилган тарихий асарлардан биз, туркистонийлар, истифода этуб, янги муҳокама ва тадқиқот ила ўз шевамизда мунтазам бир асар вужудга келтурганимиз йўқ. Балки бизлар андоғ тарихий китоблардан аксарият ила хабарсиз бўлуб, баъзисидан хабардор бўлсак ҳам аларнинг таъби ва нашрига аҳамият бермаймиз. Чунки бизнинг халқлар андоғ китоблардан кўра хурофотлик қисса, ҳикоя ва ошиқона ғазал китобларига зиёда рағбатлик бўлганидан моддий фойдасини кўзлаб, шундай афсона ва аслсиз китобларни таъб ва нашр этмакдамиз. Шунинг учун кундан-кун муҳим тарихий китобларимиз кўздан тушуб, эсдан чиқуб кетмакдадурки, мунинг айб ва гуноҳи Туркистондаги манфаатпараст китобчилар бўйнига тушса керак. Чунки бул сўнг йилларда китобчилар тарафидан турли хурофотлик китоб ва рисоалар нашр бўлиноб турганлиги майдонда ва барчага маълумдур. Агарда муҳтарам ношир ва китобчиларимиз мундан сўнг ахлоқ бузгувчи ошиқона ғазаллар ва соф эътиқодларни заҳарландирувчи хурофотлик афсона китоблар ўрнига мўътабар тарих, ахлоқий ва адабий рисола ва китоблар нашр этмоқга ташаббус этсалар, шояд бу хайрли ишлари аввалги гуноҳларининг юзини ёпар.

«Садои Туркистон» жаридасига «Миллий тарихимизни ким ёзар» мазмунида бир савол кўрулган эди. Бизнинг фикримизча, мундай бир тарих ёзмоқлик ниҳоятда қийин иш бўлуб, ҳозирда мунинг ифоси бизларнинг қўлимиздин келмайтурганга ўхшайдур. Шунинг учун бу хизматни «Туркистон тарихи» ила ошно бўла бошлаган ёш муаррихимиз муҳтарам Аҳмад Заки Валидий афандининг қаламидан умид этмакдамиз.

«Ойна». 1914 йил 12 июль. №38

МУҲТАРАМ ЁШЛАРГА МУРОЖААТ

Ҳар бир мамлакатда ислоҳот ва маданият асбобиға тавассул ва ташаббус этмоқлик ҳаракати мамлакатнинг ёшлари тарафидан зуҳур эта бошлагани каби бизнинг Туркистонда ҳам маданият эшиги манзаласида бўлган макотиби ибтидоия ила интибоҳ ва ислоҳот жарчиси бўлган миллий матбуот гайратлу ёшларнинг ҳаракат маорифпарвароналари соясида вужудға келди. Шунинг учун ҳар бир миллий ҳавоижимиздан бўлган мушкул ишларда ёлғуз ёшларимизни маржаъ ва умидгоҳ тутуб, алардан ёрдам сўраймиз (моллари ёки сўзлари ила миллат фойдасиға ёрдамлари текган баъзи уламо ва ағниёларимиз ҳам ёшлар қаторидадурлар).

Муҳтарам биродарлар! Барчамизга офтоб каби равшан ва аёндулки: макотиб тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дурдонасидур. Ҳар миллат, энг аввал макотиби ибтидоиясини замонача ислоҳ этуб, кўпайтирмагунча тараққий йўлиға кируб маданиятдан фойдаланмас. Маданияти ҳозирадан маҳрум қолуб, саноеъ ва маориф силоҳи ила қуролланмаган миллат эса дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмаи, «муборазаи ҳаёт» майдонида мутлақо мағлуб бўлур, оёқлар остида эзилур. Диний, иқтисодий ишларда ўзгаларнинг асири бўлур, бора-бора миллат ва диёнатини ҳам қўлдан берур. Ана ушбу йўллар ила охири маҳв ва нобуд бўлур кетар.

Биноан алайҳ ер юзидаги барча миллатлар ўз болаларининг ибтидоий тарбиясиға ва мактабларнинг ҳар жиҳатдан интизом ва икмолиға кўб аҳамият беруб, болаларини миллий ва диний руҳда мукамал сувратда етушдурарлар. Анинг учундулки, ўзга миллатлар диний ва миллий ҳиссиётға молик бўлур, ҳар ишда диёнат ва миллатни муқаддам тутарлар. Ва лузуми келганда бу йўлда мол ва жонларини фидо қилмоқға ҳозир турарлар. Мана ҳозирги урушлар ва иқтисодий тортишлар диёнат ва миллат ҳиссиёти натижасидур.

Энди бизни(нг) Туркистонда мундай ҳиссиётлар қайда? Модомики, биз, туркистонийлар, илм ва маорифдан ҳақинча истифода этмаймиз, фазоили инсониятдан саналган шайлар қандай ҳосил бўлур? Чин инсоният нимадан иборат эканлигини қайдан

билурмиз? Бизларда бир фазилат бор бўлса, ул ҳам фақат таас-суботи жоҳилонадан иборатдур. Демак, бизлар ҳозирги нимго-ла диёнатимизни ёлгуз таассуб соясида сахлаб турамыз. Лекин ушбу тамаддун асрида илмсиз қуруқ таассуб ила яшаб бўлмас. Чунки замонамиз шундай зўрки, озгина фурсатда чуруқ таассу-ботимизни асосидан қўпуроб ташлайдур. Шунинг учун замон-нинг муҳлик асбобиға қаршу муқовамат этадурган бир нарса бор бўлса, ул-да маорифдур.

Таҳсили маорифни ибтидоий қисми мунтазам мактаблар бўлгани учун энди, биз, Туркистон мусулмонлариға ибтидоий мактабларни кўпайтурмоқ лозимдур. Табиий, мактаб муаллим-сиз кўпаймас. Ҳозирда эса Туркистонда муаллим оз бўлуб, муал-лимларға эҳтиёжимиз шадиддур. Чунки бул кунларда янги мак-таб ҳаваскорони кундан-кун зиёдалашмоқдадурки, муаллимлар мавжуд бўлган тақдирда ҳар йил Туркистонда юзларча мактаб очмоқ мумкиндур.

Энди ушбу мушкул ҳолларни назари эътиборға олуб, Туркист-тон ёшлари муаллим етушдурмоқнинг чорасини топмоқлари лозимдур. Агар бу кунги ёшларимиз ушбу муҳим вазифа ва хиз-матни ифо этмакка қасд эта бошласалар, муаллим етушдурмоқ-ни чораси ҳам топилса керак. Чунончи, Туркистонда муаллим чиқармак учун дорулмуаллимин бўлмаса ҳам, ҳар шаҳарда усу-ли таълимдан хабардор 1-2 нафар муаллимлар, албатта, бордур.

Ана! Муаллимликка толиб кишиларни аларнинг ҳузуриға юборуб, 3-4 ой зарфида усули таълимдан хабардор қилдурмоқ мумкиндур. Агар билфарз ушбу хизматни муаллимларимиз ил-тизом қилмасалар, ул ҳолда муаллимликка ҳаваскор ёшларни бироз заҳматлик бўлса ҳам тўғридан-тўғри Тошкандга, Мунав-вар қори жанобларининг мактабиға юбормоқ керакдурки, му-шорун илайҳнинг мундай толибларни маалмамнуният қабул этмоқлариға аминдурмиз. Ишта муҳтарам қариндошлар милла-тимизнинг тилаги ва энг зўр ҳиссиёти ушбу шайлар эдики, на-зар олийларингиза арз ва тақдим этдук. Энди ғайрат сизлардан, тавфиқ Оллоҳдандур.

«Ойина». 1914 йил 2 август. №41

ҲОЖИ АФАДИЛАР ДИҚҚАТИНА

Ушбу 1332 санаси Германия ва Австрия ила Русия, Англис, Франсуз, Белгия, Сербия ва бошқалари урушуб тургани учун йўлларда оташароба ила юрмоқ мушкулдур. Алалхусус, Оқ денгиз ва Шоб денгизи искалаларинда ҳожи ва ё тужжорий параходларга тўғри келмоқ мушкулдур. Ҳаж йўлиндаги денгизларда юратурган ҳожи параходларини(нг) аксари, балки ҳаммаси, Русия, Франция, Инглтара, баъзан немисларники эди. Ал-он бу давлатлар орасинда муҳораба бўлган учун аксар параходлари асария лавозимоти ила машғул бўлуб, баъзиси денгизга чиқмай, бесабаб турубдур.

Мундан бошқа яна урушчилар душман параходини денгизларда учратса, ўлжа олурлар. Анинг учун муҳтарам Туркистон ҳажжожи кироми муборақ сафарларини «амни тариқ» йўқлиги учун келар санага мавқуф қўюб, Оллоҳ таолодан Ватанга зафар тиласалар, яхши бўлур эди. Ҳажжи шарифга бормоқ учун йўлни тинчлиги керакдурки, ушбу сана мааттаассуф йўллар тинч эмас. Тўғриси, амин йўл йўқдур. Ва муни Одес охунди муҳтарам Собиржон ҳазрат ҳам телеграф ила эълон этди.

Роқими ҳуруф яқинда сафардан келдим. Баъзан бир кунлик йўлни тўрт кунга юрдук. Одесга боратурган бир неча қофила ва юз қадар кошғарий ва туркистоний ҳожиларни қайтганларини ва йўлга чеккан машаққатларини кўзум ила кўруб, ҳожи афандиларимизни хизматлариға холисона арз ва баён этарман.

Маҳмудхўжа
«Ойна». 1914 йил 14 август. №43

АРЗИ ЭҲТИРОМ

Оллоҳ таолонинг лутфу марҳамати ва аҳбобларнинг таважжуҳлари ила 48 кунлик саёҳат зиёратимизни ўткаруб, ватани азизга ворид бўлуб барча биродарларга, хусусан, «Ойна» қорилариға арзи салом ва эҳтиром этармиз. Анбиёи иъзом солава-

туллоҳи алайҳим ажмаин, Истанбул, Масжиди ал-Ақсо, Шоми шариф ва Миср ал-Қоҳира зиёратига мушарраф бўлуб, бир неча мамлакат ва диёрларни кездукки, кўрганларимиз баъзи тасвиrotи ила «Ойна»да босилур.

Маҳмудхўжа
«Ойна». 1914 йил 16 август. №43

ВАТАНПАРВАРЛИК КЕРАК

Русия мамлакати биз, мусулмонлар, учун ватандур. Ал-он бу ватаннинг ғарбий тарафинда, Туркистондан тўрт минг чақирим масофатдаги ҳудудда Германия ва Австрия исминда ва немис уруғлик икки насоро давлати Русия давлатига эълони ҳарб этди. Русия ила келишган эътилофи мусаллас давлатлари, яъни Франция ва Англия давлатлари ҳам мазкур Русия душманларига эълони ҳарб этдилар. Яна Австрия давлати Сербия ҳукумати ила ва Германия давлати Белгия ҳукумати ила урушмоқда бўлуб, хулоса, бу кун ер юзининг энг катта беш давлати ва ўрта қисм ҳукуматдан иккиси бир-бири ила урушмоқдадур.

Овруподаги катта ва кичик ҳукуматлар-да ҳозирланмоқда ва кеча-кундуз ҳарби умумий қўрқувсидан титрамоқда ва эртада нима бўлушини билмасдан ўзларини-ўзлари омода ва эҳтиёт этмоқдалар. Ҳозирги урушуб турган 7 ҳукуматнинг халқи ва ери шундан иборатдур. Русиянинг халқи 150 миллиёндан зиёда (Русиядаги биз 20 миллиёндан зиёда мусулмонлар ҳам шунга дохилдур) ери: 20 миллиён мурабба чақирим, яъни ер юзи қуруқлигининг еттидан бири Русия тасарруфиндадур.

Англиянинг асл мамлакати Буюк Британия исминдаги жазираларда бўлуб, бу жазираларнинг масоҳати 115 минг мурабба чақирим бўлуб, Оврупо қитъасининг ғарбий-жанубий тарафига яқин ва Баҳри муҳит Атласи ичинда воқеъ бўлуб, 40 миллиён асл англис халқини мухтавидур. Англислар агарчи 40 миллиён бўлса ҳам ер юзига ҳукуматлари ёйилиб, бу кунги бани одамдан 400 миллиён қадари аларни тўғридан-тўғри табаъаси ва, ёинки,

ҳимоятига киргандурлар. Англис давлати бойликда ва табаъаси кўблигида ва сиёсатда хато этмасликда, баҳрияси кўбликда ва зўрликда дунёда биринчи катта давлат бўлуб, дунёни ҳар бир қитъасинда тобе кўп ерлари бордур.

Франсия давлати Оврупо жанубида бўлуб, 208 минг мурабба километру ери, 40 миллиён халқи бўлуб, бу-да баҳран ва барран биринчи даража давлатлардан бўлуб, ер юзининг бошқа қитъаларинда ҳам тобе жойлари бордур. Ал-он ушбу икки давлат бизни Русия ила келишган бўлуб, эътилофи мусаллас аталадурлар.

Сербия ҳукуматининг 50 минг мурабба километру ери ва 3 миллиёндан зиёда нуфуси бордурки, ўтган сана Туркия давлати ила урушганларни бири, ўрусларга қон ва дин қариндошдур.

Белгия ҳукумати-да Оврупода бўлуб, 29 ярим минг мурабба километру ери ва 7 миллиён қадар халқи бордур. Ана ушбу катта уч давлат ва ўрта икки ҳукумат, Германия ва Австрия, Венгрия ила урушмоқдадурлар. Ал-он Русиянинг муҳориб душмани бўлган Германия давлатининг 540 минг мурабба километру ери ва 50 миллиёндан оз халқи бўлуб, дохилан 25 парча мамлакат ва майда ҳукуматларга бўлунадур ва Русия ила ҳамҳудуддир. Дунёнинг баъзи қитъаларинда уфақ тўфанг тобе жойларида бордур.

Русиянинг иккинчи душмани бўлуб урушуб турган Австрия-Венгрия ҳам Оврупода бўлуб, 625 минг мурабба километру ери ва 50 миллиёндан оз халқи бўлуб, дохилан Австрия ва Мажаристон исминдаги икки парчадан иборатдур. Ал-он Олмония номи дигар ила Германия аталадурган ҳам Австрия давлатлари ила юқоридаги беш давлат орасинда уруш бўлмоқдадур. Душманининг иши ривож топгани йўқ. «Петербуржский курьер» жаридасининг 178-рақаминда ёзилган ҳисоб бўйинча, урушувчи давлатларнинг уруш майдонинда чиқориладурган аскарлари шундан иборатдур: Русия 3 миллиён 455 минг, Франсия 2 миллиён 925 минг, Германия 2 миллиён 754 минг, Австрия 1 миллиён 35 минг нафар, ҳолбуки, Русиянинг урушга таълим олган ҳар навъ аскари 7 миллиён 668 минг нафардур. Англия 248 мингдан зиёда аскар чиқарадур. Белгия ва Сербия аскари ўз бошига бошқадур.

Матлабимиз Туркистон мусулмонларининг ватанпарварликига ташвиқ этмоқ эди. Аммо, аввалан, урушчиларнинг аҳволдан ёзмоқни керак билдук. Энди матлабга келайлук, биз Ру-

сияни ўзимизга ватан билармиз. Ватанимизга душман эълони ҳарб этган учун таъсирланиб изҳори ватанпарварлик этмоқимиз лозимдур. Изҳори ватанпарварлик эса бақадри ҳол ва ақча ва мол ила давлатга ионат этмоқдир. Ҳамда нафсониятдан ва халқ афкорини пароканда қилатурган иш ва сўзлардан сахланмоқдур. Ҳукуматга от ва ароба ва ашё керак бўлганда осонлик ила бермоқ керакдур. Ҳолбуки, ҳукумат пулини бериб олар. Баъзи мамлакатда муҳораба замонинда халойиқ нимарсасини ҳукумат насия ҳам оладур.

Алҳамдулиллоҳ, ҳозирги уруш биздан тўрт минг чақирим узоқдадур. Ва урушни, иншооллоҳ, Русиянинг аскарлари ичкари Русияда сироят этишига монёъ бўлурлар. Зотан, Германиянинг Ички Русияга ўтмоқга иқтидори йўқ. Ва ҳар ҳолда муҳораба ҳудудини атрофида қолиш табиийдур. Германия ва Австриянинг 4-5 миллиён аскари муқобил бўлуб, шикаст беришлари зоҳирдур. Германия ва Австрия агарда англис ва бошқаларни ўзиға муқобил бўлушини билса эди, албатта, Русияға эълони ҳарб этмас эди. Ва ал-он баъзи манбалардан хабар берурларки, Германия императури миёнчи бўлуб сулҳ этдурмоқ учун Амриқо ҳукумати-дин илтимос қилибдур. Бу, албатта, шундай бўлса керак. Чунки ҳар тарафдан ёғилиб турган оташға таҳаммул қилмоқ Германия учун мумкин эмасдур.

Аҳоли эълондан ҳақинча хабардор эмас, баъзи мусулмонлар хаёл қиладурларки: «Бу уруш дохийий Русия ёинки Туркистонға сироят этар», бул фикр ваҳмидур. Чунки Туркистон ила ҳозирги уруш маҳалла тўрт минг чақирим қадар бўлуб, анда 3-4 миллиён Русия аскари борки, урушни Ички Русияға ўтмоқиға монёъ бўлурлар. Бу урушни Туркистонға сироят этиши амримаҳолдур. Ҳолбуки, Русия аскарлари ал-он Германия ва Австрия ичиға киргандурлар. Мунинг ёзишдан мақсад шулки, туркистонли биродарларимизни афкори паришон бўлмай, камоли осойишталик ила ишлариға машғул бўлуб, Русия ватанининг ғалабасиға дуо ва ҳам қўлдан келганча ақча ила ионатда бўлуб, ҳар жиҳатдан ҳукуматға итоатда бўлинсалар эди. Ва олди-қочди сўзларға қулоқ бермасалар эди. Русия давлати 10 миллиёнгача аскар чиқаргувчи муҳташам ва муаззам бир давлат, кўб муҳорабаларни бошидан ўткарган ва ҳозирги муҳораба ҳудуд атрофинда қолиб, ҳеч

вақт Ички Русияга ўтмайдур. Оллоҳ таолога ватан ва миллатни зафар ва тараққийси учун дуода бўлайлук.

Маҳмудхўжа
«Ойна». 1914 йил 16 август. №43

ИОНАТ КЕРАК, КЎНГУЛЛИ АСКАР КЕРАК

Ал-он Русия ила Олмония ва Австрия давлатлари урушуб турбдур. Русия мамлакатиндаги ҳар навъ халойиқ хоҳ насоро, хоҳ яҳудий, татар мусулмонлари, биродарларимиз аскар бўлуб, жону моллари ила ватан учун урушуб турубдурлар. Баъзи шаҳарлар жамияти миллиёнлаб ва ярим миллиёнлаб аскария оилаларига ва ё мажруҳларга иона қилиб турганлари жарихонларга маълумдур.

Русия табъаси немислар Германия ва австрияликлар ила бир уруғдан бўлсалар-да, Русия мамлакати нафига иона бериб турубдурлар. Уруш ва бошқа катта ҳодисалар вақтинда аскар оиласига ва, ёинки, офатга гирифтор бўлганлар учун иона бермоқ маданий инсонларнинг вазифасидур. Шаръи шарифга ҳам ғайримусулмонга садақа ва иона бермоқ дурустдур. Мажруҳлар ёинки мураббийси ватанни сахламоқ учун урушга кетган насоро ҳамватанларимизни оиласига иона этмоқ, албатта, лозимдур.

Русия ҳукумати биздан аскар ёинки бадал аскарый олган йўқ. Бас, бизга лозимки, шундай муҳораба замонида ҳеч ким талаб қилмасдан ўзимиз кўзга кўрунгудек иона жамлаб ҳукуматга топшурсак. Бу муҳораба-да кечар, аммо бул вақтда бақадри ҳол иона бериб, ватан ва давлатни тақвиясига хизмат қилсак. Юз миллиён руслар ҳузуринда феълан ватанга садоқатимиз собит бўлуб, тилимизни узунлиги ҳамда диний ва миллий ишларимизни тавассуъа ва ривожини ҳукуматдан илтимос этишимизга қулай бўлуб.

Туркияда миллат ҳокими ва ҳазрати султон мусулмондурлар. Аммо ғайримусулмонлар-да аскарга олинур ва, ёинки, бадал аскарый номинда катта маблағлар насородан олинур. Бир ой муқаддам Истанбул жарихонлари Султоннинг бир фармони ни ёзардики, мазмуни шу эди: Оврупода муҳораба бошланиб,

Усмонли мамлакати қарибинда ҳарб оташлари шуълафишон бўлмақдадур. Мамлакатга ҳарб оташини сироят этдурмаслик ва ҳамда бетарафликни сахламоқ учун барча эҳтиёт ва радиф аскар-рияларни силоҳ бошига даъват қилинур.

Мусулмонлар бадали аскарий бермоқ ила ёинки бошқа сабаб ила силоҳ бошига келмасликдан озод бўлмайдурлар. Аммо Туркиянинг ғайримусулмон табаъаси давлатлик бўлганлари суратда ҳозирги дафъага махсус бўлмоқ шарти-ла бирдан 30 усмонли ол-туни берганда, ҳозирги мўбилизациядан қутуладурлар. Ҳозирги асримизни одатиға боқилдими? Ёлғуз бир дафъалик таҳти силоҳ-дан қутулмоқ учун 260 сўм қадар бир маблағ бермоқ лозим. Икки сана сўнгра эҳтиёт ва радиф синфларини таҳти силоҳга келмоқла-ри лозим бўлса, яна шу қадар маблағ ила қутулмоқ лозим келур.

Ҳукуматимиз биздан бадал аскар ва ё аскар олган йўқ. Аммо ўзимиздан билиб иона аскарий этсак, албатта, ҳукумат унутмай-дур. Ва бу ионани келар замонда бизга кўп фойдаси етар. Агарда ёш ва бўз болаларимиздан кўнгилли аскарликни қабул қилиб, ўз-ларини ҳукуматга маълум этсалар, яна биз туркистонвиларни об-рўйимиз эди. Агарчи бизни қўлимиздан милтиқ отиш келмаса-да балки ватаннинг енгил хизматлариға қўйилур эди. Туркистон-нинг ҳар шаҳридин 5-10 нафар шундай кўнгулли йигитлар чиқ-салар, балки бир баталён миллий аскар ташкил топиб, ҳукуматга бизни садоқатимизни исбот этардилар. Русиядаги 4-5 миллиён татар мусулмонлардан юз-икки юз минг аскар бўлганда, биздан бир мингтина нафар чиқса, ёмон бўлмас эди... Билмайманки, биз-ни ҳамватанларимиз бу мақолаға диққат этиб фаҳм қиладурлар ё йўқ! Мунга амал қилинса, яхши бўлур эди. Азбаски, биз Русияни асири ва бегона эмас, балки шериги ва ватаннинг авлодимиз. Би-нобарин, анинг шод ва хуррамлиги ёинки меҳнат ва гамда қол-ганлигидан асарланмоқимиз ва анга мувофиқ ҳаракатда бўлин-моқимиз лозимдур. Восеъ бир назар ила қараб диққат этмаган ки-шиға бу ёзганларимиз ажиб ва, ёинки, бекора кўринса-да, келар замонда маъқул ва бажо зоҳир бўлуши муқаррардур.


Маҳмудхўжа
«Ойна». 1914 йил 23 август. №44

ЖУҒРОФИЯ ҚАВОИДИ ҲАҚИНДА САВОЛ

Самарқанд муаллимларидан жаноб Мулла Муҳаммадий зердаги саволларға жавоб ёзмоқни муҳарриримиздан илтимос этарлар: «Мадори қутби шимолий ва жанубий», «Мадори жадйи ва саратон», «Хатти истиво ва офтоб». Ушбу хоҳишға ижобат этуб, ер юзининг тақсимот жуғрофияси ваҳидан қисқалик ила зердаги сўзларни ёзиб, ерни офтоб ила муносабати баёини бошқа вақтға қолдурармиз. Маълумдурки, ер юмалоқ бўлуб, анинг тасвири қоғоз устиға мунда кўрсатилганидек давра тушадур. Бу доиранинг ўртасидан шарқдан ғарбға тортилган хатни «Хатти истиво» аталурки, ерни шимоли ва жануби икки қисмға баробар бўлар. Хатти истивони шимолидаги қисмни «Арзи шимолий», жанубидаги «Арзи жанубий» аталур. Хатти истивонинг йил-ўн икки ой, кеча-кундузи доимо 12 соатдан бўлуб, узун ва қисқа бўлмайдур. Шимол ва жануб тарафларини кеча ва кундузи ҳар кун узун ва ё қисқа бўлуб, мунинг сабаби ерни ҳаракат даврия ва меҳвариси ва қутби арзни тамойилидур. Хатти истивони шимолий тарафидаги охирини «Нуқтаи қутби шимолий» ва жанубини «Нуқтаи қутби жанубий» дерлар. Хатти истиводан нуқтаи қутби шимолғача 90 даража, яъни 90 қиссаға бўлинур: «Бир даража 60 дақиқаға, бир дақиқа 60 сонияға тақсим топилур». Ҳар бир даража 22 фарсахдан зиёда ва ҳар фарсах 3 мил, ҳар мил 3000 газ, ҳар газ 32 ангушт-бармоқ. Ҳар бармоқ 6 арпа баттани, ҳар арпа 6 қилни биридур. Бу тақдирға ерни бир даражаси 66 мил ва бир мил учдан иккиси ҳисобланур. Даража, Русия чақиримиға 104,5, англис милиға 69 километруға 111, 11/100 бўлуб, жуғрофия милиға 60 дур. Қутбдан хатти истивоғача 90 даража эътибор қилиниб, на учунким ва зиёда эътибор қилинмади? Мунинг сабаби борки, мунда ёзилса мақоламиз узайиб, хонандаларға малол келтирар.

Мудаввар расмға диққат қилинса, хатти истивонинг икки тарафиндаги арзларни ҳар бири 90 даражаға тақсим бўлингандур. Ернинг хатти истивоси ва ани икки тарафи ерни иссиғ жойлари бўлуб, бу маҳалларни «Минтақаи ҳорра» ёинки «Минтақаи муҳтариқа», яъни ерни иссиғ ва ёндургувчи парчалари аталур.

Еримизни қутб тарафларига офтоб уъмуди тушмай, милони тушган учун қутб тарафлари кўб совуқ бўлуб, жуғрофия истилоҳинча «Минтақаи боридаи шимолия», «Минтақаи боридаи жанубия» деган икки қисмга бўлунадур.



(Курраи мусаттаҳа тасвири)

Энди минтақаи боридаи ила минтақаи ҳорра орасида баъзи жойлар борки, ҳавоси мўътадил бўлуб, бу маҳалларни «минтақаи мўътадилаи шимолия», «минтақаи мўътадилаи жанубия» атайдурларки, иссиғ ва совуқлик жиҳатидин еримизни юзи олти

қисмға бұлунди: чунончи шимолий ва жанубий. Икки минтақа ҳорра, икки борида, икки мўътадаладан иборатдурки, расмға қарасангиз фаҳмланар... Келайлук мадорларға. «Мадор» деб даври маҳаллий, яъни айлантурган жойини дерлар. Масалан, жувозкаш отининг айланиб юратурган жойини жувоз отининг мадори аталур.

Ердаги мадор қутб ва, ёинки, мадори жадй ва саратонни ҳам шунга қиёс этмоқ керак. Хатти истивонинг шимолий тарафинда 23 даража 28 дақиқа масофатдан сўнгра, курраи мусаттаҳа ва курраи мужассамалар устинда бир хатти истивони жанубий тарафинда 23 даража 28 дақиқадаги хатти «мадори жадй» дур. Хатти истивони шимолий ва жанубий тарафинда ҳар 66 даража 38 дақиқада яна икки хат тортилганки, шимолидагини «Мадори қутби шимолий», жанубдагини «Мадори қутби жанубий» аталур. Ерни шимоли қутби, жадй-Темур қозиқ юлдузига муқобилдур.

Шимолдаги «Дубби асғар» мажмуаи кавкабиясининг «жадй», яъни темур қозуқ юлдузи ва номи дигар ила қутб шимолий юлдузидур. Ки қутб шимолидан бошлаб, аввалан нозирни тепасига, яъни фавқулфавқ кўрунуб, ҳар на қадар жанубға кетилса, жадй юлдузи пастга тушуб ва нисф курраи жанубий, яъни арз жанубийнинг 23 даража 28 дақиқасига берилган суратда Жадй юлдузи тахт ал-уфқ қолиб, кўздин ғойиб бўлурки, анинг учун шимол маҳални «мадори жадй» аталур, яъни ерни курравийлиги жадйни курра навсига монёъ бўлур. Қутби жанубийни ҳам унга қиёс этмоқ керакдур.

Қутб нуқтасига яқинлаган киши жадйни ўз тепасига кўрур. Ҳар қанча хатти истиво тарафига кетилса, Темур қозиқ юлдузи паст ва баланд бўлганига қараб вазъ ва тақсим қилгандурки, шояд бошқа вақтда тафсил ва кайфиятидан ёзилур.

Муҳтарам муаллиф афанди! Жавобимизни баъзи жойига тушунмаган суратда лутфан идораға келсангиз, асбоб ила кўрсатилур ва, албатта, иштибоҳингиз зойил бўлур.

Маҳмудхўжа
«Ойна». 1915 йил 14 февраль. №9.

«ШАРҶ ОҚШОМИ»НДАГИ НУТҚ

(13 мартда Мусулмон сайёр хастахонаси нафъига барпо бўлган «Шарқ оқшоминда» муҳарриримиз тарафиндан таҳрир этилиб жаноб Назирқул Салимбой ўгли тарафиндан ўқулган нутқнинг сурагидир)

Муҳтарам жамоат!

Маълумингиздурки, Ватанга ҳар тарафдан душман ҳужум этиб, жуда катта урушлар бўлуб турубдур. Ҳозирги урушлар дунё бино бўлгандан бери бўлган урушларни энг каттасидур. Алҳамдулиллоҳ, Русия аскарлари ва ул қаторда татар, туркман, қозоқ ва қафказлик мусулмон қариндошларимизни(нг) бир неча юз минг йигит аскарлари уруш сафида баҳодирлик кўрсатиб турубдурлар. Ҳатто урушда бизни Туркистоннинг Ашқобод тарафиндаги туркман қариндошларимиз, самарқандий мусулмон бир офицер тўра қўл остинда душман ила урушуб қаҳрамонлик кўрсатмоқдадурларки, бу баҳодирлик йигитлари биз, Русия мусулмонларини руслар олдида ва барча дунё ҳузурида юз қизиллигимизни сабаби ва тил узунлигимизни боисидур.

Оре, биз, Туркистон мусулмонлари, катта зотларни авлодимиз ва тарихан бизларни урушда, илм ва маданиятда ярарлигимиз офтобдек собитдур. Биз, ҳаммамиз бир оғуздан Оллоҳга дуо қилармизки: яшасун импературимиз, яшасун баҳодир аскарларимиз, музаффар бўлсун Ватан! Омин! (Халқ гуруллаб: «Омин!» дедилар).

Ҳол бул тариқа экан, албатта, бизни мусулмон аскарларимиз орасинда ярадор ва касалмандлари бўлур. Ани учун Русияда мавжуд юз қадар мусулмон жамияти хайрияларининг вакиллари ва мажлиси миллатни мусулмон аъзолари ва бошқа ақибирлари Петроградда йиғилиб, уруш сафларида юруб, мусулмон ва насоро аскарларимизга даво қилмоқ учун «Мусулмон сайёр хастахонаси» барпо этмоқга қарор бериб, ҳукуматдан рухсат олдилар. Ушбу иш учун барча Русия мусулмонларини худойи ва ёрдам бермоқга даъват этдилар. Йиғилатурган ақчалар мажруҳ аскарларни тарбият этмоқиға, яна мусулмон аскарларимизни аҳли ва аёлиға бериладур. «Мусулмон сайёр хастахонаси»ға оянда ўттуз,

қирқ сўм сарф бўлуб, бул иш биз, Русия мусулмонларидек ян-гидан кўз очгувчи миллатга бироз куч кўринур. Аммо ҳақиқат ҳолда агарда биз 25 миллиён Русия мусулмонларининг ҳар 25 кишисидан биргинаси бир сўмдан берган суратда бир миллиён сўм йиғилиб, диний ва миллий ишларимизга тараққий йўллари очилур.

Муҳтарам миллатимиз кўз очиб, ватани ва миллий ишларимизга майл ва муҳаббат этмоқ замони кўбдан бири етгандур. «Ядуллоҳи маалжамоа», яъни «Оллоҳ таолони қудрати қавли жамоат ила биргадур». Ана, ҳурматли жамоат! Бу оқшомдан мақсад шудур. Ҳамватанларимиз бўлган яҳудий, армани, поляк ва бошқа кичик миллатларни бул тўғридаги қилган ишлари бизлардан қат-қат зиёдадур. Ҳолбуки, Русиядаги 150 миллиён халқни(нг) юз миллиёни рус, йигирма беш миллиёни биз, мусулмонлар бўлуб, миллати ҳокима муҳтарам руслардан сўнгра Русияда энг катта миллат, алҳамдулиллоҳ, биз мусулмонлармиз. Русияда руслардан сўнгра ҳеч бир миллатни адади, балки ҳаммасининг адади биз, мусулмонларга баробар эмасдур. Аммо, мааттаассуф, ҳукумат ишларинда ва умумий ҳолларда бизлар, Русиядаги энг кичик миллатлардан ҳам кейинмизки, мунинг сабаби бизни замона илм ва ҳунарларидан узоқлигимиздур. Лекин шукр Худогаким, охириги йилларда бизлардан ўқуб, ҳукумат ишлариға аралашган кишилар кўринмоқдадур. Русия давлатидан ҳақинча фойдаланмоқ ва давлат мансаблариға кирмоқ учун ҳукумат мактаблариға бола бериб ўқута берсак, албатта, яқин фурсатда тараққий этармиз. Энди муҳтарам халқимизни, алалхусус, миллат ояндадаги стунлари ва катталари бўладурган азиз ёшларни мана шул тараққийға етмоқ учун ҳукумат мактаблариға рағбат қилмоқлариға ожизона маслаҳат берилур.

Муҳтарам халқ! Бу кечадан мақсад нима эканлигини энди билгансиз! Ҳиммат этиб, чой, қаҳва ҳамда ё асиб (лотерея) кўшқлариға марҳамат этингиз ва зиёдароқ хайр ва худойи бериб, дорулҳарбдаги мажруҳ ва нотавон аскарларға ва оталаридан, эрларидан айрилган бенаво рўзгорларға ёрдам бермоқ учун киссаи ҳимматингизни очингизки, Оллоҳ зулжалол ҳазратлари

Қуръони каримда мажруҳ ва бенаволарға ёрдам бермоқға амр ва таклиф этар. Оллоҳ ҳаммамизға ақли комил ва чашми басират берсун, омин!²⁰¹

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Ойина». 1915 йил 2 апрел. №11.

БИЗНИ КЕМИРГУВЧИ ИЛЛАТЛАР

Бизни кемиргувчи иллатлар деганда, захму маразними гумон этарсиз? Ёинки сил, сили маръя ва моховликними дерсиз? Йўқ, андан ҳам ёмонроқ ва андан ҳам жонхарош, бевоя хонавайрон ва ғариб этгувчи бир дард, биз, туркистонийларни шаҳрий ва қишлоқий ёинки ярим маданий, ярим ваҳший синфларимизгача истило этиб, бутун тирикчилигимиз сорилган ва бизни инқирозға ва таҳликаға ва жаҳаннамға юмалататурган тўй, аза исминдаги икки қаттол душманни дерман.

Отамиздан меҳрибон Тангримиз жалла ва ало Қуръони каримда «Ла тулқуу би айдийкум илат таҳликатини», яъни «Ўз қўлларингиз илан ўзингизни таҳликаға отмангиз»²⁰², дер. Биз бўлса, бадбахтона ва Худонинг амрига бўюн қўймасдан кофирона бир суратда тўй ва аза деган, йўқ бўлушимизга сабаб бўлган одатларға бору йўқимизни сарф ва исроф этармиз. Йилда икки ой Наврўзи кофирий учун сайр этармиз. Бир ой муқаддам Самарқандни Панжакент қасабасидаги Наврўз сайрига мушак-фишанг отишдан учгина киши ўлуб, ўндан зиёда киши мажруҳ бўлди. Кўпқари ва улоқ чопмоқлик одати малъунонасиға ҳар вилоятдан ҳар сана юзлар ила киши охиратға кўчар, на қадар киши мажруҳ ва маюб бўлар. Кўп кишилар сайр ва кўпқари шумлиги ила ишдан ва зироат вақтидан қолур. Уйиға озуқаси йўқ, ҳўкузи ва соғар сигири йўқ экан, бир неча юз сўмға от олуб

²⁰¹ Ушбу нутқ М.Беҳбудий томонидан ёзилган бўлиб, 1915 йил 13 март куни Самарқандда кўчма касалхона очилишида Мирзо Назирқул Салимбой ўғли томонидан ўқиб берилган.

²⁰² Қуръон. 2:195 оят.

ва ҳар куни анга ҳиндидек парастииш этиб, ҳар кун бир сўм сарф этар, на учун? Тўй ва сайрга кўпкари чопмоқ учун. Ўн-йигирма чақиримга тўй бўлдими, ҳар ким ишини, деҳқончилигини қўюб, отланиб кўпкарига кетар. Деҳқон учун олтундан азиз вақт фавт бўлди-кетди. Экин биргина кун кейин сепилган учун пишмай қолар. Биргина кун сўнгра йиғилган учун ёғинга қолиб, баъзи хирмонлар чириб кетар.

Маълум бир шаҳарда яҳудийлар баъзан ўлукларини оқшом элтиб кўмарлар. На учун? Кундузи ишдан қоларлар. Биз бўлса, ўлук ва тўй учун ҳафталар, ҳатто ойлар ила ишдан қолурмиз. Ҳолбуки, шореъи аъзам, пайғамбари акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратлари ўлганни тез кўмуб ва кўмгандан сўнгра тез тарқалиб, ишга кетмоқга ва ўлукхона халқини уч кундан зиёда таъзия тутмасга, қаро киймасга, кир, фалокат бўлмасга амр этарлар.

Эй халқ! Эй мусулмонлар! Биз на учун Худо ва расулни сўзиға ва ўзимизни нафимизға амал қилмаймиз? Биз девонами? Биз таклифдан²⁰³ ташқарими, Худо учун сўйлангиз. Биз нима?!

Шариат китобларидан «Фароиз», яъни Худони буйруғи деган китобларға: «Ўлукни молидан аввалан ўлукға керакли мувофиқ суннат ва исрофсиз кафан қилиб, дафн қилмоқга сарф қилин-сун, сўнгра қарзини берилур. Сўнгра ортган молларни варасиға мувофиқи шариат тақсим қилиниб берилур», дейилган экан. Биз, билъакс, кафандан сўнгра қарзға бермай ва, ҳатто, сағир ва бенаво хотунларни меросини йиртиш, азойи, садақа, ҳайрот, билмайман, нималар ужраси деб, қарздан, варасадан илгари тақсим қилиб олармиз. Беш-олти маърака ва худойи, 8-10 жумъа оқшоми деб бутун маҳалла ва қишлоқ халқиға палов берармиз. Баъзи бир бечора сағир ва муштипар аёллар меросдан ва ҳақларидан ноқис олурлар. Баъзи қарзхоҳларни ҳаққи куюб кетар. Бечора ўлукни зиммаси қарздан қутулломай қолур. Худо учун айтингиз, бу хайротми, бу худойими? Беш-олти кун сўнгра бу худойи ва хайротлар учун варасани ҳаққи бўлган мол ва ерлар сотилур. Берилган дока, адрас азойи ва ғанийларни(нг) олган йиртиш ва садақалари учун берилур. Энди бечора вараса дарбадар, ҳам отадан, ҳам ватандан айрилди-кетди. Бир ўртаҳол,

²⁰³ Таклиф – шариат талаби, диний ва инсоний бурч маъносида.

бир бечора фақир ўлар. Анинг ганий яқини ўлукни эгаси бўллуб, вараса молини «обрўй» этарман, деб исроф ва барбод этар. На-тижада бечора вараса дарбадар. Эй, уйинг обод, обрўй қилғувчи! Ўлган ул, санга нима? Сан, ганий, ўз ўлукинга обрў қилганинг бас эмасми?

Астағфируллоҳ! Субҳаноллоҳ! Бизни қилатурган ақлсизлиги-мизни қайси миллат қилур? Никоҳ, хатна, бу икки бало шундоғ қаттиқ бир иллатки, ўлмагунча қутуллуб бўлмайдур. Шаҳарларда ўртаҳол, яъни ўтурурға хона ва боғи бор бир киши никоҳ учун икки минг сўм сарф этар ва ўғул хатнаси учун ҳеч бўлмаганда минг сўм. Ҳар бир бенаво киши бу мавридларга 200 сўмдан 1000 сўмгача сарф этар. Охири нима бўлур? Нима бўлур дейсиз? Ота-бобосидан қолган мулк ва ватанини ўз ихтиёри илан зўраки бой-ни ўзи ўлгандан сўнгра бир яҳудий ё бир армани ажнабийга сотиб, тўй ва таъзия қарзини берар. Ўзи сотмаганда судга сотилур. Мана, юқоридаги сарлавҳада «Бизни кемиргувчи иллатлар» деган одат-ларимиз, тўй ва таъзия исминдаги девоналигимиздан иборатдур.

Бир дўкончи, бир гилкор, бир фақирҳол, бир косиб учун бу тўй ва таъзиялар ўлумдан қатиғдурки, мунинг учун бечора ҳар кун ўлур. Ҳар кун ўлган ила-да қутулмас. Ўзидан сўнгра аҳлу аёлига бу йўқсуллик ва бу мусибатни мерос қўяр. Хўб, яхши, ўз молини тўй ва таъзияга исроф этсун, барбод этсун, кўзи чиқсун. Ҳай, бон-ка ақчасини, биров пулини на учун барбод этар? Бу девоналикни у тарафи эмасми? Бу ҳол ила 20-30 сана ўтса, ер ва ҳовлилар ажнабийларга ўтуб, аксар халқимиз гадойлик даражасига инур.

Эллик сана муқаддам ер сотилса, бир мусулмон оларди, энди бошқалар олур. Мана, энди биз шу ҳол илан йигирма-ўттуз йил ўткарсақ, халқимизни ярмидан зиёдаси ватансиз, ерсиз дарба-дар бўлатургани маълум ва ошкордур. Бир ҳовлида, рўзғорда, масалан, икки ўғул, икки қиз бор. Ота ўлса, ани моли тўрт бў-лиур. Аларни(нг) ҳар бирига никоҳ ва хатна ва ўлум маврид-лари муқаррардур. Ўзларини замонийча илми ва ҳунари йўқки, контурға, маҳкамаға, бонкаға кириб вазифа олса. Энди ноилож атторлик ё баққоллик ва у бўлмаса, муздурлик ва мардикорлик қилиши лозим келиб, бу ишлардан фақат аларни қорни тўядур. Ортдурмоққа йўқ. Мунинг устига тўй ва таъзия деган даҳшат-лик балолар келгандан сўнгра бу азиз оила ва рўзғорға ёниб кул

бўлмоқдан бошқа илож йўқдур. Эллик сана муқаддам бир қарич ер бир пул экан, энди бир олтун ва келарга ер олтунга топилмайдур. Қрим ва Кафказ мусулмонлари-да бизлардек ер қадри-ни билмаслар экан. Энди Қримда бир таноб (600 саржин) ер ўн минг сўмдан ўттуз минг сўмғачадур.

Биз бир таноб еримизни 200 сўм сотиб тўй қилмоқчи бўлсак, «Ерни хўб пулға урдум», деб мажнунона шодланурмиз. Инсонни бу қадар аҳмоқлиги ажибдур. Бизга лозимки, тўй ва таъзияларни кичик қилиб ва ҳолимизча ҳаракатда бўлуб, келар замонамизни ўйлайлук. Валлоҳ, хору зор, мунқариз бўлмоқ эртаға офтобни чиқишидек муқаррардур.

Самарқандда бир маҳалла борки, аксар халқи фақру заруратдан, тўғриси, ақл ноқислигидан ҳовлиларини пулға қизиқиб яҳудийға сотган учун маҳаллаға оз мусулмон қолди. Маҳалла мактаби йўқ бўлди. Масжиди-да яқинда йўқолур. Мана, бизни ақлсизлигимизни охири ва исрофларимизни хотимаси, динимизға футур келмоқига сабаб бўлур. Дин учун, масжид ва мактаб учун ақча, сарват, давлат, сомон керакдур. Тўй ва таъзияға сарф қилинатурган ақчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлиға сарф этсак, анқариб оврупойилардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизға давом этсак, дин ва дунёға зиллат ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайдур.

«Фаътабару улил абсор!» («Эй басират эгалари, атрофингизга эътибор қилинг»).

Маҳмудхўжа
«Ойина». 1915 йил 2 май. №13

БУХОРО АМОРАТИ

Бухоро ўлкаси беш юз минг мураббаъ чақирим ер ва икки миллиён қадар мусулмон ва бироз яҳудий халқлик мамлакатдурки, жаноб олий Амир Олимхон ҳазратлари тасарруфинда бўлуб, мусулмон ва яҳуд орасиндаги барча ишлар, салтанат ва

подшоҳлик бу лавозимоти бир вифқи шаръи шариф ва мувофиқ фармойиш жаноб олий ҳазратлари қатъ ва идора қилинур. Дохилян тамоман амир ҳазратлари мустақил бўлуб, аммо тижорат ва умури хорижия ваҳидан Русия давлати ҳимоятигадур. Ери ҳосилхез ва ҳар нав зироат ва мевалар етишгани устинда пахта ҳам экилиб, ҳар сана Бухоро халқи бир неча миллиёнға пахта сотадурлар.

Бухоро аморатининг бутун ер юзиндан мумтоз ва ер юзида Бухородан бошқа жойда йўқ, битмас-туганмас бир хазина ҳосилоти борки, ул-да бутун эски ва янги дунёға машҳур қорақўл териси маҳсулидур. Ҳар сана бир неча миллиён сўмға Оврупо ва Амриқоға сотилур. Бухоро тоғлариндаги ҳар навъ маъданлар ҳануз табиий ҳолатда қолиб, аҳли саноат қўли тегкан йўқдур. Ёлгуз селоба ила оқуб келган майда олтув ва қимматлик тош парчалари баъзи бир наҳрларидан жузъий суратда тўпланур.

Бухоронинг молият ва ушр тўпланмоғи, закот ва подшоҳлик маросим ва хирож олинмоғи ва тарҳи ҳамон эски усулда бўлуб, асло ислоҳот ва замонча таҳсилот ва интизом юзини кўрмагандур. Бухоро раияларининг гўё ҳоқим ғайримасъулий, мулкий жиҳатдан бек, закотчи, қози ҳазратларидан иборатдур. Буларнинг устидан мунтазам суратда тафтиш ва ё аҳоли тарафидан шикоят этилганда, аларнинг қарори ва ҳукми таҳқиқ ва истиёф қилинса, турган усули бўлмамай, агарда ҳазрат амир рози бўлганда, тамом умринда бу маъмурлар тафтиш юзи кўрмайдурлар ва аларнинг устидан аҳолининг айтилган шикояти аксарият ила, балки, доимо ҳукмсиз қолур. Балки шикоятчилар жаримага маҳкум бўлурлар...

Бухоро аморатининг йиллик мадохили 18 миллиён сўмгача тахмин қилинуб, аммо бу мадохилнинг тўғрисида табаъа учун ҳукумат тарафидан қилинатурган махорижи мадания ва замония сифр даражасиндадур²⁰⁴. Икки миллиён халқ учун бухоройи икки дўхтур эмас, биргина ... ва ё биргина фельдшер-да йўқ. Икки миллиён аҳли зироат ва саноат Бухоро халқи учун биргина нафар агроном – зироат муаллими ва ислоҳчиси-да йўқ. Икки миллиён халқ учун дорулфунун, дорулмуаллимин эмас, замонча ва

²⁰⁴ Сифр даражасинда, яъни нолга тенг.

замондан бохабар қилатурган биргина боб «мактаби ибтидоия» йўқ. Икки миллиён табаъалик катта ва эски ҳукумат дарборинда замона дорулфунуни эмас, замона ибтидоия мактаби тамом этган биргина бухорий йўқ. Икки миллиёнлик Бухоро ҳукумати-нинг, ўзининг ҳимоятига сиғинган, яъни васий ва валийси бўлган Русиянинг рижоли давлати ила сўйлашмоқға қодир биргина одами йўқ. Русиянинг ўрта ва олий мактабларинда на ҳукумат тарафидан ва на халқ тарафидан юборилган биргина нафар талабаси йўқ. Бухоронинг мумтоз ва бутун дунёга мисли топилмас қоракўл терисини Оврупо ва Амриқога элтиб сотадурган биргина одами йўқ. Бухоронинг мислсиз ипак, қумош, махмал ва шоҳи мато дастгоҳларининг замонча тараққий этдиратурган биргина замонча одами йўқ. Мадрасаларни замонча ислоҳ этатурган бир киши йўқ. Муаллим йўқ, муҳандис йўқ, ҳаким йўқ, кимёгар йўқ, техник ва меъмор йўқ, табиб йўқ, жарроҳ йўқ, замона илм-ҳунарига ошно биргина киши йўқ, хулоса, ҳар шайи йўқдур.

Субҳаноллоҳ, бу на ҳол! Бу йигирманчи асрдур. Ваҳший тоифаларғача замона илм ва ҳунарининг қадрини билдилар. Замона илм ва ҳунарига қўл урдилар. Кеча хору забун эканлар, бу кун замона илм ва ҳунари ила одам қаториға кирдилар. Эй, биз, туркистоний ва бухорийлар на учун бу ҳолдамиз? Дунёга турмоқни хоҳласанг, замона илм ва ҳунариға мактаб ва дорулфунунлариға майл этмоқимиз керак. Чунки бунсиз замона одами бўлмаймиз. Замона одами бўлмоқ нари турсун, бу замонадан бехабарлигимиз бизни эски замон одамлигимиздан ҳам чиқарадур.

Кўз олдимиздадур ва кўрармиз: бир немис, бир яҳудий ва бир поляк икки қўли байнисига бизни мамлакатға келур. Бир-икки йил ўтар-ўтмас қараймизки, ўн минглаб, юз минглаб ақча топар ва бизға хўжайин келур. Бунинг сабаби ва ҳикмати надур? Сабаби илми замонани билмоғидур. Беш тийин сармоёси йўқ, даллоллик ила очилган контурхоналарни ҳар ким билур. Эй булар қандай фойда ва нима иш қилурлар? Буларни қилатурган иши шулки, бизни пахта, мавиз, мева, дона, тери, жун ва эски нимарсаларимизни, хулоса, мамлакатимиз ҳосилотини Оврупо ва Амриқо муштарийлариға ва аларни фабрика ва завод асбобларини бизға сотиб, яъни бойиъ ила муштарий орасинда воситалик ила беш тийин сарф этмасдан ва ҳеч вақт зарар этмасдан,

доимо фойда этарлар. Мана ҳикмат шул. Бул иш бизни қўлимиздан аъло суратда келур. Ёлғуз бойиъ ила муштарий тилини ва жойини билмоқ керак ва шу билмоқ учун тўрт сана таҳсили илми замоний ва лисони хорижий керакдур.

Беш-олти йил ўқуган бир яҳудий, бир армани, ё бир полак ва немис келур-да бизни диёрдаги ва бизни қонимизни ичгувчи бир бонкға 12 минг сўмғача вазифа олиб хўжа бўлур. Бизни бойлар ва бонка аъзолари анга таъзим ва хушомад этар. Бечора қарздор одатан изқори убудият этар. Бир қисмимиз ёлғуз тамоқ ва кийим учун аларни қора хизматини қилурлар, этикини тозаларлар. Эй нодонни жони чиқсун. Беш-олти йил ўқуб, ўзунг нима учун ўшал бўлмайсан?

Келайлук яна Бухоро халқиға, арз қилатурган матлабимизға. Бухоро ҳукуматини ўз ҳолиға қўяйлук, чунки андан умидимиз йўқ. Азбаски, рижоли ҳукумат ичинда Русия пойтахти ва муаззам ҳар нав дорулфунун ва доруссаноаларини ва кўзларни қамаштуратурган осори мадания ва замониясини бир неча дафъа кўрганлар кўпдур. Алар кўра-кўра асло асарланмадилар...

Маданият зиёси кўзларни хира этди – Оврупо маданиятини айш ва маишатидан ўтуб илм ва ҳунариға майл этмоқиға фикрлари етмади, табаъаларидан, раоёларидан аҳадини у муаззам ва муҳташам мактаб ва саноатхоналарға ва агарчи бир дона бўлсун юбормадилар. Ва ё ул мактабға бормоқ учун ҳозирланатурган биргина мактаби ибтидоия бўлсун очмадилар. Балки кўз ёши ва қалб қони ва минг машаққат ила муҳтарам фидойи фақир талабалар тарафидан очилган замоний эмас, мусулмоний мактабларни мўътабар Бухоро ҳукумати ва шул дунё кўрган рижоли ҳукумат била қасдан ёпдилар, банд этдилар. Ҳатто Бухоро ериға бечора русиялик татар мусулмонлар мактабининг ёпилмоқиға сабаб бўлдилар, на учун? Бухоро болалари татар усули жадида мактаблариға ўқуб бузилар эмишлар! Бу ақидалиқ одамға Оллоҳдан ақли комил тиламоқ керакми ёинки... Ҳайронман!

Хулоса шулки, Бухоро рижоли ҳукумат ёлғуз ўз нафсини, ўз кайфини, ўз беш кунлигини кўрар. Табаъаға, миллатға, исломият ва мусулмонларға на бўлсун, шул бўлсун ва алар қайғусини чекмоқға фикри етмас ёинки истамас. Ва, илло, ўн саккиз миллиён эмас, Бухоронинг йиллик мадохили ўн ёинки беш миллиён

бўлсун, мунга ўндан бирини, ҳатто юздан бирини сиҳҳия ва замонача маориф ва саноеъ ишларига сарф этмоқ асло хаёлларига келмайду. Агарда Русия давлати раъй қилмаса, бутун Бухоро ўлкасига уч-тўрт рус дўқтори-да сахланмайду. Хулоса, Бухоро ҳукуматидан умид этмай Бухоронинг муҳтарам бойлари, замонадан хабардорлари ва миллатпарастлари ва тараққийхоҳлари саъй этуб, русларга яқинлашиб ва алар ила бир бўлуб Бухорода бир «Тижорат мактаби» очтурмоқга ҳаракат ва саъй этсалар бул Бухоро халқи учун нардбони тараққий бўлур эди. Албатта, Бухородаги Русия коргузорларига бу иш маъқул бўлур ва аларга маъқул бўлгандан сўнгра Бухоро ҳукуматида ўзининг занг босган ақчаларидан, балки юз минглаб берар эди. Албатта, мунга халқни(нг) саъй ва талаби лозимду. Алар саъй ва талаб этса, албатта, вуқуъга келар.

Ўтган сана Истанбулда «Шоҳин пошо» ўтелинда²⁰⁵ марҳум Исмоилбек ила Бухоро масаласиндан сўзлашурдук. Сўз асносинда дедилар: «Марҳум Амир Абдулаҳадхон ҳазратлари Ялтада келганда баъзан мани талаб этиб, ҳузурига қабул этар. Неча дафъа мактаб масаласидан арз ва рижо этдим. Бир дафъасинда марҳум амир дедиларки: «Сизни деганингиз Бухорода бўлди, яъни навбаромад – талабалар усули жадида мактаби очдилар. Халқ ўргансун, мактабнинг мунтазамини ўзум таъмир этиб очтураман...» Ман арзи ташаккур ва дуолар этдим. Бир неча ой сўнгра «Таржумон»га хабар келдики, янгигина очилган хусусий мактабни ҳукумат ёпдурди. Яна бу дафъа келишга жаноб олийга манзур бўлдум. Хейли узоқ суҳбатлашдук. Бухоро мактабнинг таассуфлик анжомига ичим ёнганини баён этдим. Марҳум деди: «Ал-он янги замонду, эскини замони эмас. Ҳар мактабда усули машварат жорий бўлубду. Бизни Бухорода ҳам уламолар машварат ила бу янги мактабни бўлмаслигини хоҳиш этибдилар. Бинобарин, мактаб боғланди... Оҳ, (Маҳмуд)хўжа муфти афанди! Бизни мусулмон ҳукмдорларимиз, миллатни ва исломиятни тараққий этмаслиги учун маршрутiatedида бўлурлар...»

Исмоилбек ҳазратларига Оллоҳдан мағфират тилайдук. Насороларни ҳар бир пойтахтига бир неча бобдан дорулфунунлар-

²⁰⁵ Ўтел – меҳмонхона.

нинг ҳар биринда ўн мингларча талабалар ҳамда эъдодий ва рушдий ададсиз мактаблари бор экан, мусулмон бўлган Бухоро аморатининг пойтахтида биргина боб ярим ибтидоий мактаб-да боғланур. Оҳ, бу бадбахтликлар қачонгача давом этар?

Маҳмудхўжа
«Ойна». 1915 йил 16 май. №14

ЁРДАМ КЕРАК

Ҳозирги жаҳон урушининг зўрлиги, даҳшатлиги, қонумон-сўз ва жонгудозлиги, мамлакат ва шаҳарларни, ададсиз даҳа ва қишлоқларни ёндируб, харобазор этиб ва қолган халойиқни хонавайрон қилганлиги ҳар кимга маълумдур. Ҳозирги муҳораба ва Русия аскарлари сафинда икки-уч юз минг татар мусулмон аскар қариндошларимизни-да урушуб турганлари зоҳирдур. Бу икки-уч юз минг (яъни икки-уч лак) мусулмон аскарлардан икки-уч юз минг рўзгор ва оила қолгандур. Демакки, икки-уч юз минг мусулмон рўзгор ва ҳовлисини каттаси ва боши кетиб, оилалари бошсиз ва муҳтож бир ҳолда қолгандурлар. Рўзгори бор кишилар бу ҳолни ўйласа, ишни қаттиғ ва даҳшатлиги маълум бўлур. Бу икки-уч юз минг рўзгор бошчиси урушга кетиб, бир қисми душман ўтига ҳадаф бўлуб ватан йўлинда ўлар. Бир қисми мажруҳ ва нотавон бўлуб, ишга ярамасдан қолур. Бир қисми жойи келганда бандга тушар. Бир қисми ҳеч ким билмасдан йўқ бўлур. Бошқалари уруш сафинда, бас, энди буларнинг рўзгор ва аҳл аёлининг ҳолини ўйлаб қарангиз!

Уруш бошланганига қарийб бир йил бўлур. Бир йилдан бери отасидан, ака ва укасидан, азиз ўғул ва меҳрибон эридан айрилган ва ҳар дам жигарбандини доми балоға, ўқи жафоға ва жаҳаннамисол оташга қараб интилатурган ҳолатини ёдга олиб кўнгли лахта-лахта қон бўлгувчи бечора оилаларни ёдингизга ва кўз олдингизга келтурунгиз. Дигар тарафдан, йўқсуллик ва рўзгор эгаси йўқолиб, аҳли ва оилани кўзи кийим ва нафақага термулганини ўйлаб қарангиз. Бечора оила бу ҳолда экан, ўгли-

ни, ота ва инисини ярадор бўлганини эшитар. Ё ўлганини билар. Ёинки қўл ва оёғи кесилиб, ишдан чиқиб келганини кўрар. Бас, энди ададсиз алам ва дардлар илан ёнгувчи оиланинг аҳволини тасаввур этмоқ керак. Оҳ, бу шундай доғки, тасаввур ва ўйлов илан билинмоғи мумкин йўқдур. Мана шул вақтда бу оилага бир-икки сўм ақча ё бир пут ун ё бир-икки кийим эҳсон қилган бўлуб қарангиз, албатта, бу ғариб ва бекас рўзгорга қилган озгина ёрдамингизни катта бир иш эканлигини биларсиз!..

Уруш майдонинда, уруш касалхоналаринда мажруҳ ётган мусулмон аскарларни кўзи бир мусулмон ёрдамчиға, бир мусулмон китобиға, Қуръони азимуш шаънға, бир муллоға термулар. Охиратға бир қадам қолган ҳолда жигарбанд ва оиласидан айрилиб, бегона элларда оҳ ва нола ила жонсўз бир ҳолатда осмонға термулуб ётган, бадани, жони ва руҳи мажруҳ бир мусулмонни тасаввур этингиз ва бу мусулмонға бир пиёла шарбат ва бир дуо ва, хусусан, бир Қуръон ила мутаважжиҳ бўлуб ҳолини сўрангиз. Бир-икки оят ўқуб, анга дам солгувчи ва иймон талқин этгувчи бир мулло юборуб қарангиз. Энди албатта, бу ғариб ва мажруҳ мусулмонни фараҳи ва шодлиги ва иймонини қавий бўлуши даражасини англасангиз керак.

Эй муҳтарам қорилар! Мана шу ҳолатларни ва мундан бошқа заруратларни билиб ва аларға бақадри имкон ва ҳаммасиға бўлмаса-да, балки юздан бириға бир чора топмоқ учун Русия мусулмонларининг миллат ходимларидан бир неча мўътабар зотлар Петербургда «Аскарларға ва аларнинг оилалариға ёрдам учун муваққат мусулмон комитети» исминда бир жамият барпо этиб, ҳукуматни рухсати илан бутун Русиядаги мусулмонлардан ақча жамлаб юқорига ёзилган аскарларға ва аларнинг рўзгор оилалариға ёрдам бермоқға бошладилар. Ва ушбу йил 1 майғача 7159 сўм 77 тийин ақча жамланиб ва сарф этмоқға бошлабдурлар. Муваққат мусулмон жамиятининг идораси «Ойина» мажалласи идорасинда ақча жамламоқ учун ушбу йилдаги 738 рақамлик тасдиқномаси ва 325 рақамлик «иона когази – подписной лист» ила 31 рақамлик иона санад ва дафтари юбориб «Ойина» востаси-ла ва ҳам шифоҳан иона тўплаб юбормоқни ва «Ойина» ила ёзиб иштиҳор ва далолат этмоқни илтимос этар. Ани учун ушбу ишнинг муҳимлигини муҳтарам хонандаларимизға арз этиб ил-

нинг ҳар биринда ўн мингларча талабалар ҳамда эъдодий ва рушдий ададсиз мактаблари бор экан, мусулмон бўлган Бухоро аморатининг пойтахтида биргина боб ярим ибтидоий мактаб-да боғланур. Оҳ, бу бадбахтликлар қачонгача давом этар?

Маҳмудхўжа
«Ойна». 1915 йил 16 май. №14

ЁРДАМ КЕРАК

Ҳозирги жаҳон урушининг зўрлиги, даҳшатлиги, хонумон-сўз ва жонгудозлиги, мамлакат ва шаҳарларни, ададсиз даҳа ва қишлоқларни ёндируб, харобазор этиб ва қолган халойиқни хонавайрон қилганлиги ҳар кимга маълумдур. Ҳозирги муҳораба ва Русия аскарлари сафинда икки-уч юз минг татар мусулмон аскар қариндошларимизни-да урушуб турганлари зоҳирдур. Бу икки-уч юз минг (яъни икки-уч лак) мусулмон аскарлардан икки-уч юз минг рўзгор ва оила қолгандур. Демакки, икки-уч юз минг мусулмон рўзгор ва ҳовлисини каттаси ва боши кетиб, оилалари бошсиз ва муҳтож бир ҳолда қолгандурлар. Рўзгори бор кишилар бу ҳолни ўйласа, ишни қаттиғ ва даҳшатлиги маълум бўлур. Бу икки-уч юз минг рўзгор бошчиси урушга кетиб, бир қисми душман ўтига ҳадаф бўлуб ватан йўлинда ўлар. Бир қисми мажруҳ ва нотавон бўлуб, ишга ярамасдан қолур. Бир қисми жойи келганда бандга тушар. Бир қисми ҳеч ким билмасдан йўқ бўлур. Бошқалари уруш сафинда, бас, энди буларнинг рўзгор ва аҳл аёлининг ҳолини ўйлаб қарангиз!

Уруш бошланганига қарийб бир йил бўлур. Бир йилдан бери отасидан, ака ва укасидан, азиз ўғул ва меҳрибон эридан айрилган ва ҳар дам жигарбандини доми балоға, ўқи жафоға ва жаҳаннамисол оташга қараб интилатурган ҳолатини ёдга олиб кўнгли лахта-лахта қон бўлгувчи бечора оилаларни ёдингизга ва кўз олдингизга келтурингиз. Дигар тарафдан, йўқсуллик ва рўзгор эгаси йўқолиб, аҳли ва оилани кўзи кийим ва нафақага термулганини ўйлаб қарангиз. Бечора оила бу ҳолда экан, ўгли-

ни, ота ва инисини ярадор бўлганини эшитар. Ё ўлганини билар. Ёинки қўл ва оёғи кесилиб, ишдан чиқиб келганини кўрар. Бас, энди ададсиз алам ва дардлар илан ёнгувчи оиланинг аҳволини тасаввур этмоқ керак. Оҳ, бу шундай доғки, тасаввур ва ўйлов илан билинмоғи мумкин йўқдур. Мана шул вақтда бу оилага бир-икки сўм ақча ё бир пут ун ё бир-икки кийим эҳсон қилган бўлуб қарангиз, албатта, бу ғариб ва бекас рўзгорға қилган озги-на ёрдамнингизни катта бир иш эканлигини биларсиз!..

Уруш майдонинда, уруш касалхоналаринда мажруҳ ётган мусулмон аскарларни кўзи бир мусулмон ёрдамчиға, бир мусулмон китобиға, Қуръони азимуш шаънға, бир муллоға термулар. Охиратға бир қадам қолган ҳолда жигарбанд ва оиласидан айрилиб, бегона элларда оҳ ва нола ила жонсўз бир ҳолатда осмонға термулуб ётган, бадани, жони ва руҳи мажруҳ бир мусулмонни тасаввур этингиз ва бу мусулмонға бир пиёла шарбат ва бир дуо ва, хусусан, бир Қуръон ила мутаважжих бўлуб ҳолини сўрангиз. Бир-икки оят ўқуб, анга дам солгувчи ва иймон талқин этгувчи бир мулло юборуб қарангиз. Энди албатта, бу ғариб ва мажруҳ мусулмонни фараҳи ва шодлиги ва иймонини қавий бўлуши даражасини англасангиз керак.

Эй муҳтарам қорилар! Мана шу ҳолатларни ва мундан бошқа заруратларни билиб ва аларға бақадри имкон ва ҳаммасиға бўлмаса-да, балки юздан бириға бир чора топмоқ учун Русия мусулмонларининг миллат ходимларидан бир неча мўътабар зотлар Петербурғда «Аскарларға ва аларнинг оилалариға ёрдам учун муваққат мусулмон комитети» исминда бир жамият барпо этиб, ҳукуматни рухсати илан бутун Русиядаги мусулмонлардан ақча жамлаб юқорига ёзилган аскарларға ва аларнинг рўзгор оилалариға ёрдам бермоқға бошладилар. Ва ушбу йил 1 майғача 7159 сўм 77 тийин ақча жамланиб ва сарф этмоқға бошлабдурлар. Муваққат мусулмон жамиятининг идораси «Ойна» мажалласи идорасинда ақча жамламоқ учун ушбу йилдаги 738 рақамлик тасдиқномаси ва 325 рақамлик «иона коғази – подписной лист» ила 31 рақамлик иона санад ва дафтари юбориб «Ойна» воситаси-ла ва ҳам шифоҳан иона тўплаб юбормоқни ва «Ойна» ила ёзиб иштиҳор ва далолат этмоқни илтимос этар. Ани учун ушбу ишнинг муҳимлигини муҳтарам хонандаларимизға арз этиб ил-

қўшмасдан ва камайтмасдан маъно ва мафҳумни олганда охири чиқар. Чунончи ҳадисни мазмуни: «Жуфти пок набий, модари мўминун Оишаи сиддиқа дерларки, ҳазрат расулдан сўрадиларки, шунда янги қавмлар борки, ширкга аҳд этгандурлар. Ва бизга гўшт (эт)лар илан келурлар. Билмаймизки, алар сўйганда Оллоҳ исмини зикр этарлар ё йўқ. Пайғамбар деди: «Худо исмини айтиб ани ерсиз». Мана, замон ҳазрат пайғамбардан сўнгра пайдо бўлган фалсафа, сиёсати байналмилал ва афкори хосса ва ҳиссиёти оммани қўшмасдан ҳадисни мазмунига диққат қилсак, бизни фаҳмлаганимиздек чиқар. «Ақваман ҳадисан» – мумкиндурки, янги кўчуб келганлар бўлсун. «Аҳдиҳим юшрику» – шарикни ижроси учун аҳд этган бўлуб, албатта, мушриклик чиқар. «Аҳдуҳум бимушрикин», яъни мушриклар ила аҳд этган бўлсалар эди, балки жаноб Расулини фаҳмлари чиқарди. Ҳолбуки, «Аҳдуҳум бишрикин»дан ширкга устувор туруб айни мушриклик маъноси чиқар.

Расулий жанобларини «Аларнинг замонлари мушриклик замониға яқин» деганлари ҳадисдан чиқмайдур. Магар ҳадисға бир неча сўз қўшуб ҳадисликдан чиқарилса, яна Расулий жаноб сарвари оламни кўруб муборак забони дурри борларидан эшитгандек, жаноб сарвари оламни муддаолари шудур, деб бир неча хатлар ёзиб, ҳадисдаги мафҳумға хилофан фикрларини ёзиб ижтиҳодни нодуруст, деб сўйлаб туруб ўзларини ижтиҳод ила ҳадис маъносини тағайюр берганларини билмасдан қолганлари ажбдур. Оре, уламои салаф ва шориҳини киром ўз замонларининг, муҳити ва сиёсати асрияларнинг оқишиға тобе бўлуб, баъзи ҳадис ва оятларнинг ўз фикрларича шарҳ ва тафсир этганлар, аммо шарҳ ва тафсирларинда ва одамларнинг хусусий фикр ва раъйлари бўлуб, асл нассға ҳеч вақт тасарруф этолмайдурким, таъмин этарки онлар хато этмадилар.

Ҳолбуки, мужтаҳидни қадихатилигиға ўзингиз, албатта, қоилсиз. Ҳиссиёт ва афкори шориҳинға берилмасдан таржима этиб қарасангиз, хилофи муддаоингиз чиқар, азизим! Ҳо, мушрик сўйганини емоқ ва емаслигимиз бошқа сўз ҳадисға рухсат бўлса-да емаслик виждоний ишдур. Аммо сизни, бизни ва миллиёнлар ила шориҳларни шарҳи ва мазоқи ҳадисни матни шарифға абадан тасарруф қилолмайдур...

Расулий жаноблари дерки: «Мужтаҳидлар ахз²⁰⁶ қилган масалаларнинг зиддин усулдан (оят ва ҳадисдан) олиб рад қилмоқимиз бизнинг вазифамиз эмас». Мошаоллоҳ! Ҳазрат расули акрам бизга китоб ва суннатга амал қилмоқга васият этдилар. Имом Шофейй раҳимаҳуллоҳ алайҳ: «Иза саҳҳал ҳадису фаҳу-ва мазҳабий» – «Маним мазҳабим дуруст ҳадисга амал қилмоқ», – дедилар. Имом Аъзам ҳазратлари: «Сўзум мухталиф ҳадис бўлса, деворга отинг», – дедилар... Аммо жаноб Расулий дерларки: «Бир шориҳ сўзининг нодурустлигини ва чинини оят ва ҳадисдан топиб рад қилмоқ бизни вазифамиз эмас». Мана Ҳазрат Пайғамбар, Қуръон ва ҳадисга амал қилмоқга буюрурлар. Мазҳаб имомлари яна ҳадисга иқтидо қилурлар. Аммо жаноб муаллим Расулий китоб ва суннатдан қочмоқга ва аларни ахтармасга тарғиб этарлар. Шориҳлар сўзини зиддини Қуръон ва ҳадисдан топмоқга кучанурлар. Биз, албатта, жаноб муаллим сўзини хилофи насс²⁰⁷ ва хилофи мазҳаб ва хилофи ақл ва мантиқ дермиз.

Ҳақиқатда шундайдур. Оре, билармизки, масала, яъни (фуруъ) китобларига, китоб ва суннатга тўғриси ҳақиқатга мувофиқ ва баъзан муҳолиф кўб фикр ва лойиҳалар бор. Модомики, аслидан, яъни китоб ва суннатдан беҳабармиз, фуруъотдагиларни²⁰⁸ ҳақ эътиқод қилиб амал қилармиз. Вақтики Қуръон ва суннатдан фаръий бир масалани хилофлигини тобдук, Ҳазрат Пайғамбар фармойишларинча ва соҳиби мазҳаб имомларнинг марҳаматларича, албатта, аслга амал ва эътиқод қилмоқ керак. Азбаски, муҳолифи мазҳаб эмас, балки мувофиқи мазҳаб ишлаган бўлурмиз. Зеро, мужтаҳид хато этар. Шориҳ ғалат ва саҳв этар. Аммо шореъ, яъни Худо ва расул мундан муназаҳа ва покдурлар. Бинобарин шориҳ ва лойиҳачиларнинг ғалат саҳвини Қуръон ва ҳадисдан топсақ, албатта, жаноб Расулийнинг хилоф васиятларича зиддиға, яъни Қуръон ва ҳадисга амал қилармиз. Тақлидни бу қадар омиёна кўр-кўронаси боис ҳалокатимиз ва барбодлигимиздур. Шориҳни сўзи хилофи китоб ва суннат бўл-

²⁰⁶ Ахз – қўлга киритган, олган.

²⁰⁷ Насс – ҳукм, аниқ далил, хилофи насс – ҳукмга, аниқ далилга қарши.

²⁰⁸ Фуруъ, фуруъот – қўшимча, мавзуга яқин талқинлар, аслга қаттиқ боғланмаган асар, фикрлар.

са-да, зидди бўлса-да сукут ва амал қилдилар. Бу на деган сўз, тааммуқ қилинурми? Маснавий ҳазратлари дер: «Халқро тақлид шон барбод дод, эй ду сад лаънат бар он тақлидбод!» Яъни халқни кўр-кўрона тақлид этганлари барбод ва ҳалок этди, мундай тақлидга лаънатлар ўлсун!

Оре, шориҳлардан баъзилари Худонинг очиқ, осон ва кенг динини торайтирдилар. Чунончи 8-адад «Ал-Ислоҳ»даги муориз муҳтарамамиз Аҳмадхўжанинг далил мақоминдаги ва бизни фикрни зидди ва зарарига, деб ёзган байти арабийларида шуни баён ва тасдиқ этар: «Дин йўлига жони куйган, тутуни чиққан байт эгаси дер: «Жоҳил шориҳлар Муҳаммаднинг кенг ва осон динини тор ва қийин эта-эта ундан бир ҳукмини-да қолдурмадилар. Дерларки: китоб ва суннатдан кўра фалон ва фалон шориҳлар сўзига амал қилмоқ авлодур. Аммо сиз, мусулмонлар, мазҳаблардан кўра асл дин китоби (Қуръон ва ҳадис)га амал қилиб, жоҳил фалон ва фалон шориҳларни сўз ва фаҳмларидан ҳазар этингиз». Муҳтарам Расулий жаноблариға юқоридан бери ёзилиб келган сўзлар ўрниға жаноб муориз муҳтарамимиз Аҳмадхўжа шоирининг юқоридаги уч байтини ёзсак-да, яхши бир жавоб бўлар эканки, биз муниси ёзгандан сўнгра билдук. Сўзни усайганиға муҳтарам хонандалардан афв тилаймиз.

Шуни-даёзайин, мўътабармажалла «Ал-Ислоҳ»нинг туғросига «Ал-Ислоҳнинг вазифаси» унвониға ислоҳ ўз шиорини шу сўз ила эълон этар, чунончи, «Ал-Ислоҳ» мусулмонларнинг эътиқод ва амалиётини, маълумот ва русумотни китоб ва суннат ила ислоҳ қилатурган... исломий мажалладур», дер.

Дарвоқе, «Ислоҳ»ни ҳар ададинда «Ислоҳ» муҳаррирлари бир неча оят ва ҳадислар ёзиб, ўз фикрларинча таржима ва шарҳ этарлар. Энди Расулий жанобларининг юқорилардаги танбеҳ ва тавсиялариға амал қилганда «Ислоҳ»нинг-да китоб ва суннатдан қўл узуб, фақат фуруъ китобларидан ёзмоғи ва оят ила ҳадисдан «Ислоҳ»ға ёзмаслиги лозим келур. Жаноб Расулийча, оят ва ҳадисдан бир нимарса англамоқимиз мумкин ва ё жоиз бўлмай, фақат масала китоблари олами исломға кифоят этса, ислом оламининг мадрасаларинда Қуръон ва ҳадис ўқумоқдан на маъно чиқар? Оят ва ҳадис инзол ва судуридан на фойда ҳосил бўлур? Мавло фаҳм ва басират берсун! Оҳ, Расу-

лий жанобларининг марҳаматлари на қадар сатҳий ва юзлама бир таклиф! На қадар соф дарунона ва аслсиз бир тарғиб! (Боқияси сўнгра).

Маҳмудхўжа
«Ойина». 1915 йил 15 июнь. №16

БУХОРО ВОҚЕАЛАРИ ВА ДАФЪИ ТУҲМАТ

Санаи ҳозира 5 апрелда Самарқанд Ижроия қўмитаси мажлисинда раис мажлис тарафиндан ҳуфя машварат борлиги эълон қилиниб генерал (Куропаткин)нинг Самарқанд волийсига 25 мартда ёзган расмий бир мактуби музокарага қўюлди.

Бухоро амири ва ё рус кўнсулининг мактуби сабабиндан Куропаткин ушбу мактуб ила Самарқандга мурожаат этган эди. Гўё Бухоро амири Бухорода кенг бир ислоҳоти шаръия жорий этар эканким, Бухоро ҳамсоғлигиндаги халқнинг Бухорога фасод нашр қилмоқларидан қўрқиб борлиги муғлақ бир сувратда баён қилинур эди.

Мактубсарбастёзилгани учун ҳарким бир навангларади. Охирида мажлис қарор қилдиким, оврупойилардан жаноб Чартуф ва Герцфельд, мусулмонлардан Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мулло Ҳайдарбек Абусаид ўғли, яҳудийлардан Исохоров фавран Бухорога бориб, аҳвол ила ошно бўлсунлар ва аларга лозим маълумотлар берилди.

Бизлар 6 апрелда Бухорога бордук. Вокзалда Миллер жанобларини кўруб, бир вағунда ўлтуруб, қоғозларимизни кўрсатдук. Ул киши деди: «Бу кун жаноби олий амир ҳазратлари катта ва кенг бир манифест эълон қилурлар, сизлар-да Арки олийга боришингиз мумкиндур».

Сафир ила бир вағунга ўлтурдук. Мазкур манинг ила форсча ва русча бир хейли сўйлади. «Сизни гоибона танийман, ушбу манифестни ҳануз ҳеч ким ўқуган йўқ, биринчи дафъа сизга кўрсатурман», – деб матбу бир қоғоз узатди. Тапақкур этиб, олуб ўқудим. Икки-уч еринда ирод этдим. Баъзисига жавоб берди. Вағун

ичида яна икки форсидан ноибӣ ҳам бор эдиким, орамизда бир хейли суҳбат ва баҳслар бўлуб ўтди.

Бизлар 7 апрелда, соат 9 да Аркга бордук. Соат ўнғача бир меҳмонхонада чой ичиб ўлтурдук. Насрулло қушбеги ила бир хейли сўйлашдук. Миллер жаноблари манифестнинг аслини чиқариб, қушбегиға берди. Қуйисиға амирнинг катта давра муҳри босилгон эди. Қушбеги ўқуб кўруб, қўл қўйди.

Миллер жаноблари асл нусхани манга берди, охириға яна ўқуб чиқдим. Таҳрирнинг бир неча жойиға сакталари бўлуб, ҳатто баъзан маънини бузар эди. Фолибан муни мусулмоний билатурган рус ёзган эди.

Соат 10 дан ўтди. Бизларни «Раҳимхоний» меҳмонхонасиға олиб бордилар. Меҳмонхона 20-30 газ узунликда, 12-15 газ ҳам энликда бўлуб, тўртдан уч ҳиссаси уламо ва акобири Бухоро ва табаъа ила тўлган эди. Бизлар кунжда турдук, беш дақиқадан сўнг Насрулло қушбеги жаноб олийни олиб келди. Ҳамма туруб таъзим бажо келтурдилар.

Миллер ва ноиблари ила амир кўрушди. Бир кўрпача ва заррин лўла қўйилган эди. Амир анинг устида мурабба ўтурди. Аммо семизлигидан заҳмат чекар эди. Халқ амирни дуо этди. Қушбеги фармони ҳумоюндан бир нусхасини жаноб қозикалон Шариф маҳдумға берди. Амирнинг ўзи ва ҳамма ҳозирун тек турган ҳолатда жаноб қозикалон баланд овоз ила охиригача ўқудилар. Халқ яна дуо этди. Баъзи ёшлар: «Яшасун амир ҳазратлари!» деб чақирдилар. Амир яна элчилар ила ва биз ила борган икки нафар оврупойи ила қўл узатиб кўрушди. Биз, икки нафар мусулмонлар-да мунтазир эдукки, қўл узатсалар, токи зиёрат қилсак, билмайман, на сабаб илтифотларидан маҳрум қолдук, вале ҳузурда ҳаммамиз аралаш турган эдук. Фолибан салла ва чопонларимиз зарар келтурди. Амир ҳазратлари на аввалда ва на охирда, агарчи бир калима бўлсун, сўйламасдан фавран чиқиб кетди.

Ман Миллердан руҳсат олиб, ҳузури киромға шу арзни қилдим: «Ҳазрати уламо ва аъёни Бухоро жаноб олийнинг ушбу кунги марҳамат олийлари ила бутун Бухоро қариндошларимизни табрик этмоқға жасорат этарман. Умидвормизки, бул қийматбаҳо фармоннинг жорий ва маръий бўлушиға ҳазрат уламо ионат этса-

лар. Амир ҳазратларининг бу бахшиш шоҳоналари халойиқнинг тараққий ва осойишига, албатта, сабаб бўлур. Бутун Самарқанд аҳолиси номидан бандалари бул мажлисда арзи таарруз ва эҳтиром этарман!»²⁰⁹ Хитобни «Ман бошдан охиргача ўқудим. Шаръи шарифга мувофиқдур. Бинобарин, ёрдам қилурмиз»²¹⁰, дедилар. Ман ташаккур этиб, ўртадан чекилиб, еримга қайтдим.

Фармон фақат 500 нусха қадар босилган эканким, Миллер котибининг қўлида эди. Халқга 300 нусха қадар тарқатдилар. Аммо андаги халқ минглар ила бўлуб, мунинг устига ҳужум этган эдилар. «Халқ бетартиблик қилди», деб Миллер жаноблари манифест тарқатмоқдан ман этди. Гўё қоғоз қаҳат ва, ёинки, ақча йўқ эди. Вале 50 минг нусха тарқатмоқ керак эди. Бухоро ҳукуматига бул бобда билмайман – ақлми етмади ёинки ихтиёрими йўқ эди.

Ҳаммамиз ва элчи чиқуб кетдук. Арк атрофида бир неча минг халқ тўпланган эди. Ман, Чартуф, Мулло Ҳайдарбек ва Исохорунфни ёшлар бир ҳовлига таклиф этдилар. Бордук. 50-60 нафар ёшлар тўпланди. Табрик этдук. Алар кўчаларга чиқуб, намоён қилмоққа машварат этдилар. Бизлар ман этдук. Ёшлар қабул қилмадилар, охири бироз эътидол ила ҳаракат этмоқга шиддатлик сувратда тавсия этуб чиқдук.

Бориб, бироз истироҳат ва таом едук, соат 3 – яна ёшлар мажлисига қайтдук. 200 га қадар киши тўпланиб экан, Лаби ҳовузда ва бошқа жойларда митинг ва жамият қилиб эканлар. Фармонни баланд овоз ила ўқуб, халойиқга тушунтирибдурлар. Ҳатто бир-икки минг халқ тўпланган жойлар бўлубдур. Ёшлар ниҳоятда масрур ва масъуд эдилар.

Бизлар (Маҳмудхўжа ва Мулло Ҳайдар) бир исломия қулуби (мажмуъи) таъсис этмоқга машварат бердук. Ўзлари ҳам бир жамияти хайрия учун қонун тузатган эканлар. Бизлар ҳам аъзоликка ёзилдук. 200 сўмга қадар ақчалари бўлди. Ёшлардан Файзуллохўжа Убайдуллохўжа ўғли жаноблари 500 сўм, Сатторхўжа 100 сўм берди.

²⁰⁹ Шу ерда беш қатор йиртилган.

²¹⁰ Бу ерда қозикалон Шарифжон маҳдум назарда тутулмоқда.

Эртага намоиш қилуб, амир ҳазратлариға арзи ташаккур ва ихзори убудият учун алам кўтариб, Арка бормоқчи бўдилар. Бизлар уламоға қаттиқ тегар, деб ман этдук. Бул бобда ихтилоф бўлди, оқибат ёшлардан 4 нафар биз ила бориб, Миллер ила машварат этмоқчи бўлдук. Ёшлар бир неча алам-да ҳозирлаб қўйган эканлар.

Амир-ла уламо, савдогарлар ила ҳусни ҳасаний халқ бирлан ва ёвошлик ила муомала қилишни ёшларға ожизона тавсия этдук, оқшом Когонда Миллернинг олдиға бордук. Бул узасинда мулоқот этиб, намоишни сўйлашдук. Миллер ман этди. Ёшлардан баъзи(си) қилмоқчимиз, деди. Миллер Маҳмудхўжаға: «Намоишға сиз ташвиқ қилибдурсиз?» дегандек бўлди. Маҳмудхўжа: «Бу иш мандан эмас, балки ман этдим, қабул қилмадилар», – дедим. Миллер: «Ман биламан, агар сиз қатъиян ман қилсангиз, қабул қилурлар», – деди.

Мандедим: «Бўлмасасулҳ қилурмиз, шундайким, элчи жаноблариподшоҳликаморат ва ёҳовлилардан бирини қурбучун бериб, явм кушодида ҳозир бўлсунлар. Ёшларнинг ўзини ва жаридасини ҳимоятлариға олсунлар. Намоишни бир неча кун сўнгра амир ҳазратлари боғга чиққандан кейин қилсунлар». Мунга ҳамма кўнди. Ман ва Мулло Ҳайдарбек алардан ажз олиб қўшхонамизға боруб, 8 апрел, шанба куни, эрталаб соат 8 да қўрғонга кириб, икки фирқа бўлган мусулмон қариндошларимизни яраштирмак учун мурожаат этдук.

Эшитганимизга кўра, шанба куни аввало яҳудийлар кўча халқи намоиш учун бир ерға жамланурлар, ёшлардан бир қисми ҳам ноилож буларға қўшилурлар. Охири акс ҳаракат бошланиб, ёшларға ҳужум қилинур, ёшлардан бир нечаси урилур. Бир зарб ила шаҳид бўлур. Бу сабабдин Самарқанддан рус аскар бориб, ишни яхшилиқ ила бостирар. Самарқанд мусулмонларидан ҳам аскар ила бир неча депутат борур. Бухоро тинчлашур. Аммо бир-икки бегуноҳ мударрис-да эскилик тарафдорларидан таёқ еяр. Биз бу ҳодисаи ранжиянинг сабабини бошқа бир мақоламизда баҳс этармиз.

Бизлар Каттақўрғон кириб, биродарларимизни яқинлаштируб, яраштурдик. Сўзимизни рад қилмаганлари учун ташаккур этамиз. 8 апрелда оқшом Самарқанд муқаффинда Бухорода

воқеъ бўлган қаро хабарни эшитдук. Тўққизинчида Тошкандда «Краевой съезд»га бордук. Бир-икки кундан сўнгра съезд мажлисинда руслардан баъзиси Бухоро ҳодисаси ранжинасиға Самарқанддан борган депутатлар сабаб бўлди ва Самарқанддан ўз ихтиёри ила бордилар, деб минбардан сўйлади. Камина Маҳмудхўжа туруб, минбарда юқоридаги сўзларни муфассалан сўйладим. Андаги оврупойи йўлдошларимиз ва Самарқанд Ижроия қўмитанинг раиси Оранский жанобларини шоҳиқа кўрсатиб, хасми мазлум ва сукут этуб, ўзимдан ва рафиқларимдан дафъи тўхмат этдим.

Бухоро уламо ва умароси-да баъзиларнинг бу фармони олийдан норизоликлари сабабини бироз баён этдим, лозим бўлса, бошқа бир мақола ила мўътабар «Хуррият» қорилариға-да баён қилинур.

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Хуррият». 1917 йил 1 май. №5.
«Хуррият». 1917 йил 3 май. №6

МУҲТАРАМ САМАРҚАНДИЙЛАРҒА²¹¹ **ХОЛИСОНА АРЗ**

Аҳли хабарнинг маълумидурким, эски ҳукумат замонида қар нимарса амр ва буйруқ ила бўлур эди. Халойиқнинг диний ва миллий ишларини ислоҳи ва ривожни тўғрисида қилатурғон ҳаракатларға йўл берилмас эди. Ҳеч нимарса ҳукуматдин бежавоб ва изнсиз қилина олмас эди. Ҳозирда бўлса, Худои таоло бизға хуррият берди. Диний ва миллий ислоҳот ва тараққийимиз учун ҳаракат ва саъй этмоқға йўл очуқдир.

Хурриятнинг учинчи ойиндамиз. Лекин биз, самарқандийлар, диний ва миллий ишимизни ривож бермоқ учун ҳануз бир иш қила олмагандурмиз. Аҳли жамоат ва ғайрат бир неча ёшлар, аҳли мурувват бир неча мўйсафид ва катталаримиз бир

²¹¹ Ушбу мақолани Ҳалим Саййид тайёрлаган.

неча кун бир бўлиб, баъзи яхши ишларни бажармоқчи бўлдилар. Ҳатто, уламои киромдан аксари қўшулмоқчи бўлдилар, билкулли қўшулдилар.

Ёшларнинг очган «Исломиий клуби» ҳар кун уламо, савдогар ва аҳли касабдан бир неча дафъа тўлуб, бўшолуб эди, ишлар яхши кетар эди, умидлар қавий (кучли – Ҳ.С.) эди. Ояндамининг яхши бўлушини истидъолар қилур эдук. Аммо ишлар ва иттифоқлар узоқга сурилмади. Бир неча тажрибасиз ва тез ҳаракат ёшлар, бир-икки нафар нафсониятга ботган ва ўлгунча тугалмайтурган кишилар қадим иғво ва фасодни ўртага солдилар, натижада Самарқанд халқи иккига бўлунди. Балки икки эмас, юзга бўлинув, халқнинг кўнгли совуб, баъзиларнинг сўз ва ҳаракатларидан нафратланиб, тарқалиб кетдилар.

Бу кун маънои ҳақиқийси ила Самарқандда бир жамият йўқ, миллат ва дин ояндаси учун натижалик бир саъй ва ҳаракатни бошқаратурган бир жамият йўқдур, ҳозиргача айтур эдукким, бизнинг миллий ҳаракатимизга ҳукумат монеъдур, аммо энди ўзимиз монеъмиз.

Эй ҳазрати уламо! Эй тужжор, аҳли касаба ва ағниё! Эй ғайратлик ёшлар! Нифоқ ва бир-бирига душманликни ташлангиз. Худо ҳаққи, арвоҳи анбиё ҳурмати ва бу кунларда қорнини тўйғизолмайтурган етим ва бевалар ҳаққи бир-бирингиз ила иттифоқ этуб, жамиятлар барпо қилуб, холиқ Худонинг нафиға, дин ва миллат йўлига хизмат этингиз. Миллат ва халқ сиздан хизмат ва яхшилик талаб этадур, нафсоният ва ғурур эмас.

Эй ёшлар! Сиз ҳам бироз оғир ва хушсўз бўлингиз. Ҳурриятнинг аввалида халойиқ сизга инонди, сизга ўзини ташлади, аммо сизлар тажрибасизлик этиб ва ўз орангизда ихтилоф кўрсатиб, халқнинг ўз борангиздаги хушгумонлигини, афсуски, йўқотдингиз. Мана шу йўқотганингизни қайтариб топмоққа ҳаракат, саъй этингиз. Халқ сизларга майл қилғон эди, сизлар, тўғриси, бажаролмадингиз. Мана шу тажрибасизлигингизни хотирингизга келтирунгиз ва бул ёшларга дарси ибрат бўлсун.

Муҳтарам ёшлар! Замон сизникидур, қарилар замони ўтган. Сиз киромға бобасират бўлуб, ўн дафъа ўлчаб, бир дафъа кесингиз. Оташинлик ва тезлик ила иш бўлмас. «Ал-ажлату минаш-

шайтон!»²¹² Бу фикрни бошингиздан чиқарингизким, сизнинг ўз бошингизга тараққий қилмоғингиз мушкулдур. Балки бутун шаҳрингиз ва миллатингиз ила тараққий қилурсиз.

Ман ҳам йигирма йилдан бери ҳаракат этаманким, тараққий пайдо бўлсун, шуни сизлар ҳам билурсизки, ўн ва йигирма нафар ила тараққий бўлмайди ва бўлмас экан. Бинобарин, ўрта ва бир қадар имкони кўпроқ киши майл қилатурган йўл ила тараққий этмоқ керак ва унсиз бошқа чора йўқдир. Муни мен бир неча дафъа сизларга юз-баюз айтганман. Муҳтарам ҳамшаҳарларимдан аксари шундай биладурларки, менинг ҳар сўзумни сизлар қабул қиласиз ва сизнинг ҳар бир ишингиз менинг машваратим ила бўлур. Хайр, ундай эмас. Ёшларнинг баъзи бир машварат ва ишлариға шерик бўлсалар ҳам баъзисидан беҳабарман. Зотан, ҳеч ким, ҳеч бир кимнинг ҳаракатидан масъул эмасдур.

Азиз ҳамшаҳарларим, мўътабар аҳли ватаним, ҳаммангиз бир бўлуб, халқ ва диннинг ривожи учун бирлашуб, орадаги нафратларни ташлаб, Худонинг берган ҳуррият неъматидан нафъланмоқ ҳаракатида бўлмоқ керак ва ал-он бизнинг ҳаракатсизлигимиз биздан ҳурриятни кеткуриб, яна бошқаларга бизни асирлик даражасига тушурур ва юз йиллар ила кейин кетармиз. Бизнинг авлодимиз ҳамда халқи олам бизга раҳмат ўрниға лаънат ўқурлар.

Бу сўзлар тўғри сўзлардур. Ёш ва қарилардан, албатта, мандан ушбу сўзларим учун ранжийдургонлар бўлур. Аммо начора, тўғрини айтмагунча, ишлар тўғриланмас. Олдимизда шаҳар думаси сайлови, мажлиси мабъусон (учредительная собрания) сайлови, мамлакат думаси сайлови турубдур. Агарда Самарқанд ёш ва қарилари шу ҳолатда турсалар, вой бизнинг ҳолимизға! Халқи олам бизга кулар. Биз янадин бошқаларнинг асири бўлурмиким, бунга тажрибасиз ёшларимиз, тараққийни хоҳламайтурган катталаримиз сабаб бўлурлар ва ҳам бизнинг ишсизлигимиз учун бошқалардан кейин қолишимиз муқаррардур. «Қулил ҳаққа валав кана мурран» – «Тўғрисини сўйла, аччиқ бўлса-да!»

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Хуррият». 1917 йил 13 май

²¹² Шошма-шошарлик шайтоннинг ишидур.

БАЁНИ ҲАҚИҚАТ

Билмоқ керакки: «Ҳақ олинур, берилмайдур!»

Ҳар бир миллат ва мамлакат халқи ўзини ҳуқуқи диния ва сиёсиясини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади. Дунё жиҳодгардур. Жиҳод – жаҳд ва жиҳодни шакли ҳар замонда бошқа бўлур... Ҳозир бизни жиҳодимиз фикр, газет ва басират ҳамда иттифоқ ила бўлур. Биз, мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари, истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасин ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ. Зотан, динимиз-да мунга монеъдурки, Туркистон яҳудийларини 1300 савали ҳоли бунга шоҳиддир... Биз истаймизки, бутун Русия мусулмонлари мухторият (федерация) усули юзасидан тириклик қилсунлар. Русия мусулмонларининг ҳар бир шуъбаси муҳити жуғрофий ва мамлакатларини ҳудуди табиияси бўйинча айрим бўлақларга бўлиниб, ўз тарафларида ўз ҳуррият ва одатлариға мувофиқ идора қилиниб ва бутун Русия мусулмонлари учун пойтахтига бир «Мусулмон марказий идора» вужудга келиб, сиёсий ва иқтисодий ва мамлакат ишлариға руслар ила қўл-бақўл ушлашиб, дунё ва тараққий майдониға ҳаракат ва бирга жавлон этулсун.

Мана шул (Русиядан ажралмаган ҳолда мухториятли майшат) ни вужудга келтирмоқ учун биз, Русия мусулмонлариға, алалхусус, биз Туркистон мусулмонлариға лозимки, аввало қадим ва жаҳид низо лавзисини қўйиб, ўзаро иттифоқ истасак.

Биз истаймизки, Туркистон мусулмонлари бундаги русий, яҳудий ва бошқалар қўшилган ҳолда ўз бошлариға Русияни бир парчаси ҳисобланадурғон Туркистон ҳукумати таъсис этсак, ўзимизни мажлис муборровотимиз (парламентаризм) бўлсин. Туркистон мусулмонлари ўз шариат ва одатлариға, ўз зақўн ва динлариға мувофиқ тириклик қилсунлар. Туркистон яҳудий ва ... (бошқа) мусулмонлари учун ҳаммаларининг манфаатларини эътиборга олатурғон қонунлар тузулсин... Агарда биз, Туркистон мусулмонлари, хоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифоқ этиб, бу кундан ислоҳотга, иттифоққа қадам қўйсалар, зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва уламомиз бирлашиб, дин ва миллат ва ватанни ривож ила учун хизмат этсак. Агарда биз мухторият

ривожини хоҳласак ва русларга ҳурриятдан ва ҳамватанликдан баҳра топмоқчи бўлсак, лозимки, ўзимиздан бора-бора тадрижий суратда... аскарларимиз бўлсун, ул миллий аскарларимизни ва-зифасини, қиёфат ва шаклини, либос ва тарз маишатини ўзимиз тайин қилурмиз.

Мана, бизнинг олдимизга энг катта ишлар турубдур. Агар-да ҳаммамиз иттифоқ этиб, «Шўрои ислом» жамиятини ўзимиз учун сиёсий ва мўътабар бир жамият қарор этуб, барча шаҳарларга шуъбаларини очиб, қадим ва жадидимиз бирлашуб иста-сак, мухториятли ҳурриятга ноил ўлурмиз. Вале ҳозирги Тур-кистон аҳволига қараганда, яна биз, мусулмонлар, русларнинг фуқароси ва раияси бўлган ўлкадек, алардан даст ва рижога қолурмиз.

Колония (мустамлакот) қойдаси ила бизни идора эдарлар-ки, бунга ўз ихтилофимиз сабаб бўлур. Мана шуларнинг чораси шулким, ёшлар тезлик ва бемаъниликни қўйиб, фанний ила иш қилсунлар. Ман ҳам тезлик тарафдори эдим. Аммо на чора, бу фикрнинг тарафдори оз. Бас, оҳиста кетишдан бошқа илож йўқ. Катталаримиз ва муллоларимизга ҳам арз қилурмизким, ёшлар-дан нафрат қилмай, аларнинг хизматидан миллатни маҳрум эт-тирмасунлар.

Ёшлар истайдурларки, миллатга ва халқ оммага хизмат эт-салар. Аларнинг айби шулким, ичлари тор. Олдимизга иш кўп. Бошқа халқлар ҳар дақиқа тараққий этмоқдадурлар. Такрор арз қилурмизки, ёш ва катталар бир бўлиб ишламоқ керак. Вале бизга на ҳуррият қолур, на-да мухторият берилур. Азба-ски, бу неъматлар ҳар бир халқни ҳозирлиғига қараб берилур. Тўғриси, ҳар миллат ўзини мужоҳидаси ила бу неъматларга мойил бўлур.

Халқимизнинг ҳозирги ихтилофи мени дилхун этар, маъюс этар. Бошқа миллатлар иттифоқ ила ишлаганда, биз бир-бири-миз ила душманлиқга турсак, вой бизнинг ҳолимизга. Шуниде-ёзаманки, баъзи бир масалалар борки, ал-он бизга андин баҳс этмоқ мумкин йўқ. Масалан, хотунлар масаласини ҳозир ўрта-дан чиқармоқ керак. Мана бул бутун Туркистонни ихтилофига сабаб бўлуб, дўстларимиз бағрини қон ва душманларни хурсанд этар. Бизни иттифоқимизни хоҳлаганлардан рижо этармизки,

хотун масаласидан ҳозир баҳс этмасунлар ва муваққат замонга ҳавола этсунлар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Улуғ Туркистон». 1917 йил 14 июнь. №10

ҚАРОРНОМА

Самарқандда нонни кўб қиймат сотганлари учун «Шўрои ислом» ҳам Ижроия комитети аъзоларидан баъзиларнинг ҳузурида мусулмон шаҳри учун тубандаги қарор берилди:

1) мусулмон нонвойларига пиширилган олий нонларни бир қадоғини етмиш беш тийиндан зиёда сотилмасун;

2) уйда пиширилган хонаки ва Осиёи нонларини қадоғини етмиш тийиндан ортуқга сотилмасун;

3) ўлтуруб сотатурган нонфурушларни олдиға тарозуси бўлсун;

4) кўтариб нон сотгувчи ва ё ўлтуруб сотгувчиларға лозимки, харидор тарозусига тортиб олмоқчи бўлса, бемалол тортиб берсун;

5) нонвойхона соҳибига лозимки, яхши пишган ва куймаган нонни бозорға юборсун ва аччиғ ундан ёпилмасун ва кўп тузлик, шўр нон бўлмасун.

Мазкур моддаларға амал қилмагонларни жазоси

Мусулмон Ижроия комитети ва «Шўрои ислом» тарафидан тайин бўлган муфаттишлар ва оқсоқоллар ва мелиса нафарларига лозимки, юқоридаги моддаларға амал қилмаганларни тазкиранома ёзиб, ани ила шаҳар қозиларига топширсунлар. Шариатпаноҳ қозиларға лозимки, биринчи дафъа жиноят қилганларни уч кундан етти кунгача Самарқанд миршабхонасига ҳибсға ҳукм қилсунлар. Яна мазкур киши иккинчи дафъа жиноят қилса, 15 кундан бир ойгача ҳибсға ҳукм қилсунлар, нонни хом

ва куйганлиги, аччиқ ва ё шўрлиги учун нонвойхонадор, қиймат сотган ва ё тарозуға рози бўлмагани учун нонфуруш жазоға мустаҳиқ бўлур. Уй нони ва ё осийи нонини сотатургон кишилар икки ҳолда ҳам жазоға мустаҳиқ бўлурлар.

*«Шўрои ислом» идораси садри:
Муҳаммад Исохўжа Ширинхўжа ўғли,
Мусулмон Ижроия қўмитетини(нг) иккинчи раиси:
Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Хуррият». №16. 1917 йил 16 июнь*

ТАҲРИРИ НУФУС²¹³ РУСИЯДА

Муҳтарам биродарлар! Ҳозирги қийматчилик, қаҳатчилик ва сувсизлик ҳаммаға маълумдур. Ал-он ёз ва бироз мева-да мавжуд, албатта, ёзнинг тириклиги қишникидан осондур. Қийматчилик ва қаҳатчиликнинг энг қўрқулатурғон вақти олдимиздаги қиш ва келар баҳордур. Агарда сулҳ бўлмаса ва Русия темир йўллари очилмаса, энг хавфлик ва очлик ҳоллари олдимиздадур.

Русиянинг баъзи вилоятларида буғдой кўп ва анда ушбу кунда бир пуди 3 ё 4 сўм бўлганда, Туркистонда пуди Русия нархидан ўн дафъа зиёдадур. Энди Туркистонға Русиядан буғдой келтирмоқдан бошқа илож йўқдур. Сабаб шулким, сулҳ замонида ҳам Туркистоннинг ўз буғдойи ўзиға етмай, балки Русиядан ва Бухородан буғдой келур эди. Мана уч йилдан бери уруш сабаби ила Русиядан буғдой келмайдур.

Анинг устиға бу сана баҳори ва тирамоҳи буғдой йўқ ҳукмидадур. Мана шу ҳолларнинг иложи ва яна келар мажлиси муассисон сайлови, ўлпон ҳам земский солиқларнинг адл ва ҳаққоният ила тайин қилмоқ учун янги ҳукуматимиз бутун Русияға ва ул қаторда бизнинг Туркистонда ҳам умумий таҳрири нуфус қилмоқға қарор берибдур ва рамазони шарифдан сўнгра бул ишға бошланур.

²¹³ Аҳолини рўйхатга олиш.

Бутун халқ – эркак, аёл ва болаларга рўйхат бўлур. Ҳар кимнинг қанча ери, қанча ғалласи бор, қанча экадур ва кўтарадур ва жонлиқ моллари қанчадур. Ҳаммаси рўйхат бўлса керак. Бу рўйхат шунинг учундурким, йигирмадан ортуқ ёшда келар мажлиси муассисон сайловиға қўшулур, вакил юборурлар. Йигирмадан пастига мактаб керак, саноат ва ҳунархоналар керак, бинобарин, аларнинг бесавод ва беҳунарлигини билмоқ учун рўйхат этмоқ керак.

Қайси бўлустда ғалла оздур, токи анда бошқа жойдан ғалла келтурсун. Қаяу ерға кўб бўлса, пулға сотуб олур, беғалла жойға юборилсун, мол мавоиши учун озуқа кифоя қилмайдурми ё йўқ, муни билмоқ учун мол ва мавош ададини билмоқ керак.

Мусулмонларнинг адади қанчадурким подшоҳлик маҳкама ва маслаҳатхона ва келажак мажлиси муассисонға аларнинг ададиға яраша вакил талаб қилунсун. Қайси вилоят ва уездда одам кўпдур, токим вакиллар адади нуфусға муносиб бўлсунлар. Хулоса, мундан бошқа сабаблар-да кўпдур ва талаб қиладурки, тўғри ва ҳақиқий таҳрири нуфус бўлсун.

Мусулмон биродарлар! Ҳеч ўйламасдан ва яширмасдан ҳақиқат ҳолни, албатта, рўйхатчи мирзоларға маълум қилишларингиз керакдур.

Агарда мусулмон ададини яширсалар, мамлакат идора ва маҳкамалариға мусулмон вакил ва мабъуслар ададининг озлигиға сабаб бўлурки, мундан барча аҳли ислон ва дини ислоннинг ҳимоятиға зарар еткурган бўлиб, худо ва расул қошиға масъул бўладурлар.

Мусулмон қанча кўп бўлса, Дума ва идораларға шунча вакили кўп бўлур, руслар ва бошқалар ила баҳслашур, сайловға сановға кўп чиқиб, мусулмонға нафи тегадур. Агарда вакилларнинг адади оз бўлса, бошқалар ғалаба қилур.

Шуни-да ёзмоқ керакки, мундан сўнгра ўлпонни шу мусулмон вакиллари рус вакиллари ила бомашварат тайин қиладурлар.

Петрограддаги мажлиси муассисон жамиятиға земский ва бошқа майда солиқларни яна мусулмон ва рус вакиллари, ҳар вилоятнинг ўзиға янгидан бўлатурган думахона, баладия ва маҳаллий идоралар маҳкамасиға бомашварат тайин этарлар. Ҳар мамлакатнинг одами ва молиға қараб озуқа келтирурлар.

Албатта, ернинг кўп ва озлугута қараб солиқ солинур. Мана шулар учун халқнинг аниқ ва тўғри ҳисобини билмоқ лозим.

Рўйхат рус хатида бўлур экан, русча билатургон мирзолар керак. 1) Муаллим, яъни инспектор вазифаси ойда 300 сўм, 2) таҳрирчи вазифаси 200 сўмдур. Муаллим ила таҳрирчи мусулмон хат ва саводлик бўлса, ойда 50 сўм зиёда вазифа олур. Ишга рамазондан сўнгра бошланур.

Бўлуслар(га) от ва ё оташароба ила юрганда яна кира пули берилур.

Вазифа подшоҳликдан, яъни деҳқончилик вазирига тааллуқ ақчадан берилур. Бутун Самарқанд вилояти учун, яъни Дизах, Каттақўрғон, Хўжанд, Ўратепа ва Самарқанднинг таҳрири учун 400 нафар таҳрирчи керакдур ва ҳозирдан толиб кишилар рўйхатга ўзларини беришлари лозимдур.

Ишнинг аввалида бир, икки ҳафта, балки тажриба ва таълим берилур. Ушбу тажриба муддатида ҳам вазифа берилур. Толибларнинг якшанбадан бошқа ҳар кун соат 10 дан 2 гача, яна 3 дан 4 гача Самарқанд шаҳрининг Русия қитъасидаги китобхона (библиотек)га келиб, рўйхат беришлари керакдур. Яна ушбу бобда алайҳида Самарқанд маҳкамасига 3 нафар рус ва 3 нафар ҳам мусулмондан иборат бюро ташкил топилди.

*Област бюро аъзоларидан Маҳмудхўжа Бехбудий
«Хуррият». 1917 йил 25 июнь. №18*

МАРКАЗИЙ ШҶРОМИЗДА

Туркистон «Марказий шўрои исломия»миздан, Самарқанддан бир-икки киши сайланиб юборилмоғи учун, икки-уч мактуб ва телеграм бўлган учун Самарқанд илмия мажлиси ва ижроия комитети Самарқанддан Тошкандга бориб келмоқ учун манга таклиф бўлуб, 26 июнда қайтиб келдим ва бўлган ишларни қисқалик ила муҳтарам аҳли ватанга арз қиларман.

19 июнда «Марказий шўрои ислом» мажлисига иштирок этилди ва ишлар ила ошнолик пайдо этиб, оқшом шаҳар Думаси

мажлисиға рафиқим, жаноб Мулла Муҳаммадқул Ўрунбоев ила бориб иштирок этдук. Масала мусулмонлар ила русларға бир Дума бўлса ҳам сўнгра русларнинг олти ойғача мусулмонлардан ажз олиб, бошқа Дума этишларидан ва мусулмон аёлларини сайловға келар ва келмасларидан иборат эди.

Руслар ила мусулмонларға бир Дума бўлмоға кераклиги ва айрилмаслик лозимлиги ва ҳеч бўлмаса, бир йил муҳлатғача бир Думада туруш ва тўрт фаслда нуқтаи ихтилофни билиш лозимлиги ва Дума айрилганда руслар Ғарбға, мусулмонлар Шарққа қараб кетиб, охири ёмон ҳоллар пайдо бўлушини баён этдим. Ҳайҳотки, рус зиёлиларининг қулоғига ушбу сўзим кирмади.

Тошкандда 48 минг нафар рус аёл ва эрлар ва яна аскарлар сайловға кириб, алар муқобилиға 44 минг эр ва 39 минг аёл мусулмон бор экан. Агарда бу фикри ва сулҳи жиҳодға, яъни сайловға мусулмон аёллари қўшулмасалар, албатта, руслар галаба этарлар. Тошканднинг уламо мажлислариға уч дафъа бул тўғрида арз этдим, аммо ман бор муддатда ҳануз аёлларни фаранжи ила ва алайҳида аёл кўмиссарлари ҳузуриға эркакларға қўшулмасдан ҳозир бўлмоқлариға уламо ҳазрати бир қарорға келганлари йўқ эди, шу қадар деярдиларки: агарда сайловда мусулмонларнинг русларға мағлуб бўлишлари собит бўлатурган бўлса, аёлларнинг ҳузури керакдур.

Руслар сайловни яқин муддатда бошламоқчи ва ортуқча муҳлат бермасликлари ва уламо жавобини кечуктурганлари учун марказий шўромиздаги зиёли мусулмонлар уламоға: «Бир кеча-кундузғача аёлларнинг фаранжи ила шариат бўюнча мастуралик ҳолатда ва эркаклардан айрим суратда сайловға қўшулиш ва ё қўшулмаслиқлари ҳақинда қатъий жавоб бермоқға ва аларнинг бературган жавоблари рус ва мусулмон табаъотиға ёзилиб ва аёллар сайламай, русларға мусулмонлар яна мағлуб бўлганлари ҳолда Худо ва бандалари қошинда масъулият марказий шўродаги зиёлилардан кўтарилиши ва ...» деб расмий бир қоғоз (ультиматум) бердиларки, жавоби ҳануз олинган йўқ эди.

Марказий шўронинг аҳволи тангдур. Азбаски, Фарғона, Самарқанд, Етгисув, Мовароибхори Хазар вилоятларидан ҳануз вакил ва пул келган йўқ, ҳатто мактуб ва тилигрофларға жавоб

келмас экан, мана федерация, яъни ўз бошига элат ва мухтора талаб қилгувчи бизларнинг ҳолимиз шулдур!

Бутун Туркистон шўроси учун, яъни шўрони вилоятлардан бошлаб қишлоқларгача очмоқ учун низомнома тузулуб музокарага қўюлдики, яқинда бошлаб чиқар. Яна шул ишга аҳамият бериб, ҳар вилоятдан икки нафардан киши сайлаб, доимий турмоқ учун Тошканд Марказий шўросига юбормоқ ва аларнинг вазифаларини бермоқ учун ва ҳам Марказий шўро харажатини кўтаришмоқ кераклиги учун бутун Туркистон вилоятидаги мўтабаронга мактуб юбормоқга қарор берилди.

Русларнинг шунча маҳкама ва идоралари бўлуб туруб, яна халқ тарафидан барпо бўлган на қадар эркак ва аёл жамиятлари бордур ва ҳар жамиятнинг ўзига тейишли ақчалари бўлуб, кеча-кундуз ишламоқдадур. Биз туркистонлиларнинг биргина «Шўрои ислом» жамиятимиз бўлса-да, ҳар шаҳарда қадим ва жадид низоъи ила машғул бўлуб, диний, молий ва сиёсий ишларимиз эски ҳолда қолмоқдадур.

Дигар тарафдан, ишлагувчи одамларимиз оздур, бориға ҳам миллат қарамасдан ва Марказий шўронинг харажатиға ёрдам этмасдан қараб турур. Ишлар бу ҳолда кетса, вой бизнинг ҳолимизға!

Биз, туркистонлиларға лозимки, тезлик ила ҳар вилоятдан икки нафар киши сайлаб, аларнинг вазифасига ва ҳам Марказий шўро харажатиға пул жамлаб юборсак, алар анда ўлтуруб, келар мажлиси муассисон учун лойиҳа ва асбоб ҳозирлайдурлар ва ҳам бутун Туркистоннинг илмий ва маиший ҳоллари учун кераклик қоидаларни тузадурлар, токи мажлиси муассисон ўтуб қонун бўлсун. Агарда ўзимиз бул ишларни қилмасак, яна мажлиси муассисонға руслар биз учун закўн тайёрлайдурларким, яна аввалғи даврдағидек закўнлар бизни дин ва маишатларимизға тўғри келмайдурган бўлур.

Тошканд Марказий шўромизға шундай одамларни юбормак керакким, русча ва ё мусулмонча комила қувваи таҳририя ва таҳририяси бўлуб, шарият ва ҳам аҳволи олам ва сиёсати замониадан бохабар бўлсун. Мана шул сифатлар эгаси юборилмаган суратда фойда йўқдур. Азбаски, анда, яъни марказий шўромизда дорулқазо, мадраса, мактаб ва ҳар нав идораларимиз

сайлов масалалари ва ҳукумат забт қилган ер, сув, вақф, тоғ ва чўлларимиз, хулоса, бутун ҳуқуқи шаръия ва маданиятимизга тейишли масалалар баҳс бўлуб келар, мажлис муассисон учун лойиҳалар ҳозирланадур. Мана шунга қараб одам юбормоқ керакдур.

*Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий
«Хурият». 1917 йил 3 июль. №20*

МУРОЖААТНОМА

Муҳтарам Самарқанд областининг барча шаҳар ва уездлариндаги мусулмон жамиятларидан илтимос шулким, ҳар шаҳар ва уезддаги ҳар нав жамиятдан ақалли икки нафардан киши сайлаб, қўлига шаҳодатнома бериб, 10 июлдан Самарқанд шаҳрига юборсалар эди. Расмий жамияти йўқ шаҳар ва уездлардан ҳам ақалли тўрт нафардан хоҳ ижроия қўмиталари аъзоларидан ва хоҳ мулло, савдогар, деҳқон ва касиблардан қўлига шаҳодатнома бериб юборилса эди. Азбаски, 11 июлда Самарқанд шаҳрида Самарқанд вилояти мусулмонларининг сайёр мажлиси барпо бўлур. Ҳар нав ширкат ва жамиятларнинг қўлларида шаҳодатномалик вакилларнинг бу мажлисда иштирок қилмоғи матлубдур. Қўлида шаҳодатномаси йўқ кишиларнинг мажлисда сўйламоққа ҳақлари йўқдур.

Ушбу мажлисда музокара бўлинатурган масалалар шундан дур:

- 1) Тошканддаги Туркистон мусулмонлари қўмитасига Самарқанд вилоятидан икки киши сайлаб юбормоқким, доимо анда туруб мусулмонлар нафига иш қилсун;
- 2) музокараларнинг вазифаси ва қўмита масорифи;
- 3) ер-сув масаласи;
- 4) мажлиси муассисон (учредительное собрание)га ҳозирламоқ;
- 5) арзоқ ва озуқа масалалари;
- 6) шаҳар думалари ҳақинда;

7) ўқув ва таълим масаласи;

8) барча шаҳар ва уездларга мусулмон қўмитаси очмоқ ташкилоти;

9) замони ҳозирага тейишли ҳар нав масалалар.

Ушбу мажлисга ҳар синф халқдан кўпроқ сайланиб келмоқлари матлуб ва мажлиснинг уч кун давом этиши эҳтимолдур. Ушбу тўғридан маълумот олатурган шахсларнинг Самарқанд илмия мажлисининг садри жаноб Мулло Муҳаммад Исохўжа ва анинг ноиб Эшонтўра хўжа мударрис ва Самарқанд Ижроия қўмитасининг раиси генерал Колчанов ва Туркистон мусулмонлар қўмитаси тарафидан Самарқандда съезд қилмоқга маъмур Маҳмудхўжага мурожаат қилиш керакдур.

*Маалэҳтиром, Маҳмудхўжа Бехбудий
«Хуррият». 1917 йил 3 июль. №4*

ҲАҚ ОЛИНУР, БЕРИЛМАС

Яъни бировга ҳақингиз бўлса, ўзингиз саъй ва ҳаракат ила баъзан ғайрат ва қувват сарф этмагунча ололмасмиз, анинг учун ман айтаманким: «Ҳақ олинур, берилмас!» Мунга тарихий, шаръий воқеа кўп далиллар бўлуб, барча аҳли тажрибага маълумдур.

Келайлук мақсадга! Эски ҳукумат йиқилиб, кўмулиб, ҳуррият барпо бўлгандан сўнгра Туркистондаги рус ва мусулмон ижроия қўмиталарининг аъзолари апрель ойинда жам бўлуб, Туркистон учун федерацияга қарор бердилар.

Андан сўнгра яна Тошкандда бутун Туркистон мусулмонларининг жамияти бўлуб, уламо, тужжор, зиёли ва аҳли касабдан жам бўлган вакил ва мураҳҳисларина шул «федерация»ни талаб этдилар. Инчунин, Масковда барча Русия мусулмонларининг бир минг қадар фузало, уламо ва уқалоси Русия мусулмонлари учун, хусусан, шул «федерация»ни қабул этиб талаб ва ижросига қарор берадиларки, газета ва матбуот доимо шуни ёзмоқга бўлуб, қулоқлик кишилар эшитадилар. Бас, энди федерацияни ҳануз билмаганлар учун яна қисқалик ила баён қилурмиз.

Федерация, яъни мухторият, биз, Туркистон мусулмонлари, истаимизким, Русия мамлакатига ёпишуб туруб, хорижий ва ишларга анинг ила бир бўлиб туриб, дохил ишлар ва тирикчиликларимизни ўзимиз идора этсак, мунинг кайфияти шундай бўлур. Беш областдан иборат Туркистоннинг ҳар бир шаҳар ва уездан бир неча нафардан киши сайланиб, Тошкандда катта марказ бир мажлисимиз бўлурки, барча олур-солиқ ва минбаъд жорий бўлатурган қонун ва низомномаларни алар тузиб, Туркистонда жорий қиладурлар.

Русия ҳукмати ила мусулмонлар орасинда шул мажлис восита бўлур. Туркистон учун ва ҳар вилоят учун сайланган волий ва маъмурларни алар мустаҳкам қиладур. Туркистоннинг таваққий ва инкишофига алар ҳаракат қиладурлар. Албатта, мазкур вакил ва маъбусларимизнинг кўброқ мусулмонлардан ва озроғи руслардан бўлуб, барча ишлар ҳукм ила ва зўр ила бўлмай, балки машварат, ризолиқ ила бўлур.

Ўзимизни(нг) муҳофазатимиз учун миллий жандарма, аскаримизбўлур. Мамлакатхазинасидан бошқамиллий ва маданий ишларимизнинг масорифи учун ўзимизнинг алоҳида хазинамиз бўлур. Мактаб ва мадрасаларимиз, вақф ва дорулқазоларимиз ўз қарамоғимизда бўлур. Хулосаи калом, давлат ва сиёсат ишларидан бошқа барча ишларимиз ўз ихтиёримизда бўлур. Ва мунинг учун замонавий ва маданий низомнома ва қонунномалар таҳрир этмоқ лозимдур. Туркистонда рус, яҳудий, армани ва бошқалар бўлуб, алар ила муомаламиз тўғрисида яна янги ва замоний қонунлар керакдур.

Албатта, бу ишларнинг бошқармоғи ва халқга тушунтириб, ёрдам қилиши уламои изом ва тужжори киром зиммаларига фарздур. Аммо мааттаассуф уламо бул ишга аҳамият бермайдурлар, балки ғайри муҳим ва кичик нимарсаларга аҳамият бериб юрганлар бизни жигар этадур. Уламо варасаи анбиёдурлар, тужжорларга тушунтирсалар, алар мол аямайдурлар. Ҳар нимарса ақчага боғлиқдур. Ақча, уламо ҳазратининг ва ози ила тужжордан йиғилур. Беш-ўн зиёли ёинки ёшлар баъзан девонавор ҳаракатда бўлур, аммо аҳамият берганлари оздур.

Ай ҳазрати уламо ва ағниё! Бироз ушбу арзи беғаразимизга таъмил ила тушуниб, чорасига ҳаракат этсангиз, вале ўзингиз,

билурсизким, гуноҳдур. Худоу расул қошинда ушбунинг масъулияти, албаттаки, уламо ва ағниёга тушур. Азизларим, диний ва миллий ғайрат ила арз этдим. Афвунгизни айтайин! Кафказ ва Татаристон уламо ва тужжорларидан ибрат олмоқ керак. Саъй қилмагунча инсонга бир саъй берилмас. Миллат ва ислом йўли-на саъй керак. Шуларни бу кундан бошқариб турмоқ мумкин ва лозимдур.

Юқоридамақсадлар учун рус ва мусулмонлар Туркистонда бирлашиб, қонун ва низомлар тузуб келар. Мажлиси муассисон (учредительное собрание)га топшуруб, анинг мустаҳкам қилмоқни талаб этмоқлари керакдур. Мажлиси муассисон ўз хоҳиши ила мухторият (федерация)ни бизга беролмайдур. Балки, биз Туркистон рус ва мусулмонлари бирлашиб мухторият ҳаққини мажлиси муассисондан олмоқимиз керакдур. Биз жонсизлик кўрсатганда, мухторият, агарчи юз сана сўнгра бўлсун, бизга берилмайдур, азбаски, «Ҳақ олинур, берилмас!»

Агарда бизга озодлик ва мухторият керак бўлса, тезлик ила ҳар уездан бир нафардан киши сайлаб, Тошкандда доимий турмоқ учун юбормоқ керак ва анда Туркистон мусулмонларининг шўроси муҳокамасини тезлик ила очмоқ керак. Ҳолбуки, шўро очилган, фақат одами ва ақчаси оздур.

Рус ҳамшаҳарларимизни ҳам шўрога аъзо қилиб, бамашварат ишламоқ керакдур. Русиядаги ҳуқуқшунос рус ва мусулмонлардан ҳижрат ила чақириб, Туркистон келаси учун умумий қонунномалар ёзиб ва мажлиси муассисон очилгунча тамом этиб, анга топшуруб мустаҳкам этдурмоқ керак. Булар ишларга ақча ва одам керак. Ақча бўлса, одам топилур, аммо ақча керак, ақча...

Мана бойларимиз мол ва ақчалари ила булар бобда фисабиллаҳ учун жиҳод этмоқлари керакдур. Вале ... ояти карима саъй ҳукми ила (азоби олам)га, албатта, сумма ал-бадтар гирифтбор бўлурлар. Мана шуларни эртарақ бошлаб озодий ва мухториятни мажлиси муассисондан олмоқимиз керакдур. Мажлиси муассисон бизга берулмайдур, балки ўзимиз олсак керак. Азбаски, «Ҳақ олинур, берилмас!»

Маъмуҳхўжа Беҳбудий
«Ҳуррият». 1917 йил 13 июль. № 22

САМАРҚАНДА МИЛЛИЙ ИШЛАР ҲАҚИДА

Ишланатурғон ишлар ниҳоятда кўб, ишчилар, кучлар оздур. 20 рақамлик «Хуррият» жаридаси воситаси-ла Самарқанд вилоятидаги шаҳар, уездларнинг барча жамиятларидан ақалли икки нафардан даъват қилинди, азбаройи Самарқандда «Вилоят жамияти»ни барпо этиб, мазкур 20 рақамли «Хуррият»да ёзилган масалаларнинг музокараси учун ушбу важҳдан вилоятдаги уезд ва шаҳарларнинг машҳур одамларига ва жамиятларига бир неча мактубларки юборилди. 11 ва 12 июлда Самарқандда мажлис муассислари интизорда бўлдилар. Русларда беш-ўн нафар келдилар. Ҳатто Тошканддаги «Деҳқонлар жамияти»дан икки дафъа икки нафардан вакиллар келдилар. Аммо Самарқанд вилоятининг Жиззах, Каттақўрғон, Хўжанд ва Ўратепа шаҳарларидан биргина нафар киши бўлсун, ушбу мажлис учун келмадилар.

Ҳолбуки, бу мажлисда Туркистон учун ҳаётий масалалар мазкур бўлинур эди. Билмайман, бу қадар эътибор этмаслик ва жонсизликнинг сабаби надур? Ҳоло бу шаҳарларнинг одами бир-бирига оддий жаноза ва тўйларга бориш-келиш қиладурлар. Афсуским, бизлар ҳануз умумий масалаларга аҳамият бермаймиз, болалардек узоқ ва шафъи ишларга фаҳмимиз етмайдур. Миллий, диний ва сиёсий ишларга аҳамият бермаймиз. Яна афсуским, «Хуррият» жаридасининг 20, 22 ва бошқа рақамларида ёзган сўзларимиз муфт ва кадар кетганига ўхшайдур.

Ай, азиз ҳамватанлар! Маъқул ва нафълик сўз ва маслаҳатларни эшитмоқ керак. Бироз маданий ҳаракатга келмоқ керак. Бошқалардан ибрат олмоқ лозим. Бу сукутимиз жонсизлигимиз гувоҳидир, айбдур. Йиғламаган болаға сут берилмас, ҳаракат ва саъй этмагунча ҳақ олинмас, олдимизда шаҳар думалари ва мамлакат думаси сайлови бор. Анга ишламоқ керак, лойиҳа ва талабномалар ҳозирламоқ керакдур. Мунинг учун эса съездлар, жамиятлар ва ақчалар лозим бўлур.

Келайлук матлабға! Самарқандда икки жамият бор, бири «Шўрои ислом»ки уламонинг аксари мунга аъзодурлар. Дигари «Самарқанд Мусулмон ижроия қўмитаси»дурки, тужжор ва

бошқа синфдан аъзоси бордур. Самарқанд вилоятининг шаҳар ва саҳроларидан мажлисга ҳеч ким келмагани учун вилоят шаҳарларига юруб, Дума ва «Учредителние собрание» ва Тошканддаги марказий шўромиз ҳақинда маълумот бериб ҳамда Самарқанд вилоятларидан бир-икки Тошкандга сайланиб юбормоқ ҳаракатида бўлмоқ учун Самарқанднинг юқоридаги икки жамияти, таржимон таҳририни мулла Хўқанд Абдухолиқ ўғли ва Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг Каттақўрғон, Хўжанд, Жиззах ва Ўратепа шаҳарларига бориб, нутқлар сўйлаб, мажлислар таъсис қилмоқ учун муқаррар қилиб эдилар. Алар-да бормоқчи бўлиб турганда Самарқанд баладия (дума)си сайловининг таҳрири чиқди ва ҳозирлигида аларнинг аъзо ва мубоширлиги ва кераклиги учун мажлис яна аларни вилоятга чиқмоқдан сақлайдилар.

Бовужуд шул бир неча фурсатдан истифода этиб, бирдан бўлмаса ҳам бўлиб-бўлиб, вилоят шаҳарларига чиқмоққа ниятимиз бордур. Боришимиздан бир кун аввал ҳар шаҳарга телеграф берамиз. Илтимос ва рижо шулким, бу қадар имкон телеграфдан сўнгра бу бирор киши жамламоқ ва, ҳатто, саҳро ва қишлоқлардан халқни жамламоқ ҳаракатида бўлинсалар эди деб, миллий ходимлардан умидвормиз.

Матлабимиз шаҳар думалари ва саҳро земстволари вакил мажлиси муассисонга халойиқни ҳозирламоқ ва ҳам Тошканддаги Марказий шўромизга бир-икки нафар киши сайлаб, доимо анда туриб халқ нафига ишламоқлари учун юбортурмоқ ҳам аларни ва ҳам шўрои марказиямиз масорифини таъмин этдурмоқ ва халойиқга ҳурриятнинг чин маъносини тушунтириб, янги ҳукуматга ёрдам бермоқ лозимлигини баён этмоқдур.

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Хуррият». 1917 йил 23 июль

ОЧЛИК БАЛОСИ

18 сентябрда оқшом Самарқанд вилояти арзоқ идорасида мажлис учун мукаллиф эдим, бордим, масала, озуқа масаласи, яъни жон масаласи эди. Мажлиснинг садри Русиядан ғалла келтурмоқ учун ақча керак ва ақча топмоқ учун рус ва мусулмон мўтабаронидан чақириб мадад сўрар эди, баъзилар бонклар берсун, деди. Бировлар шаҳар халқи озуқагир тўчкаларидаги ҳар бир одам бошига икки сўмдан берсунлар, дедилар. Баъзилар бойларнинг виждониға мурожаат қилмоқни лозим билди. Баъзилар тижоратхона ва контурхоналардан ёрдам сўрамоқчи бўлдилар.

Иккинчи масала такса ва қатъий баҳо масаласи эди. Баъзилар такса лозим ва баъзилар лозим йўқ, дедилар. Газлама-матоларнинг, ғалла ва донларнинг таксаси кўтарилсун ва кўтарилмасун, муноқашалари узайди: баъзилар билмасдан Самарқанд ва атрофида беш йилға етадурган ғалла бор, деб ғофила лоф урдилар.

Мажлис аъзолариндан прокурор муовини: «Ақча топмоқ масаласиға бир илож қилмоқ, албатта, лозим. Ақча топилмагунча Русиядан насия ғалла келтурмоқ мумкин йўқ ва ҳам қатъий баҳо ва такса, албатта, лозим. Азбаски, дўкандорлар кўп ноинсофлик қиладурлар» ҳолида узоқ сўзлади.

Бир солдат Дизахда бир неча киши очлиқдан ўлганини ва шаҳар халқининг сарбозхоналарға нон гадойлиқға келиб, бир қўллари ила чўқунуб, иккинчи қўллари ила солдатлардан нон тилаганларини юраги ёниб, самимий бир суратда баён этди. Анинг ушбу сўзи манинг бутун томуримға таъсир этиб, ҳолатимни ўзгартди ва тоқатим қолмади.

На учун тоқат қилсунким, мусулмонлар солдатхоналарға келиб, қўллари ила (таслис) олиб, яъни чўқунган шаклиға кириб, бир парча нон тиласунлар, бошқалар ғофил ўз иши ва фароғатлариға мулойим ва юмшоқ бастарлар устида истироҳат этсунлар. Оҳ, на бадбахтликдур!

Мажлис садридан рухсат олиб, юқоридағи минбаъд ёзила турган сўзларни мажлисға арз этдим, албатта, сўзим қаттиғ эди ва бойлар нафиға тўқунур эди. Аммо начора, аччиғ ҳақиқат ва

очлиқ кўз олдимиздадур. Омонсиз қиш ва оч баҳор яна олдимиздадур. Бинобарин, мажлисга таклиф этдимки, озуқани, албатта, такса(си) кўтарулсун. Самарқанд атрофида бугдой йўқ(?)дур. Азбаски, урушдан илгари Самарқанд бугдойи ўзиға етмас эди. Русиядан, Бухородан бугдой келар эди. Уч санадан бери Русиядан келмайдур. Бу сана баҳори нобуд бўлди. Сувсизликдан тирамоҳи тўртдан бири бўлди, бинобарин, Самарқандда бугдой йўқ, бор деганлар ғофилдур.

Такрор дедимки, озуқа ва ғалладан тамоман такса кўтарилсун, ҳеч ердан босиб олмасунлар. Аммо шаҳар ва саҳро камбағал ва бечоралари рўйхат бўлуб, алар учун фақат биринж ва сабзажотни, биринж ва сабзажот кўп бўлусларнинг ҳолиға қараб, бодавлатлариға биринж ва сабзажоти кўп одамлариға солиқдек солиб, адл ва инсоф ила биров арзонроқ олунуб, фақат камбағал ва бечораларға арзон баҳо ила берулсун. Зинҳор такса кўтарилсун, вале қирғин ва фасод бўлур. Хусусан бугдой, жувори, ториқ ва бошқа нон бўлатургон нимарсаларға асло такса қилинмасун.

Яна мажлисга арз этдим, Русиядан ғалла келтурмоқ учун миллиёнлар ила ақча лозим экан. Муни ўз ихтиёри ила қарз ва худойи бературганлар йўқ даражасидадур. Фикримча, муни солиқдек қилиб олмоқ керак. Чунончи, биринчи даража ва иккинчи даража хатликларға, аҳолиға қараб солиқ солмоқ керак. Учунчи даража хатликларға ҳам озроқ солмоқ керак. Шаҳар ва саҳро халқининг бературган ўлпониға ҳам сўмиға 10 ё 15 тийин қадар очлиқ солиғи солмоқ керак. Шаҳар ва саҳро бойлариға ёинки ва тижоратхоналарға ружу қилиб ақча жамламоқ керак, токи Русиядан озуқа келтирулсин.

Мана шу ишларни қилмаганда эрта қишда, албатта, очлар борликларни талайдурлар. Очлиқдан кўп ўлумлар бўлур. Очлиқдан бир неча касалликлар пайдо бўлур, бу касаллик бир-бир бировға ўтуб, бутун халойиқ барбод ўлурлар.

Олинатурган пуллар қарздур. Маъмурчилик бўлса яна жойиға қайтарилур. Эҳтимолким, пул берган кишиға фойда ҳам берилса аччиқ чайнаб, ҳар ким ўз ҳолиға қарз берсун. Масалан, бировнинг юз минг сўмлиқ асбоб ва мулки бор экан, минг сўмни очлиқ қарзиға берса, уни увли яхшироқдурким, эрта очликдин

пайдо бўладурган талон ва торож ёинки касалликга ҳамма нар-
саси таланиб ва ёнилиб кетса.

Ҳолбуки, эй мусулмон биродарлар, дунё моли дунёда қолур.
Қуръони карим закот, садақа ва хайр худойиларни очлар учун,
шундай кунлар учун чиқарди. Бироз фидокорлик лозим, муни
тиламасак, Қуръони каримдаги ва ийд «ақча сарфлаб, Худо йў-
лига сарфламаганларни қиёматда ақчасини қиздируб, баданига
бостирарлар» оятини мажлисда ўқуб, анда мусулмон, рус, яҳудий
ҳамшаҳарларга баён этдим ва газета хонандаларига ҳам шуни
баён қилиб, ожизона таклиф қиламанким, ҳар ерда пул жамлаб,
Кафказдан, Русиядан галла келтурмоқ ҳаракатида бўлмоқ ке-
рак. Хусусий кишилар ва ширкатлар ўз тарафидан келтурса ҳам
мумкундир. Самарқанд озуқа идораси шундай кишиларга ёрдам
берадур.

Охири мажлисдагиларнинг биридан юз сўм қарз олиб, очлиқ
ионаси ва, ёинки, солиғи учун ночиз бир юз сўмни ўз тарафим-
дан раисга пойи малах ўрнига бердим.

Дизахдан келган солдатнинг баёни жон ва танимга таъсир
этиб, асабларимни титратди. Бошимга оғруқ келгани учун маж-
лисни тамом этолмай чиқиб келдим.

Эй мусулмонлар, очларга ёрдам лозим ва ёрдам бермасак зўр
ила олурлар, бинобарин, лозимки, озуқа идорасига ҳар ким ҳим-
матига ақча қарз берсун ва ўзаро ширкатлари барпо этуб, озуқа
идорасидин хат олиб, Кафказ ва Русиядан озуқа келтируб, арзон
баҳо ила сотсунлар. Озуқани асло анбар қилмасунлар, дўкондор-
лар инсоф ила савдо қилсунлар. Мана шу ишларни қилмаганда
олдимизга энг ёмон ҳодисалар келур.

Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Хуррият». 1917 йил 26 сентябрь. № 41

БИЗГА ИСЛОҲ КЕРАК

Хонлар замонида қози, муфти, имом, мударрис ва бошқаларни қозикалон ва, ёинки, ушбу ҳолда исломнинг давлат ва маърифатида хонлар насаб ва тайин этар эди. Албатта, истеъдод ва қобилияти илмияларини мулоҳазага олинур эди. Шул сабабли жоҳил ва камилм кишиларни мансабга ўлтурушлари оз ва, балки, йўқ ҳукминда эди. Туркистон Русияга тобе бўлгандан сўнгра янги (положения) закўн жорий бўлди. Ва ул положенияга, манимча, ҳукуматнинг миссионерлари аралашиб, бизни ахлоқ ва адаб ва шарияти муқаддасимизга халал келтиратурғон ва бизни йўқ бўлмоққа судрайдурган боблар тузатдилар.

Миссионерлар тарафиндан бизни йўқ ва нобуд бўлишимизни ва шарияти муқаддасимизни ҳукмдан қолишини хоҳлайдурган эски ва мустабид ҳукумат тарафиндан шундай закўнлар чиқардики, масалан: «Ҳар бир 25 яшар туркистонлининг қози ва волостной бўлиши мумкиндир», деб закўн қўйилди. Қози ила волостной управителликка ҳеч бир илм-истеъдод шарт қилинмади. Мустабид ва золим ҳукуматнинг мақсади ҳукмронларнинг бу қилган жабрлари ўзлари учун энг яхши, биз, мусулмонлар учун энг жонсиз ва хароблиги (юз) берди. Бу закўн бизга саводсиз қозиларни ақча ва ришва ила сайланмоғига ёрдам этди. Нодон ва жоҳил кишиларни қози ва муфти бўлиш учун бу закўни замона ёрдам берар эди. Қози, муфти, мударрис ва ўзгалардан салоҳият бобинда, илм ва истеъдод тўғрисида на шаҳодатнома сўралур эди, на-да имтиҳон қилинур эди.

Эски золим ҳукуматнинг иши ва дин бузғувчи одамлари ва миссионерлари мадрасаларимизни ва мактабларимизни тўғрисида ҳам бизни ҳайвониятга ва жаҳолат майдонига ҳам йўқ ва маҳв бўлмиш чуқурига судрайдурган закўнлар вазх этдилар. Мадрасага ҳеч нима билмайдурғон ёш талабаларни мударрисга сайлаб қўйиш тадбирини закўн қилиб чиқардилар. Қозилардек мударрисларга ҳам даражаи илмия ва салоҳияти тадриясидан сўрамоқ ва имтиҳон этмоқ йўқ эди. Мударрис на таълим этар, на бошқа-бошқа ишларга назорат қилур эди. Бир мадрасага икки-уч мударрис лозимлигини вақф эгаси шарт қилиб экан ҳамда вақфнинг шарти Худо ва расул амри ҳукминда эди. Миссионер-

лар ила бизнинг нафспараст баъзи уламоларимиз бул мақсад – зақўндан моддан зиёда истифода этдилар. Уч-тўрт мударрис ўрнига бир мударрис кифоя, деб қарор бердилар.

Натижада уламо озайди. Ахлоқ бузилди, уламои мусулмонияга жоҳил ва хоин сарф-саводсиз кишилар қози бўлди. Тадрис ва афтодан ожиз кишилар муфти, мударрис бўлди. Бир мулла ҳам қози ва мударрис ва ҳам оқсоқол бўлиб, талаба, маориф ва аҳоли ишларини сактага учратди. Бошқа тарафга қарасак, қози ва мударрислик учун истеъдод томони бўлган уламоимиз оч юрадур. Оқ, золим ҳукумат ва миссионерлар бизга налар қилдилар!

Эски ҳукумат зоҳиран бизни маданий қилмоқ учун «русский-туземный» исминда бизнинг учун мактаблар очиб, ўз фаҳмларича, бизни дунё ва охиратда небахт, яъни насорат (христиан) қилатурғон миссионерларга топширдилар. Бу мактабларга зоҳиран мусулмон муаллими тайин этиб, анга 15 сўмдан 25 сўмгача вазифа берардилар. Албатта, бу пулға ҳеч муқтадир киши муаллимлик қилмас эди. Дигар тарафдан хуфя приказлар ила бу мактаблардаги мусулмон болаларини оз таълим бермоқға ва бақадри имкон амрини зоиҳ ва ўзини ҳайвон қилмоқға фармойиш қиладилар.

Мадфун золим ҳукумат усули жадид мактабларига монеъ эди. Масалан, Хўжанднинг «Қисакўз» мавзеига Тўрахоновлар бир мактаб очди. Каттақўрғоннинг Пайшанбасидаги русский-туземный мактабига муаллим бўлиб турғон Мулла Юнусни олиб бордилар. Аммо «адолатлик» Фарғона инспектори «сан самарқандлик» деб мактабдан қувиб юборди. Ҳолбуки, Хўжанд Самарқанд вилоятига тобедур. «Қисакўз» мактаби бир неча вақт маътал қолди. Бечора Хўжанд халқи Тошканддан Муллажон исми муаллимни келтурдилар. Яна илм-маданият ва инсониятнинг энг қатъий душманидек ҳаракат этиб, Фарғона инспектори Муллажонни мактабдан қувди. Айби тошкандлик эмиш!

Бу тафтишлар устидан арз қилатурғон ер йўқ эди. Бунга мадфун ҳукумат тарафидан булар шундай ишлар учун қўйилиб эдилар.

Алҳамдулиллоҳ, алҳамдулиллоҳ, қутулдук, уф!
Яшасун янги ҳукумат!

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Нажот». 1917 йил 7 ноябрь. №18

27 ноябрда Хўқандда Туркистон мухторияти умумий мусулмон съездига эълон қилинди. Муборак ва хайрли бўлсин! Камина ҳам мажлисда бўлиши учун ифтихор этаман. Яшасун Туркистон мухторияти!

Хонандаларимизга бул бобдағи ўз билишимдан бироз маълумот бериб ва ҳам мухториятимизнинг мухтасар тарихидан ёзмоқчиман. Чунки мухториятдан қўрқувга (уруш бўлар деб) тушган баъзилар кўринадур. Ай, азиз мусулмон биродарлар! Эй Оврупо, эй ҳамватандошлар! Билингки, ушбу сана апрел ойинда Тошкандда бутун Туркистоннинг рус ва мусулмон Ижроия қўмитаси аъзолари йиғилиб, иттифоқ ила ушбу қарорни бериб эдилар. Русияда жумҳурият эълон қабул этишиб, ғайрируслар учун мухториятли ва ерли жумҳуриятлар барпо бўлсун ва шу қаторда Туркистонда мухторият бўлсун. Мана ушбу қарор қисман ва руслар тарафидан расмий суратда ва Керенский ҳукумати тарафидан Туркистонга юборилган мусулмон ва рус ҳайъатининг ўзи ва садри бўлган Шчепкинлар ҳузурида тантанали бир суратда эълон этилиб ва газетларда ёзилиб эди.

Ушбу кун баъзи мулла ва авомни мухториятдан қўрққанидек, аввал вақт баъзи мусулмон (нимча зиёли) ва ярим-ёрти русча ўқиганларимиз бор кучлари ила мухториятга муқобил турдиларки, далиллари шул эди: «Мухторият бўлса, дунё ва сиёсатда беҳабар муллаларга иши ўтуб, алар бизни тараққийдан манъ этарлар».

Ман ул мажлисда муллаларни ҳимоя этиб, шул юқорида кўрсатилган фикрлик зиёлиларга муқобил эдим ва ҳам шиддатлик суратда мухторият тарафдорлари эдим. Андан сўнгра Тошкандда уламо мажлиси ёйинки съезди бўлди.

Самарқанддан жаноб Ҳожи Тўрахўжа мударрис ва Муллажон мударрис ва Мулла Бурҳониддин оқсоқол ва ўзгалар «Шўрои ислом» тарафидан бориб, шул хабарларни келтирдилар: Туркистонда керакким мухторият бўлсун, маҳкамаи шаръиялар барпо

²¹⁴ Мақолани Нормурод Авазов тайёрлаган.

бўлсун. Ҳатто булар бора аскар олинсун. Дафъа аскар олинмоқға қарор берилурди. Аммо муллалар съезди Туркистондан аскар олинмоқға қарор берибдур, деб уламодан, балки баъзилар норози бўлур деб бошқа съездга вуқуф қўйилди.

Темир йўл, почта ва полиграф ва бошқа шундай ишлар Туркистон халқидан одам тайёр бўлгунича Муваққат рус ҳукумати қўлида турар деб, Тошканд уламо съезди қарор берилиб, хусусан, бу иккинчи қарорни уламои аъзам тарафидан берилгани шаръий ва сиёсий жиҳатдан муҳимдур.

Учинчи съезд ноябрь ойинда Тошкандда яна «Уламо» жамияти тарафидан барпо бўлди. Бу вақт Тошкандда болшевик ҳаракати қўзғолғон эди. Самарқанд ва ҳукумати Туркистон Хўқандда қизғин музокаралар бўлиб, охири каминанинг таклифим ила Дума шу қарорни чиқариб, «Уламо» жамиятига боратурғон вакилларга ва ҳам шаҳарлар иттифоқи жамиятига боратурғон вакиллар ушбу қарорин берди: «Туркистон ҳукумати болшевиклар қўлинда бўлмай, балки халойиқ қўлинда бўлсун. Баъзи мусулмон ва руслардан ва ҳам солдат ишчилардан ўттиз нафар, яҳудий ва арманидан 2 нафар, жами 32 нафар киши Туркистондан сайланиб, Туркистон ҳукуматини идора қилсун ва қонунлар чиқармоққа ҳақлиқ бўлсун».

Шу қарордин сўнгра шаҳарлар иттифоқи ва уламо съездиға Самарқанд «Шўрои исломия» садри ва дума аъзоси жаноб Мулла Маҳмуд Аббосхўжа ва бошқалар юборилдилар.

Жаноб Мулла Маҳмуд Аббосхўжанинг келиб айтган сўзлари шу бўлди: «32 нафарнинг устиға яна шаҳар иттифоқидан 4 нафар аъзо ортдурдиким, буларнинг 12 нафари ҳукуматни идора этар, 24 нафари аларни тафтиш ва назорат қилур ва Туркистоннинг ҳукумати ва ихтиёри шул 36 нафар кишининг қўлинда болшевиклардан ўтсун ёинки болшевиклар шул ила биргалашиб иш қилсун».

Мана «Уламо» съездининг қарори шул эди. Сўнградан маълум бўлдиким, болшевиклар бу қарорға асло аҳамият бермайдурлар. Келдук тўртинчи мусулмон съездиға. Туркистон тўртинчи фавқулода съезди Хўқандда 25 ноябрдан 29 ноябргача давом этди. Юқоридағи съездларға бўлинган қарор ва айтулган сўзлар очиқ ва тафсил ила сўйланди, жойланди. Русиянинг ҳар бўла-

киґа эълон қилинган мухториятлардан хабарлар келди ва охири «Туркистон Мухторияти» эълон қилинди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Хуррият». 1917 йил 19 декабрь

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ

(Давоми)

Туркистоннинг ҳар тарафидан 300 қадар киши мунда бор эди. Яъни ваколат ила юбориб эдиларким, бунинг катта бир қисми уламо ва машойих эдилар. Рус, яҳудий ва арманилардан ҳам вакиллар бор эди. Биргина киши бўлсин, бу мухториятга ҳеч бир фирқадан муҳолифат этмади. Эътироз ва протест деган сўз асло бўлмади.

Хулоса, барча матфуъ эди. Бутун вакиллар ижмоъ этган эдилар ҳамда беш-ўн минг жамоат ила бирга Туркистон Мухторияти исломиясининг қон ила бўлса ҳам бутун мол ва жонларини фидо этиб, маҳкам тутмоқға «Ла илоҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ» ёзилган қизил ва яшил, ой ва юдузлик алами саодат остинда йиғилиб, аҳд этдилар ва бу аҳдни «Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар, ла илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд» такбирини ўн минглар ила умиди маҳмудиясин арши аълоға еткуруб, бутун уфқға ғулғула солганларидек, олами болони ҳам лулазор этдилар. Оқшомгача бутун Хўқанд кўчаларидан мактаб ва мадрасалардан такбир овозлари осмонға чиқур эди. Зиҳи саодат!

Келайлук асл матлабға! Съезд ўз ичидан 32 нафар кишини сайлади. Алар ҳозирда 7 нафар мусулмон ва аларнинг иккиси уламо ва машойихдан ва бир нафар яҳудийни сайладилар. Яқинда яна 4 нафар рус ва мусулмондан сайланур. Бул 12 киши тезлик ила «Туркистон мажлиси муассисон»ини чақирурлар ва барча Туркистон халқи буларни шул тариқа сайлаб юборур. Чунончи, Фарғонадан 10 нафар, Сирдарёдан 9 нафар, Самарқанддан 5 нафар, Еттисувдан 6-5 нафар, Закаспийдан 2 нафар, жами

32 нафарга бул Самарқанд баладиясининг қарори ва ҳам Петроградга боргувчи мажлиси муассисон вакилларининг Туркистонга махсуси ададларидур.

Яна 4 нафар аъзо сайланур. Туркистон шаҳарларининг иттифоқи анга бул 36 Тошкандда бўлган уламо съездининг қарорларидир. Бул 36 нафар вакилларга яна 18 нафар русларнинг барча сиёсий фирқаларидан, яъни инқилобийон, ижтимоийон, темир йўл ходимлари, қадимия маъмурлари, болшевик ва бошқа ҳар нав сиёсий фирқалардан сайланиб, жами 54 нафар бўлиб, Туркистон мажлиси муассисонини ташкил этарлар ва ароларидан 12 нафар вазир сайлаб, ишга буюрурлар. Баладия 42 нафари мажлис қилиб, бутун Туркистонни идора этарлар. Сиёсатда ва умумий ишларда Туркистон Русия ила марбут ва аммо дохилан мухтор бўлур.

Мундан бошқа Туркистоннинг ҳар вилоятида маҳкамаи шаръиялар ва шайхул-исломлук очилиб, дини мубин ва шарият, ғайриисломиянинг ривожига саъй қилинур.

Мухториятни фаол қандай ўрунға келтурмак керак? Муниинг жавобини бошқа муқолага қолдируб, ҳозирда жони ҳалводин ширин кишиларга башорат берурмизки, мухторият, иншооллоҳ, сулҳ ила ҳал қилинур. Муҳораба ва мақотала эҳтимоли мухторият ваҳҳидан йўқ. Балки ал-он иш бошпидаги кишилар ишни сулҳ ва муолима ила бошқармоқчидурлар. Рус ҳамватанларимизнинг аксари мухторият тарафдоридурлар. Замони ҳозиранинги сиёсатиға қараганда, Туркистон Мухториятини рус мажлиси муассисони ва ҳам муҳокамаи сулҳ биландур, албатта, мустаҳкам этар.

Болшевикларга келгунча, буларнинг ҳам асл матлаби мухториятли жумҳуриятдур. Аммо булар дейдиларки, ерлик жумҳурият бўлмасун, яъни ер ва амлок тақдим бўлсун. Мана, буларнинг нутқи ихтилофи.

Туркистон мухториятчилари дейдиларки, биз ерлик мухторият тилаймиз ва ҳам муни эълон қилдук. Бизнинг ер ва амлокизмизнинг тақсимини хоҳлайдурганларга бутун жон ва иймонимиз ила муқобала қилурмиз ва ҳам.

Мана, эй, хонанда, бил ва огоҳ бўлки, мухторият учун, албатта, қон тўкилмайду, аммо ер ва амлокнинг тақсими устида, ал-

батта, узук қон тўқурсан. Зотан, мухторият ер ва амлок ва дини мубин учундир.

Шунда билмоқ керакки, бутун Туркистон халқи иттифоқ этса, қон тўқилмас. Ер ва амлок ҳам тақсим бўлмай қолур. Дин ҳам ривож топур. Минг карра доду бедодки, ихтилоф этмоқ учун иттифоқ этканимиз ва ихтилофимиз сабаб ила бадбахтликға дучор бўлурмиз. Бутун Туркистон иттифоқ этса, 15 миллиёнлик бир қувват оламға келурки, мунга ер титрайди. Агар сўзумни фаҳмлатолган бўлсам, ўзумни бахтлик ҳисоблардим.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Хуррият». 1917 йил 22 декабрь*

ҚОЗОҚ ҚАРИНДОШЛАРИМИЗГА ОЧИҚ ХАТ²¹⁵

Азиз қариндошларим! Мусулмон биродарлар! Ҳаммангизга маълумдурки, Туркистон демак туркий эл бўлиб, мундаги халқнинг қозоғи, қирғизи, сарти, ўзбеги, туркмени, татарлари – ҳаммаси турк-мўғул болалари ҳамда жаҳонгир Чингизхон ва Темурнинг авлоди ёки оға-инисидурлар. Туркистондаги араб, хўжа ва саййидлар-да ўз тилларини йўқотиб, балки билкулли турклашиб ва ҳатто арабликларини эсларидан чиқариб, сиз турк ва мўғуллар ила ҳар жиҳатдан бирлашиб кетгандурлар. Туркистоннинг энг оз шаҳарларида ва баъзи тоғларида бироз форс, яъни тожиклар борки, алар ҳам камолан мусулмон ва сиз ила ҳаммазҳабдурлар. Тирикчиликларининг ўзбеклардан фарқи йўқ даражададур.

Бовурлар! Билингки, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди ва, сиз билингки, «Ҳақ олинур, берилмас!» Яъни «Мухторият»ни Туркистон болаларининг ўзи бирлашиб ғайрат ила олурлар, албатта, бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса, бермаслар. Биз бўшлик қилсак ва Туркистондаги халқлар бирлашиб, мухторият йўлиға

²¹⁵ Ушбу мақола Н.Авазов ва Ҳ.Саййид нусхалари асосида қайта тайёрланди.

саъй қилмасак, албатта, ҳозирги қоғоз устидаги мухториятимизни ҳам йўқ қилурлар, бул, албатта, шундайдур ва бул сўзга ҳеч ким ихтилоф қилолмайдур.

Энди ишлар шу ҳолда экан, биз ҳаммамиз, яъни қирғиз, қозоқ, туркман, араб, форс, хуллас, Туркистондаги, Қозоғистондаги ва Туркменистондаги барча мусулмонлар ва ҳам мундаги яҳудий ва христианлар бирлашиб, иттифоқ ила шу мухториятнинг амалга келишига саъй ва эҳтимом этмоғимиз лозимдур. Агарда бизга ўз бошимизга, шариат, урф ва одатимизга мувофиқ тирикчилик қилмоқ керак бўлса, ҳаммамиз вақтли низоъ ва «манман»ликни қўйиб, ҳамма нарсани эсимиздан чиқариб, ёлғуз «мухторият» учун ҳар нимарсамизни фидо этмоғимиз лозимдур. Мундай фурсат ва замоннинг бизга қайтиб келиши маълум йўқ, қадрини билиб ишламоқ керақдур. Вақт ўтгандан сўнгра ўкинмоқ фойда этмас.

Шуни-да билингки, қозоқ ўз бошига, шаҳар халқи ва атрофи ўз бошига айрилиб, бошқа-бошқа мухторият қилмоқчи бўлганда, иккиси ҳам муддаога етмайдур. Сиз, қозоқ қариндошларимиз, оре, чўлдасиз, аммо сиздан бир кўп халқлар ҳам шаҳарларда ва шаҳарлар теварагиндадур. Тирикчилик шундай нимарсаки, чўл ила шаҳар ва қишлоқ халқини бир-бирига боғлагандир, бир-бирдан ажралиб яшаёлмайдур. Шаҳар халқи ила бирлашиб мухториятни бошқарганда сизларга зарар келмай, балки фойда келур.

Мухториятни бошқармоқ учун ёлғуз сиз-да кифоят этмаганингиз каби ёлғуз шаҳар ва атрофидаги халойиқ ҳам кифоят эмас, балки иккинги-да кераксиз. Шуни-да билингки, сизлар турғун халқ ила бирлашиб мухторият қилган ила сиз ила турғун халқ учун биргина нав қонун бўлмай, балки сизнинг тирикчилик ва одатингизга мувофиқ алоҳида сиз учун нафлик қонунлар ёзилур. Шариат ҳам кўчма ва чўл мусулмонларининг урф ва одатлариға кенглик бергандир. Сиз ўйламангки, турғун халқи ва ё шариати бизни қисадур. Йўқ, билъакс, сизга кераклик одатларингизни сизга қолдириб, сиз учун, сизнинг зиёли вакилларингиз учун-да бошқа-бошқа қонун тузалур.

Ҳатто Туркистондаги баъзи уезд ва шаҳарлар учун алоҳида қонунлар тузалур. На учунки, ҳамманинг тирикчилиги бир эмасдур. Яҳудий ва христианлар учун-да бошқа қонунлар тузалур. Ҳар бир халқнинг одат ва мазҳабиға рия қилинур. Хулоса:

мухториятни миллат мажлиси ҳар бир халқнинг нафани кўзда тутуб, қонун чиқарар. Агарда сиз, қозоқ биродарлар, турғун халқдан ажралиб, ўзга мухторият қилурмиз десангиз, мундан сиз-да ва турғун халқ-да зарар кўрар ва, эҳтимолки, иккинги-га-да мухториятдан насиб бўлмас, азбаски куч таралур.

Бобонгиз Чингизнинг машҳур насиҳати бор, у ўз ўғуллариға қилиб эдики, бирлашингиз. Масалан, бир даста таёқни бирга боғласангиз, кимса синдирилмас. Агарда ажратсангиз, бирин-бирин ҳар ким синдулар. Мана, бобонгизнинг буйруғи.

Чироғларим! Бошқа халқлар, масалан, серблар, италянлар, арманлар, славянлар, поляклар ва бошқалар, ҳатто, дунёнинг у бир учидаги қариндошлари ила бирлашур эканлар. Бошқа катта ва қувватли давлатларга тобе бўлуб, ютилиб, ҳатто тилини йўқотган ўз жинсдошларини ажратиб олиб, бирлашмоқға жон ва кучларини сарф этар эканлар, биз ўз ичимиздаги қариндошларимиздан айрулсак, уятдур, аҳмоқликдур. Турк томуриға болта урмоқликдур.

Онгли қозоқлар ўйласинлар, тарихга қарасинлар, зиёли қозоқлар, Оврупонинг ихтилоф солиб, миллатларни ажратмоқ сиёсатиға ва икки юзлигига қарасунлар эди. Бирлашгон Туркистон халқининг бўлунмоқиға ўзимиз сабаб бўлмасак эди. Барча ихтилофчилар ва бошқалар-да, албатта, зарар кўрарлар ва алар ила баробар татарлар-да, биз-да мундан зарар кўрурмиз ва ихтилофимизнинг жазосини тортармиз. У кунларимизда йиғлармиз, аммо фойда этмас.

Чироғларим, бирлашайлук! Кўрасиз, бу кунги руслар-да бирлашмоқдадурлар. Энди бирлашмоқ замонидир. Агарда сиз айрулсангиз, туркман қариндошлар-да айрулса, Туркистон турклари уч ерга бўлиниб кетар ва барчаға мухториятдан насиба чиқмай қолур. Еттисувдаги мусулмон қариндошларга ҳам айта-тургон сўзим шулдур.

Андаги христианларға келгунча, алар билсунларки, Еттисувда кўп бўлсалар-да, бутун тевааракларини мусулмонлар айлан-тириб олгон ва аларнинг-да бизнинг мухториятға қўшилмоқлари, албатта, ўзлари учун лозим бўлғонидек, Туркистоннинг бошқа жойларидаги руслар учун-да фойдалиқдур. Чунончи, алар қўшилса, миллат мажлисинда рус аъзолари кўпаюр. Бизнинг

мухториятимиз жорий бўлгондан сўнгра, Етгисув русларнинг қўшулмасликлари асло мумкин эмасдур.

Ёлгуз сиз ила биз эмас, бутун Русия мусулмонларининг бирлашмоқлари шаръан ва ақлан фарздур.

«Ваътасимуу биҳаблиллаҳи жамиъан вала тафаррақу»²¹⁶ тангрининг сўзидур. Бошқа газеталарнинг кўчирмаклари рижо ўлинур.

«Хуррият». 1918 йил 26 январь

ҒАЛЛА, АСКАРЛИК, ЕР ВА ТАЗМИНОТИ ҲАРБИЯ

Тошкандда бўлатурғон маориф қурултойиға қўшулмоқ учун Самарқанд «Анжумани маориф» жамияти тарафидан бормоқчи эдим. 15 июлда Самарқанд мусулмон шўросиға бориб, Тошкандға бормоғимни билдуриб, агарда ғалла тўғрисида менга бирор иш топшурилса, бар жой кетуришимни ифода этдим. Мусулмон шўроси ҳам ғаллаларнинг забт ва қўлга олинишиға эшитиб, фойдали билиб, сўнгра ман билан Тошканддаги Ниёзуф отиға мандат (ваколатнома) бердилар.

16 июлда Тошкандға кирдим. Йўлда, вагўнда одам кўблиги учун ўтуруб бордик. Анда бориб, Ниёзуф билан бирга ҳозирги Туркистон ҳукуматининг раиси Тоболин афанди ҳузуриға кирдик. Ва ушбу тубандаги масалалар тўғрисида сўйлашдук:

1) ғалла; 2) аскар олиш; 3) тазминоти ҳарбия; 4) ер ва сув масаласи.

Ҳозирғи ҳукумат ва ҳам Туркистон мусулмонларининг нафи нуқтаи назаридан юқоридаги масалалар хусусинда эътидол ва осон йўллари кўрсатиб, таклиф этдим ва ўзимни йигирма йиллик муҳаррирлик ва журналистлик, 25 йил халқ ишиға аралашиб ва бир неча дафъа саёҳат этиб, дунё ва мусулмон, хусусан, Туркистон мусулмонларининг тирикчилигиға ҳосил этган таж-

²¹⁶ Қуръон Карим. 3:103. «Ва барчангиз Оллоҳнинг арқонига (Қуръонга) боғлангиз ва бўлинмангиз!»

рибам юзасиндан хулоса ва холисан ватан ва Туркистоннинг тинчлиги номига бир хейли таклифотда бўлдум. Туркистоннинг ҳозирги дохийий ва хорижий душманлари аҳволини ва халойиқнинг аҳволи руҳия ва эътиқодия ва маишиясига биров бўлса ҳам аҳамият бермак ва риоя қилмоқ кераклигини билдирдим.

Тоболин афанди бу сўзларга аҳамият бергандек кўрунди. Ниёзуф билан Жўрабоев афандилар ҳам ҳозир эдилар ва маним сўзларимни таҳийя этдилар. Юқоридаги масалалар тўғрисида таклифларимнинг хулосаси шу эди:

1. Ғаллани тамоман ва ўзига заруридан бошқасини ҳукумат бутун ўз қўлига олиб, ғалла олиш ва сотишни, ғалла бозорини, ҳатто, хусусий нонвойхоналарни манъ қилмоқ ва бу ҳақда лойиҳа тузмак учун мамлакат озуқа комитетлари тарафиндан съезд чақирилғон экан. Бул тўғринда маним таклифим шу бўлдики, бозор очиқ бўлсун, аммо вилоят ва уезддан ғалла чиқорилмасун ва омборларнинг ғалла олиши манъ қилинсун. Такса (қатъий баҳо) асло бўлмасун. Фақат ғалла эккан деҳқонлар бир ботмон экилган ердан тўрт пуд ғалла такса юзасиндан берсунларким, бу ҳам аввало дафтар бўлуб, сўнгра берилсун.

2. Аскар масаласидирки, бу ҳар нарсалин муҳим ва мунинг умумий бўлуши лозим. Аммо мусулмонлар ҳануз шунга ўрганмаган ва ҳам дохийий фитначилар қора халқнинг фикридан фойдаланиб, эҳтимолки, баъзи бир фитналарга сабаб бўлсалар. Ва ҳам номаълум ва сиёсатан фикри билкулли нотўғри кишилар қўлига яроқ ўтуб, эҳтимолки, кутилмаган ёмон ҳодисалар пайдо бўлса. Шунинг учун таклиф қиламанки, то халқ ўрганиб, биров аҳвол ўзгаргунча умумий аскар олинмай, кўнгилли тариқинда тарғиб ва ташвиқ билан ҳам халқнинг аҳволига қараб олинса эди. Чунки...

3. Тазминоти ҳарбия масаласидирки, бу Туркистоннинг ҳар ериндин зиёда Самарқандда ҳукм сурди ва Самарқанднинг бойлари бошқа жойлардан оз бўлса ҳам рус, яҳудий, мусулмонлар ёлғиз Самарқандда саккиз миллиён қадар тазминот ва уч миллиён қадар очлиқ солиғи бердилар ва бу қаторда баъзи камбағал ва паст ҳолли кишилар ҳам жабр кўрдилар. Мунинг тақсими устинда баъзи бир одилсиз ва инсофсиз кишилар туруб ривват-хўрликлар ҳам бўлиб ўтди. Хулоса: ҳар ҳолда Самарқанддин янгидин тазминот олинмаса эди. Чунки ҳозирда маишпат ва сиёсат

осоишталикни талаб этадур. Халқ ҳам очлиқ ва қимматчилик ва шунга ўхшаш оғирлиқлардан ҳориган ва асабийлашгандур. Ақча керак бўлса, бошқа йўллар билан солиғ тариқинда тўпланмоғи мумкиндуру.

4. Ернинг тақсими масаласидурки, баъзи бир уездларда агарчи кичик деҳқонларники бўлса-да, тақсим қилинмоқчи ва балки тақсим бошланибдур. Баъзи бир кичик деҳқонларнинг ғалласини ҳам тамоман забт қилмоқға қарор берилубдур. Ҳатто биргина тош тегирмони бор кишиларнинг тегирмонини забт қилмоқға қарор қилингон жойлар ҳам бор экан. Ҳолбуки, бул бобда ҳануз Марказий Туркистон ҳукуматидан бир амр йўқ экан. Шунинг учун бу ишларни Марказий ҳукуматнинг чиқаргон қонунидан сўнгра қилинса эди. Мана ушбу ишлар ҳам ҳозирги ҳукуматнинг сиёсатиға зарарликдур. То таъқиқланиб Туркистоннинг умумхалқи ва ери статистиқ ҳисоби-ла рўйхатда бўлиб, қонуний бир қарор чиқарилгунча кичик деҳқонларнинг ва кичик тегирмон ва кичик корхона ва устахоналарнинг «национализация»си (ёинки тақсими) мавқуф қолдурилса эди. Ҳолбуки, Туркистонда, бохусус бизнинг Самарқандда ери кўб киши ниҳоятда оз бўлуб, ерлар аксарияти ила деҳқон ва майда мулкдорлар қўлиндадур.

Ҳозирги ҳукуматнинг раиси Тоболин афанди билан музокарамиз икки дафъа бўлуб, бир соатдин зиёда сузулди. Тоболин афанди юқоридаги масалаларнинг муҳимларини ёзиб олиб, яхши ваъдалар берди. Ғалла иши съездда бўлур, деди. Самарқандда аскарларнинг кўнгилли равишда олинишиға ва янгидин тазминот олинмаслигига ва ҳам ер тақсимини мавқуф қолишиға фикри борлигини сўзлади. Ва бу тўғрида тадбирлар кўрарға ваъда этди ва ҳозирги тақсимнинг нотўғрилигини сўйлади. Самарқанддаги доираларға бул тарзида қоғоз юбормакни ҳам ваъда этди. Хулоса: сўзимни яхши англади ва яхши қаради. Ман шундан билдимки, маъқул сўзни болшевик ҳукумати эшитар экан, айб ўзимиздаки, қўшулмаймиз ва узулуқ юриймиз.

Ғалла тўғрисидаки, ишни тамом этмак учун Ниёзуф билан «Туркистон арзоқ²¹⁷ қурултойи»ға бордук. Кўб музокара ва сўзлардин маълум бўлдики, бир қисм аъзоларининг фикри шулки:

²¹⁷ Арзоқ – озиқ-овқат

Туркистон бутун ғаллаларни эгасининг ва деҳқонларнинг ўзига кифоя қилатурғон овқатиндан бошқасини бир ерда жамлаб, сўнгра ҳар кимга муқаррардек бир қадоқдан ё кўб ва ё оз бермакчи ва бутун ғалла бозорини, ҳатто хусусий нонвойхоналарни беркитмакчи эканларки, бу ишларни аввалдан «реализация» номини эпитгандан маълум бўлуб эди. Мунинг Туркистон аҳлининг маишатиға тўғри келмаслиги ва ғаллаларнинг ер остиға кириб кетиши, Бухоро ва бошқа тарафдин келмаслиги, хулоса: нарх ниҳоятда кўтарилиб, камбағалларға ва, балки, бутун халойиқға зарар ва машаққат бўлурға муни бир неча дафъа такса тайинлаганда натижаси кўрулди. Агарда ғалла олинмоқчи бўлунса, уйлар ва ҳовлилар ахтарилиб, маъмурлар билан халқ орасинда баъзи кутилмаган ҳодисалар чиқиб қолса ажаб эмасдур.

Хулоса: кўб сўйлагандан сўнгра бизнинг таклифимиз бироз ўзгартирилиб, икки кунги мажлисдан сўнгра шул равишда қабул қилинди ва қонун бўлди. Чунончи, бир десятина (яъни тўрт таноб)ғача экин эккан киши ҳеч нима бермайдур. Бир десятинадан ўн десятинағача (экканлар) ҳар десятинасидан тўрт пуддан берадур. Ўн десятинадан 50 десятинағача экканлар ҳар десятинасидан саккиз пуддан, юз десятинадин ортуқ экканлар ҳар бир десятинадан 6 пуддан, 50 дан бир юз десятинағача экканлар ҳар десятинадан саккиз пуддан, юз десятинадан ортуқ экканлар, ҳар десятинадан 10 пуддан берарлар. Ва бу олингон ғаллалар муфт-текин олинмайдур, балки такса тайинланиб, пул тўлаб олинур. Ушбу таклифим унга мақбул 37 кишининг товуш ва икки кишининг бетарафлиги ила қарор берилур. Нархига келгунча ихтилоф бўлди: қилгон таклифим пудиға 40 сўм эди. Бошқалар 30 сўмдин 15 сўмғача таклиф этибдурлар ва эҳтимолки, ҳар вилоятнинг таксаси бошқа бўлса ва маҳаллий шўроларға такса иши ҳавола қилинса. Мана биродарлар, Тошкандға бориб қилган ишимиз шудур. Бу майда-чуйда ғаллаларни розилик билан берсак керак. Ўшандоқ омбордорларнинг ғалла олмоқидин ўзларини сақламоқлари керакдур. Чунки омбордорларнинг ғалласини, эҳтимолки, тамоман забт қилинса.

Маним юқоридаги таклифим бутун Туркистон учун қабул қилинди ва, ўз фикримча, туркистонли ватандошларимнинг буни жон ва дилдин қабул этиб, тезлик билан беришлари лозим-

дур. Агарда умумдан ғаллани олмоқиға қарор бўлинса эди, ман халқнинг устиға мусаллат бўлатурғон кулфат ва оғриқдин ниҳоятда қўрқар эдим. Ҳар кимнинг уйи ахтарилур эди ва, балки, ёмон ҳодисаларға сабаб бўлуб, моли ва жон кўб зарар бўлишини ўйлардим. Лекин, алҳамдулиллоҳ, бу таклиф қабул қилинди ва Туркистон учун миллиардларча зарар ва, балки, андоза фикриямиз ҳам ташқари зарар ва кулфатларнинг йўлини бу таклиф ва қарор боғлади. Агарда умум тарафидан бу таклиф ва қарор яхшилик билан қабул этилиб, кам ва зиёдасиз ижро қилинса, ўзимни хушбахт санар эдим. Муҳтарам уламо ҳазрати ва аҳли фикр бу таклифни аҳли халқға тушунтуруб тездан ўрунға келтурмоқликнинг нафини халойиқға англатсалар эди. Шуни ҳам билмак керакким, бир десятина, яъни тўрт танобғача экилган ғалладан ҳеч бир нарса олинмайдур. Мева ва бедазор, ер олмаси (картошка), сабзи ва бошқа шуларға ўхшаш нарсалин олинмай, фақат ғалла, яъни дон экилган ерлардан олинадур. Туркистоннинг баъзи ерларинда бир десятина 4 таноб ва баъзи ерларда 6 таноб ҳисобланадур. Аммо ҳозирғи қоидаға десятина ҳисоби ила, яъни бир таноби 300 саржин ҳисоблаб олинур. Бир таноб 400 саржинлик жойлар бир ярим танобға бир пуд ғалла берарлар. Бир десятина 3400 мураббаъ саржиндир.

Фикримча, лозимки ҳар даҳа ва қишлоқ учун махсус комиссия сайлануб, ҳар кимнинг неча таноб ерда нима эккани, аввало рўйхати ва ўлпон солиқ дафтаридек рўйхат бўлуб, уезд комиссариятининг ва бу тўғридаги алоҳида бош комиссиянинг мустақкам этишидан сўнгра ғаллани йиғиштуруб, ҳар бир деҳқонға махсус дафтарда босма санад берилса эди, токи хиёнат бўлмасун. Албатта, бу иш тўғрисида ҳар уезд ва вилоят учун алоҳида бош комиссия тайинланса лозим. Ҳар бўлуствнинг ғалласи ўзинда тўпланиб, керакинча бошқа жойларға олинур.

Биз ҳозир бўлғон Тошканддаги Туркистон ўлкаси арзоқ қурултойиға ҳар уезд шўроларидан уч нафардин киши чақирилғон экан. Сирдарё ва Фарғонадин бир неча нафар мусулмон бор эди. Аммо бизнинг Каттақўрғон, Хўжанд, Жиззах ва Самарқанд уездиндин биргина нафар ҳам мусулмон йўқ эди. Демакки, ҳануз халқимиз уйқуда бўлуб, ўз нафи ва зарури учун қайғурмай, болта келгунча кундадек ётадур. Устиға бир юкни қўйғондан кейин

«дод» деюрга ул вақтда иш ўтган бўлур. Бу ёмон одатни ташламоқ керак. Замон бошқа замондур.

Тошканднинг барча расмий комиссариат ва ҳукумат доиралари ҳозирда қайнайдур. Ҳар биринда Туркистон учун закўн (қонун) лойиҳалари тузилмоқдадур. Бир неча мажлисга каминани таклиф этдилар. Баъзисиға боролмадим. Мусулмон тилини русий ҳукумат тили этмак мажлисиға ва ҳам Туркистон учун миллий комиссариатлар қонунининг музокараси мажлисиға бир неча дафъа бордим ва лойиҳалари боб-боб ўқулуб, бизнинг таклиф ва тасҳиҳларимиздин баъзиси қабул қилинди. Агарда одам бўлса, миллат нафиға ишланатурган ишлар кўб экан.

Туркистон мактаб ва мадрасалари, вақф ва қозихоналар учун лойиҳалари тузилмакдадурки, бизнинг аҳли фикр ва донишларимизнинг иштирок этмаклари лозимдур. Мусулмон шўроларимизға вожибдурки, шундай ишлар учун одам-делегат талаб қилинғонда салоҳиятлик ва муносиб кишиларни сайлаб юборсалар. Ҳозирги ҳукуматга одам керакдурки, муни иш устундагилар ҳам сезибдурлар. Чунончи, ҳукумат аъзоларининг бир мажлисинда Эрон ва Афғонистон давлатлариға кўнсул юбормак масаласи қўзғолуб, баъзи рус ва мусулмонлар бу хизмат учун мани муносиб кўруб юбормакчи бўлғонлар эканки, ман буни эшитиб, нохушлигим учун сафар машаққатини кўтара олмаслигимни баён этдим.

Зотан, мен мактаб ва мадрасалар учун бўлатурғон қурултойға борган эдим. Йўлларнинг боғланғони учун қурултой мавқуф қолди. Бовужуд шул бул тўғридаги комиссияга бордим. Мадрасалар программасини кўруб, биров енгиллаштирмоқға таклиф этдим. Чунки мутасаввар програмдаги дарсларни мадрасаларға киргизмак билан ундай дарсларни айтатурғон мударрислар йўқдур... Фаннинг ибтидоий таълимини кўрмаган кишига ўрта ва олий қисмини мадрасаларға киргизуб таълим бермакдин фойда чиқмайдур. Охиринда шуни мааттаассуф иқрор этаманки, сиёсий, илмий, маиший ва аскарый йўлларда замон биздин кўб ишлар талаб этадур ва бу ишлар учун замонамиз мусоиддур. Аммо бизда ишлайтурғон одам ниҳоятда оз ва бори ҳам ишламайдур ва, ёинки, эгри кетадур. Бу фурсатлар ўтганларидек ўтуб кетар, сўнгра пушаймонликдин бошқа қўлда бир нарса қолмас,

масалан, ҳозирда аскарый ва илмий ишлардан қочамизким, бу бир боланинг мактабдин қочғонининг ўзгинасидур.

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Меҳнаткашлар товуши». 1918 йил 2 август. №14

ТАШАККУР ВА ЭЪТИРОЗ

Каминани Самарқанд маориф комиссарлигига Самарқанд мусулмон шўроси сайлаб эди. Баёни узр этдим. Қабул қилинмади. Бир неча вақт қўлимдан келганча ишладим. Мактаблар тўғрисида баъзи лойиҳалар ёзиб топширдим. Охири безгак ва оёқ оғруғи ва ҳам йилнинг қийматчилиги важҳидан рўзгор ва деҳқончилик ишларимнинг кўблиги ва бошқа бир неча сабаблардан комиссарликдан истеъфо бердим. Яна қабул қилинмади.

Мунинг устинда Тошканддан телеграф билан муҳтарам мусулмон маориф қурултойи бутун Туркистон маориф комиссарлигини қабул этишимга таклиф этибдурки, манга айтган эътимод ва чин занларига қат-қат арзи эҳтиром этгандан сўнгра касал ва нохушлигимни узр мақоминда баён этиб, телеграм бердим. Яна ушбунинг ила баёни узр ва ташаккур этиб, маъзуримнинг қабул этилмагини рижо этарман.

Маҳмудхўжа Беҳбудий
«Меҳнаткашлар товуши». 1918 йил 27 август. №20

МУНДАРИЖА

Нашрга тайёрловчидан	3
----------------------------	---

Туркистон халқининг миллий ғаҳрамони

Беҳбудийни таниш	4
Таваллуд ва интибоҳ	7
Режалаштирилган сиёсий қотиллик	13
Ходимул миллат	37

Бадий асарлар

Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли	95
Оқ елпоғичли чинли хотун	106
Бир аъмо боланинг ҳасрати	109
Бир вафолик заифани ҳусусида ҳикоя	110

Ижтимоий-сиёсий ва маърифий мақолалар

III Думанинг аладдуои эҳтиром мусулмон фракцияси рижолӣ мужоҳидлари мажлисларина	137
Иккинчи Дума фракцияси исломиянинг хизмат олийларина «Ифода»	138
Туркистонда ислоҳот	148
Лойиҳа-проект	151
Лойиҳа-проект	153
Лойиҳа-проект	154
Турк адами марказият (федералист) фирқасининг маромномаси	156
Турк адами марказият фирқасининг низомномаси	162

Турк адами марказият (федералист) фирқасининг	
маромнома ва низомномаси.....	165
Самарқанддан келган мактуб.....	166
Илмнинг фойдаси ҳақида.....	170
Ал-назар аш-шаръи «Дурадгорлар рисоласи»нда мактуби	
фосид ақида хусусида.....	174
Илмнинг фойдаси ҳақида.....	178
Илмнинг фойдаси ҳақида.....	182
Сайловлар ҳақида.....	186
Илмнинг фойдаси.....	188
Илмнинг фойдаси.....	191
Сайлов ҳақида.....	192
Сайлов ҳақида.....	192
Сайланган мансабдор шахсларнинг тасдиқ қилиниши ҳақида.....	196
Сайланган мансабдор шахсларнинг тасдиқ қилиниши ҳақида.....	199
Мусулмонларнинг ҳаж сафари ҳақида.....	201
Мусулмонларнинг ҳаж сафари ҳақида.....	203
Самарқанддан мактуб.....	205
Самарқанддан мактуб.....	206
Самарқанддан мактуб.....	209
Самарқанддан мактуб.....	212
Жуғрофия илми.....	214
Жуғрофия илми.....	216
Петербургда янги бино бўладурган мусулмония жомеъ	
шарифи хусусида.....	222
Самарқанддан мактуб.....	225
Мунтахаби жуғрофия.....	228
Самарқанд усули жадид мактаби хусусида.....	230
Ҳуррият – озодий – свобода – эркинлик.....	233
Туркистон генерал-губернатори Самарқандда.....	236
Самарқанддан мактуб.....	240
Самарқанддан мактуб.....	243
Государственная дума – миллат мажлиси хусусида	
«Самарқанд» ахбороти.....	246
Государственная дума – миллат мажлиси хусусида	
«Самарқанд» ахбороти.....	249
Государственной дума вакиллари хусусида.....	252
Государственной дума вакиллари хусусида.....	255
Самарқандда усули жадид мактабини имтиҳони хусусида.....	262
Самарқандда усули жадид мактабини имтиҳони хусусида.....	265
Государственной дума вакиллари хусусида.....	269
Муҳтарам Аъзамжон Муҳаммад Иброҳимга.....	271
Ибрат.....	271

Миллат вазифаси	273
Миллат вазифаси	276
Ҳақиқат ҳар тарафдан зуҳур эдар	278
Хайрул-умури авсатуҳо	280
Дума ва Туркистон.....	285
Ислоҳи таҳсил	289
Таҳририятга мактуб.....	293
Фарғона хотиралари	296
Қадрдоний.....	300
Шукрон ва хизмат.....	301
Петербург жомеъ шарифи	303
Самарқанд мактаби ҳақида.....	305
Самарқанд мактаби ҳақида.....	309
Баёни ҳол	311
Баёни маъзират	313
Самарқанд фузалолари	315
Абул Ало ал-Мааррий	318
Самарқандда мусулмон пристави	321
Иймон ва ислом	325
Граф Пален Самарқандда.....	326
Тарих ва жуғрофия	329
Туркистонда мактаб лисони.....	334
Фазлуллоҳ афандига жавоб	338
Самарқандда ислоҳи русум мажлиси	342
Эҳтиёжи миллат	344
Бухорода усули жадида	349
«Ал-лузумиёт» китоби.....	352
Янги мактаблар масаласи тўғрисида тавзеҳ	356
Самарқанд китобхона ва мутолаахонаи исломиясининг 1908 йил ҳисобномаси	361
Тарихи қавми туркий	362
Самарқанддан мактуб.....	364
Оҳ ва ҳасрат	365
Мактаблар ҳақида.....	371
Мактаблар ҳақида.....	373
Маълумини аълом ёхуд Петербург масжидининг истили	376
Амир Дониёлнинг қабрдан ёзмиш мактуби	378
Муҳораба нима бўлди?.....	381
Эҳтиёжи миллат	384
Эдирна	387
Миллатлар қандай тараққий этарлар	389
«...Уф»	391
На учун элитфот этмайдурлар?	393

Ийди саъид	394
Икки эмас, тўрт тил лозим	396
Майда қара	398
Туркистон	400
Шердор мадрасаси	402
Таҳсил ойн	405
Миллатнинг бошчиси туллоб ул-киромға	406
Қонуни Оврупо	408
Миллатға мурожаат	410
Омолимиз ёинки мурудимиз	412
Фавқулодда такфир	416
Бизни ҳоллар ва ишлар	416
Идорадан жавоб	419
Оҳ, бонкалар бизни барбод этди	419
Ёшларға мурожаат	421
Муҳтарам «Туркистон вилоятининг газети» идорасиға	423
Тарих ва жуғрофия	424
«Садойи Туркистон» – «Садойи Фарғона»	429
Мақтабларға рухсат олмоқ тариқаси	432
Ўқувчиларға ёрдам керак	434
Муҳтарам вакилларимизға	437
«Туркистон тарихи» керак	437
Муҳтарам ёшларға мурожаат	439
Ҳожи афандилар диққатина	441
Арзи эҳтиром	441
Батанпарварлик керак	442
Ионат керак, кўнгулли аскар керак	445
Жуғрофия қавоиди ҳақинда савол	447
«Шарқ оқшоми»ндаги нутқ	450
Бизни кемиргувчи иллатлар	452
Бухоро аморати	455
Ёрдам керак	460
Ҳадиси шариф мушрик гўшти ҳақинда	463
Бухоро воқеалари ва дафъи туҳмат	467
Муҳтарам самарқандийларға холисона арз	471
Баёни ҳақиқат	474
Қарорнома	476
Таҳрири нуфус Русияда	477
Марказий шўромизда	479
Мурожаатнома	482
Ҳақ олинур, берилмас	483
Самарқандда миллий ишлар ҳақинда	486
Очлик балоси	488

Бизга ислоҳ керак	491
Туркистон мухторияти	493
Туркистон мухторияти	495
Қозоқ қариндошларимизга очиқ хат.....	497
Ғалла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия	500
Ташаккур ва эътироз.....	506

МАҲМУДХУҶА БЕҲБУДИЙ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

I

жилд

Нашр учун масъул: Саидмурод ХОЛБЕКОВ
Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ
Бадиий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ
Мусаҳҳиҳ: Отабек БОҶИЕВ

Нашриёт лицензияси: АИ №134, 27.04.2009
Теришга берилди: 05.12.2014 й.
Босишга рухсат этилди: 25.06.2018 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆.
SchoolBook гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Ҳисоб-нашриёт т.: 23,92. Шартли б.т.: 28,36.
Адади: 1000 нусха.
Буюртма № 33

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди ва чоп қилинди.
100156, Тошкент ша'ри, Чилонзор тумани, 20^а-мавзе, 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77.
e-mail: akademnashr@mail.ru
web-site: www.akademnashr.uz